

МАМАТҚУЛ ҲАЗРАТҚУЛОВ

КЎККЎЛ

Ҳикоялар, қиссалар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2005

10 30975
383

Ҳазратқулов Маматқул


Кўкжўл: Ҳикоялар ва қиссалар.— Т.: «Шарқ», 2005.— 352 б.

Севги ва садоқат, муҳаббат ва вафо, ишонч ва эътиқод, самимият ва эзгулик... Инсонларни, айниқса ёшларни бир бирига боғлайдиган туйғулар.

Ёзувчи Маматқул Ҳазратқуловнинг ушбу китобидан жой олган қисса ва ҳикоялар қаҳрамонлари ана шу пок ва эзгу туйғуларни сақлаш, шунга муносиб бўлиш учун интиладилар. Зеро, муҳаббати кучли одам ҳамиша олийжаноб ишларга қўл уради, хоинлик, нопоклиқдан ҳазар қилади.

Азиз китобхон! Китоб қаҳрамонлари Сизнинг қадрдонингизга, дидакташ суҳбатдошингизга айланади, деган умиддамиз...

ББК. 84(5У)6





ҲИКОЯЛАР

ЧЎЛИ ИРОҚ

Муҳаббат эрини уйғотмоқчи бўлиб уйга кирди-ю, мириқиб ухлаётганини кўриб фикридан қайтди. Ширин уйқусини бузгиси келмади. Астагина стулга ўтирди. Бахтиёр худди ёш боладек пиш-пиш қилиб беозор ухларди. Унинг ораси очиқ қалин қошлари пирпираб қўяди. Муҳаббат эрининг қошларига термулиб, ўйлади: «Мунча ораси очиқ. Эскиларнинг гапида ҳикмат кўп. Қошларининг ораси очиқ йигитлар узоқдан уйланади, уларнинг кўнгли ҳам очиқ бўлади, деганлари рост экан. Бўлмаса, бу киши қаёқда эдию, мен қаёқда эдим. Етти ухлаб тушимга кирмаган... У-чи? У ўйлаб-дими менга уйланишни?»

Уларнинг тўйи ўтганига эндигина бир ой бўлди. Тўйдан олдин бир-бирига жуда яқин, сирдош эдилар, ҳатто тортинмас, унча-мунча гапларни бемалол айтишарди. Никоҳ кунидан бошлаб иккаласининг ҳам кўнглида ғалати бир кайфият туғилди. Бир-бирига кўринмас ишлар билан чамбарчас боғланганини ҳис қилганлари сари уялиш, тортиниш туйғулари жўш урарди. Ёлғиз қолган кезлари куёвнинг ҳам, келиннинг ҳам тилига сўз келмас, гўё бир-бировини энди кўраётгандай жим ўтиришади. Онда-сонда айтиладиган гаплари ўзларига ҳам эриш туюлади. Қизиқ, нега шундай экан? Тўйдан олдин эса иккови икки ёқда қачон бирга бўлишни, мириқиб суҳбатлашишни, бир-бирининг дийдорига қонишни орзу қиларди. Висол онларида бири қўйиб, иккинчиси гапга тушарди. «Севасизми?». «Севаман». «Сиз-чи?». «Мен ҳам». Шу каби бир хил сўзлар қайта-қайта такрорланар, аммо на йигитнинг, на қизнинг гашига тегмас, аксинча, яна эшиттиси, яна сўрагиси, яна эшиттиси келарди.

Энди-чи? Қизиқ, нега энди бунақа? Йўқ, улар бир-бирига тўйиб қолгани йўқ! Ошиқ-маъшуклик йўриғи бўлак экан. Унда бирга бўлишларига қанчалик ишон-

салар-да, бари бир ҳали амалга ошмаган ширин орзу эди бу. «Ютганим ўзимники, чайнаганим гумон», деган гап бор. Никоҳ бу гапни уларнинг кўнгилларидан чиқариб ташлади. Йўқ, ўзаро қандайдир «ётсираб» қолиши бунданмас. Улар ҳамон бир-бирига ташна, ҳамон интиқ. Фақат эндигиси бўлакча... Никоҳ ҳар кимнинг ҳам ҳаётини бошқа изга соларкан. Негадир одам ўзини салобатли, вазмин сезиб қоларкан. Олдинги шўхликлар, ҳазил-ҳузуллар энди...

Муҳаббат эрининг юзларини, сочини оҳиста силай бошлади. Бахтиёр кўзини очди. Юзлари сутта чайилгандай оппоқ, шунданми, қош-кўзлари яна ҳам қорароқ кўринган фариштасифат Муҳаббат ўтирипти. Унинг ипакдек майин қўллари Бахтиёрнинг силлиқ юзларини силади. Бир тутам қуёш ёғдуси саҳнадаги балеринани қувлаб юрган прожектор нуриддек унинг юзига тушиб турибди. Келин-куёв бир-бирига унсиз узоқ термудди. Кейин кўзлар бир-бирига яқинлашди, яна ва яна яқинлашди...

Муҳаббат оҳиста бошини кўтарди. Унинг юзлари лоладек қизариб кетган. Эрининг кўзларидан кўзини олиб қочиб, унинг юзига астагина шапатилади. Бу шапатининг таъсирини на куёв сезди, на келин.

— Ёмонсиз, — деди Муҳаббат.

— Сен яхшисан, — деди Бахтиёр.

Иккаласи ҳам унсиз жилмайишди.

— Турмайсизми энди.

— Ҳали вақтли шекилли... Бугун дам олиш-ку.

— Шундай бўлсаям-да... Битта-яримта келиб қолиши мумкин.

— Ким ҳам келарди? Ҳамма ўз иши билан овора ҳозир.

— Билиб бўладими? Ахир ҳар якшанба кимдир келади-ку, эсингиздан чиқдими, — деди Муҳаббат кулиб. Чиндан ҳам тўйларидан кейин уларникига ҳар дам олишда биров келарди. Гоҳ келиннинг уруғларидан, гоҳ куёвнинг қариндошларидан, ёки уларнинг тўйига келолмаган дўстлари муборақбод этгани келишарди. Шунга уларнинг ўзи ҳам кўникиб қолишган, бирор якшанба меҳмон келмаса, нимадир етишмаётгандай туюларди.

— Ҳа-я, рост айтасан. Саккиз яримнинг концерти-ми? Ёз қизиқ-да, соат саккизда чошгоҳ бўлиб кетгандек кўринади. Қишда шу пайтда тонг отмаган бўларди ҳали.

«Энди Турғун Алиматов ижросида сатода «Чўли ироқ»ни тингланг». Дикторнинг эълони Муҳаббатнинг диққатини тортди.

— Тўхтанг, Бахтиёр ака, эшитайлик шу куйни. Жуда яхши чалади-да.

Сато тилга кирди. Бахтиёр шифтга термулиб ётар, Муҳаббат эрининг найзадек ўткир, узун ва қалин киприклари қуршаб олган жуда тиниқ, ҳаётидан манмунлик сезилиб турган чақноқ кўзларидан нигоҳини узмайди, аммо ҳаёли паришон. Сато торлари инграр, гоҳ ҳазин, гоҳ баланд пардада нола қиларди. Гоҳо нафаси етмай қолиб, дами ичига тушиб кетгандай, бир сония жим бўлиб қолар, лекин орқада — худди тоғлар акс садо қайтаргандай унинг ноласи зириллаб турарди. Мусиқа гўё аста-секин киши юрагига кириб борар, унинг пардасини ҳозир... ҳозир йиртиб юборгудай бўларди.

Муҳаббат ўзини тамоман йўқотиб қўйган, юраги ёниб адо бўлаётган шам мисоли титраётганини сезмасди. У ҳали умрида ҳеч кўрмаган жойларни ҳозир шу тобда ҳаёл кўзлари билан яққол кўриб турарди: Ана, поёнсиз саҳро, қум, қум... Иссиқдан оёқ куяди. Карвон кетидан бораётган ўн етти яшар соҳибжамол қизнинг мадори қуриган. Тили танглайига ёпишади. У бор кучини тўплаб «сув» демоқчи бўлади, лекин тили айланмайди, у жуда овир, худди шишиб кетгандай. Атрофда бирон жонзот йўқ. Олдинда кетаётган нортуя бўйнидаги қўнғироқнинг майин, юракни эзувчи саси келади қулоққа. Саҳро — нон ёпишдан олдин оқартирилган тандир. Бу тандирга бордию илоҳий қудрат бир томчи сув ташласа, киприк қоққунча ўтган фурсатда қуриб қолади. Туя арқонига боғланганича бораётган гўзалнинг оппоқ юзлари иссиқнинг зўридан бўғриқиб кетган, тўқ жигарранг тусга кирган. Энди лоақал кўзини очишга ҳам қуввати етмайди.

Тонгги шабнамдек беғубор бу гўзални тақдир қаёқларга олиб кетмоқда? Уни кимларнинг шафқатсиз

панжаси остига ташлайди. Буни ким билади? Ҳеч ким! Ҳеч ким!

О, шўрлик қиз! Не кўргиликлар бор сенинг бошинг-да! Қандай жафолар кутмоқда сени. Мадорсизлик, ташналик қизнинг ҳаёлларини алғов-далғов қилиб юборади. «Қачон етамиз? Қаерга борамиз? Муштипар онам, дасти калта отам! Қайларда қолдингиз?..» Лекин буни ҳеч ким билмайди, унинг қисмати оғир, йўли йироқ. Жуда йироқ... қум, қум, қум...

Куй ўтмишдаги ана шу ғам-ғусса ҳақида сўзламоқчи бўлади, лекин гапиролмай йиғлайди. Бу ғамни ҳатто сато торлари ҳам кўтаролмай ўпкаси тўлиб кетади. Инграб, эзилиб йиғлайди, йиғлайди. Бахтиёрнинг юзига иссиқ бир томчи тушди. У шарт хотинига қаради.

Муҳаббатнинг хиёл қисик, аммо ҳар қандай юракни бир кўришдаёқ ўртовчи тимқора кўзларига ёш тўлган, киприклари орасидан сизиб чиқарди.

— Сенга нима бўлди, Муҳаббат?

Муҳаббат ёшли кўзларини жавдиратиб эрига термулди-ю, индамади, гапирмади.

— Сенга айтаяпман? Нима гап ўзи? — Бу сафар Бахтиёрнинг овозида бир ўктамлик зоҳир эди.

Муҳаббат чуқур хўрсинди.

— Куйи шундай бўлса ғамнинг ўзига

Қандай чидай олган экан одамзот?!

— Қўйсанг-чи, азизам, ҳар куй эшитганингда бунақа эзилаверсанг, ўзингни ўзинг адо қиласан-ку.

— Йўқ, Бахтиёр ака, — Муҳаббат эрининг сочларини меҳр билан силади, — ҳамма куйга ҳам йиғлай-вермайман. Биласиз-ку, «Чўли ироқ»ни яхши кўраман. Шу куйни эшитишга ўзимнинг ҳам юрагим йўқ, безиллаб қолганман. Лекин чалганда ўчириб қўёлмайман, эшитмай туриб кетолмайман, журъатим етмайди.

— Бўлди! — Бахтиёр чаққон сакраб турди ўрнидан. — Одам деган бунақа пессимист бўлмайди. Ярашмайди! Қани, чой-пойингни олиб кел!

Бу — Бахтиёрнинг хотинига бошқа эркаклар каби буйруқ оҳангида илк гапириши. Буни Муҳаббат ҳам сезди, лекин у қадар эътибор бермади. Қачондир, бир кун бориб шундай бўлишини биларди.

Ўша куйи кечгача Бахтиёрнинг чиройи очилмади, кўнгли ғаш бўлиб юрди. Муҳаббатнинг йиғлагани сабабини ўзича таҳлил қилар, турли ҳаёлларга борарди. «Нега бунча эзилди у? Йиғидан ўзини тутолмади. Нега? Хўш, куйни яхши кўрса нима бўлибди? Мен ёмон кўраманми? Ёки шунчалик тошбағирманми? Йўқ! Куйни яхши кўрган одамнинг ҳаммасиям йиғлайвермайди-ку. Бирон сабаб борки, йиғлайди, эзилади шунчалик. Эҳтимол, шу куй билан боғлиқ бир гап бордир? Албатта, менга айтармиди...» У ўйлаган сари ҳаёлига турфа фикрлар келар, гўё излаган нарсасини ҳозир топадигандек туюларди: «Балки ҳув анави гапи бекор-гамасдир: «Қандайдир бир ашулачими-ей, созандами-ей менга уйланмоқчи бўлиб юрарди. Лекин ота-онам унга икки дунёда ҳам бермасди. Ўзим-ку ўлдирса ҳам тегмасдим». Эҳтимол, бу билан қўрққан олдин мушт кўтарар қилгандир. Ҳарқалай бир гап бор. Ўзи эрта-лаб, ўрнимдан турмасимдан келиб эркаланишидан юрагим шиғилловди-я. Хотин киши ё ёмон туш кўриб чиқса, ёки ҳаром йўлга қадам қўйса, ҳеч бўлмаса олдинги жазманини ўйлаб юраги сиқилса, эрини эркалашга, унга суйкалишга тушади, дейишарди. Шу гап ростга ўхшайди. Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Одамлар минг йиллик тажрибаларидан кейин бир хулосага келадилар.

Бу фикрлар Бахтиёрнинг ичини сичқондек кемирар, юраги гупиллаб урарди. «Хотин зотининг энг содаси ҳам айёрликда тулкига дарс беради». Буларни ўйлаган сари қайсидир ўртоғидан эшитган ана шу гап ёдига келар ва унга ўзини ўзи ишонтирарди.

Бахтиёр важоҳатини босолмади. Ҳозир хотинини чақириб, очиқ-ойдин гаплашиб олмоқчи бўлди. «Темирни қизигида босган маъқул».

— Муҳаббат!

Ошхонадан Муҳаббатнинг овози эшитилди.

— Лаббай.

— Менга қара... Буёққа кел!

Муҳаббат кирди. У пешбанд тутиб олган, қия қилиб ўралган ялтироқ рўмоли ярашиб турарди. Муҳаббатнинг ёноқлари иссиқдан қизариб кетган, қайрилма

қошлари қалдирғоч қанотидек ингичка, қуралай кўзлари ўтдек ёниб турарди. Рўмоли остидан тошиб чиқ-қан қоп-қора сочлари оппоқ бўйнида эркаланиб ётарди. Қоронғу жойдан бирдан ёруққа чиқса одамнинг кўзи қамашади. Бахтиёр ҳам шундай ҳолга тушди. У ҳозиргина ўтин чўғидек ёниб, куйиб турувди. Муҳаббат билан юзма-юз бўлди-ю, кўзи жимирлаб, дами ичига тушиб кетди.

О, гўзаллик! Сенинг олдингда кимлар тиз чўкмаган! Не-не баҳодир паҳлавонларни лол қолдирмагансан? Сенинг меҳру сеҳрингга не-не азаматлар асир бўлмаган!

— Чақирдингизми? — Муҳаббатнинг табассуми Бахтиёр қалбидаги алангага сув сепди. У хотинига қараб туриб симобдек эриб кетди.

— Ҳа, чақирувдим. Гугурт борми?

— Гугурт, ҳа, бор. Мана, — у пешбандининг чўнтагидан олиб берди.

— Раҳмат...

* * *

— Бахтиёр уйга келса, Муҳаббат йиғлаб ўтирибди.

— Яна нима бўлди?

— Ҳеч нима. Ўзим шундай.

— Яширма мендан, бари бир билиб оламан. Кейин хафа бўласан.

— Нимани яшираман сиздан, Бахтиёр ака. Эшит-япсизми, музика, «Чўли ироқ».

Бахтиёр баттар тутоқди.

— Эшитаяпман. Шунинг учун сўраяпман. Хўш, «Чўли ироқ»ни яхши кўрсанг нима бўпти? Шунга йиғлайсанми? Ахир бир марта бўлмаса, икки марта бўлмаса... Ҳар доим шу аҳвол. Турмуш қурганимизга бир йил бўлаяпти-ю ҳамон ўша куйни эшитсанг йиғлайсан. Бўлди-да, энди.

— Турмуш қуришимизнинг нима алоқаси бор бунга. Илгари ҳам шунақа эди. Бундан кейин ҳам...

— Демак... куй замирида кимдир бор. Уни эшитганинга ўшани эслайсан... «Чўли ироқ» яхши куй эмиш. Билдик яхшилигини...

— Бахтиёр ака! Нималар деяпсиз? Наҳотки... наҳотки мени...

Муҳаббат ўзини Бахтиёрнинг кўксига отди.

— Алдама мени. Лақиллатаман деб ўйлама. Сен ўйлаган лақмалардан эмасман.

Муҳаббат кўзларида филт-филт ёш билан эрига термулди.

— Ўтинаман сиздан, бунақа фикрларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Ахир бу мен учун ҳақорат-ку. Сиздан бўлак бирон киши ақалли қўлимни ушлаган бўлса, тил тортмай ўлай!

— Қасам ичма!

— Ишонмасангиз нима қилай ахир? Ҳеч нарсани, ҳеч кимни эсламайман. Билмадим, нимага ундай? Шу куйни эшитсам юрагим сиқилиб, йиғлагим келаверади...

— Бўлди. Бас қил куй-пуйингни.

Муҳаббат пиқ-пиқ йиғлар, ўзини босмоқчи бўлгани сари баттар ўпкаси тўлиб келарди. Бахтиёр айвонга чиқди-да, сигарет тутатди.

* * *

Куни билан Бахтиёрнинг кайфияти бўлмади. Юраги хижил, кўнгли хира. Бошлиғидан эшитган дашноми ярага туз сепгандай бўлди. Ишхонадан эртароқ чиқди-да, буфетга бурилди. Одатига қарши у ердан бир стакан арақ олиб ичди. Газак ҳам қилмади.

Ўйга келса хотини ҳали ишдан қайтмабди. Қоронғи тушиш палласини — ғира-ширани ёқтирмасди у, юраги сиқилиб кетади. Шунинг учун ҳовлида ўтиролмади. Ичкари кириб ечинмасданоқ каравотга чўзилди. Ётган жойида сигарет тутатди.

Радиода концерт бўлаяпти. «Энди «Чўли ироқ»ни тингланг». Бахтиёр радиони ўчирмоқчи, суғуриб олиб ҳовлига иритмоқчи бўлди. Лекин қандайдир куч, ирода уни бу фикрдан қайтарди. «Радиода, куйда нима айб. Ўчирганим билан...» Сигаретни босиб-босиб тортаркан, куйнинг сеҳрли тўрига илиниб қолганини — берилиб тинглаётганини ўзи ҳам сезмасди. Сатодан таралаётган мунгли куйни сигарет тутунига қўшиб ичи-

га ютаётгандай, бу оҳанг юрак пардаларини зирилла-
таётгандек бўлди. Энди куй садолари ичидан эшити-
лаётгандай туюлди.

О, сеҳрли куй! Неча асрлардан буён қанча-қанча
одамларнинг юрагини зирқиратасан? Не-не тошбағир-
ларни мумдай эритмадинг! О,буюк халқ! Она халқим!
Сенинг бетимсол даҳонгга таъзим! Минг бор тасанно!
Шу куйларинг, шу сеҳркор мўъжизаларинг бўлмаган-
да, фарзандларинг ҳам шу қадар мулойим, одамохун,
бағри кенг бўлармиди! Минг бор қуллуқ сенга, она
халқим!

Куйнинг кўз илғамас тўри Бахтиёрни маҳкамроқ
сиқиб борарди. У нигоҳини бир нуқтадан олмай туб-
сиз ўйга ғарқ бўлди. Китобларда ўқигани, киноларда
кўргани, раҳматлик буvasидан эшитганлари — ўтмиш,
ғамли, аламли ўтмиш кўз олдига келди. Куй ўша узоқ
мозий ҳақида, унинг юракларни силқитувчи дардлари
ҳақида йиғлаб, фарёд солиб ҳикоя қиларди. Олисдан,
жуда олисдан кимнингдир нолакор, аммо шиддатли,
исёнкор, мардона овози чалинди қулоғига:

*Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,
Кийди мотам тўнанию, бўлди қадди ҳам дупто.*

Эшик қарс очилиб Муҳаббат кирди. Чироқни ёқди.
У эрининг бу аҳволда ётганини кўриб қўрқиб кетди.

— Сизга нима бўлди?

Бахтиёр гапирмади. Фақат «жим» дегандек қўлини
кўтарди-да, радиога ишора қилди. Шундагина Муҳаб-
бат куйни эшитди. У эрига қаради. Қаради-ю унинг
кўзларида электр нурида ялтираб турган ёш томчила-
рини кўрди. Бу ҳол уни ҳайкалдек қотириб қўйди.
Куй тинди.

— Сизга ярашмас экан, — деди Муҳаббат оғир тин
олиб. Бахтиёр индамай ўрнидан турди. Секин келиб
хотинини қучоқлади. Юз-кўзларидан ўлди. Бу бўса-
лар Муҳаббатга ҳаммасидан — тўйдан олдинги ўғрин-
ча бўсалардан ҳам қайноқроқ, меҳрлироқ туюлди.

1977 йил.

СЕВГИ СОЗИ

*Ва шаббода қурғур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг тотини.*

Ҳамид Олимжон

Келишилган вақтдан ҳам ўн беш дақиқа ўтди. Нега келмаяпти? Узоқ эмас, ана ишхонаси.

Нигоранинг юраги рашлана бошлади. Бекатнинг одам камроқ томонига ўтди. Қулоқнинг пардасини йиртгудек момақалди роқ гумбу рлади. Ҳозиргина чараклаб турган қуёш юзини булут қоплади. Нигора соатига қаради: етти ярим. Унинг қўксид а нимадир узилгандай чим этди. Юрак уриши тезлашди. Бир жойда туролмади, секин у ёқдан бу ёққа юра бошлади. «Ишхонасига кириб чиқсаммикан. Тинчликмикан ишқилиб?... Икки соатча бурун ўзи телефон қилди-ку. Тўй масаласини гаплашиб оламиз, деди. Энди эса... қўнғироқ қиламан...» У телефон-автомат томон юрди.

— Ало, Фарҳод ака...

— «Нима»?

— Нега чиқмаяпсиз?

— «Вақт йўқ!».

— Вақт йўқ? Нега, ахир...

— «Вой мунча чўздингиз гапни. Вақт йўқ, дедим-ку. Ўртоқларим кеп қолишди».

— Шуни шундоқ чиқиб айтиб қўйсангиз бўларди-ку. Бугун тўй масаласини...

— «Хотин зотини эзмалигини ёқтирмайман-да. Бунча ҳовлиқмасангиз! Бир кун бўлади-да шу тўй. Тўйсираб қолмасангиз бунча!.. Бошқа куни гаплашамиз, хайр!».

Телефон дастагини илгакка осдими-йўқми — билмайди. Унинг хаёллари пардай тўзғиди. Сумкасини қўлтиғига қисганча бир-бир босиб борар, қаёққа кетаётганини ўзи ҳам билмас эди.

Чақмоқ чақди. Нигора чўчиб тушди. Бирдан ён-атрофига аланглади, хаёлини йиғиштириб олди. «Қаёққа

кетаяпман, кимнинг олдига боряпман?» Хиёбон четидаги скамейкага ўтирди. Ҳозиргина рўй берган воқеалар тушидами-ўнгидами кечганини бир лаҳза англай олмади қолди. Еру-осмон қоп-қора тус олди. Нигора ўрнидан турмоқчи бўлди, аммо туролмади, узоқ ётган бемордек ҳолсиз, мадорсиз эди. Фарҳодни, у билан илк танишганини, учрашувларини эслади. Қандай бахтиёр дамлар эди. Наҳотки, уларнинг ҳаммаси энди ўтмишга айланса. Унинг шунча гаплари, шунча ваъдалари ёлғонми? Одамзот шунчалар субутсиз бўладими? Яна йигит киши-я! Наҳотки? Ҳар гал учрашганимизда хаёл қиладиган орзуларимиз, ниятларимиз пучмиди? Шунча орзу-ҳавасларни, ваъдаларни фақат ўзининг қабих ниятига етиш учун қилганмиди? Шу қадар пастликка, тубанликка борадими? Ёки ўзим шунчалар гўл, овсарманми? Унинг сўзлари ёлғон, ваъдалари пуч эканига ақлим етмадими, лаққа тушдимми? Бу мумкин эмас! Фарҳод ака унақамас... У ҳолда бугун нега унақа қилди? Ўзи чақириб, ўзи чиқмади. Уртоқлари келса нима қилти. Учрашадиган жойимиз шундоқ бурнининг остида эди-ку. Чиқиб шунақа бўп қолди, деса ёқасидан олармидим... Неччи ойдан бери ана совчи боради, мана совчи боради, деб келади. Йўқ, бу ерда бир гап бор... «Хотинларнинг эзмалигини ёмон кўраман, бунча тўйсираб қолдингиз...» Нима дегани бу? Хотин! Ахир мени...У ўкириб йиғлаб юборди, ўзини тутолмади. Юз-кўзларини рўмолчаси билан беркитиб йиғлар, бутун вужуди қалт-қалт титрар эди. Йиғлаган сари ичидан алам, ўртаниш бостириб келар, бу туйғулар кўз ёшларига айланиб сизиб чиқар эди...

Январнинг ўрталари. Ҳали кўчалардан, трамвай-троллейбуслардан янги йил шиорлари олинмаган. Дўконларнинг ойналаридаги совға кўтарган қорбобо расмига болалар ҳавас билан термулишади. Одамларнинг кайфиятини ҳам байрам руҳи тарк этгани йўқ.

Нигора учрашувга сал кечикиб келди.

— Қизларнинг одати йигитларни куттириш эканда,— деди Фарҳод жилмайиб. — Яна бироз келмасангиз музлаб қолардим.

— Ҳечқиси йўқ. Сиз унча-мунчага музламайсиз, Борди-ю музласангиз ўзим эритиб оламан.

— Мени эритишга нафасингиз етармикан?

Нигора ҳам бўш келмади.

— Шу қадар қаттиқ эмасдирсиз.

Кулишди.

— Йўқ, унчалик қаттиқ эмасман, — деди Фарҳод қўлидаги тўрхалтага ишора қилиб. — Мана эриб келдим.

— Нима ҳаракат?

— Биласизми, Нигорахон, бир таклиф бор. Йўқ деманг.

— Қани, аввал эшитайлик.

— Совуқни кўриб турибсиз. Бу совуқда киноям унча ёқмайди. Хўп десангиз бир жойга борамиз.

— Қаерга, билсак бўладими?

— Менинг бир ўртоғим бор...

— Туғилган кунгами?

— Бердисини айтгунча уриб ўлдирманг. Ўша ўртоғим уйининг калитини менга бериб кетган. Ҳар замонда хабар олиб турарсан деб. Ўзи Москвага кетган, иш билан. Ҳеч ким йўқ, икковимиз гаплашиб ўтирамиз. Музика қўямиз. Майда-чуйда олганман, сиз овқат пиширасиз. Қани кўрайлик-чи, қанақа пазанда экансиз.

Нигора майин жилмайди:

— Мени синаб кўрмоқчимисиз?

— Синовмас-ку, ҳар ҳолда...

— Менимча, бу синовингиздан қийналмай ўтсам керак.

— Кетдикми?

— Қандай бўлар экан?

— Қандайи борми, жуда яхши бўлади-да, иссиққина уйда суҳбатлашиб ўтирганга нима етсин.

— Негадир оёғим тортмаяпти.

Фарҳод унинг қўлтиғидан олди.

— Қўйсангиз-чи, шунақа эскича гапларни. Ким айтади сизни замонавий қиз деб.

— Бировнинг уйига бориб ўтириш... Эгаси йўқ... қандайдир валатида.

— Юринг-юринг, — деди Фарҳод уни олдинга бошлаб, — биров эмас, ўз уйимдек гап. Бўлмаса менга калитини ишониб бериб кетармиди. Ёки гапимга ишонмаяпсизми? — У чўнтагидан калит олиб кўрсатди.

— Мана...

Ўртоғининг уйи Қорақамишда экан. Тўртинчи қаватда, уч хонали. Жихозлар, буюмлар чет элники, қимматбаҳо, хоналар ҳашамдор.

— Ўртоғингиз яхши турар экан. Бирга ишлайсизларми?

— Узумини енгү боғини сўраманг, Нигорахон. — Фарҳод тўрхалтадаги нарсаларни олиб столга қўя бошлади. — Бошқа жойда ишлайди. Бизнинг маошларга қаноат қиладиганлардан эмас бу...

Нигора уйни кўздан кечираркан сўради:

— Бола-чақаси қаерга кетган?

— Қизиқсиз-а, Нигорахон. Унинг бола-чақаси... йўқ, чақаси бор, боласи йўқ.

— Нега? — ҳайрон қолди Нигора. — Уч хонали уйда ёлғиз ўзи турадимми?

— Оббо, сизни боғчада тарбиячи десам, туппа-тузук терговчи ҳам экансиз-ку. Болалари бор эди, ҳозир йўқ. Хотини кетиб қолган. Ундан кейин, йўлини топган одам битта ўзи уч хонали эмас, тўрт хонали уй ҳам олаверади. Оғайним ана шгунақа йўлини биладиганлардан.

Нигоранинг юрагига аллақандай шубҳа соя ташлади. «Сен дўстинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман. Наҳотки? Йўғ-э, ундай бўлиши мумкин эмас...» У зимдан Фарҳодни кузатди. Йигит чаққонлик билан масаллиқ тайёрлар эди.

— Хўш, Нигорахон, нима овқат ясаймиз? Тергов тугади шекилли...

Нигора индамади. Оҳиста бориб радиоприёмник кулоғини буради. Концерт бўлаётган экан:

*Сен сози муҳаббатсан, гулшанда гули раъно,
Ишқингни кўча-кўйда юргувчи гадо қилма...*

Иккови биргалашиб димлама пиширишди. Фарҳод коньякни очди.

— Мен ичмайман, Фарҳод ака.

— Озгина-озгинадан.

— Барибир.

— Ҳув анави куни ичувдингиз-ку.

— Унда туғилган кунингиз бўлгани учун озгина ичувдим.

— Бугун ҳам жиндаккина, кўп эмас. Бусиз ғалати, нимадир етишмаётгандай кўринади. — Коньяк тўлдирилган биллур қадаҳни Нигорага узатди. — Қани, олинг. Сизнинг соғлиғингиз учун!..

Аста-секин қадаҳлар бўшади. Гап-гапга қовушди, қулфи диллар очилди. Юзлар лола рангини олди. Қайноқ бўсалар газак ўрнига ўтди. Бир-биридан ширин орзулар, хаёллар. Уларнинг чеки-чегараси йўқ. Тўйдан кейинги саёҳатлар... Улар ҳозир бетон уйнинг тўртинчи қаватида эмас, осмону фалақда, парқу булутлар устида, турфа орзулар оғушида эдилар.

Дунёда улардан бахтли, улардан шод одам йўқ эди гўё...

Нигора ўрнидан туриб сочларини тўғрилади. У йигитга қарай олмасди. Фарҳод ичкилик, севгидан саржуш.

— Энди нима бўлади? — Нигоранинг овози титраб чиқди. Йигит индамади. Қиз аста ортига ўтирилиб, унга қаради. Фарҳод нигоҳини бир нуқтага қадаганча миқ этмай ётарди. Унинг бу қадар бамайлихотирлиги қизнинг дилига шубҳа солди. У саволини яна такрорлади.

— Нима бўлади энди?

Фарҳод жойидан туриб ўтирди:

— Ҳеч нарса, — Негадир унинг товуши ҳиссиз, туйғусиз эшитилди. — Эртами-кечми, барибир бир кун бўладиган иш-да.

— Лекин ҳар ишнинг вақти-соати бор.

— Вақти-соати бугун экан-да, — деди Фарҳод илжайиб.

— Бугун эмас эди...

— Нима, менга ишонмайсизми? Бўлмаса нега рози...

Нигора ялт этиб Фарҳодга қаради. Унинг бу қарашида ҳайрат, ажабланиш, савол, айтиш чоғда нафрат мужассам эди.

— Фарҳод ака?!

Фарҳод қизнинг сочлари ёйилиб турган елкасидан кучди.

— Ҳазиллашяпман, жоним.

Қиз турган кўйи:

— Бу ерга олиб келишдан мақсадингиз шумиди?! Юрагим бир балони сезган эди-я.

— Қалбингга қулоқ сол, деб бекорга айтишмаганда.

Қиз йигитнинг қўлларини силтаб ташлади:

— Уялмайсизми?

— Асабийлашманг, азизим. Бу гаплар ҳазил. Сал кунлар илисин, совчилар боришади. Баҳорда тўй қиламиз. Хавотир олманг, ҳаммаси изига тушади.

Ўша гапга ҳам тўрт ой бўлди. Ҳамон совчилардан дарак йўқ. Қайтанга муомаласи ўзгариб бормоқда. Баъзан учрашувга ҳам келмайди, кейин турли баҳоналар топади. Олдинги ширинсуханлик йўқ, орзу қилишлар, хаёл суришлар камайган. Нигора Фарҳод билан ўтказган дамларини бирма-бир таҳлил қила бошлади. Унинг ҳар бир ҳаракатидан, гап-сўзларидан сунъийлик, ясамалик қидира кетди. Нега шу пайтгача эътибор бермадим? Одамнинг боши тошга теккандан сўнг кўзи очилар экан-да... Бугун бунақа муомала. Муддаоси нима? Наҳотки, мени лақиллатиб юрган бўлса?

Нигора ўзи билан ўзи олишар, томчилаётган ёмғирга ҳам эътибор бермас эди.

Оғир хўрсиниб ўрнидан турди. Ҳали вақт эрта эса-да, ҳаво айнигани учун қоронғу тушиб қолди. Нега боя индамадим? Шартта олдига кириб бориб, очиқ-равшан гаплашиб олсам бўларди-ку. Ниятингиз нима, деб сўрасам еб қўярмиди. Ўзим ўлгудай ланж, кўнглим бўш-да.

Ёмғир кучайди. Ҳаш-паш дегунча усти ҳўл бўлди. «Тезроқ уйга кетиш керак...» Бекатнинг соябони остида ёмғирдан паналади. Совуқданми, аламданми даф-даф титради. Икки кўзи автобус йўлида, лекин онда-сонда ўтиб қоладиган енгил машиналарни ҳисобга олмаганда, кўча жим-жит. Ҳатто қўрқинчли. Нигора нима қиларини билмай қолди. «Нариги кўчага ўтайчи, балки у ердан такси-пакси топилар».

Кўчани кесиб ўтаётган эди, бир машина олдига келиб қаттиқ тормоз берди. Фидиракларининг чийиллаганидан у қўрқиб кетди. Шофёр ойнадан бошини чиқариб бақирди:

— Ҳой, таъвия, кўзингга қараб юрсанг ўласанми?! Ёмғирда базўр тўхтатиб қолдим. Акс ҳолда, дабдаланг чиқарди. Сен-ку гўрга, аммо менинг бешта боламни Ойшахоланг боқадими.

У сўкина-сўкина машинасини юргизиб кетди. «Бугун нима жин урди мени... Эсон-омон уйга етиб олсам майли эди...»

Такси бекатига борди. Уч-тўрт киши навбат кутиб турибди. Такси йўқ. Тезроқ кела қолсайди, деб ичини

ит тирнайди. Бир томондан совқотиб кетди, иккинчи томондан, акаси бир тишини арра, бир тишини болта қилиб ўтиргандир. Мўлжалдан сал кеч қолса, ўша кунни Нигора сўроқу маломатдан қутулмайди. Фарҳод билан муносабатини акаси билмайди. Билса гўштини қийма-қийма қилади. Шу боис Нигора учрашувга кам чиқади, унда ҳам кундузи. Акасига ўртоғимникига бориб келаман, дейди. Ота-онаси унчалик тергамайди, қайтанга акасини сал босиб туришади. Бироқ акаси на отасию, на онасининг гапига қулоқ солади. Ҳадеб Нигорани суриштиргани-суриштирган. Қаерга бординг, қачон бординг, қанча ўтирдинг, қачон келдинг... «Бугунам акамдан эшитадиганимни эшитаман...»

Ниҳоят, унинг навбати келди. Такси бироз юргач, пулини тайёрлаб қўймоқ ниятида, сумкасини очди. У ёғини титкилади, бу ёғини титкилади. Пул йўқ. «Кундузи бор эди-ку... Тушликда мен тўламадим... Ҳа, дарвоқе, Ҳалима қарз олувди. Расво бўпти-ку. Энди нима қиламан?» У сездирмай ҳайдовчига назар солди. Ёшгина, келишган йигит. Тўғриси айтса кўнар. Уйдан олиб бераман, дейди-да.

— Кечирасиз,— деди Нигора тутилиб. — Пулимни йўқотиб қўйибман. Уйдан олиб чиқиб бераман.

Ҳайдовчи унга савол назари билан бир қаради-да, индамай йўлида давом этди.

Йўл четида турган икки йигит қўл кўтарди. Машина тўхтади.

— Юнусободгача...

— Чиқинглар.

Машина жилди. Кабинани бир зумда ароқ ҳиди тутди.

— Уф, хайрият-эй, — деди йигитлардан бири, — ётгунча одамни тоза хуноб қилди-да.

— Қаердан олиб келдингиз? — деб сўради ёшроғи.

— Ишхонасидан. Роса ичди ўзиям. Оёқда туролмайдиган бўлиб қолди. Базўр таксига солиб келдим.

— Фарҳод ака ўзи кейинги пайтда кўп ичадиган бўлиб қолди-да,— деди ёш йигит.

Фарҳод номини эшитиб Нигоранинг эти жимираб кетди. «Наҳотки, ўша бўлса, Фарҳод аканинг ўртоқларимикан?» У индамай йигитларнинг гапига қулоқ осди.

— Бир неча марта айтдим, мунча ичиш нима зарил сенга, дедим. Қаёқда, қулоқ солмайди, дардим кўп, билмайсан, дейди.

— Нима дарди бор экан?

— Э, гапда, ўзи соғ-саломат, бола-чақаси эсон-омон... Нигора устидан бир пақир совуқ сув қуйгандай сизди ўзини. «Хотини, бола-чақаси... Наҳотки, мени алдаб юрган бўлса...йўқ, булар бошқа одам ҳақида гапираяпти. Фарҳод ака унақалардан эмас...»

— Боя нима дейди-я, бир қизни яхши кўраман, шунга уйланмоқчиман, дейди. Эсингни йиғ, дедим, учта болангни ўйласангни, дедим. Ичиб олиб роса эзмалик қилди. Ҳозиргина кўнғироқ қилди, тўй масаласини гап-лашамиз, чиқинг деди, чиқмадим, дейди. Ичавериб мияси айниб қолганми нима бало. Қайси аҳмоқ қиз қараб турган экан бу кишимга тегаман деб...

Нигоранинг қулоқлари чиппа битди. Кўзлари кўрмай қолди. Еруосмон чирпирак мисоли айланиб кетди. Таксида кетаётганини ҳам унутди. Инграб юборди. Ҳайдовчи сизди, сизди-ю, совқотган шекилли, деб ўйлади. Нигора иродасини қўлга олди. Бутун кучини тўплади. Бегоналар олдида сирини фош қилишдан ўзини тийди, тия олди. Лекин шу лаҳзада унинг кўзига жамики эркак зоти ёмон кўриниб кетди. Орқада ўтирган икки йигит ҳам, ҳатто мана бу таксичи ҳам худбин, ёлғончи, мунофиқ. Булар ҳам кимнидир алдаган, бадном қилган... Нигоранинг назарида бутун ер юзини алдамчилик, разиллик, шахсий манфаат, шахсий ҳузур-ҳаловат ташвиши қоплаб олгандай эди.

Такси трамвай йўлидан ўнгга бурилди.

— Шу ерда бизни туширинг,— деди ёшроқ йигит. Улар тушиб кетишди.

Нигора миқ этмас, миясида турфа фикрлар гужғон ўйнарди. «Нима қилиб юрибман ўзи? Нега у ёқ-бу ёққа қарамадим? Шунчалар ҳам лақма бўладими одам деган! Бола-чақаси бор эркак билан... Унинг хотини, болалари олдидаям гуноҳкорман... Эҳ, каллаварам...

Мана сенга севги. Мана сенга тўй! Тўй эмиш, аза де, аза! Рост-да, бу кунингдан кўра ўлганинг яхши эмасми!».

У ўзи билан ўзи олишар, аммо овозини чиқаришнинг, дардини тўкиб солишнинг иложи йўқ эди.

Келажак, ширин орзулар ҳақида эмас, ёши бир жойга борган кампирлар каби ўтмиши, яқин ўтмиши борасида ўй сурарди. Бу ўйлар орасидан нурли тарафини тополмас, бир-биридан баттар дилини хуфтон этарди. Ўйлаган сари бир ҳақиқатга ишончи комил бўлиб борарди: гишт қолипдан кўчган, кўнгил пиёласи дарз кетган. Синиқ пиёла кимга керак!

Шофёр йигитга қаради. У икки кўзи йўлда, чапдастлик билан рулни бошқариб борарди.

— Уйланганмисиз?

Бу савол овзидан қандай чиқиб кетганини Нигоранинг ўзи ҳам сезмай қолди. Томдан тараша тушгандай берилган бу сўроқдан шофёр ҳам гангиб қолди. Ялт этиб Нигорага қаради.

— Йўқ, нимаиди?

Нигора ўзининг саволидан ўзи хижолат чекди.

— Шунчаки ўзим... Севган қизингиз борми?

— Бор, — деди ҳайдовчи йигит астагина.

— Чиройлими?

— Қайсидир китобда ўқиганман, ҳар кимнинг севгани ўзига энг чиройли кўринаркан.

Нигора индамай қолди. Бироздан сўнг яна деди:

— Астойдил яхши кўрасизми?

— Саволингиз қизиқ бўлди-ку.

— Менинг гапларимга ажабланманг, лекин сиздан илтимос, севган қизингизни бир умр севинг, ардоқланг. Ахир одам боласи, айниқса, йигит умрида лоақал бир одамни бахтиёр қилиши керак-ку. Бировни бахтсиз, бадном қилиш осон, бу ҳар қандай аҳмоқнинг ҳам қўлидан келади. Аммо ўзгаларга бахт ато этиш, буни ҳаммаям эплаёлмайди... — Унинг лаблари титраб кетди, йиғлаб юборди.

Ҳайдовчи Нигоранинг гапларидан, ҳолатидан ҳайрон. «Кўринишдан ёш қизга ўхшайди. Гаплари бунақа... Ким ўзи бу?... Пулим йўқ, дейди. Ўзи сувга тушган мушукдек шалвираб қопти... Йиғлайди... Қаёқдан келаяпти...»

Машина тор кўчага кирди. Рўпарадаги кўк дарвоза олдида бир киши сигарет чекиб турарди. Таксининг чирови тўғри унга тушди.

— Ана, акам туриптилар, — деди Нигора. — Ҳозир пулингизни олиб бераман.

— Керак эмас, — деди ҳайдовчи. Тезроқ ундан кути-
либ кетишни ўйларди.

Нигора таксидан тушиши билан акаси бақира кетди:

— Шу маҳалгача қаерда санғиб юрибсан, ярамас?!

— Ака, шошманг, пулимни йўқотиб қўйдим. Так-
сига пулини беринг.

— Тушиб қолган пулим йўқ. — У машинасини бу-
риб олаётган таксичига ўдарайлаб кетди. — Ҳали одам-
ларни текинга ташийдиган бўлиб қолдингизми? Шу-
нақа олижанобман денг. Сиз ҳам шу ернинг одамими-
сиз ёки осмондан тушганмисиз? Ер юзида бунақа са-
ховатли одамни кўрганим йўқ ҳали.

— Менга нима дейсиз, ака. Оддий таксичи бўлсам,
вазифамни бажардим...

Нигора зор қақшаб акасига ёпишди:

— Ака, ахир бу йигитга нега бақирасиз? Бу бечора
менга яхшилиқ қилди.

— Ўчир овозингни! Уйга кир! Уйда гаплашман
сен билан. — Таксичига юзланди. — Йўқол бу ердан!
Иккинчи қорангни кўрмайин бу маҳаллада.

Нигора пиқ-пиқ йиғлаганча дарвозадан ичкарига
кирди. Ҳайдовчи ҳеч нарсага тушунолмаб таксининг
бошини катта кўча томонга бурди: «Ғалати одам
экан-ку. Ҳа, майли, ҳар хил одам бор-да, бу дунёда.
Ҳали синглиси шўрлик ҳам эшитадиганини эшита-
ди...»

У машинасига қаттиқ газ берди. Катта кўчага чиқ-
қунча таксининг орқа чироқлари тор йўлакни қизғиш
нурлари билан ёритиб кетди...

Ёмғир тинган, майин шамол эсар, у булутлар гала-
сини ҳайдар эди. Кўшни кўчадан карнай-сурнай на-
воси эшитилди. Орқасидан йигитларнинг шодон қий-
қириғи осмонга кўтарилди.

Булар таксичи йигитга севги сози каби туюлди.
Шу тобда у севган қизини кўргиси, унинг сўзларини
эшитгиси келди... Машина рулини ўша қиз яшайдиган
маҳалла томонга бурди...

1984 йил.

СУЛТОН БИЛАН МАЛИКА

Султон кириб келганда купеда ёлғиз бир қиз ўтирарди.

— Йигирма олтинчи жой шуми? — У қизнинг жавобини кутмай дераза олдидаги кичкина столчага портфелини қўйди.

— Бир ўзингизми? — сўради қиз.

— Ҳа, сиз-чи? — Ҳозирча бир ўзим эдим, энди икковимиз, — кулди қиз.

«Шўҳакан-ку», хаёлидан кечирди Султон. Зимдан қизга разм солди. Унинг қошлари қўғирчоқникидек ингичка, мовий кўзларида ажиб бир дадиллик ва қувноқлик барқ уриб турарди. Қўнғироқ малла сочлари елкаси аралаш яғринига тушган, оч-сарик юзининг ярмини тўсиб олган эди. «Истараси иссиқ экан». Султон қизга гап қотди:

— Демак, бир купеда икковимиз?

— Ёмонми? — шарақлаб кулди қиз. Унинг кулги-сида аъло кайфият, бахтиёрлик аломати мавжуд эди.

— Тошкентга борасизми?

— Худди шундай, — деди қиз, — янглишмасам ўзлариям...

— Топдингиз.

— О, гапнинг «бердисини» айтмай туриб мақсадни англаб оларкансиз-а. Мабодо журналистмасмисиз?

Султон кулиб юборди. Унинг кулиши жуда ёқимли эди. Бу ажойиб кулгини ҳозирги суҳбатдоши ҳам пайкамай қолмади, албатта.

«Келишган йигит экан» деб ўйлаб қўйди қиз.

— Қип-қизил авлиё экансиз-ку!

— Демак, топдим, шундайми? Биласизми, нега тўғри топдим?

Мен журналистлар билан кўп муомалада бўлганман.

— Нима, Қаҳрамонмисиз?

— Йўқ-э, жуда ошириб юбордингиз. Мен ҳаваскор мухбир эдим. Мактабда ўқиб юрган кезларим тез-тез редакцияга бориб турардим. Хабарларим, баъзан шеърларим ҳам чиқарди газетада.

— Ҳозир ҳам ёзиб турасизми?

— Вақт йўқ. Институтга кирганимдан кейин ҳам бир-икки бордим редакцияга, кейин дарслар, имтиҳонлар кўпайиб кетди. Хуллас, журналистларнинг ха-

рактерини анча-мунча биламан-да. Уларни ярим психолог дейиш мумкин. Муомалага жуда уста бўлишади. Қизлар билан гаплашишга қолганда-ку, асти кўяверасиз, мутлақо суяги йўқ.

— Ўзингиз ҳам муомалада журналистлардан қолишмас экансиз,— деди Султон қизнинг тагдор гапларига ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, энди, «яхшиларга эргашдим топмадим зиён дерман».

Султон кулди. Қизнинг гапга бу қадар чечанлигидан, ҳозиржавоблигидан лол қолди. Унинг аскиясига аския билан жавоб бермоқчи бўлди:

— Аслида «қозонга яқин юрсанг қораси юқади», демоқчи эдингиз-а.

— Ақли бор одамнинг садақаси кетсанг арзийди.

Иккаласи барабар, кулишди. Проводникнинг овози уларнинг кулгисини ҳам, суҳбатини ҳам кесди.

— Билетларингни кўрсатинглар,— у билетларни кўриб берди-ю, — кўрпа-ёстиқ керак бўлса марҳамат,— деди. Купедан чиқа туриб қизга ишора қилиб Султонга кўзини қисиб қўйди.

— Менга қаранг,— деди Султон,— шунча суҳбатлашдигу танишмабмиз-а. — У қизга қўлини узатди: Султон.

— О, қаернинг султонисиз?

— Мана шу купенинг.— Бу гапни қандай айтиб юборди Султоннинг ўзи ҳам билмай қолди.

— Яхши,— деди қиз,— исмингиз жисмингизга монанд экан. Менинг исмим Малика.

— Оббо, хўп топишибмиз-ку! Купенинг султони-ман деб бекорга айтмаган эканман— да.

— Журналистсиз-да... Мая десангиз ҳам бўлаверадди. Ўртоқларим, мамашкам, таниш йигитлар ҳам шундай деб чақиривади, фақат папашкам Малика дейдилар.

— Иккаласи ҳам чиройли исм,— деди Султон. Аммо «таниш йигитлар» деганида негадир кўнгли ғалати бўлиб кетди. — Ҳа, айтгандай, қайси институтда ўқийсиз?

— ТошМИДа, гинеколог бўлмоқчиман.

— Журналистикага қизиқар экансиз, шеърлар ёзаркансиз, нега университетга кирмадингиз?

— Шунақа бўп қолди... Ундан кейин, журналист бўлиш ёки шеър ёзиш учун албатта университетда ўқиш шартми? Масалан, Чингиз Айтматов қишлоқ хўжалик институтини битирган, Вознесенский архитектура институтини ёки Чеховни олайлик.

— Чеховга ўхшаган врач-ёзувчи бўлмоқчиман дег.

— Йўқ, ундай эмас. Бундан кейин мен ҳеч нарса ёзмайман. Фақат врачлик қиламан.

— Қизиқ-ку.

— Нега энди? Киши битта қайиқни ушлаши керак. Икки қайиқда қўл чўзган одам ўртада ғарқ бўлади. Ғарқ бўлмаслик учун буюк талант бўлиш керак.

Маликанинг мазмундор, мулоҳазали суҳбати Султонда унга нисбатан ҳурмат уйғотди.

— Менимча, сиз ғарқ бўладиганлардан эмассиз.

— Ғарқ бўлмаслигим мумкин, — деди Малика. — Аммо иккала қайиқни барабар бошқариб ҳам кетолмайман. — Қиз икки қўли билан сочини орқасига селпиб ташлади. Пуштиранг кофтасини ечди. — Вагон исиб кетди. — Гулдор кремплин қўйлаги нозик, ихчам гавдасини сиқиб турарди. Бўртиб турган кўкраклари, кенг ёқасидан кўриниб турган оппоқ сийнаси Султоннинг дилига ғулу солди. У бир тамшаниб қўйди. — Костюмингизни ечинг, қизимадингизми? Галстугингиз мунча чиройли?! Дидингиз чакки эмас!

Султон костюмини ечиб, илгакка осиб қўйди. Сўнгра кўрпа — тўшак олиб келгани чиқиб кетди. Малика латта сумкасидан қимматбаҳо атир олиб, қулоқларининг орқасига, бўйнига, бурнининг икки қирроғига сурди. Стаканнинг оғзидек келадиган ойначага қараб сочларини тўғрилади.

Султон тўшакларни ўзи ўтирган жойга қўйди. Малика ўрнидан туриб табассум қилди. Унинг сарвдек тик қомати йигитни лоқайд қолдирмади. Маънодор йўталиб қўйди.

Султон Маликага ўрин солиб бермоқчи бўлди. Кўнглида у барибир рад этади, аксинча, менинг ўрнимни ҳам ўзи тузатиб берса керак, деб ўйлади. Бироқ Султоннинг ўйи сароб бўлиб чиқди. Унинг таклифига жавобан Малика:

— Марҳамат, қани кўрайлик-чи, бунақа ишларга қанчалик эвингиз келаркан, — деди.

Султон ўзининг таклифидан ўзи пушаймон чекди.

«Олифтагарчилик қилмай ўзингнинг жойингни солиб ётавермайсанми, баттол». У жой солиш, кўрпа йиғиш ишларига қовушмас, ётоқхонада ҳам каравотини наридан-бери тузатиб қўярди. У бир амаллаб аввал Маликага, сўнгра ўзига ўрин солди. Хижолатдан пешонасини тер босди. Дастрўмоли билан терини артarkan:

— Жуда исиб кетди-да, деразани сал очиб қўямми?— деди.

— Қўйсангиз-чи, баҳор бўлгани билан ташқари совуқ. Ўрин солишга уста экансиз, тажрибангиз зўрга ўхшайди. — Малика атир-упаларини сумкага жойлади. — Энди мен ётаман. Тескари қараб туринг, ечи-ниб олай.

У тор кўйлагини бошидан чиқара бошлади. Сочлари юзига тўзиб тушди, аммо кўйлаги тоза ечилмади.

— Вой, кўйлак бўлмай ўл-а. Иккаласиям ечилиб кетяпти-я.

Султон унинг гапини эшитмаганга олди. У тескари томон ёнбошлаб китоб ўқирди.

Малика тик турганича шошилмай сочини тузатди, кўйлагини тахлаб, сумкаси устига ташлади. Сўнгра ўрнига чўзилиб, крахмалланган оппоқ рўйжони кўкрагича тортди. Икки қўлини занжир қилиб, боши остига қўйди. Султон ҳамон унга қарамас, китобга термиларди. Уч-тўрт саҳифага кўз югуртирди, аммо биронта ҳам сўз миясида қолмади. «Нега бу қиз ўзини бунчалик эркин тутати? Мени биринчи марта кўраётган бўлса. Ҳалиги гапларидан роят мулоҳазали, андишали кўринган эди. Бу қилиқлари нимаси?»

Қиз Султон томонга ўтирилиб олди. Аммо кўзлар учрашмади. У ўйларди: «Бу қанақа йигит. Журналист ҳам шунақа ландавур бўладими? Мен таниган журналистлар жуда бало эди-ку. Қандай қилиб эриб, қучоғига кириб кетганимни ўзим ҳам сезмай қолардим.

Бу бўлса... Ўлгудай тупой экан-да. Бу бола ё ҳали бунақа нарсаларнинг мазасини билмайди, ёки яқинда уйланган». У мириқиб керишди. Оёқлари рўйжони қорнигача тушириб юборди. У қайта тортиб олмади. Чучур нафас олди, кўнгли ниманидир истарди. Аммо истаган нарсаси йўқлигидан дили ғашланар, юраги гупиллаб урарди.

«Журналистларнинг ҳам ҳаммаси бир хилда ҳароратли бўлмасакан-да. Мановига ўхшаган ҳиссиёлариям тиқилиб ётгандир. Мен бўлсам ўртоқларимга эрга тегсанг журналистга тег, деб юрибман-а». Қиз ўрнидан турди. Оппоқ, силлиқ оёқларини осилтириб ўтирди. Ич кўйлақда унинг қомати жуда хушбичим, гўзал кўринарди. Қалин сочини яланғоч елкаси узра кўли билан тараб қўйди.

— Менга қаранг, Султон.

Йигитнинг хаёли бўлиниб, ялт этиб қизга қаради. Кўз ўнгида тасодифан бир пари пайдо бўлгандек туюлди.

— Газетада ишлайсизми, журналда?

— Журналда,— деди Султон беихтиёр унинг қўш-ҳандалақдек кўкрагига термилиб.

— Яхши,— деди Малика. Бошқа гапирмасдан яна ўрнига чўзилди. Султон ҳам индамади, китобга тутинди. — Султон, нега ётмаяпсиз, турунг ечинмайсизми, кўйлақда исиб кетмаяпсизми?

— Мен биров китоб ўқимоқчиман. Ҳали эрта-ку вақт.

— Китобни уйда ўқийверасиз, ётиб дам олсангизчи. Қаранг, поезднинг юришини, худди аллалаётганга ўхшайди. Ҳа, айтгандай, уйланганмисиз?

— Йўғ-э,— кулди Султон.

— Юрадиган қизингиз бордир?

— Йўқ десам ҳам бўлади.

— Нега мужмал гапирасиз, конкрет айтинг.

— Очиғини айтсам, бир қиз билан бир-икки марта кино-пинога тушдик. Сўнгра учрашмай қўйдик.

— Нега?— сўради Малика. Ўзича ўйлади: «Туришинг шу бўлса қайси аҳмоқ қиз сен билан юрарди».

Султон нима деб жавоб беришини билмади. Чунки бунинг аниқ сабаби йўқ эди.

— Билмадим. Кечирасиз, мен бир чекиб келай.

— Ие, чекасизми,— деди қиз ўрнидан сакраб туриб.

— Вахлироқ айтмайсизми шуни. Олинг сигаретдан. Бирга чекамиз. Султон сигарет узатди. — Оҳо «ВТ»ку. Келинг шу ерда чекаверамиз.

— Жуда тутаб кетмасмикин? Проводник билиб қолса гапириши мумкин.

— Э, қизикмисиз, проводник қотиб қолди аллақачон, кечаси билан ўтирармиди. Купеда икковимиздан бошқа ҳеч ким бўлмаса, тутаса нима қипти. Деразани сал очиб юборамиз, олам гулистон.

Султон ноилож ўтирди. Чекишди. Малика йигитнинг жундор, кенг кўкрагига, бақувват елкаларига суқ билан тикилди. У Султоннинг катта кўзларини, бир-бирига туташ қоп-қора қошини синчиклаб кузатди. Йигит термилган сари унинг ичида ғалати бир туйғу хуруж қиларди. Гўё ана шу туйғуни босиш учун чекаётгандек сигарет тутунини чуқур-чуқур тортарди. Султон эса қизга қарамасликка ҳаракат қилар, унинг нотаниш йигит олдида ийманмай ички кийимда ўтиришидан ҳайрон бўларди. Иккаласи ҳам миқ этмади. Султон сигарет қолдигини деразадан улоқтираркан:

— Шамоллаб қолмасайдингиз, елкангизга бирон нарса оласизми,— деди. Султон аслида Маликанинг совқотишини ўйлагани йўқ, балки қизнинг бундай ўтириши унга жуда эриш туюлар, сира ҳазм қилолмасди.

— Қўяверинг, шамолламайман. Негадир бутун вужудим ёниб кетяпти.

Султон ёстиққа ёнбошлаб, яна китоб ўқишга киришди. Малика сигарет қолдигини ташлаш баҳонасида ўрнидан турди. Купе эшигига ўрнатилган ойнага ўзини солди. Сочини тузатди, қўлларини кўтариб, гавдасини орқага ташлаб, узоқ керишди. Йигит унинг ҳаракатларини сезиб турса-да, қарамади. Малика устини ҳам ёпмасдан, ўзини жойга ташлади. Чуқур уҳ тортди.

— Чироқни ўчириб, ётсангиз-чи, энди.

Султон, «эҳтимол чироқни ўчирмаганимга уйқуси келмаётгандир», деб китобни ёпди. Туриб, кўйлагини ечди. Қиз эса киприклари орасидан унинг ҳаракатларини кузатарди. Султон қизнинг ҳақиқдай товланиб ётганини кўриб, вужуди ғалати бўлиб кетди. Қизга ҳазил қилмоқчи бўлди.

— Мая,— деди биринчи марта. Бу сўз қизнинг қулоғига ёрдай ёқиб тушди. — Жудаям чиройли экансиз.

Мана шу бир оғиз сўз Маянинг етмиш икки томирига қон бўлиб кирди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Лекин йигитнинг гапига жавобан ҳеч нарса демади. Кўзини ҳам очмади. «Энди ўзига келяпти шекилли.

Йигит киши ҳам шунақа совуққон бўладими». У Султоннинг яна бирон нарса дейишини кутди. Аниқроғи, ёнимга келади, ҳазиллашади, деб ўйлади. Бироқ Султон бошқа бир оғиз ҳам гапирмади. Индамай ўрнига чўзилди. Чойшабга боши билан бурканиб олди.

Маликанинг ҳафсаласи пир бўлди. У бир-икки марта у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Йўталди, ух тортди, томоғини қоқди. Султон ётган жойидан қайта турмади. Аксинча, йигирма минутлардан кейин унинг майин, беозор хурраги эшитилди. Буни қиз ўзига нисбатан ҳақорат, деб тушунди. «Мени менсимади чоғи. Э, менсимаса ундан нари, мен ҳам зормасман шу лапашангга. Келгани билан қўлимни ҳам ушлатмасдим». Шу аламли хаёллар билан ухлаб қолди.

* * *

У кўзини очганида тонг отган, вагон деразасидан қуёш нури тушиб турарди. Султон столчага суянганича китоб ўқиб ўтирарди. Малика ўтирган ҳолда кўйлагини кийди, сочини тузатди, сочиқни елкасига ташлаб чиқиб кетди. У ювиниб қайтиб кирганида Султон ўрнини тахларди. Сумкасидан пардоз анжомларини олиб ишга киришди. Султон сочиқу чойшабларни бир чеккага йиғиштириб қўйди. Галстутини олиб, ойнага қарамай бовлади.

— Қалай, яхши дам олдингизми? — сўради қиздан. Малика юзига упа сура туриб, раҳмат, деди. Унинг бугунги ҳолати кечаги Маликага сира ўхшамасди. Кеча ёқимли, майин гапираётган қизнинг сўзи бугун негадир терс эшитилди.

— Мана, Тошкентга ҳам яқинлашиб қолдик, — деди Султон. — Адрес алмашсак, балки бундан кейин ҳам кўришиб турармиз. Анча дўстлашиб қолдик.

— Ҳожати йўқ, — деди кескин.

Султон кулди. Қизнинг ҳаракатларини кузатиб, яна сўради:

— Нега энди?

— Сизда юрак йўқ. Мен қалбсиз одамлар билан гаплашмайман.

Йигит қизнинг пичингини тушунди, аммо ўзини гўлликка солди.

— Юраксиз одам тирик юра оладими?

— Мен биологик юракни айтаётганим йўқ. Унақа юрак чумчуқда ҳам бор.

Қизнинг бу гапи Султоннинг етмиш икки томири-ни тикондек зирқиратди. Ўзини тиёлмади.

— Юрак бор, деб кўрганга очиб ташлайверадами? Инсон ҳамиша яширин нарсага ўч бўлган. Илгари йигитлар қизларнинг юзини бир кўриш учун ойлаб орқасидан юришган. Ҳозир эса қизлар йигитларнинг олдида ички кийимда ҳам ўтираверади.

— Нима бўпти? Замон шунақа.

— Балки буни тараққиёт дерсиз, маданият дерсиз?

— Бўлмасам-чи?

— Кечирасиз, бу тараққиёт ҳам, маданият ҳам эмас. Қолаверса, буни замонга тўнкаш ҳам нотўғри. Замон-ни баъзи бетаъсирлар бузаяпти.

— Нима, менга шама қияпсизми?!

— Ўзингизга нам тортманг. Ибтидоий жамиятда одамлар бир-бирига сиз айтгандай муносабатда бўлишган. Шарм-ҳаё деган нарса бўлмаган. Улар маданият-лимиди? — Султон қизишиб кетди. Гарчи, одатига қарши бўлса-да, сигарет тутатди. У ҳеч маҳал нонушта қилмай чекмасди. — Маданият деганда нафосат, гўзал-лик, ҳаё — ҳаммаси жамулжам бўлади. Сизнинг мана бу гапларингиз, бегона йигит олди-да ички кийимда ўтиришингиз маданиятми? Тараққиётнинг белгилари-ми?

— Мен билан ишингиз бўлмасин. Ўргилдим сиз-дақа насихатгўйдан,— жеркиб берди Малика. Кейин ўзича тўнғиллади. — Ёшини сўрасанг йигирмадан энди ошипти-ю, гапини қаранглар, чолга ўхшайди. Яна жур-налист эмиш.

Султон индамади. Босиб-босиб сигарет чекди. Қиз деразага ўтирилиб ўтирди.

— Қани, пастелларни топширинглар,— деди про-водник келиб. — Ў-ҳў, ҳаммаёқни тутатиб юбориб-сиз-ку, ука.

Малика деразадан нигоҳини узмай гапга аралашди:

— Бу киши маданиятнинг энг учига чиққанлар. Шунинг учун купеда ҳам чекаверадилар.

Проводник «нима гап, тинчликми?» дегандек, Сул-тонга қошини учирди. У елка қисди. Проводник ҳай-рон бўлганича чиқиб кетди. Шу тобда Маликанинг

жуда ҳам чеккиси келар, аммо Султондан сигарет сўрашга юзи чидамасди. Бир нарса эсига тушгандек, шарт ўтирилиб сумкасини очди, чет элдан келтирилган резинка сақичини олиб, оғзига солди. Султон чойшабларни топширгани чиқиб кетди. Мая эса деразадан эрталабки қуёш нурида чарақлаб турган далага қарагани-ча жаҳл билан сақич чайнайверди.

1977 й.

ТАРОЗИ

Сожида худди бир нарсадан чўчигандай илкис уйронди. Дераза пардасини кўтариб ташқарига қаради: ҳали қоронғи. Ҳовлида супургининг «шув-шув»и эшитилди. «Энам ҳовли супураяпти. Қанча ҳаракат қилсам ҳам энамдан олдин туролмайман-а».

Сожида шуларни хаёлидан ўтказди-ю, апил-тапил кийиниб ҳовлига чиқди. Айвон ёнидан ўтадиган ариқчада ювинди. Ўрикнинг қонга бўялгандай қип-қизил хазонлари оралаб жилдираб оқаётган тип-тиниқ сув муздай эди. У ювинаркан, ўйларди: «Нимага зардолонинг барги бунча қизариб кетар экан? Табиатнинг ишларига ҳайрон қоласан-да. Кўм-кўк нарса шунчалик қип-қизил... Онасининг бағридан узилиб кетаётгани учун дили қонмикин? Ажабо, дарахтлар ҳам одамларга ўхшайди-я...»

Қиз ювиниб бўлиб, молхонанинг олдини супураётган онаси томон юрди.

— Ассалом.

— Бунча вахли турдинг, қизим? Онаси самимий айтди бу гапни, аммо Сожида хижолат бўлди. Ахир ёши олтмишдан ошган онаси эрта туриб ҳовли супурсаю, бу ухлаб ётса яхшими?

— Беринг супургини...

Кампир икки қўли билан белини ушлаб, қаддини ростлади.

— Озгина қолди, ўзим супуриб қўя қоламан. Чой қўйганман, қайнаган бўлса, дамлагин.

«Чой ҳам қўйишга улгуриптилар-да». Сожида баттар хижолат бўлди, юзлари қизариб кетди, икки чаккасига иссиқ нарса югургандай бўлди...

Нонуштадан кейин Сожида этигини кия бошлади.

— Ҳа? — деди онаси ажабланиб.

— Чиқа қолай.

— Ҳали вахли-ку. Сал туриб борарсан. Онанинг гапларида қизига ачиниш, раҳм туйғулари мужассам эди.

— Эртароқ боришим керак.

— Шу пайтда далада биров борми йўқми, ёлғиз ўзинг...

Сожида қанорни этакка ўраб қўлтиғига оларкан, онасининг гапига кулди:

— Нима, мени бўри ермиди? Ундай десангиз бўриям йўқ. Биззи обод далаларга бўрини бойлаб қўйса ҳам турмайди.

— Ҳазилинг ҳам бор бўлсин-да, қизим. Саҳармардондан шунақа гапларни қўйсанг-чи, — кампир қизига яқин борди. Қандайдир сирли бир гап айтадигандек овозини пасайтирди. — Ҳар ҳолда эҳтиёт яхши-да, болам. Бўйи етган қизсан... Овоқ жойга бемаҳал-да ёлғиз боришингга кўнглим бўлармиди.

Сожидага онаси ҳозир жуда ҳам меҳрибон, ғамхўр кўриниб кетди. У ўзини тутолмади. Онасини шартта қучоқлаб олиб, эркаланди. Кампир қизнинг юзларидан, пешонасидан ўпди.

— Мендан хавотир олманг, энажон. Эртароқ борай деганим, бугун кечагидан кўпроқ теришим керак. Биласиз, Шаҳодат билан мусобақалашганмиз. Кеча у мендан ўн беш кило кўп терди.

— Ҳа, гап бу ёқда дегин. Шунинг учун хўроз қичқирмасданоқ туриб олган экансан-да, — кампир муҳим гап эсига тушгандай сергак тортди. — Менга қара, Сожида, у дугонангга синглиси ҳам ёрдам бераётганмиш-ми?

— Билмадим, — деди Сожида.

— Нимага билмайсан? Бир жойдан терасизларми ўзи? Синглисиyam чиқяптими теримга?

— Ҳа, чиқяпти.

— Икковини ҳам Шаҳодатга ёзяптими? Шундай қилсаям бўладими?

— Билмасам. Бўлса керак-да, қиялпти-ку.

Кампирнинг қовоқлари уюлди.

— Товба? Буниси қизиқ-ку. Ахир бу фирромлик-масми?!

— Унисини билмадим, энажон. Мен тезроқ борай, вақт кетяпти...

Сожида қишлоқдан чиқиб, икки томонига қатор тут экилган тупроқли йўлдан илдам кетиб борар эди. У ҳар қадам босганида тунги шудрингда сал намиққан тупроқнинг таниш, дилни қитиқловчи ҳиди уфурар, бунга йўл четидаги тутлар, бурганлар бўйи қўшилиб унинг кўнглини яйратар эди. Бу сурур уни яна ҳам тезроқ юришга қистарди. Пахтазорга яқинлашганда тутлар орасидан ҳуштак эшитилди. Юраги шувиллаб кетди. Атрофга аланглади, ҳеч ким йўқ. Хаёлимда шундай туюлгандир, деб ўйлади. Уч-тўрт қадам юриши билан яна ҳуштак чалинди.

— Сожида...

Бу овозни, унинг эгасини Сожида таниди: Акрам. Сожиданинг юраги гуп-гуп ура бошлади. «Акрам! Шу маҳалда у бу ерда нима қилиб юрипти?»

— Сожида... Бу ёққа кел.

Сожида кўчанинг ўртасида серрайиб қолди. Акрам Сожидадан бир йил олдин мактабни битирган. Улар бир-бирига хат ёзиша бошлаганда Сожида тўққизда, Акрам эса ўнда ўқир эди. Шунга ҳам икки йилдан ошди. Бу вақт ичида, эҳ-ҳе, қанча оқ қоғозларнинг юзи қораланди. Иккови ҳам хат ёзаётганда жуда бурро бўлиб кетар, баъзан шеърлар ҳам тўқишар эди. Аммо онда-сонда хилват жойларда учрашиб қолганда негадир уларнинг гапи-гапига қовушмас, иккови ҳам, ҳаяжоннинг зўриданми, дилидагини тилига чиқаролмай хайрлашар эди. Учрашувда айтилмаган гаплар яна оппоқ қоғозга битилар эди...

Акрам йўл четидаги увотга чиқди:

— Сожида, бу ёққа кел.

— Нима қиламан?..

— Сенда гапим бор

— Нима қилиб юрибсиз бу ерда? — сўради қиз. Унинг тилига бошқа сўз келмас эди.

— Сенинг йўлингни пойлаб чиқувдим,— йигитнинг овози титраб кетди. Гап бор эди.

— Нима гап экан?

— Сожида... Хатда...

Сожида шарт орқасига ўтирилдию, югуриб кетди. Ортдан «Мен сени севаман» деган товуш қулоғига чалинди. Акрамнинг хатларида бу сўзни Сожида кўп ўқиган, аммо ўзининг оғзидан ҳали ҳеч эшитмаган эди. Ҳозир бу сўз гўё жонли бир нарсдай қулоғидан

оёғининг учигача жимирилтиб ўтди. Бир зум юришдан тўхтади. Ширин бир нарсанинг мазасини тотгандай кўзларини юмиб олди.

Бутун вужуди бўшашиб кетди. У пахтазорга қандай келганини, қанорни қаерга қўйиб, этакни қачон белига боғлаганини билмайди. Этаги яримлаб пахтанинг оғирлиги сезилгандагина ўзига келди. Шудринг қўнган оппоқ пахта, очилмаган кўм-кўк кўсагу рўзапоянинг намхуш ҳидини ҳам энди туйди. Ўзидан ўзи уялиб, атрофга аланглади. Шабнам ҳали кўтарилмаган, кенг пахтазор жим-жит. «Жинниман мен, эртароқ келиб пахта териш ўрнига...» Шу топда қулоғи остида «мен сени севаман» деган титроқ товуш яна эшитилгандай бўлди. Беихтиёр тутзор томонга қаради. Ҳеч ким йўқ. «Ўзингни қўлга ол, Сожида. Вақт кетяпти. Бутун ҳам орқада қолсанг уят!» Унинг нозик бармоқлари шудринг тушган лўппи пахталарга эпчил бориб келар эди. Ҳаш-паш дегунча этаги тўлди. «Қанорни қаерга қўйдим? Э, ўл..» Қанорни қидириб кетди. Ўқариқ бошида экан. Этагини унга бўшатди-да, эгат оралаб жадал кетди.

Тонг ёришиб, одамни одам танийдиган бўлганда ўқариқ бошидаги қанор тўлай деб қолган эди. Сожиданинг этаги яна тўлди. Уни ечиб олдида, қаддини ростлади. Шаҳодат келмадимикин, деган хаёл билан ён атрофга қаради. Ҳеч ким кўринмади. «Ё бошқа картадан теряптимикан? Йўғ-е, буни тамомламай бошқа жойга ўтишга бригадир рухсат бермайди-ку. Балки синглисига ишониб...шошилмай келса керак-да». Оппоқ очилган пахта юзида бир томчи шудринг милдираб турар эди. Сожида ўша пахтани авайлаб қўлга олди. Ҳар чанокдаги юлдуз қирраларидек бешга ажралиб турган пахтага термулиб хаёлга толди.» Ҳозир мен тераётган мана шу пахтадан нималар қилинар экан? Балки қайсидир ўлкадаги нотаниш бир тенгдошим кўйлак кияр? Эҳтимол, мана шу пахта кимнингдир ярасига малҳам бўлар? Қизиқ! Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласан одам... Ўша нотаниш дугона устидаги кийимнинг пахтасини Сожида деган бир қиз терганини билармикан? Қаёқдан билсин? Балки менинг устимдаги мана бу жемперни ҳам аллақайси мамлакатдаги менга ўхшаган бир қиз тўқигандир? Одамлар бир-бирини кўрмай, танимай, ҳатто қанақа эканлиги-

ни тасаввур ҳам қилмай бири иккинчисига ёрдам беради-я. Лекин ҳамиша бирга юрадиган, бир ариқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас оладиган одамлар баъзан бир-бирига ёрдам беришни, яхшилик қилишни истамайди. Қайтанга оёғидан чалади. Қизик экан-да одамзотнинг феълиям».

— Э, ҳорманг, ҳорманг, Сожидахон. Ҳалитдан бир қанорни тўлдириб қўйибсиз-ку.

Сожида илон чаққандай сапчиб тушди. Қўлидаги лўппи пахта ерга тушиб кетди. Рўпарасида Муродилла турар эди. Ўттиз ёшларни қоралаб қолган, паст бўйли, семиз бу йигит уч йилдан бери ҳисобчи бўлиб ишларди.

— Бутун дугонангиздан ўзиб кетаркансиз-да, Сожидахон?

— Сиз яна биронта одамнинг терганини дугонаминг ҳисобига ёзсангиз, тенглашиб қоламиз,— деди Сожида унга қарамай.

— Оббо, сиз-эй, ҳали шунга хафа бўлиб юрибсизми? Хафа бўлманг. Менга қаранг, Сожидахон, сизга бир гапим бор эди.

Сожида жаҳл билан унга қаради. Кўзларини сал қисиб ҳисобчига юзланди.

— Хўш, нима гап экан? Қулоғим сизда.

— Биласизми, Сожидахон. Хўп десангиз, бутун ҳар гал тортгани хирмонга олиб борганингиздан ўн кило-ўн килодан қўшиб ёзаман. Шунда Шаҳодат сизга сираям етолмайди. Розимисиз?

Сожида унинг гапларини эшитиб туриб ўзича режа тузар эди. «Нималар деяпти ўзи бу? Нима учун менга ғамхўрлик қилгиси кеп қолди? Нимага шама қияпти?» Эрталаб онаси айтган гаплар эсига тушди: «Бўйи еттан қизсан. Овоқ жойга бемаҳалда ёлғиз ўзингни юборишга кўнглим бўлармиди». Сожида Муродилланинг тиржайиб турган башарасига қаради: «Йўқ, сен ўйлаганчалик лақма эмасман!»

— Ростданми? — бирдан қиёфасини ўзгартирди Сожида. — Шундай қилоласизми?

— Бўлмасам-чи? Ҳаммаси ўзимнинг қўлимда-ку.

— Яхши бўларди,— деди Сожида ўзини хурсанд бўлгандай тутиб.

— Лекин биласизми, сал оз-да.

— Нима оз? — деб сўради ҳисобчи ҳовлиқиб.

— Ўн кило оз-да. Йигирма килодан қўшолмайсизми? Муродилла хурсанд бўлиб кетди. «Худо хоҳласа иш беш. Йигирма кило бўлса йигирма кило-да. Нима, тушгача бир марта, тушдан кейин яна бир марта торттиради. Қирқ кило пахта нима деган гап. Бошқалардан икки килодан урсам ҳам... Бугун кечқурунга таклиф қилсаммикан? Хўп, дермикан? Хўп демай ҳам кўрсин-чи!»

— Бўпти. Мен розиман. Сиз учун йигирма кило пахта нима бўпти? Лекин ҳеч кимга айтмайсиз-а?

— Албатта-да. Кимга айтардим,— деди Сожида мугамбирона. — Ҳа айтгандай, эрталабдан бу ёқда нима қилиб юрибсиз?

— Менми? Ҳар кун эрталаб одамлар теримга тушгунча далани айланиб кўраман, қайси картани олдин териш кераклигини аниқлайман.

— Шундайми? Мен бригадир кўрса керак, деб ўйлардим,— деди Сожида соддалик билан.

— Э, қизиқ экансиз, Сожидахон. Бригадир нима? У шунчаки, номига. Ҳамма ишни мана биз ҳал қиламиз-да. Бўлмаса сизга қўшимча пахта ёзишнинг ўзи бўладими? Айтгандай, Сожидахон, яна бир гапни айтиш эсимдан чиқаёзибди. Кечқурун ҳамма билан баравар кетиб қолманг. Хўпми? Мана, эрталаб ҳаммадан бурун келсангиз, кечда ҳам энг кейин қайтсангиз, шунда ҳаммадан кўп терганингиз ишончли бўлади. Тўғрими? Қоронғи тушиб қолишидан қўрқманг. Ўзим кузатиб қўяман. Келишдикми?

Сожида ҳисобчининг без бўлиб турган кўзларига қараганча ўйларди: «Ҳа, туллак, ниятинг маълум! Акрамга айтсаммикан? Йўқ. Ўзим боплайман бу суллоҳни». Унга сир бой бермади.

— Бўпти, келишдик, сиз бораверинг, биронта кўриб қолса гап-сўз кўпаяди. Ваъдангиз эсингиздан чиқмасин-а. Ҳар борганимда йигирма килодан қўшасиз. Тушгача тўрт марта, тушдан кейин тўрт марта олиб бораман, майлими?

Ҳисобчи гангиб қолди. «Саккиз марта? Демак, бир юз олтмиш кило! Э, тавба, мен шунча ёзсам, ўзи юздан ошириб терса. Ҳаммаси қанча бўп кетади? Унинг устига, кеча бир юз йигирма кило терган қиз бугун

бирдан уч юздан ошириб юборса. Ким ишонади бунга? Расво бўлдику бу ёғи. Энди нима қилиш керак?»

Муродилланинг ўйланиб қолиш сабабини тушуниб етган Сожида билмаган бўлиб гап бошлади:

— Ҳа, Муродилла ака, ўйланиб қолдингиз? Бир нарсa демоқчисиз-у, айтолмаяпсиз-а? Тўғрими?

Муродилла чайналиб қолди. Кўнглидагини айтай деса, ҳозиргина «ҳамма ишни ўзимиз ҳал қиламиз», деб керилиб қўйди. Фикридан қайтмай деса, бу ёғини эплаш осон эмас.

— Сожи-и-да.

Картанинг нариги бошида Шаҳодат кўринди. Сожида уни бу ёққа кел, деб имлаб чақирди.

— Мен бора қолай бўлмаса, Сожидахон,— Муродилла оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди.

— Ваъда ваъдами?— Сожида атайлаб гапни чўзар эди. — Қайтиш йўғ-а? Бунинг устига, сиз кимсиз Муродилла табелчи. Ҳали унинг сўзини иккита қилган мард топилган эмас. Тўғрими?

Ҳаллослаганча Шаҳодат етиб келди. Икки дутона кучоқлашиб кўришишди,

— Э, ўл,— деди Шаҳодат дутонасига,— мунча ҳовлиқмасанг. Кечаси шу ерда ётиб қолдингми, нима боло?

— Йўқ, дутонажон, бу пахтани мен терганим йўқ, Муродилла ака териб бердилар. Энди бошқа термаيمان. Шуни кечгача саккизга бўлиб хирмонга олиб бораман. Ҳар борганимда бу киши менга йигирма килодан қўшиб ёзадилар. Бўлади шу! Қани, етиб кўр-чи менга!

Муродилла на кетишини, на қизларнинг суҳбатига аралашишини биларди. Жиноят устида қўлга тушган одамдай гарангсиб қолди.

— Нималар деяпсан? Эсинг жойидами ўзи?— деди Шаҳодат дутонасига термулиб.

— Нима, ишонмайсанми? Ана, Муродилла аканинг ўзларидан сўра ишонмасанг. Тўғрими?

Муродилла қилган ишидан минг пушаймон эди. Аммо ундан қандай қутулишни ҳам билмас эди. Гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди.

— Дутонангиз жуда ҳазилкаш экан,— деди у Шаҳодатга юзланиб. — Тонг саҳарда келиб бир қанорни

тўлдириб қўйиптию, яна менга ёрдам бериб юборинг, дейди.

Сожида унга яқин борди. Фижиллашиб қолган йигитлардай икки қўлини белига қўйиб, ҳисобчига ўктам гапирди:

— Ким ҳазиллашяпти? Ҳозиргина нима деб турувдингиз? Нимага энди латтачайнарлик қиласиз? Қеч-қурун мен ҳаммадан кейин қолишим керак эди, сиз кузатиб қўймоқчи эдингиз. Энди ҳазил бўлиб қолдимиз? — Сожида бир оз овозини пасайтириб, қаҳрини янада ошқор изҳор этди: — Менга қаранг, ўртоқ табелчи! Мен сиз ўйлаганлардан эмасман! Сизнинг марҳаматингизга зор ҳам эмасман! Шуни иккала қулоғингиз билан яхшилаб эшитиб олинг: дунёда шундай нарсалар борки, уларни ҳалику йигирма кило пахта экан, олтин билан ҳам сотиб ололмайсиз! Бу инсоннинг орияти, номуси, шаъни! Қизларнинг ғурури!

Ҳисобчи томоғига суяк тиқилиб қолган лайчадай кўзини лўқ қилиб қолди. У нимадир демоқчи бўлар, аммо на тили буралар, на калласига бир фикр келар эди.

Қизлар эгат оралаб кетишди. Ҳисобчидан сал узоқлашгач, Сожида бўлган гапни дутонасига айтиб берди.

— Оббо суллоҳ-эй, — деб Муродилла турган жойга қараб қўйди Шаҳодат. Ҳисобчи хирмон томонга шалвираб кетиб борар эди. — Шунақа бемаъни эканми бу ўлгур-а?

...Чошгоҳгача дугоналар зўр бериб теришди. Сожиданинг қаторида учта, Шаҳодатнинг қаторида иккита қанор тик турар эди.

— Сожи, — деди Шаҳодат, — бугун мунча куйиб-пишдинг, ёнверингта қарамайсан ҳам. Ана у ёққа қарасанг-чи.

Сожида нима гап дегандек, Шаҳодат кўрсатган томонга назар ташлади. Ариқнинг нариги бетигаги қартада терим машинасини кўрди. Унинг рулини Ақрам бошқариб борар эди. Йигитнинг ҳаракатлари эпчил, чаққон. Қизиқ, қизга бир оғиз гапини эплаб гапиролмаган йигит қудратли машинани чапдастлик билан ҳайдаса.

Ҳозиргина ҳисобчига ўктам-ўктам гапираётган Сожида бирдан мулойим тортиб қолди. Индамай ерга

қараганча пахта теришда давом этди. Қўллари ўзига бўйсунмагандай лоқайд бориб келарди.

— Айт, бир бункерини тўксин, икковимиз бўлиб оламиз,— деди Шаҳодат ҳазиллашиб.

— Э, ўл, бас қил,— Сожида дугонасидан уч-тўрт эгат нарига ўтиб кетди...

...Икки дугона кун бўйи терган пахтасини торттирмади. Шом бўлиб, одам одамни танитай қолганда бригада йигитларидан илтимос қилиб хирмонга олиб боришди. Ҳисобчи уларнинг пахтасини тортар экан, иккала қизнинг ҳам юзига қарай олмасди.

Қизлар пахталарини торттириб, хирмонга тўкишди. Қанорларини этакка ўрашди. Сожида дугонасига аста кўзини қисдию, табелчига яқин борди.

— Мен ҳам кетаверайми, Муродилла ака? Ё ўзингиз кузатиб қўясизми?

Муродилланинг аъзойи бадани титраб кетди. Сожиданинг эрталабки гапидан ҳам бу ошиб тушди. У шу пайтгача бунчалик изза бўлмаган эди. Хайриятки, бу гапни ҳув нарида турган бригадир, хирмончилар эшитишмади.

Қанор ўралган этакни елкасига ташлаб олган қизларнинг шодон кулгуси намозшом қаърини ёриб, кенг дала бўйлаб ёйилди. Улар орасида тиниқ, жарангдор бир кулги алоҳида, баландроқ эшитилди.

Бу — Сожиданинг кулгуси эди.

1980 йил.

МОМАҚАЛДИРОҚ

Райком бюроси тамом бўлганда ёмғир шариллатиб қуярди. Шунданми, район маркази кўчаларида одам сийрак. Аҳён-аҳёнда ўтаётган машиналар кўчаннинг хал-қоб жойларидаги ёмғир сувларини икки тарафга сачратиб кетади.

Искандар раис бюродан латтадай шалвираб чиқди. У ҳеч қачон бунчалик шаллинг бўлмаган эди. Бутун вужуди зирқираб қақшар, ўзини бир замбил лойдай, балки унданда оғирроқ ҳис қиларди. Хром этикларини кўтаришга гўё мадори етмасди.

У ҳафсаласизлик билан мрамор зиналардан тушди. Йўл четида турган машинасига боргунча уст-боши

жиққа хўл бўлди. У буни сезмади, хаёлидан ҳар хил фикр кечди: «Нега бундай бўлди? Биринчи нима учун мени бунчалик қаттиқ савалади? Яна бюрода, ҳамма-нинг олдида-я! Нега?»

Раис машина эшигини қандай очганини билмади. Ўзини «Волга»нинг орқа ўриндигига ташлади. Раисни бунақа аҳволда кўрмаган Бўриной ҳайрон қолди.

— Қаёққа?

— Гўрга!...

Бўриной раисга ўтирилиб қаради.

— Нимага ўқраясан? Ҳайдасанг-чи!

— Назокатхонникигами?

— Ўчир овозингни! — ўшқирди раис. — Фаросат борми ўзи!

— Ахир ҳамиша бюродан кейин...

— Бўлди, қисқа қил! Уйга ҳайда...

Машина чироқлари қоронғулик бағрини ханжар-дек тилиб бормоқда. Раис миқ этмас, гоҳ-гоҳида уф тортиб қўярди. У хаёлини тизгинлаб ололмас, секретарнинг дашномига ўзича сабаб кидирар, аммо бирон-бир жўяли асос тополмай дили хуфтон бўларди.

«Йўқ, секретарь бекорга саваламади. Бу ерда бир гап бор. Кимдир ғаламислик қилган, унга олди-қочди гапларни етказган. Чигит экиш кечиккан бўлса менда нима айб? Жўрттага орқага сурганим йўқ-ку! Менам вахдироқ экиб олай дейман. Осмоннинг таги тешилгандай ёмғир тинмаса, қўлимиздан нима келади?! Табиий шароитни ҳисобга олишмаса... Бунақа масалада Қодир Собирович маладес эди. Тушунарди. Ҳа, энди у киши бошқа одам эди-да. Булар нимани билади. Деҳқончилик қилиб юриптими. Академик бўлсаям деҳқончиликни билмаса қийин-да. Экиш уч-тўрт кун кечиккан билан осмон узилиб тушмайди-ку! Ёки экувсиз қоп кетармиди? Барорини берса бас. Олдин-кейин экканга қарамайди. Эрта баҳордаёқ доварага дов солиб, экишни туталладик деб рапорт берганларни кўп кўрганмиз. Чигитни қайта-қайта экади, қанча уруғ кетади ортиқча, ўзиникини тамомлаб, қўни-қўшнидан қарз ҳам олади. Қанча меҳнат, оворагарчилик... Ғалвир сувдан кўтарилган паллада эса иллизини қурт еган палакдай шалпайиб, дами ичига тушиб қолади. Қий-ғир урган беданага ўхшаб бўйнини ичига тортиб,

атрофга жавдирайди. Баҳонаси — чигит қайта экилган... Жўжани кузда санайдилар...» Раис сигарет тутатди. Сал ҳовуридан тушди.

— Менга қара, Бўривой. — У машина ўриндиғига ўмганини ташлади. — Бир неча йилдан бери бирга ишлаймиз. Сендан яширадиган сирим йўқ. Айтгин-чи, борди-ю, мен сени кўпчиликнинг ўртасида ноҳақдан-ноҳақ изза қилсам, нима қилардинг?

Бўривой раиснинг аҳволига энди тушунди. «Ҳа, демак бюрода калтак еган. Зўрдан зўр чиқипти-да. Менинг сўзимни икки қиладиган одам ҳали туғилмаган деб ҳаммани зор қақшатасан. Арзимаган нарсага одамларнинг дилини оғритасан. Бировни менсимайсан. Сени шохингни қайирадиган ҳам топилипти-ку? Шунақа, пешонаси тошга текканда очилади одамнинг кўзи. Шу машинанинг тили бўлса айтсин, қанча сўккансан мени. Қанча эрмак қилгансан. Андишанинг оти қўрқоқ... Энди ўзингга кепсан». Бўривой бу гал ҳам андиша чегарасини бузиб ўтолмади. Дилидагини тилига чиқармади. «Ўзи-ку бўлганча бўпти, менам ўлганнинг устига чиқиб тепмайин. Марднинг ишимас бу: Иззаи-мўмин — ҳаром».

— Билмадим, раис бова.

Раис яна тутоқиб кетди:

— Ҳей, қанақа одамсан ўзи? Қачон бир нима сўрасам «билмадим», дейсан. Нимани биласан ўзи?! Бирон нарса десанг-чи, ахир, мундай.

Искандар раиснинг бу гапига Бўривойнинг жаҳли чиқмади, аксинча кулгиси қистади. Лекин кулмади. «Қаттиқ савалапти-да». У ўйланиб қолди. Кўзлари машина чироқлари ёритиб кетаётган ўйдим-чуқур йўлларда. Ёмғир шаррос қуяр, машина йилдираклари тез-тез кўлмакларга тушиб-чиқарди.

— Тўғриси айтсам майлими, раис бова? — деди Бўривой.

— Хўш, гапир...

— Борди-ю, мени биров бекордан-бекорга сўкса, юзимни шувит қилса, ўша одамнинг бетига қайтиб қарамасдим.

Раис ойнадан сигарет қолдиғини ирғитди-да, орқага суянди. «Буям бало. Гап нимадалигини тушунганга ўхшайди».

— Лекин, ука, дунёнинг ишлари сен ўйлаганчалик осон эмас-да. Шунақа пайтлар бўладики, бегуноҳ эканингни билиб турсанг ҳам танқид қилган одамга қарши бирон нарса деёлмайсан, ҳақлигингни исботлаёлмай қоласан. Ичингда ғижинасан, асабийлашасан, ўша одамни болахонадор қилиб сўкасан ҳам, аммо кўзига тик қараб бир оғиз сўз қайтаролмайсан. Билдингми, ука?

— Нимага шундай, раис бова? — ўсмоқчилади Бўривой.

— Ким билади дейсан. Балки одамлар ўзидан қўрқар...

— Йўқ, раис бова, ким билади эмас, ҳамма билади. Ундан кейин, одамлар ўзларидан эмас, мансабидан, столини тортиб олишларидан қўрқадилар. Ахир ҳамма-ям шундаймас-ку. — Раис шофёрнинг гапларига жиддий қулоқ солди. — Масалан, мен кимдан қўрқаман, ёки менинг нимамни тортиб олади. Бу машина бўлмаса, бошқаси, бошқасиям бўлмаса, кетмон. Кетмонни ҳеч ким ололмайди.

— Лекин кетмон билан ҳеч қаяққа бориб бўлмайди-да ҳозир.

Бўривой кулди:

— Ҳеҳ, раис бова, қаяққа борардик. Нима қилсак ҳам, ким бўлиб яшасак ҳам, барибир энг сўнггида кетмонга, кетмончига ишимиз тушади... Бусиз бўлмайди.

Раиснинг ваши келди. У Бўривойни кўпдан бери билар, аммо бунчалик гапдонлигини сезмаганди. Аслини олганда раис шофёри билан ҳеч қачон яқинроқ, самимий гаплашмаган. Искандар раис буни ҳозир биринчи марта ҳис қилди. Шунинг учун шофёрига қарши миқ этмади. Қайтанга гап бошлаганидан афсусланди.

— Дурустсан-ку, — деди аччиқ киноя билан. — Шунча гапларни биларкансан-ку, мендан яшириб юрибсан-а. Бўривой раиснинг пичингини фаҳмлади.

— Тўғри гап туққанингга ёқмас экан, — шофёр раисга қараб қўйди.

— Тилинг жуда узун бўлиб кетипти-ку, Бўривой?!

Бу гап Бўривойнинг жаҳлини чиқарди. У озгин, чайир қўллари билан машина рулини маҳкамроқ сиқиб ушлади. Ўрнидан бир қўзғалиб қўйди.

— Сизга осон: гапим ёкса ёлғондан бўлсаям мактаб қўясиз, ёқмаса уришасиз, сўкасиз... Менга ўхшаган бечоралар эса...

— Бўлди! Ўргилдим сендақа «бечора»дан... Ўз изатини билмаган нонкўр! Кийикдай машинанинг рулини тутқазиб қўйибман-а, сен кўрнамакка!

— Нима дўқ қиласиз менга. Бўлди-да, энди. Қачон бир жойдан феълингиз айнаб чиқса, аламини мендан оласиз. Нима, сизга ўйинчоқманми? Наридан борса битта аравакашда, истаганимча ҳақорат қилавераман — қўлидан нима келарди, дейсиз-да. — У тобора қизишиб борарди. Ўзини босмоқчи бўлар, аммо бир ички тугён, дард бунга йўл қўймас, юрагида тош бўлиб ётган дардларини тўкиб солишга ундарди. — Йўқ, ундай эмас, раис бова, мавриди келганда айтиб қўяй, мени кўп калака қилаверманг. Бўлди! Бошқа чидаёлмайман. Охирги гапим шу: менинг қоп кетадиган давлатим ҳам, сағир қоладиган болам ҳам йўқ. Бир сўққабош одамман. Шунинг учун ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан кўрқмайман.

Искандар раис Бўривойга еб қўйгудек бўлиб тикилди. Бўривой буни сезмади. «Бу тирранча мени кўрқитмоқчими ёки ҳаммаси лалми дўқми? Райкомдаги гаплар етмовдими? Тавба! Ҳали бурнини эплаб артолмайдиган зумраша гап қайтараяптими?! Мени ким деб ўйлаяпти ўзи бу? Райкомдаям менга бунақа муомала қилишмаган-а! Анави секретарь гапирди-қўйди-да. Зарари йўқ, ҳали янги, яхши билмайди мени. Аста-секин тушуниб олади. Яна шунақа катталик қилса ўзим биламан нима деб жавоб қайтаришни. Мен билан беллашган не-не азаматларнинг пихини қайириб, попугини пасайтириб қўйганман».

— Сен бунақа баландпарвоз гапларингни бас қилгин, бола. Лайлак билан тенглашаман деб чумчуқнинг бути йиртилганини эшитганмисан?!

Бўривой ўзини тутолмади:

— Мен сиз билан тенг бўлмоқчимасман. Сиз кимсиз — Искандар раиссиз, мен-чи, оддий шофёр. Буни биламан. Лекин сизнинг етимчангиз эмасман! Сиз ҳам шуни билиб қўйинг!

— Ўчир унингни! — бақирди Искандар раис. — Менга гап қайтаришни ким қўйипти сенга?! Тилингни...

Бўривой раиснинг гапини охиригача эшитмади. Чап-дастлик билан моторни ўчирди-да, машинанинг калитини суғуриб олиб раисга отди:

— Олинг матаҳингизни! — Унинг ним қора, дума-лоқ кўзлари яна ҳам йириклашди, рангпар юзлари оқариб кетди. Аъзойи бадани титраб, гапиролмай қолди. — Нима мен... Нима мен... си-и-зга к-калака бўлдимми?... Катталигингизни бошқа одамга қ-қила-сиз... Мен кўтармайман...

Бўривой шартга машинадан тушди-ю, эшикни зарб билан ёпди. У шаррос қуяётган ёмғирга ҳам, кетма-кет гулдираётган момақалдиروقқа ҳам парво қилмай илдамлаб кетди. Ўчирилмай қолган машина чироқлари ёруғида раис уни аниқ кўриб турарди. Бўривой кўздан ғойиб бўлгунча икки марта кўлмакка оёғини тиқиб олди. Аммо у ҳеч қаёққа қарамай, ҳеч нарсага эътибор бермай жадал илгарилаб борарди.

Раис ҳанг-манг бўлиб қолди. Бўривойнинг бу даражага боришини етти ухлаб тушида кўрмаганди. Бўлма-са, бунақа ғиди-бидилар, э-ҳе, неча марта бўлган. Ҳам-масида ҳам Бўривой ранжиган, кўнглига олган, аммо елкасини қисиб ишини қилиб кетаверган. «Бутун ни-мага бундай қилди? Қаердан пайдо бўлди бу юрак унда? Ё биров ўргатдимикан?... Ҳаммасини кўнглига тутиб, пайт пойлаб юрган экан-да. Ҳа, тирмизак, роса вақтини топди лекин».

Раис босиб-босиб сигарет тортди. Ёмғир зўрайган-дан-зўрайар, машинанинг устида биров ўйинга тушаёт-гандек дапир-дуپир қиларди. Ялт этиб чақмоқ чақди. Раис беихтиёр Ёмонжардаги Бургутқояга қаради. Болалигида Ёмонжар, Бургутқоя ҳақида кўп ваҳимали гаплар эшитганди. Ҳозир уларни эслашга ҳам юраги дов бермади. Назарида баҳайбат қоя момақалдиروق зар-бидан қулаб тушаётгандек туюлди. «Падарингга лаъ-нат. Келиб-келиб шу ерда қолдирасанми?!» Раис жаҳл билан тишларини ғижирлатди. Шофёри ҳозир олдида бўлса бўридай ғажиб ташларди. «Ҳеҳ, тавба, камба-ғалнинг орқа томири таранг бўлади, деб бекорга ай-тишмаскан-да. Сенга ким қўйипти дўнгмўйинликни. Ундан кўра ака-ака деб қўлтиғимга кирмайсанми, аҳмоқ. Бу туришингда гўр бўлармидинг. Ҳаммагаям шунақа ҳўққилик қилсанг, йиғиштир тахта-ўқловинг-ни деб орқангга тепадик... Сенинг ҳалоллигингу, ор-

номусинг, ҳаммаси бир пул... Ҳали кўзи очилмаган кучукваччасан. Эҳ гўдак! Осмонда юрганга ўхшайсан. Шошмай тур, ўзим тушириб қўяман ерга. Шунда очилади ўша кўр кўзларинг...»

Ёмғир тобора авжига чиқади, йўллар, ариқлар бўтана сувга тўлиб оқади. Раис дам-бадам Бургутқояга қараб қўяди. Ёмонжар томондан ниманингдир увиллаётгани эшитилди. Раиснинг эти увишиб, баданида чумоли ўрмалаб кетди. Бу қўрқувданми, совуқданми — англолмади. Бир мишиқи шу қора ёмғирли тунда нотавон қилиб кетгани алам қилди унга. Бўривойнинг орқасидан югурмоқчи, унга етиб олиб роса калтакламоқчи бўлди. «Адабини бериб қўймасам... Тўхта, Искандар! Нималар деяпсан? Урасан. Кимни? Ўғлинг қатори бола билан ёқалашиб ўтирасанми? Йўқ, у безбет ҳеч нарсадан қайтмайди. Ўлар ҳўкиз болтадан тоймас, қайтариб солса борми... Нима деган одам бўласан? Биров эшитса гап-сўз кўпайиб кетади. Унга-ку барибир. Қайтанга Искандар раисни урдим деб мақтанади».

Раис шуларни хаёл қилди. Ўрнидан кўзғалишга, машина эшигини очишга қуввати етмас, аниқроғи, ботинолмасди. Плашини елкасига ташлаганча қунишиб ўтирар, фараларнинг хира тортиб бораётган ёруғида чор атрофга олазарак термуларди. Бургутқоянинг учгинасида момақалдироқ жуда қаттиқ гумбирлади. Осмоннинг бир парчаси узилиб тушди назарида.

Чақмоқ, момақалдироқ, кучли ёмғир Искандар раис юрагида ғулғулани оширар, у ғужанак бўлиб қолганди. Раис энди ҳеч нарсани ўйламас, ўйдай олмас эди... Машина чироқлари батамом ўчди. Ёмғир челақлаб қуяр, яқин атрофда йилт этган учқун кўринмасди...

1978 йил.

КАШФИЁТ

Ўртадаги майдончада бўш жой йўқ: рақсга тушаётганлар билан тўла. Жуфт-жуфт бўлиб ўйнаётган йигит-қизларнинг чехрасида шодлик, қувноқлик туйғуси балқиб турипти. Ҳамма ўзича рақсга тушаяпти: анови йигит қизнинг белидан қучган, қиз эса унинг елкасига бошини қўйганча оҳиста хиром айлайди. Йигит қиз-

нинг қулоғига энгашиб шивирлади чоғи, унинг ёниб турган рухсори яна ҳам қизарди, кўзлари яшнаб кетди, лабига табассум югурди. Бу тарафдаги йигит-қизлар бўлса қўл ушлашмай, ҳозирги мода бўйича белларини эгиб, гоҳ ўнғга, гоҳ сўлга шох ташлашади, ирғишлаб ўйнашади. Уларнинг нигоҳларигина бир-бирини бирлаштириб турипти. Майдончанинг тўридаги саҳнада созандалар музика асбобларини бор кучи билан чаладилар. Цирк масхарабозларининг кийими сингари енглари осилиб, шалвираб ётган қизил кўйлакли, қўнғир сочлари қулоқ-чаккаларини батамом бекитиб олган қиз жон-жаҳди билан қайсидир тилда ашугла айтаяпти.

Хўрандалар ўзаро мириқиб суҳбатлашишнинг имкони бўлмаганидан ноилож майдончадаги ранг-баранг рақсларга термулиб ўтиришга мажбур эдилар. Лекин бундан ҳеч ким ранжимас, «суҳбатлашиш учун ресторанга кириш шартми, бу ерда ўйнаб-кулиш, томоша қилиш керак-да», деган хаёл билан ҳузур қилиб сигарет тартиб ўтиришар, рақсдан кўз олишмасди.

Фақат бир киши, ҳув чеккада — ним хира чироқлар этагидаги столда ёлғиз ўтирган йигит шовқинсурон дарёсидан ташқарида. Қалин, тимқора сочлари елкасига тушиб турган бу йигит қотма, кўринишидан гимнастикачиларга ўхшайди. У тошдан-тошга урилиб шиддат билан оқаётган кўпикдай оппоқ тоғ дарёсини томоша қилаётгандай жим, маънос ўтирипти. Йигит тирсакларини стол қиррасига қўйган кўйи рақс майдончасига маъносиз боқади. Лекин ҳозир у на бировни кўради, на бирон нимани эшитади. Жисми бу ерда — ола-говур ресторанда-ю, хаёли бошқа ёқда — яқиндагина бўлиб ўтган йиғилишда.

* * *

Киностудия бадий кенгашининг йиғилиши бормоқда. Минбарда студия директори. Паст бўйли, думдумалоқ, битта ҳам сочи йўқ боши электр нурида ялтираб турган олтмиш ёшлардаги бу одам гавдасига ярашмаган ингичка, аммо ўткир овозда сўзламоқда:

— Энди, ўртоқлар, айрим камчиликларимиз ҳақида тўхталмоқчиман. Бу камчиликлар шундан иборатки, коллективимизда ишга совуққонлик, эътиборсизлик, лоқайдлик билан қаровчилар бор. Боргина эмас, бун-

дайлар кўпайиб кетаяпти. Мана шуниси бизни ташвишга солмоқда. Масалан, Жамшид Валини олайлик. Бу йигит жуда талантли, билимли режиссёрларимиздан, ёш бўлишига қарамай анчайин тузук фильмлар ишлади. Унинг фильмлари фестивалларда, кўрикларда мукофотлар олди. Бу ёш режиссёрнинг, қолаверса, бутун коллективимизнинг ютуғи. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин масаланинг бошқа томони бор, ўртоқлар. Жамшид Вали, назаримизда, ана шу ютуқлардан маст бўлиб қолганга ўхшайди. Семизликни қўй кўтариб деганларидек, эрта келган шуҳрат бу кишининг кўзини қамаштириб қўйган кўринади. Оқибатда ўзига ортиқча бино қўядиган, унча-мунчани менсимайдиган қилиқ чиқарди. Булар, шубҳасиз, ишга безътибор қарашга олиб келади. Жамшид Вали янги фильм ишлашга киришганига бир йилдан ошди. Бу ҳаммага аён факт. Лекин ҳалигача арзирли бирон иш қилгани йўқ. Ваҳоланки, бу фильм халқимизнинг Гитлер Германияси устидан қозонган Буюк ғалабаси байрамига коллективимизнинг совғаси бўлиши керак. Байрамга эса жуда оз вақт қолди. Бу қутлуғ ишни сизга ишонганимиздан, талантингизни ҳурмат қилганимиздан топширган эдик, — деди директор Жамшидга қараб. У пиёладаги чойдан бир ҳўплади-да сўзида давом этди. — Менимча, сиз бу ҳурмат ва ишончни тўғри тушунмадингиз. «Мен ишламасам, бошқа одам ишлаёлмайди бу фильмни», деб нотўғри ўйладингиз. Ваҳоланки, студиямизда талантли режиссёрлар кўп. Уларнинг фильмлари ҳатто халқаро анжуманларда обрўли соvrинлар олган. Бу ҳаммамизга, жумладан, сизга ҳам маълум.

Жамшид директорга зимдан қараб-қараб қўяр, аммо сўзини бўлишга истиҳола қиларди.

— Бадиий кенгашнинг қарорини чиқариб, бошқа режиссёрга олиб беришимиз ҳам мумкин. Лекин бундай қилиш яхши эмас, кўзингизга хунук кўриниб қоламиз. Ундан кейин, бунга бизнинг виждонимиз йўл қўймайди... Бу ҳақда олдин ҳам бир неча марта айтганмиз. Ваҳоланки, доимо сабаб битта: «Бош ролни ижро этадиган актёр тополмаяпман». Назаримизда, бу дангасалик, ишга эътиборсизлик, энг ёмони, коллективга ҳурматсизлик. Ўз хатосини хаспўшлаш учун асоссиз бир баҳонадан бўлак нарсасиз! Наҳотки, шун-

дай катта республикамизда битта талантли актёр топилмаса?! Ваҳоланки, ўнлаб театрларимиз бор. Юзлаб актёрларимиз бор. Уларнинг орасида талантливари йўқми? Бор, албатта. Ҳали айтганимиздек, бу гап баҳона, холос. Қидирса топилади. Фақат изланиш керак, ҳа изланиш! — Директор яна чой ҳўплади. — Назаримда, сиз Жамшид Вали, ҳали териси қотмаган шуҳрат ва обрўларингизга ишониб изланишни, қидиришни йиғиштириб қўйганга ўхшайсиз. Ўзингизни буюк режиссёр деб атайсиз, чоғи. Энди актёрлар менинг ёнимга ялиниб келсин, деб юрган бўлсангиз, бу фикрингиз нотўғри. Актёрлар келмайди. Уларни чақириш, таклиф қилиш керак. Ҳар қанча буюк бўлсангиз ҳам изланишни сира тўхтатманг. Шон-шуҳрат, обрў-эътибор талантга ўхшайди. Биласизми, улуғлар нима дейишган? Талантни асраш, тарбиялаш керак дейишган. Худди шундай шуҳратни ҳам авайлаш керак. Ҳа, авайлаш зарур. Бўлмаса қафасдан чиққан бедана сингари пир этиб учади кетади. Кейин қайта қўлга тушириб бўлмасиз. Шунинг учун ишлаш, изланиш керак. Бу ёлғиз Жамшид Валига эмас, ҳаммага бирдек тегишли. — Директор чойдан яна бир ҳўплади-да, жойига бориб ўтирди.

Яна икки киши сўзга чиқди. Улар ҳам студиянинг ютуқлари, камчиликлари ҳақида фикр айтишди. Гап айланиб Жамшид Валига келиб тақалаверди. Нотиқлар бу борада асосан директорнинг фикрини маъқуладилар. Ниҳоят, Жамшид Вали сўз сўради.

— Марҳамат,— деди мажлисга раислик қилувчи.— Сўз режиссёр Жамшид Валига.

— Мен сўзга чиққан нотиқларнинг, жумладан, ҳурматли директоримизнинг фикрларига қўшиламан. Аммо бу ерда айтилган айрим фикрлар менга нисбатан туҳмат эканлигини айтмасдан иложим йўқ. — Мажлис аҳли бирданига Жамшид Валига қаради.— Аввало мен шон-шуҳрат тожини кийдим, деб керилганим йўқ. Кимни менсимабман. Тўғри, фильм ишлаш чўзилаяпти. Бунинг эътирофи эман. Лекин мендан бўлак ҳеч ким ишлаёлмайди, деган кайфиятда атайлаб чўзаётганим йўқ. Студияда талантли режиссёрлар кўплигига шубҳа қилмайман. Аксинча, улардан кўп нарсаси ўрганмоқдаман. Жамшид Вали гапирган сари ҳаяжонланарди, икки чаккасига ёйилиб кетган узун, майин сочларини дам-

бадам орқага тараб қўярди. — Бош роль ижрочисига келсак, шу образга мос актёр тополмаётганим рост. Бу баҳона эмас! Тўғри, талантли актёрларимиз кўп. Улар театрда ҳам, кинода ҳам ажойиб образлар ижро этиб келишмоқда. Буни инкор этмайман, уларнинг маҳоратига ҳам шубҳа қилмайман. Лекин бу роль учун ўзим тасаввур қилган актёрни учратолмаяпман. Гап мана шунда. Ахир, ҳаммангиз биласиз, ҳозиргина директоримиз ҳам таъкидлаб ўтдилар, бу фильм қутлуғ байрамга бағишланган. Шундай бўлгач, шошма-шошарликнинг, байрамгача тугатиш ниятида палапартиш ишлашнинг нима кераги бор?! Фильм гарчи галаба байрамига бағишлансада, халқимизнинг урушда кўрсатган бетимсол жасорати, матонати ҳақида ҳикоя қилувчи бақувват экран асари бўлиб қолиши лозим-ку. Байрам кунлари беш-олти марта кўрсатилиб, кейин экрандан тушиб кетадиган фильмнинг нима кераги бор? Шунча вақт, шунча меҳнат, қанчадан-қанча маблағ кетгандан кейин умрбод қоладиган фильм бўлсин-да! — «Тўғри, тўғри» деган овозлар эшитилди. — Йўқ ўртоқлар, мендан кетгунча, эгасига етгунча қабилада ишламайман. Бунақа иш услуби ижодда, санъатда кетмайди. Бу айрим қурилиш ташкилотларининг услубини эслатади менга. Бирон бир объектни фалон байрамга совға тариқасида фойдаланишга топширади-да, байрам ўтгач, ремонт қилишга тушади. Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зарар?! Борингки, қурилиш объектларини ремонт қилишар экан, лекин фильмни-чи? Уни ҳам ремонт қиламизми? Бу кулгили гап, ўртоқлар! — «Тўғри, тўғри», деган овозлар энди баралла янгради. Бу овозлар Жамшидга далда, қувват берди. — Менинг фикрим шу — тасаввуримдаги актёрни топмагунимча фильмни суратга ололмайман. Бўлмаса бошқа режиссёрга олиб беришларингиз мумкин. Майли, ким иста-са ишлайверсин, мен сира хафа эмасман.

Жамшид минбардан бир қадам юриши билан зални гулдурос қарсақлар тутди. Унинг юзлари, қулоқларигача қизиб, қизариб кетганди.

* * *

Музыка тутади. Рақсга тушаётганлар ўз ўринларига бориб ўтиришди. Жамшид оғир тин олиб, стул суянчиғига ташлади ўзини. Столдаги «ВТ»дан олиб тутат-

ди. «Йўқ», хато қилмадим,— деб ўйларди у. — Нима бўлса ҳам кўнглимдаги гапни айтдим. Ёмон кўришса кўришар. Бошлиқларга хунук кўринмаслик учун виждонсизлик қилиш керакми. Қаллоблик ёмон, аммо қаллобликни кўриб билиб индамаслик ундан ҳам ёмон! Майли, нима бўлса бўлар. Наридан борса фильмни бошқа бировга олиб берам. Бўлак нима ҳам қиларди.

— Жамшид, ўзингмисан? — қаршисидан унинг синфдош дўсти Зоир келарди.— Боядан бери қараб-қараб қўяману, сенмисан, ё бошқами, деб иккиланаман.

— Салом Зоир, кел, оғайни.

Зоир унинг ёнидаги стулга ўтирди:

— Хўш, тинчликми? Ёлғиз ўзинг ресторанга кирадиган одатинг йўқ эди-ку.

— Шунақа бўлиб қолди.

— Нима бўлди, тинчликми ўзи? Кайфиятинг ҳам чатоқроқ.

— Тинчлик, дўстим. Хўш, ўзинг кимлар билан ўтирибсан?

— Ҳамкасбларимдан бири ўғил кўрувди. Шунинг ювгани...

— Ҳа, яхши... Бўпти, оғайнилариңгни ёнига боравер. Кейин бирор кун бафуржа гаплашармиз.

— Йўқ, улар кетишди. Мен сенинг ёлғиз ўтирганиңгни кўриб, ҳайрон бўлдим-да, улардан узр сўраб қолдим.

— Чакки қилибсан. Бирга келгандан кейин бирга қайтиш керак эди.

— Зарари йўқ. Тушунадиган йигитлар.

— Ҳар ҳолда яхши қилмапсан. Ҳай, майли, бўлар иш бўпти. Ўтир. Бир оз гаплашайлик, кейин кетамиз. — Жамшид графиндаги ароқдан иккита қадаҳга қуйди. Ичишди.

— Қани, гапирчи, нима гап ўзи?— сўради Зоир. Жамшид бутун киностудияда бўлган мажлисни қисқача гапириб берди.

— Бошингни қотириб нима қиласан, оғайни. Шартта ишлаб беру пулингни олиб ялло қилиб юравер-да. Асабингни бузиб, унинг устига раҳбарларга ёмон кўришиб нима қиласан. Ҳозирги вақтда «сизники маъқул, ака», деганининг ошиғи олчи.

Жамшид сигарет тутунини чуқур тортаркан, Зоирга еб қўйгудек бўлиб тикилди.

— Менга қара, Зоир, беморнинг касалини ўзинг атрофлича текшириб, операция қилиш керак деган хулосага келгач, операция столига ётқизасанми ёки бошқа бировнинг гапига ҳам ишониб операция қилаверасанми?

— Буни нима қизиги бор сенга? — ҳайрон бўлди Зоир.

— Саволимга жавоб бер! Фақат тўғриси айт!

— Ўзим маълум хулосага келганимдан сўнг...

— Ҳамишами? Ёки бировларнинг хулосасига ишониб операция қилган пайтларнинг ҳам бўлганми?

— Нима десам экан сенга... Умуман бўлган... чунки биз медиклар бир-биримизга ишонамиз. Врачларнинг хулосасида ҳар хиллик бўлмайди.

— Ёлгон! — кескин гапирди Жамшид. — Медицина хулосаси ҳамиша ҳам бир хил чиқмайди. Бу мумкин эмас. Ҳар бир врач ўзича хулоса чиқариши керак.

— Жамшид, сенга нима бўлди? Асабларинг чатоқ. Чарчабсан шекилли. Жамшид миқ этмади. Тўсатдан рўпарадаги икки улфатга термулиб қолди.

— Менга қара, Зоир, ҳув анави йигитга қара, кўра-япсанми? Сув ичаяпти-ку.

Зоир ўша томонга ўтирилди.

— Ҳўш, нима бўлибди.

— Бордию сен уни танимайсанми?

— Қизиқ гапларни гапирасан-а. Қаёқдан таний уни. Нима, ораларингдан бирон гап ўтувдими.

Жамшиднинг ҳозиргина асабийлик акс этиб турган афти-ангорига қувноқлик югурди. У ёш боладек илжайар, ўзини тутиб ололмасди.

— Дўстим, агар ўша йигит артист бўлса ҳеч иккиланмасдан пробасиз кинога олардим. Мен тасаввур қилганим, қидириб юрганим ана шу йигит. Эшитаяпсанми, Зоир, ана менинг қаҳрамоним.

— Жамшид, ҳазиллашяпсанми ёки мени майна қилаяпсанми?

— Ҳазил-пазили йўқ, оғайни. Ростдан айтаяпман. Қарагин-а, кулишлари, ўзини тутиши, ўтириши, ҳаракатларигача — ҳаммаси уники, менинг қаҳрамонимники. — У ўша йигитдан кўзини узмас, йигит бўлса бундан мутлақо беҳабар дўсти билан суҳбатлашиб кулиб ўтирарди. Жамшид қадаҳга ароқ қуйди-да, Зоир-

нинг борлигини ҳам унутгандай шарт ичиб юборди. — Эй, қодир ҳаёт, нега у йигитни актёр қилиб яратмадинг... Йўқ, бари бир бу йигитни чақираман. Артист бўлса ҳам, бўлмаса ҳам шу йигитга бераман ролни. Ҳаракатларида, қарашларида актёрлик элементлари бор. Бажаради. Юрагим сезаяпти буни. — У бу гапларни кимга айтаяпти. Ўзигами ёки Зоиргами, иккови ҳам билмасди.

— Жамшид!

— Жон оғайни, тур ўрнингдан, ундан сўраймиз кимлигини, мен таклифимни айтаман.

Зоир ўзича елкасини қисиб қўйди:

— Майли, менга бари бир. Сўрасак сўрадик-да. Лекин кулги бўламиз, дўстим.

Жамшид жадал ҳалиги йигитнинг ёнига борди. Орқасидан Зоир эргашиди.

— Кечирасиз, оғайнилар, тутатиб олсам майлими?

— Йигит Жамшидга бир қарадио гугурт ёқиб тутди.

— Раҳмат. Сиздан бир нарсa сўрамоқчиман. Қаерда ишлайсиз?

Йигит кулди. Шеригига қаради.

— Нима эди?— деди шериги.

— Сир бўлмаса, албатта.

— Сирли жойи йўқ, театрда ишлайман.

— Нима?! — Жамшиднинг қўлидан сигарет тушиб кетди.

* * *

Режиссёр Жамшид Вали қаттиқ ҳаяжонда. Бир неча дақиқадан сўнг унинг янги фильми жамоатчилик кўригига қўйилади. Қандай қабул қилишар экан, нима фикр билдиришаркан...

Фильм намоишидан кейин унинг муҳокамаси бўлди. Сўзга чиққанлар фильмни истеъдодли режиссёр Жамшид Валининг навбатдаги ютуғи сифатида баҳолашди.

Муҳокама сўнгида киностудия директори сўзлади:

— Биз Жамшиднинг талантини ўз вақтида пайқаганмиз. Шунинг учун ҳам доимо унга ишониб масъулиятли фильмларни топшириб келмоқдамиз. Мана, исботи ҳозиргина кўрганингиз янги фильм. Ваҳоланки, уни ишлашга ишқибоз режиссёрлар кўп эди, лекин биз Жамшиддонга ишондик. У биз кутгандай

фильм ишлашини билардик. Айниқса, актёр танлай билиш маҳорати ҳаммамизни хурсанд қилди. Фильмдаги бош қаҳрамон ролини ижро этган актёрни шу режиссёримиз кашф қилди. Бу фильм студиямиз коллективининг галаба байрамига муносиб тўёнаси. Шундай ажойиб фильм яратганингиз учун ташаккур сизга! Ўйлайманки, томошабинларга ҳам жуда ёқади бу фильм ва унинг умри боқий бўлади. Шошмасдан, ўз ишига пухта киришиб ишлашнинг, ролларга тўғри келган артистни олавермасдан, шу образ моҳиятини очиб бера оладиган актёр топмагунча тинмай изланишнинг самарасини кўрдингизми? Бу жиҳатдан Жамшид Валигарчи ёш бўлса-да, кўпларга намуна қилиб кўрсатса арзийдиган ишларни бажармоқда. Ваҳоланки, коллективимизда шошма-шошарлик, пала-партишлик билан фильм ишлайдиган, оқибатда фильмлари бир-икки марта намойиш қилиниб, йўқ бўлиб кетадиган режиссёрларимиз ҳам бор. Ҳа, бундан кўз юмолмаймиз...

Директор узоқ гапирди. Унинг сўзида Жамшид Валига ҳамду сано, айрим ношуд режиссёрларга танқид уфуриб турарди. Жамшид фильмнинг бош қаҳрамони образини яратган ёш актёрга маънодор жиламайиб қўяди.

Муҳокамадан кейин ҳамма Жамшид Валини қизгин табриклади. Бундан бир неча ой илгари деярли ҳеч ким танимайдиган, кинога тушишни умуман ҳаёлига келтирмаган ёш актёр ҳам энди бадиий фильм бош қаҳрамони сифатида ҳамманинг эъзози-эътиборида. Бунини ўйлагани, чуқурроқ ҳис қилгани сари унинг қувончи, чуваккина мана бу режиссёрга нисбатан миннатдорлик туйғуси қалбидан тошиб кетар, ҳаяжонини босолмасди...

1974 йил.

ИҚРОР

Алмат ака маориф бўлиmidан кўнгли кўтарилиб чиқди. Оғир бир юк, атрофни қуршаб олган мана шу оқсоч тоғлардай залворли ташвиш анчадан бери унинг елкасидан қаттиқ босиб турар эди. Энди у ўзини қушдай енгил ҳис қилди.

Истироҳат боғи томонга юрди. Бир нафас ёлғиз қолгиси, ўзи билан ўзи суҳбатлашгиси келди. Кекса чинор тагидаги скамейкага ўтирди. Чинорнинг сарғайган барглари «ширт» етиб узилади-да, пирпираб ерга учади. Шапалоқдай барг Алмат аканинг ёнгинасига — тушди. У баргни қўлига олди: сап-сарик. «Ҳаёт қонуни... Шу барг баҳорда тангадай япроқ ёзади. Ўшанда одамнинг дилини яйратади. Энди бўлса... Ҳеч ким эътибор бермайди. Балки босиб, эзгилаб ўтади. Инсон ҳаёти ҳам шунга ўхшаш. Умрнинг кузи... Уни пайқаганлар бор, пайқамаганлар бор. Қай бири маъқул?»

Барг бандидан ушлаб юзига сийпалади. Нигоҳи ҳамон чинор шохларида. Чети йиртилган сап-сарик барг унинг диққатини тортди. У нима учундир дириллар эди. Қизиқ... Нега титраяпти? Яшаш учун курашиш керак, дегани шуми? Наҳотки? Балки тўғридир? Мен-чи? Бўйин бердимми? Умр кузини эрта тан олдимми? Бўлмаса нега ариза ёздим?

Алмат аканинг хаёли ҳозиргина район маориф бўлими мудир билан бўлган суҳбатга кўчди. Мудир Алмат аканинг аризасини ўқимади. Бу масалада олдин ҳам бир неча марта келган, ҳар гал «ўйлашиб кўрамиз», деб қайтариб юборган.

Мудир Алмат аканинг озгин, ажин босган юзларига, маъюс кўзларига боқди. Бу кўзларда зигирнинг гулича бўлса-да, сохталиқ сезмади. Алмат аканинг қайси гапида, қайси ишида ғайритабиийлик кўрган?

— Хўш, сабаби нима ўзи, домла? Очиғини айтинг-чи? Ёки бирор гап ўтдимми? — деди мудир.

Алмат ака ўтирган жойида бир қўзғалиб қўйди.

— Нимага ундай дейсиз. Ҳеч гап ўтгани йўқ. Коллективимиз яхши, ҳамма ҳурмат қилади.

— Шундай бўлса ишлайвермайсизми? Мактабга сиздай одамнинг бош бўлиб турганига нима етсин. Ўқувчиларга, ўқитувчиларга, айниқса, ёш муаллимларга сизнинг тажрибангиз, маслаҳатингиз жуда зарур-ку.

— Қобилиятли ёшлар бор. Биз энди кексайиб қолдик.

— Биринчидан, ҳали бақувватсиз, иккинчидан, қари билганни пари билмас, дейдилар. Сизнинг мактабга келиб-кетиб, у-бу ишларга бош бўлиб туришингиз коллективнинг бахти-ку...

Алмат ака қўлидаги барғни икки бармоғи орасида айлантирди. «Бахт. Уни ким қандай тушунади? Мендай кекса ўқитувчи, унинг устига мактаб директоридан саволига жавоб ололмаган ўқувчи нима деб ўйлайди?..»

Дарсдан кейин савол-жавоб бўлди. Суҳбат адабиётнинг бугунги аҳволи, ҳозирги ёш шоир ва ёзувчилар ижоди ҳақида борди. Ўқувчилар кўп янги номларни санашди. Уларнинг шеърларидан ўқиб беришди, китоблари хусусида фикрларини айтдилар. Очиги, Алмат ака бир оз довдираб қолди. Бу ёшларнинг кўпини эшитган, у-бу нарсасини ўқиган бўлса-да, тан олиш керак, ижодини тўлиқ билмас эди. Шунинг учун ўқувчиларнинг саволларига аниқ жавоб беролмади, чайнаиб қолди.

Ўша куни дарсдан жуда ҳорғин чиқди. У бутун муаллимлик фаолиятида кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, оғир йилларда, қийин шароитларда дарс берди. Лекин бирон марта чарчаганини, руҳи тушганини эслаёлмайди. Бутун жуда эзилди. Умрида биринчи марта ўзини ожиз сизди. «Демак, бизнинг давримиз ўтибди-да...» Хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. «Ўқувчиларнинг саволига жавоб беролмаган, ло-ақал улар билган нарсани билмаган ўқитувчи ўқитувчими? Дарсликдаги гапларни ўқиб бериш билан иш битмайди».

Ўз устида ишламайдиган, билимини ошириб, янгиликлардан хабардор бўлиб бормайдиган ўқитувчиларни Алмат ака кечирмас, буни сира яширмай, уларнинг юзига айтар эди.

Бутун эса ўзи... «Қачондан бери шундай бўлиб қолдим? Балки анча бўлгандир, сезмагандирман?! Нега энди ўсиб келаётган авлоднинг фикрини ўтмаслаштирамиз?! Уларнинг мулоҳазасини нима учун ўз қолипимизга солишимиз керак? Ўқувчиларнинг келажаги, тақдири менга, менга ўхшаганларга бовлиқ-ку. Йўқ, энди тамом! Ҳар кимнинг ўз даври бўлади. Аммо бу давр мутлақ эмас! Буни тушуниш, англаш даркор. Кимки буни ўз вақтида тушунса, ҳаётнинг шиддатли оқими билан барабар сузишга қудрати етмаганлигини пайқаб, ўзини қирғоққа олса — шунинг ўзи бахт!..»

Директор шулар ҳақида ўй суриб ўтирганди, эшик тақиллади. Дарҳол ўзини қўлга олди, костюмини, галстугини тўғрилади.

— Мумкинми, домла?

Уч йил бурун университетни битириб келган ёш адабиёт муаллими эпикни очди.

— Келинг.

Ёш ўқитувчилар орасида Алмат аканинг собиқ ўқувчилари анчагина. Директор уларнинг ҳаммасига бир устоз каби меҳрибонлик қилар, зарур маслаҳат ва кенгашини аямасди. Мана бу йигитга эса унинг ҳурмати ўзгача. Бу ҳам адабиётчи бўлгани учунми, камтар, ишчанлиги туфайлими — ҳар қалай Алмат ака аниқ сабабини билмайди — лекин алоҳида бир меҳр билан яхши кўради. Ҳозир юраги сиқилиб, ўзи билан ўзи баҳслашиб турганда севимли шогирдининг кириб келиши унинг айни кўнглидаги иш бўлди. У ўрнидан туриб, шогирдига пешвоз юрди.

— Бир маслаҳат бор эди, домла.

— Ўтиринг-чи. Хўш, нима экан?

— Районимизга бир-иккита ёш шоирлар келишипти. Уларни мактабимизга чақириб учрашув ўтказсак. Баҳонада адабиётимизнинг бутунги аҳволи билан яқинроқ танишар эдик. Улардан кўп нарса сўраб-билиш мумкин. Ўқувчиларимизга ҳам нафи тегади.

Синфдаги савол-жавоб Алмат аканинг ёдига тушди. Лекин буни шогирдига сездирмади.

— Майли,— деди лоқайдлик билан. Кейин қўшимча қилди: — Кимлар экан?

Муаллим районга келган ёш шоирларни айтди. Алмат ака бармоқларини стол устида ўйнатар экан, «О, жуда яхши! Зўр шоирлар. Улар билан учрашув ўтказиш керак, жуда яхши...» деди. Аслида уларнинг биронтасини ҳам тузукроқ билмас эди.

— Бўпти, гаплашиб келинг,— деди. — Қачон ўтказмоқчисиз учрашувни?

— Эртага чақирсам девдим.

— Майли. Мени эртага облонога чақиришган. Завучга тайинлайман, биргаликда уюштиринглар. Агар уларнинг ёнида китобидан бўлса, кутубхонамиз учун дастхат ёздириб олинг.

Ёш муаллим бир оз бўшашди.

— Сиз қатнашмасангиз қандай бўлади?

— Зарари йўқ. Нима қипти? Мен бормасам бўлмайди-да. Индинга ўтказайлик десам, уларнинг вақти борми-йўқми, балки кетиб қолишадими?

— Облонога бир кун кейин борсангиз-чи? Ўзингиз иштирок этганингизда яхши бўлар эди-да. Ҳам директор, ҳам тажрибали адабиёт ўқитувчиси. У шоирларни яхши биласиз...

Ёш муаллимнинг охириги сўзлари Алмат акага киноя каби эшитилди. «Шоирларни яхши биласиз». У ҳозир овозини борича «Йўқ, мен ҳеч кимни, ҳеч нарсани билмайман! Менинг даврим ўтди!» деб бақиргиси, шу билан кўнглини сал бўшатгиси келди. Бироқ Алмат ака... Алмат Муродов учун бундай қилиш ярашмас, ярашмайдигина эмас, умуман ақлга сирмайдиган бир гап эди. Унинг кучли иродаси, кенг мулоҳазаси, катта ҳаётий тажрибаси ҳар доимгидек, бу сафар ҳам бир лаҳзалик енгил ҳиссиётдан устун чиқди. Ўрнидан оғир турди-да, шогирдининг ёнига келиб, елкасига қўлини ташлади.

— Тушунаман, ўғлим,— деди у оталарча вазминлик билан,— лекин сиз ҳам мени тушунинг: мен учрашувда қатнашолмайман. Бунинг учун мен эртага облонога бориш-бормаслигимнинг аҳамияти йўқ!.. Сабабини сўраманг. Мавриди келса айтарман.

Бу гапдан ёш муаллим ҳайратга тушди. «Нима гап ўзи? Бу гапларни Алмат ака айтяптими?» Қулоқларига ишонмади. Рўпарасида турган одам ўша — ўзига илк бор ҳарф ўргатган, қалбида адабиётга иштиёқ уйғотган, қанча-қанча ёшларга устозлик қилган, посёлкада-етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма домла, деб ҳурмат қиладиган Алмат Муродов турганига шубҳа қилгандек унга синчковлик ила тикилди.

Буни Алмат ака сездди. У ҳам шогирдининг жавдираб турган кўзларига қаради-да:

— Шундай, ўғлим!— деди.

...Алмат ака чуқур хўрсинди. Чинорнинг кўм-кўк баргига термилди. «Хўш, ўша ёш муаллим қандай тушунади бу бахтни? Бахт эмиш. Юз меҳри — иссиқ қабилида индамай юришганини, юзига солмаётганини бахт, деб ўйлаш керакми?..»

...— Балки шундайдир,— деди Алмат ака. — Лекин мен учун бундай бахтни кўтариш оғир. Ўйинга ярамай қолганини сезиб ўзини четга олиш, ёшларга ўрин бе-

риш даркор. Ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнаб, кўзи чиққан говмиччадай хунук кўриниб юриш наҳотки бахт бўлса?

Мудир ўйланиб қолди. Алмат акага синовчан разм солди. У нигоҳини бир нуқтага кадаб, индамай ўтирар эди. Мудир охирги марта Алмат аканинг қўйнига қўл солди.

— Мен сиздан буни кутмаган эдим, — деди ранжиган оҳангда. — Сизни сираям шунақа одам деб ўйламовдим. — Алмат ака ялт этиб мудирга қаради. Унинг бу қарашига «Мен қанақа одам эканман? Нима демоқчисиз?» деган кескин савол зоҳир эди. Мудир эса буни сезмаган каби ўсмоқчилади. — Наҳотки, шу қадар шахсиятпараст бўлсангиз?

Алмат ака аввал оқарди, кейин уят иш қилиб қўйган боладай қизариб кетди. Илкис нима дейишини билмай қолди.

— Бу нима деганингиз? — деди ниҳоят.

Мудир иложи бориचा ўзини жиддий тутишга, ҳазилини сездирмасликка ҳаракат қилди. Гапириш оҳангини ҳам ўзгартирмади.

— Тўғри-да! Шахсий ҳаловатингизни ўйлаб ҳаммасидан воз кечяпсиз. Жамият манфаатидан ўзингизни олиб қочяпсиз. Бошқа мактабларда шундай ўқитувчилар борки, пенсияга чиққанига бир неча йил бўлганига қарамай, ишламасликни хаёлига ҳам келтирмайдилар. «Кўп йиллик ҳалол хизматларингиз эвазига энди ҳордиқ олинглар», деб қанча айтдик. Аммо улар «Танамда жоним бор экан, жамият учун, халқ учун хизмат қиламан! Майли, мурдам чиқсин мактабдан», дейишади. Уларни ҳақиқий педагог, жамият учун, халқ учун умрини бахшида қилган фидойилар деса бўлади. Сиз эса ҳали ўшалардан ёшсиз, лекин «Кексайдим, чарчадим, соғлигим ёмон, ишдан бўшатилинг», дейсиз.

Мудир кимларни назарда тутаётганини Алмат ака билади. Районда беш-олтита кекса ўқитувчи бор. Ўқитувчилар етишмаслиги туфайли бир вақтлар муаллим бўлиб олган. Аслида ўз исминиям беҳато ёзолмайди. Лекин буни ўзлари тан олмайдилар. Бу ҳақда сўз кетдими, «биз ёшлигимизда...» деб гапни узоқдан бошлашади. Ўқувчиларнинг масхара қилиши ҳам, педсоветлардаги дашномлар ҳам, қизим сенга айтаман,

келиним сен эшит қабилидаги учиріқлар ҳам уларга таъсир этмайди... Ўрдақ каби сиртига сув юқтирмайдилар...

Ўзини ўшаларга менгзагани учун Алмат ака мудирдан ранжиди. Вужуди жимираб, бошига иссиқ қон югурди, икки чаккаси қизишиб кетди.

— Менга қаранг, ҳурматли мудир,— деди салмоқлаб. — Борди-ю, ҳазил қилаётган бўлсангиз, сиздан каттиқ илтимос, иккинчи бунақа ҳазилни йиғиштинг, агар рост айтаётган бўлсангиз...

У гапиролмай қолди. Ҳазили қалтис чиққанини мудир сизди. Стаканга сув қуйиб, Алмат акага узатди.

— Домла, домла... Қўйинг-э, наҳотки, ҳазилни тушунмасангиз. Мен сизнинг кимлигингизни билмайманми?!

Алмат ака бир қултум сув ичиб, бошини кафтлари орасига олди. Тирсакларини столга тираганча узоқ жим қолди. Мудир саросимага тушиб, қўрқиб кетди. «Ҳе, шу ҳазилни чиқарганнинг падарига лаънат!» Алмат акага яқин борди.

— Доктор чақирайми, домла?

Алмат ака «йўқ» деган маънода бош ирғади. Бир оздан кейин қўлларини туширди. Ожизлик билан мудирга қаради.

— Кечиринг, домла. Ҳазилашаман, деб...

— Ўша ватанпарварлар, жамиятга жонини қурбон қилган фидойилар билан ишлайверинг-да,— деди Алмат ака жуда синиқ товушда. — Мендек шахсиятпараст, худбин одамни нима қиласиз. Ундан кўра аризамга тезроқ қўл қўйиб, тезроқ қутулмайсизми! — У энди ўзига ўзи гапирар эди. — Шахсиятпараст эмишман. Салкам эллик йил муаллимлик қилиб, ҳеч кимдан бундай гапни эшитмовдим. Ёшим бир жойга борганда шахсиятпарастлик қиламанми? Бўшатишлар, қувватим етмаяпти, ҳозирги болаларга ақлим, билимим ожизлик қилиб қолди, энди ёшлар ишласин, десам худбинлик бўладими... Нега бир-биримизни тўғри тушунмаймиз? Хайронман, ёлгон гапга дарров ишонишади-ю, рост сўзингга қулоқ солишмайди!

У бир лаҳза жим қолди. Нафасини ростлади. Кейин мудирга юзланди:

— Жамият тараққиётига қўшилиш, бу тараққиёт билан барабар юриш қўлимиздан келмагач, ортиқча чиранишнинг нима кераги бор? Борди-ю, мен шуни сезган бўлсам, шуни тан олиб турсам — бу айбми? Олдин ҳам неча марта келдим ҳузурингизга. Ҳар гал пайсалга соласиз. Ҳурматингизни қилдим, индамай қайтиб кетавердим. Энди эса...

Алмат аканинг мактаби райондаги энг илғор, ҳамма томондан намунали. У директорликни топширса, мактабнинг обрўси нима бўлади? Янги директор бу обрўни сақлаб қола оладими? Ахир, мактаб бутун районнинг фахри-ку!

Мудирнинг ташвиши бу ёқда эди. Директорнинг аризасига қўл қўймай галга солишининг боиси ҳам шу.

Алмат ака уни ишонтирди: Мактабнинг обрўсини сақлаб қола оладиган, шуҳратини яна ҳам ошириш қўлидан келадиган ёшлар бор...

Бу гапдан мудирнинг кўнгли ўрнига тушди...

Алмат ака аввал қўлидаги баргнинг томирларига, сўнг ўзининг қўл томирларига разм солди. Озгин қўлларида бўртиб турган томирлар ҳали унча-мунча ишни писанд қилмаётгандек туюлди. У ички бир қониқиш, қандайдир хурсандлик ҳиссини туйди...» Директорликдан бўшаганим билан қиладиган ишларим кўп ҳали... Ўғил-қизларим, невараларим...»

— Ассалому алайкум, домла.

Алмат аканинг хаёли бўлинди. Қаршисида шогирди — ёш адабиёт муаллими турарди.

— Ёлғиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?

Алмат ака унга ёнидан жой кўрсатди.

— Ўтиринг. Шошилмаяпсизми? Қаерга кетяпсиз?

— Йўқ. Кинофикациядаги ўртоғимнинг олдида бо раётган эдим. Янги фильм келганмиш. Ўқитувчилар ҳаётидан экан. Гаплашиб кўрай, мактабимизга олиб бориб кўрсатса, яхши бўларди.

«Директорликка бунинг номзодини кўрсатиб чакки қилмадим. Жуда куйди-пишди йигит. Ўз фанини, умуман мактабни, болаларни яхши кўради. Ана шундайлар директор бўлгани тузук».

— Ҳозир сизни ўйлаб, ўтиргандим.

— Мени? Қизиқ-ку!

— Ҳа, сизни, — деди Алмат ака шогирдига синовчан тикилиб. — Биласизми, мен ҳозир районо муди-рининг олдидан келяпман...

Алмат ака бўлган гапнинг ҳаммасини айтиб берди.

— Бундан бир ойча илгари ёш шоирлар билан учрашув ўтказмоқчи бўлганингизда мен қатнашолмай-ман, деганим эсингиздами? Сабабини энди билдин-гизми?

— Қўйинг домла, биз адабиётни сизчалик тушуни-шимизга ҳали анча бор.

— Йўқ, ўғлим. Гапларимни сохта камтарлик, деб ўйламанг. Бори шу. Сизга айтадиган муҳим гапим бор. Менинг аризамга қўл қўйди.

Муаллим ўрнидан сапчиб туриб кетди.

— Нималар деяпсиз, домла?! Мактабнинг ҳоли не кечади?

— Хавотир олманг. Ҳаммаси яхши бўлади... Майли ҳозир йўлдан қолманг. Бошқа гапларни эртага педсо-ветда гаплашамиз. Хайр, омон бўлинг...

...Улар ота-болалардай хайрлашдилар. Алмат ака шогирдининг орқасидан қараб қолди. Унинг юришида қандайдир вазминлик, салобат бор эди. «Уялтирмай-ди...Ишонаман...»

1982 йил.

УКА

Акмал Москвага олдин ҳам келган. Унда шунчаки, томоша қилиб кетган эди. Бу гал иш билан юрибди — семинарда қатнашяпти. Ҳар кун эртадан-кечгача лек-ция, сира тиним йўқ.

Бугун жуда хуноби ошди. Бор-е, деб Самарқандга қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Метро вагончаларининг бир маромдаги шақ-шуқига кулоқ солиб борар экан, миясида турли-туман фикрлар ғужғон ўйнарди. «Шунча йўлдан овора бўлиб келдим. Бир ҳафтадан бери тен-тираб юрибман. Энди, нима бўлса ҳам охиригача чи-дай. Шу ҳолда қайтиб борсам директор ҳам ранжий-ди...»

У меҳмонхонага шалвираб кириб келди. Ҳамхона-си йўқ, ҳали қайтмабди. Қават навбатчисидан чой ил-

тимос қилди. Юмшоқ креслога ўтириб иссиқ чойдан ҳўплади.

Эшик тақиллади. Акмал хаёлини йиғиштириб олдида:

— Ким, у? — деди.

Эшик яна тақиллади. У ўтирган жойидан турмади. Эринди. «Ким бўлди экан? Манави бўлса индамай кириб келаверар эди...»

— Кираверинг!

Эшик секин очилди. Бир киши аста мўралади. Акмалга таниш қиёфа. У қўлидаги стаканни столга қўйдида, ўрнидан сакраб турди.

— Нормат!

— Салом, ака... — деди Нормат.

Ака-ука кучоқлашиб кўришди...

* * *

Акмал оилада тўнғич фарзанд. У ўрта мактабни битириб, Самарқанддаги меъморчилик институтига ўқишга кирди. Нормат ўрта мактабни Акмалдан бир йил кейин битирди.

Отаси: «Сен ҳам шаҳарга ўқишга борасанми, ўғлим?» — деди бир куни Норматга. У отасининг ажин босган юзларига, негадир бир оз ғамгин чехрасига тикилди. Отаси жуда қариб қолгандай туюлди. Ҳозирги саволида ўзига нисбатан илтижо, ялиниш оҳангини сезди. Бунинг боиси бор.

Ҳайит ака нисбатан кечроқ фарзанд кўрди. У ўттиздан ошганда Акмал туғилди. Бунинг устига, ёшлигида кўп қийинчилик кўргани учунми, тез қариди. Йўқ, қариганда у куч-қувватдан қолмади. Ҳозир ҳам биладига кучи, юрагига ўти бор. Фақат шашти пастдай кўринади. Акмалнинг қўлидан энди иш келиб, оғирини енгил қиламан, деганда ўқишга кириб кетди. Оиларўзгор ишлари яна Ҳайит аканинг ўзига қолди.

Нормат вояга етди. Эрта-индин у ҳам ўқишга жўнаса... Кейин нима бўлади? Ҳовлидаги тоқларни чопиш, суғориш, баҳорда очиб, кузда кўмиш яна Ҳайит аканинг гарданига тушадими?

Ҳайит ака Норматдан бояги саволни бекорга сўрамади. Савол замирида чуқур маъно, бир-бирига боғлиқ саволлар бор. Нормат буларни билади. Билгани учун ҳам отасининг нуроний чехрасига узоқ термиди.

— Нимайди, ота? — деди у ниҳоят.

Ҳайит ака оқ оралаган соқолини оҳиста силади. Норматга қарамай, узоқ-узоқларга, торнинг қуёш тегай-тегай деб турган чўққисига термулганча, хаёлчан бир аҳволда деди:

— Ўзим... Шунчаки, сўраяпман-да, ўғлим. Мактаб-ниям битирдинг. Қайси ўқишга бормоқчисан, деб сўраяпман-да.

Ҳайит ака ўғлига қандайдир ҳам маънодор, ҳам савол назари билан қаради.

— Акам ўқишда бўлса... Мен ҳам кетсам, уйнинг ишларини ким қилади? Ёлғиз ўзингиз куймаланиб юрасизми? Одамлар нима дейди? Икки ўғил ўстириб кўрган роҳати шуми, демайдими?

Ўғлининг ақл-фаросатидан Ҳайит аканинг кўнгли ёришди. Аммо дилида кечган мамнунликни тилига чиқармади. Ҳайит аканинг одати шундай: ўғил-қизларидан хурсанд бўлса ҳам, ранжиса ҳам ўзини тия олади. Ортиқча суюб, эркаламайди, шовқин-сурон солиб, бақирмайди. Фарзандлари ҳам отасининг бу одатини билишади. Фақат унинг юз ифодаси, гапириш оҳанги дилида кечаётган ўйларни аён қилиб қўяди. Ё ўйчан, камгап бўлиб қолади, ё чиройи очилиб, ёш боладай ҳазил-ҳузул қилади.

— Иш қочиб кетмас, — деди Ҳайит ака салмоқлаб. — Лекин сен ўқишинг керак. Бир вақти келиб: «Отам мени институтга юбормаганлар», деб хафа бўлиб юрсанг яхши эмас-да.

— Вақт-соати келса, ўқиб оларман. Лекин ҳозир бормайман. Ундан кўра бир ишнинг бошини тутай. Акам битириб келсин. Кейин бир гап бўлар.

Нормат айтганини қилди. Тракторнинг рулини тутди. Уй ишларини эса тамоман ўз елкасига олди.

...Баҳорда Ургут тоғлари ям-яшил либос кияди. Лолалар зангор гиламдаги қип-қизил гулларни эслатади. Атрофга қараб кишининг кўзи тўймайди. Ҳавонинг тозалигини айтинг.

Акмал икки ўртоғи билан қишлоғига келди. Меҳмонлар бироз дам олишгандан кейин Нормат акасини секин четта имлаб чақирди:

— Меҳмонларни уйда димиқтириб олиб ўтиравермайлик. Тоққа олиб чиқайлик. Айланиб, дам олиб келишади.

— Яхши бўларди. Машинангда чиқамизми? — деди Акмал.

— Албатта-да. Шундай кунда минмасак қачон минамиз. Яхши кунларимизга ярасин, деб яхши ният билан олганман.

Улар Омонқўтон тоғига чиқишди. Нормат учун Омонқўтондан гўзалроқ жой йўқ. Ўртадан шарқираб сой оқади. Суви тип-тиниқ, муздай. Тошдан-тошга урилиб оқишига термилиб ўтиришнинг ўзи кишига завқ бағишлайди. Икки томон баланд тоғ — кўм-кўк ўрмон. Шаҳардан келган меҳмонлар жаннатга тушгандай бўлиб қолдилар. Арча ўтинида пиширилган тандир кабоб, кийик ўт тўғралган қўйнинг қатиғи.

Нормат бир-иккита жўраси билан кабоб елпияпти.

— Акмал, укангиз нима иш қилади? — деб сўради меҳмонлардан бири.

— Трактор ҳайдайди.

— Бирон-бир раҳбарларданми, деб ўйлабман, — деди иккинчиси. — Бунча зиёфат қилиш учун...

Акмал кулиб қўйди. Аслида унинг ўзи ҳам укасига тан бераётган, қойил қолаётган эди. Қаерга бормасин ҳамма у билан қуюқ кўришади, хизматда бўлайлик, деб қўлини кўксига қўяди. Нормат: «Раҳмат, раҳмат, кейинги сафар», деб ўтиб кетади. Шунча обрў-эътибор, иззат-ҳурмат...

Меҳмонлар уч кун туришди. Уч кун ичида Нормат уларни қаерларга олиб бормади, нималар билан меҳмон қилмади. Охири машинасида Самарқандга элтиб қўйди. Хайрлашаётганда меҳмонлардан бири Норматнинг қўлини қаттиқ сиқар экан:

— Уканг бўлса шундай бўлса-да. Кўз тегмасин. Омадингни берсин, ука, — деди.

Нормат акасини ётоқхонага олиб борди. Акмал машинадан тушаётганда Нормат унга қовозга ўроғлик нарса узатди.

— Нима бу? — деди Акмал.

— Олиб қўйинг, ака. Керак бўлади.

Акмалнинг вужуди жимирлаб кетди: «Наҳотки? Ука акага пул берса! Нега энди! Аслида бу ишни мен қилишим керак эди-ку!» Аканинг бурчи, вазифаси эмасми?! Укам менга ёрдам беряпти... У жуда уялди. Хи-жолат чекди.

— Нормат... Керак эмас, ҳаммаси етарли, — деди ниҳоят.

Нормат кулди. Акасининг хаёлидан кечган фикрларни уққандай эди.

— Борида олаверинг, ака. Хиждолат тортманг. Эртаиндин катта меъмор бўлиб кетсангиз сиз менга ёрдам берасиз.

— Қачон уйга борсам тинмай хизмат қиласан, — деди Акмал. — Ҳозир жўраларимга шунча зиёфат бердинг. Шунинг ўзи бас, ахир. Мени хижолат қилма. Ака бўлиб нима қилиб қўйдим сенга.

— Айтдим-ку, ҳозир сиз олиб турунг, вақти келса мен оларман.

Ўшандан кейин Акмал анча пайт қишлоғига бормади. У Норматга кўринишдан уялди... «Унинг кўзига қандай қарайман? Мени деб ўқишга кирмади. Менинг ўрнимга уй ишларини қиляпти. Ота-онамга қараяпти. Бу ҳам етмагандай менга ёрдам беради. Қайси ука шундай қилади? Акалар, ҳатто оталар-чи?!»

... Ёзнинг жазирама кунлари. Имтиҳонлар тутаган. Акмал диплом ишининг ташвиши билан юрибди. Бир кун иссиқдан бўшашиб қайтди. Ётоқхона эшиги олдида турган қизил «Москвич» кўзига таниш кўринди. Номериға қаради. «Ие, Норматнинг машинаси-ку! Тинчликмикан?» Шу хаёллар билан машина эшигини тортди: кулф. Қаерга кетди экан? Ётоқхона томонга бурилиши билан ичкаридан Нормат чиқди.

— Ҳа, Нормат? Тинчликми?

— Тинчлик, — деди Нормат салом бериб. — Ўзингиздан сўрасак? Соғ-саломатмисиз? Уйга бормайсиз ҳам.

«Чолу кампир хавотир олишган. Ҳар ҳафтада боришимга ўрганиб қолишган-да».

— Отам билан знам ишдан қолдиришибди-да, сени, — деди Акмал ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

— Нимага?

— Нимага бўларди, бир ой бормаганимга хавотир олиб сени жўнатишибди-ку.

— Йўқ, улар билишмайди. Ҳаяллаб кетганингизга бир бориб хабар олиб келайчи, деб ўзим келдим. Отам-гаям, знамгаям айтганим йўқ. У куни знам «Акангдан дарак бўлмаяпти-я, болам», девдилар. «Кеп қолар, иши кўпайиб кетгандир-да», дедим. Энамни алоғда бўлмасинлар дедим-у ўзим турли хаёлларга бордим. Кейин уларга билдирмай бу ёққа жўнадим.

— Бекор овора бўлсан. Нима, мен ёш боламидим. Диплом ишлари билан югуриб юрибман. Бугун бу ерини тузатаман, эрта у ерини.

— Қачон ҳимоя қиласиз?

— Кейинги ҳафта, жума куни.

— Бўпти, мен кетдим. Ўша куни келаман.

— Келишингнинг нима ҳолати бор. Ишдан қолиб юрасанми?

Нормат индамай машинага ўтирди. Акмал унинг орқасидан ҳавас билан термилиб қолди.

Жума куни диплом ҳимоясидан сўнг терлаб-пишиб коридорга чиқди. Эшик олдида қўлида бир даста гул билан Нормат кутиб олди. У гулни акасига тутқазиб, уни маҳкам кучоқлади.

— Табриклайман, ака! Отам билан энам ҳам табриклаб юборишди.

Акмал севинчини яширолмади.

— Раҳмат, ука...

У бошқа гапирмади, гапиролмади.

Акмалнинг бир дўсти югуриб келиб Нормат билан кўришди. Нормат уни таниди. Баҳорда қишлоғига борган, тоққа чиққан йигитлардан бири эди.

— Ётоқхонага борамизми? — деди ҳалиги йигит.

— Ҳа, — деди Акмал, Норматга: — Сен ҳам юр. Беш-олтита жўраларим боради. Бирпас ўтирамиз.

Ўн чоғли йигит-қиз Акмалнинг хонасига келишди. Улар стол атрофига ўтириши билан Нормат ишга тушиб кетди. Бир зумда столнинг усти турли ноз-неъматлар билан лиқ тўлди. Пиширилган гўшт, тандир кабоб, қатпатир, мева-чева... Акмалнинг оғзи очилиб қолди.

— Оҳо, зўр-ку, — дейишди меҳмонлар. — Бу ҳақиқий банкет-ку.

Йигит-қизларнинг бири қўйиб, иккинчиси сўз олди. Ҳаммаси Акмалнинг таланти юксаклигини, диплом иши сифатида тақдим этган лойиҳаси юқори баҳоланганини, келажакда ундан катта меъмор чиқишини қайта-қайта таъкидлашди.

Нормат бир чеккада уларнинг сўзини тинглаб ўтирар, шундай истеъдодли акаси борлигидан ғурурланар, сўз аytувчилар Акмални мақтаётганида «Бу менинг акам, кўриб қўйинглар!» деб овозининг бориचा ҳай-қиргиси келар эди...

Йиллар ўтди. Бу орада Акмал ҳам, Нормат ҳам уйланди. Бола-чақали бўлди. Хар иккала тўйнинг оғирини Нормат кўтарди. Лекин буни ҳеч ким билгани йўқ. Одамлар: «Ҳайит ака ўғилларининг тўйини жуда яхши ўтказиб берди», — деб гапириб юришди. Бу гапни эшитган Нормат астойдил севинди. «Отанинг шаънига одамлар яхши сўз айтишса бас. Менга шунинг ўзи кифоя».

Тақдирнинг тақозоси билан Акмал шаҳарда яшаб қолди. Дўстлари башорат қилганидек, у катта меъмор бўлиб етишди. Унинг лойиҳаси бўйича бинолар, майдонлар, хиёбонлар қурилди. Буларнинг ҳар бири давлат комиссияси томонидан қабул қилинганда, тантанали очилиш маросимларида Нормат акасининг ёнида бўлади. Кимдан эшитиб, қаердан билиб келади — бунга Акмалнинг ақли етмайди. Сўраса — билдим-да, деб гапни қисқа қилади. Акмалнинг номига мақтов сўзлар айтилганда Норматнинг кўкси тоғдай кўтарилади.

Дўстлари, бошқа жойлардан келган жўралари билан шаҳарга тушиб қолса, албатта Акмалнинг лойиҳаси бўйича ишланган биноларни кўрсатади. Майдонларни айланиб, хиёбонларда бир нафас бўлсада, ўтириб ҳордиқ чиқаради. «Мана шу бинонинг лойиҳасини менинг акам ишлаган. Мана бу майдонни, хиёбонни ҳам. Қаранглар, қандай чиройли, ажойиб. Ҳаммаси жой-жойида. Меъмор чизиб чиқмаса бунақа баланд иморатларни қуриб бўлмайди». Одамларга ана шундай деб мақтанишни яхши кўради.

Бу севинчларини, мақтанишларини Акмалга айтмайди. Бироқ Акмалнинг ўзи сезади. Сезиб укасидан хурсанд бўлади. «Менинг ижодимга шунчалик қизиқади, шунчалар жон куйдиради-я...»

* * *

Норматнинг ўқиши учун «вақти-соати келмади». Бугун бу деди, эрта у. Бир ишни тугатса иккинчиси чиқиб турди. Оилалик бўлгандан кейин иш қайнагандан қайнади. Йил ўтган сари ота-онаси қариб, оғир ишларга ярамай қолаверди. «Иқтисодий жиҳатдан сал ўзимни ўнглаб олсам, кейин ўқийман» деб хаёл қилган эди, йўқ, аксинча бўлди. «Иқтисодий жиҳатдан ўзини ўнглади», аммо оилавий шароит тобора мурак-

каблашиб бораверди. Бирин-кетин сингилларини турмушга узатди. Ота-онасининг ёнида эса ёлғиз ўзи қолди. Энди уларни ўз ҳолига ташлаб кетолмайди.

Ота-онасининг соғ-саломат юрганидан, сингиллари бахтини топиб, уйли-жойли бўлганидан кўнгли тўқ. Қўшни қишлоқларда бирон-бир тўйми-таъзиями бўлиб қолса, ота-онасини машинага миндириб олиб боради. Фақат ота-онасини эмас, бошқа қарияларни ҳам ола кетади. Шунда чолу кампирлар уни алқайди: «Умрингдан барака топ, болам. Бизнинг ёшимизга етиб юр. Омадингни берсин. Бола-чақангнинг ҳузурини кўр».

Ана шундай кезларда у ўқиёлмай қолганидан кўнгли ўксимайди, пушаймон қилмайди. «Тўртта одамнинг кўнглини олсам — шунинг ўзи бас-да. Тақдирда бор экан, ўқиёлмадим. Лекин кимдан камчилигим бор. Ўқишни битириб, номи улуғ, супраси қуруқ бўлиб юрганлар ҳам бор-ку!» Шуларни ўйласа хаёлига лоп этиб акаси келади. «Йўқ, менинг акам унақалардан эмас! Тўғри, унинг тагида машинаси, кассада минг-минг пули йўқ. Аммо акамни ҳамма ҳурмат қилади.

Меъмор Ҳайитов, деб гапиради. Радиодан, телевизордан акам қурган биноларни мақтайди. Акам машҳур одам. Кўп пул топиш осон, лекин машҳур одам бўлиш қийин. Қани, кимнинг акаси шунақа машҳур? Кимсан, Акмал Ҳайитов! Меъмор Ҳайитов! Ана шу одам менинг акам бўлади! Биз у билан бир қориндан талашиб тушганмиз».

Болалигида Акмал билан Норматнинг гавдаси бир хил эди. Танимаганлар уларни эгизак, деб ўйларди. Бирининг кийимини иккинчиси кийиб қочар, шундан икковининг ўртасида тез-тез «жанжал» чиқиб турар эди. Отаси ёки онаси Акмалга иш буюрса, у Норматга айтади, Нормат эса ўзинг қил, дейди.

Бир марта қизиқ бўлган. Ўшанда Акмал ўн тўртда, Нормат ўн уч ёшда эди. Ҳайит ака Акмалга: «Ариқдан сув боғлаб кел, ҳовлидаги тоқларни суғорамиз», деди. Акмал отасига индамади-ю, ташқарига чиқиб, Норматга: «Ариқдан сув боғлаб келаркансан. Отам айтдилар, тоқларни суғорар эканмиз», деди. Нормат: «Алдама, ўзингга айтган. Бор ўзинг». Униси у деди, буниси бу. Бу машмашани Ҳайит ака эшитиб қолди. Ўғилларига миқ этмади. Кетмонни елкасига ташлаб ариқ томонга чиқиб кетди. Ака-ука отасининг мақсадини ту-

шуниб, орқасидан эргашиди. Ҳайит ака ўғиллари ортидан келаётганини сезди. Сезди-ю, билмаганга олиб кетаверди. Акмал чопиб бориб: «Ота, кетмонни беринг. Ўзим боғлаб келаман», деди. Ҳайит ака бамайлихотир ҳолда: «Қўй, ўғлим! Сенларга бир ишни айтгунча, тинчгина ўзим қилиб қўя қолганим маъқул», деди.

Бу гапдан Акмал ҳам, унинг орқасидан бурнини тортиб эргашиб бораётган Нормат ҳам изза бўлди. Ака-ука бир-бирига қаради. Бу қарашда «уялмайсанми?» деган маъно бор эди...

...Нормат етилиб, юзлари тўлишиб қолди. Оғир-вазмин йигит. Офтоб тифида қорайган билакларидан йигитлик кучи ёғилиб турибди. Анча улўфсифат кўри-нади. Билмаганлар уни Акмалнинг акаси, деб ўйлайди. Акмал чуваккина бўлиб қолди: ранг-рўйи бир аҳволда. Ёнғоқ соясида қолган ниҳолдай нимжон. Нормат бунга акасининг кўп ишлашидан, иши оғир ва диққинафас эканлигидан, деб билади. Қачон унинг уйига борса, Акмал катта оқ қоғозга термилиб, учи игнадай қилиб очилган турли қаламлар, ҳар хил жазварлар билан нималарнидир ўлчаб, чизиб ўтирган бўлади. «Меъморлик ҳам қийин иш экан-да». Акасига раҳми келиб кетади. «Ака, ҳадеб хонага қамалиб олиб чизма-чизиқ қилавермай, ҳар замонда қишлоқ томонларга бориб бир айланиб келинг. Ҳаво алмаштирасиз. Соғлигингизга ҳам фойда» дейди. Акмал сигаретни бурқситиб тутатади-да, укасининг меҳрибон кўзларига термилади.» Хўп, мана шу ишимни тутатай. Кейин албатта бораман. Тоққа олиб чиқасанми?» «Албатта, олиб чиқаман». Қаёқда, у иш тутартуамас яна бир иш топилади. Шундай қилиб, баҳор ўтади, ёз ўтади, куз кетидан қиш келади. Акмал эса катта оқ қоғоз устига игнадай учли қаламлар билан одам ақли етмайдиган чизиқлар тортишдан на бўшайди, на чарчайди...

* * *

— Нима қилиб юрибсан буёқларда? — деди Акмал укасини қучоғидан қўйиб юбормай. — Бирон иш билан келдингми? Менинг бу ердалигимни қаердан билдинг?

— Ўзим, шундай, томоша қилгани келдим.

Ака-ука иккита креслога қарама-қарши ўтиришди. Акмал Норматга чой узатди.

— Ҳар ҳолда бекорга келмагандирсан?

Нормат кулди. Акаси узатган илиқ чойдан бир хўплаб, Акмалга маъноли қаради.

— Нимага ундай деб ўйлайсиз? Москвага фақат сиз келаверасизми? Бизлар ҳам томоша қилайлик-да Москвани. — Стаканни Акмалга узатаркан, кулимсиради. — Кўргазмага келувдик.

— Шунақа дегин, — деди Акмал. — Кўпчиликмисизлар? Қачон келдиларинг?

— Анча киши бор. Кеча кечқурун келдик.

— Ҳўш, менинг бу ердалигимни кимдан эшитдинг? Қандай топиб келдинг?

— Нима, бизни жуда саводсиз, деб ўйлайсизми? Сўраб-сўраб топиб келдим-да.

Норматнинг «бизни саводсиз деб ўйлайсизми» деган гапи Акмалнинг юрагига санчилди. У ҳамини укасининг ўқимай қолгани учун ўзини гуноҳкор санаб юрар эди. Лекин бу ҳақда Нормат бирон марта бир оғиз гапирмаган... Акмал гап очса ҳам: «Бу гапларни қўйинг, ака», деб мавзуни бошқа томонга бурарди. Бугун билибми-билмайми, шуни айтди. Яна қаерда, уйдан, ота-онасидан, бола-чақасидан узоқда. «Барибир кўнглида бор экан-да. Юрагида тугун бўлиб қолган экан-да...»

Акасининг индамай қолгани Норматни ҳайратта солди. Акмал хомуш тортиб, сигарет тутатди.

— Сизга нима бўлди, ака? — деди Нормат ҳайрат ва ҳаяжон билан.

Акмал сигарет тутунини ичига тортаркан, ўйчан деди:

— Мени кечир, Нормат. Ишимга берилиб кетиб сенинг ўқишинг билан шуғулланолмадим.

Норматнинг эсига лоп этиб боя айтган гапи тушди. «Эҳ, каллаварам! Нималар дединг ўзи? Нима учун келдинг-у, нима қилиб қўйдинг?!»

— Ака, — деди айтган сўзидан пушаймон бўлиб. — Бемаъни гапим учун мени кечиринг. Гап бу томонга айланиб кетишини ўйлаганим йўқ. Хурсандчилигимдан сизга ҳазилашдим, деб қовун тушириб қўйибман-ку.

— Йўқ, тўғри гап, — деди Акмал ўйчан.

Нормат ўрнидан ирғиб турди. Акмалнинг рўпарасига келди.

— Ака! Агар мени укам десангиз шу гапни хаёлингиздан чиқариб ташланг! Шу ҳақда шу пайтгача ўйлаган бўлсам ёки энди ўйласам... сафарда турибман...

— Бас! — Акмал ҳам ўрнидан турди.

Ака-ука тик турганча бир зум бир-бирларига термилиб қолишди.

— Мен нима учун бу ерга келдим? Биласизми? — деди Нормат жимликни бузиб. Акмал «Билмайман», деган мазмунда елка қисди. Нормат акасининг кўзларига термилди. — Ахир бугун туғилган кунингиз-ку!

Ака-ука беихтиёр бир-бирининг қучоғига ўзини отди. Улар узоқ вақт шу аллоҳда туришди... Акмалнинг елкаси силкинди. Буни Нормат сизди. Сиздию... Ўзининг ҳам елкаси титраганини билмай қолди...

1984 й.

КЎНГИЛ

У қаноти синган қушдек пирпираб тушаётган баргларни босиб, секин борарди. Касалдан тургани учун руҳсиз. Автобус бекатида Жавлонни учратди.

— Жавлон! — У дўстини учратганидан севиниб кетди. Гўё танасидаги оғриқлар бирдан тарқаб кетгандай туюлди.

— Салом, Маҳмуд, — қўл узатди Жавлон.

— Қандай шамол учирди? Қачон келдинг?

— Малака ошириш курсига келгандим, йигирма кун бўлди.

— Нега уйга бормадинг?

— Бир марта ишхонангга телефон қилувдим, касал дейишди. Уйингга боришга, тўғриси, вақт тополмадим.

— Ҳа, анчадан бери ётувдим, бугун ишга чиқдим... Қани кетдик, бир отамлашамиз. Уйда ётавериб жуда зерикканман.

— Раҳмат, мен бугун кечки поезд билан кетяпман.

— Ҳали вақт бор-ку, бир оз ўтирайлик.

— Йўқ, Маҳмуд, ҳали бошқа ишларим бор, бир кишининг олдига боришим керак... Хайр, яна келганимда гурунглашамиз.

Жавлон шундай дедию жойидан кўзгалаётган автобуста лип этиб чиқиб олди.

Маҳмуд ҳайрон бўлганча унинг орқасидан қараб қолди. Бу учрашув тушида содир бўлдимиз, ўнгида-ми — билолмади. Дилида ҳалиги қувончидан асар ҳам қолмади, аксинча, танаси баттар овирлашиб, дили хуфтон бўлди-қолди...

У уйига қандай етиб келганини билмади. Ўзини каравотга ташлади. Кичкина хона янада тор, совуқ туюлди. Истар-истамас Жавлон билан кечган дамларини эслаб кетди...

Жавлон иккаласи синфдош. Бирга дарс тайёрлар, бирга ўйнашарди. Сира сан-манга боришмаган. Дарвоқе, бир марта сал қизаришиб қолишганди.

Мактаб ҳовлисида Маҳмудни биров туртиб қочди. Нарироқда қиқирлаганича Жавлон чопиб боряпти, Орқасидан югурди. У мактабнинг ёзлик спорт майдончаси томонга қочди. Маҳмуд етиб олди-да, уни уриб ортига югурди, сўнг синфга кириб кетди. Бироздан сўнг шоп мўйловли, жуссадор бир киши югуриб кирди-да, кўзларини бежо ўйнатиб сўради:

— Жавлонни уриб қочган ким?!

Болалар жим, Маҳмуд кўрққанидан дағ-дағ титрайди. Синфга Жавлон кириб келди. Ҳалиги киши ундан сўради:

— Қани, сени урган бола?

— Ана, — деди у Маҳмудни кўрсатиб.

Маҳмуд ўзини батамом йўқотиб қўйди. Мўйловли киши унинг юзига тарсаки тортди. Маҳмуднинг кўзидан олов чиқиб кетгандай бўлди.

Бу — Жавлоннинг отаси эди...

Ўшанда Жавлондан Маҳмуднинг кўнгли қолди. «Отасига нега чакди? Ўйинни ўзи бошлади-ку!» Анча пайтгача у билан гаплашмай аразлаб юрди.

Болалик-да, яна ярашиб кетишди. Жавлоннинг ўзи яқинлашди. Аразлаб юрса баҳолари тушиб кетиши аниқ. Уй вазифаларини ҳам бош қотириб, ўзи ишлаши керак...

Орадан йиллар ўтди. Улар мактабни тугатгач, пединститутга ўқишга отланишди.

Уларни шаҳарга кузатгани Жавлоннинг отаси ҳам чиқди. У кишини кўриши билан Маҳмуднинг хаёлига болаликдаги ўша воқеа келди.

— Энди, Маҳмуджон, Жавлон билан бирга шаҳарга кетяпсанлар. Эҳтиёт бўлиб юринглар. Бир-бирингга ҳушёр бўлинглар. Бегона жой, шаҳарда юриш осон иш эмас.

Маҳмуд индамади.

Бир-биридан кўмак олиб имтиҳонларни топширди. Иккови ҳам ҳамма имтиҳонлардан ўтди. Бироқ Жавлоннинг бали бироз кам бўлиб қолди. Бундан у хафа. «Мен мандатдан ўтолмасам керак». Маҳмуд дўстига далда берди: «Нимага ундай дейсан, ўтасан, жўра...» У шундай дейди-ю, ўзи ичида иккиланди: «Ўтармикин? Ишқилиб ўтсин-да. Бир-биримизга ҳамроҳ бўлиб ўқир эдик...»

Орзиқиб кутилган кун ҳам келди. Ҳавонинг иссиғи, ҳаяжон қўшилиб, ҳамманинг юзлари қизариб кетган. Барчанинг нигоҳи икки тавақали залворли эшикда.

Бир маҳал бино пештоқидаги катта радиокарнай тилга кирди: «Ҳурматли абитуриентлар! Ҳозир мен кимнинг фамилиясини ўқисам, ичкарига киради».

Сув сепилгандан сўнг чанг босилгандай ҳамма жим. Тўпланганлар бутун вужудини қулоққа айлантириб тинглайди. Баъзилар қулоғи эшитмай қоладигандек, оғзини ҳам очиб карнайга термилади.

Ярим соатлардан кейин Маҳмуднинг фамилиясини ўқиди. У Жавлонни ҳам эсидан чиқаргандек эшикка ўзини урди...

Бали камлиги учун Жавлон сиртқи бўлимга қабул қилинди. Маҳмуднинг севинчи ичига сиғмайди. Жавлоннинг қовоғи солиқ. Маҳмуд дўстининг кўнглини кўтарди:

— Ҳечқиси йўқ, Жавлон. Сиртқига бўлса ҳам кирдинг-ку! Келаси йили кундузгига ўтказиб оларсан.

— Холамнинг эри ректормидики кундузгига ўтказиб қўйса мени, — зарда қилди Жавлон.

— Хафа бўлма, жўра, — деди Маҳмуд яна, — шунга ҳам шукур қилсанг-чи. Уни овутарди-ю, ўзи Жавлонга ич-ичидан ачинарди.

... Маҳмуднинг ўқишлари бошланиб кетди. Жавлон ҳар сессияга келганда дўстининг олдига боради. Йўқ, Маҳмуднинг ўзи уни хонасига бошлаб келади. Яна биргалашиб дарс тайёрлашар, суҳбатлашарди. У Жавлонга қўлидан келганча ёрдам берди.

Ўқишни битиргандан сўнг Маҳмудни институтда ишга олиб қолишди. Жавлон ундан бир йил кейин тугатди. Шу сўнгги йил давомида уларнинг дўстлиги яна ҳам мустаҳкамланди. Жавлон диплом ёзиш учун отпускаи олиб шаҳарга келди. Маҳмуднинг ётоқхонасида туриб диплом ишини ёзди.

Жавлон давлат имтиҳонини ҳам, диплом ишини ҳам аълога топширди. Маҳмуд доим унинг ёнида бўлди.

Кечқурун ётоқхонага қайтгач, иккови икки каравотга оғир чўқди. Униси ҳам, буниси ҳам жим. «Яхши бўлди, Жавлон ҳам битириб олди. Кўп қийналди бечора», деб ўйлади Маҳмуд. У дўстига ҳазил қилди:

— Мана Жавлон, институтниям битирдинг. Диплом кассада: энди бир ювсанг бўлармиди.

У ётган жойидан аста Жавлонга кўз қирини ташлади. Жавлон икки кўлини боши остига қўйганча шифтга термилиб ётаркан аста деди:

— Қўйсанг-чи, сиртқи дипломини ҳам ювадимми?

Маҳмуд ёстиққа тирсаклади.

— Энди шундай дейсан-да. Шу вақтгача битирармиканман-йўқми, деб ташвишда эдинг.

— Шу заочниниям битиролмасам тоза саводсиз эканман-да, — деди Жавлон ўша ёттанича қимирламай. — Кундузгида ўқиганларнинг ҳам ҳаммаси бир хилда билимлими?! Ана, мактабимизда кундузгида ўқиб борган саводсизлар қанча...

Жавлоннинг бу гапи Маҳмудни ҳайратга солди. «Нега бундай деяпти? Гапимни бошқача тушунди чоғи...»

— Гап сиртқию кундузгида эмас-ку, — деди Маҳмуд. — Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ...

Маҳмуднинг гапи чала қолди. Жавлон жойидан ирғиб турди.

— Ичасанми? Нима олиб берай?

Маҳмуд кўзларига, кулоқларига ишонмасди.

— Тинчликми, Жавлон?

Жавлон индамай ташқарига чиқиб кетди.

Эртасига Жавлон қишлоққа жўнаб кетди. Маҳмуд автобус бекатигача кузатиб қўйди.

— Бирор ҳафталардан кейин бориб қоламан, — деди Маҳмуд. — Отпускаи оламан.

Жавлон индамай қўл узатди.

Маҳмуднинг қишлоққа келганига уч кун бўлди, аммо Жавлондан дарак йўқ. Илгарилари Маҳмуднинг келганини эшитган заҳоти дарров етиб келарди. Ҳолижонига қўймай уйига олиб кетарди. Ҳамма ўртоқларини уйига тўплаб, Маҳмуднинг «шарафига зиёфат» берар эди. Маҳмуднинг: «Бунча тарадду-ташвишнинг нима кераги бор, Жавлон. Ундан кўра, биров гаплашиб ўтирайлик», деган гапига «Қўйсанг-чи, энди. Бир кеп қопсан-да. Суҳбатам, улфатчиликam — ҳаммаси бўлади», деб уни ўз ҳолига қўямас эди. Ўртоқларига Маҳмудни мақташдан бўшамасди. Бундан Маҳмуд қанчалар хижолат чекмасин, у сира тинмас эди.

Ҳозир эса ундан хабар йўқ. «Ёки эшитмадимикан?» Рости, Маҳмуд ҳам унга ўрганиб қолган, қишлоққа келиб уни учратмаса, озгина бўлса-да, гурунглашмаса кўнгли жойига тушмайди.

Ётоқхонадаги гап, автостанциядаги хайрлашув Маҳмуднинг ёдига тушди. «Нега ундай деди? Жуда совуқ хайрлашди. Нима учун? Уни хафа қиладиган гап бўлгани йўқ-ку. Ақсинча, қўлимдан келгунча диплом ишига ёрдамлашдим, имтиҳонда домлаларга тайинладим...» Жавлоннинг диплом ишини машинкалатишни, муқовалатишни Маҳмуд зиммасига олганди. «Нега келма-япти экан?»

Охири сабри чидамади, укасини Жавлонни чақириб келгани юборди. «Аканг келганини эшитдим. Ишим кўп. Вақт топсам бирор кун борарман», депти. Маҳмуд бу жавобни эшитиб, жуда ажабланди. «Нега унақа қилади? Наҳотки, кечқурун ҳам вақти бўлмаса? Ёки мендан хафамикан? Нима учун? Уни ранжитадиган бирон иш қилмагандим шекилли! Балки чиндан ҳам иши кўпдир. Қишлоқчилик ахир...» Ана шу фикрлар билан Маҳмуд ўзига-ўзи таскин берди.

Аммо эртасига ҳам, индинига ҳам Жавлондан дарак бўлмади. «Мен бекорчиман-ку, Жавлонни ўзим йўқдаб боришим керак». Жавлоннинг уйига йўл олди. Дарвозани тақиллатган эди, хотини очди.

- Ҳозиргина бир жойга чиқиб кетдилар, — деди
- Балки бизникига кетгандир?
- Билмадим.

Маҳмуд индамай орқасига қайтди.

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Жавлонни қидириб борган Маҳмуднинг укаси уни яна тополмай кел-

ди. Шундан сўнг Маҳмуд ҳам сўрамади. Бироқ гап нимада эканлигини, Жавлон нега бундай қилаётганини у сира тушунолмасди.

Бир кун оқшом Маҳмуд газета ўқиб ўтирганди, кўчадан келган отаси:

— Жавлон келдими? — деб сўради.

— Йўқ, — деди Маҳмуд ажабланиб, — нима эди?

— Ҳалигина кўчамиздан ўтиб кетди-ку!

— Билмадим, келмади.

Бу гапдан сўнг Маҳмуднинг ҳайрати янада ошди. «Наҳотки, Жавлон шу кўчадан ўтса-ю, бирров кир-маса». Отаси Маҳмуднинг фикрини англагандек гап қотди:

— Тўғриси айтсам, шу жўранг менга унча ёқмайди. Илгари ҳам бир-икки гапирганимда хафа бўлув-динг. Мана кўрдингми, иши битди — эшаги лойдан ўтди. Энди сенинг керагинг йўқ. Илгари шаҳарга тез-тез бориб турарди — сен яхши эдинг, қадрдон эдиларинг. Қани энди ўша пайтдаги жўрачиликларинг...

Отасининг гаплари Маҳмудни ўйлантириб қўйди. Бирон нарса дейишга тили бормасди. «Рост-да, бўлма-са нега бирон марта келмади? Унинг ўзи неча бор дўстлигимиз абадий бўлади деганди-я».

Лекин кўнгли ишонмасди. «Йўқ, Жавлон унақа пасткаш эмас, бу қадар тубанликка бормади у».

Маҳмуднинг отпускази ҳам тугади. У эрта шаҳарга жўнайман деган куни Жавлоннинг уйига борди.

Дарвозани унинг ўзи очди.

— Э, салом, шаҳарликларга! Қани, марҳамат, — деди Жавлон.

Унинг гаплари, таклифи Маҳмудга ясама, сохта бўлиб кўринди.

— Раҳмат Жавлон. Эртага қайтаётган эдим, бир кўриб кетай, дедим. Бир неча марта қидириб топол-мадим сени.

— Шу десанг, жуда иш кўпайиб кетди. Бораман деб ҳеч қўлим тегмади.

— Ҳозир каникул эмасми?

— Мактабда каникул бўлгани билан уйнинг ишларини айтмайсанми. Диплом ёзамиз, деб шаҳарда сан-ғиб юраверган эканмиз, ишлар йиғилиб қопти. Бош қашишга қўл тегмайди. Ҳозир ҳам бир жойга бор-моқчи бўлиб турувдим.

Илгари бирон марта Жавлондан ишим кўп, деган гапни эшитмаган эди. Икки-уч кунлаб дўсти билан юрар, баҳор кезлари тоғларга олиб чиқарди. Шунда Маҳмуд хижолат бўлиб, «Сени ишдан қолдираяпман-ку», деса «Эй, жўра, иш топилади, аммо дўст топилмайди, одам топилмайди. Унинг устига сенинг баҳонангда ўзим ҳам бироз дам оламан», деб Маҳмудни хижолатдан чиқарар эди.

Маҳмуд ўйланиб қолди: «Наҳотки, отамнинг гаплари рост бўлса? Одам одамга иши тушгани учун дўст тутинадими?»

Бу фикрларни сиртига чиқармади.

— Шаҳарга борганинга албатта киргин.

— Шаҳарда нима қиламан энди? — деди Жавлон тиржайиб. — Ўқиш бўлса битди. Тушиб қолган ишим борми...

Маҳмуд индамади. У хайрлашиш учун қўл узатди.

— Кирсанг бўларди, — деди Жавлон хайрлашар экан.

— Раҳмат, бир жойга бормоқчи экансан. Йўлдан қолма. Мен ҳам шошиб турибман.

— Шундайми?! Майли, яхши бор. Оқ йўл.

Маҳмуд индамай йўлга тушди.

...Шундай қилиб, Маҳмуд қадрдон дўсти Жавлон ҳақидаги турли хаёллари билан шаҳарга келди. У бу гапларнинг сабабини тушунгандай бўлар, аммо кўнглида ҳамон «наҳотки» деб иккиланарди. Иккиланган кезларида отасининг гаплари ёдига тушар, шу заҳоти фикрлари тингандай, тарозининг отаси томондаги палласи босиб кетгандай туюлар эди...

Ўша воқеадан кейин бугун улар тасодифан учрашиб қолдилар. Бу учрашувдан сўнг Маҳмуд Жавлон ҳақидаги фикрларига нуқта қўйди. Сўнгра кундалигига бугунги числони ва шоирнинг қуйидаги икки мисрасини ёзиб қўйди:

*Мен дўстимдан айрилдим бутун,
Тирик туриб айрилиб қолдим.*

1970 йил.

ТЎҚАЙДА

Мингбулоқ — тоғ этагидаги қишлоқ. Унинг табиати жуда гўзал — бир ёнда одам кундузи юрса қўрқадиган даражада тўқайзор, бир тарафда боғ-роғ. Бу ерда жамики мевадан бор десак, лоф эмас, яна бир ёнда тоқзор — унга оралаган одам қора кишимишгу оқ кишимиш, ҳусайнию тойифи, султонию қора жанжал, даройию сурхоқ — хуллас, бир неча хил узумни топади. Тоқзорнинг юқори тарафида заяк бор. Рустам билан Даврон мана шу ерда қўйларини боқишади. Асосан қора дўланадан иборат тўқайзорнинг ўти шу қадар бўлиқки, одамнинг белига уради. Рустам билан Даврон баъзан шу томонга ҳам ҳайдашади қўйларини.

Улар тўқайзорга киришни яна бир жиҳатдан ёқтирадилар. У ерда ёввойи қуён, тулки, тустовуқ, яна қандайдир ҳайвону паррандалар юради. Неча марта ёввойи қуёнларни қувлашган...

Рустам билан Даврон синфдош, бу йил олтинчини битиришди. Аммо танимаган одам уларнинг синфдошлигига ишонмайди. Чунки Рустам баланд бўйли, юзлари қоп-қора, кўринишидан ўн беш-ўн олти ёшларга борганга ўхшайди, Даврон эса аксинча, пакана, юзлари сап-сарик, ёшига нисбатан бир-икки ёш кичик кўринади. Шу боис аввалига уларни орқаворотдан узун-қисқалар деб масхара қилувчилар ҳам топилди. Бу гап Рустам билан Давроннинг ҳам қулоғига етиб келган, бироқ уларнинг иккови ҳам эътибор бермади. Аксинча, бунга сари иккови кўпроқ бирга юрди, дарсга ҳам бирга бориб, бирга қайтди, олдинлари иккови бошқа-бошқа ўтирарди, шу гап-сўзлардан кейин бир партада ўтирадиган бўлди. Бора-бора уларнинг бу одатига ҳамма кўникди, ҳеч ким эътибор ҳам бермай қўйди, қайтанга, ё Рустамни, ёки Давронни ёлғиз кўрса ажабланишадиган бўлишди. Ҳасан-Ҳусанлар ҳам булар каби бир-бирига яқин, кўникиб қолишмаса керак.

Таътил кунлари ҳам иккови бирга ўйнайди, сойдаги сув омборига чўмилгани биргаликда боришади. Рустамда ҳам, Давронда ҳам тўрттадан қўй бор. Ҳар йили эрта баҳордан тўрттадан қўзичоқни етаклаб, кеч кузгача боқишади. Бу улар учун одат бўлиб қолган. Ёзги

таътилни улар шу қўзиларни боқиш, дарёга олиб бориб чўмилтириш билан ўтказишади.

Икки ўртоқ бу йил ҳам шу одатни тарк этмаган.

Ёзги таътилга чиқишганига ўн кундан ошди. Ҳар кун тонг саҳарлаб иккови икки тарафдан тўртгадан саккизта қўйни ҳайдаб юқорида таърифлаганимиз боққа келишади. Бир кун заяқда, бир кун тўқайзорда, бир кун тоқзорнинг уватларида қўйларини боқадилар. Кун исигач, тоғ этагидаги катта булоқдан келадиган ариқнинг муздай сувидан қўйларини сугориб, қайрағочнинг соясига бойлайди. Кейин ўзлари ҳам соянинг қалинини топиб чўзилиб ётадилар. Бу пайтда икки жўра ё латифа айтишади, ё китоб ўқишади, баъзида ҳаммасидан зерикиб, иккови икки тарафда кўм-кўк ўт устида ухлаб қолади.

Ҳар кунги одати бўйича бугун ҳам эрта тонгда келишди. Кун чиққунча қўйларини ўтлатди. Вақт пешинга яқинлашганда ариқдан қўйларни сугориб, қайрағочнинг соясига боғлади. Ўзлари эса қўйларига рўпара турган оқ ўрикка томон юришди. Ўрик тепалиқда бўлиб, у ердан чор атроф, ҳатто тўқайзор ҳам кўришиб турар эди. Жўраларнинг, мақсади — аввало ўрик олиш, қолаверса, боғлардаги мева-чеваларга кўз-қулоқ бўлиб туриш.

Дарвоқе, шу ерда бир нарсани эслатиб ўтиш лозим. Бу боғлар, тоқзорлар аслида колхозники, аммо уни одамларга бўлиб беришган. Кимгадир ярим гектар, кимгадир кўпроқ, ё озроқ, хуллас, ҳар бир оиланинг имкониятига қараб тақсимланган. Ўша боғу тоқзорга ҳар оиланинг ўзи қарайди — эрта баҳорда тоқзорларни очади, чопади, кесади, сугоради — қисқаси, нима иш бўлса оила аъзолари билан ўзлари бажаришади. Мевалар, тоқлар ҳосил туккандан кейин колхоз фаоларидан иборат комиссия келиб, ҳосилни чамалаб кўради-да, шунча узум, шунча олма, ёнғоқ, ўрик берасиз, дейди. Боғнинг эгаси кўнса рози бўлади, йўқса камайтиринглар, дейди, тортишади. Охири икки тарафнинг келишувидан кейин шартнома тузилади. Мева-чевалар, узум пишгандан кейин ўша шартномадаги ҳосил колхоз хирмонига топширилади. Қолгани эса ўша оиланинг ихтиёрида — хоҳласа сотади, истаса қуритиб олади. Шу боис ҳар бир оила ўзига ажратилган боққа

эътибор билан қарайди, дарахтларни, тоқларни парваришлайди, чопигинию очиш-кўмишни вақтида бажаради. Ёзда эса мевани қушу ҳайвонлар еб кетмасин, деб кеча-кундуз қоровуллик қилишади.

Рустам билан Давронларнинг боғи ёнма-ён. Улар ҳам қўй боқишади, ҳам боққа қарашади...

Икки жўра оқ ўрикнинг офтобрўя тарафига ўтиб пишган-пишганидан уч-тўрттадан олишди. Энди биттадан ўрик ейишувди ҳамки, тўқай томондан милтиқ овози эшитилди. Икки ошна бир-бирига ялт этиб қаради.

— Ким бўлди бу? — деди Даврон сергакланиб.

Рустамнинг ҳам кўзлари ўйнаб кетди:

— Ҳайронман... Шу пайтда ким ов қилиши мумкин?

Даврон ўрнидан турди-да, милтиқ овози келган тарафга бўйинини чўзиб қаради.

— Бу атрофнинг одами бўлмаса керак, — деди Даврон тўқай томондан нигоҳини олмай, — Ўзимизди одамлар ҳозир ўқ отиш мумкин эмаслигини билишадик-ку.

— Кўрдингми кимлигини? — деб сўради Рустам.

— Қаёқдан кўраман... Тўқайзордан кўринармиди.

Рустам ҳам жойидан турди.

— Борамизми ўша ёққа?

— Борамиз.

Тўқайзорга олиб борадиган ёлғизоёқ йўлдан олдин Рустам, ортидан Даврон югуриб кетди.

Улар тўқайга боғ тарафдан келишди. У ёқ-бу ёққа аланглади, ҳеч ким кўринмади. Иккови ҳанг-манг бўлиб, бир жойда қотиб қолди. Шу маҳал тўқайнинг нариги тарафидан яна ўқ овози эшитилди. Қулоқларининг бўлиб турган жўралар кутулмаган гумбирлашдан чўчиб тушдилар. Даврон кўйлагининг ёқасини очиб туф-туф, деди.

— Юракданам борақан-ку, — деди Рустам кулиб.

— Ўзинг-чи, — деди Даврон. — Рангингни қара, доқадай бўл кетипти.

Иккови бир-бирининг ҳолидан кулиб қўйди.

— Майли, бўлари бўлди, Даврон, — деди Рустам. — Юр, кетдик, ўқ товуши келган тарафга борамиз. Кимдир тустовуқми, қуёнми отаяпти чамамда.

Даврон унинг орқасидан эргашди.

— Куппа-кундузи милтиқ отгани қўрқишмайдими-а... Бола-чақалар ўйнаб юрган бўлиши мумкин демай-дими.

— Маст бўлса керак, — деди Рустам тўқайзор ора-лаб илдам борар экан. — Соғ одам ҳозир ов қилмай-ди... Овоз берайлик. Яна палакат босиб...

Даврон унинг гапини тасдиқлади:

— Рост айтасан. Ким билади улар кимлар...

Рустам тўхтади.

— Кел, бир бақириб кўрайлик-чи.

Иккови бараварига бақирди:

— Ҳо-ой! Ким у-у?!

Ҳар иккаласи бутун вужудини қулоққа айланти-риб, атрофга қулоқ тутди. Лекин ҳеч қандай сас-садо чиқмади. Яна бақирishiди. Бу гал жим туриб қулоқ солишди. Шунда тўқайнинг бир бурчагидан икки-уч кишининг секин гаплашган овози қулоққа чалинди. Рустам эшитдинми, дегандек, Давронга қаради. Жўра-лар қарашлариданоқ бир-бирининг фикрини англади-лар.

— Кетдик!

— Кетдик!

Улар товуш келган томонга юрдилар.

Тўқайнинг қишлоқдан келавериш тарафида катта-роқ ҳовузнинг ўрнича келадиган очиқ майдон бор. Жўралар ҳозир шу майдонни мўлжаллаб боришарди. Бинобарин, ўқ овози ҳам шу ёқдан эшитилганди. Улар майдонга тахминан яқинлашиб қолганларида яна ўқ овози эшитилди. Сўнгра икки-уч кишининг қувноқ қийқириғи жаранглади. Буларнинг ҳаммаси Рустам билан Давроннинг шундоқ бурнининг остида рўй берди гўё. Шунинг учун ҳам аввал Рустам, орқасидан Дав-рон бақирди:

— Ким у милтиқ отаётган?

— Ҳозир милиция чақираман!

Улар майдонга чиқдилар.

Икки дўст адашмаган эди. «Овчилар»нинг лаш-луши шу майдонда экан. Уларнинг кийимлари ёнида битта қуён, битта тустовуқ ётарди. Лекин ҳеч ким кўрин-мади.

— Ана, — деди Даврон шошиб. — Қуён, тустовуқ отишипти. Ўзлари қаерда экан.

— Ҳозир келади шу ерга, — Рустам катталардай салмоқлаб гапирди. — Бироз сабр қилиб турайлик.

Иккови майдонниг қарама-қарши тарафида, буталар панасига чўнқайиб ўтирди. Бир пиёла чой ичқулик фурсат ўтар-ўтмас уч киши тўқай ичидан чиқиб келди. Улардан бирининг қўлида қип-қизил тустовуқ.

— Ие, Камол дўхтир-ку, — деди Рустам.

Камол дўхтир — қўшни қишлоқлик врач. У мактабга ҳам тез-тез келиб туради. Ҳамма болалар уни яхши танийди. Бу йил Камол дўхтирнинг ўғли мактабни битирди. У ҳали ўқиш тутамасдан «мединститутга кираман, отам аллақачон гаплашиб қўйган», деб ҳаммага мақтаниб юрарди. Бу гапларни, табиийки, Рустам билан Даврон ҳам эшитган.

— Ёнидагилар ким бўлди экан? — деди ажабланиб Даврон.

Рустам жўрасига синовчан назар ташлади.

— Мени синаб кўрмоқчимисан? Ёки...

Даврон ҳайрон бўлиб Рустамга юзланди.

— Нимага ундай дейсан?

— Билмаяпсанми кимлигини? — деди Рустам тагдор қилиб.

— Қаёқдан билай.

Рустам Камол дўхтирнинг ўғли айтиб юрган гапни эслатди.

— Институтнинг домлаларими шулар? — деди негадир ҳафсаласи пир бўлган Даврон.

— Нима, сенингча институт домлаларининг шохи борми? Уларам ҳаммага ўхшаган одам-да.

Негадир Давроннинг ҳамон ишонгиси келмасди.

— Қаердан биласан булар кимлигини? Балки домламас, бошқа одамлардир.

Давроннинг гаплари Рустамни ажаблантирди.

— Эҳтимол бошқадир... Лекин нима учундир мен шунақа деб ўйлаяпман... — Бирдан Рустам сергак тортиди. Ялт этиб жўрасига қаради. — Менга қара, Даврон, ким бўлса бўлар, бизга барибир. Аммо нима учун куппа-кундузи бу ерга келиб ов қилади улар? Ахир ҳозир на қуёну на тустовуқни отиш мумкин эмас-ку.

— Ким билади дейсан...

Икки жўра ўзаро гаплашишардию кўзлари «овчилар»нинг ҳаракатини кузатарди. «Овчилар» ўлжаларини тўрвага сола бошладилар.

— Кетдик, уларни ушлаймиз, — деди Рустам.

— Кетдик. Нима ҳақи бор бу ердан ов қилишга.

Иккаласи барабар «овчилар» томонга югурди. Буларни кўриб Камол дўхтир ҳам, меҳмонлар ҳам хангманг бўлиб қолдилар.

— Ҳа, болалар, тинчликми? Нимага бақирасилар? — деди Камол дўхтир.

Олдинма-кейин югуриб келган жўралар «овчилар»нинг олдида таққа қотди.

— Нимага отасизлар?

Рустамнинг кескин айтилган бу гапи «овчилар»ни бир зум саросимага солиб қўйди. Меҳмонларнинг бири ўзбек, иккинчиси рус бўлиб, иккови ҳам башанг кийинган, силлиқ юзлари куннинг иссиғида қизариб кетган эди. Рус киши Камол дўхтирга:

— Кто они такие? — деди болаларга ишора қилиб.

Камол дўхтир унга нималардир деб тушунтирди. Бу суҳбат жўраларнинг баттар ғашига тегди. Даврон Камол дўхтирга яқинроқ бориб хезланди:

— Камол ака, ўзингиз дўхтир бўлсангиз, ҳозир ов қилиш мумкинмаслигини биласиз, яна нимага куппакундузи буларди отасиз? — деди тустовуғу қуёнларни кўрсатиб.

Камол дўхтир аввалига нима дейишини билмай каловлаб қолди. Бироқ дарҳол ўзини қўлга олиб, баланддан кела бошлади:

— Жа ақли бўп кетибсиларми, болалар. Силар билган нарсани бизам биламиз. Лекин меҳмонди кўнглига қараш керакми?!

Жўралар бўш келмадилар:

— Бу ерда тўқай борлигини, унинг ичида қуёну тустовуқлар юришини меҳмонлар қаёқдан билишади?

Меҳмонлар ўзаро бир-бирига нимадир деди. Рустамнинг гапини рус меҳмонга таржима қилиб берди чамаси. Сўнгра иккала меҳмон Камол дўхтирга маънодор қаради. Аслида бу қарашнинг замирида чуқур маъно мужассам эди.

Рустам айтганидай Камол дўхтир ўғлини мединститутга киритиш ниятида домлалар билан гаплашган, шу сабаб уларни уйига меҳмонга таклиф этган эди. Улар анча ўтиришди, еб-ичишди. Бироз кайф қилишгандан кейин Камол дўхтир мақтанди: «Жуда ажойиб жойларимиз бор. Шундай тўқайзорлар борки, ўрмон-

дан қолишмайди. У ерда тулки дейсизми, ёввойи қуён, қирғовул дейсизми, ҳамма нарсa бор. Бир бориб ов қилиб, айланиб келайлик.» Бу гапга меҳмонлар аввалига кўнмадилар. «Ҳозир ов қилиш мумкин эмас-ку», деб унамадилар. Аммо нима қилиб бўлса ҳам меҳмонларнинг кўнглини олиш илинжида бўлган Камол дўхтир уларни бир амаллаб кўндирди. Тўқайга келиб меҳмонларнинг оғзи очилиб қолди. У ёқ-бу ёқни бироз айланишганди гоҳ қуён чопиб кетади, гоҳ парт этиб тустовуқ учади — хуллас, қўриқхона мисоли. Бу ҳолатни кўрган меҳмонлар бир зумда овга берилиб кетдилар.

Ҳозир болаларнинг дашномидан сал ўзларига келишди-ю, аммо ов завқи устунлик қиларди. Камол дўхтир эса зумрашадай болалардан дакки эшитаётгани учун меҳмонлар олдида изза бўлди. Шунинг учун на Камол дўхтир, на меҳмонлар паст келдилар.

— Мунча ақл ўргатдинг менга! — деди Камол дўхтир Рустамга.

— Бор, ишингни қил. Хўжайинликни ким қўйибди сенларга.

Рустам унинг қўзларига тик қаради:

— Мактабдаги учрашувларда, суҳбатларда ўзингиз табиатни асраш керак, ҳайвонот оламини авайлаш зарур, деб қанча гапирасиз. Яна ўзингиз... Домланинг айтганини қилу қилганини қилма экан-да.

Гапга меҳмон аралашди:

— Ўзинг ҳаммасини билар экансан-ку, жиян, гапириб нима қиласан.

— Мен шундай деган бўлсам, — деди Камол дўхтир, — тўғри айтганман. Табиат бизнинг бойлигимиз, тўғри. Лекин ҳамма нарсa инсон учун. Инсондан азиз нарсa йўқ.

Унинг гапини Даврон илиб кетди:

— Инсондан азиз нарсa йўқ, деб, ҳамма нарсани бир чеккадан қириб ташлаш ҳам инсофдан эмас-да.

Бу гапдан дўхтирнинг жаҳли чиқди:

— Ким ҳамма нарсани қириб ташлаяпти?! Бунча бидирлайсан сен жинқарча. Олдинам бирон марта кўрувдингми мени бу ерда?

— Сиз бир марта келсангиз, бу киши бир марта, яна кимдир, ишқилиб ҳамма бир мартадан келиб ов қилаверса, бу ерда жонивор қоладими?

Меҳмонларнинг олдида ўсал бўлганиданми ёки кайф таъсиридами, Камол дўхтир Рустамга қўл кўтарди. Мўлжали юзига шапалоқ тортиш эди. Бироқ меҳмон унинг қўлидан шартта ушлади.

— Қўйинг, яхшимас, болага қўл кўтарманг.

— Кўрмаяпсизми бу тирранчаларни, — деди Камол дўхтир ўз қилиғидан ўзи қизариб. — Мунча ақл ўргатади одамга. — Кейин Рустамга ўқрайиб қаради. — Йўқол кўзимдан!

Рустам бир қадам орқага тисарилди. Аммо ҳамон паст тушмасди.

— Оғзингизга қараб гапиринг. Ҳозир бригадирни чақириб келаман. Штараф қилади, кейин кўрасиз.

— Ундан каттасини чақирмайсанми? — деди дўхтир овозини баландлатиб, меҳмонларга қаради. — Қани, милтиқни олинглар, шу зумрашалар билан ади-бади айтишиб ўтираимизми. Яна бир-иккита тустовуқ отайлик, кейин кетамиз.

Улар болаларнинг бор-йўқлигига ҳам парво қилмай тўқайзорга оралаб кетишди. Бу жўраларнинг иззат-нафсига тегди. Бир зум нима қилиш кераклигини маслаҳатлашиб олдилар. Бири у деди, бири бу, деди. Охири Рустам баҳсга якун ясади.

— Мен шу ерда тураман, буларнинг қаёққа боришни кузатаман. Иложи бўлса бир амаллаб шу ерда ушлаб тураман. Сен ғизиллаб бориб бригадирни чақириб кел. Бир жазосини берсин буларди.

— Даврон қишлоққа югуриб кетди. Рустам пана бир жойга ўтиб ўтирди. «Ишқилиб Даврон бригадирни топсин-да... Тезроқ келинса яхши бўларди. Бўмаса булар анча нарсани отиб олишади.» Ҳа деганда Даврон кўринмас, вақт ўтган сари Рустамнинг юраги сиқиларди. Бу орада икки марта ўқ овози гумбирлади. Бунга сари Рустам эзилар, тезроқ бригадир кела қолсайди, деб ичиқарди.

Ниҳоят, Даврон билан бригадир кўринди. Рустам югуриб уларга пешвоз чиқди. Салом-аликни ҳам унутиб, бригадирга бўлган воқеани айтиб берди.

— Эшитдим, эшитдим, — деди бригадир бамайлихотир, — Даврон айтди. Қаёққа кетди улар?

— Ичкарига кириб кетишгани бўйича ҳали йўқ, — деди Рустам.

— Кийимлари, отган нарсалари турипти лекин. Хув ана.

Шу маҳал буларнинг келишини пойлаб тургандай тўқайдан «овчилар» чиқиб келдилар. Малла сочли меҳмон бир қуённинг қулоғидан ушлаб олган, учаласининг ҳам кайфияти чор, оғзи қулоғида.

— Ҳорманглар,— деди бригадир,— нима ҳаракат?

Камол дўхтир салом-алик қилди-да, бригадирни бир чеккага тортди. Нималарнидир куйиб-пишиб тушунтирди. Бригадир маъқул деган оҳангда бош ирғарди тинмай. Сўнгра бригадир болаларга яқин келди.

— Майли, болалар, қўйинглар, азиз меҳмонлар экан,— деди овозини пасайтириб. — Ҳозир кетишади, бошқа отишмайди. Институтнинг домлалари экан. Бир келиб қолишипти. Унинг устига Камол дўхтирдиям ўзига яраша ҳурмат-иззати бор. Буларди олдида у кишига бирон нарса десак, одобдан бўлмайди. Қани боринглар, қўйларингга қаранглар.

Бу гап болаларнинг тарвузини қўлтиғидан туширди. Шундай экан, бригадир қишлоқдан нима учун келди бу ерга? Келаётганда вазоҳати бошқача эди-ку. Дўхтир билан гаплашиб бирдан сувга тушган бўлка нондай бўшашиб қолди. Нима гап ўзи?

Болалар бу саволларга жавоб тополмай гаранг эди. Аммо улар хўп деб кета олмадилар.

— Мелисани айтиб келиш керак, — деди Рустам, - Югур, Даврон, бориб айт. Иложи бўлса шу ерга тез етиб келсин.

— Унгача булар кетиб қолишмайдими?

— Сен тез югур. Мен буларди гапга солиб тураман. Милисанинг матасекили бор. Бир пасда етиб келади.

Даврон милицияхонага югурди. Гап нимада эканини билмаган «овчилар» ҳам, бригадир ҳам ҳайрон бўлиб Рустамга қарашди.

— Жўранг қаёққа кетди? — деди бригадир.

Рустам ўзини билмаганга солди.

— Билмадим. Қўйларининг олдига кетди чоғи.

— Ўзингни гўликка солма, — деди Камол дўхтир. — Жўранг қаёққа кетганини билмайсанми.

Рустам ўзини хотиржам тутар, нима қилиб бўлса ҳам вақтни чўзишни истар эди.

— Сизга барибир эмасми, Камол ака. Сиз на бригадирдан, на ундан каттасидан — ҳеч кимдан қўрқмай-сиз-ку.

Дўхтир рўмолчаси билан юзу бўйинларининг терини артаркан деди:

— Қўрқмайман, ҳа, қўрқмайман. Билдингми. Менга деса райком секретарини бошлаб келмайсанми.

Унинг бу гапи бригадирнинг иззат-нафсига тегди чоғи, дўхтирга бежо қараб қўйди, лекин ҳеч нарса демади.

Шу пайт қишлоқ тарафдан мотоциклнинг патиллаган овози эшитилди. Унга дастлаб Рустамдан бўлак ҳеч ким эътибор бермади. Овоз тобора яқинлаша бошлади. Бу Рустамнинг кўнглини кўтарар, ич-ичидан суюнтирар эди.

Ҳаш-паш дегунча Давронни мингаштирган милиционер етиб келди. У честь бериб, ўзини «овчилар»га таништирди. Ҳозир ов қилиш мавсуми эмаслигини, фалон қонуннинг фалон моддасига кўра шунча сўм жарима тўлаши лозимлигини ва отилган ўлжалар мусодара қилинажagini айтди. Милицияни кўриб «овчилар» довдираб, ов гашти тарқаб кетди. Лекин Камол дўхтир бўш келмади.

— Сизам эринмаган одам экансиз-да, ўртоқ капитан,— деди дўхтир.— Ёш боланинг гапига ишониб шунча йўлдан овора бўлиб шу ерга келиб ўтирибсиз-а.

Милиционер жиддий қиёфада:

— Аввало бу бизнинг ишимиз. Қаерда шунақа воқеани эшитсак етиб борамиз. Уннан кейин, болалар ёлғон гапиришмайди. Мана, ўзим кўриб турибман. — У шундай деб чарм папкасини очиб, қовоз-ручка ола бошлади. — Қани, исм-шарифларингизни айтинглар.

Бу гаплар болаларди қанчалар севинтирса, Камол дўхтиру меҳмонларни шунча ташвишга сола бошлади. Дўхтир нима қиларини билмай довдираб қолди, умидворлик билан бригадирга термулди, у билмадим, деган оҳангда елка қисди. Қараса милиционер бўш келадиганга ўхшамайди, дўхтир дадил ишга киришди. Шартта милиционернинг тирсагидан олди-да, четга тортди. Бригадирга нималарни уқтирган бўлса, бунга ҳам шуларни гапира бошлади. Уларни кузатиб турган болалар бир-бирига шивирларди: «Бу милиса жуда қаттиқ,

Камол дўхтирди гапига кўнмайди. Барибир штраф солади.»

Йўқ, болалар янглишган эдилар. Милиционер ҳам худди бригадирдай аввалига йўқ деди, қаттиқ-қаттиқ гапирди. Кейин юзига кулги югуриб, оғзи илжайди. Камол дўхтир билан қўл ташлашди. Бу гал суҳбатга меҳмонлар ҳам қўшилдилар. Улар ҳам милиционер билан қўл ташлашди.

— Жонкуярлигинлар учун раҳмат, укалар, — деди милиционер болаларга яқин келиб. — Силарга мен раҳматнома эълон қиламан. Ҳар доим шундай ҳушёр бўлинглар. Аммо бу галча буларга тегмайлик. Азиз меҳмонлар экан. Обрўли домлаларни беҳурмат қилсак яхши эмас. Улар иккинчи марта бундай иш қилмайдилар. Яхши отга бир қамчи дегандай, шу огоҳлантиришнинг ўзи етарли уларга. Хўп, хайр, болалар, раҳмат силарга.

У шундай деб мотоциклига ўтирди-да, париллатиб ҳайдаб кетди. Рустам билан Даврон ҳеч нарсага тушунмай гаранг бўлиб қолди. Уларни кузатиб турган Камол дўхтир:

— Тустовуқдан биттасини берайми, болалар? — деди.

Бу гапдан «овчилар» кулиб юборишди, бригадир ҳам қўшилди.

Рустам билан Даврон энсаси қотиб, бу воқеаларга ақли етмай оғир қадамлар билан қўйлари томонга йўл олдилар. Улар ўзаро турли фикрларга бордилар, ҳар хил тахминлар қилдилар. Бироқ бир нарсани — бригадирнинг ҳам, милиционернинг ҳам ўғли медицина институтига кириш илинжида юрганини, бутунги ов баҳонасида фақат Камол дўхтирнинг эмас, бригадир билан милиционернинг ҳам мушуқули осон бўлганини, уларга ўзлари билиб-билмай яхшилиқ қилиб қўйганини мана бу жонкуяр болалар билмас эдилар.

* * *

Бу воқеага йигирма йилдан ошди. Рустам билан Даврон мактабни битирди. Камол дўхтир ва унинг меҳмонлари билан қўл ташлашмаси-да, иккови ҳам медицина институтига ўқишга кирди.

Ҳозир у боғлару тўқайзорлар йўқ. Ёввойи қуёну тустовуқларни Мингбулоқ болалари ҳатто танимайдилар.

лар. Икки жўра болалик йилларини эслаб қолишганда ўша воқеа дамба-дам ёдига тушаверади. Бог-роғлар, токзорлар, тўқайзорлар йўқ бўлиб, ҳайвонлару паррандалар қирилиб кетишига ўша Камол дўхтир, бригадиру милиционер, шуларга ўхшаш кимсалар сабабчи бўлиб кўринаверади уларга.

Яна ким билади дейсиз...

1993 йил.

ЁЛҒИЗЛИК

*Ёлғизлик ҳасратин кўрсатма, тақдир,
Ёлғизлик инсонга ўлим-ку ахир...*

Абдулла Орипов

Икки кун эзиб ёққан ёмғир пайшанба куни эрта-лаб тинди. Ерукўқдан намчил ҳид келади. Эндигина ниш урган майсалар, ҳали куртак чиқаришга улгурмаган дарахтлар зах ҳавода совқотган боладек қунишади.

Қишлоқ этагидан ўтадиган дарёга сел келган. Тоғ сойларининг суви шу дарёга йиғилган. Ҳозир у тўлиб, қирғоқларидан тошиб оқмоқда. Хасчўплар билан тўлган дарё қоп-қора, бўтана. Сел кун ботиш томондан шиддат билан йўл четидаги жарликка келиб урилади-да, яна чапга бурилиб кетади. Аждаҳодек вишиллаб оқаётган селнинг зарбидан дам-бадам жарнинг бир парчаси шалоп-шалоп этиб қулаб тушади.

Жониқул ота жар ёқасига келиб селни томоша қилиб ўтирибди. «Тавба, умр оқар сув деганлари шуда. Оқишини қара. Не-не одамлар ўтиб кетди-я. Манави жарчи. Йўлга етишига оз қолибди. Илгари дарё ҳув анави ердан оқарди». Ўзича дарёнинг нариги қирғоғини мўлжаллади. «Шунча жойни ювиб кетибди-я. Ҳар йили сел келаверса, жарни ювиб бораверса, охири нима бўлади? Йўлни ҳам олиб кетади-ку».

— Марайим аканикига савоби жанозага-а...

Жониқул отанинг хаёли бўлинди. Тош йўлдан от чоптириб келаётган йигитга қаради. Чопонининг устидан белини боғлаб олган йигит — отага яқин келди-да, отини секинлатди.

— Ассалому алайкум, бова.

— Ваалайкум ассалом. Бу, Марайимнинг кими қазо қипти, бўтам?

— Ўғли. Тракторчи ўғли бор эди-ку, ўша.

Ота алланималарни пичирлаб юзига фотиҳа тортди.

— Нима қипти? Қайси кунигина соппа-соғ юривди-ку?

— Ажал экан-да, бова. Кеча қирдаги қўтонга хашак олиб бораётган экан, тракторнинг гилдираги лойда тойиб кетиб, авария бўпти. Тракторнинг тагида қопти ўзи.

— Ё оллоҳ, ё оллоҳ! Бу қандай кўргулик бўлди? Шу колхоз катталарига неча марта айтдим-а, қўтоннинг йўлини тузатинглар, тош-пош ташланглар, дедим. Қишин-ёзин бориб турасизлар, бир палакат бўлмасин, деб қанча жаврадим-а. Ҳа, ёшлар-а. Кўнглим ўлгур сезувди-я ўзи. Бировга айтишдан қўрқардим лекин.

— Майли, бова, мен борай бўлмаса, ҳали айтадиган жойлар кўп.

Йигит отини жадаллатиб кетди. Ярим чақирим жойга бормасидан яна унинг овози эшитилди:

— Марайим аканикига савоби жанозага-а...

— Эрталабдан бу нохуш хабарни эшитган отанинг дили хуфтон бўлди. «Нимага бундай бўлаяпти? Фақат ёшлар-а. Эй оллоҳи карим! Бу нима кўргулик! Олдин келганлар олдин кетса бўлмайдими? Фалак тегирмон тоши деганлари шуми? Ундай бўлса навбати қани? Ишқилиб яхшиликка кўринсин-да».

Ота оғир-вазмин хаёллар билан орқасига қайтди. Кўз ўнгидан Марайим аканинг ўғли кетмасди. Жуда оқил, одобли бола эди-да. Қўллари доим қора мой бўлиб юрадиган бу йигитнинг юзидан кулги аримасди. Кўзлари кулиб турарди. Бировга ёмон гапирганини, оғзидан сен деган сўз чиққанини ҳеч ким эшитмаган.

Жоникул ота уни охирги марта кўрганини эслади. Ўн кунлар бўлди. Баҳор келиб ҳамма гимираб қолган. Ота одатига кўра дарвоза олдидаги супачага кичкина пўстакни солиб, офтобда исиниб ўтирарди. Марайим аканинг ўғли «ДТ-28» тракторини елдириб келиб қолди. У отани кўрди-ю трактордан сакраб тушиб

кўришди. Соғлиғини сўради. «Бардам бўлинг ота, худо хоҳласа, баҳорга ҳам чиқиб олдик. Энди буёғи рўйи-кўклам. Одамнинг дилини яйратадиган кунлар келди», деганди раҳматлик. «Иншоолло, — деди Жониқул ота,— аммо-лекин бу баҳор деганинг бизга ўхшаганларни тентиратиб қўяди. Илик узилган пайт-да». «Йўғон чўзилиб, ингичка узилган вақт денг». «Шундай, шундай, бўтам». «Бўшашманг отахон. Ҳалиям бўлса, сизга ўхшаганлар бардам. Иликларингиз ёққа тўлган-да». Кулди шўрлик. Кейин чаққонлик билан тракторга чиқди. Ота унинг ортидан ҳавас билан термилиб қолди: «Ишқилиб, худо сенларга қувват берсин. Умри-жонларингизни узоқ қилсин».

Ана шу суҳбат Жониқул отанинг кўз олдидан нари кетмас, ўйлагани сари йигитнинг сиймоси ёрқинроқ кўринар, отанинг юраги баттар эзиларди. «Ҳалиям бўлса, сизга ўхшаганлар бардам. Иликларингиз ёққа тўлганда». Йигитнинг бу гапи ҳозир отанинг юракбағрини пармадек ўйиб борарди...

Жониқул ота Тоштепа қишлоғидагина эмас, колхоз бўйича энг кекса ҳисобланади. Уч йил олдин унинг тенгқурларидан қўшни қишлоқлик Эшонқул бобо қазо қилди. Шундан бери Жониқул отанинг чиройи очилмайди, олдинги ҳазил-ҳузуллари ҳам йўқ. «Ҳалиям шунчалик юриптилар. Бу кишидан ёшларам уёқ-буёққа боролмайдиган бўлиб қолган-ку». Аслида отага кексалик ҳали ҳукмини тўла ўтказмаган, ўзининг айтишича, «етти мучаси соғ». Тиним билмайди. Молларга жодида беда майдалаб солади, оғилхонанинг, кўчаларнинг қорини курайди. Ёзда эса қўлидан ўроқ билан ток қайчи тушмайди. Ўғиллари, неваралари «уриниб нима қиласиз, дамингизни олиб ётинг», деб неча марта айтишди. Ота бу гапларга индамай кулиб қўяди.

Бир куни жазирама ёз ойларида Жониқул ота йўл четидаги бедапояда ўт ўрарди. Сутранг «Жигули» келиб тўхтади. Ундан отанинг агроном невараси тушди.

— Ота,— деди у бувасига яқин келаркан,— сиз ўрмасангиз қолиб кетадими шу беда?

Ота ўроқни билагига ташладию, неварасига қараб жилмайди. У шаҳзодалардек салласи печининг учини чиқариб, қантариб қўйган, юзлари, қош-киприклари, соқол-мўйлови чангда яна ҳам оқроқ кўринарди.

— Нима зарил сизга, ота? Йўл усти бўлса яна. Кўрганлар нима дейди? Бир гилам ўрнича жойу, шуниям ўзлари ўрмай, кекса одамга ўрдириб ўтиришипти дейишмайдими?

Ота неварасининг билагидан олди-да, бир даста бедани кўрсатиб «ўтир» дегандай имо қилди. Ўзи ҳам чордана қурди.

— Мана бунга қара, ўғлим,— деди ота ишлатила-вериб яраклаб кетган ўроқни неварасига кўрсатиб, — бу бир ўроқ, темир. Шуям ишлатилгани учун ярқираб, очилиб турипти. Бир жойда тураверса, занг босиб кетади. Одам ҳам шундай. Қимирлаб, ҳаракат қилиб турмаса бўлмайди. Занглаб қолади. Жонсиз темирники ишлатиб туриш лозим бўлгандан кейин, одамни қўявер. Меҳнат қилиш учун яралган-ку одамзот. Бир жойда тек турса, ҳамма нарса айнийди.

Кўлмак сувни қара, сасиб кетади, ҳатто мол ҳам ичмайди. Шунинг учун сен ҳар кимнинг гапига қулоқ солаверма. Мен шу ўт ўрилмай қолиб кетади деганим йўқ. Ўрилади. Лекин индамай, кўзли кесак бўлиб ётолмайман. Шол бўлмасам, қўл-оёғим бут бўлса...

— Сиз шундай дейсиз-да, ота. Ҳаммаям тўғри тушунавермайди-да.

— Гапирган гапираверсин. Бу дунёда кўринган одамнинг гапига қулоқ солаверсанг, қилар ишингни билмай қоласан, болам.

Агроном бошқа гапирмади. «Ке, қўй, яна кайфиятини бузиб қўймай. Шу билан ўзини овунтирса овинтирар».

— Бўпти, мен кетдим...

— «Шошма. Гапингни ўйлаб гапираяпсанми? — деди ота. — Кетдим деганинг нимаси? Кетдим демайди, «мен борай», дейиш керак.

— Э, шунақа майда-чуйда гапларга парво қилаверманг, ота.

— Бу майда-чуйдамас. Ўзинг-ку одамларнинг олди-қочди гапини кўнглингга олиб юрибсан. Аслида ўша гаплар майда-чуйда.

— Бўпти, бундан кейин айтмайман. Борай-чи, буғдойга комбайн келмоқчийди. Хабар олай.

— Ҳа ёшлар-а,— дея кулимсираб, яна ўт ўришга киришди ота.

Кеч кузга бориб Жониқул ота бетоб бўлиб қолди. Унинг олдидан одам узилмайди. Каттаю-кичик келиб, ҳол-аҳвол сўраб кетади. Ота касал бўлгандан бери деярли ҳар оқшом ўғил-қизлари, неваралари, қўни-қўшнилар унинг олдида гурунглашиб ўтирадилар. Отани зериктириб қўймаслик пайида бўладилар. Улар ҳар хил масалалардан сўз очадилар. Ота индамай уларнинг гапига қулоқ солиб ётади.

Шундай оқшомлардан бирида Жониқул ота оҳиста гап бошлади:

— Болаларим, энди менинг ризқим тутаб, куним битганга ўхшайди. Шунинг учун...

Ҳамма ялт этиб, бетоб бўлса-да, ранг-рўйини унчалик олдирмаган отага қаради. Агроном невараси отага яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Нималар деяпсиз, ота? Ҳали бардамсиз, тузалиб кетасиз, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб.

— Сиззи шундай юришингиз биз учун катта давлат. Тоғдай суяб турибсиз-ку бизларди,— деди ўғилларидан бири. — Унақа гапларни қўйинг ҳали. Юз йил ҳеч нарса бўлмай қолди ҳозирги вақтда.

Ота болаларининг сўзига индамай қулоқ солди-да, сўнг бир қизиқ гап эсига тушгандай жилмайиб қўйди.

— Тўғри, болаларим. Ҳаёт яхши, жон ширин. Лекин ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бор, вақти-соати бор. — Ота бир оз жим қолди. — Энди мен сизларга бир нарсани айтай. Бу дунёнинг завқиям, лаззатиям ўз тенгқурларинг, бўйинсаларинг билан тотли. Бусиз ҳеч ниманинг қизиғи йўқ. Раҳматли Эшонқул кетдию мен учун ёруғ дунёда ҳеч ким қолмагандай туюлди. Шундай пайтда билинаркан инсонди қадр-қиммати. Одамзотнинг қадрига тириклигида етиш керак, болаларим. Нимаики иззат-икром бўлса, кўзи очиқлигида қилиш лозим. Ўлгандан кейин минг эслаш, хотирлаш — ҳаммаси бир пул. Эшонқул билан қадрдонлигимиз, бир-биримизга ҳазил-ҳузул қилиб юрганимиз учунгина эмас. Унинг ўлими билан биз қаторилар тугади. Тенгдошларидан айрилиб, яккамидай серрайиб қолиш ҳам яхшиликка товин эмас-да, болаларим. Билмадим, шунчалик кўп эканми гуноҳим?

— Сизни биров хафа қилдими?

— Эй, ўғлим, ким хафа қилади мени. Қайтанга бутун иззат-ҳурматдаман-ку. Кўнгилларинг ҳар ёққа кетмасин. Менинг ёшимга борганда чақасизлар бу гапларди маъзини. Дарахтнинг ҳам қуриганини, қурт еганини, чириганини кесадилар-ку. Ёш ниҳолни кесиш қанчалик увол, ахир.

— Қўлимиздан нима келади,— деди маъюсланиб кимдир.

Ота чуқур хўрсинди-да, юқорироқ сурилиб ётди.

— Ҳа, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Иложимиз йўқ. Мана шунга куяман-да, болаларим. Неварам, ҳатто эварам тенгиларнинг таъзиясига бориб юрибман-а. Бу қандай кўргулик, ахир?! Ота-она ўлмоғи — мерос. Фарзанд доғини худо кўрсатмасин.

— Қўйинг, ота, бунақа гапларни. Чарчайсиз, бир оз дам олинг,— деди невараси.

— Йўқ, ўғлим, чарчаган эмасман. Менга таскин бераман дема. Отангни дунёдан безияпти дедам ўйлама. Биласизлар, менинг бошимдан не-не машаққатлар, қийинчиликлар ўтган. Шу азоблардан қутулиб, энди оёқни узатиб ҳордиқ чиқараман деганда, сўққабош бўлиб қолсанг, алам қилмайдими? Одамзот қариганда фақат ўтмишни эслайди. У яхшими, ёмонми — бари бир. Унинг эртаси, ширин-шакар нияти, орзулари йўқ. Аммо ўша ўтган кунларини бирга эслаш учун улфат бўлиши керакми? Мен кимга айтаман дардимни, ким тушгунади? Уч йилдан бери шу аҳволдаман. Эшонқул билан дардлашардик, ҳазиллашардик, ўтган-кетган ҳақида эслашиб ўтирардик. Энди йўқ у гаплар. Ҳаммаси тутади...

— Қўйинг, ота, кўп қийнаманг бизларди,— деди агроном.— Ахир бизни яшашга, ҳаётдан завқланишга ўзингиз ўргатгансиз-ку. Нима бўлди энди сизга, бунча тушкунликка тушиб қолдингиз?

— Хафа қилганим учун мени кечиринглар... Ёлғиз яшаш оғир бўларкан. Ёлғизлик Оллоҳга ярашади, деб бекорга айтишмаган-да. Худога шукур, сенлардай эслихушли, ақлли болаларим бор. Бундан нолимайман. Аммо тенгқурларнинг ўрни бўлакча, улардан айрилишнинг дарди ҳам оғир. Устун синса, устунга зўр келади. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди, аммо ҳамма устунларнинг юкини кўтариш ҳам осон эмас-да. — Ота оғир тин олди. Ўтирганларга бирма-бир зеҳн солиб чиқди. — Мана, болам, сен агрономсан, ўзингга яраша

ошна-оғайнинг, улфатларинг бор. Шулар билан яй-райсан, очилиб гурунглашасан. Ўғлингнинг жўралари билан ўз ошналарингдай ёйилиб суҳбат қуролмайсан-ку, тўғрими... Унинг устига катта энанг раҳматли ҳам эрта кунда йўлга туша қолди. Умри қисқа экан худо раҳмати...

Отанинг гапини ҳамма сукут билан тинглар, елка-сидан оғир бир юк босгандай бошини ҳам қилиб ўтиришар, бирон-бир сўз дейишга ҳеч кимнинг қуввати, мадори етмасди.

* * *

Қишлоқ қариялари тўпланиб Жониқул отанинг олдига келишди.

— Ота, бўлинг,— деди оқсоқоллардан бири. — Жанозага айтишди. Бориб келайлик.

Отанинг қовоқлари солинган, жуда хомуш, гапиргиси ҳам келмасди.

— Нимага пакарсиз, ота? Мазангиз йўқми?

— Ҳа, тобим йўқ, оғрияпти, дилим оғрияпти. Бу қандай гап, ахир, ёшгина йигит-а. Бир йил ичида учта навқирон кетди-я. Бирини машина босган, бирови тракторнинг тагида қолган... Бунга чидаб бўладими? Бу йил жуда оғир келди-да.

— Илон йили оғир бўлади дейсиз-ку, ўзингиз.

— Лекин бунчаликмас-да. Нима бало, илон думи билан тушганмикан сувга-я?

— Буям оллонинг иродаси-да. Қани, бўла қолинг, тезроқ борайлик.

Отанинг қўллари қалтирар, ўзини босолмасди.

— Қандай бораман, қайси юз билан?

— Сизда нима айб? Қайси юз билан деганингиз нимаси?

— Қайси куни кўрувдим-а, раҳматликни. Мана шу ерда, дарвозада. Йўқ, мен бормаи қўя қолай...

Оқсоқоллар отани ҳол-жонига қўйишмади:

— Кексайиб жуда ваҳимачи бўлиб қопсиз ўзи. Ҳадеб уйда ўтираверса хаёл ҳар ёққа олиб кетаверади. Юринг, бундай одамларга аралашинг, кўнглингиз ёзилади... Ажал-да, ёш-қарига қарайдими. Куни битган одам эртами-кечми кетавераркан-да... Бўлинг, машина кутиб қолди...

Ўша куни таъзиядан қайтаётиб Жониқул отанинг эти увишди. Қаттиқ намгарчилик таъсир қилдими, уйга келиб ётиб қолди. Отанинг аъзои-бадани олов бўлиб ёнарди. Бироқ ота буни ҳеч кимга билдирмас, тишини-тишига босиб жим ётарди. Хуфтонга бориб кўзи илинди. Туш кўрди. Қадрдони Эшонқул уни қидириб-қидириб, охири топиб олганмиш. «Э, жўра, қаёқларда қолдинг ёлғиз ўзинг», дермиш. Жониқул ота бўлса «Нимага ёлғиз дейсан? Болаларим-чи, невараларим, қишлоқ одамлари-чи?» — депти ҳайрон бўлиб. «Э, уларни қўй. Сенга ҳамроҳ бўлармиди улар. Ёшлар ўз кунини кўрсин. Уларнинг йўриғи бўлак, бизники бўлак. Қани, юр, кетдик», деб Жониқул отани қаёққадир етаклаб кетганмиш. «Ҳой, тўхта, мен болаларимга айт-тай, кейин қидириб юришмасин», деса ҳам қулоқ солмасмиш.

Ота уйқусида кўп алаҳсиради. Бошида ўтирган болалари иссиғи кўтарилганидан, деб ўйлашди. Ота чўчиб уйғонди-ю атрофга аланглади.

— Қани? Қаёққа кетди?

Бош томонида ўтирган катта ўғли отасининг пешонасига қўлини қўйди. Иссиқ!

— Ким? Ҳозир келади, ҳозир.

Ота бир дам вассажуфт шифтга қараб хаёл суриб қолди. Кейин аста ўғлига юзланди.

— Энди ётинглар, болаларим. Дам олинглар. Эртага чарчайсизлар ҳали. Вахлироқ туринглар,— деди. Унинг товуши жуда хаста, синиқ чиқди.

...Азонда Жониқул отанинг уйидан эшитилган «Отам-эй, отам-эй», деган овоз сукунат қаърини тилка-пора қилиб, қишлоқ узра ёйилди...

1979 йил.

ЎЖАР

Алишер ҳеч қачон лагерга бормаган. Таътил бошланди дегунча қишлоққа — бувиси билан бувасининг олдига жўнайди. Аввалари ё дадаси, ё аяси элтиб қўярди. Мана икки йилдирки, у ерга Алишернинг ўзи боради.

Бу йил ҳам мактаб тугаши ҳамано қишлоққа отланди.

— Мунча шошмасанг, — деди аяси. — Борарсан ўша қишлоққа. Сал нафасингни ростла, ҳали уч ой бор-а олдинда.

Алишер кўнмади.

— Нима қиламан бу ерда. Бетон уйингизда одам кечасиям ухлаёлмайди. Ёниб кетади. Қишлоқ зўр. Соқол отам билан ҳовлида ётаман маза қилиб.

У бувасини «Соқол ота» дейди. Ҳайдар бува етмишни қоралаган эса-да, соқоли ҳали унчалик оқармаган. Ўзи бардам, бир зум тиниб ўтирмайди, гоҳ молларга ўт ўради, гоҳ тоқларни кесади — ишқилиб ўзига иш топиб туради. Алишер гўдаклик чоғларида бувасининг тиззасига ўтириб соқолини ўйнардди. Ҳайдар бува уни эркалар, кенжа ўғлимнинг ўғли деб, Алишерни бошқа невараларидан кўра кўпроқ суярди. Ўша пайтларда Алишер бувасини Соқол ота деб атаган. Шу-шу Соқол ота бўлиб қолди. Дадаси билан аяси неча марта энди ақлинг кириб, катта бўлдинг, бува дегин, деб танбеҳ берди. Алишер ўрганолмади. Ҳайдар бува ҳам унинг раъйига қарайди: «Қўяверсаларинг-чи, нима деса дер, ўзи билади». Унга Алишернинг дадаси эътироз билдирди: «Сиз шундай деб бунинг кўнглини кўтарасиз, кейин қулоғига гап кирмайди». Ҳайдар бува Алишерни эркалатиб: «Йўқ, Алишер ақлли йигит, ҳамма гапга қулоқ солади. Тўғрими?» — дейди.

Ҳайдар бува носвой отади. Рўза кунлари кун бўйи носвой чекмагани учун кечгача гаранг бўлиб юради. Шундай пайтда унга невараларининг чувур-чувури ёқмайди. Шу сабаб келинлари, қизлари шомда оғиз очишдан аввал бувага алоҳида хонада дастурхон тайёрлашади. Чой-пойини ичиб, носвойни чекиб ўзига келмагунча олдига ҳеч ким кирмайди.

Лекин Алишер кириб бораверар, буваси унга индамасди. Бундай пайтда Соқол отасига осудалик ёқишини у қаёқдан билсин. Эндигина уч ёшга тўлганди. Алишер Соқол отасининг ёнида худди унга ўхшаб чорда-на қуриб ўтирарди. Ҳайдар бува бир-икки пиёла чой ичгандан сўнг носвой отади-да, кўзини юмиб ёстиққа ёнбошлайди. Алишер дам-бадам унга қарайди, кейин

ўзича нималардир дейди. Соқол отаси унинг гапини яхши тушунмаса-да, «Ҳа-ҳа, ол, узумдан ол», деб қўяди. Бошқа неваралари кирса Алишерга уларни кўрсатиб: «Ҳайда, ҳайда», дейди. Алишер жойидан ирғиб туради-да, болаларни кувади: Ҳайда, ҳайда. «Унинг бу қилигидан бува кулиб қўяди. Болалар чиқиб кетгач, «Ке, энди бу ерга ўтир», деб ёнидан жой кўрсатади. Алишер пириллаб бориб соқол отасининг ёнига чордана қуради...

Аяси ҳам қатъий турди:

— Ҳовлиқмагин, борарсан. Мани у-бу ишларимга сал қараш. Ўн-ўн беш кундан кейин борсангам бўлар ахир. Иссиқ бўлса фақат сан турмайсан-ку бетон уйда. Ўлмаган биззи жонимиз-а.

Алишер аясига қаттиқ гапиргиси келмади, аммо бир кун ҳам тургиси йўқ, иложини топса бугуноқ жўнаб кетса қишлоққа. Унинг қовоғи осилиб, лаби дўрдайди. Аяси билдики, гапи Алишерга ёқмади.

Дадаси ўртага тушди:

— Қўявер, аяси, борса борар. Қанча иш бўлса ўзингдан ортмайди. Қолаверса, ана Наргиза бор. У ёқдан Наргизанинг норози оҳангда овози эшитилади.

— Нима, ман чўриманми? Ҳамма ишга мани тика-сизлар. Алишерингиз юрсин ялло қилиб.

Дадаси уни эркалатди:

— Сан катта бўлиб қолдинг, қизим. Алишер ҳали кичкина. Бир-икки йил ўйнасин, кейин буниям бурнини ерга ишқаб ишлатамиз. Шундайми, Алишер?

Бу гап Алишерга ёқмади. Аммо ҳозир қутулиш учун маъқуллаб бош ирғади.

— Сиз бунингизни жуда эркалатиб юборяпсиз, — деди аяси. — Қиз бола бўлса Наргизанинг гуноҳи нима? Шу аҳволда кетаверса, бунингиз иш ёқмас, дангаса, ялқов бўлади. Ҳозирдан меҳнатга ўргатиш керак.

Алишер аясининг гапини илиб кетди.

— Қишлоққа бориб ишлайман. Соқол отамнинг ишларига қарашаман.

— Гўр қиласан! — деди унга Наргиза. — Ўзинг ишламаганингга яраша у ердаги болаларниям ишдан қолдирасан. Кўрганман-ку, тўрт-бешта бўлиб копток тепасилар, чўмиласилар, эшак минасилар...

Алишер опасини жеркиб ташлади:

— Бўлди! Мунча сайрадинг. Саннан биров сўраяптими.

Наргиза ўзига-ўзи гапиргандай мингирлади:

— Бу йилам бир балони орттириб келар ҳали.

Унинг бу гапида жон бор эди. Алишер деярли ҳар йили қишлоққа борганда ё бошини ёради, ё қўли чиқади, ё бир жойи шилинади. Ишқилиб ишқал чиқармай келмайди.

— Нафасингни иссиқ қил! — деди аяси уни уришиб.

Дадаси қараса гап кўпаядиган. Шунинг учун уларнинг гапини чўрт кесди:

— Бўлди, гапни кўпайтирманглар. Ҳар хил ортиқча гап-сўзнинг нима кераги бор. Ундан кўра Алишерга яхши бориб, яхши дам олиб, ўйнаб-кулиб эсон-омон кел, денглар.

Наргиза дадасининг бу гапидан хижолат тортди, жаҳд устида ўйламай айтганини сизди. Бошини ҳам қилиб сукут сақлади, сўнг дастурхонни йиғиштирган кўйи ошхонага чиқиб кетди.

...Охири Алишер билан дадаси волиб чиқди. У эртага жўнайдиган бўлди қишлоққа.

— Ман нарсаларини тайёрлаб бермайман, — деди Наргиза.

Аяси унга эътироз билдирмади. Алишернинг кийим-бошларини ўзи тайёрлаб, сумкасига жойлаб қўйди.

* * *

Алишер кириб келганда Ҳайдар бува ўрик тагидаги сўрида ёлғиз ўзи чой ичиб ўтирган эди.

— Ассалому алайкум, ота.

У сумкасини сўри четига қўйдию буvasини кучоқлаб олди.

— Ваалайкум, — деди Ҳайдар бува неварасини қучаркан. — Эсон-омон келдингми, болам. Отанг, энанг, опанг, укаларинг яхши юришиптими?

Алишер буvasининг ёнига ўтирди. Ҳайдар бува фотиҳа ўқиди.

— Раҳмат. Ҳаммалари яхши юришипти, сизга салом айтишди. Ўзингиз тузукмисиз, ота?

Ҳайдар бува қалин, узун соқолини силади.

— Худога шукур, тузукман. Отангни ишлари яхшими? Анчадан бери келмайди.

— Яхшилар. Ҳали отпусकाга чиққанлари йўқ. Отпусकाга чиқсам бораман, дедилар.

— Ишқилиб эсон бўлишсин. Мактабинг битдими?

Ҳайдар бува чой қуйиб, неварасига узатди. Алишер чойни оларкан:

— Ҳа, — деди, — ўқиш туташи билан буёққа жўнадим.

— Боплапсан. Жазирамада шаҳарда нима қиласан. Уйларинг тоза ҳаммом бўлиб кетаркан ёзда.

Уч-тўрт йил бурун ёзда Ҳайдар бува Алишерларникига борган. Беш-олти кун туриб, шаҳарни томоша қиламан, девди. Қаёқда, бир кеча ётдию эртасига кетаманга тушди. Ҳамма ҳайрон.

— Э, бу уйларингда одамзод чидаб бўмайди-ку, — деди бува ҳафсаласи пир бўлиб. — Нафасим қайтиб кетди. Кечасиям дим, деворларгача қизиб ётипти-я! Э, тавба, одам боласи ҳамма жойда яшаб кетаверайкан-да.

Ўғли, келини, неваралари қанча ялинишди, айниқса Алишер унинг этагига осилиб олди. Лекин Ҳайдар бува кўнмади. Жўнаб кетди қишлоққа.

Шундан бери у ёз ойлари бормади шаҳарга. Ўғлини, невараларини кўргиси келса ёки бирон-бир юмуш чиқса баҳордами, куздами боради...

Алишер бувасининг гапини маъқуллади.

— Бувим, бошқалар қани? — сўради Алишер.

— Қишлоқда тўй бор. Эгамберди деган одамди биласанми? Ана шу тўй қилаяпти. Ҳамма шақа кетган... Бир полгина жойга беда экувдим. Кеча қарасам гуллапти. Ўриб қўймасам, қотиб қолади. Ке, шуни чўзиб юрмайин дедим-да, эрталаб ўришга тушдим. Ҳозирда тутатдим. Жуда чанқадим, бир пиёла чой ичиб, нафасимни ростлай, кейин тўйга бораман, деб ўтирувдим. Яхшиям кетиб қолмаганим, сен келайкансан.

Алишер бувасининг тиниб-тинчимаслигига қойил қолди.

— Ҳалиям беда ўрасизми, ота?

— Нимага ўрмайман?! Отам қариб қолди, дейсанми? — Ҳайдар бува кулди. — Ҳе, болам, мени ўрганним нима бўлайди. Бекор ётгандан кўра бир эрмак-

да. Ҳам амакиларингга ёрдам... Бошқа кийимларингга борми?

Алишер йўлда эзилмасин деб кўйлак-шимларини сумкасига солган, устида эса қандайдир ёзувлари бор футболка, тор трико эди. У бувасининг фикрини тунди.

— Бошқа кийимларим бор, — деди.

— Бўлмаса шуларни кий. Икковимиз тўйга борамиз. Шу кийимда борсанг, одамлар кулади. Фалончининг неварасини юришини қаранглар, дейди. Шаҳарди йўли бўлак.

Алишер сумкасини кўтариб ичкарига кириб кетди. Бир оздан сўнг кўйлак-шимини кийиб чиқди.

— Бу бошқа гап, — деди Ҳайдар бува. — Жўраларинг билан ўйнаганингда кийсанг майли боягиларди.

Бува билан невага тўйга отланди...

* * *

Алишер эшакка минишга ишқибоз. Қандай қилиб бўлса-да, эшак минишга баҳона қидиради.

Ҳайдар буванинг эшаги бақувват, унча-мунча юкни кўрдим демайди. Бува унинг емишига қарайди-да. Қишин-ёзин емини узмайди. Болаларини ҳам эшакка қаранглар, деб тергагани-тергаган. Шу боис буванинг кулранг эшаги доим йилтираб туради.

Ҳайдар буванинг эшакка бу қадар эътибор бериши бекорга эмас. Ўзининг ибораси билан айтганда, эшак унинг қўл-оёғи. Нима кўп, Ҳайдар буванинг юриши кўп. Бутун фалон қишлоқда тўй, эртага бошқа қишлоқда, яна жаноза, бошқа маросимлар... Бува ҳаммасига эринмай боради. Ана шунда эшак кунига ярайди. Бутина эмас, рўзғорда қанча-қанча ишлар борки, эшаксиз битмайди. Сув келтиришдан тортиб, хашак ташишгача, э-ҳе озмунча юмушми. Аравани қанқиллатиб тортганда ҳамманинг ҳаваси келади. «Жониворнинг гўшти ҳаром бўлгани билан меҳнати ҳалол. Уям одамзоднинг қўлига қараган махлуқ. Вақтида емишини, сувини бериш керак», дейди бува.

Алишер буваси эшагининг юришини ёқтиради. Худди отдай тарсиллаб юради. Чопишиям зўр. Алишер тўқимга маҳкам ўрнашиб олади-да, эшакни чоптиради. Буваси кўриб қолса уришади: Ҳой, секинроқ ҳайда.

Ўлдирасан-ку эшакни ичини узиб». Алишер қулоқ солмайди, баттар хала босади.

Бувисининг хавотири бошқа ёқда. «Эшак Алишерни йиқитиб, бирон жойини майиб-пайиб қилмасин тагин». Ҳар йили ёзда келганида бирон жойини қашқа қилавериб бувиси бечоранинг юраги олиниб қолган. Тинч ўтир деганига қулоқ солмайди. Келганидан то, уйига кеттунича буви бечорани ана шу хавотир тарк этмайди.

— Алишержон, болам, эшакдан эҳтиёт бўлгин, йиқитиб-пиқитиб кетмасин.

— Йиқитмайди, буви, эшак ювош, — дейди Алишер маҳмаданалик қилиб.

Буви ўзига-ўзи гапиради:

— Илоё эгам ўзи паноҳида асрасин. Ҳайвон-да, билиб бўладими...

Бугун жума. Алишер билади — буваси район марказига номоз жумага кетади. Кун бўйи маза қилиб эшак миниши мумкин.

Нонуштадан кейин Ҳайдар бува одатига кўра янги тўнини кийди, янги салласини ўради.

— Ҳа, ота, — деди Алишер ўсмоқчилаб, — қаёққа отланияпсиз?

Бува неварасига қараб муғомбирона кулди:

— Ҳа, шайтон. Билиб туриб, сўрайсан-а.

Бува автобус бекатига чиқиб кетди.

Алишер эшакни тўқимлади. Халачўпни олди-да, ириб минди. Қишлоқ этагида кенг майдон бор. Ҳамма болалар ўша ерга бориб копток тепади, эшакда кўпкари ўйнашади. Алишер эшакнинг бошини шу томонга бурди. Яхшилаб икки-уч хала босди. Эшак аввалига йўртди. Алишер яна халалаб, биқинига икки марта нуқиганди, эшак қўшоёқлаб чопди. Бундан Алишернинг завқи келиб, баттар чоптирди. У ўзини гўё суворийдай ҳис қилиб, ҳовлиқиб борарди.

Йўл ёқасидаги бутазор орасидан бир ит илкис отилиб чиқдию вовуллаб унга ташланди. Чопиб бораётган эшак итдан ҳуркиб, шартта чапга бурилди. Мувозанатини йўқотиб қўйган Алишер эшакдан ағдарилиб тушди, икки-уч думалаб кетди. Ўрнидан туриб уст-бошининг чангини қоқди. Атрофга аланглади. Тўқими қорнига осилган эшак ҳув нарида кетиб борарди. Ит эса йўқ, аллақачон ғойиб бўлган эди. Алишер билдики,

эшакнинг айилини қаттиқ тортмаган экан. Кескин бурилганда тўқими қолиб, ўзи ағдалиб тушипти. Эшакни ушлай деб унинг ортидан югурмоқчи бўлди, аммо чополмади. Ўнг оёғининг тўпиғи зирқираб оғриди. Шимининг почасини кўтариб қаради: ҳеч нарса сезмади. Яна юрди. Яна оғриди. Чўлоқланиб аста-секин юрди. Оғриқ босилиш ўрнига баттар зўрайди. «Нима бало бўлди экан, ишқилиб оёғим синмаган бўлсин-да. Йўқ, синса юролмасдим. Шунчаки лат егандир...»

Алишер уйга томон йўналди. Оғриқ тобора кучайиб, оёғини босишга беизлаб қолди.

Ҳайдар бува жума номозидан қайтганда Алишер ўрик тагидаги сўрида чўзилиб ётарди.

— Ҳа, ўғлим, нима бўлди?

— Оёғим оғрияпти, — деди Алишер. Эшакдан йиқилганини айтмади.

Тандирда нон ёпаётган бувиси чолининг овозини эшитиб унга ўгирилди.

— Эшагингиз ўлгур Алишерди йиқитиб кетипти. Оёғи чиққанми, лат еганми, босолмаяпти.

Ҳайдар бува Алишернинг ёнига ўтирди.

— Қачон йиқитди? Қаерда?

Алишернинг ўрнига бувиси жавоб берди:

— Эрталаб кучукдан ҳуркиб йиқитипти.

Ҳайдар бува афсусланиб бош чайқади. Неварасига деди:

— Ўзингам кўп ўжарсан-да, улим. Ҳадеб эшакка минаверма, ҳайвон-да у, билиб бўладими десам, хафа бўласан. Олдинлариям қанча йиқилувдинг. Ҳеч пандият бўлмади-да сенга. Тинчгина юрсанг-ку майли-я. Менга деса, эртадан кечгача минмайсанми.

Бувиси нонини ёпиб, тандирнинг оғзини сават билан бекитди. Енгларини ечиб тандир ёнига қўйди-да, сўри томонга юрди.

— Насимни чақириб келиш керакми, дейман. Оёғини бир кўриб қўйсин-чи. Қани, нима дейди.

Кампирнинг гапи Ҳайдар бувага маъқул тушди.

— Майли кўрсин, — деди Ҳайдар бува. — Қани, менга бир кўрсат-чи.

Алишер почасини кўтарди. Ҳайдар бува аста силади.

— Шу ерими? Шишипти-ку.

— Ҳа.....

Унинг ҳолатидан оёғи оғриётгани билиниб турарди.

— Ҳа, шайтон-а, — деди Ҳайдар бува уҳ тортиб. — Сенга қанча айтдим-а, ҳадеб эшакка минаверма деб. Кейин кампирига юзланди. — Оёғи чиқмаган, лат еганиям йўқ. Менимча, суяги дарз кетган. Акмал қани, Насимни чақириб кесин-чи.

Акмал — амакисининг ўғли. Ундан икки ёш кичик. Улар кўпинча бирга ўйнашади. Бутун у нима иш биландир ҳамсоя қишлоқдаги тоғасиникига кетувди, ҳали келгани йўқ.

Бувиси ҳозир шуни айтувди Ҳайдар буванинг жаҳли чиқди.

— Шу маҳалгача қаерда дайдиб юриптиякан. — Ўрнидан турди. — Ўзим бориб келақолай, ҳали унинг қачон келади. Насим уйидами-йўқми — худо билади. Уям уйида ўтирадиган одам эмас.

Хайрият, Насим ака уйида экан. Ҳайдар бува уни бошлаб келди.

Насим ака Алишернинг оёғини пастдан юқорига, юқоридан пастга силаб кўрди. Сўнгра Ҳайдар бувага қаради.

— Гапингиз тўғри, бова. Оёғининг суяги дарз кетган. Дўхтирга обориш керак. Гипсга солмаса бўлмайди. Ҳозирча тухум суриб, бойлаб қўямиз. Локин иложи борица тезроқ дўхтирга кўрсатиш даркор.

Бувиси тухум келтириб берди. Насим ака унинг сариғини Алишернинг оёқига суриб, латта билан боғлади.

Кечкурун ҳамма йиғилганда маслаҳат қилишди. Алишерни район дўхтирига обориш керакми ёки дадасига хабар бериш лозимми? Қишлоққа жўнаш олдидан уйида бўлган машмаша Алишернинг ёдига тушди. Шу аҳволда борса дадасиям, аясиям уришади, хафа бўлади. Наргизага-ку тоза топилади. «Ана, айтмовдимми бир балони бошлаб келади деб. Айтганим бўпти-ку». Шуларни ўйлаб, Алишер уйига боришни рад этди.

— Шунгайм ваҳима қилиб юрамизми, шу ерда дўхтирга бориб қўя қолайлик.

Амакиси унинг ниятини тушунди.

— Бу ерларди дўхтирининг мазаси йўқ-да, Алишер. Шаҳарди дўхтири ҳар қалай яхшироқ қарайди.

Кейин даданг билан аянгам хафа бўлади бизарга бир оғиз айтмапсизлар деб.

Бу гапни Соқол отаси ҳам, бувиси ҳам маъқулади.

— Нима бўлгандаям ота-онасининг қўлига топшириш керак, — деди бувиси. — Бизарда дўхтирларга ишониб бўладими. Гипсга солса ким билади, касалхонага ётқизадими....

* * *

Алишерни амакиси машинасида уйларига олиб келди. Оёғи анча шишиб кетган эди.

Унинг аҳволини кўриб дадасиям, аясиям чўчиб кетди. Амакиси бўлган воқеани айтиб берди. Буюғи Алишер ўйлагандай бўлди. Бир томонда аяси, бир томонда дадаси додлади, Алишерни гоҳ уришди, гоҳ эркалаб овутди. Наргиза укасининг аҳволига қараб бир кулгиси қистайди, бир ачинади.

— Бўлар иш бўпти, — деди дадаси ниҳоят. — Вақт ўтмасин, тезроқ дўхтирга олиб борайлик.

Амакисининг машинасида Алишерни касалхонага олиб боришди.

Врачларнинг гоҳ униси, гоҳ буниси кўрди. Рентгенга солди. Охири хулоса шу бўлдики, Алишер касалхонада қолиши зарур экан. Шу заҳотиёқ гипсга солишди.

Дадаси билан амакиси уни палатага элиб, жойига ётқизишди.

— Энди мен борай бўмаса, кеч бўп қолди, — деди амакиси.

— Қаёққа шошасиз, ака. Бугун қолиб, дам олиб эртага кетарсиз. Шунча йўлдан чарчаб келгансиз.

Амакиси кўнмади.

— Бормасам бўлмайди. Ўзинг биласан, ҳозир иш қайнаган пайт. Тезроқ борай.

— Бу бемаза сизниям роса овора қипти-да, ака.

— Кўйсанг-чи, бу гапларди. Ишқилиб тезроқ тузалиб кетса бас. Энди эшакка минмайди-да. Шундайми Алишер?

Алишернинг оёғини гипс қисар, оғриққа қўшилиб ғашини келтирар, ҳозир ҳеч нарса ёқмас эди. Шунга қарамай, амакисига тиржайди, базўр бошини қимир-

латиб, унинг гапини тасдиқлади. Амакиси хайрлашиб, чиқиб кетди.

— Бўпти, ака, яхши боринг, раҳмат сизга. Отамга, энамга, янгам, жиянларимга, ҳаммага салом айтинг. Хавотир олишмасин, врач билан гаплашдим, ўн-ўн беш кунда тузалиб кетади, деди. Мен бироз туриб борарман.

Дадаси Алишерни ваҳимага солмаслик учун ўн-ўн беш кунда тузалиб кетади, деган эди. У бир ойдан зиёд ётди. Дастлабки кунлар роса зерикди. Ҳар куни дадаси билан аяси келганда, кетаман деб йиғлайди. Улар далда беришади: «Бироз сабр қил. Тоза соғайиб чиқасан. Ким айтди сенга эшак мингин деб».

Аста-секии кўникди, палатадошлари билан ошна бўлиб қолди.

Бир оқшом Алишер туш кўрди. Қишлоқда эшак миниб юрганмиш. Эшак яланғоч эмиш. Тўқими борлигида миниб йиқилувдим, яланғоч қандай миниб юрипман, деб ўзиям ҳайрон бўлармиш. Бир маҳал эшак тилга кирипти: «Ўшанда мендан хафа бўлдингми? Жўрттага йиқитганим йўқ сени», дермиш Алишерга.

У уйғониб кетди-да, кўрган тушини хаёл сурди. Тавба, эшак ҳам гапирадими? Ғалати-ку. Соқол отасининг гапини эслади: «Одам тушида яланғоч эшакка мин-са — яхшиликка товин, муродига етади».

Врач кирди. У ҳаммани бир-бир кўриб келди-да, Алишернинг каровати ёнидаги стулга ўтирди.

— Хўш, полвон, ишлар қалай? Зерикмаяпсанми? Оёғинг оғримаяптими? — Алишер «йўқ» деб бош ирради. — Бугун гипсингни ечамиз. Уч-тўрт кундан кейин жавоб берамиз, уйингга кетасан. Аммо бир нарсани айтиб қўяй, — деди врач кулиб. — Энди икки-уч ой эшак минмай турасан. Хўпми?

— Хўп бўлади... — Алишернинг гапи дадил чиқди.

Врач хайрлашиб чиқиб кетди. Алишер ўйлади: «Икки-уч ой. Демак, кейин минаверсам бўлар эканда... Мактаб бошланиб қолади. Бари бир бу йил минолмас эканман. Келаси йил ёзда бораман қишлоққа. Албатта бораман... Энди айилини қаттиқ тортаман. Шунда сираям йиқилмайман...»

ВАРНА
1989 йил.

АТРОФДА БАҲОР...

Эътибор берганмисиз: баҳорда ҳамма кўнгилчан бўлиб қолади. Тажанглик, асабийлик одамларни тарк этгандай туюлади. Узоқ давом этган қишдан сўнг баҳорнинг илиқ ҳавоси, қуёшнинг қизғиш нурлари одамлар асабига ором, дилига енгиллик бахш этади.

Шундай фараҳли кунларнинг бирида ёш олим Мансур Бегматов институтдан хурсанд бўлиб чиқди. Илмий кенгашда китоби юқори баҳоланиб, нашрга тавсия қилинди.

Муҳокамани, айниқса Муса Иброҳимовнинг оғир-вазмин, ҳар бир сўзида олам-олам мазмун томиб турган нутқини эслагани сари Мансурнинг кўнгли тоғдай кўтариларди. «Нашриётда нима дейишаркин? Чиқаришармикан ишқилиб? Домла ёрдам бераман дедиларку.»

Мансур шу хаёллар билан бекатта етиб келганини, ҳатто трамвайга қандай чиққанини сезмай қолди.

— Амаки, ўтиринг.

Буни Мансур эшитмади, эшитса ҳам ўзига айтилганини пайқамади. Бошқа бировга жой бераётган бўлса керак. Амаки деди-ку. У тутқични ушлаганча трамвай ойнасидан ташқарига қараб, хаёл суриб кетаверди. Биров тирсагига туртди. Хаёли бўлиниб ёнига қаради. Паст бўйли, озғин, жингалак сочлари пешонасини қоплаган, бир қарашдаёқ жуда чаққон ва эпчиллиги сезилиб турган йигит Мансурга мурожаат қилди:

— Ўтириб олинг, амаки.

Мансур бир дам саросимага тушиб қолди. Алланима хаёлига чақмоқдай урилди. Миясини турфа фикрлар чулғади. Аммо уларнинг биронтасини на илғаб олди, на идрок қилди, на хотирасида қолди.

— Раҳмат... ўтираверинг бемалол,— деди тараддудланиб. Шу дам трамвай қаттиқ тормоз бериб, илқис тўхтади-ю, Мансур олдинда турган семиз, иссиқдан терлаб-пишиб кетган гавдали хотинга бориб урилди. Хотин Мансурга ўқрайиб қаради:

— Ўзингни тутиб турсанг-чи. Нима ёшроғи топилмадими?

— Кечирасиз... Ахир мен жўрттага қилганим йўқ-ку.

— Жўрттагаям қил бўлмаса...

Жингалак соч йигит Мансурнинг билагидан олди.

— Қўйсангиз-чи, амаки, булар билан тенг бўлиб ўтирасизми? Асабингизни бузманг, тез қариб қоласиз. Ўтиринг ундан кўра.

Йигитнинг гапи Мансурга ғалати таъсир қилди. «Тавба, ўзи ёшгина йигиту гапларини қара. Насихат қилади-я...»

Мансур йигитга раҳмат айтиб, бўш ўринга ўтирди. Қаппайган портфелини тиззасига қўйди. «Қизик, амаки дейди-я. Демак, ўттизга бормай амаки бўпман-да». У хаёлан ўзини кўзгуга солди. Сочлари сийрак, кўзининг четларида иккита-учта ажин ҳам бор. Тўла гавдаси, билинар-билинмас бақбақаси чиндан ҳам уни улусифат қилиб кўрсатади. «Нимадан экан бу? — ўйлади Мансур. — Чекмасам, бошқалардай ичавермасам... Оилам ҳам, худога шукур, тинч. Хотиним бечора-ку, эртаю кеч атрофимда гирдикапалак...»

...Мансур серфарзанд оилада туғилди. Урушдан кейинги йиллар. Ҳали ҳаммаям ўзини ўнглаб ололмаган. Мансур ҳам уруш заҳматларини, асоратини озгина бўлса-да, тотганлардан. У баъзи тенгдошларидай шўхликларга, ўйин-кулгига бой болалик йилларини ички бир энтиқиш билан эслаёлмайди. Бундай кунларнинг ўзи кам эди. Болалигини эсласа тирикчилик ташвиши — мол боқиш, машоқ териш, сомон тўплаб, бозорда сотиш тушади ёдига.

Синфдаги болалар орасида усти энг юпуни ҳам Мансур эди. Лекин унинг бирон жойи йиртилганини, кир-чир бўлиб юрганини ҳеч ким кўрмаган. Кийим-боши эскилигига қарамай тоза, озода бўларди. Синфдошлари тез-тез янги кўйлак, шим кийиб келишарди. Бундай кезларда Мансурнинг ичидан бир нарса узилиб кетгандай туюлар, баъзан аччиқ хўрсинишдан йиғлаб юборишига сал қолар, аммо ўзини тиярди...

Трамвай шиддат билан ўнгга бурилди-ю, Мансур қалқиди. Хаёли бир коса сувдай чайқалиб кетди. «Кейингиси авиасозлар заводи». Репродуктордан эшитилган ҳайдовчининг овозидан сергак тортди. «Энди Ўрдага кепмизми. Ў-ҳў, бу юришда Қорақамишга қачон етамиз.» «Динамо» магазинидан чиққан уч-тўрт ёш йигитнинг устидаги спорт кийимини кўриб, лоп этиб яна

болалиги ёдига тушди. Эсида бор, олтинчи синфда ўқирди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси кейинги дарсда ҳамма спорт кийими кийиб келишини тайинлади. Бу Мансурни анча хафа қилди. Отасига буни қандай айтишни ўйлаб ўйига етолмади. Охири минг хижолат билан онасига кўнглини ёрди. Онаси оғир уф тортти-да, Мансурнинг бошини силади:

— Хўп болам, айтаман отангга, иложи бўлса олиб берадилар.

Мансурнинг раҳми келди онасига. «Шўрлик онам. Халиям индамайди. Нима бўлсаям ичига ютади. Олти ака-ука ўқисак мактабда, қайси биримизга форма олиб берсин».

Бутун ҳам, эрта ҳам ўтди. Яна икки кун. Аммо спорт кийимидан дарак йўқ. Мансур ҳам бу ҳақда бошқа сўз очмади. Камгап отасининг янада камгапроқ, ўйчанроқ бўлиб қолганини сизди. Ота-онасининг шундоқ ҳам синиқ юрагига туз сепганидан ўзини ўзи қийди, астойдил эзилди.

Дарсга кирган жисмоний тарбия ўқитувчиси ким спорт кийими кийган-киймаганини текширди.

— Нера форма кийиб келмадинг? — деб сўради Мансурдан. Мансур эгилган бошини ердан кўтаролмай жим тураверди. — Мунча хасис бўлмаса отанг. Битта форма олиб беришга кучи етмай қоптими. Ёки ўқитувчининг гапи бир пулми.

Мансур ер остидан ўқитувчисига ҳўмрайиб қаради. «Бас қилинг! Ўйлаб гапираяпсизми ўзи. Сиз ҳам менинг отамга ўхшаб урушда бир оёғингизни ташлаб келганингизда бундай демасдингиз.»

Ўқитувчига шуларни баралла айтмоқчи бўлди, аммо ўзини қўлга олди. Ота-онасининг ўтитлари, инсоннинг энг ёмон илллати бетгачопарлик қилиш, деган гаплари ёдида эди. Муаллим жаҳл билан унга қараб турди-да:

— Синфда қоласан. Қачон форма кийиб келсанг шунда дарсга қатнашасан, — деб ўқувчиларни спорт майдончасига олиб чиқиб кетди.

Мансур бошини ҳам қилганча ёлғиз ўзи сўппайиб қолди. Охирги бола чиқиб, синф эшиги ёпилиши ҳамон Мансурнинг кўзларига ёш қуйилиб келди...

Трамвай кескин тўхтади. Мансурнинг хаёли бўлинди. Ўтган воқеаларни эслаб, мийиғида кулиб қўйди. «Одамзотнинг ҳаёти қизиқ эканда. Бир вақтлар шу форма туфайли ўқитувчини ёмон кўриб қолганман. Балки бу нотўғридир. Ахир, ўқитувчида нима айб. У ҳам юқоридан буюрган ишни қилади-да... Лекин ҳар ҳолда тушуниши керак эди-ку. Суриштирмай-нетмай одамнинг дилига озор бериш инсофданмас. Ўқитувчи деган номи бор. Сал мулоҳаза қилиб, ўқувчининг оилавий шароити билан ҳам қизиқиб кўрса бўларди-ку...»

Ёшига нисбатан бир қадар катта кўринишини олдин ҳам ўртоқлари, таниш-билишлари айтишган, буни Мансурнинг ўзи ҳам сезарди. Лекин ҳеч маҳал бунинг сабабини, нега бундайлигини ўйлаб кўрмаганди. Ҳозир мана бу йигит «амаки» деганидан сўнг негадир бу ҳақда ўйлай бошлади. Йўқ, бу гапдан унинг кўнгли ўксимади, фақат табиатнинг айрим нотекис, адолатсиз қонунлари хусусида ўйга толди. Ўзича бунинг сабабларини қидирди. «Болалигида кўп қийинчилик кўрган одамнинг ҳаммасиям тез қарийвермаса керак. Эҳтимол, наслга боғлиқдир. Отам раҳматли ҳам шунақа улусифат, ёшига нисбатан анча кексароқ кўринардилар».

Отасини эсласа ҳар доим кўнгли алланечук чучурканиб кетади. Отасининг ҳаёти Мансур учун мактаб бўлди. Сабр-қаноатни, одобни, қийинчиликларга бардош беришни — ҳаётда неки яхшиликларга эришган бўлса, ҳаммасини отасидан ўрганди. Отасининг умри, ҳаёти, фикрлари унинг учун мезон эди. Бошига бирон ташвиш тушса отасини эслайди. Шунда кўз ўнгида оппоқ, қалин соқоли кўксига тушиб турган, турмушнинг аччиқ аламлари ўчмас изини қолдирган сал буришиқ, аммо нимаси биландир суҳбатдошини сеҳрлаб қўядиган нуроний сиймо гавдаланади. «Ҳамиша ҳалол, покиза бўл. Ҳаром-ҳариш ишга қўл урма, бу йўлга юрма. Ҳеч маҳал ҳеч кимнинг дилини оғритма!» Мана шу насиҳатларни босиқлик билан, дона-дона қилиб, чертиб-чертиб айтади. Шунда Мансурнинг кўнгли таскин топиб, ташвишларни кучли, букилмас ирода билан бир

чеккага итқитиб ташлайди. Лекин буни у ҳеч кимга — на акаларига, на онасига айтади. Сир тутати.

«Эркакнинг улусифат, сал кўримли бўлгани яхши. Ёши элликка борсаям гўдакка ўхшаб шилдинглаб юрган эркак, эркакми? Виқор керак йигитга». Ҳозир отасининг ана шу гапини эслади. Йўқ, фақат ҳозир эмас, умуман ёш ҳақида гап кетса шу гаплар лоп этиб Мансурнинг ёдига тушади. Бу билан ўзига-ўзи таскин бермайди. Аксинча, бироз салобатли эканидан ич-ичидан қувонади.

Ҳайдовчи навбатдаги бекатни эълон қилди. Мансур фикрини йиғиб олди. «Бунча ҳаёл сурмасам? Ажаб. Хўш, амаки деса нима бўпти? Шунга шунчами? Ёмонми, амаки бўлсанг? Ахир яқиндагина тезроқ катта бўлишни, раислардай икки қўлни орқага қилиб савлат тўкиб юришни орзу-ҳавас қилган ким эди? Энди ёш бўлгинг келиб қолдими? Ёшлик човларини қўмсаяпсанми, демак қарий бошлапсан. Қачонгача бўз бола бўлиб юрасан. Ҳаёт ўз ҳукмини ўқийди-да. Сенинг истак-хоҳишингга қараб ўтирармиди...»

Бу фикрлар таъсирида бироз жилмайтганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Ҳа, амаки, жуда қизиқ гап эсингизга тушдими дейман-а?

Мансур ялт этиб ёнида тик турган жингалак соч йигитга қаради.

— Ҳа ... — деди ҳижолатдан қизариб. — Менга қаранг ука, нечанчи синфда ўқийсиз?

Йигит хиёл табассум қилди. Бу табассумда кинояни, менсимасликми ёки жаҳлни — ишқилиб шунга ўхшаш бир кайфият бор эди. Ҳар қалай самимий эмаслигини Мансур сезди.

— Нимайди?

— Ўзим, шунчаки сўраяпман-да.

— Нечанчи синф боласига ўхшайман? — деб сўради йигит. Энди бу сўроқ очикдан-очик киноя эди.

— Тўққиз-ўнинчиларда ўқисангиз керак?

Йигит шарақлаб кулди:

— Мабодо психолог эмасмисиз? Роса аниқ топдингиз-ку... Қойилман... Тўққизинчини битирганимга тўққиз йил бўлди.

— Нима?!

Мансур бу сўзни шу қадар тасодифий ҳайрат билан айтдики, бирданига иккови ҳам жим қолди. Иккаласининг ҳаёлидан икки хил фикр кечди. Йигит: «Папка кўтариб юришига қараб туппа-тузук, кўпни кўрган одам деб ўйлабман. Соч деган жониворам калла ишласа-ишламаса тўкилаверарканда. Умрида одам-подам кўрганми ўзи бу?» Мансур: «Тўққизинчини битирганидан бери тўққиз йил ўтган бўлса, демак йигирма бешни уриб қўйипти-да. Ўзимиз қатори эканку. Фарқи уч йил экан-да. Тавба, ёш болага ўхшайди-я. Хафа қилиб қўйдимов чоғи».

— Жуда шўхга ўхшайсиз-а, амаки, — деди йигит кулиб. Сийрак мўйлаб чиққан юпқа лаблари унинг ярақлаб турган тилла тишларини тўла беркита олмасди. — Қизларни айлантиравериб ёшни кичкина айтишга ўрганиб қолгансиз шекилли, а?

— Узр, хафа қилиб қўйдим чоғи. Мен сизни ёш йигит деб ўйлабман-да.

— Ёш бўлмай, нима, қариб қопмизми?

Трамвай навбатдаги бекатга яқинлашди. Йигит олдинги эшик томон йўналди:

— Бўпти, амаки, саломат бўлинг, мен тушдим.

— Хўп, хайр, — деди Мансур ихтиёрсиз равишда.

Йигит одамлар орасидан туртиниб-суртиниб нари кетди. У кўздан ғойиб бўлгунча Мансур ажабланиб қараб қолди.

— Яхши йигит, ўзингиздан катталарга жой берсангиз бўлмайдими?

Мансур бошини кўтариб қоматдор, юзлари хўрознинг тожисидай қип-қизил, кўкси орден-медаллар билан тўла олтмиш ёшлардаги бақувват бир одамни кўрди-ю, ирғиб ўрнидан турди.

— Кечирасиз, амаки, кўрмай қопман. Марҳамат.

— Шунақа, ҳозирги ёшлар ҳеч нимани кўрмайди. — деди барваста киши бўш ўриндиққа оғирлик билан ўтираркан. — Айтмасанг ўрнидан қўзғалмайдиям, без бўлиб ўтираверади.

Бу гап Мансурнинг бағрига тиф каби санчилган бўлса ҳам индамади. Сал нарироққа сурилди-да, деразадан ташқарига қараб кетаверди. Барглари тангадай бўлиб

қолган тераклар, йўлкалар четидаги жонли тўсиқлар кўм-кўк. Анави олча роса гуллапти-да. Худди қор қоплаганга ўхшайди.

Бу манзара, кўклам кўриниши, трамвайнинг очиқ деразаларидан кираётган алақандай ёқимли, хўшбўй Мансурнинг дилини ёритгандай, ҳаёлидан ҳар хил айқаш-уйқаш фикрларни қувгандай бўлди. Беихтиёр ён-атрофдаги одамларга бирма-бир кўз югуртирди. Уларнинг юзида ҳам ажиб бир қувноқлик, кўтаринкилик акс этиб турарди. «Яхши йигит, ўзингдан катталарга жой берсанг бўлмайдим», деган амакига қаради. Ташқарини кузатиб кетаётган бу одамнинг ҳам чехраси очилган. Ҳозир ана шу киши ҳам Мансурга яхши одам бўлиб кўринди.

Атрофда баҳор эди...

1973 йил.



ҚИССАЛАР

ЧИРОҚ, ЎЧМАГАН КЕЧА

Афғон уруши ҳануз юракларимизни сирқира-тиб турибди, афғон фожиаси сабабли қанчадан-қанча сара ўғлонларимизни бой бердик, қон ва ажал ранги бир умр хотирамизга ўрнашиб қолди. Ана шу овриқлар мени ушбу қиссани ёзишга даъват этган бўлса ажабмас.

Қисса анча илгари битилган, шунга қарамай, у тупроғимизга туташ — жондош, қондош юртда қарийб йигирма йил давом этган хунрезликдан қийналиб кетган афғон халқи қайғу-алами ва орзу-умидларига ҳамоҳанг жаранглайди, деб ўйлайман. Қолаверса, у халқимизга осойишталик бебаҳо неъмат эканлигини, оз бўлса-да, англатишига ишонгим келади.

Қиссани қоғозга тушириш жараёнида жанг воқеалари ва дил изтиробларини ўз кўнглимда қайта ҳис қилишга уриндим. Аниқроғи, унга кўз ўнгимда вояга етиб, сўнг Афғонистонда бир неча бор ажалга рўпара келган биродарим — Пиримқул Собировнинг кўрган-кечиргани, ўй-хаёли ва муҳаббатини маълум маънода асос бўлди. Ҳозирги кунда Пиримқул соғ-омон, оилали, қурувчилик касбини эгаллаган.

Пайтдан фойдаланиб айтмоқчиман: истиқлол бахш этган тинчлик ва осойишталикни қадрлайлик, осмонимиз ҳамиша мусаффо ва осуда бўлсин.

Муаллиф

*Йўқликдан пок келиб, нопок бўлдиқ биз,
Шўху қувноқ келиб, ғамноқ бўлдиқ биз.
Кўзимиз тўла ёш, юракда олов,
Умр елга кетди ҳам хок бўлдиқ биз.*

Умар Хайём

Биринчи боб

I

Август оқшоми: илиқ, ёқимли.

Темирнинг армиядан қайтганига бир ойдан ошди. Ҳамон ўзини ўнглаб ололгани йўқ. Беш-олти кундан бери кечалари салқин шабада эсиб қолди. Шунинг таъсирими, қўлининг оғриғи бироз зўрайди. Буни ёлғиз ўзи билади, ҳеч кимга сир бой бермайди. Отасининг «қўлинг оғрияптими, улим» деган сўровига «йўқ» деб, қисқагина жавоб қилади. Айтгани билан не наф? Уларнинг-да юрагини эзгани қолади.

Холиқ ака уруш нима эканини, ярадорлик азобини билади. У пайтда-ку майли, аммо ҳозир — тинч замонда сириқдай ўғли бир қўлидан айрилиб ўтирса — дардини кимга айтсин.

Зулфизар опанинг кўз ёши тинмайди. Темир онасига таскин бермоқ ниятида унга ҳазиллашади, ҳар хил кулгили гаплар билан хаёлини чалғитади. Зулфизар опа ўғлининг ногирон қўлига кўзи тушиши билан ўзини тутолмайди — кулиб турган кўзларидан ёш оқаверади, оқаверади...

Темир айвонда ёлғиз ўзи ётади.

Бугун анчагача уйқуси келмади. Бир томондан хаёл олиб қочади, бир томондан оғриқ азоб беради. Қўлидан айрилишга айрилди, энди ҳеч қурса оғриқ босилиб кета қолсайди.

Темир ўрнидан турди. Зулфизар опа «улим армиядан келса кияди» деб, яхши ният билан олиб қўйган

Ургутнинг машҳур ялтироқ чопонини елкасига ташлади. Боғ сари юрди. Бу боғ раҳматли бобосидан қолган. Темир бобосини кўрмаган. Отасининг айтишича, бобоси жуда ишбилармон, боғбонликни, деҳқончилигу чорвачиликни ҳўп яхши биладиган одам экан.

Қулоқ-қулоқ даврида Темирнинг бобоси ҳам қамалиб кетишига оз қолган. Ҳўп ажойиб замонлар бўлган экан-да. Биров «фалончи қулоқ» деб ёзиб берса, эшигида тўртта моли борми-йўқми, суриштирмай қамаб юбораверган-а...

Боғдан узум узиб, уватда чўнқайиб тураркан, кўз ўнгида икки йил давомида кўрган-кузатгани — поёнсиз далалар намоён бўлди. Қон тўкишлар, фожиалар, қурбонлар ёдига тушди. Қаердандир ўқиган эди бир афғон ёзувчисининг гапини: «Бизнинг далаларга сув ўрнида танклар келди». Қанчалар даҳшат! Одамларга сув керак! Унинг ўрнида танклар! Бир кун келиб афғон болалари бу воқеаларни қандай баҳолар эканлар?

Саҳар салқинида ногирон қўли санчиб кетди. Беихтиёр инграб юборди. Хайриятки, ёнида ота-онаси йўқ, бўлмаса унинг ҳар инграши Холиқ ака билан Зулфизар опанинг қайсидир томирларини чирт узиб ўтарди. Қўлини чопонга ўради. «Ҳалиям омадим бор экан. Қанча-қанча йигитлар жувонмарг кетишди...»

Чўнқайиб ўтиравериб оёғи толди. Ўрнидан турди, тиззалари қисирлаб кетди. Ўнг қўлини кериб, мириқиб керишди. Осмон беғубор, беҳисоб сепи — юдузлар жимирларди. Хўжайдуқнинг устида ой кўринди — бир чети синдирилган патирга ўхшайди. Темир узумдан оғзига солди. Кишмишнинг шираси томоғини қириб ўтди. Бунчалар ширин! Айтишларича, Ургутнинг оқ кишмишидай ширин узум дунёда йўқ эмиш...

Темир узум пўчоғини бир четга иргитди. Сўнг оҳиста қадам ташлади. «Энди ётиш керак. Чала уйқу — умрнинг эғови».

Жойига келиб чўзилди. Кўпинча шундай бўлади: ухлай десанг уйқу келмайди, ухламай деганингда уйқу босаверади. Ҳозир Темир мириқиб ухламоқ истагида. Лекин қани ўша уйқу! Дунёнинг ишлари бунчалар чигал ва бир-бирига уйқаш...

Гўнғир-гўнғир овоздан уйғониб кетди. Сингиллари тамаки тергани кетяпти. Ҳали қуёш чиққани йўқ. Бечора сингиллари шудринг аримасдан тамакизорга ора-лайди. Нимаям қилсин, салқинда териб келмаса, кун қизигач тамакизорга кириш азоб. Кейин ярим тунгача қадалиб ўтириб тамаки тизишади. Яна унда-бунда ургутликлар бадавлат, тамакининг пули кўп, деган таънаомуз гапларни эшитишади. Пули садқаи сар. Темир бу масалада курсдошлари билан ҳам кўп тортишган.

Бу мунозарага Гавҳар ҳам аралашар, кўпчиликнинг олдида сир бермаслик мақсадида Темирнинг фикрига қарши чиқарди. Буни Темир билгани учун унга индамасди.

Гавҳар... У ҳозир нима қияпти экан? Қишлоғида-микан? Балки Тошкентга боргандир, ўқиш яқинлашиб қолди-ку. Уч ойлар бўлди унга хат ёзмаганига. Армиядан қайтганини ҳам, бир кўлидан айрилганини ҳам Гавҳар билмайди. Ярадор бўлиб ҳарбий касалхонага тушганида битувди сўнги хатини. «Хизмат охирлаб қолди, яқин кунларда қайтаман. Ўзим ёзмагунимча хат ёзманг», деганди ўшанда.

Келганидан бери бир-икки мўлжаллади мактуб ёзишни. Лекин қаерга, қайси манзилга ёзади? Таътил бошланиб қолди. Гавҳар қишлоғига кетгани аниқ. У ёқда ёзиш ноқулай, ота-онасими, ака-укаларидан биронтасими кўриб қолса — яхши эмас. Қишлоқчилик... Бечора Гавҳар не хаёлларда юрипти экан. Оддий хизмат бўлгандаям майли эди. Афғонистонда эканини у билади. Ичини ит тирнаб ётгандир...

Совуқ фикр урилди Темирнинг миясига. «Мени бу аҳволда кўрса, Гавҳар қандай ҳолга тушади? Балки мендан айниб кетар. Ахир бир кўли чўлоқ йигит кимга керак? Унинг айби нима? Қайси гуноҳлари учун ногирон йигитга турмушга чиқади? Бошқа қизлардан кам жойи борми? Ҳусни-жамолда, ақлу фаросатда кимдан, қайси қиздан қолишади?..» Темир оғир хўрсинди. Фикран кимларнидир сўқди, кимлар биландир олишди.

Рост-да, Темирнинг, Темирга ўхшаш юзлаб, минглаб йигитларнинг гуноҳи нима? Нега улар ҳали оқ-

қорани таниб-танитай, ҳаёт неъматларидан тотиб улгурмай ногирон бўлиб қолишлари керак? Шаҳид кетганлар-чи? Уларнинг айби не эди?!

Гавҳар буларни тушунар балки. Ақл-фаросатли қиз-ку... Лекин ота-онаси-чи? Ака-укалари, қариндош-уруғлари-чи? Улар ҳам тушунадиларми? Тушунганда нима? Гулдай қизини ногирон йигитга бераверадими? «Сени шу ниятда ўқишга юбуровдикми Тошкентга», демайдими қизига? Деса ҳақи бор! Э, Худо, бу не кўргулик!

Калласи хумдай шишиб кетди, юраги зирқиради. Қўлига ўқ текканида, касалхонада тирсагидан кесиб ташлаганида бунчалар қийналмаган, бунчалар изтироб чекмаган эди. Бу қийноқ, бу эзилишлар яна қанча давом этаркин? Балки бир умр ундан фория бўлолмас, эҳтимол бирор кун ҳам унинг исканжасидан чиқа олмас. Шундайлар озми? Мана сенга байналмилал бурч!

Эшакараванинг қанғир-қунғири хаёл ипларини узди. Укаси Собир, сингиллари эшакаравани қўшиб тамакига жўнаб кетишди. Айвоннинг нариги бошида тасбеҳ ўтириб ўтирган Холиқ ака тандирда нон ёпаётган Зулфизар опадан сўради:

— Темир турмадими?

Зулфизар опа эрининг гапини эшитмади шекилли, Холиқ ака саволини яна қайтарди. Зулфизар опа тандирнинг оғзига саватни ёпиб, косов билан тираб қўйдиди, эри томон юзланди.

— Бир нима дидингизма?

— Темир турмадима дийман.

Зулфизар опа қўлидаги енгичакларни ечиб, ўчоқ бошига ташлади.

— Турмади чоғи. Қўйинг, ётаверсин. Зарил иши қоп кетяптими.

Улар билишмайдики, Темир қачондан бери уйроқ, хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқмоқда. «Турсаммикан, — деб ўйлади. — Яна бироз ётай. Энам айтгандай, зарил ишим бормиди қоп кетадиган. Иложи бўлса ярим соатгина мизғиб олай». Бу ёнбошига ағдарилди. Қани энди кўзи илинса. Сокин тунда келмаган уйқу тонгги шовқинда келармиди.

Яна хаёли Гавҳар томонга учди.

Гавҳарга бор гапларни ёзишни ўйлади. «У бечорани қийнаб нима қиламан. Ундан кўра шундай-шундай бўлди, деб ҳаммасини ёзай. Кўнгли иримаса жавоб ёзар, шундан бари маълум бўлади-қўяди».

Шу фикри ўзига маъқул кўринди.

Темир қатпатирни хуш кўради. Бунинг онаси ҳам билади. Шу боис ҳар гал нон ёпганида тўрттагина қатпатир пиширади. Бу одатини бутун ҳам қанда қилмаган эди. Темир дастурхон бошига келиб ўтириши билан Зулфизар опа иккита қатпатир олиб келди. Холиқ ака ўғлига бир-икки синовчан-синовчан назар солди. Нимадир сўрамоқчи бўлди-ю, тили бормаётганини Темир пайқади.

Холиқ ака томоғини бир қириб, оҳиста, вазмин нигоҳини дастурхондан узмаган кўйи гапирди.

— Қўлинг оғрияптима, дийман, улим?

Орага сукунат чўқди. Темир нима дейишини билмай қолди. Ҳа, деса ота-онасининг юраги эзилади, йўқ деса, барибир билган, гапидан сезилиб турипти.

— Кўнглим сезиб юрипти, болам. Сер соп юриппан, охирги кунларда кўринишинг бўлакча. Чамамда ҳавонинг салқини таъсир қиляпти-ёв.

Темир армиядан келгандан бери Холиқ ака уни зимдан кузатади, гап-сўзлари, ҳаракатлари, одамлар билан муомаласига разм солади. Ундаги қандайдир асабийлик, сал нарсаси қизишиб кетиш, баъзида эса ўта лоқайдлик, қарахтлик, гап-сўзларни эшитмаслик ҳоллари бор. Гоҳи ухлаб ётганида бақириб юборади, бундан ўзиям уйғониб кетади. Атрофига аланг-жалам қарайди, яна кўрпага бурканади.

Бунинг сабабини Холиқ ака ўзича тушунади: бу урушнинг таъсири, устига устак ярадор бўлган, бир қўлидан айрилган. Холиқ ака немислар билан бўлган жангда бунақа ҳолга тушганларнинг қанчасини кўрган. Биринчи марта жангга кирган айрим иродаси сустроқ йигитлар ҳатто ақлдан озиб қолишган.

Холиқ ака ана шундан кўп хавотирга тушади. Ўғлининг бир қўли чўлоқлиги ҳам унинг кўзига кўринмайди. Худо бахтини, ризқу насибасини берса, ҳаммаси изга тушиб кетади, фақат эс-ҳуши жойида бўлса бас,

деб ўйлайди. Бу ўйларини ёлғиз Оллоҳдан ўзга ҳаммадан сир тутати. Темир хизматдан қайтган кезлари бунақа ҳол кўпроқ билинар эди, хайриятки, аста-секин камайиб бормоқда. Ҳатто бир куни Зулфизар опа ташвиш ила эрига «улингиз гоҳида алмойи-алжойи гапирди-я. Урушда қаттиқ кўрққанми дийман-да, болагинам», деб қўйди. Холиқ аканинг юраги шув-в этиб кетди. Аммо ўзини қўлга олди, хотинини силтаб ташлади.

— Эсинг жойидами? Бу нима деганинг?!

Шу-шу Зулфизар опа бу ҳақда бошқа оғиз очмади. Балки кейин сезмагандир, сезса ҳам ичига ютгандир. Ўғлини эринмай кузатишга вақти борми она шўрликнинг, тонг саҳардан икки хуфтонгача тиним билмаса...

Темир отасининг нуроний чехрасига, оқ оралай бошлаган қалин соқол-мўйловига термилди. Басавлат, ўгирганда тоғдай ҳайбатли кўринадиган Холиқ аканинг сезгирлигига Темир тан берди.

— Ҳа, — деди у ниҳоят оҳиста, — тўғри пайқабсиз, ота, бироз оғрияпти қўлим. — Тунда туриб юрганини отаси ҳам билганига энди шубҳаси қолмади. Шу боис ўзи очиқ айта қолди. — Кечасиям оғриди, ҳам уйқум қочиб кетди. Туриб бироз боғни айландим.

— Дўхтирга учрашиб, бир кўрсатганинг маъқулмиди?

— Ўзимам шуни ўйлаб турипман. Иложи бўлса бугун бориб келмоқчиман. — Ер остидан отасига разм солди у. — Хавотир олманг, ота, ўтиб кетади. Кўп қаттиқ оғригани йўқ, сал-пал.

Нонуштадан кейин Темир уйга кирди. Гавҳарга хат ёзмоққа тутинди. «Салом, Гавҳар! Анчадан бери хат ёзмаганим учун узр. Бунинг сабаблари бор...»

Темир ўйланиб қолди. «Нимадан бошлай, қандай ифода қилай фикримни?! Унақасигаям, бунақасигаям ўйлаб кўрди, йўлини тополмади. Дардларини, бошидан кечирган воқеаларни қорозга тушира олмаслигига кўзи етди. Бир-икки сатр ёзилган қорозни ёғимлаб бир четга иргитди.

Кейин шарт ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди. Нега чиқди, нима қилмоқчи — ўзи ҳам билмайди...

Иккинчи боб

I

Вақт пешиндан оққанда поезд Кушка бекатига кириб келди. Узоқ йўл юриб толиққан тепловоз чуқур нафас олиб тўхтади, вагонлар бир-бирига сурилиб, қасир-қусур овоз чиқарди-ю, бирдан тинди. Йигитларни кузатиб келаётган аскарлар юкларни олиб тушиш учун буйруқ берди. Ҳамма тўрвасини елкасига осиб, ўзини эшикка урди.

Перрон бир зумда сочи қиртишланган йигитлар билан тўлди.

Ҳаво дим, нафас олиш оғир.

— Бўтта нафасимиз қайтиб ўламиз-ку, — деди Азим.— Тошкентниям иссиқ деб юрарканмиза-де. Бўтта қараганда жаннат экан-е.

Унинг гапига Жўрақул қўшилди:

— Кушка дегани энг расво жой деб эшитгандим...

Тўрвасини ерга қўйса биров олиб қочиб кетадигандай, елкасига осиб олган миқти, пакана, сап-сариқ Носиржон гўё ўзига гапираётгандай минғирлади:

— Қани энди шу пайт Намонгонда бўлиб қолсам. Чодакка чиқардим, бир коса қатиқни ичиб, салқинда маза қилиб ётардим-да.

Азим унга қараб ҳўмрайди. Сўнгра Темирга юзланди-да, Носиржонни кўрсатди.

— Бу кишининг кўнгиллари қатиқ тусаб қопти, Чодакка чиқармишлар. Сал инсоф билан гапир, лоақал Комсомол кўлидаги чойхона де.

Буларнинг ҳазил аралаш орзу-хаёлига Темир ҳам қўшилди.

— Э, оғайнилар, Комсомол кўлиям, Чодак-подакам бўлмайди. Ҳаммасидан зўри Ургут. Юқори чиноргами, Омонқўтонгами чиқиб, тандир кабобдан еб, орқасидан яхдай булоқ сувидан ичиб, каравотда бир соат ухласанг борми...

Азим бирдан унинг гапини кесди:

— Шошма-шошма, Темир. Бирпас ухламай тур, овқатинг ҳазм бўлсин, бўлмаса қозон кабоб тиқилиб қолади ичингда.

Тўртовлон баравар кулиб юборишди.

Носиржон Жўрақулга қаради:

— Сен нимага индамайсан? — деди сўзнинг охир-ги бўғинини чўзиб. — Ҳа-а, Қўшрободди чўлида ўрғаниб қолгансан-да, сен бечора. Худди қишлоғингга келгандай маза қиялпсан чоғи, а?

Жўрақул Носиржонга яқинроқ келди.

— Қўшрободга борганмисан ўзи? Сени Чодагинг нима бўпти унинг олдида. Пангатта боргин, кўрасан дунёнинг жаннати қайда эканини. Бу дунёда Пангат, у дунёда жаннат, деган гапни эшитмаганмисан?

Ҳазил-ҳузул билан гаплар дадил-дадил, қизиққонлик руҳида давом этабошлади. Темир уларнинг диққатини ўзига қаратди.

— Э, жўралар, қўйинглар бу гапларди. Ўзбекистонди чўлиям, қириям бу ерларди бовидан, тоғидан гўзал.

— Гениал фикр! — деди Азим киноя тарзида гапириб. — Философия! Шоир-да, мани оғайним, шоир! Шоирлардан ана шундай гениал фикрлар чиқади.

Темир Азимнинг елкасига қўлини ташлади.

— Қўйсанг-чи, майнавозчиликни. Тўғри-да, шу ерга келиб тортишиб ўтирамизми энди.

— Во! — Азим кўрсаткич бармоғини тепага кўтарди.

— Демак, мунозара тамом! Олға, марш!

Шу куни ҳаммомдан сўнг кийимларини алмаштиришди. Бир зумда ҳаммаси инкубатордан чиққан жўжадай бир хилда бўлди-қолди. Юзини кўрмагунча ким эканини билиб бўлмайди. Бунга кўникмаган йигитлар роса кулишди.

Шундай қилиб ҳарбий ҳаёт бошланди.

Янгича шароит, янги жой, ҳавонинг ададсиз иссиғи йигитларни толиқтириб қўйди. Кўпчилиги эркин юрган, ҳатто аксарияти ота-онаси назоратидан ҳам холи бўлган студент эмасми, ҳарбийнинг темир интизомига ўрганиши, мослашиш оғир кечди. Иродаси бўшроқларга пана-панада яширинча кўз ёши ҳам қилиб олди. Энг ёмони — куннинг ўтиши қийин, ҳадеганда кеч бўлавермайди. Темир назарида бир неча ой ўтгандай туюлади, ҳисоблаб кўрса энди бир ҳафта кечибди.

Ёлғиз қолган кезлари, уйқу қочган тунлари Темир юраги орзиқиб кетади, умри бекор ўтаётгандай, ҳавога соврилаётгандай туюлади. Бу кунларки шундай экан, демак икки йил шу зайл бесамар кечаркан-да, деган ўй дилини ўртаб ўтади. Эссизгина икки йил! Ўқишни

битириши, бирон жойга ишга ўрнашиши мумкин эди. Анча-мунча шеърлар ёзармиди. Балки бу ердаям ёзар... Имкон бўлармикан? Ҳозирча шеър ёзишга на имкон, на хоҳиш бўлди. Кечаси соат ўнда ёт, эрталаб олтида тур, бадантарбия, ювиниш, бараварига овқатга бориш ва ҳоказо. Боғча тартибидан фарқи йўқ...

Бу ерга келиб жойлашган кунининг эртасигаёқ отасига хат битди. Ҳаммаси яхши деб, адресини маълум қилди. Ота-онаси Афғонистонга олиб кетади, деб қўрққан эди. Шундан уларни хотиржам қилди. Иккинчи хатни Гавҳарга ёзмоқчи бўлди.

Оппоқ қовозга термилиб ўйга толди. Ўзидан-ўзи нолиди: «Э, қанақа адабиётчисан? Севган қизингга эп-лаб хат ёзолмайсан-у, яна шоир бўлармиш...» Ишқий китоблардаги мактубларни эслади. Отабекнинг Кумушга, Жўранинг Саодатга, яна бир қанча ошиқларнинг маъшуқасига битган мактубларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Биронтасини ўзига эп кўрмади. «Улардан кўчириб олиш уят-ку. Йўқ нима бўлсаям ўз билганимни, дилимда борини ёзаман. Шу ўйлар билан хат ёзишга тутинди: «Салом, Гавҳархон!» Яна ўйланиб қолди: «Гавҳархон эмиш. Бирон марта шундай деганманми ўзи? Жимжима, сохта эркалашнинг нима кераги бор. Нима деб атасам шундай ёзавераманда». Дафтарнинг варағини йиртиб ташлади. Янги вараққа ёза бошлади: «Салом Гавҳар! Соғлиқларингиз яхшими? Ўқишлар билан чарчамаяпсизми?»

Биз Туркменистоннинг Кушка деган жойига келдик. Ҳаво жудаям иссиқ. Нафас олиш оғир. Ҳечқиси йўқ. Ўрганиб кетамиз. Яхши йигитлар кўп. Ўзимизнинг институтда ўқийдиган болалар ҳам бор...». Назарида асосий гапни айтолмаётганга ўхшайди. Бир зум ўйланиб турди-да, жадал ёза кетди: «Гавҳар! Очиги, сизга ўрганиб қолган эканман... Сизсиз кунларнинг ўтиши оғир кечяпти. Соғиндим... Жудаям соғиндим. Бу аҳволда икки йилни қандай ўтказаман, билмайман... Ўқишларингизда омад тилайман, доимо соғ бўлинг».

Ҳарбий қасамёд қабул қилинди.

Ўқиш бошланди. Энди бўш вақт йўқ ҳисоби. Эртдан кечгача машғулот. Туркменистон иссиғиям таъсир этмай қўйди гўё.

Бир ойдан сўнг ўттиз чақиримлар наридаги тоғлик жойга олиб кетишди. Бу ерда ўқиганларини машғу-

лотда синаб кўришди. Ичига ўн килоча цемент солинган тўрвани елкасига олиб югуртиради. Беш юз метрлар юқоридаги қир тепасига ёш, бошқа қурилиш материаллари кўтариб чиқишади. Яна югуртишади.

Ўқиш чоригаги зерикашлар булар олдида ҳолва бўлиб қолди. Куннинг иссиғида елкада юк билан чопиш, тепаликка чиқиб тушиш — дўзах азоби. Йигитлар тили осилиб, ҳаллослаб қолади. Лекин бунга ким эътибор беради, кимнинг раҳми келади? Баттар замлайди, баттар югуртиради, кимки танбаллик қилса, елкасидаги юкига яна юк қўшади. Икки ҳафта тинмай шунақа машқ қилишди. Шу икки ҳафта ичида кўпчилик бурнидан тортса йиқилгудек бўлиб қолди.

Бир куни оқшом дам олиб ўтиришганда Азим нолди.

— Бу нима азоб-а, оғайнилар. Ўлсак ўлиб бўлди-ку тоза!

— Ҳарбий хизмат шу-да, — деди Жўрақул ўзича Азимга таскин бермоқчи бўлиб. — Аста-секин кўникамиз.

Гапга Носиржон аралашади:

— Қанча йигитлар Афғонистонда қон кечиб юрипти. Ҳалиям шукур қилингна.

Азим ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— Э, бундан кўра Афғонистонга борганимиз тузук эди. Уруш бўлса нима қипти, қўлингда автомат, душманни шартга отасан, вассалом.

— Ёш боланинг гапини гапирасан-а, Азим, — дея кулди Темир. — Уруш ўйинчоқми сенга. У ёқдаги болаларнинг ўзи бир азобда бўлса, ота-онаси минг азобда.

— Ҳали кўп шошмангна, йигитлар, Афғонистонга-ям борамиз, урушния-м кўрамиз, — деди Носиржон билимдонларча.

— Ким айтди сенга?

Жўрақулнинг бу саволидан сўнг ҳамма унга юзланди.

— Нима, Афғонистонга боришдан қўрқаяпсанми?

— Гап менинг қўрқиш-қўрқмаслигимдами? Қўрқаман десам юбормайдими? Барибир ваҳима-да. Энг ёмони ота-оналаримиз юрагини ҳовучлаб ўтиради.

Носиржон ўша оҳангда, гўё ҳамма нарсани биладигандай гапирди:

— Кушкага келдикми — тамом, барибир Афғонистонга олиб кетади. Ана кўрасила. Уч-тўрт ой ўқитадию кейин жўнатади. Бўлмаса бунақа машқлар — эртадан кечгача қоп кўтартириб югуртиришнинг нима кераги бор?

— Тезроқ жўнатгани маъқул, — деди Азим. — Автоматдан потиллатиб отишни яхши кўраман.

Азимнинг болаларча романтик хаёлидан шериклари кулишди. Аммо у фикридан қайтмади.

Темир ўзича бу гапларни таҳлил қиларкан, қанчалар қийин, минг бир азобга тўла бўлса-да, шу кунларига шукур қилди. Йўқ, у урушга киришдан чўчимайди. У бошқа нарсани ўйлайди: уруш бўлгандан кейин у ҳам кимнидир отиши керак, ўлдириши керак. Одам ўлдиришни у тасаввурига сира сиғдиrolмайди. Урушнинг эса ўз қонуни бор — сен ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Ҳали дунёнинг лаззатларини кўрмай ўлиб кетиш алам қилади.

II

Эркин қуш каби юрган йигитлар энди ҳарбий ша-роитга мослашдилар, унинг икир-чикирларига кўникдилар. Бошга тушганни кўз кўрар, деганлари шу-да. Машқлар ҳам аста-секин енгиллашгандай туюлди. Аслида қаёқда енгиллашади, улар ўрганиб қолдилар. Дастлабки кунлар ўн кило цементни кўтариб югурган бўлсалар, энди йигирма килога чиқди. Тепаликка юк ташиш-ку оддий ишга айланди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди.

Аввалига дам-бадам хат ёзарди: гоҳ уйига, гоҳ жўраларига, Гавҳарга. Борган сари хат ёзишга ҳам ҳафсала қолмас экан. Биронтадан хат келсагина жавоб битади. Ҳар гал хат олганида Гавҳарданмикан, деб интиқ бўлади. Адресини ўқимаёқ дастхатидан танийди. Нега хат ёзмапти? Қишлоққа кетган бўлса, имкон тополмаяптими-кан?.. Наҳотки, ярим соат вақти йўқ. Икки энли хатни ёзиш шунчалар қийинми?

Гоҳо хаёлига нохуш фикрлар келади: «Бошқа биронта йигит билан топишдимикан? Наҳотки шундай қилса? Менга ваъда берди-ку. Кутаман деди-ку. Яна билиб бўладими? Кутаман деб орадан бир ой ўтмасдан ўзга йигитнинг қучовига кириб кетган қизлар

озми? Ёки ота-онаси бировга унаштириб қўйдими-кан. Гавҳарнинг ўзидан сўрар ахир. Қизидан сўрамай узатиб юборадиган замонлар ўтиб кетган-ку... Балки уларнинг қишлоғида ҳалиям шундайдир, билиб бўладими... Йўқ, унақамас... Шундай бўлганида ота-онаси Гавҳарни ўқишга юбормасди... Бўлмаса нега хат ёзмайди?..»

Бу ўйлар юрагини қуртдай кемиради.

Фикр-фикрни етаклаб келавериб, бағри ўртаниб кетади, инграб юборганини ўзиям сезмай қолади. Шундан кейингина ўзини қўлга олади, тушкун ўйларни хаёлидан қувади, ўзига-ўзи таскин беради: «Йўқ, Гавҳар унақалардан эмас, у сўзининг устидан чиқади. Мени кутади у, биламан, ишонаман... Қишлоқчилик, иш кўп, хат ёзишга имкон тополмаётгандир, бировнинг олдида ёза олмаса... Ўқиш бошланса ёзади, албатта ёзади, кўнглим сезиб турибди».

Темирнинг кўнгли адашмаган эди.

Турфа ўй-хаёлдан дили гоҳо хуфтон, гоҳо чароғон бўлиб юрган кезларда у мактуб олди. Таниш ёзувни кўриб, юраги ҳапириқиб кетди. «Хайрият» деб юборганини ўзиям сезмай қолди. Шоша-пиша конвертни очди. Оппоқ қоғозга маржондай тизилган ҳарфларга кўз югуртирди:

«Ассалому алайкум, Темир ака! Соғлигингиз яхшими, хизматлар билан чарчамаяпсизми?»

Менинг ишларим яхши. Қишлоқда эдим, шу сабаб анчадан бери хат ёзолмадим. Қишлоқ одатлари ўзингизга маълум, шунинг учун жавобим кечикканидан ранжимассиз, деб ўйлайман...

Бугун шаҳарга келдим. Ҳали тузукроқ жойлашмасимданоқ сизга хат ёзишга киришдим. Тўғриси, сизни соғиндим. Қанотим бўлсаю, учиб борсам Туркманистонга. Лекин, афсуски... Икки кундан кейин ўқиш бошланади. Энди тез-тез хат ёзиб тураман. Сиз ҳам мени интиқ қилманг. Ҳар куни хатингизни кутаман. Лоақал хат орқали гаплашиш, дардлашиш имконимиз бор-ку. Шунисигаям шукур...

Жавобингизни интизорлик билан кутувчи, Гавҳарингиз.»

Темир хатни қайта-қайта ўқиди. Ҳар гал ҳарфлар узра кўз югуртираётганда Гавҳарнинг овозини эшит-

гандай, у гўё ёнгинасида туриб сўзлаётгандай туюлди. Мактуб Темирнинг шубҳаю хавотирга тўла кўнглига таскин берса-да, соғинчини янада оширарди. Бир мўъжиза рўй берсаю, у шу топда Гавҳарнинг ёнида бўлиб қолса.

Темир беихтиёр осмонга қаради: «Э, Худо, қани қудратингни бир кўрсат! Ҳеч қурса бир соат, ярим соатгина унинг ёнига элт мени!» У чуқур хурсинди. Кафтидаги хатни яна очди, яна ўқиди.

— Ҳа, шоир, илҳом келдими? Хаёл сурвоссан?

Азимнинг саволи унинг хаёлини бўлди.

Темир ўрнидан туриб хатни чўнтагига солди. Азим буни кўрмади, кўрганда «жонондан хат кепти-да, нима дейди, бошқасини топмаптим ишқилиб», деб турли саволлар билан гашига тегар эди. Ҳамма унинг одатини билиб қолган, шу важдан ҳеч ким қизлардан келган хатни унга билдирмайди.

Эрталаб, буйруққа кўра, тўрва елкалаган аскарлар қисм ҳовлисида саф тортдилар.

Эллик ёшлардаги полковник ўртага чиқиб, бурч ҳақида, афғон ҳимояси ҳақида ваъз айтди. Сўнг, юриш буйруғи берилди.

Юз метрлар юрилгач, қатор турган машиналар кўринди. Буйруққа биноан улар машиналарга чиқдилар...

Машиналар аскарларни Ашхобод аэропортига олиб келди. Рота-ротага бўлиниб, самолётга чиқишди.

Тўрт оғайни ботирлар бир ротада эди, шунинг учун ҳаммаси бир самолётга чиқиб, ёнма-ён ўтирди. Жойлашиб олгач, Носиржон шерикларига қаради.

— Қалай, гапим тўғри чиқдими? Келган кунимизоқ айтганман буни.

— Э, сен авлиёсан, — деди Азим.

Носиржон бўш келмади, ўтирилиб Азимга юзланди:

— Аммо-лекин сен орзунгга етадиган бўлдинг-да, — деди кулиб. Сўнг Темир билан Жўрақулга қаради: — Эсингдами, Кушканинг иссиғига бардош беролмай, бундан кўра Афғонистонга кетганимиз маъқул, автомат билан тариллатиб душманни отамиз, деганди. Фаришта омин деган экан. Энди кўрамыз, нечта душманни ўлдирад экан.

«Кўрамиз, нечта душманни ўлдирар экан». Бу гапларни айтиш наҳотки шунчалар осон бўлса. Душман ким? Ахир уям одам-ку, униям ота-онаси, қариндош-уруғи, балки бола-чақаси бордир. Одамни ўлдириш ўйинчоқми?

— Менга қара, Носир, — деди Темир, Носиржоннинг елкасига қўлини қўйиб, ўзига қаратар экан, — ўйлаб гапираяпсанми шу гапларни? Афғонистон дегани кимнидир ўлдириш керак, деганими?

Носиржондан аввал Азим гап қотди:

— Бошқа иложинг йўқ. Акс ҳолда сани ўлдиришадди. Уннан кейин қанча кўп душман ўлдирсанг, шунча яхши. Қаҳрамон бўласан. Ёшгина йигит унвон олсанг ёмонми? Бир умр маза қиласан.

Бунақаси Темирнинг руҳига тўғри келмайди. Бундай «маза»ни у ҳазм қилолмайди. «Булар осмондаги романтик хаёллар, биродар, ҳали ерга тушганда кўрамиз» демоқни мўлжаллади-ю, лекин ўзини тийди. Ҳозир бунақа тортишувлардан наф йўқлигини сизди.

— Майли, қўйинглар, жўралар, бу гапларни, нима бўлса пешонамизда борини кўрамиз. Ундан кўра дам олинглар.

У, шундай деб, ухламоқчи бўлган каби, кўзларини юмди. Бироқ уйқу қаёқда, турфа ўйлар миясини парма сингари ўяди. «Ўйга, отамга нима деб ёзаман? Афғонистонга келганимизни ёзсам — тамом, бир тарафда отам, бир тарафда онам ўзини-ўзи еб адо қилади. Токи мен уйга кириб боргунимча ҳоллари не кечади? Хатларидан маълум, отам Худодан фақат Афғонистонга бормаслигимни сўрайдилар. Биргина мени отаммас, ўғли армияга кетган жамики ота-онанинг ягона тилаги шу-ку ҳозир. Ахир гоҳ у қишлоқда, гоҳ бу қишлоқда Афғон урушида ҳалок бўлган аскарларнинг ўлигини олиб келишяпти-да. Уларни кўриб, эшитиб турган қайси ота, қайси она чидайди, ўғлим Афғонга бормасин, деб эртаю кеч қайси бири Оллоҳга илтижо қилмайди».

Шериклари Темирни ухлаб қолди, деб ўйлашди, шу боис унга индамай ўзлари нималардир тўғрисида гурунглашиб бордилар. Темир гарчи уйғоқ бўлса-да, на дўстларининг кўнғир-кўнғири, на самолётнинг бир маромдаги гувиллаши хаёлини бўла олади. «Нима қилиб бўлса-да, уйдагиларга Афғонга келганимизни билдир-

маслигим керак. Агар ризқи-насибам узилмаган бўлса, бир кун кириб борарман уйга. Бордию...

У уёғини ўйлашга ҳам юраги дов бермади. Бир зум хаёллардан холи қолмоқни истади. Аммо бунинг иложи топила қолса экан. Афғонистонда эканини билдирмаслик йўлларини излайверди, излайверди.

Туйқусдан хаёлига бир фикр келди. «Шошма-шошма, — деди ўзига ўзи, — Маҳмуд Венгрияда хизмат қиляпти. Унинг адресида аниқ шаҳари ёзилмайди. Умуман, чет мамлакатларда хизмат қиладиган солдатларнинг адреси кўрсатилмайди-ку, фақат дала почтаси, фалон ҳарбий қисм, деб қўйилади, холос. Демак, Афғонистондаям шундай бўлади адрес. — Темир бу фикридан суюниб кетди. — Бизни чет элга — Венгрияга олиб кетишди. Маҳмудларнинг яқинидамиз, баъзан у билан кўришиб ҳам турамиз, деб ёзаман. Аввал Маҳмудга хат ёзиб, бор гапни тушунтираман, сен ҳам хатингда менинг гапимни тасдиқлайсан: Темир бизга яқин жойда, ҳар замонда учрашиб турамиз, дейсан. Шунда улар хавотир олишмайди».

Ота-онасини ташвишга қўймасликнинг энг тўғри йўли шу эди. Бундай фикр хаёлига келганидан, муҳими Маҳмуд — тоғасининг ўғли айни кунларда Венгрияда хизмат қилаётганидан ич-ичида севинди...

Самолёт пастлай бошлади. Баланд-паст тоғлар, тоғ оралиғидаги қишлоқлар кўзга ташланди. Ҳамма жим. Ҳар ким ўз хаёли билан банд. Кимнинг кўнглидан нима кечяпти экан шу топда.

Жимликни Азимнинг ҳазили бузди:

— Эй, Носир, қани душман, биронтасиям кўринмайди-ку.

Азим жуда ҳазилқаш, дангал, мард йигит. Сиратиниб-тинчимайди, гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан гапириб, ҳазил-ҳузул қилиб туради. У айниқса Носиржон билан қаттиқ ҳазиллашади. Иккови бир гуруҳда ўқигани учун бир-бирининг ҳазилини кўтаради, малол олмайди.

— Сени келишингни эшитиб бари душманлар Покистонга қочиб кетган бўса керак. Ажалимиздан беш кун бурун ўлмайлик, қоч, Тошкентдан Азим шер деган полвон келутти, деб бир-бирини судраб кетишган чоғи.

Носиржоннинг бу гапидан танишу нотаниш — ҳамма кулиб юборди. Боядан бери жим келаётган Жўрақул гапга аралашди.

— Ҳайла, бир тўдаси орқа-олдига қарамай қочиб кетяпти. Кўрдингми, Носиржон?

Яна кулги кўтарилди. Самолёт тобора пастлаб боряпти. Энди моллар, одамлар ҳам кўрина бошлади.

Афғонистон тупроғи биз учун ҳам қадрли. Тарихимизнинг бир бўлаги шу макон билан боғлиқ. Беруний, Навоий, Жомий, Бобур, яна қанча улуғ инсонларнинг қабри шу ерда. Уларнинг қабрини зиёрат қилиш, изларини тавоф қилиш ўрнига жанг қиламиз, қон тўкамиз... Ким билади, биз душман атаган одамлар орасида ўша аجدодларимизнинг авлодлариям бордир. У ҳолда ўз қариндош-уруғларимизга ўқ отамизми, бир-биримизни ўлдираамизми? Ўлганларнинг руҳи қарғамайди-ми?

Темирнинг ўйлари ниҳоясига етмай самолёт вилдираклари аэропортнинг бетон йўлкаларига тегди...

Аэропорт деганда Темир кенг, равон бетон йўлаклару атрофида турли биноларни тасаввур қиларди. Кобул аэропортида манзара ўзгача экан. Тўрт тарафи тоғ билан ўралган, майдони ҳам унчалик катта эмас. Қишнинг изиригига қарамай шол рўмолга ўхшаш оддий матога ўралиб олган, узун иштон ва енгил пойафзал кийган — юпун афғонларга кўзи тушди...

Учинчи боб

I

Қош қорайганда улар тушган машина бир қасабага кириб келди. Пастаккина бараклар олдида тўхтади. Тушишга буйруқ бўлди. Темир Азим билан Жўрақулни қидира бошлади. У машинадан бу машинага чопди, тополмади.

— Носир, машиналарди ярми бошқа томонга кетганми, дейман.

— Шунақага ўхшайди. Икки-учта рота келган чоғи-да.

Шундай қилиб, тўрт оғайнилар бўлиниб кетишди. Азим билан Жўрақул бир жойдами ёки улар ҳам ажралиб кетишдими — буниси номаълум.

Шу оқшом Хинжон посёлкасида тунашди. Йўлда толиққани учунми Темир қаттиқ ухлаб қолди. Туш кўрди. Кенг дала эмиш. Бир қараса, ўзининг қишлоғига ўхшаб кетади, бир қараса ҳозиргина ўтиб келишган афғон далаларига ўхшайди. Темир ҳайрон. Қаерга келиб қолдим ўзи. Анови тоғлар ўзимизнинг тоғлар, лекин манави йўллар, тўсиқлар-чи? Ўйланиб турса, рўпарасида бир киши кўринибди. Яхшилаб қараса — отаси. Ие, отам қаердан келиб қолдилар бу ерга? Отаси унга томон кела бошлабди. Оралари беш қадамлар қолганда ўртада бир бўз от пайдо бўпти. От ўйноқлаб турибди, циркда ўргатилгандай. «Улим, сенга от олиб келдим. Мана шу отни миниб юрсанг хавф-хатардан холи бўласан», дермиш отаси. «На эгари, на жутани бор, қандай минаман», деса, «Эй улим, бунга унақа нарсанинг ҳожати йўқ. Устига ўтирсанг бас, истаган томонингга ўзи олиб кетаверади. У сени йиқитмайди, авайлайди», дермиш.

— Рота, подём!

Бу овоздан Темир сесканиб уйғониб кетди.

Эшик олдида рота командири — озғин, сочи қизғиш, капитан Волков турарди. Ҳамма барабар ўрнидан туриб, апил-тапил кийина бошлади.

Эрталабки бадантарбия, югуриш қайда, бирданига нонушта берилди.

Чала-чулпа нонуштадан кейин иккита рота аскарларига нарсаларини олиш буюрилди. Улар орасида Темир билан Носиржон ҳам бор.

— Яна қайга олиб бораркин, — деди Носиржон, нарсаларини йиғиштириб осма тўрвасига соларкан.

— Ким билади, дейсан. Ихтиёр қозончининг ўзида, хоҳлаган жойидан қулоқ чиқаради, деганларидай, истаган жойига олиб кетаверади-да. На сўрашнинг, на рад этишнинг иложи бор, қулоқни қимирлатмай кетаверамиз, жўра.

Саф тортганларидан сўнг капитан Волков билан нотаниш бир майор ўртага чиқди. Ҳамма уларнинг оғзига термилди. «Нима деркан? Қаерга боришимизни айтармикан?» Майор нарироқда турган аскарларга нимадир деди. Улар зум ўтмай бир неча автомат кўтариб чиқди-да, сафда турганларга тарқата бошлади.

— Жангга кирамиз чоғи, — деди Носиржон астагина Темирга; товуши титраб чиқди. Бунга Темир сез-

ди, сезди-ю, ўзининг ҳам кўнглидан шу ўй кечгани учун индамай қўя қолди...

Бир-бири билан изма-из келаётган машиналар асфальт йўлда кетиб бормоқда. Темир атрофга разм солди. Ҳу нарида баланд-баланд қояли чўққилар. Ҳиндикуш тоғи шу бўлсамикан? Бу йил қор анча кўп тушганга ўхшайди, тоғ этаклари ҳам оппоқ. Чап тараф бийдай дала, адоғи кўринмайди. Боя тушида кўрганими? Худди ўша. Э, тавба, дейди ўзига ўзи, ҳали бу ерлар билан тузукроқ танишмай тушимга кирса... Отам хавотирда шекилли-да, тушимга бекорга кирмайди-ку, тушдаям бир хислат бор ўзи. Отни кўргани яхши бўлди, от — мурод дейишади... Ҳаммамизга автомат берганига қараганда, Носиржон айтганидай, тўғри жангга кирамиз шекилли. Лоақал уйга хат-пат ёзиб юборсак ҳам майли эди.

Машиналар дара ичига кириб, тезликни оширди. Ҳар бир машинада биттадан офицер ўтирипти. Йўлга чиқишдан олдин тайинланган: «Офицер буйруғисиз ҳеч ким жойидан турмайди, қуроли ишлатмайди».

Чуваккина офицер — Куйбишев ўрнидан турди-да, дурбинини кўзига қўйиб, йўлнинг икки тарафини кузата бошлади. Сўнгра аскарларга қаради: «Йигитлар, ҳушёр бўлинглар, мана шу дарада душманлар бўлиши мумкин. Бордию ўқ отиб қолса ҳовлиқманглар, қўрқманглар, буйруғимсиз ҳеч ким ҳеч қандай ҳаракат қилмасин». Машина тезлигини баттар оширди. Дара эса тобора торайиб бормоқда. Икки томон баланд тоғлар, йўлнинг чап томонида — пастликда кичкина сой, суви гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмайди. Бу йўл Темирга Шохимардонга борадиган йўлни эслатди.

— Худди Шохимардоннинг йўлига ўхшайди-я, Носир, эътибор қилипсанми? — деди Темир.

Чувак офицер Темирга бақирди:

— Разговоры!

«Ҳаракат-ку мумкин эмас, гапириб ҳам бўлмас экан-да», деб ўйлади Темир. Фикри охирига етиб-етмай олдинда автоматнинг тариллаган овози эшитилди.

— Бошланди! — деб юборди Носиржон беихтиёр.

— Ҳамма жойида қимирламай ўтирсин! — деди офицер.

Машина тезлигини пасайтирмади. Аскарлар атрофга аланг-жалаң қарайди. Туриш таъқиқланган. Офицер

ҳам энгашиб олди. Энди ўнг томонда ўқ отилди. Бу машиналарга яқин жойдан эшитилди. Чувак офицер автомати милини ўша томонга тўғрилаб, тепкини босди.

— Иложи борица пастроқ энгашинглар! — деб буйруқ берди офицер.

Аскарлар косаси ичига боштини тортиб кетган тошбақа мисоли, шинели ёқасига бурканиб, калласини ҳам қилдилар. Ҳайдовчи машинага газ берди.

Шу аллозда беш-ўн минут ўтиришди. Бошқа ўқ овози чиқмади.

— Хайрият, — деди офицер енгил нафас олиб, эсон-омон ўтиб олдик.

Дара тутаган, машиналар кенгликда кетиб борарди.

— Душманлар ана шунақа жойларда ўрнашиб олган, — офицер аниқ, дадил гапиришидан бу ерда анчадан бери хизмат қилаётгани билиниб турарди. — Бахтимизга бу ердагилар камчилик экан, бўлмаса қаттиқ отишма бўлиши тайин эди. Энди Тазунга етганимизча бежавотир кетсак керак.

Тазун — улар борадиган манзил, тоғ оралигидаги қишлоқ. Шу ерда шўро аскарларининг қароргоҳи бор.

— Ҳали узоқми? — сўради Темир.

Офицер кулди.

— Нима, қўрқяпсанми?.. Яна бир соатларда етамиз.

— Қўрққанам билан бирор нарса ўзгарармиди, — деди Темир, ўзини дадил тутишга уриниб.

— Тўғри айтасан, бу ерда қўрқувни эсдан чиқариш керак. Очиги, қўрққан одам эртароқ ўққа дуч келади... Ўзбекмисан?

— Ҳа, — деди Темир.

— Қаердансан?

— Самарқанддан. Мана бу жўрам Намангандан.

— О, жуда яхши, ҳамюрт эканмиз, менам ўзбекистонлик. Чирчиқдан.

— Қанча бўлди бу ерга келганингизга? — деб сўради Носиржон.

Офицер оғир тин олди.

— Э, сўрама, оғайни, уч йил бўлди. Бир марта отпусмага бориб келдим, холос.

Уч йил. Шунча вақт кечаю кундуз жангу жадал, ўқ-олов, хавф-хатар ичида юришнинг ўзи бўлмайди.

— Уруш қачон тугар экан, маълум эмасми? — деди Носиржон.

Эндигина бу ерга келган йигитларнинг соддалигини кўриб ичида кулган Куйбишев ўзини баттар билимдон, ҳамма воқеалардан хабардор тарзда тутди.

— Очигини айтсам, — деди у гавдасига номуносиб оҳангда салмоқлаб, — ҳали анча давом этади. Душманлар кўп. Энг ёмони, оддий афғон халқи сену мени ёмон кўради. Иложи бўлса битта қолдирмай қириб ташласам, дейди. Биз эса уларга озодлик, эркинлик берамиз, деб жон олиб, жон бериб юрибмиз. Саводсиз халқ-да... Ҳа, майли, бир кунмас бир кун тушуниб етар. Ҳозиргилари бўлмаса, фарзандлари тушунар, балки ўшанда бизга раҳмат айтар... Фақат кўплаб солдатларимиз ҳалок бўлаётгани алам қилади-да. Инқилоб душманларини биттаям қолдирмай қириб ташламагунимизча бу ердан кетмаймиз.

Офицер мулоҳазалари Темирни ўйлантириб қўйди. Балки афғон халқи шунақа турмушни хоҳлар. Биз нега уларнинг ички ишига аралашишимиз керак? Ўзи қандай тузумни, қанақа тартибни истаса шундай яшай-версин-да. Эҳтимол бизнинг тузумимиз, бермоқчи бўлган озодлигимиз афғон халқига ёқмас, уларнинг миллий руҳига тўғри келмас. Бўлмаса шунча йилдан бери қанчадан-қанча қурбон бериб курашиб ётармиди... Одамнинг ақли етмайди... Нималар бўляпти ўзи? «Инқилоб душманларини биттаям қолдирмай қириб ташламагунимизча бу ердан кетмаймиз». Нега биз қиришимиз керак уларни? Ахир Савр инқилобинини биз қилмадик-ку. Ўзлари инқилоб қипти, ўзлари курашаверсин-да.

Суҳбат қизиб, вақт ўтгани ҳам сезилмади. Пешинга яқин манзилга — Тазун қишлоғига етиб келдилар.

Аскарлар тушган макон қирнинг тепасида. Пастда қишлоқлар, бир томонда водий. Кечаси қор ёққан шекилли, ҳаммаёқ лой, соя жойларда қор уюмлари. Тоғлар яғрини оппоқ, қуёш нурида олмос каби ялтираб кўринади. Бу манзаралар Темирга Ургут тоғларини эслатди. У ерда ҳам қиш кунлари худди шунақа манзарани кузатиш мумкин.

Аскарлар кичик-кичик казармаларга бўлиндилар.

— Азим билан Жўрақул қаерда қолди экан? — деди Носиржон. — Кобулда қолдирдимикан ёки қай-

сидир тоғ оралиғига жўнатиб юбордимикан-а? Хат-пат ёзайлик десак адресиниям билмаймиз. Уларни яна кўриш насиб этармикин?

Темир чуқур хурсиниб қўйди...

II

Тунда Темир, самолётда тузган режаси бўйича, аввал Маҳмудга хат битди. Афғонистонга келишганини, ота-онаси хавотир олмаслиги учун шундай йул тутганини Маҳмудга тушунтирди.

«Хўш, энди кимга? Уйга кейинроқ ёзганим маъқул, унгача Маҳмуддан ҳам хат келиб қолади. Икковимизники олдинма-кейин келса ишонарли чиқади... Демак, энди Гавҳарга ёзаман.»

Уни ўйлаши билан Темирнинг дилини ширин бир туйғу қамраб олди. Ажабо, муҳаббатнинг сеҳри шумикан? Икки-уч кундан бери хаёлини тарк этмаётган асабий таранглик, Кушкадан то бу ерга етиб келгунча гоҳ машина, гоҳ самолёт, гоҳ пиёда йўл юришлар, чарчоғу толиқишлар, уйқусизликлар — ҳаммаси бирдан тарқагандай туюлди, ўзини ҳозиргина муздай анҳорга шўнғиб чиққан одамдай енгил ҳис этди, кайфияти ҳам хушланди. Йўлда келаётиб, умрида биринчи марта автомат отишмаларини кўриб юраги увишган, то хизмат тутагунча шу отишмалар ичида юрамиз шеклли, деб ўйлаган, бу ўйидан очиги, бирмунча чўчиган эди. Бу кўрқув, бу ҳадик яқин-яқингача, гарчи уни эсламасликка тиришса-да, кўнглининг аллақаерида турганди. Улар ҳам қуёшдан чекинган соялар каби тарқалди — дилида на ҳадик, на чўчиш қолди. Муҳаббат, бу — қуёш! У одамни илтади, йўлини ёритади, гоҳида қиздиради, куйдиради. Муҳаббат кўнган юракда қувват, шиддат, ҳаётга иштиёқ пайдо бўлади. У одамни жасур, ҳеч нарсадан чўчимайдиган, мард қилади. У масофани тан олмайди. Йўқса, Гавҳар қаердаю, Темир қаерда ҳозир. Унинг муҳаббати Темир кўнглига қувват, билагига куч, кўзига нур ато этмоқда. Шу топда ундан ботир, ундан мард, ундан-да жасур йигит йўқ оламда.

Темир ширин хаёлларга берилиб ўтираркан, қўлларини орқага қилиб, маза қилиб керишди. Назарида кенг елкалари янада кенгайгандай, бақувват мускуллари тағинда бақувватлашгандай туюлди. Фикрларини

бир нуқтага жамлаб, оппоқ қоғозга ҳарфларни мар-
жондай тиза бошлади.

«Гавҳар! Менинг муҳаббатим! Соғ-омонмисиз? Сиз-
ни қанчалар соғинганимни билсайдингиз... Сўз билан
ифода қилолмайман. Бу дунёда сиз борлигингиз, сизни
менга рўпара қилгани учун Оллоҳ таолога минг бора
шукроналар айтаман. Сизни ўйласам кўзимга нур, била-
гимга куч, дилимга хуш кайфият йўғрилаверади. Бу ер-
даги ҳар хил бемаъни одатлар, кишини ёш бола сингари
қолипга солишлар, асабийликлар — ҳаммаси сизни
ўйлаганимда нурга дош беролмаган кўршапалак мисоли
кўздан ғойиб бўлади, улар хаёлу дилимни тарк этади,
рутубатли қишдан кейин қуёш кўрган одам каби кўнглим
равшан тортади. Шу боис сизни қуёшим дейман...

Гавҳар, жоним! Бутун биз Афғонистонга келдик.
Ҳа, азизам, шундай. Хавотир олманг, бизнинг қисми-
миз уруш бўлаётган жойлардан анча узоқда. Бу ерда
олдиндан хизмат қилаётган йигитларнинг айтишича,
Барлон вилоятининг Тазўн деган қишлоғидамиз. Тоғли
жойлар. Насиб этса бу ерларга ҳам ўрганиб кетармиз.
Туркманистоннинг ададсиз иссиғи, чанг-тўзонлари, аёв-
сиз изғиринларига чидадик-ку. Одам боласи ҳамма нар-
сага кўникар экан.

Фақат ўз дард-ҳасратимни тўкиб солдим шекилли,
узр. Ўзингиз қалайсиз, соғлирингиз, ўқишлар жойида-
ми, қишлоқдагилар эсон-омонми? Доимо соғ бўлинг,
ўқишингизда омад тилайман. Тез-тез хат ёзиб туринг,
илтимос. Жоним, сиздан яна бир ўтинчим бор. Ме-
нинг Афғонистонга келганимни ҳеч кимга айтманг, уй-
дагиларга мен Венгрияда хизмат қиляпман, деб ёз-
дим...»

Хатни ёзиб бўлди, ечиниб ётди. Хаёлидан ҳамон
Гавҳар чиқмас, у билан ўтган масъуд дамлар лаззати-
ни қайтадан туйгандек эди. Эҳ, қандай ширин онлар
эди. Яна насиб этармикан?

Ухлайин дегани сайин Гавҳар билан кечган суҳ-
батлар, воқеалар кўз ўнгидан кетмайди, ҳаммаси бир-
бир хаёлида жонланаверди.

Бир марта жуда ғалати бўлди. Ўша воқеадан кейин
анчагача Гавҳарга кўринишдан уялиб юрди. Уни эс-
лаш Гавҳарга ҳам, Темирга ҳам ёқмас, иккаласи ҳам
бир титраб кетар, шу боис уни сира ёдга олмасликка

иккови бир-бирига сўз берган эди. Хаёл қизик нарса экан-да, ҳозир шу воқеа эсига тушди...

Апрел ойининг охирлари. Санъат саройида кинога тушдилар. Кинодан чиқишганда қош қорайган, майин ёмғир севалаб турарди. Ўша баҳорда негадир ёмғир кам ёрди. Шунданми, бутунги ёмғир ҳаммага хуш ёқар, у дарахтлар, гуллар, ўт-ўланлар баргидаги чанг-ғуборни ювиб ўтар, ҳаво ёқимли, севишганларни сайр этишга даъват этарди. Бу туйғу Темир билан Гавҳарга ҳам бегона эмасди.

— О-о, ёмғир ёғаяпти-ку, — деди Темир ташқарига чиқиши ҳамано. — Ҳавони қаранг, Гавҳар, бунчалар хушбўй. Бироз айлансак нима дейсиз? У Гавҳарга термилди. Гавҳар унга. Қизнинг кулгу ўйнаб турган шўхшан кўзларида йигитнинг таклифига ризолик аломати акс этиб турарди. Шу боис Темир жавоб кутмай Ўрда томонга бошлади. Гавҳар шамсиясини очди.

— Менга беринг, — деди Темир қизнинг қўлидан шамсияни оларкан.

Шамсия айвончаси тагида ёмғирдан бекиниш учун улар бир-бирига тиқилиб борар, йигит анча бўйчан бўлгани боис, шамсия қиздан анча юқорида кўринар эди.

— Яхшиям зонтик олганим...

У йигит томонга юзини бурган кўйи, нигоҳини юқорига — Темирнинг кўзлари томон йўналтирди. Йигит эса аксинча, жиндай энгашган ҳолда, унинг кўзларига қаради. Шунда қизнинг шундоқ ҳам қоп-қора, дид билан тортилган нозик, билинар-билиномас сурма туфайли тагинда қорароқ кўринган кўзлари ёмғир томчиларини ёриб ўтаётган электр нурида чарақлаб кетди. Йигит ўзини тиёлмади — чаросдек ялтираб турган кўзларига лабини босганини ўзи ҳам, қиз ҳам сезмай қолди. Қиз бирдан ўзини орқага тортди.

— Ҳей, қароқчи, нима қиляпсиз? Уялмайсизми, катта кўчада...

Назарида юзлари қизариб кетди Темирнинг. Ўзини қўлга олиб ҳазиллашди:

— Ошинг ҳалол бўлса — кўчада ич, дейдилар.

— Аввал ҳалоллаб олинг, — Гавҳар ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб берди. Қизнинг топқирлиги, ҳозир-жавоблигига Темир қойил қолди.

— Бопладингиз... Тан бердим, — деди ноилож.

Анҳорга яқинлашиб қолдилар. Иккови ҳам гўё олдидан келишиб қўйгандай Анҳор ёқалаб «Пахтакор» стадиони томон юрди. Ёмғир ҳамон ўша кўйда — майдалаб ёғар, йўллар аллақачон ҳўл бўлиб улгурган, майда-чуйда чуқурларда пайдо бўлган ҳалқобчалар чирок ёғдусида ялтираб кўринар эди.

Стадион панжаралари кўринди.

Темир ака, — деди Гавҳар, — бир таклиф бор.

— Марҳамат.

— Шундоқ айланиб Гагарин паркига ўтсак. У ерда сиренлар бор, роса гуллаган бўлса керак. Ола-миз.

— Сиренни яхши кўрасизми?

— Жудаям.

— Бўпти, олганимиз бўлсин.

Кўприқдан айланиб, Гагарин боғи томонга юрдилар. Бу пайтда ёмғир тинган, боғ ичи чироқлар ёруғида гўзал кўринарди. Арчалар сутга чайилган қизлар каби тиниқ-тиниқ, гўзал, кўзни қувнатади. Ҳув наридаги бир туп настарин чамандай очилипти. Унинг нафармон гуллари кўзни қамаштиради.

— Ана, — деди Гавҳар ёш боладай севиниб.

— Ҳозир оламиз...

Темир шундай деб шамсияни Гавҳарга узатди-да, ўзи жадал юриб кетди. Бориб настарин гулларида уза бошлади. Ҳаш-паш дегунча бир қучоқ бўлди. Унгача қиз ҳам етиб борди.

— Мана сента олам-олам гул,

Эгагингга тўлганича ол, ол.

Темирнинг ҳазилидан қиз мириқиб кулди. Сўнгра шеърнинг давомини айтди:

— Бунда толе ҳар нарсадан мўл,

То ўлгунча шу ўлкада қол, қол...

Энди иккови баравар кулди. Уларнинг шодон кулгуси дов-дарахтлар, ям-яшил арчалар, салом бераётган келинчак мисоли эгилиб ётган настаринлар бағрига сингиб кетди.

Қиз гулларни тўйиб-тўйиб ҳидлади.

— Жуда яхши кўраман-да сиренни. Буни ранги айниқса ёқади менга.

— Демак, нафармон рангни ёқтираркансиз-да?

— Ҳа, — деди қиз яна гулларни ҳидлаб, — қизил-данам, оқданам — ҳаммасидан кўра нафармон рангни яхши кўраман.

Шундагина Темир қизнинг устидаги кўйлак ҳам нафармон рангдалигига эътибор берди.

— Сезилиб турипти, — деди Темир муҳомбирона оҳангда.

— Қаёқдан? — ажабланди содда қиз.

— Кўйлагингиздан.

Қиз устидаги кўйлагига, гўё ўзи энди кўраётгандай, энгашиб қаради. Чиндан бутун қайси кўйлагини кийиб чиққани ёдида йўқ, атайлаб шундай қилмаган, тасодифан тўғри келиб қолган эди.

— Жуда синчков экансиз-ку.

Темир сир бой бермади.

— Ҳа, энди девор бўлмаса кўчани кўрамиз.

— Сиздан эҳтиёт бўлиш керакка ўхшайди.

Темир қизнинг елкаларидан ушлади. Кўзларига термилди. Қиз ҳам термилди.

Нигоҳлар бир-бирига яқинлаша бошлади. Яна, яна, яна... Лаблар қовушдилар. Икковиям бу дунёда йўқ эди гўё, арши аълога чиқиб кетишганди. Қани бу онлар тугамаса, давом этаверса, этаверса...

Ногоҳ чалинган ҳуштак овози уларни шувиллатиб «ерга» туширди. Темир ялт этиб овоз келган томонга қаради. Қўлига қизил латта борлаган икки йигит турарди. Икковининг ҳам сочлари ўсиб кетган, яқин ўртада тароқ кўрмаган, қўлидаги қизил лентани ҳисобга олмаса, кўчадаги безорилардан сира фарқи йўқ.

— Нима керак сизларга? — деди Темир ўзини дадил тутиб.

— Нега бу ерда ўпишаяпсизлар?

— Нима ишларинг бор?!

— Бу ерда бунақа иш билан шуғулланиш мумкин эмас. Штраф тўлайсан, бўлмасам милицияга олиб кетамиз.

Темирнинг вазаби қўзиди. Қўлини Гавҳарнинг елкасидан олди-да, йигитларга яқин борди. Товушини биров пасайтириб, қаҳр ила деди:

— Уялмaysизларми шу гапни гапиргани. Кўрдиларинг-ку ахир, ҳеч нарса қилганимиз йўқ.

«Посбонлар»нинг бир туки қимирламади. Ўша безрайган кўйи:

— Штраф тўлайсан, бўлмаса олиб кетамиз, — деди.

Ҳозир иккаласини милиция машинасида олиб кетадигандек, Гавҳар хавотирлана бошлади. Худо кўрсатмасин, шармандалик-ку бу.

У югуриб Темирнинг олдига борди.

— Темир ака, жон Темир ака, булар билан тортишманг, беринг шу штрафини. Мана, мендаям бор озроқ пул, — деб сумкасини титкилай бошлади.

Темир Гавҳарнинг қўлини ушлади.

— Қўйинг, сумкани ёпинг. Ҳозир ўзим тинчитаман.

«Посбонлар» Гавҳарнинг гапини эшитмаган бўлса-да, ҳаракатларидан мақсадини англади. Айни вақтда Темир ҳам уларнинг ниятини билди, дружиначиларга заррача алоқаси йўқлигини пайқади. Бироқ ҳозир бу ярамаслар билан ади-бади айтишиб ўтиришдан фойда йўқлигига қўзи етди. Эҳтимол, нарироқда бошқа шериклари пойлаб тургандир. Темир чўнтагига қўл солди-да, чиққан пулни узатди. «Посбонлар»дан бири пулни чироқ ёруғига тутиб санади.

— Бу кам, — деди Темирга яқинлашиб.

— Сенлардан қарзим борми? Олавер-да, борини.

Гавҳар яна Темирга ялина бошлади:

— Темир ака, мени пулимниям беринг, тезроқ кетайлик бу ердан.

Темир гўё унинг гапини эшитмаган сингари яна чўнтагига қўл солди. Қолган ҳамма пулини берди. Бояги йигит яна чироқ ёруғига тутди, гўё қарзини санаб олаётгандай:

— Аслида буям кам, — деди, пулни чўнтагига соларкан, — лекин сенга раҳм қилдик. Энди бу ердан туёғингни шиқиллат.

Темир ниҳоятда эзилди, иккита безорининг олдида ожиз қолганидан эзилди. Тирикчилик ўтказишнинг бошқа йўлини топса бўлмасмиди бу ярамаслар...

Унинг оёқлари зилдай, гўё кўтариб босишга қийналади. Тилига сўз келмайди, миқ этмай бормоқда. Нима ҳам десин?

Бордан чиқиб трамвай бекати томон юришди.

— Мени кечиринг, Темир ака, — деди Гавҳар охири жимликни бузиб. — Ҳаммасига мен айбдорман.

— Нимага сиз айбдор бўласиз?

— Сирен олайлик, деб мен бошладим-ку бу ёққа.

— Хўш, келсак нима бўпти? Сирен олсак нима бўпти? Ахир ҳамма келадиган, айланадиган жой-ку. Боғ нима учун керак бўлмаса?.. Ярамаслар...

Иккови ҳам жим кетишди. Такси-пакси тўхтатай деса, аҳвол бунақа. Аммо шу ҳолда трамвай кутиш, Гавҳарнинг ётоқхонасигача трамвайда лиқиллаб бориш, кейин ўзининг кулбасига кетиш — эҳ-ҳе, осонми... Гавҳар унинг кўнглидан кечаётган гапларни сезгандек сўз қотди:

— Юринг, Темир ака, ҳув наридан биронта такси тўхтатамиз. Трамвай қачон келади.

Темир индамади, миқ этмай Гавҳарга эргашди...

Бу воқеадан анчагача руҳан эзилиб, Гавҳарнинг олида хижолат чекиб юрди...

Ҳозир шуни эслаб ётаркан, ўзича жилмайди: «Ғалати ҳодисалару тасодифларга тўла экан-да бу дунё!..»

III

«Вой-дод, ўлдим» деган чинқирикдан чўчиб уйғонди Темир. Сапчиб туриб қараса, Носиржон полда чўзилиб ётибди. Қотмадан келган новча йигит икки қўлини белига тираб, унинг тепасида турибди. Темир билди, демак, «қария»лар ўз ҳунарини бошлабди. Қони қайнаб кетди. Югуриб бориб бояги йигитнинг қулоғи аралаш чаккасига бир шапалоқ туширди. У бу зарбани кутмаган бўлса керак, гандираклаб кетди, аммо йиқилмади. Темирнинг башараси ваҳшиёна тус олган эди, буни Новча кўрди, кўрди-ю, ўзини ниҳоятда вазмин тутди. Аввалига Темирга еб қўйгудек бўлиб тикилди. Сўнгра ўша алпозда Темирга яқинлаша бошлади. Темир ўзини чорлаб, калтакка чап беришни мўлжаллаб турди. Новча бир оғиз ҳам гапирмади-да, Темирнинг киндигини мўлжаллаб мушт туширди. Темир эпчиллик билан икки қўлини киндиги устига қўйиб улгурган эди. Новчанинг гурзидай мушти унинг қўлига тегди. Очиги, Темирнинг қўллари синиб кетгудай зирқиради.

— Тузуксан-ку, биродар, — деди Новча айёрона илжайиб. — Уришишга уста экансан, балли, азамат. Ҳали бир синашамиз. Маъқулми?

Темир бироз букчайган кўйи навбатдаги зарбага тайёрланиб турди. Ҳар қалай бу ярамас калтак еб индамай кетавермаса керак. Томошабинлар — Новчанинг югурдаклари ётган жойларида Новчага пишанг

беришяпти. Новча Темирга яқинроқ келди, гўё ҳозир босиб, янчиб кетадигандай. Темир тишини тишига босиб жойидан жилмади, қаеригадир қаттиқ зарба тушишини кутди. Новча калтакдай узун қўлини Темирнинг елкасига қарс этказиб ташлади. Унинг елкаси, елкаси орқали бутун танаси зирқираб кетди.

— Ол қўлингни! — Темирнинг овози қаҳрли чиқди.

Новча яна иршайди, бу билан «олмасам нима келарди қўлингдан» демоқчи бўлди. Темирнинг иззатнафси чидамади. Новчанинг кўприк сингари чўзилиб турган қўлига кафтининг қирраси билан қаттиқ урди. Кутилмаган бу калтақдан Новчанинг қўли узилиб тушгудек бўлди. «Иҳ-м», деб инграб юборганини ўзиям сезмай қолди. Чап қўли билан ўнг қўлининг зарба еган жойини ушлади.

— Каратэчиман де... Кўрамиз...

Темир ростданам каратэни унча-мунча биларди. Раҳматулла деган йигитнинг машқларига қатнаган: айрим усулларни ўзлаштириб олган эди. Ҳозир шу асқотди. «Ҳеч бўлмаса ўзларингни ҳимоя қилишни ўрганинглар», деб бақириб ётарди Раҳматулла бечора. Тўғри айтар экан:

Новча гапини тутатар-тутатмас Темирнинг чаккасига шапалоқ туширди...

Иккови роса калтаклашди. Биров на ёрдам беради, на ажратиб қўяди. Уришиб чарчаган жўжаҳўрозлардай икковиям ҳолдан тойди. Новча сиртдан сир бой бермаса-да, ботинан Темирга қойил қолди. Сал нафасини ростлагач, Темир Новчага деди:

— Нега урасан буни?

Новча ҳамон пинагини бузмай, ғоят хотиржам оҳангда, сўзларни тишлари орасидан чиқариб гапирди:

— Сенга ким қўйипти бу ишларга аралашини. Яна бурнингни суқсанг, ўзингдан кўр... Бу гал аядим... Мен бу ернинг шефиман. Кимки менинг айтганимни қилмаса — ҳолига вой!

Олдиндан хизмат қилаётганларнинг бариси Новчанинг оғзига термилиб турар, унинг буйруғисиз ҳеч ким ҳеч ишни қилмасди. Ҳозир Темир билан бўлган олишувда улардан биронтаси аралашмаганига сабаб ҳам Новчанинг ишораси бўлмагани эди.

Аслида Новчанинг одати шундай: янги келган йигитларга (кўнгли тусаганига) бирон иш буюради. Ин-

дамай бажарса — бажарди, бажармаса уради. Бордию уям қаршилиқ кўрсатса ҳолдан тойгунча уришади. Битта мардлиги — биринчи тўқнашувда бошқаларни ёрдамга чақирмайди, ўзи яккама-якка олишади. Рақибни ўзи билан тенг ёки кучлироқ чиқса унга бошқа тегмайди, иш буюрмайди, иложи борида у билан яқинлашишга интилади. Ўзининг ибораси билан айтганда, «шайкаси»га қўшиб олади. Унга ён бермай, «шайкаси»га қўшилмай, яна у билан уришиш ниятида бўлса, у ҳолда беш-олти болага айтиб тавбасига таянтиради.

Бугунги олишув Новча учун кутилмаган ҳодиса эди. Боиси, рақибининг ўзи эмас, унинг дўсти Новчага қарши чиққан эди. Аслида-ку, бундай ҳолда иккаласининг оғзи-бурнини қонга тўлдирарди. Темир билан калтаклашиш эса тўғриси, осон бўлмади. Бироқ Новча обрўни беришни истамайди.

У секин бориб қаравотига чўзилди. Ётган жойидан Носиржонга қаради. Унга айтган ишини қилдириши керак. Акс ҳолда мазаси қочади. Айни чоқда Темирни чуқурроқ синамоқ ниятида, — қани, яна дўстининг ёнини оладими-йўқми, — ётган жойидан бамайлихотир, гўё ҳеч нарса бўлмагандай Носиржонга ўшқирди:

— Қани, ўрнингдан туриб мен айтган ишни қил-чи!

Носиржон бир Новчага, бир Темирга жавдираб қаради.

— Тур ўрнингдан деярман! Эшитмаяпсанми?!

Ноилож Носиржон ирғиб турди-да, эшик олдида ётган пол латгани олди.

— Зудлик билан арт полни. Агар чала бўлса, бошқатдан ювасан, — деди Новча.

Армиядаги тартибсизликлар, «эски» аскарлар билан янги келганлар ўртасидаги жанжаллар хусусида Темир кўп эшитган эди. Туркменистонга келиб тушишгандаёқ шундай тўполонларни кутганди. Лекин у ерда бу хил машмашалар бўлмаган, сабаби — «эски»лар деярли йўқ эди.

Носиржон полни арта бошлади. Темир нима дейишни, нима қилишни билмай боши қотди. Яна аралашай деса, ҳозир ўзи бўлганича бўлди. Яна калтак ейишга тоби йўқ. Буларнинг казармасида асосан олдин келган йигитлар, Темирлар билан келган ўн-ўн беш човли аскарлар бор, холос. Бирон нима дейин деса,

тайинки, энди ҳаммаси Новчанинг ёнини олади. Бўлмаса ҳозирги тўполонни булар ҳаммаси кўриб турипти. «Қани, уч-тўрт кун қарайлик. Ким қандайлигини билайлик. Шунга қараб иш қиламиз».

Нонуштадан кейин Темир аввалдан хизмат қилаётган бир рус йигити билан казармадан беш юз метрлар чамаси наридаги постга жўнади. Бу ердан иккита темир қувур ўтаркан. Рус йигитнинг айтишича, қувурларнинг биридан саярка, иккинчисидан керосин оқади. У Ҳайратондан Кобулга қараб ўтган. Уларнинг вазифаси ана шу қувурларни қўриқлаш, токи душманлар келиб портлатиб кетмасин. Навбатчилиқни ўтаб бўлгач, деярли бошқа иш йўқ. Биринчи куни Темир шериги билан танишиб олди. Унинг оти Серёжа; ўзи рязанлик экан. У ёқдан, бу ёқдан гаплашишди, унинг бу ерга келганига бир йил бўпти. Анча-мунча очиқ, шалдур-шулдур йигит экани муомаласидан билиниб турипти. Ўзини катта тутмас, бўлаётган воқеалардан норози кайфиятда сўзлар эди. Шу жиҳатлари билан у Темирга ёқиб қолди.

— Новча билан кўп ади-бади айтишиб ўтирманглар,— деди Серёжа — Унинг қўлидан ҳар иш келади. Командирлар ҳам индамайди унга. Икки ойча бурун бир бола айтганини қилмаган эди, ёмон дўппослади. Бечоранинг жигари эзилган экан чоғи, касалхонада бир ойча ётиб ўлди. Сариқ касал билан оғриган экан, ўтиб кетипти, шундан ўлди, деб тобутини жўнатишди.— Серёжа чуқур тин олди. — Ҳамма билади уни... Орага сукунат чўқди. Икковиям ўз хаёли билан банд. Ҳайратон тарафдан самолётнинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириғи эшитилди. Темир осмонга — самолётга қаради.

— Қараганинг билан кўролмайсан барибир, — деди Серёжа нигоҳини бир нуқтадан узмай. Унинг бамайлихотир ўтиришидан бундай овозларни эшитавериб, қулоқлари ўрганиб қолгани сезилиб турарди.

— Ҳар куни бир неча марта ўтади.

Суҳбат яна узилди.

— Хизматнинг охиригача шу ерда бўламизмикан ё бошқа жойгаям жўнатармикан? — деб сўради Темир бироздан сўнг.

— Билиб бўлмайди, — деди Серёжа. — Бизни бир йилдан бери қимирлатгани йўқ. Аммо биздан кейин

келган болаларни икки-уч ойдан кейин бошқа ёққа олиб кетди. Қажоққа — ҳеч ким билмайди... Пешонанг-да борини кўраверасан, оғайни.

— Афғонлар биланам гаплашасиларми?

— Ҳа, — деди Серёжа, — қишда кам келади, баҳорда улар мана бу ерларга, — пастликдаги водийни кўрсатди, — экин экишади. Ёзда шоли экади, уни йиғиштиргандан кейин буғдой экади. Ўша пайтларда келишади олдимизга. Гапларига кўп тушунмаймиз. Ўзбек, тожик болалар гаплашишади. Тилларинг яқин шекилли?

— Қайси миллатлигига қараб-да. Агар ўзбеклар, туркманлар бўлса биз гаплашашимиз мумкин. Бошқаларининг тилига тожиклар тушунади.

— Афғонлар биздан келиб чек алмаштиради. Улардан олган пулимизга шахсий дўконлардан у-бу нарса харид қиламиз. Афғонлар эса бизнинг чекимизга қисмлардаги магазинлардан савдо қиладилар.

— Бизларни ёқтирмаса керак-а, Серёжа, нима дединг?

Серёжа маънодор кулди.

— Мени синамоқчимисан?

— Нега энди? Ғалати-я саволинг...

Серёжа кескин гапирди:

— Бўлмаса шунақа савол берасанми. Ким остона-сига милтиқ кўтариб келган одамни ёқтиради? Бекорга тўда-тўда бўлиб олиб курашяптими бизларга қарши?

— Улар бизга эмас, инқилобчиларга қарши курашяпти-ку.

Серёжанинг жаҳли чиқди:

— Ё ўлгудай гўлсан, ёки аҳмоқсан. Ахир биз кимиз инқилобчилар бўлмай? Улар ўзлариникидан кўра бизларни ёмон кўрадилар. Босқинчи булар, деб қарайди бизга.

Серёжанинг мулоҳазалари Темирни ўйга толдирди. «Бунинг қарашлари бўлакча-ку. Астойдил айтяптими ёки мени кавлаяптими?» Ҳарҳолда Темир фикрини очиқ айтмади, синамаган отнинг сиртидан ўтма, деганлар, ҳали буни яхши билмаса, бироз кузатсин-чи... Хаёл сурганча жим қолди. Сўнгра суҳбат маромини бошқа томонга бурди...

Бир куни кечки овқатдан сунг, Новча Носиржон олдига келди; важоҳати ёмон эди. «Яна нима бало бўлди экан», деб турипти Темир.

Новча Носиржоннинг иягига кафтини қўйди-да, жаҳл билан деди:

— Менга қара, эй, сотқин, командирга бориб айтadиган бўлсанг, ўттиз икки тишингни қоқиб, чақимчилик қилган тилингни узиб оламан. Билдингми? — бурчақда турган этигини кўрсатди. — Қани, дарров этигимни тозалаб, мойлаб қўй-чи!

Носиржон индамай унинг буйруғини бажара бошлади. Темир кузатиб турибди, аммо нима қиларини билмайди. Новча ҳар замон Темирга кўз қирини ташлаб қўяди. Бошқа болалар ҳам бор, лекин ҳамма жим. Серёжа зимдан Темирга қаради. Унинг қарашидан «мен нима девдим, кўрдингми, қўй, аралашма», деган маънони уқди. •

Новча каравотига бориб чўзилди, қўзи Носиржонда. У этикни яхшилаб артди, кейин чутка билан мойлади, орқасидан духоба латта билан роса ишқалаб ялтиратди. Бўлдими, дегандек, Новчага тикилди.

— Энди пайтавани ол, — деди Новча ётган жойидан. Носиржон пайтавани олди. — Ҳидлаб кўр. Яқинроқ об кел бурнингга. — Носиржон узокроқдан ҳидлади. Новча дўқ урди. — Яқинроқ опке деяпман.

Новчанинг шериклари хахолаб кулади. Носиржон сариқ эмасми, қип-қизариб кетди. Серёжанинг гапини Темирдан эшитган эмасми, кўз ўнгига жигари эзилиб ўлган бола келади.

— Ҳиди борми?

Новчанинг саволига Носиржон калласини ирғаб жавоб берди.

— Дарров ташқарига об чиқиб яхшилаб ювиб кел. Ҳидлаб кўрасан, агар ҳиди қолса, бошқатдан ювасан. Тушундингми?

Носиржон бош эгиб чиқиб кетди.

— Чақимчилик қилганнинг жазоси шу. — Сўнг Новча Темирга қарата деди: — Ҳу, полвон, землягингни тарафини олмайсанми, бор унга ёрдамлаш ичинг ачиса.

Темир билдики, Новча атайлаб унинг жаҳлини қўзғатмоқчи, жанжални Темир бошлашини кутяпти. Кейин шерикларига айтиб уни ўласи қилиб урдирмоқчи. Шу билан ўчини олмоқчи. Унинг аҳмоқона ни-

ятини амалга ошириш учун имкон бермаслик керак. Темирнинг виждони қайнаб кетди, унинг гаплари алам қилди, ундан кўра ургани, калтаклагани авло эди. Лекин чидамай иложи йўқ, бу ернинг ана шунақа «тартиблари» бор, ўлсангам-қолсангам чидашга мажбурсан. Ўчакишсанг — баттар бўлади.

Ярим соатлардан кейин ювилган пайтавани кўтариб Носиржон кирди. У совуқдан дир-дир титрар, қўллари қовушмас эди.

— Марат, — деди Новча. Унинг рўпарасида ётган жимитдайгина йигит ирғиб турди ўрнидан. — Текшириб кўр-чи, тоза ювиптими-йўқми?

Марат Носиржоннинг олдига келди-да, пайтаванинг у ёғ-бу ёғини ағдартириб кўрди. Тоза ювилганига ишонч ҳосил қилди чоғи, у генералга ҳисоб берган каби роз туриб: «Ҳаммаси жойида, шеф!» — деди.

Новча Носиржон томон қўлини бигиз қилиб, Маратдан сўради:

— Бунинг кийимлари тўғри келадими сенга?

Марат оғзи қулоғига етиб, бош ирғади.

— Пайтавани печ ёнига остин-да, ҳамма кийимингни бунга келтириб бер.

Носиржон нега дегандек гарангсиб қолди.

— Эшитмадингми гапимни, — деди Новча. — Ёки тушунмадингми? Сен бунинг эски кийимларини оласан. Сенга бўлаверади.

Носиржон Новчанинг буйруқларини бекаму кўст бажарди. Бундан Темирнинг гаши келар, бироқ тишини тишига босишдан, бу ҳолатни кўрмай деб кўзини юмиб ётишдан ўзга чораси йўқ эди. «Ҳай, Носиржон, Носиржон-а, командирга чақиб нима қилар эдинг-а. Серёжанинг гапларини айтдим-а, шундаям қулоғингга кирмапти-да. Командирга айтиб тузатиш мумкин бўлса ҳалигача тузатишмасмиди... Бунақалар билан ўчакишиб ким обрўй топарди... Ҳе, тавба-тавба...»

Тўртинчи боб

I

Темир Боғи Усмондаги туман касалхонасига борди. Дарвозадан кириши билан ўзидан икки синф юқори ўқиган — ҳамсоя қишлоқлик Сафар деган йигитни учратди. У қайсидир ташкилотда ишлашини Темир

эшитган, аммо анчадан бери кўрмаган эди. У Темирга шундай қаради-ю, тўхтади.

— Темирмисан?

Сафар қулочини ёзди ва унинг чап қўли тирсагидан йўқлигини кўрди. Барибир қулочини туширмади, келиб Темирни қучоқлади, юзларидан ўпди. Темирнинг бурнига гуп этиб ароқ ҳиди урилди.

— Қайларда юрибсан, жўра? Минг йилдан бери кўринмайсан? Бир ўқишда деб эшитаман, бир армияда дейишади.

— Ҳа, ўқишда эдим, кейин армияга кетдим. Яқинда келдим.

— Афғонистонда бўлдингми? — деди қўлига ишора қилиб. — Бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Дўхтирга келяпман, бир кўриб қўйсин.

— Ўқ тегдими, э, бечора, ёмон бўпти-да. Холиқ акаям тоза хафа бўлгандир... Менга қара, сен дўхтирга кириб чиқ, мен дарвозада кутиб тураман. Бир отамлашайлик. Шунча жойларга бориб кепсан.

Сафарнинг кайфи анчагина. Ҳозир бу билан бирон жойга борса кечгача эзилиб қоп кетиши аниқ. Қандай қилиб қутулса экан? Темир иккиланиб қолди. Унга сари Сафар бидирлашини қўймайди.

— Нимага ўйланасан? Афғонистонга бориб душманларга қарши курашиб келган одам решитилни бўлади-да.

— Тўғриси, Сафар ака, тез уйга қайтишим керак, — деди Темир бошқа баҳона тополмай. — Меҳмон келмоқчи эди.

Сафар қўл силтади.

— Қўйсанг-чи шундайча гапларди, жўра. Неччи йилдан бери энди кўряпман сени...

— Сафар ака...

Темирнинг гапи оғзида қолди.

— Сени отанг бундайча мижғовмас-ку, сен кимга ўхшадинг-а? Ахир мен кеча ҳўкизбоқар кўрдим. Янганг шу ерда, ҳозир хабар олиб келяпман. Шу хурсандчиликка бирпас ўтирмайсанми? Мунча ўзингди лаълига сома-да.

Темир кулди:

— Оббо, Сафар ака-эй, бу нима деганингиз?

— Ҳа, бўлмаса юр-да ахир.

— Мен қачон кираман дўхтирга, у қачон кўради, қачон чиқаман. Шунча кутиб ўтирасизми ишдан қолиб?

— Кечгачаям қарайман керак бўлса. Бор, тезроқ кириб чиқ.

Темир ноилож қолди. Жарроҳлик бўлими томон юраркан, ўйлаб кетди. «Қаердан учради бу одам. Ҳали тоза бошни қотирса кераг-ов. Ортиқча гапирсанг, бош-қача тушунса, нима қилиш мумкин...»

Жарроҳ Темирнинг қўлини аввал ўзи кўрди, кейин рентгенга солди.

— Ҳаммаси жойида, иним, — деди кекса жарроҳ. — Ярангиз битган. Оғриганининг сабаби енгил кийингансиз — салқин таъсир этган. Иссиқроқ кийиниб, эҳтиёт қилиб туринг. Худо хоҳласа, билинмай кетади. — Врач Темирга маънодор термилди. Темир, нима демоқчи бу киши, бир сир бору айтолмаяптими, деган хавотир билан унга жавдиради. — Иним, — сўзида давом этди врач вазмин оҳангда, — албатта бу иш яхши бўмапти. Аммо шунисигаям шукур қилсангиз арзийди... Ҳали ёшсиз, бундай юришдан кўра протез қўл қўйдирсангиз қалай бўларкин?.. Хоҳласангиз мен ёрдам бераман. Танишларим бор...

Врачнинг бу таклифи институтдаги бир қўли протез домлани ёдига туширди. Кечагидай эсида, биринчи марта кўрганида юраги шувиллаб кетган, кўзига жуда хунук, совуқ кўринган эди.

Шуни эслаб, бу таклифни қабул қилолмади. Чўлоқми, қинғирми — Худонинг бергани, яшириб бўлармиди.

Фикрини врачга очиқ-ошкор айтмади. У бечора астойдил, самимий таклиф қилаётганда бирдан юзига уриш инсофдан эмас.

— Майли, домла, мен бир ўйлаб кўрай.

— Бўпти, иним, тортинмай келаверинг. Ҳар қанча ёрдам бўлса мен тайёрман. У ерда менинг жўраларим бор, бир оғиз хат ёзиб берсам — тамом.

Темир врачга хайрлашмоқ учун қўл узатди.

Ҳовлига чиқиб дарвоза томон йўналаркан, ўйлади: «Сафар ака жўнаб қолгандир. Боя кайф билан айтди-қўйди-да».

Йўқ, Темир янглишган эди. Сафар дарвоза олдида қоровуллар билан чой ичиб, лақиллашиб ўтирарди.

Темир узоқдан кўриниши билан сапчиб рўпарасига чиқди.

— Хўш, нима деди дўхтир? — деб сўради Сафар Темир яқинлашгач.

— Ҳаммаси жойида, сал иссиқроқ кийининг, деди.

— Унда зўракан. Энди кетдик. Норқул аканинг олдига бориб тўртта гап қилайлик.

Сафар чўғдай ёниб турган қип-қизил янги «Жигули»нинг эшигини очди. Машина касалхона йўлагидан катта йўлга чиқди-да, ўнгга — Ургут тарафга бурилди.

— Норқул акани танийсанми? Жуда ажойиб одамда.

— Темир танимайман ишорасини билдирди. Сафар машина ғаладонидан сигарет олиб тутатди.

— «Чинор» рестаранида буфетчи. Хўп жўравоз одам, аслида уни жўравоз эмас, хўроз десаям бўлади.

Сафар машинани тўғри ресторан ҳовлисига ҳайдаб кирди.

Ичкаридан йўғон гавдали, кўринишидан самимияти, очиқ кўнгиллиги билиниб турган қора мағиз юзли киши чиқди.

— Ассалому алайкум, — деди бояги одам.

— Норқул ака, бу киши Темирбек, ажойиб йигит. Яна денг «афғон»чилардан. Хўш... Манави тутти таги жа маза-да.

Норқул ака аввал Сафар билан, кейин Темир билан кўришди.

— Хуш кебсила, келингла, келингла. Анчадан бери кўринмайсиз, Сафарбой.

— Э, ака, иш кўп...

Иккови кулишди.

Норқул ака тутнинг қалин соясига стол қўйиб, дастурхон ёзди. Бир зумда стол турли ноз-неъматларга тўлди.

— Нима овқат кетирсин?

— Бу укам Афғонистонда душманлар билан курашавериб, илиги анча пучайиб қолган, бир товоқ суяк об келинг, ака! — деди Сафар ва Темирга қаради. — Темирбек, қайсинисидан ичасан, оқми, қизилми?

— Мен ичмайман, — деди Темир хижолат тортиб.

— Ундай гапди қўйсанг-чи, тортинмай айтавер кўнглинг тусаганини. Бу ерга келиб ичмай кетиш — гуноҳ.

Гапга Норқул ака аралашди:

— Сафарбой, ургутликларга мос иш қилинг. Сиз чой қуйиб туринг, бу ёғини ўзим бошлайман.

— Яшанг, Норқул ака.

Улар бир пиёладан чой ичиб бўлар-булмас, дастурхонга иккита минерал сув, битта ароқ, битта «Самарқанд» коньяги, бир графинда чалоб келди.

— Ўзингизам ўтиринг, Норқул ака, — деди Сафар.

— Сизлар баҳузур олаверинглар, у ёқда одамлар қараб турипти.

— Меҳмонди ҳурмати учун биз минан биттадан олинг, кейин майли, индамаймиз.

Сафар ўзи билан Норқул акага ароқ, Темирга коньяк қуйди.

— Темирбек коньяк ичади. Ҳозир қўлини дўхтирга кўрсатиб чиқди. Иссиқроқ кийининг, иссиқ тутинг, депти. Коньяк иссиқлик-да, фойда қилади. Қани, Норқул ака, шу укамиз аждаҳонинг оғзидан эсон-омон қайтиб келгани учун олайлик.

Олишди. Дастурхончи жувон катта лаганда пайларини лиқиллаб турган йирик-йирик суякларни бостириб келди.

— Темирбек, бу овқатни суяк дейдилар. — Хорижликларга тушунтираётгандай гап бошлади Сафар. — Илиги, пайлари ҳилвираб пишган. Буни еган одам ҳамма томондан бақувват бўлади. — Норқул ака кулиб қўйди. — Биз тез-тез шу ерга келиб Норқул ака билан суяк еб турамиз. Шунинг учун янгангиз доим ўғил туғади-да. Ҳаммаси баравар кулиб юборди. Норқул ака серпай бир суякни олиб Темирнинг ликопчасига қўйди.

— Қани, меҳмон, олинг овқатдан, совумасин.

Сафар яна қадаҳларни тўлдирди. Норқул ака ўрнидан турди.

— Энди манга рухсат.

— Бундай ўтиринг, битта гап бор. Кейин турасиз. Кеча мен ўғил кўрдим, бу учинчиси.

— Э, шундайми? — деди Норқул ака. — Муборак бўлсин. Айтмайсизам, Сафарбой.

— Мана келдик-ку айтгани. Шу ўғилчамиз катта йигит бўлиши учун битта оласизми-йўқми?

Норқул ака қадаҳга узалди.

— Бундай гаплар учун олмай иложимиз борми? Ўғилчангизни Худо умри билан, ризқи билан берган бўлсин.

Ичишди. Норқул ака минерал сув ҳўплаб, бошқа газак қилмай жойидан қўзғалди.

— Энди сила баҳузур ўтиринглар. Мани одамла кутиб қолдила.

— Ҳар замон келиб тулинг-да, Норқул ака.

— Ҳўп бўлади. Нима керак бўлса Любага айтаверинг, топиб келади.

Норқул ака туриб кетгач, гоҳ уни, гоҳ буни баҳона қилиб, иккови анчагина тортди. Люба овқатни тез-тез янгилаб турди.

— Темирбек, — деди Сафар сигарет тутатиб, — Афғонистонда хизмат қилиш даҳшатдир-а?

— Нимасини айтасиз, Сафар ака. Одамларди қирлиб кетаётганини кўриш осонми?

— Сенам ўлдирдингми? Ваҳшийлардан қанчасини ер тишлатдинг?

Темир валаги бўлиб кетди, ранги оқарди, назарида кўзлари йириклашиб, ўйнаб, асабий тусга кирди. У барча саволга жавоб беришга тайёр. Аммо «Одам ўлдирдингми?» деган саволни эшитса юраги ўйнаб, қони қайнаб кетади. Ўлдирган! Нима қилсин эди бошқа! Ўзга чораси, йўли бўлмаса!

Беихтиёр сигаретта қўл чўзди. Сафар анча ичганига қарамай Темирнинг аҳволини англади. Шу боис саволини бошқа қайтармади. Сигаретни бурқиратганча Темирга термилди. У сигаретни оғзига қўйиши билан гугурт ёқиб тутди. Темир сигарет тортаркан, қўли титраб кетди. Кўзларини бир нуқтага тикди, узоқ тикди... Бир маҳал Сафар унинг кўзларида ёш кўрди. Темирнинг овози чиқмас, аксинча, оғзидан буруқсиб тутун чиқар, кўзларидан эса жимирлаб ёш оқарди. Сафар нима қиларини билмай қолди. Унинг дардини янгилаб қўйганини сезди.

— Мени кечир, жўра, — деди базўр.

Темир миқ этмади. Кўринишидан нимадир демоқчи бўлар, аммо тили айланмасди.

Охири чидаёлмади — ўрнидан турди. Сигаретни ташлади-да, киссасидан рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди. Оғир қадамлар билан бир чеккага ўтди. Сафар ўтирган жойида гўё михланиб қолди.

Бироздан кейин Темир ўзини тутиб олди чоғи, курсига келиб ўтирди. Оғир тин олди.

— Мени кечиринг, Сафар ака... Бу саволга жавоб бериш оғир, мен учун оғир, бошқаларни билмадим. Одам ўлдирганим учун ўзимни кечиролмайман.

— Бунга сен айбдормассан-ку.

— Биламан, биламан... Аммо барибир эсимга тушса ўзимни гуноҳкор ҳисоблайвераман.

— Эшитишимизча, улар ҳам бизди солдатларди...

Сафарнинг гапини Темир шарт кесди:

— Илтимос, Сафар ака, шуни эсламайлик... Ичида юрганида сезмаскан шекилли одам, энди ўйласам юрагим сиқилиб, миям ёрилиб кетай дейди...

Сафар қадаҳларни тўлдирди.

— Ке, оғайни, шуни олайлик. Ишқилиб ёмон кунларинг ҳаммаси орқада қолган бўлсин. Яхши жойлардан келин ато этсин, бола-чақали бўл, тўйларингда хизмат қилайлик.

Темир шу маҳалгача бирон қадаҳниям охиригача ичмовди. Бу гал бир томчи ҳам қолдирмай симириб юборди...

III

Темир азонда уйғонди. Ҳаммаёқ жим-жит, ҳеч ким турмаган кўринади. Боши гувиллайди. Кечаги воқеаларни эслади. Хайриятки, кўнгилни хижил этадиган гап бўлмапти. Фақат кўпроқ ичиб қўйгани чатоқ. Айниқса отасининг олдига маст ҳолда келгани дилини гашлади. У олдин ҳам ичган, ичмаган йигит борми. Холиқ ака ҳам бунга сезади. Аммо у бирон мартаям мастлигида отасига рўпара бўлмаган. Сабаби — қишлоққа келганида ўзини тутарди, бордию жўралари қис-таб-қўймаса, озроқ олади-да, отасининг кўзига кўринмай уйга кириб ётади. Тошкентдаги ўтиришларни, табиийки, отаси кўрмайдиям, билмайдиям.

Бу гал шу томони чатоқ бўлди. Отаси нима деб ўйлади экан? Армияга бориб ичишни кўпайтирибди-да, ўғлим, деган хаёлга бордимикан? Ундай деса армиядан келганидан бериям қанча вақт ўтди, лекин Темир бунақа даражада қўйвормаган ўзини. Бўлмаса қанча одамлар кўргани келишди, жўралари билан улфатчилик қилишди, ҳаммасида меъёридан оширгани йўқ... Кеча нега бундай бўлди? Сафар акаям тоза шилқим

экан-да. Холи-жонига қўймади-да. У ёғи кейин билинмаям кетди... Отасининг юзига қандай қарайди? Нима деркан?

Бу ўйлар Темирнинг миясини пармалай бошлади. Кечаги ичкилик таъсирида ғувиллаб турган боши баттар оғриди. Ҳовлида Холиқ аканинг шарпаси эшитилди. Намозга турган чамаси. Темир индамай, ухлаган каби кўзини юмиб ётаверди. Шу ётишда ухлаб қолганини ўзиям сезмай қолди. Бир маҳал уйғонса қуёш чиқиб кетипти. Боши сал тиниқлашгандай. Аста туриб деразадан у ёқ-бу ёққа мўралади. Зулфизар опа нон ёпяпти. Бошқа ҳеч ким кўринмайди. Сингиллари тамакига кетган чиқар. Отаси қаерда экан? Шу пайтдан фойдаланиш керак.

Кийиниб ҳовлига чиқди. Ўз иши билан куймаланаётган Зулфизар опа ўғлининг турганини сезмади. Яхши бўлди. Кўриб қолса, албатта гап қўшарди. Темир айвон четидаги қўл ювгичга бориб ювинди. Симда осиглиқ турган сочиққа артинди-да, яна уйга кирди. Ойнага қараб сочини таради, кўзларига термилди. Юзидан кеча ичгани сезилиб турибди. «Об-бо, расво бўпти-ку». Кийим-бошини тўғрилаб ташқарига чиқди. Ҳамон отаси кўринмайди. Онасининг ёнига борди.

— Ассалому алайкум, эна.

Тандирдаги нонга сув ураётган Зулфизар опа ўғрилиб, алик олди.

— Сўрига чиқ, болам. Ҳозир патир пишади. Унга-ча отангам бозордан кеп қолади.

— Нон пишгунча бир пас боғ айланай.

— Бўлмаса, бир-икки бош узум узиб чиқасанми? Укаларингам кеп қолса керак тамакидан. Битта сатил олгин.

Темир пақир билан боғ оралаб кетди. Зулфизар опа орқасидан деди:

— Шоптолини қара-чи, пишгани бўса унданам те-риб кела қол, болам.

Ҳовлида тўрт туп шафтоли бор, иккитаси зарғалдоқ, иккитаси мойлама. Темир мойламасини хуш кўради. Меваси кўплигидан шохлари ерга теккудек бўлиб эгилган. Бир-икки жойига Холиқ ака тиргович қўйган. Пақирни яримлатиб узди, кейин қора, оқ кишмишдан яхшироқ пишганини қидира бошлади.

Холиқ ака бозордан қайтди. Айвондаги курсига ўтирди.

— Вой-вой, жоним-эй... Мукаррам, Темир турдима?

— Ҳа, — деди Зулфизар опа. — Шоптоли, узум опкегани боққа оралаб кетти.

Холиқ ака боғ томонга қаради. Темир узум саралаб юрипти.

— Темир, — деди Холиқ ака ўтирган жойидан. Темир ялт этиб отасига қаради. — Ҳай анави пуштага ўт, султони бор. Шундан бир-икки бош обке.

У шафтоли ва узумга тўла пақирни кўтариб келганида Холиқ ака бояги жойида ўтирарди.

— Ассалому алайкум, — деди отасининг юзига қараёлмай.

— Ваалайкум ассалом...

Темир пақирни айвон четига қўйди-да, бошқа пақирдан сув олиб узумни ювмоқчи бўлди. Холиқ ака уни тўхтатди.

— Темир, қўй улим, уринма, ҳозир укаларинг кеп қолади, ўзлари ювади.

Ортиқча қаршилиқ қилмади Темир. Лекин ичидан эзилди: «Икки бош узум билан тўртта шафтолини юволмасам, қандай одам бўлдим?.. Бу аҳволда қандай оила қураман, қанақа қилиб тирикчилик ўтказаман?..»

— Мукаррам, — деди Зулфизар опа эрига, — сўрига чиқинглар. Ҳозир дастурхон соламан. Нон пишди.

Дарвозада филдираклар қалдираши эшитилди. Укаси Собир эшакка минган, икки синглиси пиёда, аравага эргашиб кириб келишди. Аравага чош қилиб тамаки босилган. Собир эшакни бўшатди, унгача синглиси арава чархининг олд томонига тош қўйди. Собир шотини кўтариб, «лайлак» қилди. Тамаки шовуллаб ерга тушди. Капанинг ён-верига тиқилиб қолган барглари Собир шоха билан олди. Ҳамма нонуштага ўтирди.

Кеча қаерга бординг, дўхтирга кўриндингми, ким билан ичдинг, нега бунча кўп ичдинг?.. Темир отасидан шу каби саволларни кутди. Аммо нонушта чоғи, на ундан сўнг Холиқ ака миқ этмади. Аслида Темирнинг дўхтирга учрашганини, у нима деганини Темир боғ оралаб юрганда Зулфизар опадан сўраб-билган эди. Кимлар билан ўтирганини ҳам суриштирди, лекин Зулфизар опа уни айтолмади.

Бу гаплардан беҳабар Темир турли-туман хаёлларга борар, отаси индамагани сари эзилар, хижолатдан чиқолмай очилиб гапиролмай қийналарди. Ўзи гап очиб, бўлган гапларни айтиб бермоқчи бўлар, аммо бунинг ҳам иложини қилолмасди.

Нонуштадан кейин Холиқ ака ҳовуз этагидаги бедани ўришга киришди. Темир айвонда ёнбошлаганча газета-журналларни варақлади. Бир соатча мутолаа билан машғул булгач: «Август ойи ҳам охирлаб қолди. Энди бир Тошкентга бориб, ўқишимдан хабар олиб келсаммикан» деган фикр миясига урилди. «Балки Гавҳар ҳам келгандир». Гавҳар эсига тушиб юраги шиғиллаб кетди. «У мени бу аҳволда кўриб не кўйга тушаркин? Юраги ёрилиб кетар бечоранинг».

Шу ўйлар билан отасининг ёнига йўл олди. Отаси куннинг иссиғида ишлаб юрсаю бу сояда ётса. Уят!

— Ҳорманг, ота, — деди нима дейишини билмай. — Ёрдамлашай деб келдим.

Шундай деди-ю, ўзи ичидан зил кетди. Бир қўл билан беда ўришни эплармиди?

Холиқ ака бир даста бедани ёйиб қўйди-да, қаддини ростлади:

— Нимасига ёрдамлашасан, улим? Бу бир эрмакда менга, — деди сир бой бермай.

— Ҳеч бўлмаса дасталарни ёйиб қўярман.

«Қўй, уннама десам, қўлим йўқлигидан шундай деяпти, деган ўй кўнглига келмасин», деб Холиқ ака ўғлига иш буюрган бўлди:

— Ичинг қизиган бўлса, майли болам... Манави дасталарни сал сийраклатиб қўй, тезроқ қурийди.

Шундай қилиб отаси айтган ишни бажариб турди. Бу пайтда ҳам Холиқ ака гап очмади. Мунча кенг бўлмаса ичи, дарё-я, дарё. Охири Темир бояги ўйларини айтди, Холиқ ака индамай эшитди.

— Ётоқхонада турмоқчимисан? — деди охири.

— Билмадим, кўраман-да шароитга қараб.

Холиқ ака яна жим. Ўз иши билан овора.

— Энди улим, бир гаплашиб олайлик бўмаса, — деди Холиқ ака салмоқлаб. Ўзи уватга ўтирди. — Қани, ўтир-чи.

«Бошланди. Энди ҳаммасини бирма-бир сўрайди».

Йўқ ундай бўлмади. Холиқ ака мутлақо бошқа гапни қўзғади.

— Худога шукр, армияниям битказиб келдинг, ёшингам анчага борди. Энди бошти икки қилайлик.

Темир ялт этиб отасига қаради. Холиқ ака ҳам майин жилмайиб унга термилиб турарди. Отасининг кўзларига кўзи тушди-ю, тоб беролмай нигоҳини олиб қочди. Нима дейишини билмай қолди.

— Хўш, нима дейсан бу гапга?

— Ўқиш битаверсин-чи, — деди ниҳоят.

— Қанча қолди ўқишингга?

— Икки йил.

— Ҳеч нарсамасакан... Бугун-эрта тўй қиламиз де-ётганим йўқ, албатта. Ҳозирдан ҳаракат бошласак, Худо насиб этса кўкламга чиқиб тўй қиламиз... Энангам келин кўргиси, невара кўргиси келади.

Темир кулди.

— Неваралари бор-ку...

— Бор, Худога шукур. Локин уларди йўриғи бўлак, сени жўжаларингди йўриғи бўлак-да, улим.

Темир Гавҳарни ўйлади. «Сентябрда бешинчи курсга боради. Келаси йил ёзда битиради. Менга эса яна бир йил қолади. Демак, кўкламда эмас, келгуси йил ёзда тўй қилсак мумкин экан... Аммо Гавҳар кўнарникин? Институтни битиргандан кейин уни қаерга ишга жўнатади ҳали...»

— Ҳа, ўйланиб қолдинг?

— Йўқ, ўзим...

— Ҳар қалай, хайрли ишни эртароқ бўлгани тузук.

— Ҳали унгача вақт бор-ку, ота. Ўйлашиб кўрармиз.

Темирнинг ўйланиб қолиши, саволга аниқ жавоб бермай чайналиши боисини Холиқ ака ўзича тушунди. Ўғлининг кўнгил дарёсига қармоқ ташлади.

— Биронта кўз остингга олганинг борми? Ундай эса очигини айтавер.

Ё, қудратингдан! Темирнинг кўнглидан кечаётган гапларни қаердан сеза қолди отаси?

Темир отаси саволига аниқ жавоб беришдан истиҳола қилди, аммо кулгидан ўзини тиёлмади. Ўғлининг кулгиси бекорга эмаслигини Холиқ ака пайқади.

— Армияга жўнаётганингда жўраларингминан бир қиз келди. Ким эди у?

Темир отасига қараб бўзарди. «Эсида экан-да ҳалиям. Мунчалар синчков бўлмаса?...»

Отасининг кўзидан кўзини олиб қочди.

— Бирга ўқир эдик...

Холиқ ака ҳамма гапга, ўғлининг муддаосига тушунди, бошқа эзриланиб ўтирмади.

Темир суҳбатта якун ясамоқ ниятида:

— Мен бир Тошкентга бориб ўқишимни аниқлаб келай-чи, кейин бир гап бўлар, — деди.

Холиқ ака бояги тахминлари тўғри эканига гумон қилмай қўйди.

— Келин қаердан бўсаям майли, мен қаршимасман. Фақат ҳушёр бўл, кейинги пушаймондан Худо асрасин.

Отасининг сезгирлигига Темир тан берди.

Холиқ ака ўғлига юзланди.

— Менга қара, улим, ургутлик жўрангга ўхшаганлар Тошкентдаям кўпми?

Устидан бир пақир сув қуйгандай музлаб кетди Темир. Шарт отасига қаради, бироқ миқ этолмади, довдираб қолди. Эрталабдан бери оғзини пойлади — кечаги гапларни сўрар, суриштирар, деб. Индамади. Мана энди айтди, айтгандаям роса боплади. Яхшиям икковидан бўлак ҳеч ким йўқ. Энаси, укалари олдида айтганда нима деган одам бўларди... Темир аввалига оқарди, кейин қизариб кетди. Базўр ўзини қўлга олиб:

— Кечиринг, ота, шундай бўп қолди, — деди.

Холиқ ака бошқа гапирмади. Ўғли қилган ишидан қаттиқ пушаймонда, изтиробда эканини эрталабданоқ пайқаган эди. Ҳозир аниқроқ сезди.

Анчадан кейин ота-бола олдинма-кейин уй томон йўналдилар.

Бешинчи боб

I

Кўклам келди. Адирларнинг кунгай томонида майсалар ниш урди. Ҳаво илиб қолди. Темир, у билан бирга келган йигитлар бу ернинг шароитига мослашиб кетдилар. «Қария»ларнинг ёшларга зуғуми анча сусайди, бинобарин, улар ҳам анча «улғайиб» қолдилар. Бўлар-бўлмаста Новчадан дакки эшитаверадиган, туртки еб, жазо олаверадиган Носиржон энди бу балолардан бир қадар халос бўлди.

Икки ойча бурун Темир бўлинма командири қилиб тайинланди. Энди у ўн икки аскарга бош.

Ана шундай кунларнинг бирида уларнинг ротасига жанговар топшириқ берилди. Қишлоқдан тўрт-беш чақирим наридаги бир ғорда душман ўрнашиб опти. Йўқ қилиш керак.

Рота командири капитан Волков бошчилигида ўнта бронетранспортёрга ўтиришиб ярим тунда ўша ғор тарафга йўлга тушдилар. Ҳаммада автомат. БТР на баланд-пастликка, на ўйдим-чуқурга парво қилади. Музёраб кема сингари париллаб илгарилайди. Волков ўтирган БТР олдинда, унда дурбин ҳам бор. Темирнинг бўлинмаси бешинчи-олтинчи БТРда. «Душман қанча экан? Балки капитан билар... Жиддий отишма бўлса керак», деб ўйлаб борарди Темир. Олдин ҳам бир-икки жанг қилишди. Аммо у даражада кўп давом этмаган. Қисм жойлашган ҳудуддан ўтаётган душманга ўқ отишганди. Ким билади, озчилик бўлганми, қаттиқ қаршилиқ кўрсатмай қочишган эди. Ҳозир ўзлари душман уясига бостириб боряптилар. Уйқуда ётган жойида қириб ташлаш керак. Режа ва топшириқ ана шундай. Шу иш мўлжалдагидай амалга оширилса яқин-атроф душмандан тозаланади.

Бир муддат юришгандан кейин, тўхтанглар, деган буйруқ бўлди. Волков взвод ва бўлинма командирларини тўплади. Ғорга жуда яқин қолганини, душман сони аниқ эмаслигини, маълумотларга қараганда, камида уч юзта эканини айтди, шу боис ниҳоятда ҳушёр ва дадил бўлишликни, қайси машина қайси тарафдан боришини қаттиқ тайинлади. Буйруқсиз ҳар ким ўзича ҳаракат қилмасин. Мен билан алоқани узманглар, деди. Иложи бўлса ўзимиз тинчитамиз душманни, кучимиз етмаса артиллериядан ёрдам сўраймиз.

Ҳамма ўз жойига кетди. Буйруққа биноан Темир ўтирган бешинчи машина тўғридан бориши керак. Машиналар белгиланган чизик бўйича аста-секин жилмоқда. Темир ойначадан ташқарини кузатди. Сўнгра, милни тушириб, снарядларни босув нуқтасига тўғрилади. Шу пайт рўпарада — тахминан беш-олти метр нарида бир одам кўринди. Темирнинг назарида у ҳарбий кийимда эмас, афғон фуқароларидан эди. Беихтиёр машинани бошқариб бораётган операторга «Тўхта!» деб юборди.

— Нима гап? — деди оператор.

— Одамни кўрмаяпсанми, босиб кетасан-ку?!

Оператор ҳайрон бўлди:

— Қани одам, қанақа одам?

— Кўрмисан?! — бақириб юборди Темир. — Қанақа одам бўларди, одамга ўхшаган одам-да.

— Ҳеч қанақа одамни кўрмаяпман, — деди оператор. — Тўхтасак бўлмайди.

Бошқа жангчилар ҳам ҳайрон қолишди. Улар ҳам рўпарада ҳеч ким йўқлигини айтишди. Темир хижолат тортди. Наҳотки, кўзига кўринган бўлса? Қўрқдими? Нимадан қўрқди? Барибир сир бой бергиси келмади.

— Тўхта деяпман! Бегуноҳ одамни янчиб кетмоқчимисан?

Оператор машинани тўхтатди-да, Темирга ажабланиб қаради:

— Ахир бу уруш...

— Э, урушни падарига лаънат!

Ташқи алоқадан взвод командирининг қичқириғи эшитилди:

— Бешинчи, нега довдирайсан? Нимага тўхтаяпсан? Ким буйруқ берди сенга? Олга!

Оператор машинани юргизди.

Шу маҳал чап томондан шувиллаб снаряд учди. Қаршидан ҳам ўқ овози эшитилди. Темир сездики, юрга етиб келишяпти. Душман хавфни пайқаган. Яна буйруқ келди:

— Бешинчи! Ўт оч! Бўл тезроқ!

Тугмачани босиб юборганини Темирнинг ўзиям сезмай қолди. Снарядлар бирин-кетин шувиллаб уча бошлади. Тўплар оғзидан чиқаётган олов тун қаърини ёритиб ўтади. Машина тўхтаб қолганини на Темир, на оператор сезган эди.

Ташқи алоқадан Волковнинг асабий овози эшитилди.

— Бешинчи! Нимага тўхтайсан, ярамас! Бос олдинга! Ҳозир портлатади сени, тезроқ бўл!

Темир, ўзи тўхтагани етмагандай, орқадаги машиналар йўлини ҳам тўсиб қўйганини англади. Операторга қичқирди. Машина олдинга силжиди. Уч-тўрт қадам юриши билан ўнг томонда — шундоққина ёнида портлаш юз берди.

— Э, хайрият! — деб юборди Темир.

Форга отилган снарядлар душманни инига чўп суқилган аридай тўзритган эди.

Турли томондан ўқ ёмғирлари қуярди. Темир тўп милини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга тўғрилайди. Бундай ҳолга тушгандан кейин одам ўзидан ўзи ишга киришиб, қаҳри ошиб кетганини билмай қоларкан.

Душман чинданам кўп экан. Атрофни мўр-малахдай босиб кетди. Улар на снарядларга, на автомат ўқларига парво қилар, ўлганигаям қарамай бостириб келарди. Ҳатти-ҳаракатлари соғ одамникига ўхшамас, қутурган каби ваҳший эди улар.

— Наша чакканга ўхшайди, — деди кимдир. — Йўқса бунчалар дадил урушмасди кучли техникага қарши.

— Кўп валдирама, кўзингга қара!

Яна тўп, автомат овозлари оламни тутди.

Жанг узоқ давом этмади. Кутилмаганда бостириб келган қудратли техника душманни, улар ҳар қанча кўп, жасур, аламзада бўлмасин, довдиратиб ташлади. Қочишга, бекинишга улгургани улгурди, аксарияти қирилиб кетди. «Ҳамма жой-жойида тўхтасин», деган буйруқ келди. Ўқ овозлари тинди.

Темир енгил нафас олди. Атрофга қаради, ёнидаги жангчиларни суриштирди. Шунда билдики, олти жангчидан иккитаси йўқ. Тўс-тўполонда улар қачон, қай пайтда машинадан қулаганини билмайди. Юраги увишиб кетди, аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Хаёлига лоп этиб Носиржон келди. У бошқа машинада эди. «Ишқилиб эсон-омонмикан у?» Носиржон биринчи марта жангга кириши эди. Темирнинг хавотири шундан. Лекин шу тобда ундан хабар олишнинг иложи йўқ.

Буйруқ келди: орқага қайтилсин!

Бир чақирим юришгандан сўнг тўхташди. Жангчилар машиналардан чиқдилар. Бораётганда сезмаган эканми ёки бошқа йўлдан қайтишдими, катта бир майдонда туришарди. Шу ерда бироз дам олиш учун рухсат берилди. Шунда Темир Носиржонни ахтара кетди. Тўда-тўда бўлиб ўтирганча дуд босган қуроллари тозалаётган жангчилардан суриштирди.

— Темир!

Бу — Носиржон эди. Темир дарҳол таниди. Овоз келган тарафга ўтирилди.

Носиржон унга пешвоз келарди.

— Омонмисан? — деб сўради Темир.

— Худога шукур, ўзинг-чи?

— Яхшиман.

Ёнма-ён ўтиришди. Қоп-қоронғи тун. Ҳаммаёқ жим-жит. Гўё яқин орада бу ерларда ҳеч нарса юз бермагандай. Юлдузлар жимирлайди — ғуж-ғуж, шундай яқинки, гўё қўл узатсанг еттудай. Темир осмонга термилиб қолди. Назарида қулоқлари шанғиллар, бир томондан командирнинг буйруғи, бир томондан снарядларнинг овози қулоғига ўрнашиб қолган эди. Юлдузларга боқиб шуларни эсдан чиқармоқда интилди.

Капитан Волков ҳар бир тўданинг ёнига бориб «раҳмат, йигитлар, артиллериядан ёрдам олмай ўзимиз тинчитдик душманни, аммо анча йигитларимиздан, иккита машинамиздан айрилдик», деди. Кимлар экан улар? Бу ҳали номаълум эди...

II

Бир ҳафтадан бери Темир Кобулда. Куйбишев раҳбарлигида беш жангчи бу шаҳарга командировкага келган. У Кобул кўчаларига ҳайрат билан тикилади. Киноларда кўргани, китобларда ўқигани — шарқона қурилиш услублари анча-мунча сақланган. Кўчаларнинг икки тарафи қатор дўкон. Энг узун кўчалардан бири Майванд ҳам турли дўконлар билан тўла. Бу ерда бутун мамлакат савдо олами ўз аксини топгандай.

Баъзи йирик бинолар ёнида бир-икки танк, бронетранспортер кўзга ташланади. Қўриқчиликда афғон аскарлари туришар, айримлари бош кийимини «ёстиқ» қилганча юзини офтобга тоблаб мудрарди. Бошқалари машиналарга қизиқиб келган болаларни гоҳ ҳайдар, гоҳида уларни гапга солар, ҳаттоки кўнгли ўксимасин деб, улар зирҳли машиналарга чиқишса ҳам индашмасди.

Кобулда вазифалари нимадан иборат? Бунини на Темир, на шериклари билади. Фақат Куйбишевга қулоқ солишади, унинг айтганини қилишади. Бир куни ҳатто Темир сўрадиям, буйруқни бажариб юравер, бошқаси билан ишинг бўлмасин, деди. Ҳозирча тайинли бирон иш қилишгани йўқ. Куйбишев бир ҳарбий қисмга кириб ўтиради, асосий вақти шу ерда ўтади.

— Мана шу мавзеда бизнинг мутахассислар яшайдилар,— деди Куйбишев бир куни айланиб юришганда.

— Бутун бир квартални эгаллаган бўлса, кўп экан-да шўро мутахассислариям.

Темирга Куйбишев масхараомуз қаради.

— Гўдакни гапини гапирасан-а, Темир, — деди у жиддий. — Дипломатлар, қурувчилар, инженерлар, таржимонлар, мелиораторлар... Эҳ-ҳе, қай бирини санай, озмунчами... Ахир бу саводсиз афғонларга ҳамма нарсани ўргатиш керак-да. Шунча одам уйдан, болачақасидан кечиб, хавф-хатар ичида ишлаб, буларга ёрдам берайлик, деб юрипти-ю, бу ярамаслар яна бизларни ёмон кўради. Иложини топса битта қолдирмай қириб ташласа ҳаммамизни... Нонкўрлар...

Қаерда бўлишмасин, дўкондами, бозорда, Темир афғонларга эътибор беради, улар ўзларини хуш кўрмаслигини сезади, улар кўзида шўро аскарларига нисбатан кучли нафрат, ғазаб акс этиб турипти. Ёш болалардан тортиб, кексаларгача — ҳаммасида шундай кайфият ҳукмрон. Бундан Темир гоҳ эзилади, гоҳо очиги, чўчийди. Аламзада одам кутилмаганда ҳар иш қилиб қўйишиям мумкин-да...

Ўша мавзе кўчаларидан ўтаётганда Темир атрофга диққат билан разм солади, кузатади: балки бирон-бир ўзбекни учратиб қолар. Ахир ўзбеклардан ҳам анча-мунча мутахассислар, таржимонлар бор-ку. Ҳаёт тасодифларга тўла.

Бир куни оқшом чоғи кўчада дафъатан ўзбекча сўз қулоғига чалинди. Орқасига ўтирилиб қараса, ўрта ёшлардаги, пешона сочлари бироз тўкилган, истараси иссиқ бир одам ўғилчаси билан ўзбекча гаплашиб кел-япти. Беихтиёр унга салом берди. Бояги одам ҳам ҳеч ажабланмай алик олди. Бу ерда ўзбек жангчиларини кўравериш ўрганиб қолган бўлса керак-да.

— Кечирасиз, ўзбекмисиз? — деб сўради Темир.

— Ҳа. Сиз-чи?

— Менам.

— Қачон келдингиз?

— Олти ой бўлди.

— Қаерликсиз?

— Самарқанддан.

Бояги одамнинг думалоқ, йирик-йирик кўзлари чақнаб кетди.

— Самарқанддан? Қаеридан?

— Ургутдан.

— Оббо, зўр-ку, — шундай деб Темирга қўлини узатди. — Менинг отим Ҳасан, менам самарқандликман, бир йилдан бери шу ерда ишлайман, таржимонман.

Хуллас, танишиб олишди.

Сўнгра, Ҳасан ака бироз ўйланиб қолди.

— Хўш, — деди жимликни бузиб, — нима қилсак экан. Командирингиз бир-икки соатга ижозат берармикан; Бизникига келсангиз бироз гаплашиб ўтирардик.

— Билмадим. Сўраб кўраман.

— Ёки ўзим борайми?

— Йўғ-э, — деди Темир, — ўзим сўрайман. Рухсат берар.

— Бўлмаса жавоб олиб келинг, бугунми, эртами, қанча ижозат берса. Мен ҳар куни кечқурун уйда бўламан. Янгангиз шу ерда, гурунглашамиз. — Кейин ўғилчасига деди: — Санъатжон, тоғанга салом бер, кўриш.

Темир Санъатжон билан қўл олиб кўришди. Ҳасан ака манзилени тушунтирди-да, хайрлашди.

Шу қисқа суҳбатдан Темирнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Энди қандай қилиб бўлса-да, Куйбишевдан рухсат олиш йўлини қидирди. «Ижозат берармикан у ярамас. Унча-мунча гапни тушунадиган одамга ўхшамайдиган-да лекин... Ҳа, таваккал, бир сўраб кўрайчи». Тўғри Куйбишевнинг олдига йўл олди.

Куйбишев сўзларини эшитди-да, Темирга термилиб қолди. Унинг кўм-кўк кўзлари ўткир тикилар, ҳар қандай одам бу кўзларга узоқ қараёлмас, бардош беролмасди. Аммо Темир чидади, киприк қоқмай тураверди. «Бу қараши билан у, рост гапиряпманми ёки ёлғон, шуни текшириб кўрмоқчи шекилли», деган фикр ўтди Темирнинг хаёлидан. Ва кўзини олиб қочмади, у қанча турса буям ундан қаттиқроқ тикилиб тураверди.

Темир янглишмаганди. Чиндан ҳам Куйбишев синомоқда эди. Шу алфозда беш дақиқалар туришди. Охири Куйбишев кулиб юборди.

— Ҳа, шайтон, балосан-а? Кўнглимдан ўтган фикр-ни англадинг-а?

Темир ҳам кулди. Куйбишев соатига қаради.

— Яна йигирма дақиқадан сўнг Петровнинг вақти тугайди. Шунинг ўрнига бориб икки соат турасан. Кейин бошқа одам боради. Сен ҳамюртингнинг олдига бориб келасан. У ёққаям икки соат муҳлат...

Соат еттида Темир Ҳасан аканинг уйини топиб келди. Учинчи қаватда экан. Эшикни тақиллатди. Кутиб ўтирган экан чоғи, Ҳасан аканинг ўзи очди.

— Э, келинг, Темирбек. Командирингиз инсофли одам экан, жавоб берипти. Гажирроқ одам бўлганида қўйвормасди. Янгангизга айтиб ўтирувдим ҳозир.

Дарҳол дастурхон ёзилди, турли ноз-неъматлар қўйилди.

— Самарқандча қилиб бир кўк чой дамланг, аяси,— деди Ҳасан ака хотинига. — Темирбек кўк чойни соғиниб қолгандир.

Темир кулиб қўйди.

Иккови у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўтирди. Ҳасан ака Темир Ургутнинг қаеридан эканини, ўқишини сўради. Темир ҳаммасини гапириб берди. Суҳбат давомида маълум бўлдики, Ҳасан ака Тошкентда ишлар экан. Темир Тошкентда ўқишини эшитиб, бу томонданам ҳамшаҳар эканмиз-ку, деди.

Бирон соатлар ўтгач, овқат келди. Ҳасан ака «Самарқанд» коньяги олди.

— Қани, Темирбек, икки ҳамшаҳар Самарқандни эслаб, манавиндан қиттай-қиттай отайлик.

— Менга мумкин эмас, Ҳасан ака.

— Нега?

— Командир билиб қолса уришади.

Ҳасан ака кулди.

— Э, қизиқмисиз, Темирбек, қаёқдан билади. Уларди ўзи ҳар куни тортади.

Унақа одам бошқа бировнинг ичган-ичмаганини пайқамайди.

— Ичмайди у. — Ажабланиш, ҳайрат ила гапирди.

— Уларди ичмайдигани бўмайди. Уннан кейин, — худди сирли бир гап айтадигандай овозини пасайтирди, — йўлини қиламиз. Темирбек, кетаётганингизда бир шиша ароқ бераман, командирингизга берасиз. Шу билан олам гулистон-да.

Қадахларга коньяк қўйди.

— Қани олинг, сизам, бизам хизматни тутатиб, юртимизга, ота-она, қариндош-уруғларимиз олдига эсон-омон кириб борайлик.

Ичишди.

Санъатжон дам-бадам дадаси ёнига келиб нималардир чулдирар, суҳбатни бўларди.

— Аяси, Санъатжонн ухлатинг, дам олсин гапни гапга қўшмаяпти. Қани, ўғлим, аянгизди олдига боринг. Энди ухланг. Ҳа, баракалла.

Санъатжон чиқиб кетди.

Ҳасан ака яна қадаҳ тўлдирди. Борган сари яқинроқ танишгани, бунинг устига коньякнинг таъсири туфайли ўртадаги дастлабки бегонасираш, тортиниш анча кўтарилди. Эски ака-укалардай гурунгни авжига чиқаришди.

Шу маҳал уйнинг чап томонида отишма бошланди. Икковиям жойидан ирғиб турди. Ҳасан ака Темирга таскин бермоқ ниятида:

— Қўрқманг, ҳозир тинади. — деди.

Лекин тинчиш қаёқда. Баттар кучайди. Артиллерия ва гранатамётлар ишга гушди.

Ҳасан ака Санъатжон қошига югурди. У отишма бўлаётган тарафдаги хонада эди. Шунда уйнинг ўнг томонидан ҳам ўқлар уча бошлади. Ҳасан ака Санъатжонни кўтариб чиқди. У эндигина ухлаган экан шекли, кўзларини ишқалаб: «Дада, урушми?» — деди. Ҳасан ака шошганидан «ҳа», деб юборди. Кейин бу гапи уни қўрқитиши мумкинлигини сезиб, «уруш тугади» деди. Бола бола экан-да, гоҳ у деразага чопади, гоҳ бу деразага. Отишмани томоша қилади. Муштдек кина бола бунақа отишмаларни кўравериб кўзи пишиб кетган чоғи, сира чўчимас, «вуй, дада, анавини қаранг, ҳаммаёқни ёритиб кетганини», деб ўзича чулдирарди. Ёруғлик берадиган ўқлар осмонда олов чизиқ қолдириб учар, симёғоч, дарахт, турли тўсинларга тегиб майда-майда лахчалар бўлиб ёрилиб кетарди. Автомат овозини ора-чорада пулемёт ва тўплар гулдуроси бузиб ўтарди. Ҳамма хона ўртасида тик қотган, нима қилишни, ўзини қаерга олишни билмасди. Ҳозир тўрт одам орасида энг кичиги — Санъатжон ҳаммадан кўра дадил, жасур эди.

Бир нарса қулоқни қоматга келтиргудек қарсиллади. Уй ларзага келди, деразалар шарақлаб кетди. Ош-

хона деразаси чил-чил синиб тушди. Уй тепасига снаряд келиб урилган эди. Бетон уй деворларидан кўчган парчалар, снаряд қолдиқлари чор тарафга ўқдай визиллаб учади.

Отишма тахминан ярим соат давом этди. Аммо бу вақт Темир учун ярим кундан ҳам зиёд туюлди. Жангга кирган кезлари ҳам хавотир босган, кўнглидан турли ўй кечган. Лекин ҳозиргиси ҳаммасидан ошиб тушди. Чунки жангга ҳозирлик кўриб, руҳан тайёрланиб боради, қўлида қурол бўлади. Ҳозир-чи, ҳозир аввало қуроли йўқ (Ҳасан аканинг тўппончаси билан иш битармиди), унинг устига не кайфиятда ўтиришувди. Ширин суҳбат, орзу-хаёллар, мазали таом, хушбуй «Самарқанд» коньяги — ҳаммаси жой-жойида қолди.

Баҳор момақалдировидек ҳаммаёқни алров-далров қилиб кетган отишма тинди. Улар оҳиста, бемажол ўринларига ўтиришди. Фақат Санъатжон тинмайди, деразадан қараб онда-сонда узоқ-узоқлардан чарақлаб кетадиган ёруғни қўли билан кўрсатиб, «Ана, дада, яна отди. Ура-эй, бизникилар енгди», деб қичқирарди.

Булар эса жим. Худди яқин кишилари қазо қилгандек, бошларини қуйи солиб хаёлга толишган. Санъатжон ҳайқириқларигаям биронтаси эътибор бермайди.

— Ана шунақа, — деди Ҳасан ака оғир тин олиб. — Кўрдингизми. Темирбек, шу аҳволда ишлаб, шу хавотирда яшайпмиз. Бунақа ҳодиса деярли ҳар ҳафта, баъзан ҳар куни рўй бериб туради. Шундай пайтда «Афғонистонга мўмай пул ишлагани, машина олгани борадилар», дейдиган одамларни ўйлайман. Шулар лоақал бир мартагина шу тўполонни кўришса, балки бу ерда ишлаш улар ўйлаганчалик осон эмаслигини пайқашармиди... Ҳай, майли, ким нима деб ўйласа ўйлайверсин. Қани, Темирбек, овқатга қаранг. Совуб қолди. Ярамаслар ҳеч курса овқатланиб бўлганимиздан кейин бошламайдими. Кайф ҳам тарқаб кетди-я, — деди кулиб, қадахларга коньяк қуяркан.

— Энди мен турай, Ҳасан ака. Вақт бўп қолди. Кечиксам Куйбишев уришади.

Ҳасан ака ялт этиб Темирга қаради.

— Куйбишев? Ўшами командирингиз? Чирчиқлик-а?

— Ҳа.

— Ҳе. Унда парво қилманг. У мени жўрам. Тошкентда танишганмиз. Ажойиб йигит. Боядан бери шуни айтмайсизми, бемалол ўтираверинг. Ўзим бирга олиб бораман, индамайди.

— Барибир ноқулай-да, ҳарбий интизом бор.

— Интизомни қўяверинг. Ҳар куни меҳмондорчиликка бориб юрибсизми? Қани олинг, ишқилиб бошимиз омон бўлсин. Оббо, Куйбишев-эй, ҳозир шу ерда денг. Уни анчадан бери йўқотиб қўйган эдим.

Анча ўтиришди.

Темирнинг қистови билан соат тўққиз яримда турдилар. Ҳасан ака уни кузатиб қўйди. Қисмгача ўн минутлик йўл экан.

Ҳасан ака Куйбишевни топиб, Темир номидан уэр сўради.

— Сен келмаганингда бунга бир сутка гулбах бермоқчи эдим, — деди Куйбишев кулиб.

— Темир бизникини кўриб олди, энди бирга боринглар, хўпми. Албатта кутаман.

Ҳасан ака айтгандай бўлмади, Кобулдан қайтиб кетишгунча бошқа учрашмадилар. Темир бир-икки Куйбишевга эслатишни хаёлига келтирди-ю, турли мулоҳазаларга бориб индамади.

Уйига бошқа боролмагани-ку майли-я, Ҳасан аканинг адресини олмаганига афсусланди.

III

Тазунга — ўз қисмига қайтиб, Темирнинг ҳафсаласи пир бўлди. Носиржон йўқ, бошқа қисмга кетипти. Бошқа йигитлар кепти. «Яна Новчага Худо берипти-да, — деб ўйлади Темир. — Буларни яна эзарканда, ярамас».

— Темир, — деди бир куни Новча, — ёш солдатлардан икки-учтасини олсанг. Бир қовун об келайлик. Пишган бўлиши керак.

— Қаердан оласан?

— Полизда тиқилиб ётипти.

— Сенга бераман деб ўтириптимми?

— Бермай нима қилади. Биз улар учун қон кечиб юрибмиз, иккита қовун бермайдими? Бермаса тортиб оламиз.

Темирнинг жаҳли чиқди. Қон кечиб юрган бўлса деҳқоннинг айби нима? Охири кўринмайдиган уруш

жонига тегиб кетгандир. Ҳаммадан ҳам ўшаларга қийин. Улар учун урушним, инқилобним кераги йўқ. Фақат ер, сув керак. Бечора деҳқон, ҳамма жойда уларга оғир экан-да.

— Кетдикми? — деди Новча. Темирнинг хаёли бўлинди. — Мунча ўйланиб қолдинг. Ёки шеър кеп қолдимми?

Шеър эмиш... Шу ҳолатда, шу кайфиятда, шу шароитда юракка шеър сиварканми? Ўйинчоқ экан-да сенга.

— Ўғирлик қилиш мумкин эмас, биласан-ку, ўзинг. Волков нима деди, ёдингдами?

Баъзи енгилтак йигитлар қўй-эчки ўғирлаб сўйишар, бунни билиб қолишса аяшмасди.

Бир аскар қўй ўғирлаётганда эгаси ушлаб опти. Уни уриб, калтаклаб қўя қолмапти, ҳаммаёғига пичоқ санчиб, нимта-нимта қилиб ташлапти. Буям етмагандай, уни қисм олдига келтириб ташлаб кетипти. Кейинчалик маълум бўлишича, унинг шериклариям бор экан, улар бир амаллаб қочишган, командирдан қўрқиб, бўлган гапни яширишган экан ўшанда. Қачон, қай пайтда олиб келган — ҳеч ким билмайди. Шўрликнинг боши бир тарафда, оёғи бир томонда, қўллари бир томонда. Қараб бўлмайди. Янги келган йигитлар уни кўриб, қўрқиб кетдилар. Бир бола тўрт-беш кунгача ўзига келолмай юрди. Шундан кейин Волков жангчиларни йигди-да: «Афғонлар ҳамма нарсани кечириши мумкин, аммо ўғирликни сира кечиришмайди, шунинг учун ҳеч нарсасига тегманглар. Шусиз ҳам сизу бизни ўлдиришга қулай имконият пойлаб юришади... Жонларингга жабр қилманглар, йигитлар», деб қаттиқ тайинлади. Ҳозир Темир шу воқеани эслади.

— Э, у аҳмоқ қўй ўғирлаган, — деди Новча. — Бизга қўй нима керак? Бир-иккита қовун тилла бўптими? Сўрасак берар...

Охири, Темир кўниб, йигитлардан иккитасини эргаштирди. Ҳаммаси автоматини елкасига осиб олди. Билиб бўладими.

Полиз бошига боришганда кичкина қапа кўринди; ичида икки йигит ўтирарди. Буларни кўриб, ошиқиб чиқишди. Елкаларига милтиқ осиб олган, кўринишдан баджаҳд, соқол-мўйлови ўсиб кетган, кўкраги тўла жун.

— Сен гапир, — деди Новча Темирга, — тилига тушунасан.

— Э, қаёқда тушунаман...

Унгача бояги йигитлар пешвоз келди. Кўзлари чўғдай ёнади. Темир бу кўзларда нафрат туйғуларини кўрди. Шу боис бир дам шошиб, гангиб қолди.

— Ассалому алайкум, — деди кейин.

— Ваалайкум ассалом.

Йигитнинг талаффузи ўзбекчага ўхшаб кетди. Булар ўзбек экан чоғи, деб ўйланиб турувди, ҳалиги йигит:

— Хуш кебсизлар, нима хизмат? — деди соф ўзбек тилида.

Темирга эргашиб келган ўзбек йигитлари анграйиб қолишди. «Демак, ўзбек экан-да». Темир шу ўй билан бемалол сўз қотди:

— Ҳорманглар, оғайнилар...

Бояги йигит гапни чўрт кесди:

— Нимага келдиларинг бу ерга?

Темир яна довдираб қолди. Новча эса илжайди, иш осонроқ пишади, деб ўйлади шекилли, «Яна тилига тушунмайман, дейсан-а», деди Темирга.

— Ўзбекмисизлар? — деб сўради Темир.

— Ҳа, гапинг борми, гапир.

Йигит гапни чўзишни ёқтирмаётгани, буларнинг бу ерга келганини хуш кўрмаётгани сезилиб турарди.

— Менам, манавилар ҳам ўзбекмиз...

— Ҳамманг бир гўрсан, сенам, анавиларам — баринг шўравийсан. Нимага бошимизга қурол кўтариб келасанлар?

— Сизларга эмас, йўлда душман чиқиб қолмасин деб, ҳар эҳтимолга қарши олганмиз буни.

Йигит бурнини жийирди, жаҳли чиққанидан кўзлари ўйнаб кетди.

— Ким душман? Кимга душман? Сен душман! Манавилар душман! Бировнинг юртига бостириб кирган одам душманми ё юртини босқинчилардан мудофаа қилмоққа отланган киши душманми? Ҳаммаёқни ёрат қилдиларинг, шаҳару қишлоқлар кули кўкка совурилди. Ким қилди шуларни? Сизлар?

— Ке, қўй, оғайни шу гапларди, — деди Темир мавзуни ўзгартирмоқчи бўлиб. — Ростини айтсам, юртимдан чиққанимга бир йилдан ошди. Қовунни жуда соғиндим. Мумкин бўлса иккитагина беринглар. Шу илтимос билан келувдик.

Йигит бирибир паст тушмади, Темирнинг йўлига юрмади. Аламини тўкиб сола бошлади.

— Наҳотки гўдакларга, қарияларга қарата ўқ отаётганингда қўлинг қалтирамаса?

Энди Темирнинг ҳам жаҳли чикди.

— Қачон мен болага ўқ отганимни кўрдинг?

— Сен отмасанг у отади, бошқаси отади. Отиб келяпсанлар-ку ахир. Сенам сўфимасдирсан. Ҳамманг қотилсан. Яна тиржайиб юраверасанлар.

— Менга қара, — деди Темир астойдил. — Бу ерга менам, буларам ўз ихтиёри билан келгани йўқ.

— Демак, қул экансан.

Темирнинг сабр-қосаси тошди. Бу ёғига ўзини идора қилолмай қолди.

— Ҳай, менга қара, мунча кўп ақл ўргатдинг. Сени олдинга одам деб иккита қовун сўраб келдик тўрт бирдай одам. Айбимиз шуми? Бермасанг берма! — Шундай деб, йигитларга қаради: — Кетдик! Э, қовуни бошини есин. Яна буларни ўзбек деб андиша қилиб ўтирибман-а.

— Бўлмаса отиб ташлармидинг? Сени қўлингдан келадигани шу! Ақли йўқ одам кучига зўр беради.

Темир шарт изига бурилди. Орқасидан йигитлар ҳам эргашди. Гап оҳангидан аҳвол мураккаблигини сезиб турган Новча воқеа бундай тус олиб кетишини кутмаган, Темир қовун олмай орқасига қайтганидан ҳайрон эди.

— Нима гап, Темир? — деди Новча.

Темир жаҳл билан қўл силтади-да, йўлида давом этди. Новча югуриб келиб, йўлини тўсди.

— Шу икки мишиқидан кўрқиб индамай кетаверамизми?

Темир қулоқ солмади.

— Қовун емасанг ўлиб қоласанми? Бор, олсанг олавер, лекин мен қайтмайман орқамга.

Шундай деб, Новчанинг қўлини силтаб ташлади. Новча бир зум қаққайиб қолди. Сўнг жаҳл билан сўкинди:

— Отиб ташлайман ҳозир икковиниям.

Темир шарт ўтирилди:

— Эсингни едингми?

— Алам қилмайдими, биз буларни деб қон кечиб юрибмизу иккита қовун бергиси келмайди. Ҳаммасини қириб ташлайман.

Новча қутурган каби полиз томонга югурди. Пуштада дарё тошидай дўнграйиб ётган қовун-тарвузларни тепа кетди. Оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Жаҳли қўзиганидан, бир томони кун иссиқ, Новча қипқизариб кетди.

— Новча, эсингни йиғ!

Темир ҳали гапини тутатмовдиямки, ўқ овози гумбирлади. Новча қовун пуштасига бўйи баравар учиб тушди. Боя Темир билан баҳслашган йигит Новчага термилиб турар, милтиғи милидан тарам-тарам тутун чиқарди. У атайлаб қилдими ёки шошганидан мўлжали нотўғри кетдими, ҳарқалай ўқ Новчанинг оёғига теккан эди. Темир уларга қаради. Иккала йигит энди Темирга ва унинг орқасида турган аскарларга ўтирилди. Темирнинг юраги шувиллаб кетди.

— Ўзларингни босинглар, биродарлар...

Шу маҳал автоматнинг қаҳрли тарилагани сукунатни бузди. Ҳалиги икки йигит баравар йиқилди. Темир Новчага қаради. У ётган жойидан бор кучи билан автомат тепкисини босарди. Ана-мана дегунча магазиндаги барча ўқи тамом бўлди. Темир гангиб қолди, ёнидаги аскарлар эса таёқдек қотган, нима қилишни, қаёққа қочишни билмасди. Шу маҳал яна ўқ овози гумбирлади. Кўкрагини кўтариб турган Новча шилқ этиб йиқилди. Ярадор йигитлардан қайси биридир охирги кучини тўплаб, Новчани мўлжалга олган эди.

Бу воқеалар бир зумда кечди. Аммо юракларни ўртаб кетди. Атиги бир неча дақиқада учта ўлим: улар ким, қайси миллатдан бўлишидан қатъий назар, алам қилади одамга. Учовиям одам ўлдиришга ишқибоз йигитлар эмас аслида. Лекин вазият уларни қотиллик қилишга мажбур этди. Дилларидаги орзулари, ниятларини ўзлари билан ола кетишди. Эҳ, уруш, уруш...

Темир катта бир кесакка ўтирган кўйи, бошини кафтлари орасига олиб, оғир ўйланиб қолди. Бу нима деган гап ахир. Бу аҳволда охири нима бўлади? Ҳар икки томондан одам қирилиб кетаверса... Миясини турли фикрлар, қарама-қарши ўйлар пармалай бошлади. У гўё ёнидаги йигитларниям унутган эди. Қайси бири-

дир: «Темир ака, нима қиламиз энди?» — деганидан кейингина улар эсига тушди...

Узоқ ўтирди Темир. Мияси ғовлаб кетди. Нималарнидир ўйлар, аммо нимани ўйлаётганини ўзиям билмас, идрок қилолмас эди.

Кун пешиндан оғди, ҳаво иссиқ, ҳамон куйдиради. Қайдадир тўрғай бўзлади. Хаёли бўлинди. Бошини кўтарди. Фуборларни тўкиб ташлайдигандек, бошини қаттиқ силкиди. Чиндан ҳам сал кўзи очилиб, фикри тиниқлашгандай туюлди. Оғир тин олиб ўрнидан турди. Бўғинлари қисирлаб кетди. Туриши билан полизда ётган Новчанинг мурдасига кўзи тушди. Беихтиёр қапа томонга қаради. У ерда ҳам иккита мурда, иккита ўзбек йигитининг мурдаси...

Олтинчи боб

I

Телепатия деган нарса бор. Ҳарқалай Темир ишонади бунга. Жуда кўп дуч келган, ўз ҳаётида синаб кўрган.

Бутун ҳам шундай бўлди.

Тонгда тушига Гавҳар кирибди. У билан қайсидир соя-салқин боғда музқаймоқ еб ўтирган эмиш. Гавҳар музқаймоқни чўчиб-чўчиб, эҳтиёт бўлиб ермиш. Яқинда томоғи оғриган экан, шу қайталаб қолмасин, деган хавотирдамиш. Темир қистармиш. Бир миршаб келиб, пўписа қила кетипти: «Нимага бу ерда морозний еб ўтирипсанлар?» Темир билан Гавҳар ҳайрон қолти. «Нима ишингиз бор? Ўтирамиз-да», «Бу ерда... мумкин эмас!» «Ие, нега энди. Ахир ҳамма еяпти-ку!..»

Туш ғалати нарса-да, бирдан бояги соя-салқин жойдан пахтазорга ўтиб қолишипти. Пахта тераётган эмишу, Гавҳарнинг қўлида музқаймоқ бормиш.

Хуллас, айқаш-уйқаш туш.

Темир уйғониб, кўрган тушини ўйлаб ётди. «Сентябрнинг ҳам ярми ўтди. Эҳтимол студентлар пахтага чиқиб кетишгандир». Шу топда Темир пахтазорда бўп қолгиси келди. Ўртоқлари билан ҳазил-ҳузиллар, таллашиб-тортишишлар, кечқурунги ўйин-кулгилар... Қанчалар завқли... Вақтида ўшаларниям қадрламаймиз. Пахтасиям жонга тегди деб, эртаю кеч нолиймиз... Гавҳар ҳам пахтададир. Ишқилиб, ҳеч ким хафа қилма-

яптимикан уни? Ким кўп, шилқим йигит кўп. Терим пайтида не-не ишлар бўп кетмайди. Бечора қизлар. Уларнинг тақдири кўпинча пахта билан боғланиб кетгани фалати...

— Подём!

Дўриллаган овоз Темир хаёлини мушук панжасига тушган бедана патидай тўзғитиб юборди. Сакраб турди...

Нонушгадан қайтаётганда алоқачиларга тегишли хонага кирди. Столда беш-олтита хат ётарди. Темир уларни бирма-бир кўздан кечирди. Таниш дастхатга нигоҳи тушиб севиниб кетди. Гавҳардан!

Хатни очиб, шу жойнинг ўзида тик турганча ўқий бошлади.

«Ассалому алайкум Темир ака!

Ишонсангиз сира ҳаловатим йўқ. Эртаю кеч сизни ўйлайман. Тинч, эсон-омон юрибсизми? Жанглардан йироқмисиз ишқилиб? Ўзингизни эҳтиёт қилинг, жон ака.

Мен яхшиман. Ўқишни бошладик. Қизларнинг айтишича, яна беш-олти кундан кейин пахтага кетармишимиз. Аммо мен бормайман. Биласиз, томоғим тез-тез оғриб туради. Дўхтир билан гаплашдим, ангинамни олдирмоқчиман. Бўлмаса юрагимга таъсир қилармиш. Сал қийналсам ҳам қутулай шундан. Баҳонада пахтадан қоламан. Курсдошларимиз жўнаб кетиши билан касалхонага ётаман...

Негадир кейинги пайтда кам ёзадиган бўп қолдингиз. Мен эса ҳар кун сиздан мактуб кутаман.

Темир ака, сиздан яна илтимос, аввало Худо асрасин, лекин ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг. Нимагадир дилим раш, қаттиқ хавотирдаман...

Сизни соғиниб қолувчи Гавҳар».

Дарров хат ёзилган кунга қаради. Ўн кун бўпти. Демак, Гавҳар касалхонада. Операция қилдимикан? Яхши ўтдимикан? Шундай нияти бор экан, олдинроқ ёзмайдими, Робия опага учрашинг менинг номимдан, деб маслаҳат берарди. Ҳарқалай тажрибали, қўли енгил опанинг... Майли, шифо берсин. Бир жиҳати яхши бўпти, биратўла қутулиб олади.

Бугун у бўш. Казармага кирди. Бироз ётгиси келди.

Каравотга чўзилиб хаёлга берилди. Яхшиям хаёл бор... Қовун воқеасидан бери янаям ўйчан бўлиб қол-

ган. Қарийб бир ой ўтган эсада, ҳеч ёдидан чиқаролмайди, ўйлайверади, ўйлайверади. Ҳозир ҳам хаёли айланиб-айланиб шу воқеага келди. Ўзи билан тортишган йигитнинг фикрлари миясидан сира чиқмайди. «Бировнинг юртига бостириб кирган одам душманми ёки юртини мудофаа қилишга отланган киши душманми?» Ҳақиқатни бўяб кўрсатиш осон экан...

Кўпдан бери қалам ушламай қўйган эди. Негадир ҳозир шеър ёзгиси келди. Қоғоз-қалам олиб машқ қила бошлади. Қоғозга термилиб узоқ ўтирди. Сўнг нималарнидир ёзди, нималарнидир ўчирди, қайта кўчирди. Аммо барибир кўнгли тўлмади.

Серёжа хаёлини бўлди.

— Нима қияпсан, Темир? Ҳа, хат ёзаяпсанми? Қизингтами?

Темир унга юзланди.

— Нима дейсан?

— Юр, бир айланиб келамиз. Ҳаво жуда яхши.

Темир Серёжани ҳурмат қилади. Бошқаларга ўхшамаган одатлари бор. Шу боис таклифини рад этолмади.

— Қўймадинг қўймадинг-да, — деди қоғоз-қаламини йиғиштириб. — Бир нарса хаёлимга келувди, шунини шеърга солмоқчи эдим.

— Шунини айтмайсанми, мен бошқача ўйлапман. Майли бўлмаса, ёзавер унда.

Темир кийина бошлади.

— Бўлди энди, фикр қочиб кетди.

Уларга Андрей деган йигит ҳам қўшилди. Андрей кейинги чақириқда келган бу ерга. Шароитга тез кўникди: анча дадил, ҳеч нарсадан қўрқмайди. Ҳаракатлари, гап-сўзларидан безори, қиморбоз бўлганга ўхшайди. Унда-мунда командирдан яшириб наша чекади. Дастлаб Новча Андрейнинг ғашига тега бошлади. Носиржондай унга ҳам ҳар хил ишлар буюрди. Лекин Андрей қилмади. Новча урмоқчи бўлганда у ҳам хезланди. Иккови роса муштлашди. Пишиб кетган экан чоғи, Новча калтаклари таъсир этмади. Новча ҳеч кимдан шунча кўп калтак емаган бўлса керак. Кўринишдан ихчам, чуваккина Андрей унча-мунча каратэ сирларидан ҳам хабардор экан. Шу-шу Новча унга бошқа иш буюрмади. Андрей эса мавқеини тиклаб олди.

Очиғи, ҳозир Темир уни кўриб гашланди. Чунки у галва чиқармай юрмайди. Тўполондан Темирнинг юраги безиллаб қолган.

Бу фикрини Серёжага айтолмади. Орқага қайтишни эса эп кўрмади. Йигит одамга ярашмайди.

Учови елкасига автоматини осиб (бу ерда қуролсиз юриш хавфли) қишлоққа йўл олди. Мақсад — дўконларни айланиб, у-бу нарса харид қилиш. Темир ойига ўн тўрт сўмлик чек олади, Серёжа билан Андрей тўққиз сўмдан. Шу важдан ҳозир ораларида «бойи» Темир. Буни улар ҳам биладилар.

— Яхшироқ нарса учраб қолса чекимиз етмаса қарз бериб турасан-да, Темир, — деди Серёжа.

— Бўпти, гап йўқ.

— Қишлоқ ҳувилаб ётипти. Кўп уйлар вайрон. Айтишларича, икки йил олдин бу қишлоқ қаттиқ жангда қолиб, артиллериядан ўққа тугилган экан. Натижада ярми тамоман йўқолиб кетган. Шундан бери одамлари асабий — шўровийларни ёқтирмаслигини яширмайдилар.

Бир неча дўконларга кирдилар. Тузукроқ нарса йўқ, борлари қиммат.

— Булар атайлаб бизга баланд айтади нархини, — деди Андрей сўкиниб.

— Ўзининг моли, хоҳлаган нархида сотади-да.

Серёжанинг бу гапи Андрейга ботмади. Бир ўқрайиб қараб қўйди.

Тарвузлари қўлтиғидан тушиб, қишлоқдан чиқишди. Кимларгадир совғалар олишни мўлжал қилишганди-да. Бир чақиримча наридан катта асфальт йўл ўтади. Шу йўлдан кийим-кечак ортган юк машиналари қатнайди. Буни аскарлар яхши биладилар. Ҳатто баъзилари тунда чиқиб, машиналарни тўхтатиб, кийим-кечаклар олишган. Туя жунидан тўқилган свитер, Хитой, Покистон ва бошқа мамлакатларда чиққан турли кийимлар...

Андрей таклифи билан ўша томонга жўнашди. Узоқда бир юк машинаси пайдо бўлди. Буларга қарама-қарши — Ҳайратон томондан келмоқда. Нимадир юкланган, усти брезент билан ёпилиб, арқон тортилган.

— Шунини тўхтатамиз, — деди Андрей.

Машина яқинлашгач, у қўл кўтарди. Ҳайдовчи ёлғиз ўзи экан, қўрқди шекилли, тўхташ ўрнига баттар

тезликни оширди. Бундан Андрейнинг ғазаби қўзиди. Машина олдидан шувиллаб ўтиб кетиши билан орқасидан ўқ узди. Баллон қарс этиб кетди-ю, машина бир томонга оғиб, ўн метрча судралиб борди-да, тўхтади.

— Нега бундай қилдинг, Андрей? — деди Темир.

— Нимага тўхтамайди?!

— Мажбурми тўхташга? Истамаса тўхтамайди-да.

— Унда жазоси шу.

Серёжа ҳам Темирнинг гапини маъқуллади.

— Икковингам фирт аҳмоқ экансан, — деди Андрей ҳафсаласизлик билан.

— Қароқчилик қилгани келганимиз йўқ-ху бу ерга, — Серёжанинг жаҳли чиқди.

— Бўлди, — Андрей унга қараб қўл силтади. — Кўп политика суқаверма.

Андрей югуриб бориб, кабинани очди. Ҳайдовчи бошини рулга қўйиб жим ўтирарди. Эшик очилиши билан чўчиб тушди. Ранги оқариб кетган, қўллари дағдағ титрайди.

— Нима бор машинангда? — деб пўписа оҳангида сўради Андрей.

Ҳайдовчи гапига тушунмади шекилли, елка қисди.

Андрей эпчил машина устига чиқди. Чўнтагидан пичоқни олиб брезентни шарт-шарт кесди. Тойланган пахта босилган экан. Андрей ҳафсаласи пир бўлиб тушди пастга.

— Сени юртингдан келяпти чоғи, — деди Темирга. — Машинаям ўзимизники-ку. — Сўнг ҳайдовчига бақирди: — Ҳайда! Йўқол кўзимдан, аҳмоқ. Тузукроқ нарсa ортсанг ўласанми?!.

Серёжа ҳазиллашди:

— Уч қароқчи йўл тўсишини билганида «Адидас» костюмлар, жинси шимлар ортардику-я. Бу аҳмоқ билмаган-да!

Яна йўлда давом этдилар.

Улар анча узоқлашгандан кейингина ҳайдовчи ўзига келиб, кабинадан тушди. Кўтаргични олиб, баллонини алмаштиришга тутинди.

— Кетдик, энди, оғайнилар, — деди Темир.

Серёжа ҳам қўшилди. Аммо Андрей ғазабдан тушмас, овга чиқиб ҳеч нарсa отолмай қайтаётган овчидай тажанг эди. Нимадир олиб кетишни истарди.

Орқадан ғувиллаш эшитилди. Енгил машина келарди. Яна Андрей қўл кўтарди.

— Буни нима қиласан тўхтатиб?

Бу ҳам тўхтамади. Андрей бунга ҳам ўқ узди. Ичида ўтирганлардан бири бақириб юборди. Темир билан Серёжа югурди. Бирови эшикни очди. Орқа ўриндиқда ўтирган аёлга ўқ теккан, оғзидан қон оқиб ётар, ҳайдовчи, — эри бўлса керак, — уввос солиб йиғларди. Бу ҳол Темирни қутуртириб юборди. Бамайлихотир келаётган Андрейнинг елкасига автомат қўндоғи билан туширганини ўзиям сезмай қолди. Кутилмаган зарбадан Андрей шилқ этиб асфальтга йиқилди.

— Нима қилдинг? — деди Серёжа. — Ўлдириб қўясан-ку.

Темир ҳамон ўзини босолмас, лаблари пирпираб учар, қўли қалтирар эди.

— Ўлдираман! Ўлдираман бу ярамасни. Бу нима қилиқ ахир. Қара ўзинг, Серёжа. Аёл шўрликнинг айби нима?

У Андрейни яна урмоқчи эди, Серёжа қўлини ушлаб қолди. Темир чидаёлмай, асфальтга ўтириб, хўнграб юборди. Худди ўзининг жигари ўлгандай хўнграб-хўнграб йиғлади.

Серёжа гангиб қолди. На Темирни овутишни биларди, на Андрейга қарашни...

Бироздан сўнг Андрей инграб, ўрнидан қўзғалди. Темирни қидирди, чамаси уни уришни мўлжаллар, бирок мадори етмас эди.

Серёжа келиб уни кўтарди. Андрей автоматини судраб, бир-бир босди. Ҳали қуввати йўқлиги кўриниб турарди. Серёжа автоматни юлиб олди. Кейин Темирнинг ёнига борди.

— Тур ўрнингдан, кетамиз, — деди елкасидан туртиб.

Темир унинг қўлини силтаб ташлади:

— Йўқол! Қўй мени ўз ҳолимга!..

Темир ўзини йиғидан тиёлмас, у ёқда афғоннинг фарёди тинмас эди. Афғон йиғи аралаш «Шўрави, шўрави» дея сўкинарди. Машинасининг орқа ва олд ойналари чил-чил синиб, ер билан битта бўлиб ётарди.

Серёжанинг боши қотди. «Қаерданам Андрейга юр дедим», деб ўзини-ўзи койирди.

Ниҳоят, Темир ўзини қўлга олди. Базўр жойидан турди. У афғонга кўмак беришни ўйлар, аммо бунга ожиз — вақт ўтган эди...

II

Эрталаб хабар тарқалди: яна жангга кирилар экан...

Пешинга бориб миш-миш ростта айланди.

Жангчилар БТР, БМПларга ўтирдилар. Жўнаш ҳақида команда бўлди. Қаерга, неча кунга, қанақа жанг? — ҳеч ким билмайди. Аниқ манзилга, аниқ топшириқ билан кетишгани тузук экан, ҳар қалай шунга руҳан ҳозирлик кўришади. Аммо бутунгиси негадир ўта сирли. Офицерлар қовоғи очилмайди, аслида улар унча-мунча жангни писанд этмас, кайфиятида мутлақо ўзгариш сезилмасди. Демак, жиддий жанг бўлиши керак.

Темир бу сафар Серёжа билан битта машинага тушди. У ойнақдан атрофга разм солиб бормоқда. Нотаниш жойлар. Бир неча қишлоқ, қир-адир орқада қолди. Яйловларда туялар, қора моллар, қўй-эчкилар. Нимаси биландир қишлоғини эслатади. Қишлоғида ҳам мана шундай куз кунлари тоғ этагидаги лалми ерларда моллар эринибгина қуриган хашакларни тергилаб юради. Бундай пайтда кўпчилик бедана овига чиқади. Ҳаво булут аралаш ғуборли бўлиб турган кунлари бедананинг рави келади. Беданавозларга Худо беради. Йигирма-ўттизталаб ушлашади бир кунда.

Бу ерларда ҳам бедана кўп бўлса керак, деб ўйлаб борарди Темир. Тўплар гумбирлаши, дам-бадам отилган ўқлар уларнинг ҳам инини бузганди. Уруш на одамларга, на ҳайвонларга, на қушларга ором беради.

Зимдан Серёжага қаради. Ҳозир балки у ҳам ўзининг қишлоғини, Рязань далаларини кўз олдига келтириб бораёттандир. Яхшиям шу бор, бундан бўлак сал очилиб-сочилиб гаплашадиган одами йўқ. Носиржон сал-пал ҳангома бериб турарди, уни ҳам қаёқадир олиб кетишди. Азим билан Жўрақул қайдалигини билмайди. Тани-жонлари соғмикан? Бир мамлакатда бир хил вазифани бажариб юрсангу бир-бирингни адресингни билмасанг, жуда ғалати-да. Азимнинг романтиклиги, устига қизиққонлиги ёдига тушди. Ишқилиб соғ бўлса бас. Жўрақул, бечора жуда мўмин-қобил-да. «Қария»лардан роса калтак егандир. Бировнинг га-

лини икки қилиб ўрганмаган бола бу азобларга қандай чидаяпти экан. Новчага ўхшаган аблахлар ҳамма қисмда топилади... Ҳай, майли, калтак есаям, жони соғ бўлсин. Ўлмай уйига борса бўлди...

Қош қорайганда кенгина майдонга етиб келишди. Машиналар маълум чизиқ бўйича ипга тортилгандай тизилиб турибди. Икки томон қуюқ дарахтзор, рўпарада тоғ кўринади. Этақда қишлоқ элас-элас кўзга ташланади. Маълум бўлишича, ўша қишлоқда, унинг атрофларида босмачилар тўдаси ўрнашган экан. Улар ҳаддан ташқари кўп эмиш. Барча йўллар ҳар қаричигача миналаштирилган. Шу боис қишлоққа яқин кириш қийин. Машиналар панасига, иложи борица кўринмайдиган жойларга ўтиш буюрилди. Жангчилар ўзларини пана-панага олдилар.

Орадан кўп ўтмади, атрофга шом пардаси ёйилди. Шунда қишлоқ томонда гумбурлаган овозлар эшитилди. Бу овоз кетма-кет давом этди. Артиллерия қишлоқни тўпга тутаетган эди. Шу маҳал кутилмаган ҳужум бошланиб қолди. Ердан чикдими, осмондан тушди-ми — душман бостириб кела бошлади. Дарахтзорда пистирмачилар яширинган экан.

— Олга!

Шиддатли жанг қўпди. Атрофни қий-чув, тўс-тўполон тутди. Машиналардагиларни ипга солиш қийин — ўзимизники билан душманни ажратиб бўлмас, ҳаммаси қоришиб кетган эди. Душман буларга томон бостириб келаётганини ҳам, қочиб кетаётганини ҳам англаш қийин. Тўсатдан «ура!» товушлари янгради.

Дарахтзор орқа томонида ҳам шўро жангчилари ўрнашган, душман ўраб олинган экан. Артиллерия қишлоқни тинчиттандан кейин икки томондан ҳужум бошланиши режалаштирилган, буни пайқаб қолган душман олдинроқ отини қамчилаган экан...

Жанг бир соатча давом этди. Беҳисоб одам қирилди.

Жасадларни ажратиш, ким ўлди, ким қолди — билиш қийин... Салдан сўнг ҳалок бўлган жангчиларни машиналарга орта бошладилар.

Темир бунақа қирғинни — одам боласи чумоли мисоли хор бўлганини кўрмаган эди. Ўқлар шанғиллаши, жангчилар қий-чуvidан қулоғи гарангсиб, нима бўлаётганини идрок этиши оғирлашиб қолган эди.

Ана шу аҳволда Темир ҳам ўлганларни, ярадор жангчиларни таший бошлади.

Ё алҳазар!

Темир бир мурдани қўлидан ушлаб тортувди, кўзи оқарган бетига тушди. Юраги увишиб, жойида тўхтаб қолди. У бунга ишонмасди. Наҳотки, рост бўлса? Афсуски, кўзлари адашмаган эди. Оғзи-бурнидан қон оқиб ётган Азим эди.

Бечора, раҳматли Азим! Қандай далли-ғулли йигит эди. Армиядан қайтсам катта тўй қиламан, тўйимга Шерали Жўраевни олиб келаман, деб юрарди шўрлик!

Темир унинг ёнига ўтириб қолди. Ким ўлдирди уни? Ким учун ўлди у? У ҳозир бошқа ҳеч нарсани ўйлай олмас, кўрмас, эшитмас, қарахт эди. Йиғлай дейди, йиғлаёлмайди, на товуши чиқади, на кўзларига ёш келади. Мутлақо бегона — бир афғон аёли ўлиги устида уввос солиб йиғлаган одам жонажон жўраси ўлганда йиғлаёлмас-я. Э, Худо, бу не кўргулик, не жазо бу?

Уруш барибир уруш! Одам ҳар қанча кўнгилчан бўлмасин, аста-секин лоқайдлашиб, ўлимни оддий бир ҳодиса сифатида қабул қиладиган бағритош бўлиб бораверар экан. Бошқа на илож? Дўсти тепасида аза очиб ўтиришнинг имкони йўқ!

Темир Азимнинг мурдасини елкасига олиб, машинага элди. Ана шундагина ичидан қаттиқ, жуда қаттиқ ўкирик келиб, вулқондай отилиб чикди. Ҳўнграб юборди, кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди. Уни бу аҳволда кўрган бир офицер сўка кетди:

— Қанақа солдатсан, аҳмоқ! Қиз болага ўхшаб йиғлаб ўтирипсан. Бас қил!

Темир ўзини қўлга олишга интилиб:

— Ўртоғим эди! Бирга ўқир эдик... — деди.

Офицер пинагиниям бузмади.

— Нима қипти ўртоғинг бўлса... Гапини қаранглар...

Балки офицер ҳақдир. Йиғлаган билан не наф? Уруш-да бу... Аммо одам темир эмас-ку. Йиғлаш, кўнглини бўшатишга ҳаққи борми, йўқми? Ҳеч бўлмаса шундай қилиб енгил тортиши мумкин-ку.

Нега энди унинг устидан кулиш керак?

Темир индамай, бир чеккага ўтиб, дўппайиб турган тошга ўтирди. Миясига лоп этиб Жўрақул урил-

ди. У бечора қаерда экан? Азим билан бирга кетувди чоғи. Ҳаётмикан ишқилиб? Уларнинг қисмийам шу атрофда бўлса керак. Манави жангга келишипти-ку.

У ҳозир Жўрақулни жудаям кўргиси келди. Мириқиб гаплашишни, ажрашиб кетишганидан бери ўтган воқеаларни сўрашни, студентлик чоғларидаги ҳангомаларни эслашни ич-ичидан истади. Яна кўп нарсаларни истади. Лекин хоҳиш осон, унинг рўёбга чиқиши эса ҳамиша ҳам осон эмас. Хусусан, мана бундай жангу жадаллар, қонгоҳ ичида истаган нарсанг амалга ошишини хаёл қилиш — такадан сут кутишдай бир гап.

Тунни улар шу ерда ўтказдилар. Кечаси ҳеч ким деярли ухламади. Беш-ўн дақиқа ўтирган жойларида мизғиб олишди, холос.

Нега бундай бўлаётганини жангчилар тугул, офицерлар ҳам билмасди, билса ҳам айтишмас эди. Жангчилар ўзларича, эртага кетамиз, деб тахмин қилишарди.

Одатда қишлоқ жойларда бундай кечаларда чигирткалар чирилайди, итлар акилайди, эшакнинг ҳанг-рагани эшитилади. Бу ерда бирон-бир сас-садо йўқ. Могу ҳол, қурт-қумурсқагача ё қирилиб кетган, ё инига кириб нафасини чиқармай пусиб ётипти. Тундаги жангдан нимаям омон қоларди. Чор-атрофда ўқлар ёмғири, гўё дарахтлардан ўқ отилаётгандай. Ҳалиям одам боласининг жони қаттиқ, бардоши кучли экан. Бу қонгоҳда ундан бўлак тирик мавжудот чидаши қийин. Ҳатто осмондаги юлдузлар ҳам пастдаги қирғин-баротдан чўчигандай пир-пир этади. Одамзодга қўйиб берса уларни ҳам тинч қўймасди, яхшики шунга қолганда қўли калта...

Темир юлдузларга термилиб шуларни ўйлади. Ўйлагани сари фикри чувалашиб кетаверади, кетаверади, охирига етолмайди.

Азонда олов из қолдириб снарядлар учди. «Яна бошланди». Темирнинг хаёлига келган фикр шу бўлди. Лекин нима учундир ҳамма жим. Снарядлар қишлоқ томонга учади. Ўша томонда бақириқлар эшитилади. Жангчилар уйғоқ, сергак. Аммо бу тўполон тезда тинди.

Қоронғида билинмаган экан, тонг ёришгач аскарлар бир-бирини танимай қолдилар: қош-киприклари, юз-кўзларини сариқ тупроқ қоплаган. Болалик йил-

лари эсига тушди Темирнинг. Қишлоқнинг сертупроқ кўчаларида ўйнашганида шундай аҳволга тушишар эди...

Машиналар овози тутди ҳар ённи. Улар занжир ҳалқалари каби тизилиб тоғ тарафга — қишлоқ сари йўл олдилар. Темир йўл-йўлакай далаларни, дарахтзорларни кузатиб боради. Ҳамма жой куйган, дарахтлар ёниб кетган, тутун ҳамон босилмаган.

Машиналар қишлоққа кириб тўхтади.

Қишлоқ... Номи қолган, холос. Тик турган уй йўқ ҳисоби, ҳаммаси вайронага айланган. Ҳар қадамда серсоқол кишилар, аёллар, болаларнинг мурдалари...

Ўн минутча шу ерда туришди. Машиналар атрофидан узоқлашишга ижозат йўқ.

Яна йўлга тушдилар. Энди тоғ этаги бўйлаб ўнг томонга юрдилар. Яна қишлоқ, яна ўликлар, куйган, ёнган, тутаган уйлар...

Темир ортиқ қарай олмади. Кўзларини юмди. Кўнгли айнаиди, боши айланди. Сир бой бермай, бошини ойнакнинг темир қирғоғига қўйиб олди. Аҳволини Серёжа сизди чоғи, аста туртди.

— Темир, сенга нима бўлди?

— Ҳеч нарса.

Тоби қочгани овозидан ҳам билинди. Серёжа унинг бошини кўтарди. Ранги бўздай оқариб кетган эди. Серёжа ташқи алоқа орқали ҳамшира кераклигини айтди. Машина тўхтади. Тиббий бўлинмадан врач етиб келди.

— Бизнинг машинага ўтказиш керак, — деди врач.

Серёжа Темирни суяб, тиббий бўлинма машинасига олиб борди. Врач ичкарига ётқизиб, укол қилди, дори берди. Салдан сўнг Темир ўзига келди. Аммо юрак уриши ҳамон безовта эди.

— Сен кетавер, — деди врач Серёжага, — бу шу ерда қолади.

Серёжа кетгандан кейин машина жилди. Темир чалқанча ётар, туришга рухсат беришмас, — аксинча врач дам-бадам томирини ушлаб кўриб, ҳамширага укол қилиш ёки дори беришни буюрарди. «Нима бўлди, дўхтир?» деган саволга «Ҳеч нарса, ваҳима қиладиган жойи йўқ, бироз чарчагансан, ўтиб кетади», дея врач хотиржам жавоб қилди.

У шу аҳволда ярим соатча ётди. Кейин ухлаб қолди...

III

Икки ҳафтадан бери Темир ҳарбий касалхонада. Асаби қаттиқ толиққан, бу юрагига таъсир этган экан, ҳар куни бир нечтадан укол олади, дори ичади. Ўзига ўхшаган йигитлар кўп, уларнинг аксарияти ярадор. Ўрнидан туролмай ётганлари қанча. Ҳар ким ўзи бошидан ўтказгани, кўргани, эшитганини гапиради. Душманининг аёвсизлиги, ўта шафқатсизлигидан нолийдилар. Инқилоб, озодлик охир-оқибат ризқ-насиба уларга керак, аммо бизнинг не-не гулдай навқирон йигитларимиз жувонмарг бўлиб кетаётгани афгонларнинг ҳаёлигаям келмайди. Йигирма ёшга етиб-етмаган ўсмирлар қандайдир мулоҳазакор, қаримсиқ, лоқайд бўлиб қолган, ҳаётдан кўнгли совиган, улар бу дунё ишларига қўл силтагани сезилиб туради. Кўнгли кўтарадиган, хуморни ёзадиган, дилларга нур берадиган гап йўқ. Маҳзунлик, тушкунлик... Эшитадиганлари Аҳмад Зоҳирнинг изтиробга тўла ноалари...

Темир касалхона боғини айланиб ҳаёл суради. Хизмат тугашигаям оз қолди. Омонлик бўлса яна олти-етти ойдан кейин уйга қайтади. Лекин шу ойлари ўтказиш осмонми. Ҳар кун, ҳар соат хавфда. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Борар мантилини билмай саҳрода тентираб юрган карвондай гап...

Қашқадарёлик Жовли деган йигит билан анча яқинлашиб қолди. У елкасидан яраланган экан. Бир ой бўпти. Ҳозир анча тузук. Темир иккови сайр қилади, гурунглашади. Шу йигит даҳшатли бир воқеани гапириб берди.

— Биздан уч-тўрт ёш катта Хуррам деган йигит армияга кетди. Опа-сингиллари бору ёлғиз ўғил эди. Отаси бечора ўғлим афгонга кетипти, деб хафа бўлиб юрди...

Дунёнинг ишларига ҳайрон қоласиз. Бирдан қишлоқда Хуррам армияда ўлипти, ўлигини оп келаймиш, деган шов-шув тарқалди. Ростданам икки кундан кейин оп келишди. Ота-онаси Худонинг зорини қилди, лекин тобутги очтирмади бирга келган солдатлар. Қишлоқти, колхозди катталариям ўртага тушди, бироқ боягилар қўймади, мумкин эмас, деб туриб олишди. Шу туриш кўмишди.

Жовли оғир хўрсинди. Эзилган юрагига ором бераётгандай жим қолди. Бир нуқтага термилади. Темир ҳам жим... Бунақа фожиа неча юзлаб, неча минглаб хонадонларда бўлдийкан, яна қанча давом этаркан, деган ўй ўртарди Темир дилини.

— Ота-онаси бечоралар тоза тамом бўлди. Энасини бутун қишлоқ Бодом чеча дерди. Шўрлик қон босими ошиб, ярим жон бўлиб қолди, — Жовли аста-секин гапирар эди. — Улим армиядан келса уйлантираман, келин қиламан, деган орзу-ҳавасда эди-да бечора...

Бутун йигирмаси деди, эрта қирқи деди, шу билан кунлар ўтаверди. Бодом чеча мазористонга боради, ўғли қабрини кучоқлаб йиғлайди. Юраги сиқилиб қон босими ошиб кетади-да, ётиб қолади. Ўн-ўн беш кундан сўнг сал ўзига келиб, яна мазористонга йўл олади, яна ўша аҳвол.

Тўрт-беш ойлардан кейин сал кўниқди. Қизлари, ҳақ-ҳамсоя таскин беравериб, насиҳат қилавериб бечора бироз ўзига кела бошлади. Тақдирга тан бермай иложи қанча.

Жовли яна жим қолди. Юзига қандайдир кулгига ўхшаш ифода югурди. Темир ҳайрон қолди, ҳатто ичида сал ранжидиям. Шундай даҳшатли воқеани гапирган одам юрагига кулги сиғадими? Темир ўйлари-ни сезган каби Жовли деди:

— Ҳайрон бўлаяпсиз-а, Темир? Бу бола жиндимини бало, бировди боласи ўлганини гапириб кулади деб. Ҳайрон бўлманг, жўра, мен жиндияммасман, бировнинг фожиасидан кулмоқцияммасман. Лекин у воқеа шундай даҳшатлики, на йиғлашни биласиз, на кулишни...

Хуррам ака вафотига тўққиз ойлар бўлган, ота-онаси йилини беришга тайёргарлик кўриб юрган кезлар эди. Бир куни, айти пешин чоғи, Бодом чеча нон ёпаётган экан, эри ҳамсоя қишлоққа жанозага кеттанакан, дарвозада бир мошин тўхтапти. Бодом чеча ким келдийкан, деган ўйминан нонини ёпаверипти. Дарвоза очилиб бировнинг киргани сезилипти. Чеча бечора ўтирган жойидан бурилиб қарапти. Бир солдат кўрипти. Ия, бу саллот кимакан, деб тикилиб турса, бо-яги аскар: «Эна, танимаяпсизми?» — депти. Бодом чечанинг юраги уриб кетипти, бундай қараса ули Хур-

рам эмиш. Ули ўлганмасми, бечора боламди арвоҳи кўриндими, деп ўйлапти-ю, ўзидан кетипти. «Эна, эна, мен келдим, улингизман, Хуррамман» — депти. Афсуски, Бодом чечанинг жони узилган экан... Олдинги гаплардан беҳабар Хуррам ака, энам мени кўриб, суюнганидан ўлиб қолди, деб ўйлапти...

Темир Жовлига термулиб қолди. Жовлиям ундан кўзини олмайди.

— Нималар деяпсиз, Жовли? ..

— Ишонмасангиз Худо урсин, — деди Жовли астойдил.

— Йўқ, ундай деманг. Мен сизга ишонаман. Аммо бу қадар даҳшатни хаёлимга келтирмаган эдим. Агар шу воқеани кинода кўрсатса ёки китобда ёзишса, ўлай агар, биров ишонса.

— Тўғри айтасиз, Темир. Лекин бўлган гап. Ўзим кўрганман. Хуррам ака тирик. Олдинги воқеаларни у киши кейин эшитган. Ҳатто, биласизми, отаси бечора ёлғиз улимди гўри белгисиз қоп кетмасин, деб пенсия пулидан йиғиб мармартош ҳам қўйдирган эди. Хуррам ака кўриб, қотиб қолган.

— Э, Худо, — деди тин олиб Темир, — бу қандай кўргиликки, одам ўзининг қабрини ўзи кўриб ўтирса.

— Шундайчаларам бўлган, Темир. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаплар... Бу афғон уруши одамларди бошига не-не балоларди солмади.

Орага сукунат чўқди. Икковиям ўз хаёли билан банд. Ҳар бири ўзича ўйлар, ўзича фикр юритар, аммо икковининг ҳам ўйлари маъзида афғон уруши, унинг жароҳати, ҳали неча-неча йиллар минглаб, миллионлаб одамларнинг юрагини парма каби ўядиган, ка-ламуш каби емирадиган сўнгсиз ўкинч, ўчмас армон ётарди...

Бу воқеа анча кунгача Темирнинг хаёлидан чиқмади. Эсламай дегани сари эсига тушаверади. Ўлган, азаси тутилган ўғил эшиқдан кириб келса. Бу ҳолат Темирнинг кўз ўнгига жонланар, ўзи кўрмаган, аммо қиёфасини тиниқ тасаввур қилаётган Майрам чечанинг ўша пайтдаги аҳволини ичи-ичидан ҳис этар эди.

Бундан ортиқ жафо борми инсон боласи учун!?

Шундан кейин Темирнинг юраги тагин оғирлашди. Эрта-индин рухсат берамиз, деб турган врачлар фикридан қайтдилар.

— Жуда юмшоқ феъл экансиз, — деди врач Те-

мирга унинг электрокардиограмма қоғозини кўра туриб. — Ҳамма нарсани юрагингизга олаверманг. Кўнгилни кенг қилиш керак одам. Яхши нарсаларни эсланг, шерикларингиз билан қизиқ-қизиқ гаплардан, қизлардан гаплашинглар, латифа айтинглар. Шунда тезроқ тузаласиз.

Темир кулиб қўйди. Унинг кулгиси маъносини тушунди врач.

— Англадим нима демоқчи бўлганингизни, — деди. — Қайси яхши нарсаларни эслаб, қанақа қизиқ гаплардан гаплашайлик, шу пайтда одамнинг юрагига қизлару латифа сиғадими демоқчисиз. Шундайми?

Ё, алҳазар! Кўнгилдан кечган гапларни аниқ айтди-я.

— Лекин бошқа иложи йўқ, ука, — врач салмоқлаб гапирди. — У гапларни менам биламан. Аммо чидайсиз. У ёғини суриштирсангиз мениям юрагим илматешик бўп кетган. Сиртимга қараб баҳо берманг, қуруқ суратим қолган... Ҳалиям сизлар ёш, бир-икки йил бўлгандир кетганингларга, мен эса шу жанжал бошлангандан бери шу ерданман. Сизлар икки йил хизматни тутатиб кетасизлар. Менчи? Худо билади, ука. Баъзилар бизга ўхшаган ҳарбий врачларга ҳавас қиладди, боласини шунга ўқитмоқчи бўлади, пули кўп деб ўйлайди чоғи. Марги пули, кўрган кунимиз қурсин... Э, ука, гапираверсам гап кўп. Лекин ҳасратингни ким эшитадию дардингга ким малҳам бўлади...

Темир яна кулди. Энди врач астойдил ажабланди.

— Мен дарду ҳасратимни айтсам сен бола куласан, деб ўйлаяпсизми?

— Тўғри-да, — деди врач ўпкалаганнамо, ҳатто гапи сал қўполроқ чиқди.

— Хафа бўлманг, дўхтир, яхши нарсаларни эслаб, қизиқ-қизиқ гаплардан, қизлардан гаплашиб юрсангиз ҳаммаси ўтиб кетади.

Иккови баравар қаҳқаҳа отди.

— Оббо, укам-эй, бопладингиз-ку. Нўл қилдингиз аммо. Ёш бўлсангизам гапга уста экансиз. Қойилман, қойилман, тан бердим.

У шундай деб ўрнидан турди. Палата эшигига борганда орқасига ўтирилиб, Темирга қаради:

— Мен айтгандай қилинг-а.

— Хўп бўлади.

Яна кулишди...

Еттинчи боб

I

Темир касалхонада бир ойдан кўпроқ ётди. Даво-ланиб чиққанидан сўнг ўз қисмига жўнатишмади. (Ар-миянинг қалати қонун-қоидалари бор-да.) Шу атроф-даги қисмлардан бирига борди. Бу кўнглига шубҳа солди. «Балки юрагим тоза тузалмагандир. Шунинг учун узоққа юбормаёттандир... Ундай бўлса уйга жавоб берса бўлмайдими?..» Лекин бу дардларини кимга айтади, ким эшитади. Армия деб қўйипти буни ахир...

Янги қисм ҳаётига тез кўникиб кетди. Ўзбеклар ҳам анчагина, деярли барча вилоятлардан бор. Улар-дан юрт янгиликларини суриштирди. Гарчи булар йўлга чиққанига етти-саккиз ой бўлган эсада, Темир она қишлоғи ҳавосидан нафас олгандай сезди ўзини.

Анчадан бери сокинлик, жанг йўқ, душман ҳужуми ҳам тинган ҳисоби. Онда-сонда чет-чақада битта-ик-кита душман дуч келиб қолади. Зора, шу билан тин-чиб кетса, уруш тутаса.

Бироқ бу ҳали шунчаки орзу эканини, олдинда яна неча йиллар қонли курашлар бўлишини на Темир, на ундан катталар биларди.

Уни биладиганлар бу ердан жуда олисда эдилар...

Кўкламнинг илиқ кунлари, қуёшда турсанг қизди-ради, сояда совқотасан. Афғонистон баҳори ана шун-дай. Қир-адирлар кўм-кўк. Чучмомаларнинг сафсар ранги кўзга ором беради. Яккам-дуккам лолақизғал-доқлар очилган.

Темир атрофга суқ билан термилади-да, шундай гўзал гўшани наҳотки уруш қатағон қилаётган бўлса, наҳотки, эртами-индин мана шу гуллар, ям-яшил май-салар устига ўқлар ёғилса, деб афсусланади, юраги эзилади. Одамзоддай олижаноб, меҳрибон, одамзоддай ваҳший, шафқатсиз жон йўқ бўлса керак бу дунёда. Меъёрни билмай ўтади оламдан, ё у ёққа тортиб кета-ди, ё бу ёққа.

Ана шундай кунларнинг бирида Темир команди-ровкага жўнайдиган бўлди. Очиғи, у гўзал манзарали, ҳозирча нисбатан тинч жойни ташлаб кетгиси келмас, жангу жадаллар жонига тегиб кетган эди. Хизмати туташига узоғи билан уч-тўрт ой қолди. Шунини шу

ерда тинчгина, эсон-омон ўтказишни жуда-жуда орзу қиларди. Шу боис ҳарбий тартиб бўйича қаёққа, нимага, бормайман, деган гаплар айтилмаса-да, Темир юрак ютиб рота командиридан сўради.

— Нима ишинг бор сени, — деди командир гапни кесиб. — Сен буйруқни бажар.

— Буйруқни бажаришга мажбурман, аммо мумкин бўлса айтинг, узоқми-яқинми? Бордию сал-пал иложи топилса мени шу ердан қимирлатмасангиз.

Командир сапчиб турди-да, сўкина кетди:

— Сен кимсан ўзи? Генералмисан? Кру-гом! Ша-гом-марш! — деди кескин.

Орқасига бурилиб чиқиб кетишдан ўзга чораси қолмади.

Шундай қилиб, икки бўлим жангчилари бир офицер раҳбарлигида йўлга тушдилар.

Уч соатлар юрилгач, шаҳар кўринди. Темир таниди: Кобул, «Демак, шу ерда бирон иш бордир-да», деб ўйлади.

Шаҳарга яқинлашгач, ўнг тарафда «Бодомбоғ» деб аталадиган машина-ускуналар сақлаш корхонаси, чап томонда эса шўро аскарлари қароргоҳи кўринди. Темир олдинги гал Кобулга командировкага келганида бу ҳарбий қисм ҳақида эшитган, шу ерда қурол-яроғ омбори, сонсиз казармалар, машқ полигонлари борлигини билар эди. Ҳарбий иморатлар, тахта уйлар машина бораётган йўлдан тоғнинг қарийб чўққисигача чўзилган. «Лоақал шу ерда қолдирса ҳам майли эди», деган илинж пайдо бўлди Темирда. Аммо машина, бу ҳарбий ҳашамларга парво қилмаган каби, шаҳарга элтадиган йўлни бир ёнда қолдириб, чекка мавзелар оралаб кетди.

Бир маҳал рўпарада самолётлар, кўзга ташланди.

— Аэропортми? — деб сўради Темир офицердан.

— Ҳа, — офицер гапни қисқа қилди.

«Самолётта чиқамиз шекилли. Қаерга борамиз экан. Масофа узоққа ўхшайди-ку». Сўрашга ботинмади. Бўлгани бўлди, пешонада борини кўради. Ўйлагани тўғри чиқди.

Бироз учишгандан кейин, Темир чидаб туролмади, офицердан сўради.

— Қаерга кетяпмиз?

Офицер анча кўнгли юмшоқ одам кўринади, жиламайди.

— Барибир эмасми, оғайни. Афғонистоннинг у бурчига бординг нимаю бу бурчига бординг нима. Ҳамма жойда уруш, ҳар ерда душман, хавф-хатар.

— Ҳар ҳолда сўраяпман-да.

— Ҳиротга, — деди офицер яна кулиб.

Бу гапни рост айтдимиз ёки «жуда узоққа» деган маънода ҳазиллашиб айтдимиз — Темир билолмади.

— Ростданми? Ростдан Ҳиротгами?

Темирнинг ҳаяжонли саволи офицерни қизиқтирди.

— Рост бўлганда нима, Ҳирот курортми сенга?

— Йўқ, курорт эмас. Аммо Ҳиротга борсак хурсанд бўлардим.

— Сабаб?

— Сабаби у ерда бизнинг буюк шоиримиз Алишер Навоийнинг қабри бор. Уни зиёрат қилардим. Агар шу ниятимга етсам бу ерда ўтган умримга, йўқотган соғлигимга ачинмасдим, — деди Темир ҳаяжондан ўзини босолмай.

Офицер маъноли қаради Темирга.

— У ҳолда хурсанд бўлавер, ниятингга етишинг мумкин. Ҳиротга бораётганимиз рост. У ердан яна қаерга кетамиз — буниси менгаям қоронғи. Аэропортда кутиб олишади. Қаёққа деса — шу ёққа кетамиз.

— Шунинг олдинроқ айтишмайдими...

Рангли оҳангда чиққан бу гапни кимга айтди, офицергами, ўзигами, билолмай қолди.

— Олдин билганимизда нима қилардинг?

— Ҳеч нарса.

Чинданам олдин билганида бирон нима ўзгарармиди? Ўзгарарди! Туйғулари ранжимасди, балки таскин топарди, шодланарди. Бирон жойга мажбуран, ўлганингни кунидан борган қаёқда-ю, ўз хоҳишинг билан борганинг қаёқда. Бунинг армиянинг темир интизомига ўрганиб, ўзиям қарийб темир одамга айланиб қолаётган мана бунга ўхшаган офицерлар қаёқдан тушунсин, ҳис этсин! Булар учун Ҳирот билан Кандаҳор, Мозори Шариф билан Кобул, Жалолобод билан Кунарнинг фарқи йўқ. Ҳаммаси Афғонистон, ҳаммаси

жанг майдони, ҳаммасини душмандан тозалаш керак!
У ерлардаги муқаддас масканлар, табаррук одамлар-
нинг хоки туроби қўйилган азиз жойлар аҳамиятсиз...

II

Темир анчадан бери йўқотган бебаҳо нарсасини дафъатан топиб олган одамдай қувонди. Бу заминга келганидан бери бунақа суюнмаганди. Ич-ичидан севинди. Ҳатто Оллоҳга шукроналар билдирди. Чеккан азобларим, хавф-хатарга тўлиб ўтган кунларим бесамар кетмайдиган бўлди, деб қувонди. Ахир ҳазрат Навоий қабрини зиёрат қилиш ҳаммагаям насиб этавермайди-да!

Самолёт бир маромда гувиллаб парвоз қилади. Ҳамма жим, кимдир мудраган, кимдир хаёлга чўмган.

Навоий қабрини зиёрат қилиш истаги унда биринчи курсда ўқиб юрганидаёқ турилганди. Бунга Ғафур Ғуломнинг машҳур шеъри сабаб бўлганди. Шеър унинг қалбига кириб борган, икки-уч марта ўқиши биланоқ ёдида қолган эди. Ҳозир ҳам эсида:

*Дилим равшанлигин ҳиссим йўлига офтоб айлаб,
Мозоринг бошида турмакдагурмен сарҳисоб айлаб,
Қулоғинг сўз эшитмас бўлса ҳам қалбдан хитоб айлаб.
Ватандошлар саломин неча жилдли бир китоб айлаб,
Навоий деб Мусаллога келибман интиҳоб айлаб.*

У ерга киритармикан? Мақбарага ўқ тегмаганми-кан? Зиёратчилар кўпдир...

Шунга ўхшаган саволлар қуршовида ўзини Навоий қабри тепасида тасаввур этди. Тасаввур этдию юрагининг бир чеккасида гашлик пайдо бўлди. «Шундай буюк зотнинг қабри тепасига елкамда автомат билан борсам-а. Қандай даҳшат! Етти ухлаб тушимга кирганмиди шундай қилиш?! Умри бўйи уруш-жанжалларни қоралаб, беклар, амирлар, ҳаттоки ота-болалар ўртасидаги низоларни бартараф этиб келган Навоийдай табаррук зотнинг қабрини зиёрат қилгани қурол кўтариб бориш — ақлга сиғмайди. Бу юртда бўлаётган жангу жадаллардан ҳазратнинг руҳи чирқираётган бўлса ажаб эмас...

Сўнг, Темир ўзига ўзи таскин берди. «Майли, нима бўлсаям боришим, зиёрат қилишим шарт. Ахир авто-

мат кўтариб юришга мажбурман-ку, ўз хоҳишим билан олиб юрганим йўқ-ку бунини...»

Самолёт пастлай бошлади. Темир бутун кучини кўзига жамлаб қуйига — ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган ва ҳозир хоки туроби ётган машҳур Ҳирот шаҳрига қаради.

Маълум муддатдан сўнг самолёт оёқлари аэропортнинг бетон йўлкаларига келиб урилди. Темир енгил нафас олди. У гўё елкасига автомат осиб, душманларга қарши жанг қилиб юрган жангчи эмас, билъақс бир адабиёт, шеърят мухлиси, табаррук жойларни зиёрат қилиб юрган сайёҳ каби ҳис эта бошлади ўзини. Ҳозир кўналгадан автобусга ўтирадию Навоий қабри томон йўл олади.

Қани эди шундай бўлса...

Улар самолётдан тушибоқ машиналарга ўтиришди. Навоий қабри қаёқдаю улар қайси томонга кетишяпти — билмайди.

Анчагина йўл босишди. Назарида шаҳардан ташқарига чиқиб кетишаётгандай туюлди. Темир хавотир ила офицердан сўради:

— Шаҳардан чиқиб кетяпмиз шекилли?

— Саёҳатга келаётганинг йўқ ҳар ҳолда.

Офицер пичинги ҳафсаласини пир қилди. Наҳотки, орзулари саробга айланса, етдим деганда қоқилса.

Афсуски, шундай бўлди. Улар тушган машиналар аллақачон шаҳардан узоқлашиб кетган эди.

Темирнинг кайфияти тушиб, кўнглига ҳеч нарса сиғмай қолди.

Узоқ юрдилар. Қош қорайиб, одам одамни таниши қийинлашди. Тазун қишлоғи атрофидагига ўхшаш тепаликлар, қир-адирлар бошланди. Чор-атроф ҳувиллаб ётипти. Тонг шаҳардан бери йўлда келаётган жангчилар толиқдилар, кўзлари юмилиб, уйқу элитди. Қаёққа кетишяпти, нимага шунча сарсон бўлиб боришяпти — ақлга сиғмайди. Шу ерларнинг ўзидаям ҳарбий қисмлар бордир ахир.

Кутилмаганда, оёқнинг остидан чиққан илондай, чап тарафдаги қоя остидан ўқлар визиллаб уча бошлади. Мудраб келаётган жангчилар кўзи чарақлаб очилди. Дуч келган томонга автоматларини бўшатишди. Лекин

душман қаерда, қайси тош панасида — ҳеч ким билмайди. Машиналар тезликни пасайтирмади. Икки тарафдан шанғиллаб ўқлар учиши авж олди.

Бир маҳал Темирнинг чап тирсаги жаз этди. Ўнг қўли билан ўша жойини ушлади: ҳўл. «Ўқ тегди, тамом». Хаёлига келган фикр шу бўлди. Яраланган қўлини кўтармоқчи эди, бўлмади.

Хайриятки, ҳайдовчиларга зиён етмади, машиналар тўхтамади. Қояни айланиб ўтишгандан кейингина отишма тинди.

— Ҳеч кимга ҳеч нарса қилмадимми? — деди офицер.

Темир яраланганини айтди. Дарров қўлфонарни ёқиб кўришди. Тирсагидан пасти шалвираб осилиб ётарди. Боя иссиғида билинмаган экан, совугандан сўнг оғрий бошлади.

Тиббий ходимлар уни зудлик билан ҳарбий касалхонага олиб бориш зарурлигини айтишди.

Бахтига касалхона яқин экан.

Жарроҳлик столига ётқизишганини билади, у ёғини эслаёлмайди.

Кўзини очса палатада ётипти, тепасида ҳамшира. Дарров қўлига қаради. Тирсагидан кесиб ташланган. Кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди. Хаёли чарх-палакдай айланди, кўз ўнгида ота-онаси, Гавҳар, опа-сингиллари гавдаланди. Оғриқданмас, энди умр бўйи бир қўл бўлиб қолганидан йиғлади, эзилиб йиғлади.

Оқ халатли ҳамшира йигит кўзида ёш кўриш нақадар оғирлигини сезардию, нима дейишни билмас, фақат нозик бармоқлари билан унинг ёноқларини артди.

Ичидаги дардлари кўз ёшларига қўшилиб чиқиб кетдими, анчадан кейин сал енгил тортгандай бўлди. Ҳамшира ўтирганини гўё энди сезгандай, унга маъюсланиб қаради.

— Мени кечиринг, — деди хаста товушда. — Ўзимни тиёлмадим.

— Бошингиз омон бўлсин ишқилиб. Пешонангизда бор эканда, нима қиласиз. Хафа бўлманг... — Ҳамшира хўрсинди-да, гўё ўзига ўзи гапираётгандай пичирлади: — Не-не йигитлар ўлиб кетди-я.

Йигирма кунлардан кейин яраси сал битиб ҳовлига чиқиб юрадиган бўлди. Ҳеч кимни танимайди, ёлғиз ўзи айланиб юради. Бирда кўнгли ўксиб, ичидан йиғи босиб келади, бирда омон қолганига шукур қилади. «Ўша ўқ қўлимгамас, бошқа жойимга текканида нима бўларди. Ҳозир бу дунёда юрмасдим. Ҳалиям Худо асради».

Бир куни касалхона ҳовлисидаги эндигина гуллай бошлаган олчалар соясида айланиб юрган эди, кимнингдир «Темир» деб чақиргани қулоғига чалинди. Шарт ўтирилиб қаради: ҳеч ким кўринмади. Мени бу ерда ким танирди, бошқа бировни чақиргандир, менидан бўлак Темир йўқми бу дунёда, деган ўйда йўлида давом этди. Бояги товуш яна, фақат яқинроқдан эшитилди. Темир яна қаради. Нариги йўлакдан бир киши оқсоқланиб келарди. Э воҳ, қараса — Жўрақул!

Иккови бир-бирининг кўксига отилди. Қучоқлашиб турдилар, узоқ турдилар...

Тиллар жим, диллар сўзлашарди. Жўралардан бири силкиниб кетди, қайси бири — икковиям билмай қолди. Ажралишганда ҳар иккисининг кўзи намли эди.

Унсизгина бориб скамейкага ўтирдилар.

— Хайрият, кўришар кунимиз бор экан, — деди Жўрақул.

— Учрашган жойимизни қара-я.

— Шунга айт.

— Кобулда ажрашганимиздан кейин энди учрашмасак керак бу ерда, деб ўйлагандим...

Икковиям бошидан ўтганини гапириб берди. Жўрақул оёғидан яраланган экан.

— Носиржон қалай, биргамидинглар? — деб сўради Жўрақул.

— Бошида бирга эдик, кейин уни бошқа жойга жўнатди. Қаерга кетди билмайман. Хатам ёзмади, ёзган бўлсам етиб кемадими, менам у ёқдан-бу ёққа кўчиб юрибман. Тайинли бир жойимиз йўқ.

— Азим-чи, Азим? Ундан дарак борми?

— Биргамасмидинглар?

— Йўқ, Кобулдан кейин у сизлар билан кетган, деб юрайдим.

Темир Азимни қачон, қаерда, қай аҳволда қурганини кўзига ёш олиб айтиб берди. Жўрақул «Худо раҳмат қилсин» деб юзига фотиҳа тортди.

— Раҳматли ўт-олов йигит эди-я. Душманни кириб қаҳрамон бўламан, деб юрайди шўрлик.

— Қаҳрамон эмиш... Бошини есин ўша қаҳрамонлиги, ўзи омон бўлса майли эди...

Бир томондан кўлидан айрилгани, овриқ, бир томондан зерикиш юрагини қон қилиб юборганди Темирнинг. Худо ўзи етказди Жўрақулни, ҳар нечук гаплашиб турадиган одам топилди-ку.

— Навоий қабрини зиёрат қилдингми? — деб сўради бир куни Темир.

— Шу алам қиялпти-да. Бурнингни тагида турсаю боролмасанг.

— Яқинми бу ерга?

— Аниқ билмайману элик-олтмиш километр чиқса керак.

— Бу ердан чиққаннимиздан кейин борсак бўлмасмикан-а?

— Рухсат беради, деб ўйлайсанми?

— Ким билади...

Бир ҳафталардан кейин Жўрақулга жавоб берадиган бўлишди. Аммо қаёққа боради, қисмгами ёки уйига кетадими — номаълум.

Врачлар сўзида турдилар, айтилган вақтда Жўрақул сафар халтасини елкалади, уйига кетадиган бўлди. Хайрлашар чоғи Темир унга тайинлади.

— Жон жўра, танишлардан биронтасигаям бу ердалигимни айтма.

Туркманистондан турли томонга тарқанганмиз, қаерда хизмат қилаётганини билмайман, де.

— Кўнглинг тинч бўлсин.... Сенам тезроқ тузал. Эсон-омон Ўзбекистонда кўришгунча...

Қучоқлашиб хайрлашдилар.

Шундай қилиб, Жўрақул жўнаб кетди.

Темир учун яна зерикарли кунлар, ёлғизлик изтироблари бошланди. Жўрақулга ўрганиб қолувди. У кетгандан бери гўё ён-атрофида ҳеч кимса қолмагандай, ҳаммаёқ ҳувиллаб ётгандай туюлади. Қўли анча тузалиб, юзигаям сал-пал ранг кириб қолган бўлса-да, кайфияти ҳамон тушкин...

Саккизинчи боб

I

Мана энди ўша оғир кунлар ортда қолди...

Темир, уйда уч ҳафтани ўтказиб, Тошкентта ошиқа бошлади. Пойтахтдаги ҳарбий комиссариатга учрашмоғи керак. Лекин асосий мақсади тезроқ Гавҳарни кўриш эди. Анов куни отасидан ижозатини олгандан кейин ер-кўкка сигмай қолди.

Эрталаб Темир самолётга чиқди, Тошкент қўналғасига қўнгунича Гавҳарни ўйлаб келди.

Ичида Худодан тилаб бордики, Гавҳар Тошкентда бўлсин деб. Ўйлаб кўрса ундан хат олмаганига ам анча бўп қопти. Тазунда олувди охиргисини. Кейин ёзган бўлсаям Темирга етиб бормади. Касалхонада эканлигида ўзи хат битиб, ҳозирча ёзмай туринг, манзилим ўзгариши мумкин, аниқ бўлгандан кейин ўзим маълум қиламан, деганди. Яралангани, касалхонага тушгани борасида лом-мим демаган. Бу аҳволда кўриб Гавҳар қандай аҳволга тушаркан?.. Айниб қолмасмикан?

Темирнинг миясида минг хил ўйлар чирпирайди. «Бордию Гавҳар эрга тегиб кетган бўлса-чи? Отанаси қараб ўтирармиди? Йўғ-э, ундай бўлса ёзмасмиди. Хатларида бу ҳақда ҳеч гап йўқ-ку. Турмушга чиқса аввало мени унутарди. Ростда, эрга теккандан сўнг бегона йигитга хат ёзиб нима қилади... Йўқ, Гавҳар унақаларданмас, у мени кутади, ишонаман».

Худди биров билан тортишаётгандай Темир ўзи билан ўзи фикран олишар-ди. Хаёл экан-да, у жиловга сигмаса, истаган томонга, хоҳлаган гўшасига кираверса. Хаёл туфайли гоҳо одам жоҳиллик қилиб қўяди, энг яхши кадрдон одами тўғрисидаям гумонларга бориб қолади. Бўлмаса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Темир Гавҳар ҳақида шу ўйларга борармиди? Наҳотки, Гавҳардай мулоҳазали, ақлли қиз севган йигити армиядан келгунча кутмаса? Кутади, ҳали икки йил экан-ку, ўн йил бўлса ҳам кутади. Бунга Темир ишонади.

Темир ўзини ўзи койиб, ўзига ўзи таскин бериб, фикран олишиб Тошкентта етди. Соат тўртта яқинлашган эди, Тошкентда ҳарорат қирқдан зиёд, нафас олишга ам қийналади одам.

Олдин жой масаласини ҳал этмоғи керак. Ким билади, икки йил давомида Нина Ивановнаникида нима

гап, ўзи уйидами-йўқми, ёзда Красноярскдаги қариндошлариникига жўнаб қоладиган одати бор эди. Ундан ташқари жой борми-йўқми, буни билиши керак. Ижарачисиз ўтирмайди кампир.

Шу ўйлар билан бекатга келди-да, такси тўхтатди.

У кириб борганда кампир ҳовлисидаги бир тупгина олча соясида ўша пастаккина стулчасида пайпоқ тўқиб ўтирарди. Темирни кўрди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Темирчик, сенмисан?

— Менман, Нина Ивановна, — деди Темир хотиржам.

— Қўлингга нима қилди? Афғонистонда бўлдингми?

— Шундай.

— Вой, бечора болам, роса қийналибсан-ку. Қачон келдинг?

— Ҳозир келишим.

— Армиядан-а?

Темир кулди.

— Э, йўғ-э, уйдан келяпман, Нина Ивановна, ишларимни тўғрилагунимча бир-икки кун қолишимга тўғри келади. Жой борми?

— Нималар деяпсан, Темирчик, сенга жой бўлмаса кимга жой бўлади.

— Ижарачи қўйгандирсиз, демоқчиман-да.

— Қўйишга қўйганман, аммо сен учун ҳамиша жой топилади.

— Раҳмат, Нина Ивановна. Бўлмаса мен кетдим. Кечқурун бемалол гаплашамиз.

— Чой ичмайсанми?

— Йўқ, аввал ишларимни битказай.

Керакли ҳужжатларини олди-ю, дипломатини қолдириб, чиқиб кетди.

Катта кўча сари илдамлаб, режа тузди: олдин район ҳарбий комиссариатига учрашади, кейин Азимникка кириб фотиҳа ўқиб чиқади, кечқурун, ётоқхонага — Гавҳарнинг олдига боради.

Ҳарбий комиссариатдагилар ҳали у, ҳали бу деб, анча тутиб қолишди. У ердан бир оз кайфияти бузилиб чиқди. Азимникка бормоқни ўйлади. Аммо фикридан қайтди. Эрталаб уйда еган овқати билан юргани учун қорни очди, бирон жойдан тамадди қилиш даркор. Унгача анча кеч бўлиб кетади. Қолаверса, ҳозир боргиси келмади. Билади — борса ота-онасининг яраси қайтадан янгиланади, онаси бечора оби-дийда қилади... Ўзи йўлдан чарчаб келди, устига устак анов маҳ-

камада асабига тегишди. Шу аҳволда яна юрагини эзишни истамади, бу оғир, албатта. «Эртага эрталаб бораман яхшиси. Ҳозир бирон жойдан овқатланиб, кейин Гавҳарнинг олдига жўнайман».

Гавҳарни ўйлаб, сал кайфияти кўтарилди. Ўқиб юрган кезлари марказий хиёбондаги «Дўстлик» қаҳвахонасини ёқтирарди, чўнтагига пул тушди дегунча ўша ерга борарди дўстларини етаклаб. Гавҳар билан ҳам икки-уч марта кирган.

Шулар эсига тушиб ўша жойга боришга қарор қилди. «Балки олдин Гавҳарни топишим керакмиди? У билан бирга келсам бўлармиди?... Йўқ, аввал ўзим тамадди қилиб олай, уни қачон топаман? Қорин пиёз пўсти бўп кетди».

Шоша-пиша овқатланиб, ширин хаёлларга кўмилганча, йўлга тушди. Афсуски, Гавҳарни тополмади. Ётоқхона, қоровулдан бўлак ҳеч ким йўқ, ҳувиллаб ётарди...

Тарвузи қўлтиғидан тушиб изига қайтди. Ётоқхона ёнидаги хиёбонга кирди-да, ёюч ўриндиққа ўтирди. Ўтган-кетганни томоша қилиб сигарет чекди. «Эҳ, бўлгани бўлди, энди кампир билан валақлашамиз бугун. Эртага Азимникига кириб чиқаману кейин кетаман. Сандирақлаб юраманми Тошкентни жазирамаси-да... Сентябрда насиб этаркан-да энди Гавҳар билан кўришиш».

Нина Ивановна билан телевизор кўриб, анчагача гаплашиб ўтирди. Кампир ҳаммасиини эринмай сўради. Сентябрдан бошлаб яна шу ерда туришга Нина Ивановна билан келишиб олди...

Темир ўқиб юрганида бир-икки борган эди Азимларникига. Дадасиям, ойисиям танирди. Агар хотираларидан кўтарилган бўлмаса, ҳозир ҳам танишлари керак.

Эшикни Азимнинг дадаси очди.

— Ассалому алайкум.

— Ваалайкум ассалом.

Сезилдики, у киши Темирни танимади. Темир, ганиб, «Мен Азимни ўртоғиман», деса дабдурустдан, қандай бўларкин?

— Келинг, ўғлим, марҳамат, — деб ичкарига бошлади мезбон.

Ҳовлига стол-стул қўйилган экан, шу ерда ўтиришди. Азимнинг ойиси ҳам уйда экан.

— Мени танимадингиз чамамда, — деди Темир.

— Айбга буюрмайсиз энди.

— Менинг исмим Темир... Азим билан бирга ўқирдик. Мезбон ялт этиб қаради.

— Шундай денг.

— Менам яқинда келдим армиядан.

Мезбон Темирнинг қўлига қаради-ю, сўрашга истиҳола қилди.

— Сизам Афғонистонда хизмат қилдингизми?

— Ҳа, мана битта қўлни ташлаб келдик... Биз Азим билан бирга жўнаган эдик. Туркменистондаям бирга эдик. Афғонистонга борганимиздан кейин ҳаммамизни ҳар ёққа сочиб юборди... Бир фотиҳа ўқиб, сизлардан кўнгил сўраб кетай, деб келувдим.

Мезбон фотиҳа ўқиди.

— Раҳмат, ўғлим, умрингиздан барака топинг, — Азимнинг ойиси Темирни дуо қила-қила йиғлаб юборди.

Орага оғир сукунат чўқди.

— Бўлди. Ҳадеб йиғлайверганинг билан фойдаси борми?

— Қиличдай ўғлим ўйнаб-кулиб жўнаб кетса-ю...

Она шўрлик оғир хўрсинди, азиз фарзандини тобутда олиб келишганини айтишга тили бормади.

Ҳе, дунё!..

Темирнинг кўзларидан ҳам ёш тирқиради.

Азимнинг дадаси хотинини чалғитиш учун:

— Бор, чой дамлаб кел, — деди.

Хотини туриб кетгандан сўнг Темирдан сўради:

— Азим бундай бўлганини кимдан эшитдингиз?

Темир кўрган-билганини қисқача айтиб берди.

Азимнинг дадаси Темирнинг ҳикоясини тинглаб, баттар эзилди.

Унутилаёзган дарди қайтадан ачиштира бошлади юрагини. Ўзини босиб, ичдан титраб кетаётганини сездирмай ўтирди.

— Бу гапларни ойиси билмай қўя қолсин. Бўлмаса тоза эзилиб кетади. Аммо сизга минг раҳмат, ўғлим. Умрингиз узоқ бўлсин.

Она бечора бу гаплардан беҳабар қолди. У келиши билан эри гапни бошқа тарафга бурди...

Пешингача суҳбатлашиб ўтиришди.

Кетар чоғи Темирга чопон, дўппи кийдириб, белига қийиқча бовлаб қўйишди. Темир «овора бўлманглар, керак эмас», деган эди.

Азимнинг ойиси кўз ёшларини тиёлмай деди:

— Раҳматли Азимимга олиб қўйган эдим... Умрингиз ўхшамасин. Илоё куёв бўлганингизда, яхши кунларингизда кийинг, ўғлим. Энди бизга қадрдон бўп қолдингиз, тез-тез келиб туринг. Ўғилларим билан ака-ука бўлинг.

Хонадон эгалари Темирни дуо қилиб кузатишди...

II

Август охирлаб қолган бўлса-да, Тошкент иссиғи тафтидан тушмаган, жизиллаб куйдиради офтоб. Ургутнинг салқин ҳавосидан чиқиб келган Темирга иссиқ бошқача таъсир этди. Ҳаво дим, ҳаммаёқда асфальтнинг бад бўйи. Ўқиб юрган пайтлари сезмаган эканми ёки кўникиб қолганмиди — билинмасди.

Нина Ивановнанинг кафтдай ҳовлисида, олча соясида бироз ўтирди. Қилт этган шабада йўқ. Тўрт тарафи уйлар билан ўралган бу ҳовлига шамолни боғлаб қўйсаям турмайди ёки нафаси қайтиб адо бўлади. «Бекорчилик бадга урди, ҳаммомга тушгандай бўлиб димиқиб ўтиргандан кўра кўчага чиқай, ҳарқалай салпал бўсаям шабада бордир, ҳам ишим битади».

У тўғри факультетга борди. Деканатга кирди. Ҳеч ким йўқ. Нима қиларини, кимдан сўрарини билмай турувди, бир қиз келиб эшикни очди. Деканни сўраб, изига қайтди.

Кўчага чиқди. Энди Гавҳарни топиши керак. Келганмикан? Келгандир. Эрта ўтиб, индин ўқиш-ку.

Шу ўйлар билан ётоқхона томонга юрди.

Гавҳарнинг олдинги хонасини биларди, кўп келган. Лекин ҳозир ҳам шундамикан? Таваккал деб таниш эшикни тақиллатди. Ичкаридан «ҳозир» деган товуш эшитилди. Гавҳарми? Нимагадир овози бошқачароқ чиқди. Балки бошқадир? Ёшгина бир қиз (бу йил ўқишга кирган бўлса керак) эшикни очди.

— Кечирасиз, синглим, Гавҳар деган қиз қайси хонада туради, билмайсиз-ми?

Темирнинг тахмини тўғри чиқди — қиз шу йил ўқишга кирган, юқори курс талабаларидан ҳеч кимни танимас экан. Ҳайрон бўлиб, не қиларини билмай, ўйланиб турувди, йўлакнинг нариги бошида бир қиз кўринди. Ундан сўраш учун шу томонга юрди.

— Танийман, — деди қиз, — бешинчи курсда ўқийдими? Фарғоналик-а?

— Ҳа, — деди Темир қувониб.

— Учинчи қаватда туради. Мана шу томондаги энг охирги хонада бўлса керак.

Темир раҳмат айтиб, юқорига кўтарилди. Қиз тушунтиргани бўйича йўлакнинг охиридаги эшикни тақиллатди.

— Ким? Кираверинг.

Темирнинг юраги ўйнаб кетди. Бу ўша! Гавҳар! Овози таниш. Худди ўзи.

Икки йил ичида қанча-қанча одамлар билан гаплашган, не-не воқеаларни кўриб қайтган эса-да, Гавҳарнинг овози қулоғига сингиб қолган экан, адаштирмади.

Эшикни тортди. Очиқ экан.

Хонада Гавҳар ёлғиз (омадни қаранг) эди. Темирга кўзи тушди-ю, ҳайкалдай қотиб қолди. Темир ўзини дадил тутиб, қиз томонга юрди.

— Гавҳар!

Қиз ўзини йигитнинг қучоғига отди.

— Темир ака!

Ҳаётнинг энг ширин, энг лаззатли онлари!

Улар шу ҳолда узоқ турдилар.

Йигит аста қизнинг бошини кўтарди. Унинг қоп-қора кўзлари, узун-узун, қалин киприклари жикқа ёш эди. Темир ёшли кўзларига лабларини босди. Сўнг лўппи ёноғи, тиниқ бўйнидан ютоқиб ўпди, ўпди, ўпди. У гапиролмас, фақат узоқ югуриб чарчаган одам сингари ҳансирар, бўса олишдан тўхтамас эди. Йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам юраги қафас деворига урилаётган каптардай потирлар эди...

Темир стулга, Гавҳар каравотта ўтирди.

— Қалайсиз? Тузукмисиз? — Темир сал ўзини босиб олиб сўради.

Қиз сочларини қўли билан тўғриларкан:

— Раҳмат. Ўзингиз яхши келдингизми? — деди. — Кўзларим тешилиб кетди кутавериб.

— Келдим, мана. Лекин...

Гавҳар унга саволчан қаради. Темир кўнглидаги дардни — «Мен бир қўлимдан айрилиб келдим, айни-майсизми мендан» демоқни ўйлади.

— Лекин, мана!.. — ногирон қўлига ишора қилди.

— Илтимос, Темир ака, мени яхши кўрсангиз бу ҳақда гапирманг. Кўриб турибман... Сиз курорттамас, Афғонистонга — жангу жадалга бориб келганингиз-

ниям биламан. Аммо ҳозир гапирманг, вақти-соати билан айтарсиз. Айтмасангиз ҳам мажбур қилмайман. Энг муҳими, жонингиз соғ қайтиб кебсиз-ку.

Темир қизга суқ билан термилди. У ҳозир уй кийимида — устида оддийгина чит халат, пардоз-андозлари ҳам йўқ, лекин шу ҳолда ҳам гўзал, истараси иссиқ эди.

— Ростми, Гавҳар? — деди Темир унинг сочларини силаркан. Унинг товуши хастароқ чиқди. Томоғига бир нарса тикилганидан қийналиб гапирганини қиз сезди. Йигит юзини қизнинг кўксига қўйди. Мақсади — кўз ёшларини беркитиш эди. Лекин бекитолмади, кўзларини яширса-да, елкаси титраб кетганини ўзиям билмай қолди. Гавҳар аста унинг бошини кўтарди. Кўзларига термилди. Йигитнинг киприклари нам эди.

— Рост, жоним! — деди Гавҳар майин оҳангда. — Ишонинг менга!

Деразадан ботаётган қуёшнинг қизғиш шуъласи тушди.

— Қани бўлмаса кийининг, кетдик!

— Қаёққа?

— Кетдик, кўчага чиқамиз.

— Кўчада нима қиламиз?

— Юринг дегандан кейин юраверинг.

Улар қадрдон жойлари марказий хиёбондаги «Дўстлик» қаҳвахонасига келишди. Икки-уч соат гурунглашиб ўтирдилар.

Қаҳвахонадан чиқишганда ҳам кайфиятлари енгил, диллари чоғ эди. Гўё орадан икки йил ўтмагандай, Темир армияга эмас, қишлоғига бориб келгандай — шундай тасаввурда эдилар.

Темир Нина Ивановнанинг кулбаси сари бошлади. Гавҳар унамади, гарчи ичидан Темирдан ажралишни истамаётган бўлса-да, ўзини тутиб, ноқулай деб туриб олди.

— Нимаси ноқулай? Кампир сизни билади, яхши танийди...

— Кетдик! Барибир қўйиб юбормайман бутун.

Темирнинг қатъий гапидан сўнг ноилож йўлга тушди.

Улар келганда кампир ухлаб қолган эди.

Кичкинагина, деярли ҳеч қандай жиҳози йўқ хона Гавҳарга жуда қадрли, ўз уйидай кўнглига яқин эди.

Ана шу мўъжазгина хонанинг чироғи шу куни тонг-гача ўчмади...

1988—2000 йил

КҮККҮЛ

I

Сочидан қайтганидан сўнг Ботир хаёлчан, камгап бўлиб қолди. Ишхонасидагилар, дўстлари ҳайрон. «Дам олишдан келган одам қувноқ, тетик бўлгучи эди, Ботир тескариси...» Бу гапни унинг ўзига очиқ айтганлар ҳам топилди. Аммо аниқ жавоб ололмадилар.

Кун ўтди, ой ўтди, ойлар ўтди. Ботирнинг хаёлчанлиги тарқамади. Аста-секин бу ҳолнинг боиси дўстларига бир қадар равшанлашди. Унинг гапларидан аён бўлди. Ботир асосан икки мавзуда сўзлайди: бири — севги, иккинчиси — Озарбойжон. Дўстлари ўзаро таҳмин қилишди: «Ҳойнаҳой бу бола дам олишга борганда биронта озарбойжон қизини яхши кўриб қолганга ўхшайди».

Бир куни Ботир Бокудан хат олди. Бундан хабар топган ҳамкасблари бояги гумоннинг тўғрилигига имон келтиришди. Қитмироқлари «Ҳа, Ботирвой, насиб этса, Бокуга тўйга борар эканмиз-да», деб учирма ҳам қилишди. Ботир бу гапларга эътибор бермади. Унинг хаёли чўнтагидаги хатда: «Нима деб ёзди экан? Гулгинанинг ўзи ёздимикан ёки отасими? Кечикиб кетганидан энди жавоб келмаса керак, деб ўйловдим. Бари бир ёзипти-да...» Хатни очиб ўқий деса, ҳамхонаси шилқим, эзма бир одам. Кўрингандан суюнчи олиб юради. Аксига олиб хонадан чиқмай ўтиришини қаранглар.

Ботирнинг юраги сиқилиб кетди. Чекиш баҳонасида ташқарига чиқди. Холироқ бир жойга ўтди-да, апил-тапил пакетни очди, чиройли хуснихатда битилган хатни ютоқиб ўқий бошлади.

«Ботир муаллим, салом! Мактубингизни олдим. Ташаккур. Аҳволингиз нечук? Дашканда не хушхабарлар вар?

Манимда, атаминда тани сағ, ҳамиси яхши.

Сиз ила гечан гунларни, суҳбатларни эслаяжакмиз. Сизи шеър ўхушингиз маним хушима галур.

Бакийа галин. Биза қўноқ ўлин. Жалил муаллим сиза чўх саломлар деюр.

Сиза сиҳатлик, хуш кайфият тилаюрам. Соғ ўлин!
Гулгина».

Хатни ўқиб, Ботирнинг бутун вужуди жимирлаб кетди. Кўз олдида Гулгина гавдаланди. Унинг товуши қулоқлари остида жаранглагандай туюлди. Чуқур хўрсинди, айни чоқда ички бир қониқиш, нимадандир суюниш ҳиссини туйди.

Шу куни ишдан кейин тўғри шаҳарлараро телефон станциясига йўл олди. Гулгинанинг мактубига жавоб ёзишга сабри чидамай, у билан гаплашгиси келди, унинг овозини эшитишни жуда-жуда истади.

Навбатчи бир соатлар кутасиз, деди. Рози бўлди. Зотан, ҳозир у эрталабгача кутишга ҳам тайёр. Фақат Боқуни улаб берса, симлар орқали бўлса-да, Гулгинанинг ёқимли овозини, ширали тилини эшитса бас. Бундан муҳим, бундан лаззатли, бундан ёқимли нима иши бор ҳозир!

Ташқарига чиқиб сигарет тутатди. Чўнтагидан хатни олиб яна кўз югуртирди: «Сизи шеър ўхушингиз маним ҳушими галур». Бу сатрлар Ботирнинг кўзига нур, дилига роҳат, томирларига қон каби йўғриларди.

Кимнингдир озарбойжонча гапиргани қулоғига чалинди. Ялт этиб атрофига қаради. Чиройли бир қиз ёнидаги йигитга нима ҳақдадир куйиб-пишиб сўзларди. Унинг овози Гулгинанинг товушига ўхшарканми ёки бу ерда, кутилмаганда озарбойжонча суҳбат эшитганиданми — Ботирнинг юраги ҳаприқиб кетди.

Шу маҳал кутиш залида навбатчининг «Баку седмая кабина. Баку седмая кабина» деган овози эшитилди. Ботир югуриб еттинчи кабинага кирди.

Бири кам дунё деганлари шу-да. Гулгина уйда йўқ экан. Жалил Жамолзода билан гаплашди...

Бари бир Ботирнинг кўнгли ёруғ эди. У минг андиша билан хат ёзганди Гулгинага. Ҳадеганда жавоб келавермагач, бир оз хижолат, ҳатто пушаймон ҳам бўлган эди. Бутун эса Гулгинанинг мактуби унинг қўлида. Мана, ҳозиргина Гулгинанинг отаси билан сўзлашди.

Гапларидан билиниб турипти — хат ёзганидан, кўнғироқ қилганидан у ҳам хурсанд.

Демак, энди бемалол мактуб битавериши, имкони топилганда телефон қилиши мумкин.

Шундай бўлди. У хатлар ёзди. Гулгинадан жавоблар олди. Бокудан мактуб олган куни — Ботир учун байрам. Телефонда эса икки мартагина гаплаша олди, холос, Гулгина билан. Унда ҳам қисқагина ҳол-аҳвол сўрашишдан, бир-бирини Тошкентга ва Бокуга таклиф этишдан нарига ўтолмадилар. Ботир кўнглида бир дунё гаплар билан киради телефон кабинасига. Гулгинанинг юракни сариёғдай эритиб юборувчи сўзларини эшитгач, бутун гаплари эсидан чиқиб кетади, довдираб қолади...

Бир йил ана шундай ўтди.

У энди сабрсизлик билан отпускасини кутди. Бугуноқ отпусмага чиқса-ю, қанот бораб Бокуга учса...

* * *

«Тошкент — Боку» самолёти тонг ёришганда ердан кўтарилди.

Иллюминатордан ташқарига қараб ўтирган Ботир ўйга толган. Нигоҳи Тошкентнинг осмонўпар биноларига, бир-бирини қувиб кетаётган машиналарга, янги массивларда қўзиқориндек потраб ётган бетон уйларга тушса-да, хаёл кўзлари Каспий соҳилида эллипс шаклида ястаниб ётган Бокуни, унинг сершовқин кўчаларини кўрар, рассом Жалил Жамолзода ва унинг қизи билан бўлажак учрашувини тасаввур этар эди.

Жалил Жамолзода билан бир йил олдин Сочида, дам олиш уйида танишган. Аслида уларнинг танишувига Жамолзоданинг қизи сабабчи бўлган эди.

Ботир бунақа жойларга биринчи келиши. Нонушта қиладию денгизга чопади. Чўмилиб чиқиб пляжда китоб ўқиб ётади. Аммо ҳар кун бир хил машғулот, гарчи у жуда завқли бўлса-да, одамни зериктиради. Аста-секин Ботирнинг ичи қизиди. Ўтган-кетгандан гурунглашай деса, бирон-бир киши билан яқинроқ танишгани йўқ. Кўпчиликнинг шериги бор. Ботирга ўхшаб ёлғиз юрганлар кам.

Бир куни тушликка бир оз кечикиб келди. Ошхона эшигининг дастасига шундай қўлини узатиши билан эшик ичкаридан очилди-да, рўпарасида бир қиз

пайдо бўлди. Шошиб келаётган Ботир бу соҳибжамолни кўриб тахтадай қотиб қолди. Унинг чаросдай қоп-қора кўзларини найза каби киприклари қўриқлаб турарди. Елкасини қоплаган сиёҳ сочлари шундай ярашган, шундай ярашган... Бу қадар гўзал, бу қадар ярашиқли сочни Ботир ҳали кўрмаган эди. Қиз унинг олдидан оҳу сингари сассиз-садосиз ўтаркан, нимадир деди. Ботир азбаройи гангиб қолганидан унинг сўзини англаёлмади — салом бердими, бошқа бир сўз дедими — билолмади. Бир қўли билан эшик тутқичини ушлаганча, унинг ортидан термилиб қолди. Устидаги жинси қўйлагини қоматини самбитдай тутиб турар, Ботирга коридордан одам боласи эмас, ҳовлидаги сарварлардан бири оҳиста юриб кетаётгандай туюлди...

Стюардессанинг товуши унинг хаёлини бўлди: «Хурматли пассажирлар! Бизнинг самолётимиз Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон территориялари, Орол ва Каспий денгизи устидан ўтади-да, Боку аэропортига қўнади».

Ботирнинг чап ёнида ўтирган семиз киши унга гап қотди:

— Олдин ҳам борганмисиз Бокуга, ука?

— Ҳа, бўлганман,— гапни қисқа қилди Ботир. Бироқ семиз кишининг саволи тутамади.

— Менинг биринчи боришим, у ерда гастинса масаласи қандай экан, билмайсизми?

— Билмадим,— деди Ботир,— ҳамма жойга ўхшагандир-да.

Ботирнинг кесиб-кесиб гапиргани ёқмадими ёки саволи тутадими, семиз киши жим бўлди. Креслога ястаниб ётиб олди. Ҳаш-паш дегунча унинг хурраги эшитилди. «Роса беғам одам экан-да. Гапириб туриб ухлаб қолди-я...» Ботирнинг одати самолётда, автобусда — қанча юришидан қатъий назар — ухлаёлмайди.

«Эҳтимол, маълум даражада шунақаси ҳам тузукдир. Ҳеч нарсадан беҳабар ётаверади». Бу фикр унинг хаёлидан ўтишга ўтди-ю, аммо ўзи ҳеч қачон унга амал қилолмаслигини, ҳатто бу қадар беғамлик одам боласига ярашмаслигини ич-ичидан туйди. Зотан, унинг энг ёмон кўргани лоқайдлик. Ўғрини, муттаҳамни кечириш мумкин, аммо лоқайд одамни кечириб бўлмайди, деб ҳисобларди. Чунки ўғрининг, каззобнинг ния-

ти маълум, киши ўзини шунга тайёрлаб юради, лекин лоқайд одамнинг мақсади ноаниқ, тушунарсиз...

Ўша учрашувдан кейин Ботир ҳаловатини йўқотди. Овқат маҳали ҳам, пляжда ҳам ҳалиги қизни қидиради. Аммо ҳадеганда уни учратавермади.

Кечки овқатдан сўнг ҳовлидаги скамейкада дам олиб ўтирганди, ўша соҳибжамол ўтиб қолди. Унинг ёнида ёши элликни қоралаган, қалин сочлари ўсиб кетган, қирғий бурун, қарашлари ҳам бургут кўзларидай ўткир бир киши бор. Ботир бўшашиб кетди, негадир юраги гупиллаб урди, гарчи бу қизнинг лоақал исмини ҳам билмаса-да, ёнида эркак киши юргани нечундир унинг рашини келтирди. Ўзининг бу қилиғидан ўзи ҳам ҳайратга тушди. «Хўш, менга нима? Ахир уни танимасам, билмасам, нега энди жаҳлим чиқади? Қизиқ-ку...»

Ботирнинг фикри охирига етмасданоқ, бояги киши унинг ажабланиб қараб турганини сездими, ёнига келиб қўл узатди:

— Салом, сиз Ўзбекистондансиз?

Унинг гапиришидан сездики, озарбойжон экан.

— Ҳа,— деди Ботир,— сиз-чи, Озарбойжонданми?

— Бали,— у Ботирнинг ёнидан жой олди, нариги томонига ўша соҳибжамол ўтирди.— Маним отим Жалил Жамолзода, рассомман. Сизи отингиз нади?

— Ботир... журналист.

Жамолзода қалин сочларини бармоқлари билан орқага силтаб ташлади-да, кулди. Кулганда унинг кўзлари янада яшнаб, суҳбатдошини таъқиб этувчи бир тус олар экан. Бундай кўзларга тик қараш амримаҳол.

— Журналист? Чўх яхши, чўх гўзал. Маним журналистлара ҳурматим баланддир... Бу маним гизим — Гулгина, Гулгинахоним.

Қиз Ботирга қараб кулди. Унинг кулишлари ҳам гўзал эди... Эътибор берганмисиз, баъзи чиройли қизларнинг кулиши негадир хунук бўлади, ўзига ярашмайди. Бу гўзални «қизим», деб таништирганидан Ботирнинг кўнгли биров ёришди, ҳали уларни кўрган маҳали дилининг бир четига ёпишган хиралик пардаси кўтарилгандай туюлди.

— Танишганимдан хурсандман,— деди Ботир. — Мен сизни сиртдан танийман. Асарларингизни билман. Ўзбекистонда Озарбойжон адабиёти ва санъати

кунлари ўтказилганда очилган кўргазмада бор эди. Ундан кейин бултур Бокуга борганимда ҳам Марказий кўргазмалар залида кўриб эдим.

— Ташаккур, ташаккур...

Суҳбатта Гулгина қўшилди.

— Атамин ҳанси¹ асарлари ёдингизда?

Ботир бир лаҳза довдираб қолди. Йўқ, у кўрмаган асарларини кўрдим, деб ёлгон гапиргани йўқ. Каловлаб қолишига боис бу эмас. Чиндан ҳам Жалил Жамолзода деган рассомни у билади. Фақат кўргазмада эмас, «Искусство» журналида ҳам бу рассомнинг ишларидан намуналар эълон қилинган эди. Унга маъқул тушган картиналари ҳам ёдида. Ҳозир қизнинг гапидан сўзини йўқотиб қўйди. Зеро, қизнинг сўзлари шу қадар майин, шу қадар эркаловчи оҳангда эдики, ҳар қандай эшитувчини сеҳрлаб қўйиши тайин.

Жамолзода қизига танбеҳ берган каби:

— Кишини хижолатта қўймоқ на лозим. Балки номи эсида йўқдир, — деди.

Ботир ўзини қўлга олди:

— Йўқ, Жалил муаллим, ундай деманг. Эсимда, менга кўпроқ тарихий мавзудаги асарларингиз ёққан. Хусусан, Бобак ҳақидаги картинангиз кўз олдимда турибди.

Рассомнинг юзлари ёришиб, лабларига табассум югурди. Ботирга миннатдорлик билдиришдан ўзини тия олмади.

— Ташаккур сиза, чўх ташаккур. Дуз дейирсиз. — Кейин қизига деди: — Кўрдингми, азизим, бу ўғлон ҳаммасини билар экан. Ҳолбуки, ўзимизда кўпчилик билмайди ёки билса ҳам назарга илмайди.

— Атами асосий асарларини кўрган экансиз. Лекин яна бир машҳур картинаси вор: «Кўккўл». Кўрмаганмисиз?

Ботир ўйга толди. Йўқ, бундай асарни кўрмаган ёхуд хотирасидан кўтарилган.

— Сиз бунин гапларийа эътибор берманг, — деди Жамолзода.

— У картина ҳали кўргазмалара қўйилмаган.

... — Сув ичасизми, ука?

¹ ҳанси — қайси (озар).

Семиз кишининг саволидан хаёли бўлинди. Стюардесса сув таклиф қилиб турарди. Пластмасса стаканчадан бирини олди.

— Жуда хаёл суриб кетяпсиз, ука,— деди семиз киши. — Тинчликми ўзи?

— Самолётда бошқа нимаям қилиш мумкин. Хаёл сурасиз, булутларни томоша қиласиз. Шу-да.

— Бокута олдин ҳам борган бўлсангиз биларсиз, у ернинг ҳавоси қандай экан?

— Иссиқ-да,— деди Ботир. — Июнь ойи ҳамма жойдаям иссиқ келади-ку. Ҳавоси дим. Терлаб кетаверасиз. Намлик баланд. Ҳаммомнинг буғхонасига киргандай гап.

— Оббо, унда роса маза қиларканмиз-да.

Самолётнинг салқин салоида терлаб-пишиб ўтирган бу одам Бокута борганда қандай аҳволга тушишини Ботир тасаввур қилиб кўрди. Бир лаҳзада бутун кийим-боши жиққа хўл бўлиб қолса керак.

— Ундай эса отпусқада бу ёққа келиб нима қиласиз? Сочигами, Ялтагами бормайсизми? Маза қилиб дам олиб, чўмилиб келасиз. Жононлар тиқилиб ётипти.

«Туя ҳаммомни ҳавас қилган экан. Қорнини базўр кўтаради-ю, яна жононлардан гапирари».

Ботирнинг шўхлиги тутди. «Қани бир гапга солиб кўрай-чи, бу одам ким, нима иш билан кетяпти Бокута?»

— Командировкага кетяпсизми?— деди.

Семиз киши оғзини очмасдан кулди. Кулганда унинг япалоқ юзлари кенгайиб, оғзи бир тилими олинган қовундай бўлиб қулоқларигача чўзилиб бораркан.

— Командировкадан ҳам муҳимроқ иш билан кетяпман. Тўй ташвиши...

— Ўхў, зўр-ку,— деди Ботир кулиб. — Ўғил уйлантирмоқчимисиз?

— Ҳа, шундай.— Семиз киши ўғлидан биров ранжиган оҳангда гапирди. — Ўзимизда қиз қуриб қолгандай Озарбойжондан уйланмоқчи.

Бу гап Ботирни ўйлантириб қўйди. «Бир куни келиб менинг отам ҳам кимгадир шундай нолирмикан? Умуман, шундай бўлармикан?»

Ҳали ҳеч нарсанинг дарағи йўғу, ўзича ширин хаёл сураётганидан Ботирнинг кулгиси келди. Аммо шундай бўлишини жуда истади. Бу истак кўз ўнгида яна

Гулгинани намоён этди. «У нима деркан? Балки турмушга чиқиб кетгандир. Беҳуда хаёл суриб юрган-дирсан эҳтимол... Гулгина...»

Ботир ширин бир туйғу ила ҳўрсинди...

— Ўғлингиз нима иш қилади? Озарбойжон қизи билан қандай танишипти?

— Ирригация институтини битиряпти. Спортчи. Қанақадир мусобақа деб, Бокута келувди. Шу ерда танишиб қопти. Уям спортчи эмиш. Йўқ десам, кўнмади. — У ўтирган жойида бир қўзғалиб олди. — Ҳозирги ёшларга бир гапни тушунтириш ҳам азоб. Хўп, ука, анча бамаъни йигитга ўхшайсиз, айтинг-чи, узоқдан уйланиш осонми? Қанча ҳаракат. Ундан кейин келини олиб келган билан иш битмайди-ку. Қуда-андачилик, борди-келди, дегандай.

Ботир шеригининг кўнглини кўтарди:

— Ҳаммаям Озарбайжондан келин олавермайди-ку...

...Ботир иллюминатор томонга ўтирилиб яна хаёлга толди. Аста-секин Жамолзода билан яқинлашиб кетди. Энди улар тез-тез суҳбатлашиб туради, ҳар оқшом кинога ҳам учови бирга тушади. Дам олиш уйининг ҳовлисида сарвлар, магнолиялар, самшитлар, пальмалар, самбутгуллар майин шабодада яшил баҳмалдай товланиб ётади. Бетон плиталар ётқизилган йўлкалардан узоқ юриб гурунглашадилар. Пляжга ҳам бирга бориб, бирга қайтишади. Рассомнинг қизи чўмилмайди, қайиқча олиб сузади, холос.

Бир куни қизиқ бўлди.

Жамолзода билан иккови чўмилар, Гулгина қайиқда сузиб юрарди. Бирдан тўлқин туриб қолди. Бешик-бешик тўлқин унга туянинг ўрқачини эслатди. Тўлқинда гоҳ кўмилиб, гоҳ юзага чиқиб сузаркан, кўзи Гулгинада эди. Унинг қайиғи денгиз сатҳида мисоли хасдек ўйнарди. «Қани энди унинг қайиғи ағдарилиб кетсаю мен уни сувдан қутқариб олсам». Бу фикр Ботирнинг хаёлига қаердан, қандай келди, ўзи ҳам билмай қолди.

Йўқ, тўлқин тинмади, қиз ҳам бўш келмади. Тўлқин кучайган сари у яйрар, ҳаво гимнастикачиси каби қайиғини қум барханларига ўхшаш тўлқинлар узра сакратарди. Бу ҳам етмагандай Ботирга бақирди:

— Галин бура! Қайиққа миндирайми? На роҳат бу! Нима деган одам бўлдинг энди? Яхшиям фикрингни ўзингдан бошқа биров англамади. Одамзод бир-бирининг хаёлидан кечган фикрларни билмайди. Қандай яхши! Бордию бирининг хаёлини иккинчиси англаб етганда борми, аллақачон одамлар бир-бирини ебадо қилган бўларди...

Ботир ҳар куни зимдан Гулгинани кузата бошлади. Унинг ҳар бир сўзига, имо-ишорасига, ҳаракатларига разм солади. Ана шу кузатиш асносида у бир нарсани сезди. Сиртдан кувноқ, шўх, ҳазилкаш кўринган қизнинг кўзларида, боқишларида қандайдир дард, нимадандир норозилик туйғуси зоҳир эди. Бунинг сирини Ботир тушунолмади. Сўрашга юраги дов бермайди. Нима ишинг бор, деб қайириб ташласа-чи. Нима деган одам бўласан. Рост-да, биров билан нима дарди бор?

Шу андиша билан кўнглидан кечган саволини тилига чиқармади. Лекин андишанинг ҳам, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси, меъёри бор. Одам ўз хоҳиш-истагини ҳар қанча жиловламасин, ахир бир кун жилов узилиб, истак ўз билган йўлидан кетар экан. Ботирда ҳам шундай бўлди.

У тушликдан сўнг ўзи ёқтирадиган самбитгул соясидаги скамейкада китоб ўқиб ўтирарди. Бетон йўлкада хотин-қизлар учли туфлисининг тақ-тақ этган товуши эшитилди. Китобдан нигоҳини олиб ўша томонга қаради. Бир-бир босиб Гулгина келарди. У ғоят паришон, нима ҳақдадир чуқур ўйланиб бораётгани юришидан маълум эди. У ҳатто рўпарасидаги Ботирни ҳам сезмади. Илкис салом берсам чўчиб кетмасин деб, Ботир астагина йўталди. Қиз ялт этиб унга қаради.

— Салом, Гулгинахоним.

— Салом... Сиз шу ердამисиз?

— Ҳа, бир оз китоб ўқий деб келдим. Денгизда тўлқин, чўмилиб бўлмайди. Хонада ётавериб одам зерикади. Шу ер менга жуда ёқади.

Гулгина унинг ёнига ўтирди.

— Яхши жой экан. Сокин. Мана бу қанақа дарахт? Ҳиди ажойиб экан-а.

— Олиандр, яъни самбитгул. Ҳиди менга ям ёқади. Биласизми, биз томонда оқ ўрик бўлади, Фарқ пиш-

ганда шунақа хушбўй ҳид таратади. Самбитгулнинг иси менга ўша ўрикни эслатади.

— Рост айтасиз,— деди Гулгина самбитгулнинг бир шохчасини эгиб ҳидларкан.— Бизда ҳам бор шунақа мева, бизлар арик деймиз.

— Ўзбек тили билан озарбойжон тилининг фарқи кам. Асли ўзаги бир-да. Биласизми, бир вақтлар озарбойжонлар Алишер Навоийни, ўзбеклар Фузулийни таржимасиз ўқишган. Ҳозир ҳам Фузулий газаллари бизда машҳур. Фузулий газаллари билан айтиладиган қанча қўшиқларимиз бор...

Гулгина Ботирнинг сўзларини бўлиб деди:

*Низомий болидан ҳалво пишурмиш
Навоий забт этиб туркий жаҳонни.*

*Бир лаҳза кўлидан қўйганми ўзбек,
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни.*

*Азизим, гулимда асраб юрибман
Насимий қолдирган собит имонни.*

*Вурғуннинг шеъри деб жон чекса ўзбек,
Озар ҳам аярми Фафурдан жонни.*

деган-ку, сизларнинг Абдулла Орипов деган шоирларингиз.

Ботирнинг ҳайрати ошди. «Наҳотки, бу қиз ўзбек шеъриятидан хабардор бўлса? Кўринишидан шеър ўқийдиган қизга ўхшамайди-ку».

Фикрини унга айтди.

— Ўқиганман,— деди у кулиб.— Тўғри, жудаям кўп эмас. Ҳар ҳолда ўзбек шоирларининг у-бу нарсасини ўқиганман.

— Кечирасиз, сўраганнинг айби йўқ, дейдилар, агар сир тутмасангиз касбингиз нима?

Гулгина маънодор кулди.

— Сир эмас. Яқинда пединститутни битирдим, филология факультетини.

— Шунақа денг. Шеърятга қизиқишингиз бекорга эмаскан-да.

Дадангизнинг изидан бормабсиз-да. Ёки она касбини танладингизми?

Қиз индамади. Унинг юзлари жиддийлашди, бирмунча сўлғинлашди. Афтидан Ботирнинг саволлари унга хуш келмади.

— Унисининг ҳам, бунисининг ҳам изидан бормадим. Ўз йўлимни топгим келди, ўз изимни қолдиришни истадим. — Унинг сўзлари кескин, ҳазилдан холи эди.

— Тузук, — деди Ботир. Билдики, суҳбатни бу тарзда давом эттириш мумкин эмас. Пластинкани дарҳол ўзгартириш зарур. — Жалил муаллим кўринмайди?

Қиз ўрнидан турди-да, денгиз томонга қараб қулочини керди.

Уммонни қучоқлаб олгудай сиёҳи бор.

— Ким билади дейсиз, қаерларда юрибди. Этюднигини кўтариб чиқиб кетувди. Бу ерларда яхши пейзажлар чизиш мумкин эмиш. Эртаю кеч ўйлагани асари, ман унинг хаёлига ҳам келмайман.

Демак, шунинг учун у кўпинча ёлғиз юрар экан-да. Балки унинг чехрасидаги ғамгинлик кўланкасига ҳам сабаб шудир.

— Мана шундай жойларга олиб келгани — сизни ўйлагани эмасми? Дам олишга одатда кўпчилик хотини билан боради. Қизини ёки ўғлини олиб борадиганлар жуда кам.

Гулгина шартта Ботир томонга қаради-да, томдан тараша тушгандек пақ этказиб савол ташлади:

— Уйланганмисиз?

— Йўқ, — деди Ботир унинг мақсадини тушунолмай.

— Аввал уйланинг, ана ундан кейин биласиз хотиннинг қадрини. Ҳозир бу гапларни қўйинг. — Унинг сўзлари негадир асабий эди.

Қизнинг бу гаплари Ботирнинг ҳайратини оширди.

Гулгина яна унинг ёнига келиб ўтирди.

— Манга қаранг, хафа бўлдингизми гапимдан. Илтимос, кўнглингизга олманг. Одатим шунақа ўзи, баъзан кимлигига қарамай шартта гапириб юбораман.

Ботир унинг юзларига, кўзларига боқди. Гўё ҳозиргина денгизга қараганча тик туриб гапирган қиз билан манави — ёнида ўтирган қиз иккови бир одамми ёхуд бошқа-бошқа қизларми — аниқламоқчи бўлганидек астойдил разм солди. У умрида бировга, хусусан қизларга бунақа тикилмаган. Бунини Гулгина ҳам сезди шекилли, ҳа, намуноча термилдингиз, деди. Шундан кейингина у ўзига келди.

— Кечирасиз, ўзим шунчаки, хаёл суриб қопман.

Шу маҳал девордек қалин дарахтзор орасидаги йўлакнинг бошида Жамолзода кўринди. Уни Гулгина кўрмади.

— Отангиз келяпти, — деди Ботир.

Қиз аввалига бир қизарди, кейин дарҳол ўзини қўлга олди.

Жамолзода уларга яқинлашаркан, деди:

— Оббо сизлар-эй, бу ерда ўтирган экансизлар-да. Ман бўлсам боядан бери қидираман қаерга кетди булар деб. Нечуксан, Ботир?

Бу гапдан Ботирнинг ҳайрати яна ошди; «Ҳозиргина қизи отам ишляпти, дедди. Отаси эса сизларни қидириб юрибман, дейди. Қўлида этюдник ҳам, мўйқалам ҳам — ҳеч нарса йўқ. Қайси бирининг гапига ишониш керак?»

...Стюардессанинг таниш овози эшитилди: «Ҳурматли пассажирлар! Креслоларни вертикал ҳолга келтиришингизни, камарларни боғлашингизни илтимос қиламан. Самолётимиз пастлай бошлади. Ярим соатлардан сўнг самолётимиз Боку шаҳрининг аэропортига қўнади. Бокуда ҳарорат йигирма беш даража иссиқ».

— Йигирма беш бўлса унчалик иссиқ эмасканку, — деди семиз киши.

Ботир индамади. Аммо ўзича ўйлади: «Ҳа, иссиқ эмас. Ҳали пастга тушайлик, кўрасан иссиқ эмаслигини. Тошкентнинг қирқ даражасию бу ернинг ўттизи».

Самолёт шувиллаб пастлаб борар, Ботир иллюминатордан кўз олмай атрофни томоша қилар эди. Ҳозир денгиз кўринади... Ана денгиз, Каспий — Ҳазар денгизи, баҳри Ҳазар. Нега унинг номини ўзгартирди экан? Ўзи яхши эмасми. Ҳазар денгизи!

Ботир денгизга суқ билан термилди. Денгиз жимир-жимир қилгану кейин қотиб қолгандай, қимир этмайди. Аслида пастда чайқалиб ётгандир. Хув ўша — ҳар жой-ҳар жойда пахта сингари оқариб кўринаётган нарса тўлқиннинг кўпиғи.

Самолёт тобора пасайиб бормоқда. Гўё денгизга қўнадигандай тасаввур қолдиради. Ботирнинг елкаси оша йўғон бўйнини чўзиб ташқарига мўралаётган семиз киши чўчиб кетди чоғи, ие, денгизга қўнадими,

нима бало, деб юборди. Ботир унга қарадию ўзини кулгидан тия олмади.

— Ҳа, нимага куласиз, ука. Қаранг, денгиз бир қадам қолди ахир,— деди. Унинг гапиришида чиндан ҳам қўрқув ҳисси акс этиб турарди.

— Қўрқманг, амаки, сувга қўнмайди. Сизга шундай туюляпти, ҳали анча юқоридамиз...

Ботир гапини тугатмасданоқ самолёт денгиз устидан ўтиб, аэропорт чегарасига кирган, у ўлжасига ташланган бургутдай ерга қўйилиб борарди. Ана-мана дегунча филдираклар ерга тегиб, самолёт бир силкиндю унинг товуши бирдан ўзгарди: одам нафас олмасдан оғзини очиб узоқ о-о-о деб турсаю, кейин бирдан нафас олса, овозида кескин ўзгариш рўй беради. Самолёт ҳам худди шунга ўхшайди: то ерга қўнгунча бир маромда, бутун вужуди таранг тортилиб вангилаб борадида, филдираклари ерга тегиши ҳамоно енгил нафас олган каби оғир вазифани бажариб бўлиб, ух, хайрият-эй, дегандай бирдан товуши ўзгарди. Мана шу товуш ўзгариши билан одамлар ҳам беихтиёр енгил нафас оладилар. Йўловчилар ўзлари билмаган ҳолда самолёт мотори кўйига тушиб, асаб томирлари таранг тортилиб туради.

«Ту-154» кўрдингми мени, Тошкентдай жойдан шунча одамни кўтариб учиб келдим, дегандай керилиб аэропортни айланиб чиқди-да, бир чеккага келиб силкиниб тўхтади. Бир зум вангилаб турди-ю, кейин пувв этиб моторлари ўчди.

Самолёт зинасидан пастга тушиши билан гуп этиб нефть ҳиди, иссиқ нам ҳаво юзга урилди. Гўё нафас олиш оғирдай. Бояги семиз киши лапанглаб зинадан тушди-да, тўғри Ботирнинг олдига келди.

— Э, ука, йигирма беш девди, қирқдан ошиқ шекилли. Нафас олиб бўлмайди-ку. Бу сасиб ётган нима бало?

Ботир кулди.

— Нефтнинг иси келяпти-да.

— Шаҳардаям шунақами?

— У ерда бундан баттар. Шаҳар денгиз бўйида жойлашган. Бу ер-ку ҳалиям денгиздан узоқроқ.

Автобус уларни аэропорт биноси томонга олиб кетди. Чамадонлар етиб келгунча Ботир телефон будкасига кирди.

- Алло, Жалил муаллимнинг уйими?
- Трубкадан таниш аёл овози эшитилди.
- Бали.
- У кишини телефонга мумкинми?
- Ҳозир.

Бу Жамолзоданинг қизи эди. Ботир унинг овозини таниди. Танидию ҳаяжонланиб кетди. Демак, ўзи ҳам, қизи ҳам шу ерда экан... Гулгина! Унинг гапириш оҳанги, товуши Ботирнинг қулоғига ўрнашиб қолган. Чамаси у танимади. Қардан ҳам танисин.

- Алло,— деди дўриллаган, жарангдор овоз.

Ботирнинг кўз ўнгида Жалил Жамолзоданинг жанговар қиёфаси намоён бўлди.

- Салом, Жалил муаллим. Бу мен — Ботирман.

— Ботир?! Нежирсан Ботир? Ҳардан занг уриюрсан?

- Аэропортдан, ҳозир келдим.

— Манга қара, ўша ерда қимирламай тур, ман ҳозир етиб бораман.

Кераги йўқ, ўзим бораман шаҳарга, демоқчи эди, улгурмади, Жамолзода трубкани шарақ эткизиб қўйди. Ботир Жамолзоданинг қилиқларини эслаб мийиғида куларкан, телефон будкасидан чиқиб юкларни берадиган хона томонга кетди...

II

Аэропорт майдони олдидаги дарахтларнинг соясига чамадонини қўйиб, сигарет тутатди. Тик туравериш оёғи толди. Уч-тўрт қадам наридаги скамейкага бориб ўтирди. Яна хаёл ўз оғушига олди. Унинг кўз ўнгида Жамолзодадан ҳам кўра қизи кўпроқ гавдаланади. Бирда ғамгин, бирда шодон кўринувчи бу қизни ҳеч тушунолмас, гапларидан, қарашларидан нимадандир кўнгли нотинч эканлигини сезиш қийин эмасди.

Кечагидек эсида Ботирнинг. Бир кун Гулгина билан пляжда суҳбатлашиб қолди. (У гарчи чўмилмасида, чўмилиш кийимини кийиб пляжга келиб ётарди.)

— Гулгинахоним, айбга буюрмасангиз бир нарса сўрамоқчи эдим.

- Марҳамат,— деди у кулиб.

— Янглишмасам, кўпинча нимагадир хомуш кўринасиз.

- Ким билади...

Соатлаб дарёга қармоқ ташлаб биронта ҳам балиқ тутолмаган одамнинг аҳволини тасаввур қила оласизми? У на кета олади, ва балиқ тутишда давом этади. Кетай деса — қуруқ қўл кетиш алам қилади, машғулоти давом эттирай деса, натижа йўқ: қармоқ қаттиқ силкинади, вақтни бой бермай шартта тортса, балиқдан дарак йўқ, аммо чувалчангни еб кетган.

Ҳозир Ботир шу аҳволда. Саволларни давом эттирай деса, жавоблар қисқа-қисқа, ҳатто бирмунча терс. Буни, йиғиштир саволларингни, деган маънода тушуниш ҳам мумкин. Бас қилай деса, у билан гаплашгиси бор. Саволига аниқроқ жавоб ололмагани алам қилади... Бир ишни бошладингми — охирига етказ.

— Мени тўғри тушунинг, Гулгинахоним, ҳавас қилса қилгудек гўзалсиз. Биламан, шу ернинг ўзида қанча йигитлар сизни зимдан кузатиб юришибди. Сиз билан лоақал бир марта гаплашишга орзумандлари қанча.

Гулгина кулиб юборди. Унинг кулгиси шу қадар жаранглаб кетдики, беш-олти қадам нарида ўзини офтобга тоблаб китоб ўқиб ётган аёл булар томонга маънодор қараб қўйди. Бироқ унинг қарашига на Ботир, на Гулгина эътибор берди. Аслида бу ернинг одати шунақа: ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

— Жуда ошириб юбордингиз-ку. Шу қадар гўзал эканимни билмапман-а,— деди Гулгина.

— Йўқ, бу хушомад эмас, рост айтяпман. Унинг устига шундай машҳур рассомнинг суюкли қизисиз. Ҳали студентлик оstonасидан чиқар-чиқмас Сочига келиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шундай экан, кўнглингизнинг бир чеккасида гашлик бўлишига боис нима?

Гулгина ўйланиб қолди. Ҳозиргина очилиб, шарақлаб кулиб турган қиз чехрасига вазминлик югурди. Баҳор офтобини кутилмаганда булут тўсганидек, унинг шодон қарашлари ўрнини қандайдир маъюслик эгаллади.

— Гапларингиз тўғри,— деди у вазминлик билан,— аммо биласизми, бу дунёда ҳар жиҳатдан кўнгли тўқ, одам ё йўқ, бўлса ҳам бармоқ билан санарли. Бир кам дунё, деган мақол бор бизда, эҳтимол сизларда ҳам бордир. Шу мақол бекорга чиқмагандир ахир.

«Хўш, бу қизнинг кўнгли нимадан яримта? Ким билсин. Айтмаяпми-ку! Нега айтсин? Мен кимман унинг

учун? Дардини тўғри келган одамга айтиб кетаверади-ми. Хусусан, қиз бола. Қизлар ҳуда-беҳудага кулфу дилини очавермайди. Уларнинг кўнгил сандиғини очишдан кўра анави оқ соч тоғлар қаърида нима борлигини билиш осонроқдир... Ке, кўй, ортиқча эзмалик қилмайин. Лозим топса ўзи айтар, бўлмаса шарт эмас...»

Ботирнинг индамай ўйланиб қолганини кўриб:

— Гапларим сизни ҳам ўйлатиб қўйдими. — У кулди. Аммо кулгиси табиий эмас, ўзини ўзи зўрлаб жилмайди. Унинг мана шу — сунъий кулгиси ҳам ўзига ярашиқли эди. — Келинг, бу гапларни қўйинг, ахир бу ерга сиз ҳам, биз ҳам дам олгани келганмиз-ку! Дунёнинг ташвишларидан вақтинча эса-да қутулмоқ ниятида юрибмиз-ку бу ерларда... Самад Вурғун шеърларини ўқиганмисиз? Бир гўзал ғазали бор. Ўқиб берайми?..

У Ботирнинг жавобини ҳам кутмай ғазал ўқий бошлади:

*Агар сендан тонар бўлсам, насибам оху зор ўлсин,
Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир гиёр ўлсин...
Чаманзорим боғим-боғчам, тўқилсин бари хор ўлсин,
Мазорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсин.*

Қиз ғазални шундай гўзал, ширали ўқирдики, Ботир гўё сархуш бўлиб қолди. Унинг устига озарбойжон тилининг гўзал талаффузи, ғазал сўзларининг мазмундорлиги уни ўз сеҳрига олди. Энди унинг қуловига денгиз тўлқинининг шалоп-шалоп этиб қирғоқда урилиши ҳам, дам олиб ётганларнинг ўзаро гўнғир-гўнғир овози ҳам кирмасди. У фақат биргина товушни — Гулгинанинг ёғдай майин, тоғ жилғасидек тиниқ, қўнғироқдай жарангдор овозини тингларди, холос.

*Қўй, эй булбул, тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдур,
Бу ерларда шинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдур.
Ўлим, э, воҳ, у неъматдур, у бир шонли саодатдур,
Агар бевақт ўлар бўлсам, рақибим бахтиёр ўлсин.*

Ғазалнинг сўзлари, оҳанги жой-жойига тушар, Гулгина эса гўё ҳамма нарсани унутган, у ғазал руҳи билан яшар, ҳозир унинг томирларида шоирнинг оташин қони гупурар эди. У тобора ғазал руҳига сингиб

борар, ҳар бир мисрани, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб ўқир, гўё бу билан шеър мазмунини тингловчи онгига қуйиб қўймоқни истарди:

*Ҳаётдан интиқом устаб, жўшар руҳимда бўронлар,
На инсофни, на виждонни билар, ё раб, бу инсонлар.
Ёз, эй Вурғун, яна жўшсин, бу кун оламда тўфонлар,
Йиқилсин меҳвари олам, у тубдан тор-мор ўлсин.*

Ҳазал тутагач, у кўзларини юмганча жим қолди. Чамаси, у ҳали ўзи ўқиган шеър сеҳрининг тўрларидан озод бўлолмаган эди. Ботир ҳам миқ этмади. У гапиришдан, бирон ножўя сўз айтиб унинг кайфиятини бузиб қўйишдан чўчирди. Ботирнинг назарида, Гулгина ҳозир дунёдаги энг бахтли, лаззатли онларини бошидан кечирмоқда эди. Ана шу лаззатдан, ана шу оромдан уни мосуво қилиш — гуноҳи азим.

Орадан қанча вақт ўтди — иккови ҳам билмайди. Қиз оҳиста кўзини очди. Йигитга қаради. Йигит киприк қоқмай унга термилиб ўтирарди.

— Ҳазал ёқдимиз сизга?

— Жудаям... Биласизми, мен ҳам бу ҳазални ёддан биламан. Менга шу қадар ёқади у.

Қиз кулиб юборди.

— Ана холос. Сиз ёд биларкансиз-у, ман Америка очгандай қуйиб-пишиб ўқиб ўтирибман-а.

— Йўқ, Гулгинахоним, ўқиганингиз жуда яхши бўлди. Бу ҳазални жуда кўпчилик ўқиганини эшитганман, аммо ҳеч ким сизчалик гўзал ўқимаган эди.

— Демак, сиз озарбойжон адабиёти билан қизиқар экансиз-да?

— Унча-мунча. Хоҳлайсизми, мен ҳам бир шеър ўқиб бераман.

— Бажонидил. Озарбойжон шоириданми?

— Йўқ, ўзбекча.

*Кўпдан кутган эдим, орзиқиб мана,
Булутлар тарқалди, тўкишиб кўзёш,
Хаёлим осмондай ёришди яна,
Ёруғ кунларимдай порлагди қуёш.
Шошқин дарёларнинг зангордир лаби,
Шамоллар ўйнайди йироқ-йироқда.
Юргил сайр этайлик, юргил малагим,
Дунё ташвишлари қолсин узоқда.*

*Кўрпсанми қандай яшармиш олам,
Бепарво гўдакдай жилмаяди жим.
Гўдагим, бу чирой қайтмайди ҳеч ҳам,
Қайтамагани каби менинг ёшлигим.
Хазонрез августнинг бирор оқшоми.
Уни кўрарсанми тушингга такрор.
Майлига, ўзгадир кузнинг илҳами
Бутун-чи, кўз ташла, атрофда баҳор.
Қани қўлгинангни бергил жимгина,
Шу маъсум йўлчига қўййлик иҳлос,
Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,
Баҳор доим эмас, уч ойғир, холос.*

Шеър туташди билан Гулгина Ботирнинг қўлини олиб табриклади.

— Соғ ўлин, чўх соғ ўлин! Гўзал, чўх гўзал шеър. Кими шеъриди?

— Абдулла Ориповники...

— Ай, соғ ўлсин, ул нақадар гўзал шоир. — Қиз бирдан сергак тортди. — Биз узоқ қолиб гатдик, атам мана излаб юрган чиқар.

У шундай деб ўрнидан турди. Ботир унинг яна бир оз ўтиришга, яна озгина суҳбатлашишга, иложи бўлса яна бирор вазал...

Машинанинг қаттиқ сигналидан Ботир чўчиб тушди. Ширин туш кўриб ухлаб ётган одам кучли шовқиндан илкис уйғониб кетгандай, Ботир ҳам хаёлини йиғиштириб олгунча бир зум саросимага тушиб қолди. Ўзига келганда рўпарасида қулочини ёзиб келаётган Жалил Жамолзодани кўрди. Улар кучоқлашиб кўришдилар.

— Аҳволларинг нечук?— деди Жамолзода кулиб.

— Яхши. Ўзингиз қалайсиз? Гулгинахонимнинг соғлиги тузукми?..

— Жуда зўр,— деди рассом,— ана ўзи.

Ботирнинг шундоқ бурнининг тагида оппоқ «Волга» турар, унинг рулига суянганча Гулгина уларни кузатиб ўтирарди. Жамолзода билан Ботир унга томон ўтирилиши ҳамон Гулгина машинадан тушди. Ё, қудратингдан, ҳамон ўша-ўша, қоп-қора қошлар, ёниб турган кўзлару найза мисоли киприклар, елкаси билан битта бўлиб тўлғониб ётган қўнғироқ сочлар — ҳамма-ҳаммаси ўша.

— Салом, Ботир муаллим.

Овозлар ҳам ўша — пляжда ғазал ўқиган овознинг худди ўзи.

— Салом, Гулгинахоним. Нечуксиз?

— Ташаккур.

— Қани, кетдик, вақт ўтмасин,— деди Жамолзода.

Жамолзода билан Ботир орқага ўтиришди. Гулгина машинани кийикдай учирди. Бир зумда аэропорт бинолари орқада қолди. Ботир билдирмай Гулгинага разм солди. Олдингидан бир оз тўлишибди. Аммо ҳаракатлари чаққон, кайфияти жойида кўринади.

Жамолзода Ботир томонга ўтирилди.

— Хўш, Ботир, ишларинг нечук? Отпускага чиқдингми?

— Яхши,— деди Ботир.— Ишлар кетяпти. Отпус-кага чиқдим. Ваъдага мувофиқ, мана, келдим.

— Жуда яхши қипсан. Мана, Гулгинахоним бизнинг ихтиёримиз-да. Кўриб турибсан, санинг келишингга янги машина олдик. Кўккўлга борамиз. Низомий мақбарасини кўрасан, Шушага, Шамахага олиб бораман! Тўғрими, Гулгинахоним?

Гулгина чапдастлик билан машина рулини бошқаркан, мийиғида кулиб «бали» деди. «Волга» сувдай елиб борарди.

— Машина ҳайдашни яхши ўрганиб олсиз,— деди Ботир ҳавас билан.

Бу гапдан Гулгина мамнун жилмайди.

Жамолзода эса гапни илиб кетди.

— Нимасини айтасан, профессионал шофёрлар ҳам бунинг олдида ип эшолмайди. Эътибор беряпсанми, қанча машиналарни ортда қолдирыпти.

Ҳаммаси барабар кулишди.

— Эсингиздами, Ботир муаллим,— деди Гулгина кўзини йўлдан олмай,— бултур ман Ҳиндистонга бора-ман деган эдим.

— Ҳа, дарвоқе, эсимда, бормадингизми?

— Бормай бўпти,— деди бирдан Жамолзода.

— Бориб келдик.

— Шунақами.— Ботир Гулгинага юзланди.

— Ахир сиз у ёқда турмушга чиқмоқчи эдингиз-ку.

Гулгина хандон отиб кулди:

— Тегмоқчи эдим, Жалил муаллим қўймади...

Кечки овқатдан кейин Ботир ҳовлидаги скамейкада дам олиб ўтирган эди, Жамолзода билан Гулгина унинг ёнига келди.

— Кинога кирамизми? — деди Жамолзода.

— Унчалик тушгим йўқ.

— Нега? — деди Гулгина. — «Тақдир ҳокими» деган ҳиндча фильм экан-ку, юринг, бирга кирамиз. Ёки ҳинд фильмлари сизга ёқмайдими?

Ҳинд фильмларини Ботир унчалик хуш кўрмайди. Аксарияти эртақнамо, воқеалар давом этади-этади-да, охирида ҳамма қаҳрамонлари мурод-мақсадига етиб, фильм тугайди.

Бу фикрларини уларга айтмади. Кўриниб турибдики, Гулгина ҳинд фильмларига ўч экан. Аслида қайси йигит-қиз ҳинд киносига ўч эмас! Майли, ҳафсаласи пир бўлмасин. Умуман, ҳайратга тушмасликдан кўра ҳамма нарсадан ҳайратланган яхшироқ, деган эди кимдир.

— Кетдик, Ботир, — деди Жамолзода, — бари бир битта ўзинг зерикиб ўтирасан. Журналист дегани ҳамма нарсани кўриши керак. Яхшининг яхшилигини, ёмоннинг ёмонлигини билиш учун ҳам сабр билан кўрмоқ ва ўқимоқ лозим. Баъзи танқидчиларга ўхшаб ўзинг кўрмай ёки ўқимай, бировлардан эшитганинг бўйича фикр юритиш инсофдан эмас.

Рассомнинг бу гапларидан кейин Ботир ноилож ўрнидан кўзгалди.

Фильмдан сўнг учаласи хиёбонда сайр қилишди.

— Кино ёқдими сизга? — деб сўради Гулгина Ботирдан.

— Ёмон эмас. — Ботир мужмал жавоб берди.

— Яхши-ку, — деди жўшиб Гулгина. — Қаранг, қандай ажойиб. Манга жудаям ёқди. Искандарни қаранг, қанақа жасур, ботир йигит экан.

Ботир индамади. Жамолзода қизи гапирса қизига, Ботир гапирса Ботирга қараб, уларнинг гапини тасдиқлаб индамай бормоқда. Гўё қани буларнинг мунозараси нима билан тугайди, деб кузатиб бораётганга ўхшарди. Гулгина кинони мақташда давом этди.

— Ҳинд кинолари маним хушима галур. Одамнинг завқини келтиради, мудраб ётган юракларни ҳам уйғотиб юборади. Яшашга, ҳаётни севишга ўргатади.

— Қип-қизил киношунос экансиз-ку. — Ботирнинг орзидан беихтиёр чиқиб кетган бу гапдан Жамолзода кулиб юборди, қиз эса бироз сергак тортди. Буни Ботир ҳам пайқади.

— Узр, ранжиманг, ҳазиллашдим, — деди Гулгинага.

Улар неон чироқлар сутдай ёритиб турган йўлакдан гўё қадамини санаётгандай бир-бир босиб боришарди.

— Ботир муаллим, — деди Гулгина шартта юришдан тўхтаб, — биласизми, ман Ҳиндистонга кетмоқчиман. — Томдан тараша тушгандай айтилган бу гапдан Ботир гангиб қолди. Бу қизнинг эси жойидами ўзи? — Бирон-бир ҳинд йигитига турмушга чиқаман. У ерда яшагим келади.

Ботир кулди. Чиндан ҳам бу қиз ўта романтик экан. Йигит-қизларнинг кўпчилигида шунақа кайфият бўлади. Ҳинд фильмларини кўради-ю, ўша ёққа кетгиси келиб қолади. Гўё у ерда яшаш осон, мазза. Киноларида шундай тасвирлайди-да. На иш бор, на ташвиш. Ҳамма ўйнаб-кулиб ашула айтиб, рақсга тушиб, сайр қилиб юради.

— Ҳиндистонда ҳақиқий аҳвол қандай эканлигини наҳотки билмасангиз, Гулгинахоним?! Ахир бу кино-ку.

— Нима бўпти, — деди Гулгина бўш келмай.

Ботир бошқа гапирмади. Орага оғир жимлик чўқди. Бу сукунатни Гулгина туфлисининг «тўқ-тўқ» этиб бетон плитага урилиши ва денгизнинг салобатли шовиллаши бузарди, холос...

— Хўш, Ҳиндистонда аҳвол қалай экан? — деди Ботир.

Гулгина ҳам ҳозир ўша суҳбатни эслаб кетаётган экан чоғи, орқасига ўтирилиб Ботирга қаради.

— Ёдингиздан чиқмапти-да, — деди кулиб. — Ўн марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, дейишади-ку. Гапга Жамолзода аралашди:

— Шу қадар тиланчилар кўпки, ҳатто юришга қийналасан. Аммо бойлари бор, э, нимасини айтасан, унақа-бунақа бой эмас. Бизни бир тўйга таклиф қилишди. Э, бунақа тўйни умримда кўрган эмасман. Бизнинг Кавказ тўйларини мақташади, ҳаддан зиёд катта, дабдабали дейишади. У тўйнинг олдида бизнинг тўйлар оддий бир зиёфатдай гап.

Шаҳарга киргач, уларнинг суҳбати узилди. Ботир Боку кўчаларини томоша қилиб борарди.

— Энди гап бундай,— деди Жамолзода. — Ҳозир «Озарбайжон» меҳмонхонасига борамиз. Бугун дамингни ол. Эртага эрталаб чиқиб кетамиз.

— Балки бир-икки кун шаҳарни айланармиз. Мен таниш-билишларимни кўрсам.

— Кўрасан, ҳаммасига улғурасан. Вақтинг бема-лол-ку. Димиқиб ётган шаҳарда нима бор. Аввал тоғларга чиқайлик, Озарбойжон табиати билан таниш. Кейин, кетишингга бир-икки кун қолганда томоша қилаверасан, шаҳарни.

Машина денгиз соҳилида жойлашган ўн олти қаватли «Озарбайжон» меҳмонхонаси олдида тўхтади.

У сан шу ерда бир нафас ўтириб тур, деди-да, ўзи бир хонага кириб кетди. Ботир юмшоқ креслога чўқди. Ўтиб-қайтаётганларга разм солди. Аксарияти ажнабийлар. «Одийроғи ҳам бўлаверар эди. Ҳеч паст кетмайдига, бу одам», деб хаёлидан ўтказди. Рўпарадаги буфетта бориб бир стакан муздай мандарин шарбати ичди. Унгача Жамолзода қайтиб чиқди.

— Паспортингни бер.

Хужжатларни расмийлаштиргач, еттинчи қаватга чиқишди. Бир кишилик хона экан.

— Қалай, маъқулми?— деб сўради Жамолзода.

Унинг бу саволида «кўрдингми қудратимни?» деган мақтаниш ҳисси акс этди. Балкон денгиз томонда. Юқоридан қараганда денгиз оёқ остидагидай чайқалиб ётибди. Меҳмонхона билан денгиз орасида йўл ва қалин дарахтзор — хиёбон. Ажойиб манзара.

— Йўлда чарчагансан. Бир-икки соат ухлаб, дамингни ол. Биз соат иккида келамиз. Бирга тушлик қиламиз.

— Балки бугун сизлар ҳам ўз ишларингиз...

Жамолзода унинг гапини кесди:

— Бокуга келдингми, энди инон-ихтиёринг бизда. Қачонки, Тошкентга учадиган самолётга ўтирасан, шундан кейин ўз ихтиёринг ўзингда бўлади. Унгача нима десам қулоғингни қимирлатмай кетаверасан. Ҳозирча хайр. Яхши дам ол.

Жамолзода унинг гапини ҳам эшитмай эшикни ёпиб чиқиб кетди.

III

Ботир душга тушди. Чарчоқлари ёзилиб, ўзини қушдай енгил ҳис этди. Бир оз чўзилди, кўзини юмиб ҳеч нарсани ўйламай ётишга уринди. Лекин буни эплаб бўлса экан. Одамзоднинг хаёлсиз турмоғи гумон. Самолётда бирга келгани — чол ёдига тушди. Меҳмонхонага жойлаша олдимикан? Ўғлимни уйлантираман, деб шунча йўлдан сарсони ачиб келяпти-я...

Жиндек мизғимоқчи эди, бўлмади, ухлаёлмади. Буфетга бориб қаҳва олди-да, балконга чиқиб ўтирди. Иссиқ қаҳвани ҳўплаб денгизни томоша қилди. Денгиз томондан салқин шабада эсади. Бу шабада гоҳ-гоҳ нефтнинг қўланса ҳидини олиб келади.

Ана порт. Бир кема причалга кириб келяпти, иккинчиси жўнади.

Оғир-вазминлик билан денгиз ичкарасига сузиб кетган кемани кузатиб ўтирган кўйи Бокута олдинги гал келганини эслади...

Ўшанда ҳам ёз эди. Беш кун юрди. Ашраф деган дўсти билан.

У билан танишуви ҳам қизиқ кечган.

Бу воқеага икки йилча бўлди. Май ойи эди. Ботир эрталаб ишга келиб янги газеталарни варақлаб ўтирганди, телефон жиринглади.

— Алё.

Трубкадан нотаниш одамнинг овози эшитилди.

— Ман Бокудан келганман, кирсам майлими?

— Марҳамат,— деди Ботир.

— Пропуск бюросига айтсангиз, рухсатнома ёзиб берса: Жаводов Ашраф.

— Ҳозир айтаман...

Ўн беш минутлардан кейин баланд бўйли, қорача бир йигит кириб келди. Унинг бир қўлида дипломат, иккинчисида ёмғирпўш. Ҳол-аҳвол сўрашишди, Ботир Бокудаги янгиликлар хусусида қизиқди. Меҳмон унинг сўровларига қисқа-қисқа жавоб берар, афт-ангоридан нимадандир ҳафсаласи пир экани ёки ортиқча эзилгани кўриниб турарди. «Эҳтимол, ҳозир келиб тушгандир. Йўлда чарчагандир», деб ўйлади Ботир.

— Кечирасиз, қачон келдингиз? Ҳозирми?— деб сўради.

— Йўқ, уч кун бўлди. Яна икки кундан кейин кетаман. Бизнинг газетамиз Ўзбекистонга бағишланган қўшсаҳифа тайёрламоқчи. Шунга материаллар олиб кетгани келувдим. Сизнинг редакциянгизга ҳам бир кирай дедим, балки биз учун бирор бир қизиқроқ нарсачиқиб қолар.

— Бизнинг редакциядан бирон киши билан гаплашувдингизми?

— Йўқ, биринчи келишим.

— Шундай денг,— деди Ботир ўйчан ҳолда. — Умуман ишларингизнинг кетиши қалай? Тузукми, материаллар олдингизми?

Ашраф сигарет тутатди.

— Ёмон эмас, у-бу нарсалар олдим. Баъзилар бугунга ваъда беришган. Бугун кечгача ишим битса керак. Афсуски, билетни кечроққа олиб қўйибман, бўлмаса эртага кетар эдим.

— Нега бунча шошилмасангиз. Нима зерикдингизми? Тошкент ёқмадими? Қаерда турибсиз?

Меҳмон ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— Қаерда бўларди, меҳмонхонада-да.

— Қайси меҳмонхонада?

У сигарет тутунини бир чеккага пуфлади-да, Ботирга ғалати қараш қилди:

— Сизга бари бир эмасми қайси меҳмонхонада туришим...

Тушунарли, ҳаммаси тушунарли. У зериккан. Биров бу ёққа юр демаган, ўзи ҳеч кимни танимайди, ҳеч қаерни билмайди.

— Биринчи келишингизми Тошкентга?

— Биринчи ва охирги бўлса керак.

Ботирга бу гап оғир ботди. Шаҳрингга биринчи бор келган одам яна қайтиб келмаслигини ошкор айтадими, демак яхши кутиб олишмаган. Шаҳар ҳар қанча гўзал, чиройли, обод бўлмасин, агар одамлари қўпол бўлса, меҳмонларни яхши қаршиламаса, иззат-ҳурматини жойига қўймаса, бундай жойга бир келган одам қайтиб келиши ҳақида албатта ўйлаб кўради.. Бу йигит дастлаб кимга учрашди экан? Сўрасинми? Хўш, сўраганда нима фойдаси бор? Қайтангга бунинг ярасини янгилаш мумкин-ку... Лекин шуниси аниқки, қандайдир бир бефаросат одамга дуч келган. Киши бошқа жойдан келган меҳмон билан гаплашганда хушёр

бўлмоғи лозим. Бир одамнинг нозик диди, юксак маданияти билан бир халқ ҳақида яхши тасаввур қолиши ёхуд, аксинча, бир фаросатсиз туфайли бутун халқ номига доғ тушиши мумкин.

Ашраф ярим чекилган сигаретни кулдонга эзгилаб ўчирди.

— Мухаррирингиз қачон келади? Гаплашсам, балки бирон-бир тузукроқ материалми, суратми топиб берар... Кейин кетай, ҳали яна бир-икки учрашадиган жойларим бор.

У шундай деб ўрнидан турди.

— Демак, гап бундай,— деди Ботир ҳам ўрнидан туриб. — Ҳозир муҳаррир келади, балки келгандир ҳам. Унинг олдига олиб кираман, гаплашасиз. Кейин бошқа учрашадиган одамларингиз билан кўришинг. Пешинда шу ерга келасиз, бирга тушлик қиламиз. Кечкурун меникига борамиз.

— Йўқ, ташаккур, ман меҳмонхонага бораман.

— Унақа гапни қўйинг. Мен айтганимдай қиламиз. Эртага мен муҳаррирдан рухсат оламан, шаҳар айланамиз. Қани, куртка билан дипломатни менга беринг. Шу ерда туради.

Ашраф ўйланиб қолди. Ботир унинг билагидан курткасини, қўлидаги дипломатни олди.

— Дипломат керак,— деди Ашраф.

— Яхши. Дипломат ўзингизда турсин.— Курткани шкафга осиб қўйди. — Юринг, қарайлик-чи, муҳаррир келдимикан.

...Ботир университетни битириб, Тошкентда ишга қолган. У бир татар кампирнинг уйида ижарада туради. Кампирнинг феъли кенг, Ботирнинг ўртоқлари пайдар-пай келишса ҳам баъзиларга ўхшаб мингирламас, унинг шу жиҳати Ботирга маъқул эди. Ашрафни астойдил, ҳеч нарсани ўйламай таклиф этиши ҳам шундан.

Тушлиқдан кейин бир-иккита кўнгил етар дўстларига воқеани тушунтириб, уларга ҳам юринглар, деди.

Уйга келгач, татар кампирга узоқдан меҳмон келганини айтди. Чоғроққина ҳовлидаги ягона дарахт — олма тагига сув сепиб, стол-стул қўйди. Бир пиёладан чой ичишгач, сизлар гаплашиб ўтиринглар, деб ўзи ошга унади.

Қош қорайиб, ҳовлидаги чироқлар ёқилганда Ботир қўлбола ошни катта чинни лаганга сузиб келди.

Қип-қизил қовурма паловнинг ҳиди ўтирганларнинг димоғини қитиқлади. Пахта бунтидай уюлиб турган ош устидаги саримсоқ пиёзларни очаркан, қани ошга марҳамат, деди Ботир.

Ўша оқшом ярим тунгача гаплашиб ўтиришди.

Эртаси куни Ботир иккаласи шаҳарни айланишди.

Ашрафнинг командировкаси тугагунча Ботир у билан юрди.

Меҳмонхонага кетгани қўймади.

Учинчи кун азонда меҳмонни аэропортга олиб чиқди. Билетни рўйхатдан ўтказгач, улар сигарет чекиш мақсадида ташқарига чиқишди. Хайрлашиш олдидан Ашраф кўнглини ёрди:

— Биласанми, Ботир, агар сени учратмаганимда ўзбек халқи ҳақида бошқача фикрда кетар эдим. Ман ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқиганман. Улар ҳақида бошқа халқларнинг фикрларини ҳам эшитганман. Шуларнинг ҳаммаси сани учратгунимча кўзимга ёлғон кўринган эди.

Ботир унинг мақсадини тушунди, лекин фикрига қўшилмади.

— Йўқ, Ашраф, сен билан мен журналистмиз. Ҳар бир ишда хулоса чиқаришга шошилмаслигимиз керак. Эҳтимол, сен қандайдир бефаросат, одамгарчиликни билмайдиган тўнкага йўлиққандирсан. Бу билан бутун ўзбек халқининг устидан қора чизик тортиш яхши эмас. Бундайлар бор. албатта. Лекин, афсуски, унақалар ҳамма халқ, ҳамма миллатда бор. Озарбойжонларда шунақалар йўқ дейсанми? Тўғри, улар халқнинг номини булғайди, ерга уради. Лекин илож қанча. Уларни билсанг-ку, кўричак мисоли олиб ташлайсан, афсуски ҳамишаям билавермайсан-да...

Ёнидаги стул оёғининг бетонга ишқаланиб дириллагани хаёлини бўлди.

— Бу жой бўшми?— деди бир қўлида қаҳва, иккинчисида ликопчада қуймоқ ва тухум кўтариб турган киши.

— Марҳамат... Бўш...

Боя причалдан чиққан оқ кема соҳилдан узоқлашиб кетган, поёнсиз денгизда оқ чорлоқ каби сузиб борарди. Ботир унга термилди. Қаерга кетяпти экан? Балки Нефтьошларга бораётгандир.

Нефттошлар... Афсонавий шаҳарча. Ўтган сафар келганида ҳоли-жонига қўймай Ашраф олиб борган эди. «Кўрасан, жудаям ажойиб. Вақтинг кетганига пушаймон қилмайсан», деб туриб олганди.

Ашрафнинг айтганича бор экан. Инсон қўли билан яратилган мўъжиза.

Нефттошлар — нефтчилар шаҳри. Озарбойжон нефти асосан шу ердан олинади. Шаҳарчанинг асоси — еттита эски кема чўктирилиб, шунинг устида майдон ясалган. Кейинчалик аста-секин у кенгайтирилган. Ҳозир икки-уч қаватли уйлар, маъмурий бинолар бор. Магазинлар, парклар, кинотеатр, маданият саройи...

Денгиз оралаб бир машина сиғадиган тахта йўл қилинган. Унинг узунлиги уч юз километрдан ошиқ. Бу ерда фақат юк машинаси юради. Шу боис Нефттошларни енгил машинаси, мактаб ва боғчаси йўқ ягона шаҳар, деб аташади.

Хаёл билан ёнида ўтирган киши туриб кетганини ҳам сезмай қопти. Соатига қаради. Ўн икки. «Энди туриш керак».

У хонага кирди-да, каравотга чўзилди. Ярим соатлар ором олмоқни ўйлади. Эрталаб қизигида билинмаганди, энди сезиляпти чарчагани...

Эшикнинг тақиллаганидан уйғониб кетди. Ўрнидан сакраб турди.

— Ҳозир...

Апил-тапил кийиниб эшикни очди: Жамолзода.

— Қалай, ухладингми?— деди у хонага кириб.— Қани, кийин, кетдик, пастда Гулгинахоним кутиб турипти. Қорнинг ҳам пиёз пўсти бўлиб кеттандир.

Улар пастга тушишганда меҳмонхона олдидаги майдончада Гулгина машина эшигини очиб ўтирарди. Унинг эгнида ҳиндий юпқа кўйлак, пардоз-андозини янгиланган шекилли, боягидан ҳам очилиб кетган, кулиб турарди. Ботирни кўриши ҳамона қўлини кўтариб салом берди.

Гулгина машина рулини Ичкари шаҳар томонга бурди.

— Бокунинг Ичкари шаҳарини кўрганмисиз, Ботир муаллим?— деб сўради Гулгина.

— Бир марта борганман, лекин батафсил айланиб чиққанам йўқ.

— Қадимда карвонсарой бўлган жой бор, ҳозир миллий хўрақлар тайёрлайдиган емакхона қурилган. Ўша ерга борамиз,— деди Жамолзода.— Бокута келдингми, унинг ўзига хос жойларини кўр, миллий хўрақларидан танаввул қил. Ресторан ҳамма жойда бор ва асосан бир хил.

Машина баланд-паст, тор кўчалардан бориб, кичикроқ бир майдонда тўхтади. Атроф қадимги гишталардан тикланган девор. Майдонга «мусулмон гишти» тўшалган. Рўпарадаги бағдоди дарвоза тепасига электр чироқлар билан «Карвонсарой» деб ёзилган.

— Карвонсарой номи сақлаб қолинган экан-да,— деди Ботир ёзувга қараб.

— Албатта-да. Аслида шундай қилингани тузук. Акс ҳолда, биласанми, қадимий жойларга бутунги кун тушунчасидаги номлар берилса, унинг тарихийлиги йўқолади. — Жамолзода дарвозадан ичкарига бошлар экан, сўзида давом этди. — Масалан, мана шу емакхонага ҳамма жойдагидек, «Бинафша», «Лола», «Гулчеҳра», «Наргиз» деб ном қўйса, манимча, кулгили бўлур эди.

Дарвозадан ичкарига киргач, чоғроқ майдон, ўртада мўъжазгина ҳовуз, унда фаввора отилиб турибди. Майдоининг атрофида қатор ҳужралар. Жамолзода уларнинг бирига бошлади. Ҳужра унча катта эмас, нари борса ўн киши сифади. Ўртага хонтахта қўйилган. Атрофида бир қарич баландликда ўтиргич. Хона нимқоронғи, салқин.

Миллий кийим кийган ёш йигит кириб келди.

— Хош галмишсиниз!

Жамолзода ташаккур билдирди-да, тез-тез гапириб нималарнидир тушунтирди. Йигит «дуз» дедию чиқиб кетди. Бир зумда катта думалоқ лаъли кўтариб кирди. Унда нон, чой, турли кўкатлар, қанд бор эди. Мезбон армудига² чой қуйиб Ботирга узатаркан:

— Таъбингга қараб қанддан сол. Нондан ол,— деди.

Улар бир стакан чойни ичиб бўлар-бўлмас бояги йигит кабоб олиб кирди.

Бир оздан кейин хизмат қилувчи йигит учта ликопчада ҳамирдан қилинган овқат қўйиб кетди. Кабобдан сўнг мезбон янги таомга таклиф қилди.

² Нок шаклидаги стакан.

— Бунинг отини кутаб деймиз,— деди Жамолзода. Учбурчак шаклида тугилиб, ичига қийма солинган таомни узун қилиб ўради.— Одатда буни мана бундай қилиб қўлда ейилади.

Жамолзоданинг астойдил тушунтиришидан Гулгина кулиб юборди:

— Худди ажнабийларга уқтиргандай ҳижжалаб тушунтирасиз-а. Ахир Ботир муаллим чет элдан келмаган-ку. Балки буларда ҳам бордир бунақа хўрак.

— Бизда ҳам бор,— деди Ботир.— Фақат номи бошқача.

«Ўзимизнинг филминдига ўхшар экан-у, фақат ичига атала ўрнига гўшт солинаркан-да», деб ўйлади Ботир.

Овқатдан сўнг Жамолзода ташқарига эмас, ўнг қўлдаги бир эшикка томон юрди.

— Энди пастга тушамиз. Келганинга кўриб кетгин-да.

Жамолзода зинадан пастга туша бошлади. Унинг ортидан Ботир билан Гулгина эргашди. Ташқарида кун қизиган, жазирама. Бу ер эса салқин. Бирон жойига кондиционер ўрнатилганмикан, деган хаёл билан Ботир билдирмай атрофга разм солди. Ҳеч қаерда ҳеч нарса кўринмади. Хонанинг эни уч-тўрт, узунлиги эса ўн метрдан зиёд чиқади. Стол-стуллар қўйилган. Бир чеккасида буфет. Турли ноз-неъматлар, шарбатлар, салқин ичимликлар. Магнитофонда қайсидир озарбойжон хонандаси куйламоқда. Бурчақтаги столда бир йигит билан қиз бурни-бурнига теккудай бўлиб пичирлашяпти. Нариги столда эса тўрт йигит нима ҳақдадир овозини баланд қўйиб баҳслашяпти.

— Бу Карвонсаройнинг остки хоналари,— деди Жамолзода.— Яқинда очилди. Бу ёқда яна хоналар бор.— У чап томонга юрди. Бу хона олдингисидан ҳам катта. Унинг эшиги қалин, қоп-қора. Кўринишидан жуда оғирга ўхшайди. Куч билан итариб ёпиб-очиларкан. Қаттиқ дарахтдан ишланган шекилли. Хонанинг ўртасида узун стол, устига оппоқ дастурхон солинган. Айлангириб стул қўйиб чиқилган. Элик-олтмиш одам бемалол сивади. — Бу ерда ҳозир турли зиёфатлар ўтказилади. Нариги томонда бундан сал кичикрок, яна битта хона бор.

Карвонсаройнинг ҳамма хоналарини айланиб кўришди. Ботирнинг хаёлини ҳар бир халқ ўз ўтмиши-

ни қадрлаши лозимлиги, келажагини ўйлаган халқ шундай йўл тутиши ҳақидаги фикрлар банд қилди. Ҳозир кўрганлари бунинг бир мисоли эди...

IV

Уйга қайтиб келгач, Гулгина отасидан сўради:

— Нечун айтмадингиз бор гапни?

Жамолзода ҳовлидаги тўқима креслога чўкиб, сигарет тутатди.

Қизига бир қараб олди-да, оҳиста деди:

— Томдан тараша тушгандай нима дейман... Мавриди келса айтарман... Ҳали шу ерда-ку.

Унинг сўзлари шу қадар вазмин ва маҳзун чиқдики, беихтиёр иккови ҳам жиддийлашиб, хаёл дарёсига шўнғиди. Жамолзода сигарет тутунини чуқур-чуқур тортаркан, марҳума хотинини эслаб кетди. Қандай ажойиб аёл эди у. Орадан неча йил ўтиб кетди, аммо Жамолзода уни сира унутолмайди.

Шундай кезларда у ёлғиз қолишни, тўйиб-тўйиб хаёл суришни истайди. Ҳозир ҳам кўнгли шуни тусадди. Бироқ бундай кайфиятга тушганини Гулгинага билдирмасликка ҳаракат қилади. Билиб қолса, қўймайди у, бир амаллаб хаёлини чалғитади. Лекин Жамолзода ўша ўй сира фикрини тарк этмаслигини хоҳлайди баъзан.

Сигарет қолдигини оёғининг тагига ташлаб пошнаси билан эзғилаб ўчирди-да, зўрма-зўраки жилмайиб ўрнидан турди.

— Сан энди бориб дамингни ол. Эртага узоқ йўл юрамиз, чарчайсан. Ман бир оз ишламоқчиман, — деди.

— Сиз ҳам ором олинг. Саҳар тургансиз. Сабах яна тонгла уйрониш лозим.

Жамолзода Гулгинанинг пешонасига тушиб турган кўнғироқ сочларини эҳтиётлаб силади.

— Ҳозирча чарчаганим билинмаяпти. Озгина бўлса-да, ишлаш кайфиятим бор.

У ҳовлининг чап томонидаги устахонасига томон юрди. Хонага кирди-да, у ёқ-бу ёғига турли ранг бўёқлар теккан енги калта катак кўйлагини кийди. Деразадан билдирмай Гулгинага қаради. У уйга кириб кетган эди.

Рассом қўлига мўйқаламини олди. Анчадан бери битказолмаётган ишига узоқдан разм солди. Нигоҳи

чала полотнода, аммо кўзлари уни кўрмас, хаёли мутлақо бошқа жойда. Бояги ўйлар қуршовидан ҳали қутулмаган, ҳали бери қутулишни истамасди ҳам...

* * *

Тақдир тақозоси билан рассом Жалил Жамолзода анча кеч уйланди. Аввал ўқиш деди, кейин сал ўзимни тиклаб олай деди, хуллас, ёши ўттиздан ошиб кетди. Бу орада у рассом сифатида кўзга кўриниб қолди. Унинг асарлари нуфузли кўргазмаларда намойиш қилинар, матбуотда Жамолзода ижоди хусусида баҳс-мунозаралар авжига чиққанди.

Ана шундай ажойиб кунларнинг бирида тақдир уни Мадина билан учраштирди.

Мадина шаҳар поликлиникаларидан бирида ҳамшира бўлиб ишларди. Иссиқ ҳаммомдан чиққан Жамолзода Бокунинг аёвсиз шамолига дуч келдию хасталанди. Врачга учрашган эди, қаттиқ шамоллабсиз деб, пенициллин билан витамин ёзиб берди. Ҳар биридан ўнтадан укол оласиз, деди.

Эртаси куни дориларни кўтариб «Процедурная» деган хонанинг эшигини тақиллатди. Қошу кўзи популдай, қадди-қомати сирикдай қиз унинг қўлидан қорозию дориларини олди. Бу — Мадина эди. У врачнинг тавсиясини ўқиб кўрди-да, ётинг деди.

— Нега? — деб ажабланди Жамолзода.

— Нега бўларди, укол қиламан.

Жамолзоданинг ранги оқариб кетганини кўриб, Мадина кулди. У шприцга дори сўрдираркан, Жамолзодага қарамай деди:

— Бўлинг тезроқ... Дори қотиб қолади.

— Ётмасам бўлмайдими? — деб сўради Жамолзода. У гуноҳкор боладай елкасини қисиб турар, овози ҳам базўр чиқарди.

— Манга барибир... Фақат тезроқ бўлинг.

— Нима қилай?

Ҳамширанинг жаҳли чиқди.

— Умрингизда укол олмаганмисиз? Ечинг. Бўксангизга қиламан уколни.

Чиндан ҳам Жамолзода шу ёшга кириб бирор марта укол олгани йўқ. Тўғри, болалигида бирми-иккими укол қилишувди. Орқасига — курагининг остига. Мадина-

нинг гапи ўшани ёдига туширди-да, кўйлак-майкасини елкасигача кўтарди. Мадина кулиб юборди:

— Қанақа одамсиз... Туширинг, бўксангизга қилиш керак.

Жамолзода бўшашиб Мадинага ўтирилди:

— Нималар деяпсиз, хоним? Курагимнинг тагига қилаверинг-да.

— Мумкин эмас. Ҳамма уколни юборадиган ўз жойи бор. Мана бу дорингизни билагингизга қиламан. Тезроқ, бўлинг...

У шприцни осмонга қаратиб поршинчасини бош бармоғи билан секин босган эди, нинанинг учидан тиз этиб дори отилди. Жамолзода ноилож камарини бўшатди. Мадина пахтани спиртга ҳўллаб келди:

— Ўзингизни бўш тутинг. Акс ҳолда нина кирмайди ёки ичингизда синиб қолади.

Жамолзода бир сакраб тушди.

— Хоним, сиздан илтимос. Укол қилмай қўя қолинг. Шу уколни олмасам ўлиб қолмасман.

— Гап ўлиш-ўлмасликда эмас, саломатликда. Сизнинг соғлигингиз фақат ўзингиз учун эмас, халқимиз, санъатимиз учун керак.

Жамолзоданинг орзи очилиб қолди. «Мани рассом-лигимни қаёқдан била қолди экан, бу ҳамшира?»

— Шунақа денг... Ташаккур сиза, хоним... Майли, тиқинг нинангизни, шу гапларингиз учун ҳамма нарсасага чидайман.

Мадина спиртли пахта билан унинг баданини артди-да, карт эткизиб нинани урди.

— Мана бу эркакча гап... — Дорини Жамолзоданинг баданига юбориб, нинани суғуриб олди, ўрнини спиртли пахта билан яна артди. — Шунча танқидларга чидаган рассом ингичкагина нинадан қўрқиб ўтирса-я...

Жамолзода тескари қараб кийимларини тўғрилади.

— Менга қаранг, хоним. Сиз бу гапларни қаердан биласиз?

— Биламан-да,— деди Мадина хотиржам. — Ман тасвирий санъатни чўх хуш кўраман. Ҳар бир янги кўргазмага албатта бораман. Сизнинг асарларингиз билан ҳам танишман.

Жамолзода бошқа гапирмади. Ташаккур айтиб чиқиб кетди.

Бу хонага йигирма кун қатнади. Бу орада Мадина билан анча яқинлашиб қолди. Ҳатто бир-бирига телефон номерларини беришди. Жамолзода соғайиб кетди. Аммо ҳамшира Мадинани унутолмади. Гўё дорилар билан бирга юрак қўрини ҳам унинг томирларига юборган эди. Рассомнинг қон томирларида Мадинанинг меҳри ҳам айланарди.

У бир-икки марта поликлиникага қўнғироқ қилиб, Мадина билан гаплашди. Лекин симлар орқали бўлган мулоқот уни қаноатлантирмади. Энди у Мадинани сўраб борадиган одат чиқарди. Мадина аввалига уялди, қўйинг, битта-яримта кўриб қолса, гап қилади, деди. Бироқ Жамолзода фикридан қайтадиганлардан эмасди.

Аста-секин Жамолзода билан Мадинани биргаликда кинода, театрда, концертларда кўришди.

Ота-онасидан эрта айрилиб ёлғизлик уқубатларини бошидан кечирган Жалил Жамолзоданинг хонадонига қуёш нури яқинлашмоқда, ой шуъласи тушмоқда эди.

Орадан олти ой ўтар-ўтмас уларнинг тўйи бўлди.

Мадинанинг гаплари рост чиқди. У тасвирий санъатни ҳаддан зиёд яхши кўрар экан. Жаҳон классик рассомлари, уларнинг асарларидан хабардор эди. Бу аввалига Жамолзодани ҳайратга солди. Бора-бора кўниқди, тақдир шундай умр йўлдошини раво кўрганидан ич-ичидан севинди.

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ экан. Жамолзоданинг ҳам ёруғ кунлари келди.

Мадина бутун умрини, ҳаётини, куч-қувватини Жамолзодага, унинг истеъдоди равнақига бағишлади. Ишини ҳам йиғиштирди. Рўзғор ташвишларини ўз зиммасига олиб, эрини барча юмуплардан озод этди. Жамолзода батамом ижодга берилди. Фақат Мадина овқатга таклиф этганда хонасидан чиқиб танаввул қилар, кейин яна ишга шўнғиб кетарди. У тарих ҳақидаги ҳужжатли, илмий, бадиий асарларни, қомусларни ўқиб-ўрганар, шулар асосида тарихий шахсларнинг сиймосини холстга туширарди. Унинг қатъий режалари бор: Низомий, Бобак, Фузулий, Нотавон, Насимий, Воқиф, Видодий, Ҳожибеков сингари озарбойжон халқининг ўтмишида ёруғ юлдуз каби порлаб турган сиймоларнинг образини яратмоқни ҳаётининг, ижодининг маз-

муни, деб тушунади. Шу эзгу ният йўлида бир неча полотнолар яратди. Улар жамоатчилик, мутахассислар томонидан турлича баҳоланди. Хусусан, миллий қаҳрамон Бобак образи тасвирланган асари кўп мунозараларга сабаб бўлди. Бундан баъзан кўнгли ўксир, гоҳо «демак, асарда нимадир бор эканки, у ҳақда шунча баҳслашишяпти, акс ҳолда бир чеккада эътиборсиз қолиб кетаверар эди-да», деб ўзига ўзи таскин берарди. Шундай кезларда Мадинахоним унинг кўнглини кўтарар, асар хусусида фикрлар қўзғалгани маъқул, деб уни овутарди. Бу етмаса ярим ҳазил, ярим чин оҳангда ашула айтиб хаёлини чалғитарди.

— *Ман Баҳруз¹ хаёли бир рассом ўлсайдим,
Гўяр чин алини чакардим сани.
Тоғлонинг устину булутдек ҳана,
Сиёҳ талларингни чакардим сани.
Илҳом парисини чак десайдилар,
Зухро улдузини чак десайдилар,
Илҳом парисини чак десайдилар,
Гунашши ўзини чак десайдилар,
Гунаш жамолингни чакардим сани...*

Шундай деб у кулар, Жамолзодага ҳазиллашарди...

— Билдингми, азизим. Рассом ўлсанг Баҳруз хаёли ўл, йўқса ижод заҳмати чакмаинг на лозимди?!

Жамолзоданинг чехраси ёришиб, Мадинахонимнинг пешонасидан авайлаб ўпиб қўярди...

V

Ботир эрта уйғонди. Одати шунақа: бирон жойга борса кўниккунча бир-икки кун яхши ухлаёлмайди. Кеч ётади, эрта туради.

Шифтга қараб ётиб ўйга толди. Ҳадемай отланадиган сафари ҳақида ўйлади. Кўккўлни жуда мақташади. Ростданам гўзал жоймикан? Ўзимизнинг Омонқўтонга, Шоҳимардону Бахмалга ўхшаган жойлардир-да. Хаёлан Кўккўлни Қўлиқуббонга менгади.

Фикрлари айланиб Гулгинага келди. Уни ўйлаши билан юраги ўйнаб кетади. Кеча эрталаб самолётда келаётганда ҳам шундай бўлган эди. Одам бировни

¹ Баҳруз Кангарли — XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб ижод этган озарбойжон классик рассоми.

яхши кўриб қолса шундай ҳолга тушади. Сочигаги илк учрашувдан буён хаёлида Гулгина... Аммо у-чи? Севармикан? Ўшанда аниқ бир гап айтмади-ку. Нима учун йиғлади ўшанда? Ёки бирон яхши кўргани бормикан? У ҳолда нега очигини гапирмади?..

Энди дадил айтади дардини. Аниқ жавобини сўрайди.

Жамолзодага ёради кўнглини. Аслида шунинг учун келмадими Бокута... Турмушга чиқмагани аниқ. Отасиникида экан-ку.

«Гулгина... У Ўзбекистонга кетишга кўнармикан?.. Менинг ота-онам нима дейди ҳали... Тақдиримиз қўшилган бўлса нима қипти. Кечаги чолнинг ўғли ҳам шу ердан уйланияпти экан-ку...»

Бу саволу ўйлардан унинг боши шишиб кетди. Ўйлайверса охири йўқ. Бири-бирини етаклаб келаверади. У ўрнидан туриб бир оз бадантарбия қилди-да, ювингани ваннахонага ўтди...

Ботир уч йил олдин университетни битирди. Ҳамон бўйдоқ.

Ота-онаси қачондан бери қистайди уйлангин, деб. Бугун бу дейди, эрта у. Кунлар, ойлар, йиллар ўтиб борапти. Унча-мунча қизлар ёқмайди. Бирини озгин деса, иккинчисини семиз, дейди. Бошқасининг сочи ёқмаса, яна бири пакана. Отаси-онаси сенга осмондаги ойни қаердан оламиз деб, жаҳли чиқади. Кошки шунга яраша ўзи қизларнинг ақлини шошириб қўядиган даражада хушрўй йигит бўлса экан. Қотма, қорача юзларида катта-катта кўзлари ўйнаб турибди, озгинлигидан новча бўйи яна новчароқ кўринади. Шу ҳолига бу кишимнинг дидлари нозиклигига, талаблари юксаклигига ўласанми...

Хўш, йилда бир насиб этадиган, одамлар кечаю кундуз орзиқиб кутадиган отпускани олиб, Боку кўчаларида нега дайдиб юрибди? Севгининг қудрати эмасми бу?

У кийиниб бўлгач, соатига қаради: етти ярим. Ў-ҳ-ў, ҳали барвақт-ку.

Столдаги «Баки» деган йўл кўрсаткичнинг тахини ёзиб кўз югуртирди. У ҳали фикрини жамлаб улгурмаган ҳам эдики, эшик тақиллади. Чўчиб тушганидан қўли титраб кетди. «Келди, яхшиям эртароқ турганим...» У эшик томон йўнади...

Улар шаҳардан чиқишганда соат энди саккиз ярим эди.

— Бу ёғида юриш осон,— деди Гулгина Ботирга ўтирилиб.— Шаҳарнинг ичида транспорт кўп, одамнинг асаблари толиб кетади. Шаҳарда икки соат юргандан кўра мана бунақа йўлдан икки юз километр жойга бориш осонроқ.

Машина тобора тезлашади. Бундан Гулгинанинг ўзи ҳам завқ олади шекилли, ўриндиққа жойлашиброқ ўтирди-да, тезликни баттар оширди. Унинг нозик қўллари руль чамбарагини гоҳ ўнгга, гоҳ чапга енгил айлантирар, ҳаракатлари аниқ ва эпчил эди. Гулгинанинг орқасида ўтирган Жамолзода ўнгга — Ботир томонга бурилди.

— Хўш, Ботир, қалай дам олдинг?

— Яхши, Жалил муаллим, ташаккур,— деди Ботир.

— Тўғри Кўккўлга борамизми ёки йўлдаги шаҳарларни ҳам кўриб ўтамизми?

Ботир кулди:

— Тошкентга учадиган самолётга чиққунимча инонихтиёрим сизда, унинг калити билан рули эса Гулгинахонимнинг қўлида. Нариги дунёга десангиз ҳам кетавераман. Миқ дейиш йўқ.

Жамолзода ўзининг кечаги гапини эслаб жилмайди. Гулгина эса шарақлаб куларкан, Ботирга юзланди.

— Дуз деюрсиз, Ботир муаллим. Иккингиизнида қисматиниз ҳозир маним алимда.

Учови баравар кулишди.

Сукунат. Машина моторининг бир маромда гувиллаши эшитилади, холос. Ботир атрофни кузатади. Чор атроф кўм-кўк, боғ, токзор. Ажойиб манзара. Ғир-ғир шабада.

— Демак, гап бундай,— деди Жамолзода жимликни бузиб. — Йўлда ҳамма жойда тўхтаб юрмаймизу фақат Мингечаурга кириб ўтамыз. Ўша ерда овқатланамиз. Яхши балиқлар бор. Хоҳласанг чўмиламиз, катта сув омбори бор. Маъқулми, Гулгинахоним?

— Гулгина бош ирғаб тасдиқ оҳангини билдирди. Жамолзода Ботир томонга бурилиб гапида давом этди.

— Мингечаурга кирайлик деганимнинг яна бир сабаби бор. Биринчидан, у бутун Кавказнинг қоқ маркази ҳисобланади. Иккинчидан, уни қуришда санинг юртдошларинг ҳам иштирок этишган. Чўх байналми-

нал шаҳар. Ҳа, дарвоқе,— деди у муҳим гап эсига тушгандай сергак тортиб. Қалин, узун сочларини бармоқлари билан орқага тараб ташлади. — У ерда санинг бир юртдошинг бор. Ман уни яхши танийман. Тўқимачилик комбинатида ишлайди. Шаҳардаги маданият саройида маним шахсий кўргазмам очилганда келган, тантанали йиғилишда сўзга чиққан эди. Истасанг топиб суҳбатлашамиз.

Бу гап Ботирни қизиқтирди. Рост-да, Ўзбекистондан қанча олисда — Кавказнинг қоқ марказида ўз ҳамшаҳарини учратиш қизиқ-да.

— Майли, борамиз,— деди Ботир.

Жамолзода кулди:

— Ўзим ҳам йўқ демасанг керак, деб ўйловдим. Томирингда ҳақиқий ўзбек қони гупурур экан.

Ботир Жамолзодага синовчан назар ташлади.

— Нега ундай деяпсиз?

— Акс ҳолда бефарқ ўтиб кетаверар эдинг-да,— деди Жамолзода. У шошилмай, ҳар бир сўзни салмоқлаб гапирди. — Ҳа, бир ўзбек аёли бўса бўлти-да, деб қўя қолишинг мумкин эди-ку. Ўз халқи, унинг тақдири, келажаги учун жон куйдирган одамгина қаердаки халқи ҳақида сўз кетса шундай сергак тортади.

Ботир бир оз хижолат тортди.

— Йўр-э, жуда ошириб юбордингиз.

Суҳбатга Гулгина қўшилди:

— Камтарлик на лозимди, Ботир муаллим, Жалил муаллим рост айтяпти.

Гулгинанинг гапидан кейин Ботир баттар хижолат чекди.

Умуман, Гулгинанинг ҳар бир гапи Ботирни довдиратиб, жавоб топишга шошиб қолмоқда. Хайриятки, бу сафар бирон нима дейишга ҳожат қолмади, гапни Жамолзода илиб кетди.

— Биласанми, Ботир, камтарлик — яхши, ҳадеб бўса-бўмаса мақтанавериш, кўкракка уравериш одобдан эмас. Лекин, очигини айтсам, ҳар бир нарса меъёрида бўлгани маъқул. Жумладан, камтарлик ҳам. Ортиқча камтарлик ҳам яхшиликка олиб келмайди. Нима, сан ўйлайсанки, камтарлигингни ҳамма тушунадими? Йўқ, кечирасан, сан бир чеккада қолиб кетаверасан, алақандай талантсиз, лўттибоз одамлар устингдан бо-

сиб ўтиб кетаверади. Бу ҳам етмагандай санинг устингдан кулади. Шунинг учун одам ўз қадрини билиши керак. Вақти келганда ўзининг кимлигини, нимага қодирлигини кўрсатиб ҳам қўймоқ зарур.

Унинг жўшиб, ҳатто асабийлашиб бораётганини сезган Гулгина машина радиосининг қулоғини буради-да:

— Бўлди!— деди Жамолзодага ўтирилиб. — Лекция тамом! Энди музика эшитамиз.

Радиодан шўх қўшиқ янгради:

*Ман бир ушаг, ман бир ушаг
Сан бир ана, сан бир ана,
Озарбайжон, Озарбайжон, Озарбайжон.*

— Зайнаб Хонларова-ку,— деди Ботир.

— Ёқтирасанми?— ашулани эшитиб Жамолзода-нинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Ҳа. жудаям яхши кўраман. Умуман, бизда уни кўпчилик ёқтиради. Жуда оммавийлашиб кетган.

Гулгина, қўшиқ тутамай, радиони ўчирди.

— Нега ўчирдингиз, Гулгинахоним?— деди Ботир. — Яхши куйлаяпти-ку.

Гулгина афтини бужмайтириб:

— Маним хушима галмайир,— деди.

Ботир индамади. Нима ҳам десин. Ботирнинг наза-рида Гулгина санъатнинг ҳамма соҳасини нозик тушунар, кадрлар, яхши-ёмонини одилонга фарқлай олар эди. Унинг ҳозирги гапидан кейин ўша фикридан қайтди. «Йўқ, янглишган эканман! У санъатнинг бошқа турларини билмадим, аммо қўшиқни тунгунмас экан. Бўлмаса, Зайнаб Хонларовадай хонандани ёқтирмайдими?»

Унинг бироз ранжиганини Жамолзода сизди. Чунки Ботир ўйчан, ҳатто ўзи билмаган ҳолда қош-қовоғи осилиб қолган эди.

— Очиб қўй радиони,— деди у қизига. — Санга ёқмаса бошқаларга ёқади. Меҳмон эшитмоқчи, ахир.

— Йўқ, шарт эмас,— деди Ботир. — Мен кўп эшитганман.

Гулгина чап елкаси оша отасига бир ўқрайиб қаради-да, радиони очди. Ҳамон Зайнаб куйларди:

*Билмам мани у на учун олтиш, унутмиш,
Отган ағосина гурбан ўлдишим.*

Баҳс ораларидаги суҳбатга сув сепди. Гурунг сови-ди. Ҳамма ўз ҳаёли билан ёлғиз қолди...

Кўринишиданоқ янги эканлиги, йигирма беш-ўттиз йилларнинг нари-берисида қурилгани сезилиб турган шаҳарга кириб боришганда вақт пешинга яқинлашган эди.

Гулгина машинани ўнгга бурди. Бироз юргач, қуюқ дарахтлар орасидаги ошхона олдида тушишди. Ўртада фаввора. Унинг атрофига стол-стуллар қўйилган. Салқин. Йўлдан, хусусан, иссиқ кунда келган одам-нинг тани олади.

— Шу ерда овқатланамиз. Сал нафас ростлаб, кейин кўлга борамиз. Сўнгра тўқимачилик комбинатига ўтиб, санинг ҳамшаҳарингни кўрамиз,— деди Жамолзода.— Маъқулми?

Ботир тасдиқлади. Гулгина фавворадан отилаётган сув заррачаларига юзини тутиб ўйнарди. Унинг ҳаракатлари гўё ёш бола каби эди. Ботир қизни зимдан кузатаркан, бориб унга сув сепиб ўйнашгиси, Гулгина-нинг кайфиятини кўтаргиси келди.

Жамолзода билан Ботир чеккадаги столга бориб ўтириши ҳамоно бир ёш йигит уларнинг олдига югуриб келди.

— Салом, Жалил муаллим. Хош галямишсиниз.

— Ай, соғ ўл,— деди Жамолзода, — таниш ўлинг, маним қўноғим, Ўзбекистондан, Ботир.

Йигит Ботир билан кўришар экан:

— Чўх яхши, сиз ила таниш ўланимдан чўх рози-ям, — деди.

Жамолзода йигитга нималарнидир тушунтирди.

Ботир уларнинг гапига унча аҳамият бермади. Боз устига унинг нигоҳи ҳам, ҳаёли ҳам Гулгинада эди. У ҳамон фаввора атрофидаги кумуш заррачаларга юзини, қўлини тутиб ҳузур қиларди. Унинг юпқа ҳиндий кўйлаги намланиб кетган, аммо қиз буни сезмасди. Чамаси, иссиқдан келгани, машина ҳайдаб чарчагани учунми бу заррачалар унга хуш ёқар, у жажжи қизалоқ каби ҳамма нарсани унутиб, атрофдаги одамларга ҳам парво қилмай сув ўйнарди.

Бояги йигит бир зумда стол устини турли ноз-неъматларга тўлдирди. Узун чинни идишда балиқ келтирди. У гўё тирикка ўхшарди, ёнларига кўкатлар

қўйилган. Ботир ажабланиб қаради. Буни сезган Жамолзода изох берди:

— Бу ерда балиқни шунақа пиширишади.¹ Худди тирикка ўхшайди-а. Аммо ичи тозаланган. Бир чекка-сидан кесиб ейилаверади.

Балиқ анча катта, тахминан уч-тўрт килоча келарди.

— Ажойиб экан,— деди Ботир ҳайратини яширолмай.

Жамолзода балиқнинг ярмини майдалаб кесди.

Гулгина ҳамон келмас, фавворанинг нариги тарафига ўтиб кетганди. Жамолзода уни чақирди:

— Гулгинахоним, гал бура.

Гулгина отасига деди:

— Сан ҳардан билирсанки, бу су на роҳатди?

Гулгина гўзал чехраларидаги марварид доналари каби сув томчиларини арта-арта булар томон юрди.

У Ботирнинг қаршисидаги стулга келиб ўтирди...

Улар сув омборига келишганда вақт пешиндан оққан эди. Сув омбори дегани денгиздай поёнсиз, чайқалиб ётарди.

— Жуда катта экан-ку,— деди Ботир кўз илғамас уфққа қараб.

— Ҳа, чўх буюк кўл.— Жамолзоданинг сўзларида фахр-ифтихор туйғулари бор эди.— Эни ўн етти, бўйи етмиш километр.

— У-ҳў!

Ҳув нарида катер кўринди.

— Жалил муаллим, катерга тушамизми?— деди Гулгина.

Жамолзода Ботирга қаради. Ботир ҳам шуни истаб турган, Гулгинанинг таклифи айнан унинг кўнглидаги гап эди. Шу боис ҳеч иккиланмай рози бўлди.

Ўша томонга юришди. Жамолзода катер ҳайдовчисини имлаб чақирди.

Катер кўлнинг ўртасига қараб шитоб билан сузиб борарди. Бу жуда ҳам гаштли, одамнинг завқини келтирарди. Ботир кўлнинг соҳилларига кўз югуртирди: кўм-кўк. Унинг нигоҳи Гулгинага тушди. Қиз ҳам атрофга завқ ила боқар, кўринишидан ички бир ҳаяжон унинг туйғулари жўш урдирарди. У ўзини босолмади, овозини баралла қўйиб шеър ўқиди:

— *Кўй, эй булбул, тин, эй довул, ки хоҳиш истироҳатдир,
Бу ерларда илинжим йўқ, юпанчим бир саёҳатдир.*

Жамолзода унинг шеър ўқишидан завқланиб ўтирар. Ботир эса Гулгинанинг шамол тўзғитаётган сочларидан, нозик қўлларининг нафис ҳаракатларидан кўз узолмасди. Қиз эса тобора жўшиб шеър ўқирди. Бу шеър бултур Қора денгиз соҳилидаги суҳбатни ёдига солди.

Чамаси, Гулгинанинг ҳам эсига ўша суҳбат тушди чоғи, шеърни тутатди-да, Ботирга қаради.

— Сизда гўзал ўқижурсиз, Ботир муаллим. Бир шеър ўқинг. На ажаб манзара бу.

Жамолзода уларнинг суҳбатини тинглаб, кулиб ўтирарди. Бу жойларнинг гўзаллигини, кўлда сайр қилиш завқли эканлигини у билади, кўп бор туйган бу туйғуни. Бироқ бу сўлим соҳилларга келавериб, асар чишиш асносида унга термилавериб, ҳаммаси таниш бўлиб, бирмунча кўникиб кетган. Аслида шундай, ҳар қандай гўзал жойни ҳам одам қайта-қайта кўраверса, унинг гўзаллигига кўзи ўрганиб қолади.

— Ўқи, Ботир,— деди Жамолзода ҳам,— ўзбакча ўқи, бир эшитайлик.

Ботир қиздан нигоҳини ололмас, гўё унинг сеҳрига тушиб қолгандай эди. Ўша ўтиришда ғазал ўқий бошлади:

— *Қайси уйнинг шамидир у, қайси жойда хонаси,
Ўртада жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?*

Ботир худди бу сўзларни ўзи Гулгинага айтаётган каби ўқиб, баъзан қўлини унга томон чўзиб юборганини ўзи ҳам сезмай қоларди:

*Ёраб, ул ой юзли, юлдуз чехрали олий нишон,
Қайси коннинг гавҳари, кимнинг эрур дурдонаси?
Қилди ичмасдан лабининг бодаси ғилни хароб,
Кимга улфат, ким эрур ҳамкоса, ҳам паймонаси?*

Гулгина Ботирнинг ғазал ўқишини завқ билан кузатар, мисралар узра тизилган шўхчан оҳанг унинг дилини яйратарди.

Ботир ғазални тутатгач, Гулгина ҳаяжонини яширолмади:

— Чўх гўзал ғазал! Ташаккур сиза, Ботир муаллим. Маним урайима зарофат бахш этди. Чўх соғ ўлин!

Бир соатлардан кейин улар шаҳарга йўл олишди. Гулгина кайфияти кўтарилган, йўлда унинг кўнгли узра тушган хира ғубор батамом тарқаб кетган. Энди у машина рулини завқ билан бошқарарди, гўё ҳозир ашула айтиб юборадиган ҳолатда.

Уларнинг машинаси Мингечаур тўқимачилик комбинати олдида тўхтади.

— Сизлар ўтириб туринглар, ман сўраб чиқай-чи, Фаридахоним шу ердамикан,— деб машинадан тушиб кетди Жамолзода.

Гулгина ўнг қўлини ўриндиқ суянчигига ташлаб, Ботир томонга ўтирилди.

— Нежирсиз, Ботир муаллим? Ториқмаяпсизми?

— Йўқ,— деди Ботир. — Сиз билан юрсам ҳеч маҳал зерикмайман.

Қиз қиқирлаб кулди. Ботир унинг кулгиси маъносини тушунолмади.

— Шунақа денг,— Гулгинанинг қошлари чимирилди.— Гапга чўх чечан экансиз.

Ботир дил изҳорига жавоб олиш пайти келди, деб ўйлади-да, гапни илиб кетди.

— Гулгинахоним, менинг бултур айтган гапим эсингиздами?

Қиз унга савол назари билан қаради. Бу қараш замиридаги ишва йигитнинг юрагини ўртаб кетди. Бехтиёр қўлини унинг қўлига қўйди.

— Пляждаги гап-чи? Жавобини айтмовдингиз... Мен шунинг учун келдим.

Ўша мулоқот қизнинг ҳам ёдига тушди. Бироқ нима деб жавоб беришни ўйлагунча рўпарада Жамолзода кўринди.

— Айтинг,— деди Ботир шошиб.

— Жалил муаллим...— деди қиз.

У ўттиз ёшлардаги кўҳликкина жувонга нималарнидир тушунтириб келарди.

Ботир машинадан тушиб уларга пешвоз юрди.

— Хайрият, Фаридахоним шу ерда экан,— деди Жамолзода.

— Марҳамат, танишинглар.

Фарида Ботир билан қўл бериб кўришди. Ҳолаҳвол сўрашдилар. Фарида меҳмонларни уйига таклиф этди.

Ботир учун Жамолзода жавоб берди:

— Йўқ, ташаккур сиза Фаридахоним, биз кеч қоламиз. Кўккўлга боряпмиз. Ботирни бир томоша қилдирай, деб олиб юрибмиз.

— Кўккўл жуда гўзал, чиройли жой. Элдор бизни тез-тез олиб боради у ёққа, — деди Фарида.

Улар хайрлашиб йўлга тушишди.

— Қайтишда тушинглар бўлмаса бизникига. Хўпми, албатта, келинглар, кутамиз.

Гулгина ҳайдаб бораётган «Волга» юз метрлар чамаси юргач, ўнгга бурилди. Фарида унинг ортидан термилиб қолди...

VI

Эътибор берганмисиз, на қуруқликда, на ҳаводаю на сувда текис йўл бор. Машина-ку тинмай силкинганни майли — унинг филдираги ер узра айланади, аммо самолёт билан кема-чи? Уларга нима халақит беради? Бўм-бўш ҳавода учиб бораётган самолёт бирдан ноте-кис йўлга тушиб қолган машинадек тўқир-тўқир қилади, бир кўтарилади, бир пастга тушади. Кема ҳам шу — гоҳ тинч сузади, гоҳо бешиқдай чайқалади.

Инсон ҳаёти ҳам ана шу йўлларга ўхшайди: баъзан бир текис, силлиқ давом этади. Баъзан остин-устун бўлиб кетади.

Жалил Жамолзода билан Мадинахонимнинг ҳаёти ширин, улардан бахтли одам йўқ эди. Муҳаббат бобида ҳам ҳавас қилса қилгудек эди улар. Лекин бу ширин ҳаёт узоқ чўзилмади. Уларнинг турмуш қурганига беш йилдан ошди. Шу йиллар давомида икковининг ҳам бир нарсадан кўнгли ярим. Бу — фарзандсизлик доғи. Жамолзодадан ҳам кўпроқ Мадина эзиларди. У ажойиб ўғил-қизлар кўришни, улар отаси каби истеъдодли бўлишини орзу қиларди. Жамолзода уни не-не врачларга кўрсатмади. Йиллар ўтаверди, бироқ натижа йўқ. Жамолзода унга таскин беради: «Майли, сан сиқилма, бир кунмас-бир кун фарзанд кўрамиз. Борди-ю, пешонамизга фарзандсизлик ёзилган бўлса, унда ҳам қайгурма. Энг муҳими, ман сани севаман, манга кўрсатаётган яхшиликларингни, фидойилигинг-

ни сира унутмайман. Яратган асарларим — бизнинг фарзандларимиз... Хотиним туғмади, деб ман мутлақо ранжимайман...»

Таскин керак, таскин яхши. Лекин таскиннинг ўзи билан иш битмайди-да. Шундай онлар бўладики, фарзандсизлик дунёдаги энг ашаддий бахтсизлик экани рўй-рост билинади. Ана шунда жамики омаду бахтлар бир пулга айланади. Дунёдан воз кечиб юборгиси келади одамнинг.

Эртаю кеч ижод билан машғул Жамолзода эҳтимол бундай қолга тушмагандир. Аммо Мадинахонимни бунақа туйғу неча бор ўраб-чирмаб олган — ёлғиз унинг ўзи билади.

Йиллар ўтган сари унинг ўйлайдигани шу бўлиб қолди. Жамолзода хотинининг хаёлини чалғитишга қанча уринмасин, таскин бериб, овутмасин, фойдаси йўқ. Ёлғиз қолган кезлари йиғлаётган дилининг охи кўзёшларга айланиб ташқарига сизиб чиқади. «Ман бахтсиз аёл эканман. Ўзим бахтсиз бўла қолсам ҳам гўрга эди, бир йигитнинг ҳам бахтини қаро қилдим. У мани қанчалик яхши кўради. Ўзим-чи? Усиз ҳаётим кўмир. Ўзига ўхшаган ақлли, истеъдодли йигитлар ато этаман, деб ният қилувдим... Қани улар?!»

Дунёда ҳамма дарднинг давоси бордир эҳтимол. Лекин бу дарднинг давоси ҳали топилгани йўқ.

Унинг давосини топганга Мадина бутун борлигини, мол-мулкини беришга тайёр. Фақат фарзанд кўрса, суюкли эрига паҳлавон ўғил туғиб берса бас. Булар орзу, хаёл эди, холос.

Жамолзода узоқ районларга ижодий командировкаларга кетганида Мадинахоним ҳайҳотдай ҳовлида ўтириб эртадан кечгача хаёл сурарди. Қани энди мана шу ҳовлида рассом Жалил Жамолзоданинг ўғил-қизлари қий-чувлашиб юришса. Униси бориб отасининг чала ишини ағдариб юборса, буниси бўёгини тўкиб ташласа... Мадинахоним уларни уришмасди, баъзи оналарга ўхшаб қарғамасди. Юмшоқ жойларига астагина уриб аванаган эскизларни жойига — Жамолзода қандай ўрнатган бўлса шундай тўғрилаб кўярди, бўёқ тўкилган полни ёғ тушса ялагудек қилиб артиб оларди. Эри командировкадан чарчаб келганда болаларининг бири у елкасига, бири бу елкасига осилса майли эди. Мадинахоним уларга танбеҳ берар эди: «Тинч

ўтиринглар, отанг толиқиб келган, дам олсин». Жамолзода хохолаб кулади: «Қўявер, Мадина, ўйнашаверсин, чарчаганим йўқ. Буларнинг ўйинини кўрсам чарчоқларим тарқаб кетади, руҳим енгиллашади...»

Бу ўй-хаёлларнинг охири кўринса экан. Ҳаммаси сароб, мисоли туш...

Темирни занг чиритади, одамни ғам қаритади, деганлари рост. Тубсиз ўйлар аста-секин Мадинахонимни қурт каби емирди. У ичини қурт еган нақш олмага айланди. Сиртдан қарасангиз, яшнаб турибди, аммо ичи... Ичидан завола кетган ҳар қандай нарсанинг ҳам, жонзотнинг ҳам умри қисқа. Ҳаётнинг шафқатсиз бу қонуни Мадинахонимни ҳам четлаб ўтмади. У хафақон касалига чалинди. Бу Жамолзодани қаттиқ ташвишга солди. Энди унинг хаёлини фарзандсизлик доғидан кўра хотинини бу хасталиқдан фориғ этиш банд қилди. Кўп врачларга, таниш профессорларга кўрсатди. Ҳаммасининг фикри бир: сиқилмасин, ҳеч нарсани ўйламасин, ўйнаб-кулиб юрсин. Бу насиҳатларни эшитавериб Мадинахонимнинг қулоқлари том битди. Лекин бир лаҳза ҳам ўйламай туролмайди. Эри билан гаплашиб туради-ю, хаёли бошқа нарсаларда юради. Буни Жамолзода сезади, лекин иложи қанча. Бировнинг хаёлини жиловлаб бўлмаса...

Мадинахонимни шу дарди бедаводан фориғ этиш учун турли жойларга саёҳатларга, курортларга олиб борди. Шуни деб ойлаб қўлига мўйқалам олмади. Кошки, лоақал қилча фойда берса, Мадинахонимнинг қарашлари сўлғин, юзлари ғамгин бўла борди.

Ёйдиган таомининг тайини йўқ. Ҳаракатлари ҳам олдингидай чаққон, абжир эмас. Баъзан Жамолзода уни зимдан кузатиб ўтиради-да, юрак-бағри эзилиб кетади. Пешонаси шўр одам эканман, деб тақдирдан нолийди...

Шу ўйлар, фикрий олишувлар билан бир неча йил ўтди. Бу йиллар Жамолзодага ҳам анча таъсир этди. Кўргазмаларда унинг янги асарлари яккам-дукам кўринадиган бўлиб қолди. Буни санъатшунослар, муҳлислар, касбдошлари сезмаслиги мумкин эмасди. Шу боис аста-секин унинг ижоди хусусида турфа фикрлар қўзғалди. Кимдир нафасни ростлаш даври деди, яна кимдир жиддийроқ асарга қўл ургандир деса,

бошқаси йўқ, унинг истеъдоди сўнди, яратадиганини яратиб бўлди, деган фикр билдирди.

Тешик қулоқ — бу гаплардан Жамолзоданинг ўзи ҳам беҳабар қолмади. Бу оламда ижодкордай нозик, таъсирчан одам кам. Жамолзода эса ўзининг қатъияти, иродасининг мустаҳкамлиги, унча-мунча гаплардан устун юра олиши билан кўпчиликни ҳайратга солган. Ўша дастлабки тарихий асарлари, хусусан, Бобакка бағишланган полотноси намойиш қилинганда, улар ҳақида жиддий мунозаралар бўлганда Жамолзода ўзининг ана шу хислатларини ошкор этган ва худди мана шу жиҳати билан ҳаммани ҳайратга солганди. Саба-би — у на ижобий, на салбий фикрга муносабат билдирди. Устахонасидан чиқмай ишлади. Бу асари тўғрисидаги баҳс-мунозара тинар-тинмас иккинчисини намойиш этди. Мунозара оқими энди янги асарга қараб бурилади. Жамолзоданинг ўзи яна уфқда кўринмайди.

Шунда баъзилар кулди: Жамолзода арининг инини қўзғаб қўяди-да, ўзи панага бекиниб томоша қилиб ўтиради.

Бу гапларга аралашишдан не фойда. Ундан кўра ишлаш керак. Ҳар хил майда-чуйда, олди-қочди гапларнинг кетидан қувиб юриш ўрнига ишлаган, асар яратган маъқул. Бу мунозаралар ўтади-кетди, аммо асар қолади.

Жамолзоданинг шиори шу эди. Шунданми, мажлисларда чиқиб нутқ сўзлайвермайди, газета-журналларга кетма-кет интервью беравермайди...

Хаста хотинининг саломатлиги йўлида елиб-юрган йиллари ҳам ўзи ҳақида пайдо бўлган фикрларга, қарашларга эътибор бермади. Қайси бир одамга, эй, азизим, маним талантим сўнгани йўқ, ҳали кўплаб бақувват асарлар яратишга қурбим ҳам, куч ва истеъдодим ҳам етади, фақат оилавий шароитим чатоқ, кўнглим нотинч, шунинг учун қўлимга мўйқалам ушлаёлмаяпман, агар билсанг, устахонага киришга вақт тополмаяпман, деб айтиб чиқади. Бунинг иложи йўқ! Майли, ким нима деса деяверсин. Вақти келиб ҳамма фикрлар ёлғон, унинг истеъдодига нисбатан бўхтон эканлигини исбот этади. Бунга унинг ишончи комил. Фақат суюқлиси Мадинахоним тезроқ соғайиб кетса бас.

Бироқ бу кунлар ҳали у қадар яқин эмаслигини, аксинча, олдинда ҳозиргидан кўра оғирроқ ташвишлар кутиб турганини у билмасди. Қаердан билсин?..

Юраги сиқилиб юрган кунларнинг бирида ярим кечаси уйғониб кетди. У ёққа ағдарилди, бу ёққа ағдарилди, уйқуси келмади. Охири Мадинахонимни уйғотиб юбормаслик учун аста ўрнидан турди-да, устахонасига ўтди. Анчадан бери чала ётган ишини давом эттирмоқни хаёл қилди. Бир ойлардан бери интизор ётган мўйқаламини қўлга олди. Ўзининг энг яхши кўрган шоири Фузулий портретини ишлаётган эди. Чала портретга олисдан термилди, узоқ термилди. Қайси жойга қайси ранг ишлатишни ўзича тасаввур этди. Фузулийнинг «Сўр» радифли ғазалини хиргойи қилганча ишга киришди: «Кавокиб сайрини шаб то сахар бедор ўландан сўр...»

У ишини, ижодини, бўёқлар ҳидини соғинган эди. Узоқ ишлади. Илҳом билан, берилиб ишлади, ҳузур қилди. Тонг отиб, чошгоҳ бўлиб кетганини ҳам сезмади. Ҳар кун тонг билан уйғониб уни чойга чақирадиган Мадинахоним бугун негадир жим. Балки ишига ҳалақит бермай, деб бу одатини тарк этдимикан? Ундай деса ҳовлида шарпаси ҳам эшитилмайди-ку. Ёки қаттиқроқ ухлаб қолдимикан?

Жамолзода мўйқаламини жойига қўйди, қўлининг бўёқларини артди-да, устахонадан чиқди. Ҳовли, ошхона томон ҳам сув қуйгандек жимжит. Унинг юраги шувиллаб кетди. Нега турмади экан? Тез-тез юриб хобгоҳга кирди. Мадинахоним ўрнида ётар, аммо уйғоқ эди. Хайрият, деди ўзича.

— Узоқ ухлаб қопсанми, азизам? — деди хотинининг ёнига бораркан.

— Сиз шу ердამидингиз? — Эрининг бўёқ қўллариға кўзи тушди-да: — Ишладингизми? Маним дардим билан овора бўлиб ишингиз ҳам қолиб кетди,— деди.

Мадинахонимнинг овози жуда хаста чиқди.

— Санга нима бўлди, азизам? — Жамолзода шундай деб, хотинининг пешонасига қўлини қўйди.— Ис-сигинг борга ўхшайди-ку. Врач чақирайми?

Мадинахоним чап қўлини кўрпадан чиқариб эрининг бўйнига ташлади.

— Ўнг қўлим билан ўнг оёғим тошдай оғир, қимир-латолмаяпман.

Турай десам, туролмадим. Қарасам, сиз йўқсиз, келишингизни кутиб ётдим.

Жамолзода чап қўли билан хотинининг кўлидан олди, ўнг қўлини унинг орқасидан ўтказиб туришига ёрдамлашди. Аммо Мадинахоним туролмади... Унинг ўнг томони — бошдан-оёқ шол бўлиб қолган эди.

Шу куни улар бир-бирига термилиб йиғлади, узоқ йиғлади: «Бу кўргилик ҳам бор экан бошимизда». Фарзандсизлик, хафақон касали... Бу дардлар устига энди янги дард...

VII

Низомий Ганжавий мақбарасининг атрофи — икки-уч гектар ер панжара билан ўралган. Бу ерда турфа гуллар, дарахтлар. Низомийнинг мўъжазгина ҳайкали. Зинадан пастга тушилса, буюк шоирнинг қабри. Ботир Шарқнинг буюк шоирларидан бири — Низомий Ганжавий қабрини зиёрат айларкан, Алишер Навоий, Бобур ҳақида, уларнинг қабри хусусида ўйлади. Уларнинг қабрини истаган пайтда бориб зиёрат қилишнинг иложи йўқлигидан афсусланди. Очиги, шу маҳалгача бу нарса унинг хаёлига келмаган эди. Ҳозир қадимий Ганжа тупроғида Низомий қабри устида шу ўй, шу афсус юрагини тирнаб ўтди...

Машина Низомий ватани Ганжага яқинлашди.

— Шаҳарда кўп тўхтамаймиз,— деди Жамолзода.— Вақт кеч бўляпти, ҳали яна элик километрдан зиёд йўл юришимиз керак.

Қоронғи тушмай Кўккўлга етиб олайлик.

Ганжа шаҳрини машинадан тушмай айланиб чиқишди. Жамолзода шаҳар ҳақида йўл-йўлакай қисқача гапириб берди.

Шаҳарда ўтмишни эслатувчи бинолар, мадрасалар, кўчалар кўп эди. Ботир машина ойнасидан гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга термиларкан, қачонлардир мана шу йўллардан улуғ Низомий юргандир, эҳтимол, ана у бинога киргандир, деб ўйлади.

Куюш парпара бўлганда Гулгина эпчиллик билан бошқариб бораётган машина фарб томонга йўл олди. Тахминан ўн-ўн беш километрлар юргач, тоғ бошланди. Йўлнинг икки томони қуюқ ўрмон. Хаво салқин.

«Волга» ана шу ўрмонзор ичидан ўнгу чапга абжир бурилиб, кийикдай учиб тобора юқорига кўтарилиб бормоқда.

Қош қорайганда манзилга етиб келишди. Машинадан тушиши билан Ботирнинг юзига муздай шабада урилди. Ганжада ҳаво иссиқ, битта кўйлақда терлаб кетаётган одам бу ерда костюмсиз совқотади.

— Жуда салқин-ку, — деди Ботир.

— Бу ерда ҳаво доим шунақа салқин бўлади. Мана шу биз турган жой денгиз сатҳидан бир минг саккиз юз метр баланд. — Жамолзода Ботирнинг қўлтиғидан олиб олдинга бошлади. — Ана Кўккўл. — Рўпарасида катта кўл кўринди. — Биласанми, бу кўлнинг пайдо бўлиши ҳақида бир ривоят бор. Айтишларича, XII асрнинг ажойиб кунларидан бирида кечаси жуда қаттиқ зилзила бўлган эмиш. Ўша зилзила натижасида мана шу тоғларда еттита кўл пайдо бўлган. Кўккўл уларнинг энг каттаси. Шунинг учун уни кўллар қироли дейишади. «Қирол»нинг чуқурлиги юз метргача боради. Ривоятнинг энг қизиқ жойи шундаки, — деб ҳикоясини давом эттирди Жамолзода, — ўша зилзила кечаси Низомий туғилган эмиш.

Ботир бу ривоятда чуқур рамзий маъно кўрди. Низомий ва мана бу кўл. Бири одамларга оби-ҳаёт берса, иккинчиси маънавий озиқ бахш этади. Бири кўллар қироли, иккинчиси шеърят қироли. Бунинг устига иккаласининг ҳам умри боқий, асрлар давомида халқ хизматида...

Йўл юриб толиққан эдилар, вақтлроқ ётишди.

Одатига кўра Ботир барвақт турди. Жамолзода мириқиб ухларди. Уни безовта қилмаслик учун аста ташқарига чиқди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтибди. Ҳаво тоза, қаймоқдай. Салқин этни жунжиктиради. Атроф шу қадар сокинки, ҳув нарида юрган одамнинг қадам шарпаси эшитилади.

Ботир меҳмонхонанинг чап томонига ўтди. Қаёққа қарамасин, кўм-кўк. Кўз яшнаёди, дил қувнаёди. Ўт-ўланлар, дов-дарахтлар тунги ёмғирдан зумрад зираклар таққан. Қуёшнинг акси тушган шабнамлар эса кумуш каби ялтираб, кўзни қамаштиради. Дарахтлар оралаб симтўр тортилган. Унинг ичида жайронлар, оҳулар юрибди. Улар тонгги куёш нурига ўзини тоб-

лайди. Ботир симтўрга яқинроқ борди. Ундан бир қадамгина нарида оппоқ оху. У чиройли кўзларини Ботирдан узмайди. Оху кўзлари... Унинг кўзларини қизларнинг кўзига ўхшатиш керакми ёки аксинча, қизларнинг кўзини унинг кўзига қиёслаш маъқулми. Бири-биридан гўзал. Ботир оху кўзларини сира кўрмаган эди. Чиндан ҳам чиройли экан. У бунақа мафтункор кўзни умрида биринчи марта кўриши. Табиатнинг қудратига қойил қолди.

Жайрон ҳам, оху ҳам Ботирдан ҳайикмас, ҳуркмасди. Қайтанга ундан нимадир умидвор сингари симтўрга яқинроқ келди. Ботир тўр устидан аста қўлини узатди. Оху чиройли бўйнини чўзиб, унинг қўлини яламоққа тутинди. Ботир оҳунинг юзларини, бўйнини силади. Силаркан аъзойи бадани жимирлаб кетди.

Бироздан сўнг Ботир ўзича оху билан хайрлашдида, кўл томонга юрди. Рўпарада баланд тизма тоғлар. Гўё бир неча туя қаторасига чўккандай. Тоғлар ҳам кўм-кўк. Фақат энг баланд чўққиларда дарахт йўк; тош. Оралиқ-оралиқлар оппоқ кўринади.

Улар — қуёш нуридан яшириниб қолган қорлар. Балки бу қорлар мангу эримас. Мана бу кўл сувларининг манбаи ўша чўққилардир.

Тор йўлак, ундан кейин сўнгсиз зиналар пастга, кўл бўйига олиб тушади. Ботир зинага қадам қўяркан, қизиқчилик учун уни санай бошлади. Бир, икки... ўн, йигирма... юз... юз элик... икки юз... уч юз тўқсон, деганида қаердадир, узоқда эмас, унинг ёнгинасида булбул сайради. Ботирнинг хаёли қочиб, атрофга аланглади, куюк дарахтлар орасидан булбулни қидирди. Энди ўнг томондан эшитилди булбул овози. Бу ўшами ёки бошқасими? Қаёқдан билсин! Хуллас, булбулни кўзи илғаёлмади. Йўлида давом этди. У ёғида яна нечта зина бор — билмади, адашиб кетди.

Кўл — исми-жисмига монанд — ҳаддан зиёд кўм-кўк эди. Унинг кўз иллаган жойигача соҳилига разм солди. Бирон-бир жойида на очиқ тупроқ, на очиқ тош кўрди. Гўё атайлаб экиб чиққандай кўлнинг бутун соҳили қалин дов-дарахт билан қопланган. Шох-шаббалар худди сув ичаётгандай кўлга эгилиб турибди. Қарашнинг, кузатишнинг ўзи роҳат. Бу дунёнинг не-не гўзал жойлари бор-а! Ҳамиша ҳам шуларнинг қадрига егамизми? Бу каби гўзалликлардан баҳра ола би-

ламизми? Табиатнинг ақл бовар қилмас сеҳру қудрати билан барпо бўлган гўзалликларни топтаётганлар йўқми? Кошки эди! Афсуски, бу гўзалликни ҳис қила олмайдиганлар, уларни бузиб, тракторларнинг, бульдозеру экскаваторларнинг шафқатсиз тишлари, оёқлари остида ражиб ташлайдиган кимсалар бор.

Бу фикру хаёллар Ботирни ўзи туғилиб ўсган қишлоғига етаклади. Болалик йилларини эсга солди. Уларнинг қишлоғидан уч-тўрт километр юқорида кент тўқайзор, боғлар, токзорлар бор эди. Унинг тенгдошлари ўша тўқайзорларда қуён, тулки қувлаб юрардилар. Буталар соясида ухлаб ётган қуённи томоша қилишдан зиёд завқ борми?! Қизиги шундаки, қуён ухласа ҳам кўзи очиқ туради. Буни Ботир билмасди. Уйғоқ экан деб ўйларди. Кейин — отасидан, акаларидан эшитиб билди бу сирни.

Ўша тўқайзор орасидаги стадионнинг ярмича келадиган ерга Ботирнинг отаси қовун-тарвуз экарди. Полизнинг бир тарафи токзорга туташ эди. Ўртадаги баланд сўрига ўтириб қуён, тулки, олмахонларни томоша қиларди. Уларнинг узум, қовун ейиши шунчалар завқли эдики, Ботир эринмай соатлаб кузатарди.

Улар қани энди?..

Тустовуқлар-чи? Ҳар қадамда оёқ остидан парт этиб катта-катта тустовуқлар учарди. У шу қадар чиройли бўларди, айниқса хўрози — қип-қизил, унинг олдида товус ҳам ҳеч гап эмасди.

Қаёққа кетди улар?..

Ёввойи ўрдақлар, қозу тувалоқлар, каптарлар... Жарликка ин қўйган каптарларга улар белидан арқон боғлаб туширишарди. Кейин жарлик остидаги сойга тушиб чўмилишар, ўша ердан туриб каптарларни инига кириб-чиқишини, ғув-ғув этиб ўтиришини зерикмай томоша қилишарди.

Улар энди хотира бўлиб қолди...

У жойларнинг ўзига хослиги, бошқа ерларга ўхшамайдиган жиҳатлари бор эди. Улар йўқолди. Энди бу жойларнинг бошқа районлардан фарқи қолмади. Пахтазор, ғўза ҳамма жойда бир хил...

Ботирларнинг қишлоғидаги ҳозирги болалар ёввойи қуённи билмайдилар, тулки билан олмахонни ҳайвонот боғида кўришган. Улар тўқайзор оралаб оёрига тикан кириб қуён қувмайдилар, унинг узум ейишини

томоша қилолмайдилар, белига арқон боғлаб жарга тушмайдилар. Ҳаммаси бекорчи гаплар, ортиқча ишлар! Ахир футбол турганда тўқайзорда нима бор? Каптар эмиш. Ана телевизорда жамики ҳайвонларни, паррандаларни кўрсатиб турибди. «Ҳайвонот оламида» деган кўрсатувнинг бир сонини кўрса қанча ҳайвонлар билан «танишади...»

Ботирнинг боши ғуллаб кетди. Кулочини кериб чуқур нафас олди.

— Боти-ир!

Бу — Жамолзоданинг овози. Чамаси, у Ботирни қидирарди. Ботир орқасига ўтирилиб, кафтларини оғзига карнай қилиб бақирди: «Мен бу ердама-ан!»

Зинапоянинг тепасида Жамолзода кўринди. У Ботирнинг товушини эшитди чоғи, пастга туша бошлади. Эшитмай-чи, бу ерда салгина овоз ҳам узоқ-узоқларга таралиб, акс садо беради.

— Кўл билан сирлашяпсанми? — деди Жамолзода Ботирга яқинлашгач. — Боядан бери қидираман, йўқсан. Бегона жойда адашиб кетмадимикан, деб роса хавотир олдим.

Ботир:

— Ёш боламидимки, адашиб кетсам... Гулгинахоним қани? — деди беихтиёр.

— У қўриқхона томонга кетди. Ҳам охую жайронларни томоша қилмоқчи, ҳам сани қидирмоқчи.

— Ў-ҳў, намунча. Ишқилиб милицияга хабар бермадингларми?

— Сал топилмасанг, шундай қилардик. Кўлнинг суви ажойиб-а, — деди Жамолзода сувга яқинроқ бориб. — Кўлнинг нима учун мунча кўм-кўклиги сабабини биласанми? — Унинг жавобини ҳам кутмай ўзи изоҳ берди: — Ўша зилзила рўй бермасдан олдин бу ерлар қалин арчазор экан. Кўлнинг тагида қолиб кетган арчалар. Шунинг учун кўл шунақа кўм-кўк.

Иккови соҳилда бир оз айлангач, зинапоядан юқорига кўтарилди. Тушаётганда у қадар билинмаган эди, кўлнинг сатҳидан меҳмонхонагача анча баланд экан. Ярмига бормасдан иккови ҳам ҳансираб қолди.

— Ҳар куни эрталаб шу зинадан бир тушиб чиқса одам, — деди Жамолзода.

— Унда спортчи бўлиб қолиш ҳеч гап эмас.

Улар гаплашиб тепага чиқишди. Меҳмонхона олдида ҳеч ким йўқ. Эрталабки қуёш нури қиздира бошлаганди.

— Бу ерда доим шунақа одам кам бўладими?— деб сўради Ботир.

— Ҳа,— деди Жамолзода.— Умуман, бу ерга тунаб қолувчилар кам келади. Манзили узоқлар, санга ўхшаган меҳмонлар тунашади, холос.

— У ҳолда шунча катта меҳмонхона қуришнинг нима ҳожати бор эди?

Жамолзода Ботирга ғалати қараш қилди. Унинг боқиши маъносини Ботир тушунмади.

— Баъзан керак бўлади-да. Кўпроқ меҳмонлар келиб қолса, нима қилади? Унинг устига жуда унақа катта эмас-ку.

Ботир индамади, бошқа эътироз билдирмади.

— Қўриқхона томонга ўтайлик,— деди Ботир.— Гулгинахоним ҳайвонлар орасидан мени излаб юрган бўлмасин яна.

Қўриқхонанинг ёнидан тоғ томонга кетган ёлғизоёқ йўлдан юришди. Ҳадеганда Гулгина кўриनावермади. Яна давом этишди йўлда. Эллик-олтмиш қадамлар боришгач, Гулгина кўринди. У қўриқхонанинг нариги ёнида оҳуларга термилиб ўтирарди. Симтўрнинг ичкарисида оҳу, ташқарисида Гулгина. Ботир уларга тикиларкан, турли қиёфалардаги икки оҳу сассиз суҳбатлашаётгандек туюлди. Йўқ, оҳу Гулгинага илтижо қилаётгандай эди. Гўё бу тўрдан ўзини озод қилишни сўраётгандай кўринди.

Жамолзода Гулгинага қараб турди-да, ички завқ ила Ботирга деди:

— Қара, Ботир, Гулгинахоним оҳу ила сўзлашяпти. Нақадар гўзалди бу ҳолат! Таассуфки, фотоаппаратимиз йўқ, суратга олиш керак эди.

— Мана шу манзарани тасвирлашингиз мумкин-ку,— деди Ботир.— Қайтанга, фотодан кўра жонлироқ чиқади.

Ботирнинг гапи негадир Жамолзоданинг чехрасига вазминлик солди. Ҳозиргина унинг юзида, кўзларида жилва қилиб турган ҳайрат ва ҳаяжон ўз кушандаси-

дан ҳуркиб, ўрмон ичига қочган оҳудек бир зумда йўқолди. Нега бундай бўлди? Одатда ижодкорларга ўз ижоди хусусида гапирса яшнаб кетади, сиртдан камтарлик қилиб турса-да, ботинан яна гапиришини, мақташини истайди. Хўш, Жамолзода нега бунақа ўзгариб кетди? Бошқа рассом бўлганида «тасвирлайман, бундан ҳам чиройлироқ этиб тасвирлайман», дейиши аниқ эди. Лекин Жамолзода...

Бу муаммони ечишга Ботирнинг ақли етмади. Рассомдан сўрашга журъат етмади.

Жамолзода билан Ботирнинг кузатиб турганини Гулгина кўриб қолди. Гапирсам, оҳу қочиб кетади, деб ўйлади шекилли, қўли билан имлаб чақирди. Олдин Жамолзода, орқасидан Ботир йўлга тушди. Ичкарига кириб борган сари ўрмон қуюқлашар, қўриқхонада турли ҳайвонлар кўринарди. Қушларнинг сайраши жам бўлиб ажиб бир симфонияни эслатарди.

Улар ярим соатча айланиб, турфа жониворлару ҳар хил қушларни томоша қилдилар. Бу ерда бир ҳафта яшаган одам ҳар қандай дарддан фория бўлиши ҳеч гап эмас. Ботир атрофга завқ-шавқ билан боқаркан, ўзини қушдай енгил ҳис қилар, бу ерларга келганидан ич-ичидан севинарди...

— Кетдик энди,— деди Жамолзода. — Нонушта қиламиз.

Улар орқага қайтишди.

Нонуштадан кейин Жамолзода Ботирни бир тепалик сари бошлади.

— Ажойиб жой, бутун тоғлар, кўл мисоли харитадагидай кўриниб туради.

Унинг гапини Гулгина ҳам тасдиқлади.

Ўн минутлар юргач, ўша ажойиб жойга чиқишди.

— Жалил муаллим «Кўккўл» асарини мана шу ерда ишлаган,— деди Гулгина.

Атрофни ўйчан кузатаётган Жамолзода Ботирнинг гапига лоқайдлик билан жавоб берди:

— Бокута борганда кўрарсан... У ҳали уйда, ҳеч қаерга берганим йўқ.

Меҳмонхона олдидаги шийпонга қайтишди. Хизматчи йигитлар янги сўйилган қўй гўштидан кабоб тайёрлашаётган экан. Узун-узун сихли машҳур кавказча кабоб ейиш бу тоғ ҳавосида кимга ёқмайди...

VIII

Мадинахоним шу ётганидан қайта турмади, уч йил ётди. Жамолзода на кундузи ҳаловат билади, на кечаси. Хотинини дарддан ҳалос этиш учун кимларнинг оstonасига бош уриб бормади. Боқтирмаган врачу профессор қолмади ҳисоб. Таниш-билишлари ёрдамида Москвадан мутахассислар олиб келди. Аммо дард оғирлашса оғирлашдики, ҳеч енгиллашмади. Мадинахонимнинг ўзи аллақачон ҳамма нарсадан умидини узиб қўйган, Жамолзоданинг кўнгил кўтарувчи гапларини ҳам шунчаки бир таскин тариқасида лоқайдлик билан эшитарди...

Тақдири азалдан, тақдири бешафқатдан айри кетиш, унинг қонунларини четлаб ўтиш қийин экан. Бу, эҳтимол, мингдан бир одамга насиб этар. Лекин ўша бахтли одам ким? Балки қаердадир шундай одам борадир. Аммо Мадинахоним унинг кўчасига ҳам кира олмади. Ўзи учун, суюкли умр йўлдоши Жалил Жамолзода учун энг оғир, энг қора бўлган бир тунда у узилди. Буни Жамолзода сезмай қолди. Ўша оқшом Жамолзода хотинининг ёнида узоқ ўтирди, вақт ярим тундан оққанда ҳам у ухламади. Негадир Мадинахоним билан суҳбатлашгиси, яхши дамларни хотирлаб, унинг кўнглини кўтаргиси келарди. Боиси — Жамолзоданинг назарида Мадинахоним анча тетик кўринарди. Бир ҳафта олдин Москвадан келган профессорнинг маслаҳатлари, муолажалари шифо беряпти чоғи, деб ўйлаганди. Буни хотинига ҳам айтди: «Мана, кўрасан, азизам, тезда соғайиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. Профессор айтди... Кейин Кўккўлга борамиз. Ўша ерда санинг портретингни ишлайман». Мадинахоним эрининг сўзларини ним табассум билан тинглади. Лекин унинг кўнгли ҳар доимгидан хира, ҳатто қоронғилашиб борарди. Уч йил тўшакка михланиб ётди, бироқ ҳеч қачон бугунгидек талвасага тушмаган эди. Одатига кўра, бу ҳолни ҳам Жамолзодага билдирмади. Аксинча, ўзини тетик, олдингидан кўра бардамроқ тутди. «Энди ухланг, чарчадингиз», деди у эрига. Жамолзода кўнгли бир оз равшан тортиб, жойига ўтиб ётди.

Жамолзода туш кўрди. Тушида Кўккўл соҳилларида юрганмиш, Мадинахонимнинг портретини ишлаш учун қулай жой қидиармиш. Мадинахоним эса у

ёқдан-бу ёққа югурармиш. Қиқирлаб кулармиш. Жамолзодага қараб: «Мани тутолмайсиз... Суратимни ҳам ишлаёлмайсиз. Учиб кетаман. Кейин мани тополмайсиз. Қўлингиз етмайди, кўзингиз илғамайди», дермиш. Жамолзода «Ман аввал қулай жой топай, кейин кўрасан, осмонда учиб юрсанг ҳам ишлайвераман суратингни. Фақат санинг юрак уришингни, нафас олишингни ҳис қилиб турсам бас», дермиш. Аммо ҳадеганда ўша қулай жойни тополмас эмиш...

У тонг ёришганда уйғонди. Кўрган тушини ўйлаб бироз ётди. Яхшиликка кетсин ишқилиб. У чопиб юрибди, парвоз қиламан, дейди, демак, энди соғайиб кетади. Кўккўлга албатта олиб бораман, суратини ишлайман. Унинг фонида Кўккўл тонгги акс этади. Худди шундай кўринишда тасвирлайман. У шодланади. Ахир у Кўккўлни жудаям яхши кўради-ку.

Шу хаёллар билан ўрнидан турди. Мадинахонимнинг ёнига келди. У ухлаганда кўкрагидан юқорини ёпмас эди. Бутун эса негадир юзларигача бекитиб олти. Совқотдимикан?

Жамолзода хотинини уйқотиб юбормаслик ниятида чойшабни астагина очди... Очдию.. тош қотди, муз бўлиб қолди...

* * *

Мадинахоним вафотидан сўнг Жамолзода девонага айланди-қўйди. На қилар ишининг тайини бор, на еяр овқатининг. Ҳар кун биров, йўқ, биров эмас, юрагининг бир парчасига айланиб қолган Мадина кириб келаётгандай туюлаверади. Гўё у бозорга чиқиб кетгану ҳали замон турли мева-чева тўлдирилган оғир сумкани кўтариб кириб келади. Сўнг чаққонлик билан нонушта тайёрлаб «Қани, замонамиз Баҳрузи, дастурхонга марҳамат», деб Жамолзодага ҳазиллашади. Мадинахоним бу сўзларни айтмай қўйганига неча йил бўлиб кетди, бироқ Жамолзоданинг қулоқлари остида кечагидай жаранглаб турибди.

Ҳар гал шифонерни очганда унинг кийимларига кўзи тушади ва аллақарида битта томири чирт узилгандай бўлади. Баъзан кун бўйи ўтириб оғир хаёлга толади, гоҳида узоқ кечаларни бедор ўтказади.

Аммо ҳаёт ўз изида давом этаверади, тарих филдираги айланаверади, ҳеч қачон тўхтамайди. Кўзга кўрин-

мас бу улкан вилдирак олдида Мадинахонимга ўхшаганларнинг ўлими нима бўпти — қудратли танкага бир чаноқ пахта отгандай гап. У сезмайди, ҳаракатини, йўналишини қилча ўзгартирмайди. Аксинча, унинг орқасидан бўзлаб қолганларни аста-секин ўз измига солади, улар ўзлари билиб-билмаган ҳолда чархи кажрафтор оқимига қўшилиб кетадилар.

Жалил Жамолзода ҳам бани одам. Ойлар ўтди, йиллар кечди. Бутун у иш, эртага у ташвиш. Шогирдлари келди, дўстлари чақирди.

Булар уни ғам-андухлардан, оху фиғонлардан халос қила борди. Бошқа нима иложи ҳам бор.

Энди у ўзини қўлга олиб ишга киришди. Эртадан-кечгача устахонадан чиқмайди.

У анча асарлар яратди. Уларни дўстлари, мутахассислар мақташди, кўргазмаларда намоиш қилинди. Жамолзода бу гаплардан шодланади, лекин шу яхши кунларни Мадинахоним кўрмай кетганини эсласа, юраги эзилади, кўнглига хуфтон чўқади. Мадинахоним эсига тушиши ҳамона унга берган ваъдаси ёдига келади. Унинг портретини ишламоқчи эди. Ишлайди, албатта ишлайди. Майли, орадан беш йил ўтсин, ўн йил ўтсин — бари бир ишлайди. Бир-икки қўл уриб кўрди, лекин мадори етмади, қўли қалтираб, бутун вужуди титраб мўйқаламни кўтаришга ҳам ҳоли келмади. Бир оз совигач, албатта ишлайди. Йўқса унинг хотираси олдида гуноҳкор бўлиб қолади...

Мадинахоним Хонлар районида эди. Унинг онаси Кўкқўл яқинидаги қишлоқда яшарди. Жамолзода билан турмуш қургандан кейин иккови биргаликда бир неча марта келишди.

Хотинининг вафотидан сўнг ҳам Жамолзода бу хонадонга икки-уч ташриф буюрди. Кейин сал оёғини тортди. Йўқ, қайнота-қайнонаси унга бир овиз ҳам ёмон гапиргани йўқ, қайтангга ҳаммаси уни ўпиб-кучоқлашар, сизни кўрсак Мадинани кўргандай бўламиз деб, аёллар кўз ёши қилиб олишарди. Худди мана шулар учун келмай қўйди Жамолзода. Уларнинг гапларини эшитиб, йиғисини кўриб, ўртанган, куйган юраги баттар ўртаниб, куйиб кетади. Уларни ҳам, ўзини ҳам қийнаб, ўчаётган ўтга керосин сепиб нима қилади.

У Мадинахоним портретини ишлаш учун Кўккўлга неча марта борди — ўзи ҳам билмайди. Ўндан ошиқ эскизлар қилди — биронтасиям кўнглига ўтирмади. Унинг вафотига беш йил бўлибди-ю, ҳали ваъдасини уддалай олмайди. Қийин-қийин ўлганга қийин, орқасида қолганлар бир кун йиғлайди, икки кун йиғлайди, бир ой йиғлайди... Шу билан аста-секин кўникади, унутади.

Наҳотки, шундай бўлса?! Наҳотки, Жамолзода ҳам Мадинани унутган? Йўқ, мумкин эмас! Жамолзода уни ҳеч қачон унутмайди!.. У ҳолда нега беш йилдан бери унинг портретини ишлаёлмайди? Шуми унутмагани?

Бир куни Жамолзоданинг қулоғига кимдир шундай дегандай туюлди. Ким экан бу, деб атрофга аланглади: ҳеч кимни кўрмади.

Эртасига саҳарда йўлга тушди. Ҳамма эскизларини уйда қолдирди, биронтасини, ҳатто ўзига энг маъқул келганини ҳам олмади. Бошқатдан ишлайди, тамоман янгича манзара, кўриниш, руҳ топади. Мадинахонимнинг қиёфасини, туришини, юз ифодаларини ҳам мутлақо янгича ифодалайди. Ўша машъум тунда кўрган тушини эслади, ўша тушида қидирган қулай жойни топади, топмасдан қўймайди. Токи ўша жойга чиқиб, Мадинахонимнинг портретини ўзи истаган даражада ишлаб тугатмагунча орқага қайтмайди. Майли, бир ҳафта ўтсин, бир ой, бир йил... Бари бир тугатиб қайтади. Шу ишни ниҳояламагунча бошқа ҳамма нарсасага қўл силтайди, кўз юмади.

Жалил Жамолзода бошқариб бораётган қизил «Жигули» пойгада кетаётган Фарлеп¹ каби учиб бормоқда...

Тушида кўрган ўша қулай жойни топди. У бир тепалик эди. Бу ердан бутун тоғлар салобатли, кўлнинг нафосати кўринар, ўрмоннинг шовиллаши эшитилиб турарди. Кўккўлга келганига уч кун бўлди. У ҳар кун эрта тонгдан шомгача чизади. Баъзан соатлаб қаерга қайси рангни ишлатишни ўйлаб қолади. Тушлиқдан кейин Жамолзода эскизлари турган жойга қайтиб ишини давом эттирди. Уч-тўртта қилқаламни бармоқлари

¹ Фарлеп — 1930 йилларда турли пойғаларда биринчи ўринни олган, пойга қироли, деб ном чиқарган Австралиянинг машхур оти.

орасига қистириб, хув анови кўз илғамас чўққини қайси рангда тиникроқ тасвирлаш мумкинлигини ўйлаб қолди. Шу маҳал кимнингдир қиқирлаб кулгани эшитилди. Унинг назарида Мадинахонимнинг кулгиси жанглагандай туюлди. Зотан, ҳозир унинг хаёлида марҳума хотини яшарди: у хаёлан уни кўриб турарди. Чор атрофга аланглади. Уч-тўрт қадам нарида — дарахлар орасида бир қиз турарди. Ё алҳазар! Мадинахоним тирилиб келдими? Худди унинг ўзи-ку! Жамолзода аввалига чўчиб кетди. Кўзимга унинг арвоғи кўриняпти, деб ўйлади. Бироқ қиз яна кулди, унга томон кела бошлади. Ё тавба, одам ҳам шунчалар бир-бирига ўхшайдими? Майин жилмайиб келаётган қизнинг қош-кўзлари, сал узунчоқ, оппоқ юзлари, бўйбаста, ҳатто кулгиси ҳам Мадинахонимнинг айнан ўзи эди!

Унга қараб анграйиб қолган Жамолзода бироздан сўнг ўзини қўлга олди. Унгача қиз салом берди:

— Салом, муаллим.

— Салом,— деди Жамолзода ҳам. Унинг товуши титраб чиқди.

— Кечирасиз хоним, кимсиз, қаердан келдингиз, кимни қидириб юрибсиз?

— Ўҳ-ў,— деди қиз,— бирданига шунча савол. Рас-соммисиз? Ёки терговчи?

Жамолзода бу гапдан сал сергакланди.

— Узр,— деди бўшашиб.

— Бокуданман, толиба, ҳеч кимни қидираётганим йўқ. Саёҳатга келувдик, айланиб юрибман. Сизни кўриб қолдим. Қарасам, расм чизяпсиз. Томоша қилгим келди. Майлими?

Жамолзода бидирлаб гапираётган қизга термилиб турибди-ю, кулоқларига унинг сўзлари кирмас, аслида излаган ранглари, тасвирлари жонланарди.

— Сиз ўзингиз қаердансиз? Қанақа асар ишляпсиз?

Жамолзода ҳам кулди.

— Ман ҳам Бокуданман. Бир хонимнинг портрети-ни ишлаш ниятидаман.

Қиз унга яқинроқ келди. Бошини ўнг елкасига қийшайтириб, ноз ила деди:

— Гўзалми у хоним?

Жамолзода йиғма стулига ўтирди. Сигарет олиб тутатди.

— Ҳа... Гўзал эди у хоним. Тенги йўқ гўзал эди.

Қиз ҳушёр тортди. Жамолзодага ачинган кўйи:

— Нима, у хоним ҳаёт эмасми?— деди.

Жамолзода сигарет тутунини чуқур тортди-да, деди:

— Шундай... У хонимнинг вафот этганига беш йилдан ошди.

Беш йилдан бери ишлайман.

— Ўҳ-ў, беш йилдан бери бир суратни ишлаёлмаётган бўлсангиз, қанақа рассомсиз?

Жамолзода қизга синчковлик билан қаради. «Бу қиз ижод машаққатини, унинг дардини қаёқдан билсин?»

— Шунақа, хоним,— деди ўйчан.— Беш йилдан бери ишлаёлмаяпман. Энди топаётганга ўхшайман излаган нарсамни.

Босиб-босиб сигарет чекаётган рассомнинг елкасига тушган қалин сочларига, ўткир боқувчи кўзларига, қоп-қора қуюқ, қошларига қиз разм солди. Уни қаердадир кўргандай бўлди. Қаерда? Ҳа, эслади: телевизорда кўрган эди чоғи. Қаердадир кўргазмаси очилган экан, ўша ердан репортаж олиб беришганда ўзини ҳам кўрсатганди. Оти нима эди унинг? Жалил... Жалил Жамолзода. Ўшамикан? Сўрасинми?

— Кечирасиз муаллим, сиз Жалил Жамолзода эмасмисиз?

Жамолзода сигарет қолдигини пошнаси билан эзтилаб ўчирди-да, ўрнидан турди.

— Сиз қаердан биласиз, хоним?

— Телевизорда кўрганман. Сўнгра қайсидир газетами-журналдами суратингиз ҳам чиқувди.

Қизнинг гаплари рост. «Адабиёт ва инжасанъат» газетасида унинг ижоди тўғрисида мақола берилганда Жамолзоданинг суратини ҳам босишувди.

— Ташаккур сиза, хоним.

Жамолзода қилқаламларини олди-да, чаққонлик билан ишга киришди. Қиз унинг эпчил ва нозик ҳаракат қилаётган қўлларини, рангларни жой-жойига ишлатаётганини, нафис бир чизиқ билан холста «гавдаланаётган» хонимнинг кўзими, қошими акс этаётганини кўриб ҳайратта тушди. У тасвирий санъатни хуш кўрарди, аммо ҳеч қачон рассомларнинг ишлаш жараёнини кузатмаган эди. «Жуда ажойиб-ку! Мана санъатининг сеҳри, ана истеъдоднинг кучи! Манави

оддий бўёқлар санъаткор қўлида суратга жон ато этипти...»

У рассомнинг ишини кузатганча бир жойда қотиб қолганини ўзи ҳам сезмади. Рассом эса гоҳ-гоҳ унга қараб-қараб қўяр, эпчиллик билан гоҳ у қилқаламини, гоҳ бунисини олиб завқ билан ишларди. Қиз ўзи билмаган ҳолда рассомнинг объектига айланган эди. Бундан Жамолзода севинач, ишқилиб кетиб қолмасин-да, деб жадал чизарди.

Йўқ, Жамолзода кутгандай бўлмади.

— Вой, мани ўтиришимни қаранглар, шерикларим кетиб қолмасин тагин.

У шундай деб югурди. Оҳу мисоли енгил учиб бораркан, орқасига ўтирилиб: «Хайр, Жалил муаллим. Соғ ўлинг!» деди. Жамолзода ҳам унинг орқасидан қўл силкиб хайрлашди.

...Жамолзода Кўккўлдан бир ҳафтадан кейин қайтди. «Кўккўл» асари асосан битган эди.

Унинг кайфияти чоғ. Мадинахонимнинг руҳи шод бўлади. Унинг армони йўқ энди. Хотинининг хотираси олдида юзи ёруғ.

Бокуга олиб борадиган йўлнинг танобини тортиб кетаркан, шулар ҳақида ўйларди...

Шаҳарга киргач, машина рулини уйига эмас, қабристон томонга бурди. Машинасини дарвоза олдида қолдирди-да, бир-бир босиб Мадинахоним қабри тепасига борди. Қора мрамарга ўрнатилган суратига термилиб, сукут сақлади. Лаблари пичирлади. Кейин худди тирик одам билан гаплашгандай паст овозда сўзлай бошлади: Мадинахоним, ман келдим яна! Тинч ётибсанми? Тинч бўл, азизам! Мандан хавотир олма. Биласанми, санга берган ваъдамни бажардим. Ҳозир Кўккўлдан келяпман. У ерда санинг портретингни ишладим... Бутун ижодимда энг яхши асарим шу бўлажак. Чунки унда сан борсан, азизам!..»

Унинг кўзлари намланди, елкаси титраб, силкиниб кетди...

* * *

Ажойиб кунларнинг бирида Жамолзоданинг уйида телефон жиринглади.

— Алё.

— Салом, Жалил муаллим, нечуксиз?

— Ташаккур. Кимди бу?— Жамолзода қўнғирок қилувчининг овозини танимади.

— Танимадингизми? Бу ман... Эсингиздами, ўн беш кунлар аввал Кўккўлда учрашган эдик.

Жамолзоданинг ёдига тушди. Беш йилдан бери битиролмай келаётган асарини тезлаштиришга туртки бўлган қизни таниди.

— Ҳа, хоним, танидим энди. Ўзингиз нечуксиз?

— Яхши,— деди қиз.— Асарингиз битдими? Рухсат берсангиз бир кўрмоқчи эдим.

Жамолзода тамоман битмаган асарини ҳеч кимга, ҳатто энг яқин дўстларига ҳам кўрсатмас эди. «Кўккўл»нинг ҳам сўнгги ишлари қолган эди. Шу боис ҳеч иккиланмай деди:

— Йўқ, хоним, ҳали бироз ишлари бор. Хўп, десангиз, бирор ҳафталардан сўнг келинг. Унгача битади.

— Йўқ, бир ҳафтадан сўнгра яна қўнғирок қиламан.

Жамолзода трубкани жойига оҳиста қўяркан, қизнинг отини сўрамаганидан афсусланди.

Бир ҳафтадан кейин қиз Жамолзоданинг устахонасига ташриф буюрди. У «Кўккўл»ни кўриб оғзи очилиб қолди. Ўшанда кўргани ҳозирги полотнонинг олдида оддий эрмак эди, холос. Унинг назарида бутун Кўккўл, сонсиз чўққилар, ўрмон — ҳаммаси рассомнинг устахонасига кўчириб келтирилгандай эди. У полотнога термиларкан, Кўккўлнинг сут бетигаги қаймоқдай жимир-жимирини кўргандай, ўрмоннинг шовиллашини, қушларнинг чуғур-чуғурини эшитгандай бўлди. Оппоқ чўққи ортидан ярми кўриниб турган қип-қизил баркашдай қуёшнинг заррин нурлари кўзларини қамаштиргандай туюлди. Кўл томонга чопиб бораётган қиз сурат эмас, гўё тирик одам эди.

Қизнинг тилига сўз келмас, санъатнинг сеҳрию қудрати олдида забонсиз, мадорсиз қолганди. Жамолзода эса бир чеккада сигарет чекканча уни кузатиб ўтирарди.

Узоқ сукунатдан сўнг қиз чуқур хўрсинди. Дераза олдидаги креслога келиб ўтирди.

— Жалил муаллим,— деди қиз вазмин оҳангда,— агар сир бўлмаса айтинг, бу хоним ким эди?

Жамолзода сигаретни буруқситганча хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади. Бунга сари қизни оғир ўй, турли хаёллар босиб келарди.

— У маним юрагимнинг бир парчаси эди,— гўё ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай гапирарди.— У ҳаётдан кетдию ман ёлғиз қолдим. У нафақат уйимнинг, балки ҳаётимнинг гули, ёритиб турган машъали эди.

Рассом сўзлашдан тўхтади. Ҳамон юришда давом этар, қизга қайрилиб қарамас, мисоли хонада танҳо эди. Бу ҳолатдан қиз хижолат чекди. Рассомнинг эски ярасини янгилаганини пайқади. Икки елкасидан босиб турган оғир юкни куч билан кўтаргандек, оҳиста ўрнидан қўзғалди.

— Сизни ранжитдим шекилли, муаллим, узр. Ман борай энди.

— Йўқ, йўқ,— деди Жамолзода шошиб,— ман ўзи шунақаман. Мадинахоним ҳақида сўз очилса, мана беш йилдирки, шу аҳволга тушаман. Сиз бундан бошқа хаёлга борманг... Юринг, чой ичамиз.

— Ташаккур, муаллим. Ман кетаман.

Қиз чиқиб кетди. Жамолзода ортиқча қаршилик билдирмади. Зеро, ҳозир унинг қолишидан кўра кетгани маъқул эди.

Қиз сершовқин шаҳар кўчасидан бораркан, на машиналарнинг гувиллашини, на одамларнинг бақириб-чақиришини эшитар, на Бокунинг тўполон шамолини сезарди. У ҳозиргина полотнода кўрган хонимни, беш йилдан бери унинг хотирасини юрагида эъзозлаб келётган, бугун эса унга мангу ҳайкал қўйган Жалил Жамолзодани ўйлар эди. Миясида садоқат, вафо, муҳаббат сўзлари чарх урарди. Негадир рассомга ачиhib кетди. Нақадар бешафқат ҳаёт! Билмаган кимса дунёда Жалил Жамолзодадан кўра бахтли одам йўқ, деб ўйлайди. Аслида унинг бутун ҳаёти фожиадан иборатга ўхшайди-ку...

IX

Гулгинанинг машинаси тоғ йўлларини орқада қолдириб, Ганжага яқинлашди. Унгача учови ҳам миқ этмади. Чамаси ҳар ким кўрган билганлари хаёли билан банд эди.

— Хўш, Ботир, Кўккўл санга ёқдими?— деб сўради Жамолзода ниҳоят.

— Жудаям зўр экан...

— Нима учун сани Озарбойжоннинг бошқа районларига эмас, айнан Кўккўлга олиб келганимни биласанми?— деди Жамолзода.— Ахир республикада бунга ўхшаган гўзал жойлар оз эмас!

Кутилмаган бу саволга Ботир жавоб беролмади. Кулимсираб елка қисди.

— Билмадим...

— Бунинг сабаби бор. Кўккўл ман учун ҳам, Гулгинахоним учун ҳам чўх қадрли, табаррук жой.

— Озарбойжоннинг ҳар бир фарзанди учун унинг ҳар қарич ери табаррук, қадрли,— деб ўйлайман.

Жамолзода унга томон бурилиб, яқинроқ ўтирди.

— Гапинг тўғри. Лекин Гулгинахоним билан ман учун Кўккўл алоҳида аҳамиятга эга.

Улар Қозоҳ райони йўлига тушдилар.

— Қозоҳ — Самад Вурғун туғилган район. Бу ерда Мақсуд Шайхзода таваллуд топган,— деди Жамолзода.— Ахир у ўзбеклар учун ҳам, озарбойжонлар учун ҳам бирдай қадрли-ку. Шунча йўлдан келиб Шайхзода ватанини кўрмай кетасанми?

* * *

Бокуга уч кундан кейин қайтишди. Ботир «Меҳмонхонага борай, дўстларимни топай», деган эди, Жамолзода қўймади: «Хаммасига улгурасан. Ҳозир бизникига борамиз. Бироз дам оламиз. Чой ичамиз. Истасанг «Кўккўл»ни кўрсатаман»,— деди. «Кўккўл»ни эшитиб Ботир розилик берди.

Бир стакандан чой ичишгач, Жамолзода билан Ботир унинг устахонасига киришди. Гулгина таом пишириш билан овора. Устахона деворига суяб қўйилган «Кўккўл» полотносини кўриб, Ботир лол қолди. Асарда тасвирланган кўл, тоғлар, дарахтлар ўзи кечагина кўриб келгани Кўккўлдан, осмонўпар чўққилардан, ўрмондан кўра бойроқ, гўзалроқ туюлди. Жамолзонинг унча-мунча асарларини кўрган, унинг истеъдодига тан берган, аммо мана бунақа асар яратганини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Жамолзода креслога чўкиб сигарет чекарди. Ботир унинг рўпарасига ўтирди. Нигоҳи ҳамон картинада.

Унда тасвирланган қиз Гулгинага жуда ўхшарди. «Ай-таман, кўнглимдаги дардимни айтаман энди», деб ўйлади Ботир.

— Жалил муаллим,— деди рассомга юзланиб,— сиздан бир нарсани сўрашга рухсат этинг.

Жамолзода сигарет тутунини ўйчан тортаркан, деди:

— Марҳамат.

— Қизингиз институтни ҳам битирибди. Нега...

Рассом унинг гапини кесди:

— Нега турмушга узатмайсиз, демоқчимисан?

— Мен бу ерга айланиб томоша қилиб кетиш, ҳам бир яхши умид билан келган эдим. Ростини айтсам, Гулгинахонимни севиб қолганман. Бултур, Сочида...

Жамолзоданинг кўриниши жиддий тус олди. Лекин негадир ҳадеганда гапиравермади. Ботирнинг юраги така-пука. Ҳозир уришиб ташласа керак, деб ўйлади.

— Гулгинанинг ўзига айтганмисан бу гапни?— деди ниҳоят.

Ҳа, унинг ўзига айтган...

Эртага Ботирнинг муддати тугайди. Дам олиш уйи, бу гўзал жойлар билан хайрлашади. Бир нарсадан кўнгли хижил: Гулгинага дилини очолмади. Дардини ёришни, унинг кўнглини билишни хоҳлайди. Бунга имконият қидиради.

Тушлиқдан кейин пляжга йўл олди. Кун иссиқлиги учунми ҳали чўмилувчилар кам эди. Ботир қўзиқоринга ўхшаш соябонлардан бирининг остига ўтириб денгизни томоша қила бошлади. Сафари қаригани учун денгизга суқ билан тикилар, уни тўйиб-тўйиб кўриб олгиси келарди.

— Ҳа, Ботир муаллим, шу ердამисиз.

Бу — Гулгина эди.

Дард аримоқчи бўлса табиб ўз оёғи билан келармиш.

Ботир унга ўтирилиб қаради. Қиз ёлғиз эди.

— Жалил муаллим қани?

— Ҳозир келади.

Қиз унинг ёнига ўтирди.

— Мен эртага кетаман,— деди Ботир имкониятни қўлдан бермаслик ниятида шўшиб.

— Шундайми?— деди Гулгина.

— Гулгина, биласизми, сизга айтадиган гапим бор. — Қиз унга жилмайиб қараб ўтирибди. — Мен сизни яхши кўриб қолдим.

Қиз хандон отиб кулди. Унинг кулгиси денгизнинг шовиллашига қўшилиб кетди.

— Кулманг, илтимос,— деди Ботир. Унинг товуши титраб чиқди. — Мен жиддий айтяпман.

— Ахир, ман ким, қанақа қиз эканимни билмай-сиз-ку.

— Барибир... Ўшанда, ошхона эшигида илк бор учрашганимизда юрагим жизиллаган эди. Шундан бери кечаю кундуз сизни ўйлайман. Фақат отангиздан истиҳола қилдим, холос. — Қиз индамади, аксинча, у ҳам бирмунча маънос тортди. — Хат ёзиб турсам майлими? Жавоб ёзасизми?

Қиз ҳамон жим. Гўё Ботирнинг сўзларини эшитмаган каби. Ботир унинг чиройли кўзларига термилди. Қўли ихтиёрсиз тарзда унинг қўллари томон чўзилди. Қиз қўлини тортди.

— Қўйинг, керак эмас...

Унинг лаблари титради. Сўнгра киприклари намланди. Ботир ўзини босолмади. Шартта қизни бағрига тортди. У ҳам қандайдир лаҳзалар жим қолди. Аммо шу заҳоти йигитнинг бағридан юлқиниб чиқди. У энди росмана йирларди. Фақат овози чиқмас, кўз ёшлари гўзал чехрасида марварид доналари каби думаларди.

— Йўқ,— деди қиз бошини силкиб, — йўқ, бу фикрингиздан қайтинг. — Унинг ёшли кўзлари Ботирнинг кўзларида эди.

Хув нарида Жамолзода кўринди.

— Ҳозир отангизга ҳам айтаман,— деди Ботир.

Қизнинг ранги оқариб кетди.

— Йўқ!— деди қатъий. — Илтимос қиламан сиздан, бу ҳақда унга сўз очманг.

У шундай деб ўрнидан турди-да, денгиздан ҳовучлаб сув олиб юзларини юва бошлади...

Ҳозир бу гапларни Жамолзодага батафсил айтиб ўтирмади.

Фақат «ҳа, унга ҳам айтганман» деб қўя қолди.

— Хўш, у-чи, нима деди?— деб сўради Жамолзода.

— У индамади... Кулди, холос.

Рассом ўйга толди. Яна сигарет тутатди.

— Бир нарсани санга ёлгон гапирганим учун узр сўрайман,— деди у Ботирнинг кўзларига тикилиб. Унинг боқишлари шу қадар ўткир эдики, ҳар қандай одам узоқ қараб туролмасди. Ботир ҳам нигоҳини унинг кўзларидан олиб қочди.— Яқинда Гулгинахоним билан тўйимиз бўлди.

Ботир илон чаққандай сапчиб тушди. Юраги гупиллаб ура бошлади. Тили калимага келмай, боши ғувиллади. Бутун баданидаги қон бошига йиғилиб боргандай сезди ўзини. Унгача Жамолзода сўзини давом эттирди:

— Олти ой бўлди. Ҳиндистонга борганимизни эшитдинг, ўша никоҳ саёҳати эди. — У оғир тин олди. — Мадинахонимнинг жамики хислатларини Гулгинада кўраман. Аниқроғи, ундан топдим. У манам ўчган чирғимни қайта ёқди, сўнган илҳомимни қайта аланглатди. Шу боис Гулгинахонимдан бир умр миннатдорман.

Ё фалак! Бу не синоат! Қизим деб юргани хотини бўлса! Хотинини қизим деб таништирса! Истеъдодига тасанно ўқиб юргани мана бу одам ким ўзи? Нега уни шунча вақт лақиллатди?!

Бу сўзларни баралла айтишга Ботирнинг мадори етмади.

Ҳар бир сўзи қуловига ёғдай ёқаётган, кулишларини жон деб тинглаган, қарашлари, қош-кўзлари юрагини ўртаб юргани қиз — Гулгина... Энди унга қарай олмайди, суқ билан термила олмайди. Ахир у бировнинг жуфти ҳалоли... Эҳ, каллаварам, сен эса нима хаёлларда юрибсан-а!

— Биламан,— деди ўйчан ҳолда Жамолзода. — У ҳолда нега қизим, деб таништирдингиз, дейсан. Ва ҳақлисан! Эҳтимол, мандан бу ёлгон сўзим учун ранжирсан. Лекин ўшанда шундай дейишга мажбур эдим...

* * *

Гулгина Жалил Жамолзоданинг уйига келиб, «Кўк-кўл» асарини кўриб кетгандан сўнг тез-тез у ҳақда ўйлайдиган одат чиқарди. Назарида, у яхши сўзга, меҳрга муҳтож туюлди. Рассомга қандай ёрдам бериш — унинг доимий ўйига айланди. Ўқишдан бўш кезлари Картиналар галереясига чопади. Жамолзода асарлари каршисида соатлаб ўтиради. Гўё уларга тер-

милиб, рассомнинг қалб дафтарларини варақлайди. Унинг барча асарлари Гулгинани ҳайратга сола бошлади. Бироқ «Кўккўл»нинг ҳайрати ўзгача эди.

Ўйлаб-ўйлаб бир куни Жамолзоданинг уйига қўнғироқ қилди. Унинг ижозати билан полотнони бориб кўрадиган бўлди. Қизнинг бу қўнғироғи рассомни ажаблантирди: «Кўриб эди-ку, нега энди яна кўргиси келиб қолди экан?» Лекин уйингга бораман, деган одамга рад жавоби бериш одобданми?

Гулгина келиб «Кўккўл»га узоқ термилди. Нималарнидир ўйлади чоғи, ўзича ух тортди, хўрсинди.

— Бу асарингиз манга ҳам қадрли бўлиб қолди, — деди у Жамолзодага. — Билмадим, унинг яратилиш жараёнидан хабарим борлиги учунми ёки асарнинг таъсири кучли эканлигиданми — ҳар қалай уни тез-тез кўргим келади.

Жамолзода кулди. «Жуда романтик қизга ўхшайди», деб ўйлади.

— Ташаккур сиза, хоним. Кечирасиз, ўшанда студентман девдингиз. Қайси институтда ўқийсиз? — деди Жамолзода.

— Педагогика институтида, келаси йил битирман.

— Маним ижодимга шунчалар қизиқиб, эътибор берганингиздан хурсандман. Қолаверса, бу асарнинг битишида маълум маънода сиз туртки бўлдингиз. Сиздан чўх розиям, хоним. Келинг, бир стакандан чой ичайлик ёки қаҳва истайсизми?

Қиз индамади. Жамолзода сукут — аломати ризо, деб ошхонага кириб кетди. Хиёл ўтмай иккита балдоқли пиёлада қаҳва олиб чиқди-да, ҳовлидаги столга қўйди. Тўқима креслоларнинг бирига ўзи ўтирди, иккинчисига қизни таклиф этди.

— Марҳамат, хоним. Ўтиринг, қаҳва ичинг. Бироз суҳбатлашайлик, кейин борарсиз. Ота-онангиз койишмайдими?

Гулгина қаҳвани қошиқча билан кўзгади-да, Жамолзодага қаради. Унинг қарашлари рассомнинг юрагини жизиллатиб юборди. Йўқ, у қизга нисбатан ёмон бир ниятда эмасди, балки унинг боқиши Мадинахонининг қарашларини ёдига солди.

— Йўқ, койишмайди... Улар мани бу ерга келганимни билишмайди. Сабаби — улар бу ерда эмас.

— Шундайми? — деди Жамолзода қаҳвадан бир ҳўплаб кўяркан.— Бокулик эмасмисиз?

— Ман Шамахаданман.

— О, шамахаликман денг? Чўх гўзал жой. Ман у ерга кўп борганман. Бир неча асарларимнинг эскизлари Шамаха тоғларида яратилган... Демак, ётоқхонада турасиз, шундайми?

Гулгина бош ирғаб маъқуллади.

Шу куни улар анча суҳбатлашдилар. Гулгинанинг адабиёт, санъат ҳақидаги фикрлари, қарашлари Жамолзодага хуш келди. Бир студент қиз шунчалар саводли, санъатни шунчалар тушуниши уни қувонтирди.

Жамолзода Гулгина билан суҳбатлашганидан кўнгли равшан тортди. Одам тафтини одам олади, деганлари шу-да. Унинг юрагида қат-қат ётган дардлари бироз енгиллашгандай кўринди.

Тўғри, Жалил Жамолзоданинг ҳам ўзига яраша дўсту биродарлари, шогирдлари бор. Улар имкони борича Жамолзодани ёлғизлатиб кўймасликка интилишади. Лекин онда-сонда келиб бир соат-ярим соат гурунглашиб кетган билан иш битмайди-да.

Уларнинг келиши яхши — уйда шовқин-сурон, одам овози эшитилади. Лекин кетиши овир — Жамолзоданинг кўнгли бошқатдан ҳувиллаб қолади.

Ҳозир Гулгина чиқиб кетгандан сўнг шу аҳвол тақорланди. Нима қилсин, у шунга ўрганган, беш йилдан бери шу ҳолатта бир неча бор тушиб, энди кўни-киб қолган...

Орадан бир йил ўтди. Улар анча яқинлашиб кетишди. Энди Гулгина тез-тез келадиган, иккови узоқ-узоқ суҳбатлашадиган, дунёнинг борди-келдиларидан дардлашадиган бўлишди. Қиз унинг ҳар бир янги асарини интиқлик билан кутади.

Июль ойининг ўрталарида Жамолзода Сочига — дам олиш уйига жўнаб кетди. Бу пайтда Гулгина давлат имтиҳонлари топшираётган эди.

Бир куни хонада дам олиб ётгани, эшик тақиллади. Шу ерда танишган дўстлардан бири бўлса керак, деб Жамолзода ётган жойидан бақирди:

— Эшик очиқ. Кираверинг.

Эшик аста очилиб, бир қиз мўралади. Жамолзода кўзларини каттароқ очиб, ҳушёрроқ қаради — останада Гулгина кўринди. У ўрнидан сапчиб турди:

— Гулгина!

— Ман,— деди қиз жилмайиб.

Жамолзода доводи раб қолди.

— Қандай келдингиз? Имтиҳонлар...

— Мани табриклашингиз мумкин, институтни битирдим.

У шундай деб Жамолзодани қучоқлаб олди. Кутилмаган бу ҳаракатдан Жамолзода тамоман ўзини йўқотди. Тушми бу ёки ўнгими?

— Гулгина...

Гулгина рассомнинг юзларидан ўпди.

— Сизни сориндим...

— Нималар деяпсиз, хоним... Ахир...

Қиз унинг бўйнига осилганча кўзларига тикилди:

— Рост айтяпман... Ман сизсиз туролмайман...

Ҳаётимни, умримни сизга бахшида этдим.

Жамолзода қизнинг қўлларини бўйнидан аста бўшатди.

— Ахир сиз ўн гулидан бир гули очилмаган қиз бўлсангиз, ман эса...

Гулгина уни гапиргани қўймади. Оппоқ, юмшоқ кафтини унинг лабларига босди.

— Ҳаммасини биламан, ҳаммасини ўйлаб кўрдим. Ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим. Сўнгра йўлга чиқиб, олдингизга келдим... Йўқ, демасангиз, кетгунингизча ёнингизда қоламан. Кейин бирга қайтамиз. Қачон тўй қилиш сизнинг ихтиёрингизда.

Жамолзода ҳамон ўзини қўлга ололмас, бир-биридан ажабланарли, бир-биридан кутилмаган сўзлар уни таъқиб қилар, нима дейишини, нима қиларини билмай додирарди. У креслога чўқди, Гулгина ҳам ўтирди. Унинг ўйга толганини кўриб, Гулгина яна тилга кирди:

— Ёки сиз рози эмасмисиз? Агар шундай эса айтинг, ҳозироқ қайтиб кетаман. Бу одобсизлигим учун узр сўрайман...— Унинг Жамолзодага жавди раб турган кўзлари намланди.

Жамолзода ҳамон карахт, тилига бирон-бир жўяли сўз келмасди. Гулгина аста ўрнидан турди. Жамолзода шошиб қолди.

— Шошманг, хоним... Ўтиринг бирпас. — Қиз ўтирмади. Рассом унга қараб деди: — Ота-онангиз нима дейди?

Бу гапдан сўнг қиз ўтирди.

— Жалил муаллим, адашмасам сиз ўз ҳаётингизда нимаики воқеа рўй берган бўлса — ҳаммасини яширмай айтгансиз. Шундайми? Ман ҳам асосан гапириб берганман. Лекин бир нарсани сиздан сир тутган эдим. Энди айтаман. Маним ота-онам йўқ. — Жамолзода сергакланиб қизга яхшироқ термилди. Бу билан гўё олдимда ўтирган қиз ўша — бир йилдан бери ўзим яхши биладиган Гулгинами ёки бошқами, деб аниқламоқчидай эди. — Биз, яъни ман билан синглим холамининг қўлида ўсганмиз. Ота-онам машина авариясида қолиб ҳалок бўлишганда ман беш ёшда, синглим икки ёшда эканмиз.

Жамолзода унинг сўзларини тингларкан, бу қизнинг кўнглида дарду аламлари кўплигини англади. Ўша узоқ-узоқ суҳбатларида ота-онаси хусусида кам гапиршининг сабабларини энди тушуниб етди. Нима учун бу ёшгина қиз доимо ўйчан, қандайдир дардли юришининг боиси бу ёқда экан-да.

Қиз гапдан тинди. Зўрма-зўраки жилмайди:

— Шунақа гаплар, Жалил муаллим. Биласиз, ман Шарқ классик адабиётини жуда яхши кўраман. Ўзингизга ҳам назаллар ўқиб берганман. Алишер Навоийнинг бир назали бор. Биласизми у қандай бошланади:

*Меҳр кўп кўргиздим, аммо меҳрибони топмадим,
Жон босе қилдим фидо, оромижони топмадим.*

У жим бўлиб қолди. Жамолзода ҳам сукутда. Жимликни яна унинг ўзи бузди:

— Сизнинг ҳаётингиз учун, ижодингиз учун кўмак бўла олсам, Мадинахонимнинг ўрнини босолмасам-да, у қилган ишларнинг ўндан бирини қила олсам — ҳаётимдан розиман. Нима учун бундай қарорга келганимнинг сабабини сўраманг. Чунки қачон, нега сизни севиб қолдим — ўзим ҳам билмайман.

Жамолзода Гулгинанинг қизарган кўзларига термилди. Кейин аста ўрнидан туриб унинг ёнига келди-да, ёмғирдан сўнг гуркираб турган гул япроқларидай киприклари ўраб турган қоп-қора кўзларидан ўпди...

* * *

Ботир Жамолзоданинг ҳикоясини тинглаб оғир ўйга толди.

— Энди тушунгандирсан, қизим деб таништирганимнинг сабабини.

Ботир миқ этмади. Бинобарин, сўз ортиқча эди. У бошқа нарса — ўзининг Гулгина билан суҳбатлари, денгиз соҳилида бир-бирига шеър ўқиб берганлари ҳақида ўйларди. Гулгина билан танишгандан бери ўтган бир йил давомида уни неча марта ўйлагани, ҳатто тушларига киргани, қўнғироқ қилгани, хатлар ёзгани, отпусқа олибоқ Бокуга учгани... Мана шулар ҳозир унинг хаёлини банд қилганди. Ботир ўзини ожиз, йўқ, қандайдир кўнгли ҳувиллаб қолгандай ҳис этди. Гўё бу гапларнинг ҳаммаси ширин бир туш эди-ю, уйғониб кетганидан пушаймон чекарди. Зотан, уни бу ерларга етаклаб келган, бошлаб юрган илинж энди йўқ, ҳаммаси саробга айланди...

Ҳовлидан Гулгинанинг овози эшитилди:

— Жалил муаллим, хўрак тайёр.

Ботирнинг юраги жиз этди. У ялт этиб Жамолзодага қаради.

— Қани юр энди, овқатланайлик.

— Мен меҳмонхонага кетаман, — деди Ботир.

Жамолзода ажабланиб унга қаради:

— Бу нима деганинг?! Тайёр овқатни ташлаб кетсанми? Ҳаммасига улгурасан дедим-ку. Гулгинахоним ранжийди.

Ҳовлидаги стол ноз-неъматга тўла. Жамолзода стол ўртасида турган «Кўккўл» коньягини очди.

— Йўлдан чарчаб келдик, элик грамдан олайлик.

Иккита биллур қадаҳга лоларанг шаробдан қуйди.

У Гулгинахонимга қарай олмас, мабодо уларнинг кўзлари тўқнашиб қолса ҳам Ботир ножўя иш қилиб қўйгандай қизариб кетарди.

Ботирнинг томоғидан овқат ҳам ўтмади. Мезбонларнинг қистови билан у-бу нарсадан чимдиб ўтирди. У тезроқ туришни, меҳмонхонага боришни, йўқ, умуман бу ердан — Бокудан кетишни истарди. Назарида энди у бу ерда ортиқча эди. Мезбонларнинг ҳар қанча қистовига қарамай, ўрнидан турди. Нон-туз, меҳмондорчилик, саёҳат учун ташаккур билдирди. Гулгина машинада элиб қўяман деди, аммо Ботир кўнмади. Зотан, ҳозир унга ёлғизликдан бошқа нарса ёқмас, кўнглига сиғмас эди...

Кўчага чиқди-да, тўғри келган бир машинани тўхтатди. Уч кун олдин жуда чиройли, завқли кўринган тунги Боку энди унинг кўзига совуқ, бегона туюлди.

Меҳмонхона йўлагидан кетаётган эди, кимдир «ҳов, ука» деб чақирди. Ўзбекча гапни эшитиб тўхтади.

Самолётдаги йўлдоши — семиз киши унга қараб лапанглаб келарди. «Оббо, шу пайтда бу қаерда турган эди». У Ботирнинг қўлини олди.

— Омонмисиз, ука? — Унинг кайфияти чов, кўри-нишидан ишлари жойида экани билиниб турарди. — Ишлар юз, ука. Қудамиз жуда ажойиб одам экан-да. — Оғзидан гуп этиб арақ ҳиди анқиди. — Ўзингиз нима қилиб юрибсиз? Қайларгадир бормоқчи эдингиз...

— Яхши, табриклайман, — деди Ботир. — Бориб келдим... Кечирасиз, шошиб турувдим. Кейин гаплашамиз.

У шундай деб йўлида давом этди. Семиз киши унинг орқасидан бақириб қолди:

— Шошманг, қайси хонадасиз? Бу яхши гаплар учун бир олайлик ахир...

Ботир индамади.

Хонага кирдию каравотга чўзилди. Мияси ғувиллар, боши зилдай эди. Ташқарида шамол кўзгалди. Гоҳ оч бўридай увиллар, гоҳ сичқондай чийилларди. Бу Ботирнинг юрагини баттар сиқар, кўзига мутлақо уйқу келмас эди.

Тун бўйи тўлғониб чиқди. «Нега келдим? Нега? Энди ҳаммаси тугади... Бунинг устига бировнинг хотини... Эрига сизнинг хотинингизни яхши кўраман дейдими?! Эҳ, хом калла...»

Бу хаёллар, фикрий олишувлар орасидан Гулгинани чиқариб юбора олмасди. Ҳар бир фикри, ўйи унга бориб тақаларди.

«Гулгина, эҳ, Гулгина. Нима учун ўша пайтда бор гапни очиқ айтмадинг? Хатларингда ёзишинг ҳам мумкин эди-ку... Нега йиғладинг ўшанда?.. Энди билдим йиғлаганинг сабабини. Мен эса ўзимча тушунибман йиғинг боисини... Эҳ, галварс...»

У оғир-оғир хўрсинар, у ёқдан-бу ёққа ағдариларди.

Шамол ҳам тинмади. Унинг увиллаши Ботирнинг юрагини ханжардай тилар, назарида бутун Боку унга қўшилиб йиғлар, оҳ чекар эди...

ХОТИМА

Ботир яқинда Бокудан — Жамолзодадан хат олди.

«Салом, Ботир!

Ишларинг, соғлиғинг қалай? Биз яхши юрибмиз... Биз деганимки, оилада кўпчилик бўлиб қолдик. Гулгинахонимнинг синглицси ҳам Бокуга кўчиб келди. Ҳозир у биз билан туради. Гулгина сан ҳақингга унга кўп гапирди.

Яқинда биз учун қувончли воқеа содир бўлди. Фарзанд кўрдик. Гулгинахоним отини Мадина, деб қўйди...

Нега хат ёзмайсан, қўнғироқ қилмайсан? Бокуга қачон келасан?

Гулгинахонимдан, унинг синглицсидан санга буюк салом!

Ж.Жамолзода».

Ботир хатни ўқиб, беихтиёр Кўккўлни, Гулгинани, Жамолзодани эслади. Гулгина билан Қора денгиз бўйидаги суҳбатлари, Кўккўл сафаридаги гурунглар эсига тушди. Жамолзодага ҳаваси келди...

Ботир бир варақ оппоқ қороз олди-да, хат ёзишга киришди...

*Пицунда — Тошкент
1986 йил.*

ТАЪТИЛ КУНЛАРИ...

Биринчи боб

САЛОМ, БОБО ҚУЁШИ

Ёз оқшоми. Атроф жимжит. Онда-сонда итларнинг вовуллагани, қаердандир эшакнинг ҳанграгани қулоққа эшитилиб туради.

Шаҳриёр осмонда жимирлаб ётган юлдузларга қараб узоқ хаёл сурди. «Мана, таътил ҳам бошланди. Энди уч ой маза. Эрталаб мактабга бориш, дарс тайёрлаш йўқ. Муаллим мендан сўраб қолмасмикан, деб титраб-қақшаб ўтиришлар тутади... Истаган пайтимда ётаман, хоҳлаган чоғимда тураман. Жўраларим билан ўйнаймиз, дарёга, кўлга бориб чўмиламиз. Қандай маза... Отам шаҳарга олиб борадилар. Ўзлари айтдилар-ку, каникулга чиқсанг Самарқандни томоша қилдираман, деб...»

Шундай ширин хаёллар оғушида ухлаб қолди. Лекин ўйлаганидай узоқ ухлаёлмади. Ҳар куни барвақт уйғониб мактабга боришга ўрганиб қолмаганми, бутун ҳам ана шундай бўлди. Дарвозахона тарафда супургининг «шув-шув» эттан товуши эшитилди. Ёстикдан бошини кўтариб ўша томонга қаради. Онаси ҳовли супураяпти. Бошқа ҳеч ким кўринмайди. Отаси ҳам жойида йўқ — у одатига кўра саҳарда турган.

Бердиқул бобо олтмишдан ошган. У ёшлигида бригадир, кейин эса ҳисобчи бўлиб ишлаган. Ҳозир ҳам тинмайди. Колхознинг у-бу ишларига қарашади. Хирмонга қоровулми, тарозибонми ишқилиб, қўлидан келган ишни қилиб кетаверади. Хирмон пайти-ку буғдой совуриш қишлоқдаги беш-олтита чоллар зиммасида. Узумни узиб майиз қиладиган кунлари Бердиқул бобонинг қўли қўлига тегмайди.

Колхознинг узумини ҳам шулар босиб беришади. Ундан ташқари ҳар куни ҳашар — гоҳ у ҳамсоя, гоҳ

бу ҳамсоя узумимизни босиб беринг, деб илтимос қилади. Бердиқул бобо йўқ демайди, чарчаганига қарамай боради.

Бу ерда уйларнинг томи ҳар йили кузда сувалади. Қалин сомонли лой қилиб сувалмаса қишда, баҳорда чакка ўтиб кетади. Бундай пайтда ҳам Бердиқул бобо ҳашардан бўшамайди. «Сиз андавани яхши тортасиз», деб туриб олишади.

Бу йил Бердиқул бобо хирмон қоровуллигиниям олмади. «Қўйинглар энди мени, қариб қолдим. Иш бўлса шундай қарашавераман», деди. Шаҳриёр яна ёстиққа бош қўйди. «Ҳали офтоб келишига анча бор, бироз ётай. Шошиб нима қилдим, мактаб борма-сам...»

Ҳовли супуриб бўлган онаси сўрига яқин келди.

— Шаҳриёр, тур болам. Шунча ухлайсанми. Қўйларимни боққа олиб бораман, девдинг. Қачон борасан, тура қол, ўғлим. Ҳадемай кун исиб кетади. Салқинда сал-пал ўтласин жониворлар,— дея куюнчаклик билан сўзлади Бўстон хола.

Мингбулоқ — Шаҳриёрларнинг қишлоғи тоғ этагида. Бу жойларда пахта экилмайди, одамлар боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик билан машғул.

Боғ дегани — қишлоқ тепасидаги тоқзор. У ерда Шаҳриёрларнинг ҳам боғи бор. Бир гектарча келади-ган узумзор, атрофида турфа дарахтлар:олма, ўрик, ёнғоқ, шафтоли, олча, қароли, гурдоли... Боғнинг кун ботиш томони тўқайзор — қора дўлана босиб кетган. Ёввойи қуёнлар, тулқилар ўйнаб юради.

Бир куни жуда қизиқ бўлди. Шаҳриёр тўқайзор оралаб секин кетаётган эди, буга орасида ётган қуёнга кўзи тушди. У гўё Шаҳриёрга термулиб турарди. Шаҳриёр тўхтади. Қуёнга қараб тураверди. Ораси уч-тўрт метр келади. У нимага қочмаётганидан Шаҳриёр ҳайрон. «Мени менсимаяпти шекилли», деб ўйлади-да, қуёнга қараб юрди. Икки қадам қўйиши билан қуён бошини илкис силкидию жойидан сакраб турди ва дуч келган томонга ўзини урди.

Кейинчалик билса, отаси айтиб берди, қуён ухлаб ётган экан. У ухлаганда ҳам кўзи очик тураркан...

Шаҳриёрларнинг қишлоғи илгари анча қуйида эди. Эски қишлоқда уйлар бир-бирига тақаб қурилган, бирининг тоmidан иккинчисига ўтиш мумкин эди. Ҳов-

лилар ҳам тор-танқис эди. Номи қишлоқ бўлгани билан экин-тикин қиладиган ери йўқ эди. Шу боис ҳамма оила эрта баҳордаёқ қишлоқ тепасидаги боққа кўчиб чиқарди.

Чайлада яшардилар. Экин-тикинлар йиғиштириб олингач, кеч кузда қишлоққа қайтиб тушишарди. Беш-олти йил бўлди, бутун қишлоқ янги жойга кўчди. Энди ҳамманинг уйи олдида ери — томорқаси бор. Аммо боғларга қараш тартиби олдингидай — ҳар бир боғ бир оилага биркитилган. Ўша оила ишлайди, сугоради, тоқларни баҳорда очади, кузда кўмади. Нимаики иш бўлса ўзлари бажарадилар. На раис, на бригадир уни қил, буни қил, деб аралашмайди. Тоқларнинг қанчалар ҳосилдор бўлиши колхоздан ҳам бурун одамларнинг ўзига фойда.

Ҳосил етилгандан кейин колхоз раҳбарлари томонидан тузилган комиссия аъзолари боғларни бирма-бир кўриб, ҳосилни чамалаб чиқишади. Шунга қараб, фалон тонна узум, фалон кило ёнғоқ, ўрик берасиз, деб шартнома тузишади. Келишилган ҳосил топширилгач, ортгани шу оиланинг ўзиники. Хоҳласа бозорга олиб бориб сотади, истаса майиз қилади. Ихтиёр ўзида. Шаҳриёрларнинг боғи унчалик кўп эмас. Лекин ҳосилдор. Ота-онасининг айтишича, бу боғни, яна тоғалари, амакилари қарайдиган боғларни унинг боболари — Бердиқул бобо билан Бўстон холанинг оталари экишган. Шаҳриёрнинг икки бобоси бир-бирига амакивачча бўлган экан...

Улар ҳар йили қарийб икки тонна узум, қанча-қанча олма, ўрик, ёнғоқ, олча топширадилар колхозга. Ўзлари ҳам бир-икки қоп туршак, майиз қилиб олишади...

Шаҳриёрга отаси баҳорда тўртта қўзи олиб берган. У қўзиларини ўша боққа олиб чиқиб боқади. Боғ атрофида заяк ерлар, соя-салқинлар кўп...

Онасининг гапини эшитса-да, эшитмаганга олиб ётди. Бўстон хола ҳам, ўғлим бечора бирпас ухласин, майли, ҳар кун барвақт туравериб чарчаган, деб ўйладими, бошқа индамади, ўчоқ бошига ўтиб кетди. Шаҳриёр бутун қиладиган ишларини ўйлади. «Ҳозир туриб чой ичаман. Қаймоқ бормикан? Энамга айтсам сутнинг бетини олиб берадилар. Нон ботириб еб олсам мазза. Кейин қўйларни ҳайдаб боққа чиқаман.

Болалар ҳам боришар. Ким чиқиши мумкин? Анвар, Фолиб, Аҳмад, Акбар... Саттор-чи? Э, қўй, шуни, бор-магани тузук. Ҳар нарсага инжиқлик қилавериб жонга тегади... Қўйларни ўтга боғласам-да, сўнг болалар билан чўмилишга борсак. Бутун бир мириқайлик...»

Бог ёнидан ўтадиган тип-тиниқ тоғ дарёсида чўмилишни ўйлаган эди, баданлари яйраб кетди. Дарёнинг суви шунчалар тиниқки, унинг остидаги тошлар, қурвақатўн ўтлар шундоқ кўриниб туради. Совуқлиги-чи, кун қайнаганига қарамай одам бирдан тушишга сесканади. Лекин Шаҳриёр парво қилмайди — кўзини чирт юмадию — бирдан ўзини сувга отади. Аввалига аъзойи баданига чақадиган ўт теккандай «жизз» этади, кейин муздай сув хуш ёқади, иссиқнинг лоҳаслигим, ланжлигим бир зумда тарқаб, ўзини қушдай енгил ҳис этади. Сувдан чиқиб ариқ бўйидаги кўмкўк чимзорга ётади. Бу ер худди бахмал кўрпачага ўхшайди — майин, юмшоқ. Тўғри, айрим ўтларнинг учи ўткир баргчалари баданини чимиллатади, лекин бир ётиб олгандан кейин билинмай қолади. Чимзорда чалқанча ётган кўйи кўзларини юмиб, киприклари орасидан қуёшга қарайди. Қуёш гоҳ қип-қизил чўғдай, гоҳо қорайиб кўринади. Аста-секин кўзларини тамом юмади, сўнгра қаттиқ юмади. Бари бир қуёшни кўраверади, аввалига оқ-қора, қизғиш-сарғиш доғлар кўринади, кейин улар бир-бирига қўшилиб қуёшга айланади. Шаҳриёр ўзича ўйлайди: «Қуёшни ҳеч ким, ҳеч нарса тўсолмайди». Ўзи билмаган ҳолда оғир хўрсинади. Бу хўрсиниш замирида қуёшга ҳавас туйғуси мужассам...

Шаҳриёр ётган жойидан қуёшни қидирди. У ҳали уйнинг ортида эди. Нимадир эсига тушгандай бирдан сергак тортди. «Ие, ҳали бетимни ювмадим-ку». Яхшиям панада экан, бўлмаса юзини ювмай қуёшга кўзи тушиб қолиши мумкин эди. Юз ювмай қуёшга қараш — гуноҳ. Отаси айтган. Бутун борлиқ, жамики мавжудот қуёш туфайли тирик. У жудаям муқаддас, пашшадан филгача, чумолидан одамларгача, ўт-ўланлару ҳайвонларгача, дарёю тоғу тошларгача — ҳаммасига қуёш меҳрибон. Шундай меҳрибон, шундай олижаноб нарсага юзини ювмай қараш нотўғри-да. Бердиқул бобо билиб айтади. Шаҳриёр бу гапга қаттиқ ишонади. Ҳеч қачон ювинмасдан қуёшга юз тутмайди. Ким-

ки, шундай қилса иши юришмас эмиш. Бунн ўзи си-
наб кўрган.

Сира эсидан чиқмайди. Бир кун эрталаб ухлаб қол-
ди. Якшанба бўлгани учун бемалол ётганми, шундай
кўзини очса тепасида қуёш турибди. Унинг юраги шу-
виллаб кетди. «Бетимни ювмай қуёшга қарадим-а. Энди
нима бўлади?.. Қуёш мени кечирармикан. Ахир бил-
масдан кўзимни очдим-ку. Атайлаб қараганим йўқ...
Эй, қуёш, ишқилиб ўзинг кечир мени...» Кечгача кўнгли
раш бўлиб юрди.

Эртаси куни биринчи соат математика эди. Бирдан
муаллим уни тахтага чақириб қолди. Ўтган дарсни сўра-
ди. Шаҳриёр оғзини очолмай қолса бўладими. На
қондани айтиб беролди, на мисол ишлаб беролди. Бу
қолдан ҳатто муаллим ҳам ҳайратга тушди. Синф бўйи-
ча математикани энг яхши биладиган Шаҳриёр эди-
да. Отасиям шу ўғлим буғалтир бўлади, деб юрарди.
Уч уёқда турсин, тўрт ҳам олмаган — ҳаммаси беш
эди. Бугун лоақал учга ҳам жавоб беролмаяпти. «Сен-
га нима бўлди, Шаҳриёр?» деди муаллим. Шаҳриёр
миқ этмади, унинг юзлари қизариб, баданини тер бос-
ди. Муаллим, тоби йўқ шекилли, деб ўйлади-да, ўтир,
майли, кейинги дарсда тайёрлаб келарсан, деди.

Танаффус бўлиши ҳамоно Шаҳриёр ташқарига
отилди. Бир чеккага ўтиб қуёшга термулиб ялинди:
«Жон қуёшжон, мени кечир! Иккинчи ундай қилмай-
ман! Кеча билмасдан сенга қараб қўйибман. Энди ҳеч
қачон ювинмай юзингга боқмайман! Кечир, қуёшжон!
Ахир сен меҳрибон, бағри кенг, кечиримлисан-ку. Ёки
отам алдайдиларми? Кечирмайсанми? Жон қуёшжон,
кечир мени!»

Қуёш уни кечирди. Отаси рост айтган экан, кимки
қуёшга астойдил илтижо қилса у инобатга олар экан.
Шаҳриёр ҳам ваъдасини бузмади. Шу чоққача бирон
марта ҳам бетини ювмай қуёшга рўбарў келгани йўқ.
Ўша-ўша дарсда мулзам бўлиб қолиш ҳам бошқа так-
рорланмади. Қайси дарсда бўлмасин, муаллим сўраган
нарсани шариллатиб айтиб беради.

Ўрнидан турдию апил-тапил кийинди. Ўрик остида
шилдираб оқаётган ариқда ювинди. Негадир у ҳозир
қуёшни жудаям кўргиси келди. Ўчоқбошида куймала-
ниб юрган Бўстон хола ўғлини кузатиб турган эканми.
«Ҳа, Шаҳриёр, қаёққа кетаяпсан?» деди. У онасига

қарамай «Ҳозир» деди-да, уйнинг кун чиқар томонига ўтиб кетди. Қуёш тоғдан бир қулоч кўтарилган экан. Шаҳриёр унга термулди. Беихтиёр лаблари пичирлади: «Салом, бобо қуёш! Мана, мен турдим!»

* * *

Қўйларни бoғ ёнидаги заякка боғлади.

Анварларнинг боғи уларнинг боғига туташ. Шаҳриёр шу томонга юрди. Одатда Анвар ҳам қўйларини ҳайдаб келарди. Ҳозир негадир у кўринмади. «Анвар! Ҳо, Анвар!» деб бир-икки чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Ҳали келмаяпти, деб хаёл қилди. Оқ ўрик соясидаги баланд уватта чиқиб ўтирди. Бу ердан бутун қишлоқ, қишлоқ нарисидан ўтадиган катта асфальт йўл шундоққина кўриниб туради.

Асфальт йўлнинг бир томони Самарқандга, иккинчи томони Китобга олиб боради. Ундан кейин яна қаёқларга боради — буни Шаҳриёр аниқ билмайди. Ҳар қалай шундай катта йўл Самарқанд билан Китобда тутамаслиги тайин. Катталарнинг айтишича, шу йўл Тошкентгаям борармиш. Шаҳриёр қирни ёқалаб кетган йўлдан дам-бадам ғизиллаб ўтаётган машиналарга термулганча хаёл суриб кетди. «Тошкент катта шаҳармикан? Ўзбекистоннинг пойтахти-ку. Катта бўлмаса пойтахт бўлармиди».

Тошкентни ўйлаши билан акаси ёдига тушди. Унинг Пиримқул деган акаси Тошкентда ўқийди. Шаҳриёрнинг эсида, Пиримқул мактабни битиргач Тошкентга ўқишга бораман, деди. Ота-онаси Самарқандда ўқий қол, яқинроқ, деб шунча қистади, йўқ, Пиримқул кўнмади, сўзида туриб олди: «Мен рассомликка ўқимоқчиман, Самарқандда унақа институт йўқ», деди. Ота-онаси ҳам иложсиз қолди.

Шунгаям беш йил бўлди. Бу йил Пиримқул ўқишни битиради. Энди у катта рассом бўлади. Ҳар ёзда таътилга чиққанида ичига турли бўёқлар, қилқаламлар солинган қутини елкасига осиб келади. Боғларга, қирларга, дарё бўйларига бориб расм чизади. Шаҳриёр кўпинча акасининг ёнида ўтириб расм ишлашни томоша қилади. Бир марта унинг суратини ишлаб берган. Ўшанда акасига Шаҳриёрнинг жуда ҳаваси келган эди. Мен ҳам мактабни битириб Тошкентга ўқишга бораман, деб дилига тугди.

Ўша воқеани эслаб, кўнгли бир энтикди. Яна неча йилдан кейин Тошкентга бориши мумкинлигини чамалади. «Бу йил сентябрда еттинчи синфга бораман. Демак, бир, икки, уч, тўрт... Тўрт йилдан сўнг... Вой-бўй, мунча узоқ... Акам бу йил ўқишни битириб келса, мен кимнинг олдига бораман, қаерда тураман? Институтни қандай топаман? Акам бирга олиб борарми-кан. Э, шошма, акамнинг ўзи кимнинг олдига борган, кимникида турган? Ҳеч сўрамаган эканман-а. Ҳадемай таътилга чиқиб келади, сўраб оламан. Йўғ-э, битириб келади-ку...»

Узоқдан кимнингдир «Шаҳриёр, о Шаҳриёр» деб чақиргани эшитилди-ю, унинг хаёли бўлинди. «Анвар шекилли», деди-да, уларнинг боғи томонга юрди. Рўпарадаги олма тагида Анвар кўринди.

— Қачон келдинг? Мен сени излаб юрипман,— деди Анвар.

— Э, қачон эди кеганим, ўзинг кечикдинг-ку. Қўйларинг қани, қаерга бойладинг?

— Ҳов этақда.

— Анави заякка обке. Мени қўйларимам ўшақта. Бирга ўтлаб юришади,— деди Шаҳриёр.

— Майли. Юр, бирга бориб келайлик.

Улар қўйларини қўшиб қўйишди. Бунгача кун чошгоҳ бўлиб, қуёш қиздира бошлади.

— Чўмилгани борамизми? — деди Анвар.

— Ҳозирми? Бироз гаплашиб ўтирайлик, ҳадемай пешин бўлади, қўйларни суғориб сояга оламиз-да, кейин борамиз. Майлими?

Анвар кўнди.

— Сурхокларинг¹ пишмаганми? Бир бошдан олайлик,— деди Анвар.

— Қараб кўрайлик-чи. Сурхокни билмадиму даройи² пишган бўлиши мумкин.

Шаҳриёрларнинг боғида бир қатор сурхок, бир қатор даройи бор. Икки жўра аввал сурхокни қарашди. Ҳали кўм-кўк. Кейин даройи қаторига ўтишди. Ҳар қалай бунга сал-пал ранг кирипти. Отаси айтгандай, даройи ола бўпти. Иккови бир бошдан узум олди. Боғ четидан ўтадиган ариққа бориб узумни ювди-да, бобо ёнроқ тагида ўтириб даройи ея бошладилар.

¹ Сурхок — чиллаки узум.

² Даройи — чиллакининг бир нави

Уёқдан, буёқдан гаплашиб ўтиришди. Шаҳриёр бир-данига кулиб юборди.

— Ҳа, нимага куласан? — деди Анвар.

— Қизиқ нарса эсимга тушиб кетди.

— Нима?

— От обқочганини айтиб берганманми, — деди Шаҳриёр.

— Кимни обқочган?

— Кимни бўларди, мени-да. — Шаҳриёр бироз керилиб, ғурур билан гапирди.

— Йўқ, эшитмаганман, — деди Анвар қизиқсиниб.

Шаҳриёр кафтидаги узум доналарини оғзига ташларкан, мириқиб қулди. Эринмай узумни чайнади. Кейин катталарга хос вазминлик, салобат билан ҳикоясини бошлади.

ОТДАН ЙИҚИЛИШ

У пайтда эски қишлоқда турардик. Мен биринчи синфда ўқирдим. Боққа кўчиб чиққан эдик.

Ўша йиллари отам бригадир эдилар. Жийрон қашқа Болабек жуда ювош бўлгани учун отам мени кўп миндирардилар. Тушликка келганларида, кечқурун Болабекка миниб олардим. Ҳечам қўрқмасдим.

Бир куни пешинда отам келишлари билан мен югуриб бориб отнинг жиловини ушладим.

— Миндириб қўйинг, — дедим.

Отам шарт кўтариб Болабекка мени миндириб қўйдилар. Жиловни қўлимга тутқазиб қамчини узатдилар. Чайла томонга юрарканлар, эҳтиёт бўлгин, деб қўйдилар. Ўчоқда чой қайнатаётган эдим, отни бойламайсизми, дедилар.

— Ҳеч нарса қимайди. Шаҳриёр билан Болабек бир-бирига ўрганиб қолган, — дедилар отам.

— Билиб бўладими, ҳайвон-да.

Эдим гапларини ҳали тугатганим йўқ эди. Болабек аста-аста юра бошлади. Мен эса унинг юришига завқим келиб жиловни бир қоқдим. От қадамини тезлатди.

— Қаранг, — дедилар эдим отамга, — обқочмасин яна.

— Ваҳима қилаверма. Шунча вақтдан бери обқочмаган, энди обқочадими.

Унгача Болабек йўрға юришини бошлади. Анави уватга қараб бошини бурди. Шу уватнинг нарёғидаги майдонга чайла қургандик. Манави ёнроқ, зардоли, бошқа дарахтларам илгари жуда катта, шохлари тарвақайлаб кетган эди. Йилдан-йил гоҳ у шоҳи, гоҳ бу шоҳи қуриб, синиб адо бўлаяпти-да. Чайламининг рўпарасида уватдан пастга тушадиган ёлғизоёқ йўл бор. Кўргандирсан. Болабек шу йўлга тўғри бўлди. Отнинг авзойи ёмонлигини энам сездиларми ёки қўрқиб кетдиларми, бирдан бақириб юбордилар:

— Ушласангиз-чи, отингизни! Боламни йиқитиб кетади ҳозир. Қаранг деяпман!..

Энамни ҳеч қачон бунақа қаттиқ гапирганини эшитмаганман.

Опамларни, акамни, мени уришсалар ҳам овозини баландлатмас эдилар. Отамга-ку бақириш у ёқда турсин, кўзларига тик қарамайдилар.

Бу ҳол отамниям таажжубга солди, албатта. Лекин энамга бир оғиз ҳам индамадилар. Билишимча, отамнинг ўзлариям Болабекнинг ҳаракатидан ташвишга тушиб қолгандилар. Отнинг орқасидан юрдилар.

— Шаҳриёр, жиловни торт!

Мен жиловни тортаман девдим, от йўртишга тушди. Унинг бу қилиғидан юрагим шигиллаб кетди. Отам: «Болабек, тўхта, э, эси йўқ, тўхта» деб қадамларини тезлатдилар. Болабек унга сари баттар йўртди. Анамана дегунча уватга келди. Аъзойи баданим музлаб кетди. Ҳозир уватдан пастга қараб чопса — тамом!

Орқада энамнинг ҳаяжонли овози қулоғимга чалинди: «Вой ўлай, вой ўлай! Ҳозир бир бало қилади. Нимага миндирасиз-а ёш болани. Бойлаб қўйинг дедим-а. Э худойим-а...»

Айтганим бўлди. Болабек бирдан пастга қараб энкайди. Йўлнинг икки томонида зардоли шохлари эгилиб турипти. Нима ҳаёлда, қандай қилиб осилдим билмайман — икки қўллаб зардоли шохига тармашдим. От пастга қараб чопди. Мен зардолига осилиб отдан тушиб қолдим. Шохнинг ингичкароғидан ушлаган эканман, у шарт узилиб тушди. Бир маҳал қарасам йўлда чангга беланиб ётипман, қўлимда зардоли

шоҳчаси. Қўрққанимдан йиғлашам эсимдан чиқиб кетипти.

Отам югуриб келиб кўтариб олдилар.

— Чавандозам шунақа пўрриқ³ бўладими.

Отамни кўрибми ёки бирон жойим оғридими — йиғлаб юбордим.

— Йиғлама, йиғлама, ҳеч нарса қилмайди,— деб овутдилар отам. — Йигит деган шундай қилиб пишйди.

Бир пиёла сув кўтариб энам югуриб келдилар.

— Ма, болам, манавини ич, қўрққанинг босилади, — дедилар қозонкуя солинган сувни тутиб.

Титраб-қақшаб сувни ичиб юбордим.

— Бирон жойинг оғрияптими? — деб сўрадилар отам.

— Ҳеч қаерим оғримаяпти.

— Соғананинг бундайча одати йўқ эди-ку.

Отамнинг бу гапига энамнинг жаҳли чиқди.

— Ҳайвон-да, билиб бўладими. Миндирманг, миндирманг, дедим, қулоқ солмадингиз.

— Ким билади дейсан... Ҳа, майли, зарари йўқ. Сен буни олиб бор, мен отга қарай. Қаёққа соб кетди соғана.

Болабек аллақачон тўқайзорга оралаб кетган эди.

Энам мени кўтариб чайла томонга, отам эса Болабекни қидириб дўланазорга қараб кетдилар...

* * *

— Шундан кейин отга минмай қўйгандирсан-а,— деди Анвар.

— Қаёқда... Миндим. Болабек ўзи жуда ювош от эди-ю, ўша куни нимаям бўлиб елиб қочди-да. Кейин қанча миндим.

У отни менам биламан. Йўрға юриши бор дейишадий.

— Уни қишлоқда ҳамма билади. Ҳозир анча қариб қолди. Йўрға юриши ҳозирам бор. Аммо илгари зўр юрарди-да, сувдай майин кетарди.

— Ҳозирам миниб турасанми, ҳеч кўрмайман?

— Минаман,— деди Шаҳриёр. — Болабекти қизиқ бир одати бор. Олдидан одам чиқса тўхтайди. Отам

³ Пўрриқ — лапашанг.

бригадирлик чоғларида далани айланиб, учраган кишининг олдида тўхтаб гаплашиб, иш тайинлаб юрганлар-да. Болабек шунга ўрганиб қолган.

Анвар узумнинг чиварасини бир чеккага ирғитди-да, ўрнидан туриб ариқдан ҳовучига сув олиб ичди, бетини ювди.

— Менга қара, Шаҳриёр, — деди ариқ бўйида турган кўйи. — Нимага шу отнинг оти Болабек? Шаҳриёр ҳам жойидан турди, Анварнинг ёнига бориб сув ичди. Кейин Болабекнинг тарихини гапириб берди.

Бердиқул бобо болалигидан отга ишқивоз. От деса ҳамма нарсадан кечади. Отининг эгар-жабдуқини безаб, қулоғига кўзмунчоқ тақиб кўяди.

Анча йиллар олдин Бердиқул бобо бир от сотиб олди. Қашқақдарёданми, Жиззахданми олиб келди. Отмисан от. Кўрган одамнинг ҳаваси келади. Бунинг устига Бердиқул бобо роса безатди. Чиройли одамга асл кийимлар ярашгандай, от жониворгаям қизил духобадан тикилган ёпқич, қошли эгар, мисдан ишланган узанги шу қадар мос тушган эдики, от худди қўғирчоққа ўхшарди.

Бердиқул бобо унга қарашдан эринмайди. Эртаю кеч емишидан, сувидан хабар олади, ҳатто ярим кечаси туриб, олдига беда ташлайди. Сал сарғайган бедани бермайди, фақат гул беда едиради.

От шундай етилдики, ҳатто Бердиқул бобонинг ўзи-ям уни одамларга кўрсатишдан кўрқади. Кўз тегиши мумкин.

Қиш тушиб, тўйлар бошланди. Қўшни қишлоқда бўлган тўйда жуда катта кўпқари берди. Бутун райондан чавандозлар йиғилди. Не-не отлар, чавандозлар ўртага тушди.

Бердиқул бобо ҳам бир чеккада отини миниб томоша қилиб турарди. Гоҳ у чавандоз, гоҳ бу чавандоз Бердиқул бободан отини сўраб келди.

Чавандозларнинг шундай тартиби бор. Агар бировнинг отида чопса, кўпқаридан тушган солимнинг асосий қисми от эгасига тегади.

Бердиқул бобонинг кўзига солим ҳам кўринмайди, отини авайлайди. Шунинг учун чавандозларнинг биронтасига ишонмади отини.

Оқтепа қишлоғида Исмоил деган чавандоз бор. Унинг донғи бутун районга кетган. Ҳам бақувват, ҳам

дангал одам. Исмоил чавандоз отни қийнамайди, қачон қамчи босишнинг ҳадисини олган. Айрим чавандозлар бўлса-бўлмаса отни ураверади, айниқса, бошига урганичи. Бердиқул бобо отнинг бошига қамчи солган чавандозни жинидан баттар ёмон кўради. «От жониворда нима айб. Ўзининг уқувсизлиги аламини отдан олмоқчи бўлишади. Бу — номардлик. Исмоил чавандоз — ҳақиқий чавандоз. Ҳечам отга азоб бермайди, ўз ҳолига қўяди».

Бир маҳал Бердиқул бобониинг ёнидан Исмоил чавандоз ўтиб қолди. Бердиқул бобонинг бир кўнгли Исмоил чавандозга айтмоқчи бўлди: «От ҳали кўпкарига кўп кирмаган, бир миниб кўрасизми, Исмоил. Жиззакироқ чавандозларга берсам отни бездириб қўядими, деб кўрқаман». Аммо истиҳола қилди, отини бозорга солаяпти, деб ўйламасин, деган хаёлга борди.

Исмоил чавандоз Бердиқул бобо билан салом-алик қилди. Кейин отига разм солди.

— Нимага бир чеккада турибсиз, Бердиқул ака. Чопмайсизми? — деди Исмоил чавандоз.

— Мен кўпкари чополмайман, биласиз-ку, Исмоил. Шунчаки ишқибозлик-да бизники.

Исмоил чавандоз отдан кўз узмади. Яхши чавандоз отнинг асилени дарҳол ажратади, деганлари рост шекли.

— Кўз тегмасину отингиз асл отта ўхшайди. Кўпкари кирганми-йўқми? — деб сўради Исмоил чавандоз.

— Бир марта ўзим олиб кирганман. Локин ҳеч қайси чавандозга берганим йўқ. Бутунам беш-олти киши сўради, очиги, хўп дейишга кўнглим бўлмади. Ҳали кўпкарига ўрганмаган отни бездириб қўйиши ҳеч гапмас-да,— деди Бердиқул бобо.

Исмоил чавандоз гапнинг дангалига кўчди.

— Бордию ишонсангиз менга беринг. Бир қўл чопиб кўрай.

Бердиқул бобо кулимсиради:

— Майли. Сиздай чавандозга ишонмасам кимга ишонаман. Сизнинг от чопишингиз менга маъқул, — деди сўнгра.

Бердиқул бобо отдан тушди-да, унинг айил-пуштасини яхшилаб тортди. Жиловни Исмоил чавандозга узатар экан, худо ўзи омадинглари берсин, деб дуо қилди.

Исмоил чавандоз отга абжир минди. Чортоққа қараб тўданинг ичига солди. Бердикул бобо Исмоил чавандознинг отини минган кўйи кузатиб турипти. От жонивор сувни иккига ёриб сузиб бораётган кема каби тўдани икки бўлиб ичкарига кирди.

Солимчилар «бир гилам ва бир қўй», деб улоқни ирғитди. Улоқ Исмоил чавандознинг ўнг ёнига келиб тушди. У чаққонлик билан ёнидаги чавандоздан улоқни юлиб олди-да, тақимига босди. Кейин отнинг жиловини чапга бурди. Икки томонидан отлар қисилиб тургани учун унинг бурилиши қийин кечди. Четдан кузатиб турган Бердикул бобонинг юраги пўкиллайди. «ҳеч нарса қилмасин-да, ишқилиб».

Исмоил чавандоз минган от қандай қилди — ҳеч ким билмай қолди — чапга бурилиб, ўзини ўнглаб олди. Шунда Исмоил чавандоз отнинг биқинига салгина нуқиди-да, «ҳа, жонивор, бўшашма», деб жиловини қўйиб юборди. Шу маҳал гўё мўъжиза рўй берди. От шердай олдинга ташланди-ю, кўз очиб-юмгунча тўдадан ажралиб чиқди. Чавандозлар ҳам, томошабинлар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб қолдилар.

Кимдир «Ҳалол! Ҳалол!» деб бақирди. Унга бошқа товушлар ҳам қўшилди.

Бу оқишлардан Бердикул бобонинг эти жимираб кетди. Аъзойи баданида чумоли ўрмалагандай туюлди.

Исмоил чавандоз улоқни чортоққа элтиб ташлади. Бердикул бобонинг олдига келиб отдан тушди-да, уни қучоқлаб ўпди.

— Шунча йилдан бери кўпқари чопиб, не-не отларни миниб бунақа отни кўрмаган эдим,— деди ҳаяжонланиб. — Илоё кўз тегмасин, умри узок бўлсин. Фақат эҳтиёт қилинг, ҳар кимга бераверманг. Худо хоҳласа бу отингизнинг олдига тушадиган от йўқ бу атрофда.

Бердикул бобо суюнганидан нима дейишини билмайди, «Раҳмат, умрингиздан барака топинг», дейди холос.

— Отингизнинг оти нима, Бердикул ака, — деди Исмоил чавандоз.

Бу саволдан Бердикул бобо шошиб қолди.

— Оти... оти йўқ.

— Кўнглингизга олмангу исмингиз қул бўлса-да, бекларнинг отидай отингиз бор экан. Шунинг учун, агар хўп десангиз, отингизнинг исмини Бек қўйинг.

Исмоил чавандознинг сўзлари самимий экани гапиришидан билиниб турарди.

— Майли, — деди Бердиқул бобо. — Сиз айттанча бўлсин.

— Ишончингиз учун раҳмат, Бердиқул ака. Отни миниб борсангиз солимни беришади.

— Йўқ-йўқ, — деди Бердиқул бобо шошиб. — Бирга борамиз. Уларни сиз олинг, сизди меҳнатингиз.

Исмоил чавандоз бошини ирғади.

— Йўқ, Бердиқул ака, солим отники. Уларни олиб отнинг ўзига ишлатинг.

Охири иккови келишди. Гиламни Бердиқул бобо, қўйни Исмоил чавандоз оладиган бўлди...

Шу куни Бердиқул бобо отига Бек исмини қўйиб, олдига чўдай ёниб турган қип-қизил гиламни ўнгариб уйига қайтди...

— Болабек ўша отнинг боласи, — деди Шаҳриёр керилиб. — Унинг оти Болабек бўлиши ана шундан.

— У от — Бек нима бўлган, ўлганми? — деб сўради Анвар.

— Мен аниқ билмайман. Эшитишимча, қариганда Бекни сўйишган. Жуда қимматчилик бўлиб, одамлар ейишга нарса тополмай қоптилар. Эшиқдаги молларни ҳам сўйиб тугатишипти. Нима қилишни ҳеч ким билмас эмиш. Шунда отам, «Майли, Бекни сўйинглар. Ҳар қанча бўлсаям от одамдан азиз эмас! Бунинг устига, ўзиям қариб қолди. Ишқилиб, одамларни сақлаб қол-сак бас», дептилар. Отни сўйишипти.

Отам унинг олдига келиш у ёқда турсин, гўшtidан ҳам емаптилар.

Бу воқеа Анварни ҳам ўйлантириб қўйди.

— Сўймаса бўларди-ку.

Шаҳриёр индамади. Анвар ҳам миқ этмайди. Чамаси икковининг ҳам хаёлида афсонавий Бек эди.

Бу оғир хаёлдан қутулиш ниятида Анвар гапни бошқа томонга бурди.

— Болабек ҳам кўпқарига кирганми?

— Ёшлигида чопгандир, мен билмайман. Аммо кейин кўпқарига кирганини кўрганим йўқ. Мен эсимни таниганимдан бери отам шундай миниб юрадилар.

Икки жўра анчагача у ёқ-бу ёқдан гурунғ қилиб ўтирди. Кун қизиб, атрофни жиззиловуқларнинг «ви-

ев-виев»и тутди. Ариқ бўйидаги гулларга қўниб-учиб юрган капалаклар ҳам эринчаклик ила қанот қоқади. Қандайдир мусичанинг ку-куси эшитилди. Шаҳриёр Анварга юзланди.

— Мусича нима деяпти, биласанми?

Анвар елка қисди.

— Мусо қўй келтирар, Исо тўй келтирар, деяпти.— Шаҳриёр ўзини билимдонликка олиб мусича ку-кусини шарҳлай бошлади.

— Сен қаёқдан биласан?

— Биладан-да.

Анвар уватга чиқиб қулочини кенг ёйди-да, мириқиб керишди.

— Ҳай, майли, қўй келтирса келтирар! Бари бир бизга фойдаси йўқ. Юр, ундан кўра ўзимизнинг қўйлардан қолмайлик, уларни сояга олайлик. Кун қизиб кетди. Кейин чўмилишга борамиз.

Сояда — сув бўйида унча билинмаган экан, офтобда ҳаво роса димиқиб кетгани аён бўлди.

— Бу иссиқда қўйлар ўт емайди. Роса хансираб ётгандир, — деди Шаҳриёр.

— Жазирамада ўтлагандан кўра салқинда кавш қайтариб ётгани яхши. — Энди Анвар ўзини билимдон тутар, аста-секин гапирарди. Иссиқда қолган қўй мондимайди, дарров этидан тушади. Қўйим семирсин, деган одам уни салқиндан обчиқмайди.

— Бизарди қўйлар ўрганиб кетган, — деди Шаҳриёр қулиб. — Уларга иссиқ таъсир этмайди.

— Шунинг учун қўйларимизга жир битмайди-да.

Гап билан овора бўлиб қўйларга яқин келишди. Чиндан ҳам қўйлар тумшугини бутанинг соясига тикиб, бир жойда қимирламай турарди. Ҳар замон қаттиқ акс уриб, ер тепиниб чивинни ҳайдайди, холос.

— Ичим куйиб кетгандир жониворларнинг, — деди Шаҳриёр қўйларига ачиниб. — Буларниям дарёга олиб борамизми? Чўмилтирамиз, маза қилади-да!

Анвар қўл силтади.

— Эй, қўйсанг-чи, юрамизми шу иссиқда ҳай-ҳайлаб. Тумшугини ерга тираб юрмайдиям. Суғорамиз-да, ёнроқнинг соясига бойлаймиз. Олдига озгина ўт ташлаб қўйсак, чайнаб ётади. Ўзимиз чўмилиб келиб, кун қайтгандан сўнг ўтга опчиқамиз. Ҳув кечки салқинда яхши ўтлайди.

Болалар айтганини қилишди: қўйларни суғоришди, сояга боғлашди, олдига бир тутам-бир тутамдан ўт ташлашди. Ўзлари эса дарёга чўмилгани кетишди.

ҚУЁН ҚУЁН БЎЛДИ

Шаҳриёрларнинг боғи ёнида чамаси бир гектар чиқадиған ангор бор. Бердиқул бобо бу жойда деҳқончилик қилади: бир йил зиғир экса, иккинчи йил нўхат, сўнгра қовун-тарвуз, мошми, тарикъ ёки қўноқми — ишқилиб ҳар йил нимадир экади. Ангорнинг ўртасига баланд қилиб сўри қуради — у қоровулхона, шу сўрида ётиб экинни, узумни ҳам ёввойи ҳайвонлару қушлардан қўришади. Сўрининг ҳақчасида Бердиқул бобонинг қўшоғиз милтиғи осиглиқ туради. Кечаси тоғдан ёввойи чўчқа, бўри тушиб келиши мумкин. — Бердиқул бобо неча марта тунда узумзордан тўнғизни қувган.

Бу йил қовун-тарвуз экишган. Кундузи Шаҳриёр қоровуллик қилади. Унинг ёнига жўралари — Анвар, Фолиб, Аҳмад, Акбар келишади. Кунбўйи гурунглашиб ўтирадилар. Баъзан гапга қизишиб узумни чумчуқ талаб кетсаям сезмай қолишади. Шаҳриёр неча марта отасидан дашном эшитган.

Тунда эса Бердиқул бобонинг ўзи келади.

Таътил бўлгани учун бугун Шаҳриёр ҳам отасининг ёнида қолди. У сўрида ухлашни жуда яхши кўради.

Ярим кечаси Бердиқул бобонинг «ҳай, ҳа сағана» деб бақирганидан Шаҳриёр уйғониб кетди. Кўзини очиб қараса, отаси боғдан ниманидир ҳайдаяпти. У катта, қоп-қора махлуқ. Ой сутдай ёруғ бўлгани учун Шаҳриёр уни аниқ кўрди. Тоғдан ёввойи чўчқа тушипти. Бердиқул бобонинг қўлида милтиқ бору, негандир тўнғизни отмайди. Бундан Шаҳриёр ҳайрон қолди. «Нимага отмайдилар-а», деб ўйлади ўзича. Ҳатто «Ота, отинг тўнғизни» деб бақирмоқчи бўлди. Аммо овози чиқмади. Сўрида, кўрпага бурканиб ётипти-ю, оёқ-қўли дағ-дағ титрайди.

Бердиқул бобо тўнғизни кўздан ғойиб бўлгунча ҳай-ҳайлаб ҳайдади. Кейин изига қайтди. Отаси келгач, Шаҳриёр ўзини сал босиб олди.

— Ота, чўчқани нимага отмадингиз? Шундай яқинида турувдингиз-ку.

Бердикул бобо милтигини ҳар доимги жойига осди-да, яктагини ечиб жойига кирди.

— Уйғониб кетдингми, ўғлим. Қўрқмадингми?

— Шаҳриёр сир бой бермади.

— Йўқ. Ҳозир отасиз, ҳозир отасиз деб турдим, отмадингиз.

— Отишининг фойдаси йўқда, ўғлим, милтиқда сочма ўқ, бу билан у ўлмайди. Қайтанга қутуриб менга ҳамла қилиши мумкин эди. Уни ўлдириш учун чўчка ўқ керак.

— Йўқмиди чўчка ўқингиз?

— Тамом бўп қолган эди, сағана.

— Отиб ўлдирсангиз томоша қилмоқчи эдим. Ҳеч ёввойи чўчқани кўрмаганман, — деди Шаҳриёр афсусланиб.

— Нимасини кўрасан шуни, хунук бир махлуқ-да

— Ота, — деди Шаҳриёр бироздан сўнг, — тўнгиз узум ейдими?

— Узумни еганиям гўрга-я, ҳаммаёқни пайҳон қилиб ташлайди.

Шаҳриёр бошқа гапирмади, савол ҳам бермади.

Жимлик чўқди. Ҳаммаёқ жимжит. Фақат қора чигиртканинг чириллагани сукунат пардасини тешиб ўтади...

* * *

Нонуштадан кейин Бердикул бобо қишлоққа тушиб кетди. Бешбулоқда кимдир қазо қипти — жаноза боради.

Шаҳриёр қўйларини серўт жойга боғлаб келди-да, сўрида чалқанча ётган кўйи хаёлга берилди. Мактаб, синфдошлари ёдига тушди. Турли воқеалар кўз ўнгидан ўта бошлади. Бирини эсласа кулгиси қистайди, бирини эсласа кўнгли маҳзун тортади.

— Шаҳриёр, ҳой Шаҳриёр!

Полиз четидаги ёнғоқ томондан эшитилган товуш унинг хаёлини бўлди. Жойидан ирғиб турди-да, ўша томонга қаради. Кўзи Анварга тушди.

— Қўйларингни қаерга бойладинг?

Шаҳриёр боғ орқасига ишора қилди.

— Шарракни олдида. Ўша ёққа ўтавер, кўрасан. Жуда ўтли жой.

Қўйларингни обориб ўшаққа бойлаб кел. Мен шу ерда ўтириб тураман.

Анвар «хўп» деди-ю, қўйларини боғнинг орқа томонидаги шаррак томонга етаклаб кетди. Унинг келганидан Шаҳриёр суюнди. Ҳар қалай, якка ўзи, ичи қизиб ўтирмайди.

Бир оздан кейин Анвар келди.

— Эрталаб уйларингга борсам, энанг, даштда — отасининг ёнида қолган, деди. Бу ёққа чиқиб келавердим, — деди Анвар сўрига чиқиб чўзиларкан. — Қовунларинг пишганми?

— Ҳали қаёқда дейсан. Энди тўрлай бошлади.

— Пишмаган бўлса нимасини қоровуллайсилар? Хом қовунни биров обкетармиди.

Шаҳриёр катталардай ёстиққа тирсаклади.

— Бўлмасам-чи. Унинг устига мол-ҳол оралайди, кечаси жондор келади.

— Қанақа жондор? — ҳайратланиб сўради Анвар.

Шаҳриёр катталарга тақлидан салмоқланиб сўз бошлади.

— Қанақа жондор бўларди, ёввойи чўчқа, бўри келади.

Анвар лабини бурди:

— Қўйсанг-чи лوفни. Тўнғиз билан бўри ёзда ҳечам келмайди-да.

Шаҳриёр тирсагини кўтарди. Астойдил, куйиб-пишиб гапирди.

— Келмайди дейсан-а, бугун оқшом ўзим кўрдим тўнғиз келганини. Отам милтиқ билан қувдилар. Бирам катта, бирам катта, кўрсанг, чўммоқ ҳўкиз борку, шунча келади-ёв..

Анвар бари бир ишонмади.

— Ёзда шунча одам, итлар юради кечасиям, қандай келади бўри.

— Ишонмайсанми? Қасам ичайми? Худо урсин агар ёлғон айтсам. Ҳали отам келсалар сўра, ишонмасанг...

Анвар лабини буриштириб, елка қисди.

— Ким билади, келса келгандир...

— Ҳув бир йили ёзда битта бўри қишлоққа оралганини, кейин тоғам билан амаким уриб ўлдиришганини эшитганмидинг? — деди ҳаяжон ила Шаҳриёр.

— Йўқ!

Шаҳриёр чордана қуриб ўтирди-да, қизик воқеани ҳикоя қилиб берадигандек, астойдил гапга тушди.

— Ярим кечаси энам ҳовлига чиқибдилар. Сутдай ойдин кеча экан. Уйимизнинг ёнидан битта катта кучук аста-секин кела бошлапти. Энам шундай қарасалар, бегона ит эмиш. Ҳайрон бўптилар. Кучук энамни кўриб ҳайиқмас эмиш. Ўзимизнинг кучугимиз тут тагида экан. Бояги бегона кучук шу томонга юрипти. Кучугимиз уни кўрипти-ю, шингиллаб думини қисганча ўзини панага опти. Бу ҳолдан энамнинг эти увушиб, юраги шигиллаб кетипти. Кучук нимага бундай қилди, бу қурғур қоришқулми⁴ дейман-ов, деб ўйлаптилар. Югуриб уйга кириб отамни уйғотибдилар. Отам тўнини елкасига ташлаб ҳовлига чиқиптилар. Ҳалиги кучук бир-бир босиб амакимизнинг ҳовлисига ўтаётган экан. «Ие, бу бўри-ку», дептилар отам. Амакимнинг уйлари бизникига рўпара эди-да. Ҳовлидан туриб уларни чақириптилар. У ёқдан амаким, бу ёқдан отам, ён тарафдан тоғам чиқиптилар. Оғилимизнинг ёнида торгина йўлак бор эди, кўрганмидинг? Бўри ўша йўлакдан бориб девордан сакрамоқчи бўлганда олдинда пойлаб турган амаким пешонасига кетмон билан урипти. Орқасидан қувиб борган тоғам ҳам қуймичига кетмонни туширипти. Икки тарафидан зарба еган бўри шилқ этиб йиқилипти.

Эрталаб бутун қишлоқ йиғилди ҳовлимизга. Ишонасанми, бир зумда бўрининг тиши қолмади-я.

— Нимага? Ким олди?

— Ким оларди, аёллар-да!

— Нима қилади уни?

— Боласининг бешигига осиб қўйса, бола ҳеч нимадан қўрқмас эмиш. Бўридай довжорак, бақувват бўлиб ўсармиш.

— Мен эшитмаган эканман,— деди Анвар. — Қачон эди у?

— Э, анча бўлди. Унда пастки ҳовлида здик.

— Вой-вуй, минг йиллик гапни гапираяпсанми.

— Бари бир эмасми. Ёзда бўри кемайди, деганинга айтдим-да...

Шаҳриёр бирдан галидан тўхтади. Токзор томонга термулиб қолди. Унинг бу ҳолатидан Анвар ҳайрон.

Ўртага сукунат чўқди.

⁴ Қоришқул — бўри

— Ҳа. Шаҳриёр, нима бўлди? Нимани кўрдинг? — деди Анвар охири сукунатни бузиб.

— Анавини қара,— деди Шаҳриёр ҳаяжонланиб. Кўрсаткич бармоғи билан токзорга ишора қилди. Анвар у кўрсатган томонга қаради. Битта қуён узум емоқда эди. Унинг ҳаракатлари шунчалар завқли, ҳаяжонли эдики, икки жўра бараварига оғзини очиб қуёнга термулиб қолди. Энди на Шаҳриёр, на Анвар миқ этмас, уларнинг нигоҳи узум еяётган қуёнга қадалган эди. Улар ҳатто бир-бирига ҳам қарамас, гапирмай уёқда турсин, сал қимирласа қуён қочиб кетадигандай туюларди.

Шаҳриёр аста шивирлади:

— Зўр-а, Анвар!

— Секинроқ. Овозингни эшитиб қолса, қочиб кетади.

— Қочмайди, — деди Шаҳриёр.— У ҳар куни келади.

— Кўрганмисан?

— Кўрмасамам биламан. Қара, бемалол ейишини. Ўрганиб қолган-да.

— Ким билади, дейсан... Ушламаймизми?

— Қандай қилиб ушлайсан?

— Секин пана жойдан пойлаб борамизу шартта ушлаб оламиз.

— Сени пойлаб боришингни кутиб ўтирармиди. Шартта қочади кетади-да.

— Таваккал-да, нима қипти.

— Ундан кўра томоша қилиб ўтирайлик, — Шаҳриёр қуёндан кўзини узмасди.

Анвар у деди-бу деди, Шаҳриёрни кўндирди. Иккови секин пастга тушди. Анвар олма тарафдан, Шаҳриёр ўрик томондан пусиб келадиган бўлди. Борадиган йўлларини олдин чамалаб олишди.

Келишувга мувофиқ икковиям секин ўт-ўланни, шох-шаббани шитирлатмай худди душманни қўлга туширгани кетаётган аскардай эмаклаб манзилга қараб бораверди.

Қуёнга икки-уч қадам қолганда беихтиёр Анвар қаттиқ акса уриб юборди. Бундан чўчиб тушган қуён шартта ўзини токзор ичига урди. Анвар қувмоқчи эди, оёғи ток навдасига илашиб, оғзи билан йиқилди.

Бу воқеаларни кузатиб ўтирган Шахриёр беихтиёр кулиб юборди. Иложи борича овозини чиқармай кулишга интилди. Анвар сезиб қолса хафа бўлади-да. Кулгидан Шахриёрнинг юзлари қизариб, кўзлари юмилиб кетди, ўзини тўхтатаман дейди-ю, тўхтатолмайди.

Тирноғига қараса кулги босилади, деб эшитган эди, бош бармоғининг тирноғига тикилди — қаёқда, кулгиси баттар қўзиса қўзидики, камаймади. Силкиниб-силкиниб кулганидан қорни оғриб қолди. Икки қўли билан қорнини ушлаб қулди.

Анвар ўрнидан турди-да, уст-бошини қокди. Атрофга аланглаб, Шахриёрни қидирди. Шахриёр бирпас индамай ўтирди. Кейин аста ўрнидан турди.

— Анвар, кўнни буёққа обкел, — деди Шахриёр кулгидан ўзини тийиб. — Бир томоша қилайлик.

Анвар миқ этмади. Бироз шу жойида серрайиб турди-да, сўнгра сўри томонга кета бошлади. Орқасидан Шахриёр ҳам эргашди.

Сўрига чиқиб иккови икки тарафга чўзилди. На униси, на буниси гапиради. Шахриёрни ҳамон кулги тарк этмаган, ҳай-ҳай демаса шарақлаб кулиб юборадиган даражада. Аммо бунинг иложи йўқ. Анвар ранжийди, афт-ангоридан кўриниб турибди. Қайтанга унинг кўнглини кўтариш керак, хафа бўлмасин.

Шахриёр Анвар томонга қараб ўтирилди. Ўнг тирсагини ёстиққа тиради-да, аста гап бошлади.

— Анвар, менга қара...

Анвар индамади, ҳамон тескари қараб ётарди.

— Эшитаяпсанми, Анвар?

— Нима дейсан... — деди ўша ҳолатда ётганча.

Шахриёр гапни мутлақо бошқа томонга буришга жазм этди. Қуён воқеаси гўё бўлмагандай, у ҳақда сира сўз очмасликка аҳд қилди. Биладики, ҳозир шу борада гап кетса бари бир Анварга алам қилади, таъсир этади. Ўйлаб-ўйлаб мактабдаги бирон-бир қизиқ воқеани эслегиси келди. Хайрият, шундай ҳодиса ёдига тушди.

— Анвар, менга қара, Шарифнинг қулоғини парта қисиб қолгани эсингдами? — деди кулиб.

Анвар унга томон ўтирилди. Унинг бояги тунд юзи энди сал ёриша бошлаган эди.

— Шариф ўзиям жуда ажойиб бола-да, — деди Анвар эсига қизиқ гап тушганидан суюниб. Унинг бу

ҳолатини кўрган одам ҳозиргина қуённи ушлаёлмай, бунинг устига юз тубан йиқилиб тушган Анвар шу бола эканига ишонмайди. Бир зум илгари қовоғидан қор ёғилиб ўтирган Анвар энди бир қоп ёнғоқдай шалдираб қулар эди.

ШАРИФНИНГ ҚУЛОҒИНИ ПАРТА ҚИСГАНИ ХУСУСИДА

Темиров деган физика муаллимининг ғалати одати бор: бир қарасанг ўта талабчан, бир қарасанг жуда ҳазилкаш. Бир кайфияти кеп қолса, дарс қоп кетади, турли ҳангомалар, афанди ҳикоя қилиб беради.

Жўрттага қилгандай шу ўқитувчининг дарсида ҳар хил ҳангомалар тез-тез содир бўлиб туради.

Янги ўқув йилининг бошлари эди. Орқа партада ўтирадиган Шариф «Вой, энажон...вой-вой-й» деб бақириб юборди. Бутун синф гувв этиб унга қаради. Шариф партадан бошини кўтармай додлаб йиғларди. Аввалига ҳеч ким гап нимада эканини тушунмади. Темиров кўлидаги бўрни столга қўйди-да, унга томон юрди. «Вой, қулоғим, вой энажон, қулоққинам», дейди Шариф. Муаллим унинг олдига келиб: «Ҳа, Шариф, нима бўлди?», деди. Шарифнинг ўнг юзи партада, юзлари қизариб кетган, гапириш ўрнига йиғлайди. Темиров секин унинг бошини кўтармоқчи бўлди, лекин кўтаролмади. Шариф эса баттар вой-войлади.

Маълум бўлдики, унинг қулоғини парта қисиб қолган экан. Шариф бошини партага қўйгану очилиб-ёпиладиган қопқоғини ўйнаб ўтирган. Шунда нимаям бўлиб ўнг қулоғининг бир чеккаси партани қопқоғини кўтарганда орасига кириб қолган. Ўзи бундан беҳабар қопқоқни ёпган, натижада қулоғи қисилган. Шунда беихтиёр додлаб юборган. Қопқоқни кўтарса-ку очилиб қулоғи бўшайди. Шошганда лаббай топилмас деганларидек, Шариф бунинг ўрнига қулоғини тортади. Унга сари қулоғи оғрийди.

Темиров аста парта қопқоғини кўтарди. Шарифнинг қулоғи бўшади. Энди қулоқ шўрликнинг ҳолини кўрсангиз: қип-қизил бўлиб шишиб кетган. Шариф унга кафтини босади — ҳам оғриқ, ҳам уят. Кўзларидан шувуллаб ёш оқади.

— Гап кирмайдиган қулоқнинг жазоси шу,— деди муаллим.

Аммо бу учирма гап кирадиган қулоқларгаям киргани йўқ. Ҳамма Шариф ва унинг қулоғи билан овра. Биров кулади, биров тез дўхтирга бор, дейди, яна кимдир, мунча ваҳима қиласизлар, ҳеч нарса қилмайди, ҳозир қайтиб кетади, деб Шарифгаям, бошқаларгаям таскин беради. Шариф шўрлик кимнинг сўзига қулоқ солишни билмайди. Унинг нияти — тезроқ бу ердан кетиб, ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, ҳоли, салқин уйда ётиб ухлаш. Бироқ, Темиров жавоб берадими кетишга? Шариф бу аҳволда сўрай олмайди. Бир жиҳати сўрамаганиям тузук, акс ҳолда балога қолиши тайин. Темировга гап топилмайди, ҳадеган-да майна қилаверади. Ҳали шувёғиям етади бир-икки йилга.

Қизлар бари бир болаларга нисбатан раҳмдилроқ экан. Бешови (синфда атиги бешта қиз бор) баравар Темировдан илтимос қилди.

— Уйига кетаверсин энди муаллим...

— Бу аҳволда қандай ўтиради дарсда...

— Бари бир ҳозир калласига ҳеч нарса кирмайди.

— Қулоғига десанг-чи.

Кимдир луқма ташлади:

— Худди бошқа пайтда миясига бирор нарса кирадигандай гапиради-я.

Темиров луқма ташлаган болани қидирди, аммо ғала-ғовур ичида унинг ким эканини аниқлай олмади. Ҳолатидан, юз ифодасидан маълум эдики, бу луқма Темировга маъқул тушди.

Қизлар ўз сўзида туришди.

— Ҳозир бунинг соғлиғини ўйлашимиз керак...

— Қулоқ нозик аъзо, дейишади. Бир балога гирифтор бўлиб юрмасин тагин, дўхтирга кўрсатсин..

Шариф йиғидан ўзини босиб ололмас, қулоғини дам-бадам силаб қўяр эди.

— Балки биров бирга борар дўхтиргача.— деди болалардан кимдир.

Шаҳриёр Шарифнинг бу аҳволдан на қулишини, на йиғлашини билмай ҳанг-манг эди. Бир томондан чиндана кулгили, аммо қулоғини кўрган одамнинг дилини кулги тарк этади, унга раҳми келади. Ана шу кейинги туйғу Шаҳриёрда устун чиқди.

— Мен бирга бораман.— деди дабдурустан.
— Ўзи кетаверади-да, нима, қўрқадими,— деди биров.

— Бирга борса яхши-да...

Темиров мунозарага чек қўйди:

— Бўлди болалар. Шариф билан Шаҳриёр бирга боради. Қолганлар жой-жойига ўтирсин. Дарсни давом эттирамиз деб, Шаҳриёрга юзланди. — Сен Шаҳриёр, Шарифни аввал дўхтирга олиб бор, кейин уйига бирга бориб, ота-онасининг қўлига топшир. Тушунарлими? Боринглар энди.

Шаҳриёр ҳам ўзининг, ҳам Шарифнинг сумкасини олди. Олдин Шаҳриёр, орқасидан калласини ўнг томонга қийшайтирганча Шариф эшикдан чиқиб кетди.

Синфнинг у ер-бу ерида пиқ-пиқ кулги ҳамон бо-силмаган.

Шу воқеага ям қарийб бир йил бўлди. Шундан бери Шарифнинг кўзини очиришмайди. Бу орада бутун мактабга ёйилди. «Қулоғинг қалай, оғримаяптими?», «Шишмаган чоғи-а?», «Мюнхаузен бўл-эй, партага қулоғингни қўйиб кўчада бўлаётган гапларни эшитасан-а», «Эшитиш қобилияти Шарифда жуда ривожланган деса бўлади».

Э-ҳе, бунга ўхшаш гаплар, пичингу масхараларнинг чеки-чегараси йўқ. «Қулоқ» деган сўзни эшитса, Шарифнинг асаби кўзиб кетади. Темировга-ку тоза худо берди — бўлса-бўлмаса «болалар, қулоқ солинглар... Ҳай, қулоғинг борми ўзи? Одамда қулоқ бўлмаса қийин экан-да. Икки қулоғинг билан эшит...» Хуллас, ҳар гапида қулоқни тикмаса кўнгли жойига тушмайди. Яна денг қулоқ дейиши билан Шарифга юзланади. Буни болалар сезиб қолишган. Улар ҳам Шариф ўтирган томонга гув этиб ўтириладилар.

Шариф гап кўтармайдиганлар хилидан, жаҳди бурнининг учида туради. Дарров қизариб-бўзариб кетади. Унинг аччиғи чиққани сари болалар баттар ғашига тегади.

Аксига олгандай ўша кунлари тарихдан қулоқларни синф сифатида тутатиш мавзуси ўтила бошланди. Муаллим дарс мавзусини эълон қилиши билан синфда бўлди кулги, бўлди кулги. Ўқитувчи ҳайрон:

— Нима гап ўзи?

Ҳеч ким гапирмайди. Ҳамма кулади, холос. Муродов болаларни бирма-бир кузатди. Фақат охирги партада ўтирган Шариф кулмас, биров қизарган куйи деразадан ташқарига қараб ўтирарди. Муаллим унга мурожаат қилди:

— Шариф, сен ўрнингдан тур-чи. Қани, менга тушунтир, нима гап ўзи?

Болалар баттар кулиб юбордилар. Қийқириқ авжига минди. Шариф ўрнидан турди-да, бир оғиз ҳам гапирмай, югуриб синфдан чиқиб кетди. У эшикни шундай зарб билан ёпдики, деразалар зириллаб кетди. Бу ҳол Муродовнинг ҳайратини оширди. У асабини босолмади. Синф журнаlines олиб жаҳл билан столга «пақ» этказиб урди.

— Жим бўлинглар!!!

Синф сув сепгандай жим бўлди-қолди. Муаллим индамай эшик ва дераза томонга бир-икки бориб келди. Унинг ранги оқариб кетган эди. Муродовнинг бу мактабга келганига икки-уч йил бўлди, холос.

Ўзи қўшни қишлоқдан. Айтишларича, институтда зўр ўқиган. Ўзи тарихдан дарс берса-да, географияни, адабиётниям яхши билармиш. Ўқитувчилар билан кўп масалада келишмай, тортишиб юради. Буни ўқувчилар ҳам кўп кўришган, эшитишган.

Унинг ташаббуси билан мактабда тарих, мусиқа тўғараклари очилди. Рубоб, тор ва доира чалишни қийиб қўяди. Туппа-тузук ашулаям айтади. Бўш бўлди дегунча китобга термулади. Кекса муаллимлар билса ҳазил, билмаса чин қабилида унга пичинг айтишади.

«Шунча билим, шунча талант билан муаллимлик қилиб юрганингизга ҳайронман»,— деди бир куни Темиров. Муродов аввалига индамади, аммо чидаёлмади. «Болалар саводсиз ўқитувчилар қўлида қолиб кетса, эртага аҳволимиз нима кечади?» деди вазминлик билан.

Парталар уч қатор қилиб қўйилган. Муродов ўрта қаторнинг рўпарасига келди-да, ўқувчиларга қаттиқ термулди.

— Уят! Шармандалик!... Шариф нимага чиқиб кетди? Демак, бир гап бор. Синфдошларингни масхара қилишга уялмайсизларми? Ким айтади сизларни юртимизнинг келажаги деб...

Биринчи қаторда ўтирган Шарофат ўрнидан ирғиб турди.

— Рост айтасиз, муаллим. Ҳаммаси Шарифнинг устидан кулаяпти. Бир куни...

У бўлган воқеани гапириб берди. Муродов баттар асабийлашди. Қўлини орқасига қилиб у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

— Кўрдингларми болалар, биз нақадар майдалашиб, бачканалашиб кетаяпмиз. Ҳолбуки, бизнинг аждодларимиз нақадар улуғ одамлар бўлишган. Навоий классик ғазал ёзиб қўйиб устози Лутфийни лол қолдирганида сизлардан анча ёш бўлган. Бобур сизнинг ёшингизда салтанатни бошқарган. Пушкин, Лермонтов, Моцартнинг сизлардай пайтида ёзган шеърлари, музыкаси жаҳон маданияти хазинасидан ўрин олган...

— Ҳамма Навоий ёки Пушкин бўлавермайди-ку...

Орқа томондан эшитилган бу луқма Муродовнинг фикрини бўлди.

— Ким айтди шу гапни?

— Мен айтдим,— деб жойидан дадил турди Юсуф.

Муродов энди анча бамайлихотир эди. Шошилмай, оғир-вазминлик билан Юсуфга қаради. Бир зум индамай тикилиб турди.

Кейин дераза томонга юрди-да:

— Ўзимам сен айтган бўлсанг керак, деб ўйловдим,— деди. — Хато қилмаган эканман. Чунки сенга бу гапларнинг қизиғи йўқ. Навоий, Бобуру Пушкинлар уёқда турсин, синфдошинг Шаҳриёр беш оладию, сен лоақал уч ҳам ололмайсан. Чунки сенда интилиш йўқ, қунт йўқ. Бўлганим шу деб тураверасан. Ваҳоланки, ҳаракат қилсанг ҳаммадан яхши ўқишинг мумкин. Сендаги жасурликка, дангалликка ҳавасим келади. Яширмайман. Дангасаликни, ялқовликни ташласанг ҳаммаси изга тушади. Бунинг учун одамда ирода бўлиши керак. Афсуски, ана шу йўқ сенда. Айтиб қўяй, бир кун бари бир пушаймон қиласан. Эсиз ёшлик, қадрига етмабман, деб афсусланасан. Лекин унда кеч бўлади. Бордию бир умр ҳозирги ақидага амал қиладиган бўлсанг, бурнингни остидан нарини кўрмай ўтасан...

У стулга келиб ўтирди. Болаларга разм солди. Уларнинг аксарияти ўзига термулиб турганини, яна нима

дер экан, деб қулоқ солаётганини кўрди, сизди. Шу боис фикрларини жиловламади.

— Болалар, мени тўғри тушунинглар, Юсуфнинг қараши, ақидаси билан иш битмайди. Ҳамма нарса ҳаракатга, интилишга боғлиқ. Мен шундайман, борим шу, деб ўтирсак ўтираверамизда. Вақт, умр ўтиб кетаверади... Бир синфдошимизнинг ҳолидан кулиб, ҳажим қилиб юрибмиз. Хўш, қулоғини парта қисиб қолган бўлса — нима қипти? Атайлаб тикиптимиз партанинг орасига. Шунини шунча чўзиб юриш керакми...

— Темиров ҳар дарсга кирганида шунини гапириб, Шарифни калака қилади,— деди Шарофат ҳаяжонланиб.

Бу гапдан Муродовнинг жаҳли кўзиди.

— Темировга ўхшаган ўқитувчилар қўлида ўқиганимиз учун ҳам бир умр итнинг кейинги оёғи бўлиб юрамиз-да.

У бу фикрни айтишга айтди-ю, аммо пушаймон еди. Ўқувчилар олдида бошқа муаллимни ёмонлаш маданиятсизлик. Энг хавфлиси, болаларнинг тарбиясига ёмон таъсир қилади. Ўқувчиларда ўқитувчиларга нисбатан ишонч, эътиқод қолмайди. Гапни дарров бошқа томонга бурди.

— Хуллас, бу гапларни қўйинглар, болалар. Шунча кундан бери гапирганинглар етар. Энди бу ҳақда на ўзларингча, на Шарифнинг олдида гапирманглар. Шаҳриёр, сен чиқиб Шарифни топиб кел. Дарсни бошлайлик.. Хўш, ўтган дарсда қайси темани ўтувдик... Ким айтади?

* * *

Бу воқеани эслаб икки жўра роса кулишди.

— Темиров ўзи жа ғалати муаллим-да,— деди кулгидан тўхтаб Анвар. — Раҳимга гишт кўтартиргани эсингдами?

Шаҳриёр қизиксиниб Анварга қаради.

— Қачон? Эсимда йўқ. Уйига ҳашарга боргандами?

— Йўқ. Синфда.

— Демак, мен йўқ эканман-да ўша дарсда. Қачон эди?

— Анча бўлди. Қишда эди.

— Мен шамоллаб қолиб мактабга бир ҳафта бормадим-ку, ўша пайтда экан-да.

Анвар чордана қуриб ўтириб олди. Муҳим гап айтадигандек, томоғини қириб, вазминлик билан ҳикоясини бошлади.

АНВАРНИНГ ҲИКОЯСИ

Февралнинг бошлари. Уч кун тинмай қор ёғди. Тиззадан келади. Совуқ кўз очирмайди.

Биринчи дарс физика эди. Биласан-ку. Раҳим ҳар доим кечикиб келади. Темиров энди дарсни бошловдики, эшикни тақиллатиб Раҳим кирди.

— Мумкинми, муаллим?

Темиров қошини чимирди.

— Хўш, кир-чи. Нимага кечикдинг?

— Совуқ, муаллим.

— Муаллим совуқми?

Ҳамма кулиб юборди.

— Йўқ...

— Нега унақа дейсан бўлмаса?

— Ташқари совуқ деяпман!..

— Ташқари совуқ бўлса сенга нима?

Раҳим индамади.

— Совуқ бўлса кечикиб келасанми? Бошқаларга совуқ эмасми?

Шошганда лаббай топилмас, деганларидай, Раҳим бечора довдираб қолди.

— Уларнинг уйи яқин.

— Сенинг уйинг узоқ бўлса биз айбдормизми...

Кимдир луқма ташлади:

— У ўзи иссиқдаям кечикиб келади.

Бу гап Темировга қўл келди.

— Кечикмай келган вақтинг борми сени? Совуқ-да — совуқ дейсан, иссиқда — иссиқ. Ёмғиру қор ёйса-ку, тоза худо беради сенга... — Темиров атрофга разм солди. Кўзи печка устидаги ғиштга тушди. — Анави ғиштни ташқарига опчиқиб ташла, — деди Раҳимга.

Печканинг темири ўрнига битта синиқ ғишт туради-ку, шуни кўрсатди. Раҳим ғиштни олиб эшикка яқинлашувди, Темиров, тўхта, деди. Раҳим бир қўлида папкаси, бир қўлида ғишт кўтарганча эшик олдида тўхтади. Бутун синф ҳайрон. Ғиштни чиқариб таш-

лашининг нима кераги бор? Печканинг оғзи очилиб қолади, тутун чиқиб кетади.

Болаларнинг ажабланганини Темиров сезди. Аммо ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Стулга ўтирди-да, журнални варақлай бошлади.

— Хўш, қани, ўтган дарсни ким айтади?

Ҳамманинг кўзи Раҳимда. У шўрлик пальтосиниям ечмаган. Ташқари совуқ бўлгани учун ичкарига кирганида юзлари қизариб кетди.

Темиров баланд овозда бояги саволини қайтарди. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

Раҳим безовта бўла бошлади. Фиштни ташлай деса — Темировдан кўрқади, ушлаб туравериш — иссиқ. Ҳаракатидан билиниб турипти — қўлига иссиқ ўтди. Охири чидаёлмади чоғи, Темировга термудди. У эса Раҳимга эътибор бермайди, гўё унинг эшик олдида турганини унутгандай.

— Ким айтади дарсни деяпман?

Шу маҳал Раҳимнинг бўғиқ, аламли овози синфни тутди.

— Иссиқ, муаллим.

Болалар кулиб юборишди. Темиров жиддий. Раҳимнинг ўзини унутгандай, сўзини ҳам эшитмаган каби тутди ўзини.

— Ким гапирди? Биров мен жавоб бераман, дедими?

Бу Раҳимнинг гапига шама эди.

— Э, муаллим, иссиқ.

— Энди муаллим иссиқ бўлдимиз? — деди Темиров Раҳимга ўгирилиб. — Ҳозиргина совуқ эди-ку.

— Фишт иссиқ... — Раҳимнинг гапида илтижо, ялиниш бор эди.

Темиров ҳамон пинагини бузмади.

— Фишт иссиқ бўлса яхши-да, совқотдим, дединг-ку, ахир... Бирпас ушлаб тур исийсан.

— Ташқарига опчиқиб ташлайми?

Болалар ўзларини кулгидан тиёлмадилар.

Темиров дўқ урди:

— Нега куласизлар?

Раҳимнинг қўли куйди шекилли, баттар безовта бўлди. Бу қўлига алмаштирай деса, қўли банд — папкаси бор.

— Ташқарига опчиқиб ташла, дедингиз-ку ўзингиз. Йиғламоқдан ўзини базўр тийиб гапирди Раҳим бечора.

— Бирпас ушлаб турсанг, кечикиб келиш қанақа бўлишини биласан.

Шу маҳал ёз куни осмонида момақалдиروق гум-бурлагандай кутилмаган воқеа рўй берди.

Анварнинг ҳикояси шу ерга келганда Шаҳриёр ҳам сергак тортди. Қўрқинч оҳангида Анвардан сўради:

— Раҳим бечора ўзидан кетиб қолдими?

— Йўқ, — деди Анвар. — Юсуф жойидан ирғиб турди. Ҳамма «гув» этиб унга қаради. Темиров билан Раҳимнинг ҳам диққати унга йўналди.

— О, муаллим, қанақа одамсиз ўзи? — деди Юсуф кескин. — Нимага у бечорани қийнайсиз? Кечиккан бўлса, кечикибди-да, энди! Осмон узилиб тушмабди-ку, ахир! Ўқиса ўзи учун ўқийди, сиз учун эмас! Лекин сиз унга азоб берманг. Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ!

Ёз осмонида гумбурлаган бу момақалдиروق ҳаммани ҳайратга солди. Очиғи, Темиров ҳам гангиб қолди. Юсуфга термулиб турибди-ю, нима дейишини билмайди. Синф сув қуйгандай жимжит бўлиб қолди. Темиров қизариб кетди. Юсуфга нимадир демоқчи бўлар, аммо айтмоқчи бўлган гапини тополмасди.

Шу маҳал бир нарса гуп этди. Ҳамманинг нигоҳи Раҳимга қадалди. Унинг қўлидаги гишт полда ётарди. Раҳим уни атай ташлаб юбордими ёки қўлидан тушиб кетдими, бизга қоронғу эди. Алининг аламини Валидан опти, дегандай, Темиров Раҳимга бақирди:

— Гиштни жойига қўй! Полни ифлос қилдинг.

Раҳим гиштни печканинг устига элтиб қўйди.

— Ўтир жойингга! — деди Темиров. Кейин Юсуфга яқин келди. — Тилинг чиқиб қоптими Эргашев. Бунчалар маҳмадоналигининг билмовдим сенинг. Оладиган баҳонг икки бўлса, катта кетишинг чакки эмас-ку, а?! — Юсуфнинг қулоғидан бурай бошлади. — Шу бидирлаган тилингни бир кўрсат менга. Узиб олиб итга ташлайин.

Юсуфнинг қулоғи оғриди шекилли, инграб юборди. Темиров ҳамон қўйиб юбормас, гўё шу билан ундан аламини олмоқчи бўларди...

Анварнинг ҳикоясини эшитиб ўтириб Шаҳриёрнинг ҳам қулоғи оғриб кетди чори, ўнг қулоғини силаб қўйди.

— Ҳеч ким индамадими? — деб сўради у ачиниш билан.

— Ким индайди. — Анвар ҳикоясини давом эттирди. — Энг қизиги кейин бўлди. Юсуф додласаям Темиров қўйиб юбормади. Бечоранинг жони ачиди шекилли, бир маҳал Темировнинг кўкрагига гуп эткизиб бир мушт туширди. Темиров ҳамма нарсани кутган бўлиши мумкин, лекин бу ишни кутмаган чиқади. Довдираб қолди. Бутун синф олдида ўз ўқувчисидан калтак ейиш — муаллим учун оғир. Ранги аввал оқарди, сўнгра эса қип-қизил тусга кирди.

— Аблах! — деди лаблари титраб. — Сен билан ҳали гаплашаман. Директорнинг олдида. Ярамас! Шу мактабда ё сен ўқийсан, ё мен ишлайман.

У журнални, китобларини йиғиштира бошлади.

— Бутунги дарсни ўтмайман. Бунинг учун сен ярамас айбдорсан. Жавоб берасан. Сенлар гувоҳсанлар, — деди болаларга.

Шундай деб эшикни қарс этказиб ёпиб чиқиб кетди...

Анвар жим қолди. Шаҳриёр ҳам. Ниҳоят сукунати Шаҳриёр бузди.

— Юсуф билан Темировнинг ит-мушук бўлиб қолиши шундан экан-да, — деди у ўзига-ўзи гапиргандай бир тарзда.

— Бўлмасам-чи. Директор Юсуфнинг отасини чақиртирди, уни мактабдан ҳайдамоқчи бўлди. Эҳ-ҳе қанча машаа бўлди-ку. Юсуфнинг отаси билан Темиров роса сўкишган. Охири кимдир ўртага тушиб икковини яраштириб қўйган дейишади. Ҳозир ҳам Темиров Юсуф билан гаплашмайди, сезмаганмисан? Ҳатто дарсниям сўрамайди ундан.

— Биламан, — деди Шаҳриёр паст овозда. — Очиғи, Темиров ҳам гоҳида ҳаддидан ошиб кетади-да. Болаларни ҳеч менсимайди, баъзиларни ҳатто пашша ўрнида кўрмайди. Юсуф бечораям чидаёлмай кетган-да!..

Унинг гапини Анвар бўлди:

— Нима бўлгандаям урмаслиги керак эди. Муаллимга қўл кўтариш яхши эмас.

— Албатта... Аммо Темиров ҳам шу даражага бориши инсофдан эмас-да. Ўзигаям, Юсуфгаям ноқулай.

— Юсуфнинг отаси Темировнинг устидан ёзган дейишади.

— Нима деб ёзади?

— Саводсиз, ўз фанини билмайди. Фалон йилдан бери физикадан дарс беради, шу вақт ичида мактабдан биронтиям физик чиқмади. Агар Темиров яхши ўқитганида шундай бўлмас эди. Бошқа ҳамма фанлар бўйича яхши кадрлар етишиб чиқяпти, фақат физикадан йўқ деб ёзганмиш. Бунинг устига қўпол, ўқувчилар билан ишлашга нолойиқ, педагогликдан четлатиш керак, деганмиш.

— Ростданми? Ким айтди сенга? — қизиқсиниб сўради Шаҳриёр.

— Рост. Бир куни муаллимларни гапини эшитиб қолдим.

— Қаерда?

— Ҳайит аканинг тўйида Муродов, Аҳмедов, Сатторов, яна бошқа муаллимлар гаплашиб ўтиришувди. Мен чой-нон ташиб юрувдим. Бир маҳал қулоғимга «Юсуф, Темиров... Юсуфти отаси ёзипти», деган гаплар чалиниб қолди. Тўғриси, қизиқдим. Сал нарироққа бордим-да, тескари қараб ўтирдим. Худди артистларни томоша қилаётгандай бўлиб уларни гапига қулоқ солдим.

Шаҳриёр кулди.

— Туппа-тузук шпион экансан-ку.

Анвар ҳикоясида давом этди:

— Ўзимизнинг синф бўгани учун қулоқ солдим-да, бўлмаса менга нима эди-я!.. Шунда шу гапларни айтишди. Қанча комиссиялар кепти мактабга. Директор ўртага тушиб сақлаб қолганмиш. Қариндоши экан-да.

— Шундайми? — деди Шаҳриёр ажабланиб.

— Ҳа. Бўласи экан.

— Ростданам Темиров яхши ўқитмайди-да, Анвар. Ўзинг биласан-ку: қачон қарасанг, қаёқдаги гапларни айтиб ўтказади дарсни.

— Аҳмедовнинг айтишича, Темиров физикани яхши билмас эмиш-да. Қанча масалалар бор экан, бизларга ҳеч масала ишлатмайди-ку.

— Шунинг учун бизарди лақиллатиб ўтирса керак-да, — деди Шаҳриёр.

— Мактабимизни битирган болалардан биронтасиям физика факультетига ўқишга киролмаслигининг сабаби шундан, дейди Аҳмедов. Унга Сатторов айтадики, биронта бола институтни битириб келса, ўрнимни олиб қўяди, деб қўрқади, дейди.

Шаҳриёр Темировдан ранжиган оҳангда гапирди:

— Ўзи саводсиз экану яна ҳаммани қийнайди.

Бог этагидаги ёлғизоёқ йўлдан Акбар, Фолиб кўринди.

— Акбар билан Фолиб келаяпти,— деди Шаҳриёр.

— Акбарни қўлида коптоги бор. Футбол ўйнаймизми? Унгача Акбар билан Фолиб етиб келишди.

— Нима қилиб ўтирибсилар? — Сўрига чиқатуриб гап ташлади Акбар. — Юринглар, футбол ўйнаймиз.

— Шу иссиқда-я,— деди Анвар.

— Нима қипти.

Гапга Фолиб аралашди.

— Биласиларми, дайравотта борамиз. Кўлда чўмилиамиз, чимзорда футбол ўйнаймиз.

— Тўрт киши футбол ўйнаб бўладими?

— Йўлдан бошқа болаларниям чақирамиз. Саттор бор, Акмал, Файрат...

— Кетдик! — деди Шаҳриёр.

— Қўйлар-чи?

Анварнинг бу гапидан Шаҳриёр ҳам сергак тортди.

— Қўйларни сояга оламиз. Олдига ўт ташлаймиз. Кейин борамиз кўлга.

Улар етти-саккизта бўлиб то куннинг тафти қайтгунча кўлда чўмилишди, копток ўйнашди. Сувда бир-бирига коптокни отиб, сув сепишиб роса мириқишди.

Иккинчи боб

КўРИШУВ

Жавзонинг иссиғи авжига чиққан. Кун эрталабдан қиздиради.

Бўстон ҳола қайрағоч соясидаги супага нонушта тайёрлади. Отаси, онаси, Шаҳриёр укалари йиғилиб, энди бир пиёладан чой ичишган эди, дарвоза ғийқиллаб очилди. Ҳамма шу томонга қаради. Биринчи бўлиб Бўстон ҳола жойидан ирғиб турди: «Ие, Пиримжон келди». Ҳола ўғлига пешвоз юрди. «Бўйларингдан энанг айлансин, келдингми болам». Бўстон ҳола ўғлини бағрига босди, пешонасидан, юз-кўзларидан ўпди. «Ўзи эрталаб ўнг қовоғим учиб турувди, сен келаркансан-да».

Шаҳриёр югуриб бориб акаси билан кўришди. Пиримқул уни қучоқлаб юзларидан ўпди.

— Қалайсан? — деди Пиримқул укасига, — каникулда маза қилиб юрибсанми?

Бўстон ҳола гапга аралашди:

— Акасининг тўйига қўй боқаяпти Шаҳриёржоним.

Пиримқул ҳамма билан бирма-бир қучоқлашиб кўришди. Кейин нонуштага ўтиришди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Бердиқул бобо аста томоғини қириб Пиримқулга қаради. Отаси нимадир сўрамоқчи эканини сезиб ўғли ҳам унга юзланди.

— Хўш, ўғлим, ишларинг яхшими? Ўқишинг битдими?

— Битди, — деди Пиримқул қисқа қилиб.

— Ҳаммасидан яхши қутилиб олдингми? Ҳалиги, нимайди, диплом дейсизларми, шуниям топширдингми?

Пиримқул отасининг мақсадини тушунди. Диплом ишингни ҳимоя қилиб олдингми, демоқчи.

— Бўлди ота. Ҳаммасидан қутулдим. Энди насиб этса, сентябрдан ишга тушаман.

— Унгача дамми? — деб сўради Бўстон хола.

— Шундай...

— Худога шукр, омон-эсон қутулиб олсан. — Бўстон холанинг гап оҳанги ўғлидан мамнунлигини ифода этарди.

Бердиқул бобо ўша вазмин оҳангда деди:

— Ишинг қаерда бўлади? Ёки ҳали номаълумми?

Отасининг бу саволи замирида кўп маъно борлигини Пиримқул билади. Бердиқул бобонинг нияти — ўғли ўқишни битириб ёнига қайтса. Олдин ҳам бу ҳақда гап кечган. Ҳар гал Пиримқул пайсалга солган, мақсадини очиқ айтмаган, ўқиш тамом бўлсин-чи, кўрамиз, деб келган. Энди гапни орқага суришнинг иложи йўқ, бор гапни борлигича айтмоғи даркор. Аммо бирдан гапнинг лўндасини айтиш ҳам осон эмас, йўлини қилиб тушунтирмоғи лозим, акс ҳолда ота-онаси дилини ранжитиб қўйиши мумкин.

Пиримқул бир нафас сукут сақлади, гапни нимадан бошлашни ўйлади.

Бердиқул бобо унинг кўнглидаги ўйларни уққан каби савол ташлади.

— Ҳа, ўйланиб қолдинг?.. Айтавер бор гапни. Шаҳарда қолмоқчимисан?

— Ўзимга қолса шаҳарда қолиш истагим йўқ,— Пиримқул тутилиб-тутилиб гап бошлади. — Лекин институтда тартиб бошқача экан. Ўқишни битирганларни уларнинг ўзлари ишга тақсимлар экан.

Бўстон хола ўғлининг сўзини бўлди:

— Вой ўлай, яна қоласанми Тошкентда?

— Ҳозирча шундай қилишга тўғри келади,— деди Пиримқул нигоҳини ердан кўтармай.

— Ўқишни битиргандан кейин ким қаерда ҳоҳласа ишлайвермайдими?

Бердиқул бобонинг оҳиста, бироқ қатъий бу сўзларида «ўзинг ҳўп демасанг, сени мажбур қилармиди», деган ўткир таъна зоҳир эди. Буни пайқаган Пиримқул отасига юзланди.

— Шундай эмас экан-да. Тайинланган жойда ишламаса, диплом бермас экан. Мени институтнинг ўзида олиб қолишди.

— У ерда нима иш қиласан?

— Ўқитувчилик.

Бердиқул бобо ўғлининг кўзларига термулди. Бу қарашдан икки хил маънони ўқиш мумкин: биринчиси — ўғлим мени алдаяптими, ростданам у институтда домла бўладими, деган гумонсираш; иккинчиси — менинг болам вояга етиб, институтда домла бўлди, деган қониқиш туйғуси. Отанинг бир-бирига қарама-қарши ана шу икки туйғуси қўшилиб кетган эди.

Бўстон холада эса аксинча, ташвиш ҳисси кучайди.

— Яна қачон келаркан Пиримқулим, деб йўлингга кўз тикиб ўтираманми, болам.

Пиримқул онасини юпатган кўйи:

— Тез-тез келиб тураман. Илгари ўқишдан чиқолмасдим, энди ўқимаيمان-ку, сизларни соғинганимда ишдан жавоб оламану келавераман. Нима, Тошкент қочиб кетиптими,— деди.

Бердиқул бобо бошқа гапирмади. Отасининг сукутини Пиримқул ризолик аломати каби тушунди. Бу тушунча унинг кўнглига далда берди.

Она-она экан-да, ўғлини соғиниш ҳисси, боласи бағрида бўлишини истовчи туйғу уларни сира тарк этмасди.

— Ўқишинг битганини эшитиб, энди болагинам ёнимга келади, деб суюниб ўтиргандим-а. Яна ўша аҳвол экан-да, — деди Бўстон хола бўшашиб.

Соқолини силаб сукут сақлаб ўтирган Бердиқул бобо гапга аралашди:

— Бўлди, ҳадеб дийдиё қилаверма. Ҳозир замон шунақа. Фарзандни тарбиялаб учирма қилганингдан сўнг ихтиёр ўзида — хоҳлаган томонига учиб кетади. Сен билан мени дуо қилишдан ўзга иложимиз йўқ. Ишқилиб қаерда бўлсаям омон бўлсин, эгам ўз паноҳида асрасин.

Отасининг бу гапидан Пиримқул қанча суюнган бўлса, Шаҳриёр ҳам шунча қувонди. У акаси шаҳарда ишда қолишини жудаям истайди. Пиримқул шаҳарда бўлса, унинг ўқишга бориши ҳам осон кечади. Борганда институтни қидириб сарсони ачиб юрмайди, акаси ўзи бошлаб боради. Унинг устига институтда домла бўлар экан. Қандай яхши! Жўралари Шаҳриёрга ҳавас қилади, ҳа, нима, институтда домла бўлиш осонми! Кимнинг акаси домла. Яна қаерда — пойтахтда — Тошкентда. Ҳазилми. Бугуноқ жўраларига мақтанади. Ҳали боққа борганда болалар келади-ку, шуларга айтади.

Боғни эслаши билан қўйлари ёдига тушди: «Қўйлари яхши боқиш керак. Бир семирсин. Энамнинг гапига қараганда яқин орада акамни уйлантиришади... Акам кимга уйланад экан?...» Шаҳриёр ўзича янгасини тасаввур қилди. Кимнинг қизини олади? Қишлоқдаги қизларни бир сидра ўйлаб чиқди. Биронтасиниям акасига эп кўрмади. «Балки энамнинг мўлжаллаб қўйгани бордир...Ёки акамнинг ўзи биронтани кўз остига олганмикан. Шаҳарданмикан ёки қишлоғимизданмикан. Шаҳардан бўлса ота-энам кўнармикан...»

Шаҳриёр ўзича хаёл сураётган масала алақачон ойдинлашган эди. Бердиқул бобо билан Бўстон хола Пиримқулга бир неча ой олдин бу ҳақда гап очган, ўшанда Пиримқул тортиниб-тортиниб бўлса-да, кўнглини ёрган эди. Аввалига улар кўна қолишмади, танимаган-билмаган хонадондан қиз олиш, яна шаҳарлик бўлса, деб кўп мулоҳаза қилишди. Шаҳарда ўсган қиз қишлоққа келадими, бу ернинг шароитига ўрганадими-йўқми, унинг ота-онаси нима дейди.

Бунга ўхшаш кўпгина савол-жавоблар бўлиб ўтган. Охири Бердиқул бобо билан Бўстон хола ўзларининг раъйига қарашган. Ҳатто Пиримқулнинг амакиси унга билдирмай Тошкентга бориб бўлғуси қудалари ким, қанақа оила эканини маҳалласидан суриштириб ҳам келган.

Бу гаплардан Шаҳриёр беҳабар, албатта.

Аслида Пиримқулнинг ҳозирги келиши тўй масаласида эди. Буни Бердиқул бобо ҳам, Бўстон хола ҳам билади. Пиримқул шаҳарда ишда қоламан деганида отасининг кўнглига бир мулоҳаза келди. Ўша ёқдан уйланмоқчи бўлганинг учун шаҳарда қолмоқчисан, шаҳарлик қиз ўзи келмаганига яраша сениям юбормоқчи эмас, деб Пиримқулга айтиш ниятида бир-икки оғиз жуфтлади, бироқ турли истиҳолага бориб, фикридан қайтди. Билиб-билмай ҳар нарсани бир нарсага йўя-вермаслик керак, деган андиша устун чиқди. Қолаверса, ҳали тикланмаган оилага кўнглини янги қилувчи гапларни аралаштириш яхшилиқка олиб келмайди. Майли, тақдирида бўлса уйлансин, агар олло-таоло пешонасига ўша қизни ёзган бўлса, шаҳарда ишлашни биттан бўлса биз ожиз бандалар нимаям қилардик. Ишқилиб умрини, омадини берсин...

Лекин нонушта устида ҳеч ким тўй ҳақида гап очмади.

Нонушта чори тўй ҳақида гап бўлмаган эса-да, у ҳамманинг дилидаги асосий гап эди. Уни тезлаштиришга барча бирдай ҳайрихоҳ. Аслида Бердиқул бобо билан Бўстон холага қолса Пиримқулни бир неча йил олдин уйлантириб қўйишарди, бироқ у кўнмади, аввал ўқишни битирай, уйланиш қочиб кетмас, деб ўжарлик билан оёғини тираб олди.

Оқшом Пиримқулнинг келганини баҳона қилиб Бердиқул бобо ўзининг яқинларини чақиртирди. Шаҳриёр амакисини, тоғаларини, поччаларини айтиб келди.

Ош-сувдан кейин Бердиқул бобо мақсадини айтди.

— Буям сентябрда ишга тушаман деяпти,— деди Бердиқул бобо Пиримқулга ишора қилиб. — Шунгача уйини йиғиб берсак, девдим.

Бу фикр ҳаммага маъқул тушди. Бўстон хола билан Пиримқулнинг амакиси эртагаёқ Тошкентга — совчиликка жўнайдиган бўлишди...

Совчилар уч кундан кейин қайтиб келишди. Тўйни бешинчи августга белгилашибди.

Бу хабарни эшитиб Шаҳриёр роса қувонди. Тўй баҳонасида Тошкентга боради...

ОЛАПАР

Шаҳриёрнинг хаёли кечаю кундуз Тошкентда. Тезроқ бешинчи август келсаю у шаҳарга борса. Ўзини Тошкент кўчаларида юргандай ҳис этади. Юраги энтикиб кетади.

Уйқу олдидан ҳам Тошкентни ўйлайди. Бугун шу ширин хаёл билан ухлаб қолди.

Хунук бир овоздан чўчиб уйғониб кетди. Назарида кимдир додлаётгандай туюлди. Юраги гупиллаб урди. Бошини кўтариб овоз келган томонга қаради. Равот адоғидан ёввойи мушукнинг вангилагани эшитилди. «Ҳо, соғана, яна пайдо бўпти-да», деб ўйлади.

Уч-тўрт кун аввал қандайдир ёввойи мушук уларнинг ҳовлисида пайдо бўлиб қолди. Кечалари уйқу бермайди. Шаҳриёр ҳайдаб юборган эди. Бугун яна овози чиқиб қолди.

У ёстикқа бош қўйди. Жўрттага қилгандай мушук яна додлади. Бостирма остида ётган Олапар безовта бўлиб ҳурар, мушук томонга ташланиб, занжирини шалдиратар эди. Ҳадеганда мушукнинг овози ўчавермади. «Ҳо, падарингга қусур-эй, ажалинг етган шекилли-да. Ҳозир Олапарни қўйиб юборсам-ку, жонингни олади-я. Аслида ўшанда кунинг битган эди-ю, аммо отам қўймадилар-да».

Мушукнинг овози баттар авжига чиқди. Худди бировни-биров бўғизлаётганга ўхшарди, унинг овози шу қадар ваҳимали, хунук эдики, одамнинг бадани вағиллаб кетади.

Бердиқул бобо намозга турган чоғи таҳоратхона томондан унинг товуши эшитилди: «Пишт! Пишт! Ҳеҳ уйинг куйгур!»

Мушук қўлингдан нима келарди, дегандай баттар забтига олади. Бу Шаҳриёрнинг жигига тегди. «Шошмай тур сени, ҳозир отам номозга кириб кетсин, кунингни кўрсатаман...»

Бердиқул бобонинг чўпон ошнаси бир ит келтириб берди. «Оллонидан опкелинг десам, урғочи кучук оп-

кепсиз-ку», деди Бердикул бобо ошнасига. Чўпон унга эътироз билдирди: «Парво қилманг, бу урғочи бўлсаям суллани бор, жудо зотдор ит», деди.

Чўпон алдамаган экан. Ит жуда сергак чиқди. Тун бўйи ҳовли атрофини айланиб юради. Итга ёлчимай юрган Бердикул бобо чўпон ошнасидан миннатдор бўлди.

Вақти келиб ит бўғоз бўлди. У иккитагина бола туғди. Уч кундан кейин битта кучуквачча ўлди. Ёлғиз Олапар қолди. Ит шўрлик Олапарни ялаб-юлқиб катта қилди. Ана-мана дегунча Олапар дўрсиллаб юрадиган бўлиб қолди. Аммо кутилмаганда Олапарнинг онаси йўқолди. У қаёққа кетди — ҳеч ким билмайди. Бир кун қарашди, икки кун қарашди, лекин итдан дарак йўқ. Шу кетганча дом-дараксиз кетди.

Шаҳриёр Олапарга сут беради, нон беради, ҳуллас — унинг эрмаги бўлиб қолди.

Олапар вояга етгач, шундай ажойиб ит бўлдики, эшитган одам ҳайратга тушади. Қўни-қўшнилар Олапарнинг қилиқларини кўриб, эшитиб ёқа ушлашади: «Ё тавба, ит ҳам шунақа ақлли бўладими...» Агар Олапарга биров ёқиб қолса, биринчи марта кўраётган бўлсаям индамайди, думини ликиллашиб тураверади. Ёқмаган одамини ҳар кун ит марта кўрсаям ипини узгудай бўлиб ташланади. Унча-мунча одам унинг ҳайбатидан қўрқади. Шунинг учун Олапар доим занжирда туради.

Олапарнинг ёмон кўргани — мушук. Ҳали кучукчалик пайтидаёқ уч-тўртта мушукни асфаласофинга жўнатди. Бўстон хола бир-икки марта Олапарни уришди: «Олапар, нимага ўлдирасан пишакти, ахир бу ўзимизники-ку». Унга гапирса бошини эгиб индамай туради, гўё ўзининг гуноҳкорлигини тан олаётганга ўхшайди.

Уларнинг жажжигина мушуги бор эди. Бир кун эрталаб Бўстон хола ҳовли супураётганда молхона олдида шу мушукнинг ўлигини кўрди. Билдики, уни Олапар ўлдирган. Мушук ўлигини Олапарнинг олдига ташлади-да, унга дўқ қилди: «Нимага буни ўлдирдинг?! Сенга қанча айтдим ўлдирма деб. Яна шундай қилсанг ўзингмал калтак ейсан».

Олапар ўз билганидан қолмади. Мушукни кўрди дегунча қутайтирмайди. Фақат йўлини топди. Мушук-

ни ўлдирадию тоқларнинг орасигами, картошкапоягами кўмиб қўяди. Кейин ҳеч нарса билмагандай ётаверади. Унинг бу одатини Шаҳриёр билади, аммо онасига айтмайди.

Бир куни қизиқ бўлди. Пешинда айвонда овқатланишиб, ҳамма ҳар ёққа туриб кетипти. Дастурхонни йиғиштириш ҳеч кимнинг эсига келмапти. Шу куни негадир Олапар бойланмаган экан. Бўстон хола кўчадан келса Олапар дастурхон олдида ётган эмиш. На мушукни, на товукларни дастурхонга яқинлашгани қўймас эмиш. Бунни кўриб Бўстон хола роса ажабланипти. «Ҳа, Олапар, дастурхонни кўриб ўтирибсанми? Мана мен келдим, йиғиштириб оламан», дебди. Шундан кейин Олапар ўзининг жойига — бостирма тагига кетипти.

Шундай қилиб, улар Олапарга одамга гапиргандай гапира бошлашди. У ҳам индамай гапга қулоқ солади, айтган ишни қилади.

«Жониворни тили йўқ, холос, бўлмаса ҳамма гапни тушунади», дейди Бўстон хола.

Бердиқул бобо намозга кириб кетиши ҳамона Шаҳриёр ўрнидан турди. Бориб Олапарнинг занжирини ечди. «Бор, Олапар, шу ярамасни йўқот», деди. Олапар ёввойи мушукнинг овози келган томонга югурди. Мушук унинг шовурини эшитиб девор тагидаги қувурдан ташқарига чиқиб кетди. Олапар бир зум нима қиларини билмай гангиб қолди. Ялинган кўйи Шаҳриёрга қаради. Қувурдан беш-олти метр берида деворнинг тепа пахсаси қулаган эди. «Олапар, мана бу ердан ўт», деди Шаҳриёр. Олапар югуриб келди-да, эпчиллик билан девордан ошиб тушди. Шаҳриёр ҳам унинг орқасидан чопди. Равотнинг нариги томони тизза бўйи ўт бўлиб, мушук шу ўтларнинг орасига яширинган экан. Олапар уни қидира бошлади. Шаҳриёр тош олиб отган эди, мушук ўрик тагидаги лойхона тарафга қочди. Шундагина Шаҳриёр мушукнинг жуда катта эканини кўрди... Олапар икки сакраб мушукка етди, уни қоқ белидан тишлади. Мушук жон ҳолатда Олапарнинг юзларини тирнай бошлади. Олапар унинг тирнаганига ҳам парво қилмай уч-тўрт қадам наридаги кўлмак сувга кўтариб борди-да, мушукни сувга тикди. Уни сувга батамом ботиргач тепага кўтарди, мушук яна тирнай бошлади. Олапар бояги ишини тагин так-

рорлади. Мушук уни яна тирнади. Олапар қўйиб юбормади: яна қўтарди, яна сувга тикди... Бу иш бир неча марта такрорланди. Охирги сафар қўтарганда мушук шалпайиб, оёқлари осилиб қолган эди. Олапар уни ташламаган қўйи Шаҳриёрга қаради. Олапарнинг бу ишидан Шаҳриёрнинг оғзи очилиб қолди. Олапар сувдан чиқди-да, картошкапоя томонга юрди. Мушукнинг ўлигини ерга қўйди. Оёқлари билан ерни ковлай бошлади. Анча чуқур қилиб ковллагач, мушукни олиб ўша чуқурга ташлади. Кейин уюлган тупроқни унинг устига тортди. Яхшилаб қўмиб бўлгач, яна Шаҳриёрга қаради. У кулиб юборди. «Олапар, мушукти жанозасини ўқимай кўмдинг-ку», деди. Олапар бир зум Шаҳриёрга термулиб турди-да, жойига қараб кетди. Шаҳриёр ҳам орқасидан эргашди. Олапар бостирма тагига бориб, ҳеч нарса кўрмагандай оёқларини узатиб ётди.

Шаҳриёр унинг занжирини бўйнига илиб қўйди. Кейин ўзи ҳам ўрнига бориб кўрпага кирди.

Намоз ўқиб бўлган Бердиқул бобо Шаҳриёрнинг ёнига келиб ўтирди.

— Шаҳриёр, уйғоқмисан? Анави соғана пишак яна пайдо бўпти-да. Туриб ҳайдаб юборсанг-чи,— деди.

Шаҳриёрнинг кулгиси қистади. «Асфаласофинга кетди-ку. Ҳайдаб юборармишман».

— Ҳайдадим, энди келмайди,— деди ҳеч нарса билмаган қўйи.

— Яхши қипсан. Кечаси билан вангилаб қуллоқмияни еди соғана... — Энди тура қол, ўғлим, қўйларингни эртaroқ ўтга олиб чиқ. Кейин буғдойни янчиб олайлик. Мен ҳўкизларни обориб тураман хирмонжойга...

Шаҳриёр хирмонжойга келганида Бердиқул бобо тўртта ҳўкизни ҳўпга қўшган, ўзи Болабекка миниб буғдой янчар эди.

— Бирпас сояда дамнингни ол, кейин сен ҳайдайсан,— деди Шаҳриёрга.

Хирмонжойда садақайрагоч бўлиб, хирмончилар унинг қалин соясида дам олишарди. Шаҳриёр қайрағочнинг тангадек ҳам офтоб тушмайдиган соясига солинган шолчага ўтирди. Отаси «бош, ҳе жонивор, бош», деб ҳўкизларни ҳайдар, ўзича мингилаб ашула айттарди:

*Майда, майда,
Май босар, о, майдаё-майда.
От ўрнини
Той босар, о, майдаё-майда.*

Хўпнинг ўртасида турган семиз чўммоқ хўкиз калласини ердан кўтармас, ўлгидай бўлиб буғдой ерди. Бердиқул бобо «бош, хўптир, бош, э, ютоқиб ўл-а», деб қўяди. Сўнг яна ашуласини давом эттиради:

*Қийғир ётар қияда.
Майдаё-майда
Болалари уяда,
Майдаё-майда,
Майдам кетди қир ошиб,
Майдаё-майда,
Бир-биридан талошиб,
Майдаё-майда.*

Ярим соатлардан кейин Болабекни хўпдан ташқарига ҳайдади. Шаҳриёрнинг олдига келди-да, отдан тушди.

— Ке, энди, сен минақол, бир оз дам олай,— деди.

Шаҳриёр отга минди. Унгача хўкизларнинг ҳаммаси тумшугини сомонга тиқиб буғдой ея бошлади. Болабекни хўпга ҳайдади. Қўлидаги қамчи билан хўпнинг энг четидаги хўкизни урди: «Бош, ҳе, жониворлар-а».

Бердиқул бобо пақирдаги сувдан маза қилиб си-мирди-да, пешонасидаги терларни бармоғи билан сидириб ташлади.

— Дажам ҳайда, улим. Бўшаштирсанг хўкизлар совуб қолади. Кейин танбаллик қилиб юрмай қўяди.

Шаҳриёр Болабекка қамчи босиб хўкизларни ҳайдади.

«Ҳа, жонивор, бўшашма, майди қил», деб қўяди. У дам-бадам Болабекка, хўкизларга қамчи босади. Патур-путур юрганидан хўкизларнинг оёғи тойганиб, атрофга сомон сочилиб кета бошлади. Уни кузатиб ўтирган Бердиқул бобо жойидан туриб ёйилган сомонларни шоха билан хўпнинг ўртасига олиб ташлади.

— Кўп қичама, ўғлим, шошилмай, бир маромда ҳайда. Бўлмаса хўкизлар тез чарчаб қолади.

Ота-бола пешингача хўп ҳайдади.

Кун тиккага келганида Бердиқул бобо хўкизларни бўшатди. Шаҳриёр уларни сояга боғлаб, олдига ўт ташлади.

— Кун қайтгунча ҳўкизлар дам олсин, ўзимиз ҳам чой-пой ичиб келайлик.

Улар йўлга тушдилар. Қишлоққа яқинлашганларида рўпарадан Анвар чиқди.

— Ассалому алайкум,— деди Анвар Бердиқул бобога.

— Ваалайкум ассалом. Ҳа, Анварбой, йўл бўлсин.

— Шаҳриёрди излаб юриппан. Боққа борсам тополмадим, қўйлари турипти, ўзи йўқ. Уйдамикан деб қишлоққа тушувдим. Бўстон холам «Шаҳриёр отасининг олдида, хирмон янчишяпти», деди. Энди шу ёққа бораётган эдим.

— Жўранг менга ёрдамлашди. Тушликка кетаямиз. Юр, биз билан чой ич. Кейин бирга келасизлар.

Анвар уларга эргашди.

Тушдан кейин Шаҳриёр билан Анвар хирмонга бормади. «Сенлар боққа боринглар, қўйларга қаранглар, қолганини ўзим ҳайдайман, озгина қолди, бир-икки соат ҳайдасам бас»,— деди Бердиқул бобо.

АЖИНА БОРМИ?

Кун қизигандан қизиди. Қилт этган шабада йўқ. Тутларнинг қавагидаги ғурракнинг ғурр-ғурр этган товуши эшитилади, холос. Ҳар замонда мусичанинг куку, ку-куси ғурракнинг ғур-ғурига қўшилиб кетади.

Кўчаларнинг ундай майин тупроғи ҳам қизиб ётипти.

Шаҳриёр билан Анвар ана шу иссиқда қишлоқдан чиқиб боққа бормоқда. Иккови ҳам ялангоёқ, шимини тиззасигача кўтариб олган, шиллигигача тупроқ кечиби кетаяпти. Шаҳриёр Анварга нисбатан бўйдорроқ, бироқ икковиям қотма, чайир.

— Анвар, ҳеч ажинани кўрганмисан? — деди Шаҳриёр.

— Йўқ. Нима, сен кўрганмисан?

Шаҳриёр Анварга бир қараб қўйди.

— Менам кўрмаганман. Айни пешин чоғи чиқармиш-да.

— Нимага энди пешинда чиқаркан? — Ажабланиб сўради Анвар.

— Пешинда кун иссиқ бўлади. Ҳамма сояда ётади, кўчада ҳеч ким юрмайди.

- Одамдан қўрқарканми ажина?
- Бўлмасам-чи,— деди Шаҳриёр ўзини билим-донликка олиб.— Одамдан қўрқмайдиган нарса борми.
- Нимага бўлмаса одамлар ажинадан қўрқади?
- Қўрқмаслик керак-да.
- Сен қўрқмайсанми кўрсанг?

Анварнинг бу гапига Шаҳриёр нима деб жавоб беришни билмай қолди. Қўрқаман деса, ҳозир ундай деди, қўрқмайман деса, очиги қўрқади. Ҳатто ажина ҳақида гап кетсаям чўчиб туради.

— Ким билади дейсан...— деди ноилож.

Иккови ҳам бир дам жим кетди. Ҳар ким ўзича ажинани ўйларди.

— Аслида ажина йўқ нарса,— деди Анвар жимликни бузиб. — Одамларнинг ўзи тўқиган. Пешинда болалар ёлғиз юрмасин, деб тўқилган афсона.

— Қаёқдан биласан, балки бордир.

— Отам бир куни худди мана шундай иссиқда лалмидан келаётган экан. Ислон бованинг боридаги катта ёнғоқ бор-ку, ана шу ердан ўтаётганда от бирдан ҳуркиб кетипти. Отам чўчиб отнинг жоловини тортипти. Нимадан ҳурқди от, деб ён-атрофга қараса, уват тагида, ариқ бўйида бир аёл сочини тараб ўтирганмиш. Ажинага рўпара келдим, деб отамнинг юраги шувиллаб кетипти. Отни тўхтатиб унга яхшилаб қаралти. Аёл ҳам отамга термулиб ўтираверипти. Мундай қараса, Қодир бованинг қизи Ибодат бор-ку, шунга ўхшармиш. Ибодат битта ўзи айни пешинда бу ерда нима қиларди, ажина бўлса керак, деб ўйлапти отам. Энди отни жоловини бурмоқчи бўлиб турган экан, ҳалиги аёл ўрнидан турипти. Отам яна яхшилаб қаралти. Ростданам Ибодат эмиш. Кейин таваккал қилиб унга гапирипти: «Ибодатмисан?» Аёл тиржайиб: «Ҳа, менман», депти. «Ў-ўл, менман демай. Нима қилиб ўтирибсан бу ерда шу маҳал?» «Бошимни юваётувдим», депти Ибодат. Отам шундан кейин сал ўзига кепти: «Бош ювмай ҳар бало бўл-а. Юрагимни ёрдинг-ку. Ажинага дуч келдим, деб хаёлим қочди-я». Ибодат илжайиб кулармиш.

Кўрдингми, агар ўшанда отам гапирмай кетганида ажина кўрдим, деб ўйларди. Фалон жойда ажина кўрдим, деганларам кимнидир кўрган бўлади. Қўрққанидан гапирмайди-да, кейин ажина бор экан, деб юради.

— Сени отанг Ибодатни кўрган бўлса ҳамма Ибодатни кўраверадими? Ажина бор, катталар айтишади-ку. Қўтонтомдаги Ҳалим деган одамни биласанми, оғзи қийшиқ-чи, ана шуни ажина чақирган экан. У, ҳа, деган, шундан оғзи қийшайиб қолган, дейишади. Шунинг учун хилват жойда ёлғиз кетаётганингда нотаниш одам чақирса индамаслик керак. Уч марта чақиргандан сўнг жавоб бериш даркор. Ажина икки мартадан ортиқ чақирмас эмиш.

Анвар бари бир ишонмади.

— Э, булар бари афсона,— деди Анвар ҳафсала-сизлик билан.

Улар катта йўлдан ёлғизоёқ йўлга ўтишди. Бир томони қалин ёввойи дўланазор, бир томони теракзор. Ўрмонга ўхшаб ётган бу йўлдан ёлғиз юришга болалар тугул катталар ҳам чўчишади.

Шу маҳал «Анвар» деган товуш эшитилди. Икковиям бирдан тўхтади. Шаҳриёр Анварга қаради. Унинг ранги бўздай оқариб кетган эди. Шаҳриёрни кулги босди, аммо кулмади. Бир жиҳати ўзиям чўчиди. Бояги товуш яна эшитилди.

— Ажинами, Шаҳриёр,— деди Анвар. Унинг овози титраб чиқди.

Шаҳриёр ўзини қўлга олиб, дадил гапирди.

— Ажина йўқ, дединг-ку ўзинг.

— Бўлмаса ким чақираяпти мени бу ерда.

— Қўрқма,— деди Шаҳриёр,— ажина эмас. Менам эшитдим-ку. Ажина чақирса мен эшитмасдим. У кимни отини тутиб чақирса шу одамнинг ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмас эмиш.

Бу гапдан Анварга сал жон кирди.

— Ростданми? Сенам эшитдингми?

— Ҳа, эшитдим, — деди Шаҳриёр кулиб.

Унгача улар билан бир синфда ўқийдиган Шарофат етиб келди. Ёнида укаси ҳам бор эди. Шаҳриёр унга ишора қилиб, деди:

— Ана, сени чақирган ажина.

Анвар Шарофатни кўрдию рангига қон югурди.

— Чақирсам эшитмайсилар,— деди Шарофат.

— Э, чақирмай ўл! Ўтакам чиқиб кетди-ку.

Анварнинг бу гапидан Шарофат ҳеч нарса тушунмади.

Шаҳриёр кулиб-кулиб бўлган воқеани гапириб берди.

— Юрагингам отти калласидай бор экан, Анвар,— деди Шарофат.

— Гапираверасан-да сен, мени ўрнимда ўзинг бўлганинга кўрардик ҳолингни.

Улар яна йўлда давом этдилар. Бироз юргач, Шаҳриёрнинг қитмирлиги тутди.

— Хўш, Анвар, ажина бор эканми?— деди.

Анвар аввалига унга бир хўмрайиб қаради, кейин Шарофатга тикилди.

— Бор экан,— деди Шарофатга ишора қилиб. — Мана, ажинадан қаери кам буни.

Ҳаммаси барабар кулди. Шарофатнинг укаси гап нимада эканини тушунмай хайрон. Тўрдагилар кулганда пойгадагилар илжаяди, дегандай, у ҳам тиржаиб қўйди...

Шарофат билан укаси ўзларининг боғига ўтиб кетишди. Икки жўра қўйлари томонга юришди.

Улар қўйларни заякка олиб чиққанидан кейин полиз ўртасидаги сўрига чиқишди. Иккови икки томонга ёнбошлади. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

Шаҳриёр ўй суриб ётаркан, яна бешинчи августни эслади. У акасини ўйлади. Шаҳриёрнинг мақтангиси келиб кетди.

— Эртага шаҳарга бораяпман...

Томдан тараша тушгандай айтилган бу гапдан Анвар таажжубланди. Ётган жойида бошини буриб Шаҳриёрга қаради.

— Нима қиласан шаҳарда?

— Томоша,— деди Шаҳриёр керилган оҳангда. — Акамга тўй харжлаймиз...

Анвар унинг гапини бўлди:

— Айтгандай, қайси куни акангни кўрдимми?

— Ҳа, кўргандирсан. Акам келувди. Институтни битирди. Энди ўша ерда домла бўладилар.

— Ие, аканг қайтиб келмайдими қишлоққа?

— Қишлоқда нима қилади. Шаҳарда ишлайди. Айтапман-ку, институтда домла деб... Бешинчи августда акамнинг тўйи бўлади. Менам бораман Тошкентга.

— Вой, акангни тўйи Тошкентда бўладими?

— Бўлмасам-чи, келинни ўша ёқдан олаяпмиз-ку.

Анвар индамади. Чамаси Шаҳриёрнинг акасига ҳаваси келаётганди унинг. Буни у Шаҳриёрга олдин ҳам айтган. Унинг акасиям Пиримқул билан бир синфда

ўқиган. У ҳеч қаерга ўқишга бормади, колхозда ишла-
япти. Акаси шаҳарда ўқийдиганларга Анвар ҳавас қилади.

Шаҳриёрнинг акаси институтда домла бўлиб қолаёт-
ганини эшитиб тоза суюнди. «Қандай маза. Энди Пи-
римқул ака шаҳарда яшайди. Студентларга дарс бера-
ди. Пиримқул ака молодец. Унинг юришлари, кийи-
нишлари қандай чиройли». Анвар шу ўйлар билан
Шаҳриёрга термудди. Унга ич-ичидан ҳаваси келди.
Шаҳриёр қанчалар бахтли. Унинг шундай ақлли акаси
бор. Эртага шаҳарга боради. Кейин Тошкентга. Бун-
дан буён у Тошкентга тез-тез бориб туриши мумкин.
Акаси ўша ёқда бўлгандан кейин боради-да. Ҳали мак-
табни битирса Тошкентга ўқишга кетадими...

Анвар индамай, хаёл суриб қолганини Шаҳриёр
ўзича талқин қилди: жўрам хафа бўлди...

— Сенам бирга юр, Анвар,— деди унинг кўнглини
кўтармоқ ниятида.

— Ким билан боряпсан?

— Отам, знам билан.

Анвар жавоб бермади. Шаҳриёр бу сукутни рози-
лик белгиси деб тушунди.

— Борасанми?

— Йўқ,— деди Анвар.— Акам билан бормоқчимиз
ўзимиз.

— Ихтиёринг. Борсанг, бирга томоша қилиб келардик.

Анвар бошқа гапирмади. Энди гап ортиқча экани-
ни Шаҳриёр сизди.

Маълум муддат жимликдан сўнг сўрининг икки та-
рафидан икки хил хуррак эшитилди...

— Шаҳриёр, ҳо, Шаҳриёр!

Бу овоздан Шаҳриёр ҳам, Анвар ҳам уйғониб кетди.

— Ким у?

Шаҳриёр атрофга аланглади. Ёнғоқ тагида Фолиб
кўринди. У имлаб чақирарди.

— Фолиб,— деди Шаҳриёр.

— Нима дейди? — Анвар кўзини ишқалаб сўради.

— Бақа келинлар, деб чақираяпти.

Улар Фолибнинг олдига боришди.

— Ҳа,— деди Шаҳриёр.

— Панқиллоқ ўйнаймиз.

Фолиб шундай деб киссасидан монтикриснинг бўш
гильзасини, гугурт чиқарди. Уни кўриб Анвар билан
Шаҳриёрнинг мудроғи қочди, кўзлари чарақлаб очилди.

- Гильзани қаердан олдинг?
- Топдим-да,— деди Фолиб керилиб.
- Нечта? Биттами?
- Йўқ. Кўп.

Фолиб беш-олтита гильзани кўрсатди.

Учови ёнғоқ соясига ўтириб, гильзага гугурт дори-сини тўлдиришди. Кейин уни катта тошга қўйди-да, иккинчи тош билан урди. Тош ўрнига тушмади шекилли, гильза портламади. Анвар тошни олиб гильзани мўлжаллаб урди. У шундай қарсилаб кетдики, гўё милтиқ отилгандай бўлди.

Иккинчи гильзани ҳам дорига тўлдиришди. Яна уришди, яна боягидай қарсилади. Учинчи гильзаниям тўлдириб, тош билан Шаҳриёр урди. Лекин гильза ёрилмади.

— Э, уришни биласанми ўзи. Менга бер.

Анвар шундай деб тошни роса кўтариб гильзанинг устига ташлади. У қарсилаб кетди. Шу бараварида Анварнинг ўзиям «вой-й» деди-да, чап оёғининг со-нини ушлади.

— Ҳа? Нима бўлди?

Шаҳриёр билан Фолиб унинг оёғига қаради. Анвар шимини тиззасигача кўтарди. Болдирига гильза парча-си кириб кетган эди.

— Энди нима бўлади?

— Дўхтирга бориш керак...

— Отам билсалар роса уришадилар,— деди Анвар.

— Гильзани мен опкеганимни айтма, жўра. — Фолибнинг ранги бўздай оқариб кетган эди.

— Шу ердан топиб олдик, деймиз.

Шаҳриёрнинг бу фикрини учовиям маъқуллади.

Кечқурун Анварни акаси район марказидаги касалхонага олиб кетди.

У ердан ярим оқшомда қайтишди, Анварнинг бол-дирини кесиб, икки соатча кавлапти. Лекин темир парчасини ололмапти. Ўз оёғи билан юриб борган Анвар чўлоқланиб қайтиб келди. Акасининг жаҳли чиқади, дўхтирларни роса сўқади. «Ҳаммаси саводсиз! Бари пул билан ўқиган, ҳеч балони билмайди. Ренгин қилган чол айтди, кестирма оёғини, ўзи чиқиб кетади, деди. Мен боргунимча кесиб, оёғининг гўштини титкилаб ўтиришилпти-я, ярамаслар. Шуларни врач деб пул бериб ўтирганларгаям ҳайрон қоламан»...

Шу куни кечаси Анвар безовта бўлиб, инграб чиқди. Онаси дам-бадам уйғониб Анварнинг бошига қўлини қўйиб кўради. Иссиғи чиқмади, аммо оёғи шишди. Пешинга бориб тоза дўмбира бўлиб кетди. Тушлиқдан сўнг Анвар акаси билан Самарқандга жўнади.

Қош қорайганда акаси ёлғиз қайтди. Анварни касалхонага ётқизипти. Врачлар «қайси аҳмоқ кесди бунақа қилиб? Нега тўғри шу ерга олиб келмадингиз», деб Анварнинг акасини роса уришипти. «Хеч кесишнинг ҳожати йўқ эди. Ўзи чиқиб кетарди. Кесиш лозим бўлса, экран орқали кузатиб туриш керак. Бу ҳолда гўштнинг ичидан кичкина нарсани топиб бўладими. Қочиб кетаверади у», дебди. Кесилган жойи йиринглаб кетипти. Камида бир ой ётади, депти. Анвар қолмайман деб роса йиғлапти: Акаси алдаб-сулдаб қолдириб кепти. «Бўлмаса дўхтирларга айтинг, кесмасин оёғимни», депти.

Бундан Шаҳриёр тоза хафа бўлди. Акасининг тўйигача тузалиб кетармикан Анвар? Тошкентга униям бирга олиб бормоқчи эди. Ишқилиб соғайиб кетсин-да.

Бир ҳафталардан сўнг Шаҳриёр Анварнинг акасига қўшилиб жўрасини кўргани Самарқандга борди. Анвар иккинчи қаватда экан, ўзи пастга тушди. У чўлоқланиб юради. Икки жўра ҳол-аҳвол сўрашди. Шаҳриёр унинг олдида гуноҳкордай сезади ўзини.

Анварнинг акаси олиб келган овқатларини унинг палатасига қўйгани юқорига чиқиб кетди.

— Гильзани қаердан олганимизни ҳеч ким билмадими?— деб сўради Анвар.

— Йўқ,— деди Шаҳриёр.— Сен акангга айтмадингми?

— Айтганим йўқ.

— Қачон чиқасан?

— Билмайман. Яра битса жавоб берамиз, деяпти. Ҳар куни дори қўйиб бовлайди.

— Оғрийдими?

— Яраси оғрийди.

— Акамни тўйигача чиқсанг яхши бўларди. Тошкентга бирга борар эдик,— деди Шаҳриёр.

Анвар индамади. Шундай ният унинг кўнглида ҳам бор эди. Лекин ҳозир, бу аҳволда бир нима дейиш қийин.

Анварнинг акаси тушгач, улар ўрнидан қўзғалдилар. Шаҳриёр Анвар иккинчи қаватнинг зинасига кўта-

рилгунча кузатиб турди. Юқорига чиққач, Анвар тўхтаб ортига — Шаҳриёрга қаради. Иккови бир-бирига қўлини кўтариб хайрлашди.

ШАҲАРГА САЁҲАТ

Шаҳриёр онаси билан олдин ҳам бир-икки марта шаҳарга борган, аммо унда тўйиб томоша қилолмаган. Укасини гулгирга кўрсатгани келишганди. Гулгирни биринчи марта кўрганида Шаҳриёр хайратдан ёқа ушлади.

Кичкина укасининг мазаси бўлмай қолди. Овқат емайди, еганини қайт қилади. Бурнини ишқаб йирлайди.

— Буни томоғида қопти,— деди Бўстон хола.— Гулгирга обормасак бўмайди.

...Кунлардан бир кун қишлоқда гап тарқалди: «Самарқандда гулгир чиқипти». «Гулгири нимаси экан?» «Болаларнинг томоғида нарса қолармиш, гулгир шуни олармиш». Ҳазилкашроқ одамлар «Болаларни томоғи тоқчали эканми, нарса қолса», дейишди. «Сиз куласиз-да, ростданам шундаймиш. Бола кетма-кет қайт қилса, иссиғи кўтарилиб овқат емаса, айниқса, бурнини ишқайверса, албатта томоғида қолган бўларкан».

Аввалига биров ишонди, биров ишонмади. Кейинчалик боланинг томоғига нарса қолиши ва уни гулгир олиб ташлаши мумкинлигига ҳамма бирдай имон келтирди. Ҳаш-паш дегунча нечта аёл боласини Самарқандга — гулгирга олиб бориб келди.

Озиб-тўзиб, шалпайиб қолган бола гулгирга бориб келиши билан ўйнаб кетади, овқатни ҳам қайтармайди. Кечаси тинчгина ухлайди.

Уч-тўрт йил олдин Шаҳриёр ҳам онасига ҳамроҳ бўлиб Самарқандга борди. Дарвозадан кириши билан элик ёшлардаги бир аёл икки енгини билагигача шимариб, панжаларини ёзиб Бўстон холага рўпара келди. Гулгир аёл болани чап қўлига олди-да, ўнг қўлининг кўрсаткич бармоғини унинг оғзига тикди. Кўз очиб юмгунча қўлини боланинг оғзидан олиб, Бўстон холага кўрсаткич бармоғининг биринчи бўғинида қисилган нарсани кўрсатди.

— Мана, айланай, болангизнинг томоғида қолган нарса. Олма пўчоғи экан. Анча кун бўпти қолганига. Сасий бошлапти.

Гулгир аёл шундай деб болани Бўстон холага узатди. Бўстон хола унга раҳмат айтиб бир сўм берди. Гулгир қўлини фотиҳага очди.

— Илоё-илоҳо худойим ўзи шифо берсин. Томоғида қолгани шу бўлсин. Бундан бағига бу дард сиззи балангизни, у қатори ҳамма балаларди четлаб ўтсин. Оллоҳу акбар.

Бўстон хола билан Шаҳриёр ҳам унга қўшилиб фотиҳа қилди.

Шаҳарга бораётганда укаси онасининг қўлида шалпайиб ётувди. Қайтишда эса анча ўйнаб, автобус дразасидан ташқарини томоша қилиб келди.

Ўшанда Шаҳриёр гулгир аёлнинг чаққонлигига ҳайрон қолганди. Йўлда онасидан сўради.

— Нимага енгини шимариб панжаларини ёзиб келди, эна?

— Мана, қўлларимда ҳеч нарса йўқ, дегани у,— деб тушунтирди Бўстон хола. — Бир хил одамлар унга ишонмасмиш. Ўзининг қўлида нарса бўлади, шуни худди боланинг томоғидан олиб бергандай кўрсатади. Шундай қилиб пул ишлайди, деярмиш.

— Боланинг томоғидан ҳеч нарса олмаса у қандай қилиб тузалиб кетади?

— Шуни айтсанг-чи. Унинг устига бу аёлнинг дарди фақат пул ишлаш бўлса фалон сўм берасан, йўқса олмайман, деб туради-да. Қанча берса олаверади. Озкўп демайди, қарамайдиям, индамай раҳмат айтиб киссасига солиб қўяверади.

Шаҳриёр бу гапдан ажабланди. «Тавба, қизиқ одамлар бор-а. Яхшилик ҳам ёқмайди. Ўзлари боласини олиб боради, яна ўзлари ишонишмайди. Ишонмасанг олиб борма. Ким мажбур қилапти сени...»

Шаҳарга бораётиб Шаҳриёрнинг хаёлидан шу гаплар кечди.

Автобус пастта эниб Дарғом кўпригидан ўтди-да, кучаниб тепага кўтарилди. «Яқинлашишимиз чоғи», деб ўйлади Шаҳриёр. Мингбулоқдан келадиган автобус Регистон ёнидаги майдонда тўхтади. Улар шу ерда тушибди.

Бердиқул бобо билан Бўстон хола аввал бозорга боришга келишибди. «Эрталаб яхши нарсалар бўлади, кейинроқ ҳеч нима қолмайди», деди Бўстон хола.

Бозорда игна ташласа ерга тушмайди. Ғуж-ғуж одам. Чошгоҳ бўлмасдан кун қизиб кетган. Сотарман кўп, сотармандан оларман кўп. Ҳамма ўзининг молини мақтайди: «Мана, нимчанинг яхшиси...»

«Кимга жун рўмол керак», «Амиркон махси бор». Бунга ўхшаган сўзларнинг қайси бирини эшитишни билмайди одам. Шаҳриёрнинг боши ғувиллаб кетди бир зумда.

Бу ҳам етмагандай, атрофдан турли ҳид келади. Бир жойда қовурилган балиқнинг ҳиди, бошқа томонда кабоб тутаб ётипти, яна бир тарафда паловнинг иси димоқни қитиқлайди...

Бердиқул бобо билан Бўстон хола бозорни секин оралаб келинга мос нарса қидиришади. Шаҳриёр уларнинг кетидан эргашади.

Бир жойда ўн-ўн беш чоғли одам уймалашиб ниманидир томоша қилаяпти. Шаҳриёр қизиқсиниб, одамларнинг орасидан ичкарироққа кириб борди. Мўйловли бир йигит стол устига учта ангишвонани тўнкариб қўйпти. Нўхатчалик келадиган зўлдирни шу ангишвоналардан бирининг тагига яширади. Сўнгра эпчилик билан учала ангишвонани стол устида у ёқдан-бу ёққа суради, тагида зўлдир бор ангишвона билан бошқаларини аралаштириб юборади. «Топсанг оласан, тополмасанг берасан. Қани, ким топади? Бу галгиси йигирма беш. Топсанг йигирма беш оласан. Қани, кимга йигирма беш керак»... Ана шу йўсин унинг оғзи гапдан, қўли ҳаракатдан тинмайди. Шу қадар тез сурадики, кўз илғамай қолади. Ангишвонанинг тагидан зўлдир чиқиб кетмаганини-чи!..

Қани ким топаркан, деб Шаҳриёр атрофдагиларга разм солди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Мўйловли йигит эса тинмайди. «Йигирма беш, кеп қолинг йигирма беш сўмга. Топсанг оласан...»

Шу маҳал бир йигит тўдани ёриб олдинга ўтди. Мўйловли йигитнинг ҳаракатларини кузатди.

— Неччи пул бу галгиси? — деди бояги йигит. Қиморвоз бошини кўтармай жавоб берди:

— Йигирма беш. Топсанг оласан...

— Тик! — деди йигит.

Қиморвоз ҳаракатини тўхтатди. Ангишвоналардан бирининг тагидан зўлдирни олди. Кейин иккинчисининг тагига қўйди-да, бояги йигитга юзланди:

— Кўрдингми? Бошлайверайми?

— Бошла! — деди ҳалиги йигит.

Қиморбоз бирдан ангишвоналарни у ёқдан-бу ёққа суриб, аралаштириб ташлади. Қизиги шундаки, унинг қўли ишга тушиши билан оғзи ҳам бидирлаб кетади:

— Топсанг оласан, топмасанг берасан. Йигирма беш! Топсанг оласан...

Бояги йигит қиморбознинг қўлига шаппа босди.

— Тўхта! — деди. — Мана шунда!.. У шундай деб бир ангишвона устига қўлини қўйди. Қиморбоз ана шу ангишвонани кўтарди. Зўлдир чинданам унинг тагида экан.

— Ҳалолинг бўлсин, — деди қиморбоз. — Ма, ол, деб битта йигирма бешталикни унга узатди.

Йигит пулни олиб мағрурона чўнтагига солди.

— Яна тикайми? — деди қиморбоз ҳалиги йигитга.

У жавоб бериб улғурмасидан берирокда — Шаҳриёрнинг ёнида турган дўппилик бир йигит бақирди.

— Тикинг! Мен топаман!.. Қиморбоз унга қаради.

— Неччи пулга? — деди.

Дўппилик йигитнинг йигирма бешга ҳаваси кетди шекилли, иккиланмай йигирма беш, деди. Қиморбоз бояги ишини яна такрорлади.

— Кўрдингизми? Бошлайверайми?

— Бошланг! — деди дўппили йигит. Қиморбознинг оғзига қўллари яна ишга тушди.

— Топсанг оласан, тополмасанг берасан! Йигирма беш! Йигирма беш! Тополмасанг берасан!.. Дўппили йигит унинг қўлини босди.

— Тўхтанг. Мана шунда...

Қиморбоз у кўрсатган ангишвонани шартта кўтарди. Тагида ҳеч нарса йўқ эди. Дўппилик йигит бўшашиб кетди.

— Қани, чўзинг йигирма бешни, — деди қиморбоз.

Атрофдагиларнинг ҳаммаси дўппиликка қаради. Бечора уялиб кетди чоғи, юзлари қип-қизил рангга кирди. У индамай киссасидан йигирма беш сўм чиқариб берди.

Шаҳриёр унга жуда ачинди. «Жуда ғалати ўйин экан», деб ўйлади. Энди ким ўйнаркан, деган фикр билан томошабинларни бирма-бир кўздан кечирди. Ҳамма жим. Қиморбоз эса ўз иши билан банд. Оғзи-

ям, қўлиям тинмайди. «Топсанг оласан, топмасанг берасан»...

Ҳали йигирма беш ютган йигит уни тўхтатди.

— Тик яна.

— Қанчага? — деди қиморбоз.

— Эллик!

Атрофдагиларнинг ҳаммаси бараварига «во-о» деб юборди. Қиморбоз зўлдирни ангишвона остига қўйди. Йигитга қаради.

— Бошлайинми?

— Бошла!

Қиморбоз бошлади. «Эллик сўм! Топсанг оласан, эллик сўм!» У тинмай у ёқдан-бу ёққа суради. Томошабинлар қиморбоздан ҳам кўра бояги йигитни кузатади. Йигитнинг икки кўзи столда — зўлдир қайси ангишвонада экан, деб чамаларди.

Кутилмаганда қиморбознинг қўлини босди.

— Тўхта! Мана шуни кўтар!

Қиморбоз унинг айтганини қилди. Ангишвонани кўтариши билан томошабинлар «қойил» деб юборишди.

— Чиқар элликни! — деди йигит. Қиморбоз унга эллик сўм узатди.

— Қойилман, йигит, омадинг бор экан, — деди. Ҳалиги йигит етмиш бешни киссасига урди-да, тўдадан ташқарига чиқди. Ҳамма унга ҳавас билан қараб қолди.

— Молодец йигит экан.

— Қойил қилди аммо...

Томошабинлардан бири уларнинг фикрини рад этди.

— Ие, ҳамманг ёш бола экансизлар-ку. Шунга ишониб ўтирибсизларми. Ахир у ўзининг шериги-ку.

— Шериги бўлсаям топдими, ахир?

— Сизам топишингиз мумкин, — деди бояги киши. Лекин ангишвоналар тагида ҳеч бало йўқ. У қўйган заҳоти зўлдирни қўлига олади ёки умуман қўймайди. Шунинг учун қайсини кўрсатманг, бўш чиқаверади. Одамларди қизиқтириш учун ўзининг шериклари баъзан боягидай «ютиб» туради.

Уларнинг гапига учинчи томошабин қўшилди.

— Ўлдими. Унчаликмасдир-ов!

— Ишонмасангиз ўзингиз биласиз. Ана ўйнаб кўринг. Қани, бир тийин ютасизми.

Томошабинлар ўзаро баҳслашиб кетдилар. Қиморбоз эса ҳамон бақиради: «Топсанг оласан, топмасанг берасан. Қайсинисини кўтарай...»

Томошага қизиқиб ота-онасидан ажралиб қолиб кетгани Шаҳриёрнинг эсида йўқ. Бир маҳал ўзига келиб ён-верига қараса, на отаси, на онаси кўринади. Юраги орқасига тортиб кетди. Энди нима бўлади? Мана томоша сенга.

У нима қиларини билмай гангиб қолди. Қаёққа борсин? Қаердан қидирсин отасини? Чор тараф гуж-гуж одам. Бу ердан бировни топиш — қудуқдан игна излашдай гап. Қаерданам шунга кўзи тушди... Қишлоққа қандай кетади? Мингбулоққа борадиган автобус қаерда тўхтайди. Баланд-баланд ёдгорликларнинг олдида тушувди. Шу эсида, аммо ўша жойгача нимада боради? Автобустга, кейин троллейбустга чиқишди. Анча пиёда юришди. Улар ёдида туриптими... Қизиқ бўлди-ку.

Хаёлидан шу ўйлар кечадию кўзи тўрт томонга жавдирайди. Салла ўраган одам кўринса отаммикан, деб суюнади. Бегоналигини билгач, хафсаласи пир бўлади. Энди қулоғига қиморбознинг «Топсанг оласан, топмасанг берасан», деган бақириви ҳам эшитилмайди.

Отаси билан онаси қайси томонга кетди экан. Бу ерда тўрт тараф қибла. Йўқ, ҳеч қаёққа бормади. Шу ерда тургани тузук. Отаси излаб келса топиши осонроқ. Бордию бир томонга оралаб кетса, Бердикул бобо ҳам сарсон бўлади.

Шаҳриёр қиморбознинг олдидан сал нарироққа — нисбатан одам камроқ жойга ўтди. Симёвочдай бир ерда қотиб тураверди. Кўзи эса интизор, одамлар оқими орасидан ота-онамни кўриб қоларман, деган илинжда атрофга термулади. Аммо ҳадеганда отаси келавермади.

Бердикул бобо билан Бўстон хола анча илгарилаб кетишган эди. Улар гоҳ у савдогарнинг, гоҳ бу савдогарнинг қўлидаги нарсаларни кўриб, нархини сўраб, Шаҳриёр икковининг ҳам эсидан чиққан эди. Дўппи бозорига оралаганда Бўстон хола «Шаҳриёрга битта қалпоқ олиб берайлик», деди. Дўппифурушдан бир дўппини олди-да, «Шаҳриёр, манавини кийиб кўр», деб орқасига ўтирилди. Шаҳриёр кўринмади. Бирдан Бердикул бобого юзланди: «Шаҳриёр қани?» Бўстон

холанинг ҳайрати, қўркуви Бердиқул бобога ҳам кўчди. «Билмадим, орқамиздан келаётувди-ку». «Вой, ўлма-сам, болагинам қаерда қолди». Бўстон холанинг юраги така-пука бўлди. «Қаранг оқ-бакти». Бердиқул бобо ён атрофга разм солди — Шаҳриёр кўринмади. «Сен шу ердан қимирлама. Агар шу атрофда бўлса сени кўриб келади. Мен изимиздан бориб қараб келай. Боя-ги қиморбознинг олдида қолдими дейман-да».

Бердиқул бобо одамлар оқимиға кириб кетди. Олдинга интилиб бораяптию кўзи тўрт томонга олазарак боқади.

Тахмин қилишда Бердиқул бобо адашмаган эди. У қиморбозга яқинлашганда Шаҳриёрга кўзи тушди. Лекин Шаҳриёр отасини кўрмади. Бердиқул бобо четдан туриб ўғлини кузатди. Тўдасидан айрилган эчкидай атрофга аланглайди. Бердиқул бобо секин унинг ёнига борди. Шаҳриёр ҳамон отасини кўрмас, нигоҳи узоққа қадалган эди. Бердиқул бобо оҳиста ўғлининг тирсагидан ушлади. Шаҳриёр шартта ўтирилди. Унинг кўзлари хонасидан чиқиб кетгудай бўлиб ўйнади.

— Ҳа,— деди Бердиқул бобо секин.

Шаҳриёрнинг тили калимага келмай қолди.

— Мунча аланглайсан.

— Сизларди йўқотиб қўйдим,— деди Шаҳриёр довдираб.

— Шунчалик юрагинг бор экан, ҳушёрроқ юрмайсанми.

Шаҳриёр миқ этмади.

— Юр,— деди Бердиқул бобо.— Энангди ўтакасини ёрдинг. Шаҳриёрди йўқотиб қўйдик, бунча одамди ичидан энди қандай топамиз, деб додлаб ўтирипти... Яхшиям у ёқ-бу ёққа оралаб кетмапсан. Агар шундай қилганингда тополмаслигим аниқ эди.

— Шунинг учун қимирламай турдим-да, жойимда. Бердиқул бобо ўғлига ўтирилди, жилмайди.

— Ақлинг боракан... Боплабсан... Боқса одам бўласан.

Бердиқул бобонинг шунақа одати бор. Биронтага ҳазиллашгиси келса «Боқса одам бўласан» ёки «Кепак берса кўппак бўласан», деб қўяди. Бу одати Шаҳриёрга ҳам аён. Шундан билдики, отаси уришмайди...

Пешингача бозор айланишди. Бердиқул бобо билан Бўстон хола келинга деб анча-мунча нарса харид қилди. Шаҳриёрга битта дўппи олиб беришди.

Тушдан кейин ҳайвонот боғига боришди. Қаердан-дир кўчма ҳайвонот боғи келган экан. Бундан Шаҳриёр терисига сизмади. Йўлбарс, айиқ, арслон, фил, туя — эҳ-е, яна қанча ҳайвонларни кўрди. Илгари ҳеч ҳам кўрмаган, фақат зоология дарсида бу ҳайвонлар ҳақида ўқиган, китобда расмини томоша қилганди, холос. Тирик айиқни, йўлбарсни кўриш ғалати экан. Айниқса, оқ айиқни роса томоша қилди. У сувга тушаверади, чиқаверади, тушаверади, чиқаверади... Эринмаганини, чарчамаганини... Маймунлар-чи, бирам ғалати экан. Шимпанзе, горилла, орангутанг деганлари бор экан. Шимпанзелар тиним билмайди. Шаҳриёр битта-сига писта пўчоғи отувди, орқасини кўрсатиб масхара қилди.

Шаҳриёр жўраларига бориб роса мақтанади. Айиқ, шимпанзенинг қилиқларини гапириб беради. Бир уларнинг ичини қизитсин.

— Анварди бир кўриб келамизми?— деди Бердиқул бобо ҳайвонот боғидан чиқаётганда. — Шу ерга келиб кўрмай кетсак одамгарчиликдан бўлмас.

Шаҳриёрнинг кўнглида шу фикр бор эди. Лекин отасига айтишга ийманиб турганди. Вақт борми-йўқми, бозор-ўчардан ортадими-йўқми. Яхши бўлди, Бердиқул бобонинг ўзи эслатиб қолди...

Касалхона ҳовлисидаги ўриндиқда Анвар билан анча гаплашиб ўтиришди. Бердиқул бобо ундан соғлигини, яраси тузалган-тузалмаганини сўради.

— Ҳа, болаларим-а, ҳеч шўхликларинг қолмади-қолмади-да,— деди Бўстон хола Анварнинг юзидан ўлиб.— Шу монтикрести ўқи ўлгур ёнроқти тагига қайдан бориб қопти. Шуннан бўлак ўйин тополмадиларингми. Мана энди шунча азоб. Кунди иссиғида касалхонада ётипсан. Ичингам қизиб кетгандир.

— Анча ўрганиб қолдим. Палатадагилар билан гурунглашиб ётамиз.

Шаҳриёр унинг тезроқ чиқишини истайди. Тошкентта бирга борсак, зўр бўларди.

— Лекин ҳали-вери жавоб берадиганга ўхшамайди,— деди Анвар.— Яра тоза битмаган. Йиринг йўғу

қизғиш сув чиқади. Кўзи битса жавоб берамиз, деяпти дўхтир.

— Ҳа, майли, сабр қил. Шошилма. Тоза яхшилаб тузалсин. Бўлмаса кейинам қийналиб юрасан.— Бердиқул бобо шундай деб ўрнидан турди.— Энди бизлар борайлик. Автобусдан қолиб кетмайлик.

Кечга томон улар Регистонга келдилар. Мингбулоққа борадиган автобус бекатида одам кўп, автобусдан эса дарак йўқ. Ҳамма бозор-ўчар қилиб қайтган.

Ана-мана дегунча бир соатлар чамаси вақт ўтди: бир маҳал пешонасига «Самарқанд-Мингбулоқ» деб ёзилган автобус пайдо бўлди. Ҳамма гувиллаб ўзини унга урди. Тиқилинч, ур-сур бўлдики... Қани энди чиқиб бўлса. Автобус ҳайдовчиси, билет олинглар, деб бақиради. Аммо унга ким қулоқ солади. Ҳар ким жой олиш дардида эди.

Улар ҳам минг азобда чиқиб олишди. Автобус гиж-гиж бўлди. Қани энди юра қолса. Ҳайдовчи пастга тушиб кетгани бўйича бедарак йўқолди. Ўзи ҳаво иссиқ, унинг устига тиқилинч, нафас олишнинг иложи йўқ. Бир бола чинқириб йиғлайди. «Ҳой, шопир, ҳайданг!» деб бақиради одамлар. Лекин ҳайдовчи парво қилмайди.

Шу аҳволда ярим соатлар турди. Ҳамма ҳаммомга тушгандай жиққа сувга ботди.

Ниҳоят, ҳайдовчи келди.

— Фақат Мингбулоққа борадиганлар қолсин. Йўлда тўхтамайман, — деди у кабина деразасидан мўралаб.

Ичкарида одамлар бараварига қичқиришди:

— Ҳамма охиригача боради.

— Йўлда тушадиган йўқ...

— Тезроқ ҳайданг-эй, шопир ака, одамни нафаси қайтиб кетди.

Автобус оғир силкиниб, жойидан жилди...

Бир неча кун Шаҳриёрга эрмак топилди. Қаердаки икки-уч бола йиғилса, уларга шаҳарга боргани ҳақида ҳикоя қилади. Кечқурун подага борганда-ку, ҳамма болалар уни ўраб олади. Шаҳриёр ҳам йўқ демайди.

Ангишвоначи қиморбоз Юсуфга жуда ёқиб қолди. «Аммо-лекин зўр экан-да, шу», деб қўяди ҳар замон. «Шаҳарга борсам албатта шуни топаман».

Шаҳарда кўрганларини жўраларига сўзлаб бериш Шаҳриёрнинг ўзи учун ҳам завқли эди. Уларга ҳи-

коя қилар экан, ўзи ҳам ўша нарсаларни бошқатдан кўраётгандай ҳаяжонланади. Ғолиб, Аҳмад, Акбар, Шарофат — ҳаммаси оғзини очиб тинглайди унинг ҳикоясини.

— Энг қизиғи,— деди Шаҳриёр ҳовлиқиб,— ажойибхона⁵. Ҳамма ҳайвонларди қафасга солиб қўйипти. Шерни кўрсанг, во-о, бўйнидаги жунини.

— Одамларга индамайдими?— деб сўради Шарофат.

Шаҳриёр уни масхара қилди.

— Эсинг жойидами. Қандай қилиб индайди. Қафасга солинган дедим-ку! Темирлари билакдай-билакдай. Шер одамлар ўзига қараётганини сезмайдиям, парвосига келтирмайдиям.

— Қафасда ўтиравериб ўрганиб қолган-да бечора,— деди Аҳмад. — Отам айтувдилар, ҳайвонлар қафасда ётаверса бепарво бўлиб қолармиш.

— Бўлмасам-чи,— деб унинг гапини маъқуллади Шаҳриёр. — Ўзим кўрдим-ку! На шер, на йўлбарс одамларга қаролмайди. Ўзи билан ўзи овора. Фақат маймун жикиллаб, у ёқдан-бу ёққа сакрайди, одамларни калака қилади.

Бу гап болаларни қизиқтириб қўйди.

— Қандай калака қилади?

— Гапирадимми?

— Гапга тушунадими?

Бири қўйиб, иккинчиси савол беради. Шаҳриёр гўё ҳайвонот боғининг раҳбаридай уларга тушунтиради.

— Шошилманглар, бунча ҳовлиқасизлар. Болалар маймунларга писта ташлайди. Улар пистани олиб чақади. Бир хил болалар жўрттага чақилган пистани отади. Маймун олиб кўради-ю, жони чиқиб кетади. Кейин орқасини кўрсатиб болаларни калака қилади.

— Сенам ташламадингми писта пўчоридан?

Шаҳриёр кулди. Шимпанзе ўзини масхара қилгани эсига тушди.

— Ташладим,— деди ўзини кулгидан тўхтатиб.

Кейин шимпанзегга писта пўчорини отганини, маймун уни эркалаганини, орқасини хунук қилиб кўрсатганини — ҳаммасини бирма-бир эринмай гапириб берди. Болалар мириқиб кулишди.

⁵ Ҳайвонот боғи демокчи.

Шундан кейин Шаҳриёр қаерга борса болалар йиғилиб келади-да, шимпанзе сени калака қилганини кўрсатиб бер, деб туриб олишади. Аввалига у эринмай гапирди, маймуннинг ҳаракатлариниям кўрсатиб берди. Охири жонига тегди. Бир нарсани ҳадеб айтавериш, ҳар қанча қизиқ бўлмасин, одамнинг кўнглига урар экан. Шаҳриёр ҳам гапиравериш зерикди.

— Бўлди-да, эй, нима мен артистманми сенларга!

— Ҳа, нима қипти гапирсанг. Бирон жойинг камайиб қоладими,— дейди унга болалар.

Хушига тобласа шошилмай, қизиқ қилиб гапириб беради, йўқса айтмайди...

Июль охираб қолди. Тўйи яқинлашмоқда. Шаҳриёр Тошкентга боришни ўйлайди. Ҳадемай бешинчи август келади. Қандоқ маза! У Тошкентга — пойтахтга боради...

ТОШКЕНТ ТАРАДДУДИ

Шаҳриёр қўйларини боғдан ҳайдаб келиб қўрага камаганда Бердиқул бобо шом номозини ўқиётган эди. У қўйлари олдида озгина ўт ташлади-да, Олапарнинг олдида ўтди. Олапар тумшугини икки оёғи устига қўйиб Шаҳриёрга термулиб ётарди.

— Ҳа, Олапар,— деди Шаҳриёр худди жўрасига гапиргандай.— Битта ўзинг ётавериш зерикдингми? Ёввойи пишак кемаяптими?

Шаҳриёр яқинлашгач, Олапар жойидан туриб думини ликиллабди, бошини силкиб пашшасини ҳайдади. Кейин сув ичадиган идишини Шаҳриёрга томон сурди. Шаҳриёр сездики, Олапар чанқаган. Идиши қуп-қуруқ.

— Ҳа, жонивор, сувсадингми? Ҳеч ким сув бермайдими сенга. Ҳозир сув опкеламан. Ёки ўзингни дарёга олиб бораёми?.. Бир ўйнаб келасанми? Яхши-си, занжирингни ечаман. Ўзинг бориб сув ич, бирпас ўйна. Хўпми?

У Олапарга гапира-гапира занжирини еча бошлади.

Намоз ўқиб бўлган Бердиқул бобо Шаҳриёрни қидирди:

— Шаҳриёр, ҳо, Шаҳриёр!..

Отасининг товушини эшитиб Шаҳриёр айвон томонга ўтирилди.

— Ҳа, ота,— деди турган жойидан.

— Қайдасан, улим, бақа ке!

— Олапарди ечаяпман...

Бердиқул бобо унинг гапини бўлди:

— Олапарди ечаяпман?! Нимага?!

— Сувсаб кетипти. Қўйворай, дарёдан бориб сув ичади, бирпас оёғини ёзиб келади.

— Ечма, улим, бақа ке. Сувсаган бўса идишига сув сол,— деди Бердиқул бобо.

Шаҳриёр Олапарни қучоқлаганча отасига ялинди.— Қўйворақалай, ота. Ичи қизиб кетипти ётавериб...

— Сенга айтдимми?! Олапарга сув бергин-да, бориб тоғанғни, амакигғни, поччаларингғни чақириб ке. Маслаҳатлашадиган гап бор. Бўлақол тезроқ.

Отасининг бу гапидан сўнг унинг хаёлига лоп этиб Тошкент, акасининг тўйи келди. Маслаҳатлашадиган гап бор, деяптими, демак, тўй масаласи бўлса керак. Отам унча-мунча нарсани биров билан кенгашиб ўтирмайди.

— Ана, эшитдинг-ку Олапар,— деди у ўрнидан тураркан.— Сени қўйиб юборишга рухсат йўқ. Ҳозир сув опкеламан. Майли, хафа бўлма, эртага ечаман. — Олапарнинг юзларини, елкасини силаб қўйди. Олапар индамай жойига чўзилди...

...Шаҳриёр янглишмади. Бердиқул бобо яқинларини чорлашидан мақсад — Тошкентга бориб Пиримқулнинг тўйини ўтказиб келишни кенгашиб олиш эди. Тошкентга неча киши боради, кимлар боради, нималар олиб бориш керак. Ҳар ким ўз фикрини айтди. Бирининг гапи бошқасига тўғри келмайди, тортишиб қолишади. Шаҳриёр бир чеккада ким гапирса шунинг оғзига термулиб ўтирипти. У бир нарсага ҳайрон: тоғаси, амакиси, поччалари гапираяпти, ундай қилиш керак, бундай қилиш керак, у нарса олган тузук, бунақа нарса олган маъқул, деб жон куйдираяпти. Аммо нимагадир отаси жим. Тўрда ёстикқа ёнбошлаганча соқолини силаб гапларга қулоқ солиб индамай ўтирипти.

Баҳс-мунозаралар анча давом этди. Охири гап айланиб, Тошкентга нимада борамиз, деган масалага келиб тўхтади. Бири самолётда деса, бошқаси поездда, дейди. Яна маъқули автобус, деб туриб олди.

— Шошманглар,— деди ниҳоят Бердиқул бобо. Ёстиқдан тирсагини кўтариб чордана қуриб ўтирди. Ҳамма жим бўлиб унга қаради. — Биринг самолёт дейсан, поезд, бошқанг автобус дейсан. Хўш, Тошкентга нима учун бораёпмиз ўзи? Томошагами? Ёки меҳмондорчиликками?

Орага ноқулай жимлик чўқди. Бердиқул бобо гапим кимга қандай таъсир этди дегандай ҳаммага бир-бир синчковлик билан разм солиб чиқди.

— Ахир биз Тошкентга тўй қилгани кетаяпмиз-ку. Тўйди нарсаларини самолётда, поездда қандай қилиб олиб борамиз?

Амакиси луқма ташлади:

— Нарсаларни шу ердан олиб борамизми? Тошкандай шаҳарда нарса топилмайдими? Ўшақдан оламиз-да.

Бердиқул бобо маънодор йўталди. Яна ўтирганларни бирма-бир кўздан кечирди. Бу қараш билан ким қандай фикрда эканини билиб олмоқчи.

— Хўш, Тошкентда ҳамма нарса бор, дейлик,— деди сўнгра салмоқлаб. — Лекин келин-куёвди, қудаларди сарпоси-чи? Улардиям шаҳардан оламизми?! Ҳаммаси олинган-ку. Янганг улимга деб, неччи йилдан бери латта-путта йиғади... Қўйлар-чи. Улардиям самолотга соламизми? — Даврада кулги қўзғалди. — Ёш болага ўхшаб гапирасизлар-а. Тошкентдай жойга келин олгани боргандан сўнг Самарқанд нўхатидан, шўрданагидан, майизидан, нонидан об борайлик-да.

— Нон қотиб қолади-ку,— деди тоғаси.

— Қотмайди. Бир кун-икки кунда қотмайди. Жа, қоттандаям зарари йўқ, дастурхонди безаги. — Бердиқул бобо сўзида қаттиқ турди. — Ундан ташқари, шунча одам — аёллару бола-бақра билан самолот ёки поездда юриш осонми...

Ўтирганлар бўлмаса нима қилайлик, деган мазмунда Бердиқул бобога қарашди. Бердиқул бобонинг жавоби тайин эди шекилли, пинагини бузмади. Ўртанча куёвига қаради. У колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлайди.

— Жўрақул, сен колхозни катталаридансан. Биронта автобус топиш қўлингдан келадими-йўқми?

Жўракул ҳайрат бармоғини тишлади. Қайната-сининг бу кутилмаган саволига жавоб бериш осон эмасди.

— Колхозда автобус йўқ-ку, — деди ниҳоят.

Бердикул бобо бўш келмади:

— Колхозда бўлмаса районда бордир. Райондаям ошна — оғайниларинг кўп-ку. — Бошқаларга қаради. — Битта автобус топиб обориб-опкелишини гаплашмасак иш битмайди. Йўлди мошинига ишониш қийин.

Ҳамма бир зум жим қолди. Жўракул ҳисобчи қаттиқ ўйга толди. Шаҳриёрнинг амакиси Жўракул поччасининг ёнига кирди.

— Райондан бирон автобус гаплашсак... Фалон сўм сўрайди-да.

Бердикул бобо унга ер остидан қаради:

— Самолотда борсак арзон тушадими? Ҳисоблаб кўринглар... Ҳамма нарсани шу ерда ортиб, аёлу эркак, бола-бақра чиқиб боргани яхшими ёки бу ердан шаҳарга бор, шаҳардан истансага бор, поезгами, автобусгами чек қидир, деб сарсони ачиб юрган яхшими? Ё сал қиммат бўлар, ё арзон бўлар — беминнат-да, ташвиши, оворагарчилиги оз...

Бу фикр ҳаммага маъқул келди.

Тошкентга кимлар боради, ким нима иш билан шуғулланади, бари келишиб олинди.

— Болаларим, — деди Бердикул бобо мажлисга якун ясаган сингари, — ҳаммангдан илтимос, ҳушёр бўлинглар, бир-бирларингга гап қайтарманглар. Ҳамжиҳат бўлиб ўтказинглар тўйни. Бегона жойда уялиб қолмайлик. Қишлоғимизда бўлса уни йўриғи бўлак. — Ота томоғини қоқиб олди. Бир зум ниманидир ўйлагандек сукут сақлади. — Кўнгилларингга келмасину яна бир нарсани эслатиб қўймоқчиман. Токи тўйни омон-эсон ўтказиб олмагунимизча биттангам бирон пиёла ичманглар. Нотаниш одамларнинг орасида шармандамиз чиқмасин. Худо хоҳласа уёқда тўйни ўтказиб олганимиздан кейин бу ерда тўй қиламиз. Қишлоққа ош бермасак ярашмайди.

Қишлоқ аҳли Бердикул бобонинг гапини икки қилмайди. Ота қишлоқнинг оғзи катта оқсоқолларидан. Қариндошлари уёқда турсин, бегоналар ҳам бирон юмушни ҳал қилолмай боши қотса, отанинг олдига

маслаҳат сўраб келади. Бердиқул бобо уларга эрин-май йўл-йўриқ кўрсатади.

— Қачон жўнаш керак Тошкентга? — деди Шаҳриёрнинг тоғаси.

Ҳамма отанинг оғзини пойлади.

— Бешинчида тўй, — салмоқлаб гап бошлади ота. — Иккинчида етиб борсакми, деб мўлжал қиляпман. Икки кун у ёқдан зарур нарсалар харид қилинади. Ҳали анча иш бор-да. Ун олиш керак, гуруч, сабзи-пиёз дегандай, қанд-қурс — хуллас, анча нарса. Аёлларди ўзига яраша дард-ташвишлари бор... Янаям сенлар биласанлар.

Бердиқул бобо ўтирганларга қаради. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Менимча, шу гап тузук, — деди Шаҳриёрнинг тоғаси. — Шошиб қолгандан кўра, бемалол, керакли нарсаларни кўриб-билиб тузукроғини олган маъқулда!

Фикрлар тиниб, маслаҳат пишгач, ҳамма уй-уйига тарқалди. Шаҳриёр бир чеккада ўтириб ҳамма гапни миясига қуйиб олди. Тошкентга борадиган кун яқинлашганидан унинг севинчи ичига сиғмайди.

Тўй

Пиримқул Дўмбирободда Расул ака деган одамни-кида ижарада туради. Бу ҳовлига кўчиб келганига икки йилдан ошди.

Расул ака жуда очиқкўнгил, одамохун киши. Хотини Маҳфуза ая ҳам меҳрибончиликда эридан қолишмайди.

Шу икки йил ичида Пиримқулнинг олдига кимлар келмади. Бирга ўқийдиган ўртоқлари-ку, кунда-шунда. Қишлоқдан биронта одам Тошкентга келса, бас. Пиримқулни излаб топади. Ўз уйидай бемалол кириб келаверишади. Баъзан уй эгалари қолиб Пиримқул безор бўлиб кетади, Расул ака билан Маҳфуза аянинг олдида хижолат тортади. Бу ҳақда Пиримқул бирикки Расул акага шама қилди. Расул ака уни қайириб ташлади.

— Ундай деманг, акаси. Одам бор жойга одам келади. Ундан кейин ҳамманинг олдигаям биров келвермайди. Ойлаб меҳмон қадам босмайдиган хонадондан худо асрасин.

Пиримқул олдин ҳам икки-уч жойда ижарада турган. Уларда олти ойдан зиёд яшолмаган. Бир хонадонда ҳатто бир ой ҳам туролмади. Кирсаям гапиреди, чиқсаям. Биров сўраб келса-ку, тамом — балога қолади.

Шулардан кейин Расул аканикида яшаш Пиримқулга жаннат бўлиб кўринди. Бердиқул бобо билан Бўстон хола ҳам уч-тўрт келиб кетишди. Уй эгалари уларни ўз қариндошлари сингари кутиб олишади.

Расул аканинг саккизта боласи бор. Яшаши ҳам ўртача. Шунга қарамай, баъзиларга ўхшаб ўнталаб ижарачи қўймайди. Бўлмаса имконияти бор: иккита бўш хонаси турибди. Кўнглига ўтирган, мўмин-қобил болалардан ёки қизлардан битта-иккита қўяди. Фалон сўм берасан демайди, берганинг болам, дейди.

Пиримқул шуларни ҳисобга олиб, иложи борича Расул ака билан Маҳфуза аянинг кўнглига қарайди. Ўғиллари билан ака-укадай қадрдонлашиб кетди...

Автобус Расул аканинг дарвозасида тўхтади. Ундан ўн беш— йигирма чоғли одам тушди. Расул ака билан Маҳфуза ая уларни дарвозада кутиб олди.

— Мана, бир мошин бўлиб тўзишиб келдик, жўра,— деди Бердиқул бобо Расул ака билан сўрашаркан.

Бердиқул бобо Расул акадан ўн ёшлар катта. Расул ака Бердиқул бобони ота дейди, Бердиқул бобо эса уни Расул деб чақиришни ўзига эп кўрмай, жўра, дейди.

— Жуда яхши қипсиз-да, ота. Ишқилиб тўй бўлсин, ҳамманиям шундай кунларга етказсин.

Юкларни туширишди, қўйларни ҳовлига олиб кириб бойлашди. Расул ака кичкина ўғлига, қўйларнинг олдига озроқ ўт ташла, деди. Расул аканинг ўзидаям беш-олтита қўй бўлиб, болалари ҳар кун Бўрижар томондан ўт ўриб келишади.

Меҳмонлар икки кун шу ерда турдилар. Эртадан кечгача шаҳар кезиб, тўй ҳаражати ҳозирлашди.

Шаҳриёр уларга эргашади. Гоҳ бозорга, гоҳ магазинга боришади. У тўрт томонга аланглаб термулади. Қарасанг дўппинг тушиб кетадиган даражада баланд бинолар, шовуллаб ётган фавворалар Шаҳриёрни ҳайратга солади. Кўчаларда бирам одам кўп, бирам кўп, юриш қийин. Машиналар-чи, кети узилмайди. Кўчанинг нариги томонига ўтиш осон эмас. Ҳамма жойдан

ўтавериш мумкин эмас экан. Маълум жойлардан, ундаям кўк чироқ ёнганда ўтиш керак экан.

Метрога тушишганда Шаҳриёрнинг оғзи очилиб қолди. Пул ташламаса ўтказмай ушлаб қолар экан. Э, тавба, жуда қизиқ-ку. Поездчаларнинг зўрлигини. Станциялар бирам чиройли, бирам чиройли. Эртақларда тасвирланган шоҳларнинг қасрига ўхшайди.

Шаҳриёр ҳанг-манг бўлиб термулади. Роса ажойиб экан-да. Қишлоққа қайтиб борса жўраларига айтиб беради. Анварнинг келмагани чатоқ бўлди-да. Маза қилиб кетарди. Бечора касалхонада ичи қизиб ётгандир...

Икки кунда Тошкентнинг кўп жойларини томоша қилди. Тошкент Шаҳриёр ўйлаганидан кўра каттароқ туюлди. Акаси турадиган ҳовлидан шаҳарнинг марказига келгунча қанча вақт ўтади. Бунча вақтда қишлоғидан Самарқандга келиши мумкин.

Катта бўлса нима, яхши-да! Шаҳриёр маза қилапти. Ҳеч зерикмайди. Қайтанга тез кеч бўлиб қолапти. Ана-мана дегунча кун ботади. Нега унақа? Қишлоғида кеч бўлишини пойлаб зерикарди.

Одамлар тез-тез юрар экан. Кун кеч бўлмасдан ишларимни битказиб олай деса керак-да. Ҳаш-паш дегунча икки кун ўтди-кетди. Келини Расул аканикига тушириб келадиган бўлишди. Битта уйини бўшапти берилти. Энасининг айтишича, Пиримқул олдиндан келишиб қўйган экан. Тўй ресторанда ўтадиган бўлди. Расул ака шу ерда — ҳовлида қилаверайлик, деди, Пиримқул кўнмади, ҳовли тор, меҳмонлар сифмайди. Сизларни шунча безовта қилганимизам етар, деди.

Вақт намозгарга яқинлашганда учта енгил машина, бир автобус бўлиб куёв жўралар келинникига жўнадилар. Уларнинг олдида усти очик «Виллис»да карнай-сурнайчилар. «Виллис» духобалар билан чиройли қилиб безатилган. Сурнай ногоранинг така-тум, така-тумига жўр бўлиб ёр-ёрни чалади. Автобусдаги йигитлар дамбадам овозининг борица қичқиришади. Уларга қўшилиб бақириб юборганини Шаҳриёрнинг ўзиям сезмай қолади.

Келиннинг уйига яқинлашганда автобусдан тушишди. Пиримқулни йигитлар ўраб олган. Олдинда карнай-сурнай, ногора: ва-ву, ва-ву, така-тум, така-тум.

Орқада йигитлар, бири қўйиб иккинчиси рақсга тушади, ҳар замонда «ча-ча-ча-ча» деб бақиривади.

Ана шундай ўйин-кулги, мусиқа билан келинникига кириб бордилар.

Расм-русумлар биттач, куёв-келин оқ «Волга»га киришди. Келиннинг ёнида дутонаси, куёвнинг ёнида жўраси. Қолган иккита енгил машина ҳам қизлар, жувонлар билан тўлди. Бошқалар автобусга чиқдилар. Яна ўша қийқирик, мусиқа, ёр-ёр билан ресторанга йўл олдилар.

Буларнинг ҳаммаси Шаҳриёрга жуда қизиқ кўринди. «Бу ерда одатлар бошқача экан, деб ўйлайди у. Ёр-ёрни аёллар айтаркан, бизда эркаклар айтади-ку». Қишлоқдаги тўйларда айтиладиган ёр-ёр эсига тушди. Аввал бир киши бошлайди: Томда товук ётади... Ҳамма бараварига ёр-ёр, ёрон-ей, дейди. Кейин бошловчи давом этади: оёғи шамдай қотади, ёр-ёр, ёрон-ей... Шу замоннинг қизлари ёр-ёр, ёрон-ей, нархини ошириб сотади-ё ёр-ёр, ёрон-ей...

Қуёш ботганда ресторанга етиб келишди.

Ресторан дегани ажойиб экан. Узун столлар қўйилган, оппоқ дастурхонлар солинган. Катта-кичик шишалар, турли ноз-неъматлар терилган. Ресторан дега-нида девор йўққа ўхшайди, ҳамма тарафи ойнаванд. Шаҳриёр тоза таажжубланди. Ғалати экан-ку.

Тўйни Эркин Комилов деган артист бошқарди. Пиримқул у билан ака-укадай қадрдон экан. Шаҳриёр Эркин Комиловни телевизорда кўп кўрган. Бутун унинг ўзи билан қўл бериб кўришди. Кимдир Шаҳриёрни кўрсатиб «Бу Пиримқулнинг укаси», деди. Эркин Комилов «Шундайми? Қани кўришайлик-чи, полвон йигит», деб Шаҳриёр билан қўл олишди.

У тўйни шундай қизитди, шундай қизитди. Гапга тоза бало экан. Ҳамманинг ичагини узди.

Шаҳриёр жўраларининг олдида роса мақтанадиган бўлди-да. Эркин Комиловни кўрдим, у билан қўл бериб кўришдим, деса улар ишонармикан? Ишонмаса ўзидан кўрсин.

Яна қанча ашулачилар келишди. Навбатма-навбат қўшиқ айтишди, қизлар ўйинга тушишди. Ҳаммаси Пиримқулнинг ошналари экан. Артистликкаям акаси ўқиган институтда ўқишаркан-да!

Келин-куёвнинг ўртоқлари уларни тўйи билан табриклашди. Охирида ҳамма ўйинга тушди. Роса зўр бўлди ўзиям. Шаҳриёр маза қилди.

Эртаси куни тушдан кейин улар автобусга ўтириб Самарқандга жўнадилар. Бўстон хола, яна икки-уч аёл қолди, холос. Шаҳриёр ҳам қолмоқчи эди, отаси рози бўлмади.

— Иш кўп улим, шунча кун томоша қилдинг. Бундан буён тез-тез келаверасан акангдикига. Бир ҳафта ўн кунлардан сўнг қишлоқда тўй қиламиз. Тайёргарлик кўриш лозим, — деди Бердикул бобо.

Шаҳриёр индамади, ҳўп деб автобусга чиқди...

Улар қишлоққа кириб келишганида вақт хуфтонга яқинлашган эди.

ТОҒА ҲИКОЯСИ

Оқшом ҳамма қариндошлар-уруғлар Шаҳриёрлар-никига йиғилишди. Гап мавзуи — тўй: қандай ўтди, нима бўлди? Аёллар келинни сўрашади; қанақа экан, озғинми-семизми, дарозми-паканами, сариқми-қорамми, сочи узунми ё қирқилганми? Бунга ўхшаш саволларнинг охири йўқ.

Гап айланиб яна қишлоққа кўчди. Бердикул бобо Шаҳриёрнинг тоғасига қаради.

— Сиз қийналмадингизми ишқилиб. Бутун мол ҳол сизга қолиб кетувди.

Тоға кулди. Сўнгра ҳайрат ила гапга тушди.

— Қийналмадим, — деди у. — Лекин Олапарга қойил қолдим. Ўтирганлар унинг оғзига термулди. — Мен ўзим Олапардан қўрқаман. Бойланган бўлсаям яқинидан ўтишга юрагим дов бермасди. Кетганларингизда мени ташвишга солган нарса шу эди: Олапарга қандай қилиб овқат бераман, деб ўйловдим.

Ўша куни кечқурун Олапарга овқат олиб келдим. Узоқдан туриб: «Олапар, мен сенга овқат олиб келдим. Нарироқ тур, овқатингни солай. Бўлмаса сендан қўрқаман», дедим. Ишонасизми, то занжири етган жойгача орқасига тисарилди. Қўрқа-писа овқатни идишига солдим. Сал узоқлашдим-да, унга қарадим. Олапар ҳамон бояги жойида. Ке энди овқатингни ичавер, дедим. Шундан кейин овқатга яқинлашди.

Бу гапни эшитиб айримлар кулди: «Лофниям ола-сиз-да».

— Ие, — деди тоға, — ҳали ишонмаяпсизларми. Бу нима бўпти. Энг қизиғини эшитинг.

Шу куни хўп овқат ичипти. Эртаси куни эрталаб яна овқат олиб келиб, боягидай, дедим. У яна четга ўтиб турди. Овқатни қўйдим. Пешинда келсам, овқатини ичмаган. Қорни очса ичар, деб индамай яна овқат солиб кетавердим. Кечқурун келдим. Қарасам, яна ичмаган. Бир чеккада букчайиб ётибди. Ҳар доим келганимда думини ликиллашиб турарди. Бу сафар менга қарамадиям. Ҳайрон қолдим.

Касал бўптимиз нима бало деб ўйладим. Эски овқатларни тўкиб ташладим-да, янгисини қўйдим.

Эрталаб келсам яна ичмаган. Қисқаси, икки кун мутлақо овқат емади. Бундай қарасам, тумшугини икки оёғи устига қўйиб жим ётиптию кўзларидан жимирлаб ёш оқаяпти. Жуда ажабландим. Нима бўлди экан бунга, деб ўйлаб ўйимга етолмайман. Тилизабони бўлмаса жониворди бир нарса деса.

«Балки уйда ҳеч ким йўқлигига хафа бўлаётгандир», деган ўй миямга келди. «Олапар, — дедим, — эгаларинг тўйга кетган, хафа бўлма, эрта-индин кеп қолишади. Ол, овқатингни ич». Шундай деб овқатини янгиладим. Зардолининг тагига бордим-да, бирпас қараб ўтирдим. У аста ўрнидан турди, овқатга яқин келди. Шу ердалигимни билиб менга қаради. «Ол, ичавер, булар тўйга кетишган, рост айтяпман. Шунинг учун мен овқат опкелаяпман сенга», дедим яна. Шундан кейин у овқатини ича бошлади.

Бугун эрталаб борсам идишини тозалаб қўйипти. Ўзиям думини ликиллашиб турипти. Овқат қўйдим-да, «Ол, ич, эгаларинг бугун оқшом келишади» дедим.

Мен унинг ақлига қойил қолдим.

Тоғанинг ҳикояси кўпчиликни ҳайратга солди. «Наҳотки шу рост бўлса?» дейишди айрим ишонмаганлар. Бошқалар «Рост, ишонса бўлади. Олапар жудаям ақли ит», деб тоғанинг гапини тасдиқлашди.

Шаҳриёр тоғасининг ҳикоясини тингларкан, Олапардан хурсанд бўлиб ўтирди. «Қандай ажойиб кучугимиз бор», деб ғурурланиб қўйди ўзича.

КЕЛИН КЕЛДИ

Бердиқул бобо айтганини қилди. Тошкентдаги тўйдан ўн кун кейин қишлоққа тўй берди. Шаҳриёрларнинг уйига одам тўлиб кетди. Тошкентлик келинни кўрамиз, деб яқин атрофдаги хотин-халаж оқиб келаверди. Шаҳарлик келиннинг шохи бораканми, билмайман...

...Тўй тарқади. Меҳмонлар ҳам. Қудаларни Пиримқул Самарқандгача кузатиб қўйди.

Эртаси кун и эрталаб шаҳарлик келин эрта туриб ҳовлига сув селиб, супура бошлади. Бўстон хола «Қўйинг, болам, ўзим супураман. Сиз ҳали меҳмонсиз», деди. Келин «қўл-оёқлигина» экан, қайнонасининг гапига кўнмади.

Ниманидир кўрдими, Олапар бирдан зарб билан вовуллади. Келин итни ечиқ деб ўйлади шекилли, додлаб юборди. Бўстон хола югуриб келди: «Қўрқманг, келин, қўрқманг. Олапар бойланган. У сизга индамайди... Билади». Қайнонасининг гапидан кейин ҳайратланди. «Нега энди менга индамайди? Билар эмиш. Қаттан билади?»

Нонуштадан кейин келин бу гапни Пиримқулга айтди. У ҳам онасининг гапини маъқуллади. «Қўйсангизчи. Ит қаттан билади», деди келин. «Кўрасиз-да... Ўзингизам ҳайрон қоласиз ҳали». Пиримқул шундай деди-да, Шаҳриёрни чақирди.

— Шаҳриёр, янгангни Олапарди олдиға олиб бор. Келиннинг қошлари чимирилиб кетди.

— Вой, нима девоссиз, қўрқаман.

— Қўрқманг,— деди Шаҳриёр.— Олапар индамайди. У одамни танийди.

У яримта нон олиб келди-да, янгасига тутқизди.

— Манг, шуни берасиз Олапарга.

Олдин Шаҳриёр, орқасидан келин эргашди. Улар яқинлашганда Олапар ётган жойидан туриб, думини ликиллашиб эркалана бошлади. Унинг ҳайбатини кўриб келин ваҳимага тушди: «Вой, қўрқвомман!»

— Олапар, — деди Шаҳриёр, — мана янгам... Нонни беринг.

Келин нонни синдириб Олапарга отди. Шаҳриёр кулди.

— Отманг, олдига бориб узатаверинг. Индамайди. Ёқмаган одамини кўрса узоқдан вовуллаб ташланаверади. Кўряпсизми, олдига келсангиз ҳам индамай турипти-ку.

Келин Олапарга яқинроқ борди.

— Олапар, Олапар,— деди кўрқа-писа. Бир бурда нонни унга узатди. Олапар унинг қўлидан нонни олиб еди.

— Яна беринг.

Келин ноннинг қолганини берди.

Олапар жонивор нонни еди-ю, индамай тураверди. Худди келинни бир неча йилдан бери биладигандай, унга қараб эркаланди.

Уларни Бердиқул бобо айвонда кузатиб турарди. Аввалига у ҳам чўчиди. «Ит-да, билиб бўладими, бирдан ташланиб қолса, келин кўрқиб кетиши мумкин». Йўқ, Бердиқул бобонинг хавотири ортиқча эди. Олапар миқ этмади.

Шаҳриёр билан келин айвонга қайтишди.

— Ҳа, қалай экан,— деди Пиримқул кулиб.— Энди ишондингизми?

Келин ҳам кулимсиради.

— Мани еб қўйса керак, деб ўйловдим.

Келиннинг бу гапи Бўстон холага жуда эриш туюлди.

— Ўзини есин-эй. Ундай деманг-э, болам. Яхши гапгайм, ёмон гапгайм фаришта омин, дейди.

Бўстон холанинг соддалигидан келин билан Пиримқул маза қилиб кулишди.

Уч-тўрт кундан кейин келин кўрқмай Олапарнинг олдига борадиган бўлди. Олапар ҳам келинга ўрганиб қолгандай, уни кўриши билан думини ўйнатиб, эркаланаверади. Келин эса унинг овқатини, сувини қуяди. Қизиқиш билан Олапарга нималарнидир гапирди...

Шаҳриёр янгаси билан кадрдонлашиб қолди. Келин ундан кўп нарсаларни қизиқиб сўрайди. Шаҳриёр ҳаммасини эринмай айтиб беради. У эса Тошкент ҳақида, институтлар ҳақида сўрайди. Янгаси унга Тошкентга ўқишга боринг, деди. Унинг қизиқувчанлиги, муомаласи, ширин-ширин гапириши келинга маъқул тушди...

Августнинг охирларида Пиримқул билан хотини Тошкентга жўнаб кетди. Бундан Шаҳриёр анча маҳ-

зун тортди. Хайрлашаркан, янгаси Шаҳриёрнинг қўли-ни қисди-да:

— Тошкентга боринг, Шаҳриёр, — деди.

Шаҳриёр хўп оҳангида бош ирғади...

Учинчи боб

ИШТИЁҚ

Шаҳриёрнинг уйқуси қочиб кетди. Гоҳ у нарсани, гоҳ бу нарсани ўйлайди. Ёз давомида кечган воқеалар кўз ўнгидан ўта бошлади. Самарқанд сафари, қуён қувлаш, Анварнинг оёрига темир кириб кетиши, Тошкент, метро, тўй, янгаси... Ҳаммасини бир-бир ўйлаб чиқди. Анвар эсига тушганда юраги сиқилди. Голиб қаерданам топиб келди шуни. Анвар бечора шунча азоб тортди.

Хаёли мактабга кўчди. Икки-уч кундан кейин ўқиш бошланади. Яна эрталаб барвақт тур, дарс тайёрла, китоб ўқи... Темировнинг ҳар хил ҳангомалари... Синфдошларини ўйлади. Улардан кўпчилигини мактаб ёпилгандан бери кўргани йўқ. Ким қаерга борди экан?

Синфдошлари билан кўришишни ўйлаганда Шаҳриёрнинг юраги гупиллаб кетди. Ўқишнинг дастлабки кунлари ҳаяжонли бўлади. Ҳамма ёз давомида кўрган-эшитганларини гапириб беради. Мазза... Нилуфар қандай экан? Уям бирон жойга томошага бордимикан? Уларнинг қишлоғига иш билан икки-уч борди, лекин уни учратмади. Бир марта ҳатто уларнинг кўчасидан ўтди, дарвозаси очиқ экан, ичкарига мўралади ҳам. Бироқ ҳеч ким кўринмади.

Хаёли энди Нилуфар атрофидан нари кетмади. Бутун синфдошлари орасидан у алоҳида бўлиб кўрина-верди. Узоқ хаёл сурди. Сўнгра ширин тамшаниб қўйди.

Қачон ухлаганини ўзи ҳам билмайди. Олапарнинг безовта ҳолда вовуллаганидан уйғониб кетди.

У юзини ювиб артинаётганди, сигир соғиб бўлган Бўстон хола молхонадан чиқди. Онасига салом берди.

— Ваалайкум ассалом, — деди Бўстон хола. — Яхши ётиб турдингми, болам. Анвар жўранг кепти-ку, эшитдингми?

— Йўқ. Қачон кепти?

— Кеча туздан кейин. Боя акасини кўрдим. «Анвар яхшими? Оёғи тузалиб қолдими?» десам, ҳа, тузук, келди, деди. Бир бориб кўриб келгин.

Шаҳриёр чой-пой ичмаёқ Анварнинг олдига чопди.

У ҳам энди турган экан. Иккови қучоқлашиб кўришди.

— Тузалиб кетдингми? Темирни олиб ташладими?

— Йўқ,— деди Анвар.— Ҳозир олиб бўлмаскан. Яра энди тузалаяпти. Яна ўн-ўн беш кун дўхтирга қатнашим керак. Икки-уч кунда дори кўйиб боғлаб турсин, деди.

— Темирди қачон олади? Яна ётасанми касалхонага?

— Ренгин қилади. Агар жойида турган бўлса олмас экан. Тураверар эмиш, ҳеч қандай зиён қилмас эмиш. Абдумутал ака айтди.

— Абдумутал аканг ким?

— Менга қараган врач-да!— деди Анвар врачга ўзини яқин олиб. — Агар темир суякка келиб қадалса олиб ташлаш керак экан. Меники суяқдан анча олисда.

Иккови бирга нонушта қилди. Уёқ-буёқдан анча гаплашиб ўтиришди. Шаҳриёр Тошкентга бориб келгани, акасининг тўйи ҳақида ҳикоя қилиб берди. Метрони, фаввораларни, Тошкентдаги баланд-баланд иморатларни ҳаяжонланиб сўзлади. Эркин Комилов билан кўришганини, тўйни шу бошқарганини айтганида Анварнинг кўзлари чарақлаб кетди.

— Телевизорда чиқадаган Эркин Комиловми? — деб сўради ҳаяжон ила.

— Ҳа,— деди Шаҳриёр керилиб.— Ўша. У акам билан ошна экан.

Шаҳриёрга Анварнинг ҳаваси келди.

— Маза қил кепсан-да!

Анварнинг гапи ўйчан, бирмунча маҳзун чиқди. Шаҳриёр жўрасининг кўнглини кўтарди.

— Шу топда касал бўп қолганингни қара. Бирга борардинг биз билан.

Ташқарида кимнингдир гапиргани эшитилди. Анварнинг онаси: «Келинглар, болаларим, келинглар. Анвар ичкарида Шаҳриёр билан гурунглашиб ўтирипти», деди.

Ғолиб, Акбар, Акмал кириб келди. Анвар уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида врач нима деганини гапириб берди. Оёғининг ярасини ечиб кўрсатди.

— Мактабга борасанми?— деб сўради болалар.
— Бораман. Ичим қизиб кетди ўзимниям.
— Шарифнинг қулоғининг ёнига сенинг оёғинг қўшилди,— деди Акбар кулиб. Ҳаммаси кулишди.
— Ишқилиб Темиров билмасин. Билиб қолса гапиравериб одамни безор қилади.

Анварнинг гапига яна кулишди.

Кечга томон болалар тарқалишди.

Шаҳриёр уйга келувди, онаси унга хат узатди.

— Акангдан хат келди, болам. Ҳозиргина почтачи бериб кетди. Ўқи-чи, эшитайлик...

Шаҳриёр конвертга кўз югуртирди-да, ичини очиб ўқий бошлади.

Бўстон хола ўзлига анграйиб қаради-да, овозингни чиқариб ўқи, деди. У ҳозир деб, аввал ўзи ўқиб олди. Кейин товушини чиқариб онасига ўқиб берди.

Пиримқул яхши етиб боришганини, эрта-индин ўзи ишни, хотини ўқишини бошлашини ёзипти. Ота-онасининг, укаларининг соғлигини сўрапти. «Ўзинг қалайсан,— дебди Шаҳриёрга. Мактабга тайёргарлик кўраяпсанми? Анвар жўрангни оёғи тузалиб кетдими, касалхонадан чиқдими?»

Акасининг хати билан бирга пакетда яна бир кичкинагина қоғозча бор эди. Уни янгаси ёзипти Шаҳриёрга. Ҳол-аҳвол сўрапти. Мактабни битириб Тошкентга ўқишга келинг, депти.

Хатни ўқиб Шаҳриёр суюниб кетди. Тезроқ мактабни тамомлаб Тошкентга бориш иштиёқи жўш урди қалбида.

— Мактабга оборадиган нарсаларинг тайёрма, болам?

Онасининг гапи унинг хаёлини бўлди.

— Ҳозир тайёрлайман,— деди у завқ ила.

Тошкентга ўқишга бориш учун яхши ўқиш керак. Фақат беш олиш зарур. Бўлмаса институтга кириш қийин. Ахир у Тошкент бўлса...

Шаҳриёр шу ният билан китоб-дафтарларини тайёрлашга киришди.

Ҳалигина мактаб бошланаётганидан сал бўлса-да, оғриниб турган Шаҳриёр энди ўқишни орзиқиб кута бошлади. Орадаги икки-уч кун ҳам узоқдай туюлди...

1987 йил.

МУНДАРИЖА

Ҳикоялар

Чўли ироқ.	4
Севги сози.	12
Султон билан Малика	22
Тарози.	30
Момақалди роқ.	38
Кашфиёт.	44
Иқроф.	52
Ука.	60
Кўнгил	70
Тўқайда	77
Ёлғизлик	88
Ўжар	95
Атрофда баҳор	106

Қиссалар

Чироқ ўчмаган кеча	114
Кўккўл	203
Таътил кунлари...	277

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ

КЎККЎЛ

Ҳикоялар, қиссалар

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2005**

**Муҳаррир Т.Долиев
Рассом Ш.Ҳазратқулов
Бадий муҳаррир Б.Бобожонов
Техник муҳаррир Р.Бобохонова
Мусахҳиҳ Л.Раҳматов**

Теришга берилди 25.11.2004. Босишга рухсат этилди 21.12.2004.
Бичими 84x108¹/₃₂. Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли бос-
ма табоғи 18,5. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,9. Адади 3000 нусха. Бу-
юртма № 945. Баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**